

«ЖАҲОН АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ»


ТЕОДОР ДРАЙЗЕР

БАХТИҚАРО КЕРРИ

РОМАН



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2007



Русчадан

ЭРКИН НОСИРОВ

таржимаси

Драйзер, Теодор.

Бахтиқаро Керри: Роман // Э. Носиров тарж. — Т.: «Шарк», 2007. — 512 б.

ББК 84 (АҚШ)

ISBN 978-9943-00-006-3.

ОҲАНРАБОНИНГ МАФТУНҚОР КУЧИ. СТИХИЯ ҲУКМИДА

Каролина Мибер кундузи Чикагога йўл олган поездга минганида қўлида сунъий тимсоҳ терили арзонгина, мўъжаз чамадончадан бўлак ҳеч вако йўқ эди. Унда нонушта солинган кути, темир йўл билети ва Ван-Бьюренстритда истикомат қиладиган опасининг адреси ёзилган бир парча қоғозу тўрт доллар пул солинган сарик чарм ҳамён бор эди, холос.

Бу воқеа 1889 йилда юз берди. Каролина эндигина ўн саккизга тўлган. У эсли-хушли, бироқ тортинчокрок қиз бўлиб, ёшлик ва ғўрлик йилларида кишини тинч қўймайдиган ширин орзулар оламида чарх урарди. У ота-онаси бағридан кетаётганида нимагадир юраги увушди, бироқ бунда ҳар қалай ҳозиргина ўзи юз ўгирган ҳаётнинг афзал томонларини хаёлига ҳам келтирмади.

Онаси сўнгги бор ўпганида унинг кўзларидан ёши тиркиради, поезд отаси мардикорчилик қиладиган тегирмон ёнидан ўтганида томоғига нимадир тикилди, шаҳарнинг таниш ям-яшил чеккалари липиллаб орқада қолиб, уни ота уйи билан бўшроқ боғлаб турган ришта мангуга узилганда кўксидан кучли бир хўрсиниқ отилиб чиқди.

У яқинроқдаги станциялардан бирида тушиб қолиб, уйига қайта оларди, албатта. Олдинда бутун мамлакат билан ҳар куни келиб турувчи поездлар орқали боғланган улкан шаҳар ястаниб ётганди. Хаттоки Чикагодан туғилган жойингга келиш мушкул экан, Колумбия-сити деган шаҳарча ҳам унча олис эмас-ку. Бир қанча юз миль келадиган масофани босиш ёки бир неча соат йўл юриш нима деган гап?

Каролина опасининг адреси ёзилган қоғозга қараб, беихтиёр ўйга чўмди. У кўз ўнгидан лип-лип ўтаётган ям-яшил манзарани томоша қилиб борарди. Сўнгра йўлдаги илк таассуротлари унутилаёзиб, хаёлини Чикаго қандай шаҳар экан, деган ғира-шира тахминлар банд қилди.

Ўн саккиз баҳорни кўрган қиз ота уйини тарк этса ё яхши одамлар кўлига тушиб, ишлари юришиб кетади, ё пойтахтдаги ахлоқ таъсирига тезда берилиб, баттар бўлади. Бунда аросат деган нарса бўлмайди.

Улкан шаҳар — макрнинг кони. Ундаги қудратли кучлар зўр одоб соҳибаларини ҳам хийлалар ила ўзига тортади, чорлайди. Мингларча чироқларнинг порлаб туриши севилган кўзларнинг гўзал бокишидан кам таъсир қилмайди, беғубор ва содда қалбнинг маънавий таназзулига аввало инсонни лол қилган таъсирлар сабаб бўлади. Товушлар уммони, ҳаётнинг даҳшатли ғала-ғовури, қаёққа қараманг виж-ғиж кўринган одамлар ҳайратланган қалбларни хижил қилади ва хавотирга солади. Ёнингда ҳаммасини вақтида тушунтириб, ақлли маслаҳат бериб тургучи одам бўлмагандан кейин, ҳалигиларнинг бари лол қолган ёшгина вужуд қулоғига қанчадан-қанча ёлғон-яшиқларни пичирламайди дейсиз. Бу таъсирлар ташқи гўзаллиги ила (уларни муносиб баҳолаш ҳазил эмас) худди қуй сингари инсондаги эҳтиёткорликни камайтиради, уни бўшаштиради, сўнгра ўз гирдобига олади.

Каролина ёки оилада эркалаб аташганларидек «жажжи» Керрининг ақли ҳали тиниқ эмасди. У теварак-атрофидаги нарсаларни кузатиб, улардан ўзига керакли хулосалар чиқара олмасди. Унинг худбинлиги ҳам табиатига монанд бўлиб, гарчи аниқ-равшан сезилиб турмаса-да, ҳар қалай, табиатининг асосий белгиси деб ҳисобласа бўларди. Қизнинг қалбида ёшлик орзулари алангаланар, балоғат ёшига етаётганидан хуснда баркамол, қадди-қомати ҳам расо бўладигандек кўринар, кўзлари эса туғма ўткирлик ила боқарди. Қисқаси, Керри фақат ота-онаси эмас, бобокалонлари ҳам Америкада ўтган ўртаҳол америкалик аёлнинг гўзал намунаси эди.

Керрини мутолаа сира ҳам қизиқтирмас — билим олами унинг учун берк эди. Нозу карашма бобида унда тажриба борлиги мутлақо сезилмасди. У бошини орқага шўхчан ташлаб кўйишни ҳали ўрганмаган, қўлларининг ҳаракати ҳам беўхшов, ингичка оёқларини ҳам оғир-вазмин босиб юрарди. Шундай бўлса-да, у ўзига қараб юрар, ҳаёт қувончларига бағрини очар ва моддий неъматларга зўр бериб интиларди.

Жажжи Керри бамисоли сирли шаҳарга бахт излаб чиққан, яхшилаб қуролланмаган ва фотихга ўлжа бўлган бу шаҳар оёғим остида ётибди ҳисоб, деб эришилмаган ғалабаларнинг мубҳам орзусида юрган кичкинагина рицарь эди.

— Бу Висконсин штатининг энг гўзал ва мўъжазгина курортларидан бири, — Керрининг нақ қулоғи тагида кимнингдир овози янгради.

— Шундай денг? — деди Керри ҳаяжон-ла унга жавобан.

Поезд Рокиш станциясидан эндигина қўзғалганди. Керри орқа томонида қандайдир бир эркак турганлигини олдинроқ пайкаган, ажиб зулфидан кўз узмаётганлигини ҳам сезиб турарди. Керри бу кишини нима қизиқтираётганлигини дархол фаҳмлади. Қизларга хос камтарлик ва туғма сезги унга, ёнингдаги одамнинг беодоблик қилишига йўл қўйма, уни ўзингдан йироқроқ тут, дерди. Бироқ қўшнисининг бой тажрибаси ва аввалги муваффақиятларининг самараси бўлмиш дадиллиги ва мафтункор кучи устун келганлигидан Керри жавоб қайтарди.

Ҳалиги киши олдинга салгина эгилиб, тирсагини Керри банд қилган ўриндиқнинг суянчиғига тиради-да, ўзини ажойиб ҳамроҳ қилиб кўрсатиш ниятида гап бошлади:

— Ҳа, бу сулув гўша. Бу ерга Чикагонинг фуқаролари истироҳатга келишади. Сиз, бу ерлар билан таниш эмассиз шекилли?

— О, йўғ-е, танишман, — жавоб қилди Керри. — Тўғрироғи, мен Колумбия-ситида тураман, бу ерга эса шу чокқача келмагандим.

— Демак, бу сизнинг Чикагога биринчи сафарингиз экан-да ҳали? — деб қўйди нотаниш киши.

Керри суҳбат асносида ҳамроҳига зимдан қараб қўярди. Ҳамроҳи силлиқ ва қип-қизил юзли, қизғиш мўйловли киши бўлиб, бошида юмшоққина шляпаси ҳам бор эди. Керри энди ўгирилиб, унинг юзига тик боқди. Унинг ҳам ўзини босгиси, ҳам аёлларга хос ишвага эрк бергиси келарди.

— Сизга бу менинг биринчи сафарим деганим йўқ! — деди Керри.

— Ҳали шунақами? — Керрининг ҳамроҳи ўзини адашган кўрсатиб устамонлик қилди. — Менга шундай туюлди шекилли.

Бу одам савдо хонадонининг типик коммивояжери¹ бўлиб, ўша даврнинг лаҳжасида «барабанчилар» деб ном олган кишилар тоифасига мансуб эди. Унга, шунингдек,

¹ Коммивояжер — буржуа жамиятида бирор фирманинг молларидан нусха кўрсатиб, шахарма-шахар юриб буюртма тўпловчи одам.

«барабанчи» сўзидан анча кейинроқ вужудга келган ва ўн тўққизинчи асрнинг охирларида халқ орасида тарқалган, кўнгилчан ёшгина жувонларнинг назарига тушиш ва кўзини ўйнатишни мўлжаллаб кийинадиган ва ўзини назокатли қилиб кўрсатадиган кишилар қиёфасини белгилайдиган «олифта» деган сўз ҳам ёпишиб тушар эди.

Жигарранг катак костюм ўша пайтларда эндигина расм бўла бошлаганди, кейин эса ишбилармонларнинг бари шунини кийишни одат қилишди. Бу кишининг шундай костюм тагидан кийган жилетининг очиқ жойидан крахмаллаб қотирилган оқ ва бинафша ранг йўл-йўл кўйлагининг кўкрак қисми кўришиб турарди. Костюмнинг енгларида ўша рангдаги кўйлагининг олтин суви югуртирилган ва сариқ ақиқ кўзли катта илма тугма қадалган енг учлари кўзга ташланарди. Ақиқ тошни кўпинча «мушук кўзи» дейишади. Қўлларида эса бир неча узук ялтирар (улар орасида ҳамишаги муҳрли узук ҳам бор эди, албатта), жилетининг чўнтагидан соатнинг олтин занжири осилиб турар, унга махфий Буғилар ташкилотининг нишони тақиб кўйилганди. Эгнидаги костюми бамисоли кўйиб кўйгандай. Ялтиратиб артилган қалин тагчармли ботинкаси билан юмшоққина кулранг шляпаси уни бекаму кўст тўкис кўрсатарди.

Бу нотаниш одамнинг кўзига маънавий савияси Керри даражасидаги қиз қизиқарли кўринарди. Шу важдан Керри унга бир қарагандаёқ унинг устидаги нархини оширадиган нарсаларнинг барини пайқади қўйди.

Мабодо оламда бу хилдаги кишиларнинг уруғи қуригудай бўлса, китобхонларим кийналмасинлар, деб уларнинг қизларни оғдириб олишда муваффақият билан ишлатиб юрган усул ва ҳийла-найрангларини тасвирлашга журъат этаман. Яхши усти-бош коммивояжернинг асосий дастаги, шу бўлмаса ҳолига вой. Сўнгра у жисмоний жиҳатдан бақувват бўлиши, аёлларга ишқибозлик ана шу бақувватликни чертиб туриши керак. Олам муаммолари, уни бошқариб турган кучлар хақида унча-мунча бош қотириш деган гаплар унга тамомила ёт бўлиб, нимаки қилса очкўзликдан эмас, хилма-хил кўнгилочар ишларга юқолиги туфайли қилар эди.

Буларнинг қизларни қўлга олиш усуллари жуда содда бўларди. Бунда аввал дадиллик асқотиб, у аёл кўнглига кучли майл ва ифтихор туйғусини уйғотишга асосланади.

Бундай одам ёшгина жувонни учратиб қолганда унга

шунчаки бстакаллуф мулозамат қилар, гоҳо илтижога ўтар ва кўпинча муродига етарди.

Мабодо аёл таннозроқ кўринса, унинг капалак нусха қилиб боғланган лентасини тўғрилаб қўйишга журъат қилар, «бўшашганини» сезгандан кейин ўша заҳотининг ўзида шунчаки отини айтиб чақираверарди.

Коммивояжер мабодо универсал магазинга кириб қолгудай бўлса, пештахтага бемалол тирсагини тираб, сотувчи қизнинг этини ўлдирувчи бир неча сўз қотарди. Нозикроқ давраларда, шунингдек, поездда ёки кутиш залларида ўзини эҳтиёткор тутади. Бироқ кўзига ўзибоп нозанин кўринди дегунча меҳрибон ва серилтифот кимсага айланади кўяди, об-ҳаводан гап бошлайди, вагонларнинг эшигини боодоблик билан очиб туради, чамадонни олиб киришга кўмаклашади, мабодо буни эплаёл-маса поезд белгили манзилга етгунча мулозамат қилишнинг йўли чиқиб қолар, деган умидда хонимнинг ёнига ўтириш пайдан бўлади. Ҳамроҳининг бошига ёстик қўйиш, ўқиб кетишга китоб таклиф қилиш, оёғининг тагига скамейка қўйиш, пардани тушириш борми — қўйингчи, бундай нарсаларнинг бари ундан қочиб қутулмайди. Манзилга келганларида эса бирор иш чиқара олмаслигига кўзи етган тақдирдагина ҳамроҳининг юкини кўтариб кетидан тушмайди.

Бир кунмас-бир кун битта-яримта аёлнинг кийим-кечак хусусида рисола ёзмоғига тўғри келади. Аёл ҳар қанча ёш бўлса-да, кийимнинг фарқига боради. У эркакнинг кийимига баҳо берганда билинар-билинемас чизик тортиб эркакларни арзийдиган ва арзимайдиганга бўлади. Ана шу чизикдан пастда қолган кимсага аёл ўлса ҳам бокмайди.

Бунинг устига аёл ўз либосини эркакнинг усти бошига солиштириб кўради. Керрининг вагондаги кўшнисини ҳам уни беихтиёр равишда ана шундай муқоясага ундади. Шунда Керри икковлари бир-бирларига тенг келолмасликларини тушунди. Устидаги қора гулли кўк қўйлагига кўзига алвидо кўриниб кетди. Ботинкаси ҳам эскириб кетганига бирдан кўзи тушиб қолди.

— Буни қаранг-а, — Керрининг ҳамроҳи гашида давом этди, — мен шаҳарчангиздаги одамларнинг кўпчилигини биладиганга ўхшайман-ку! Айтайлик, Мергенротни — унинг тайёр кийимлар магазини бор, Гибсонни — газлама магазинининг эгаси...

— Ростданми? — Керри унинг гапини бўлди. Шунда

ана шу магазинларнинг витриналари олдида қанчадан-қанча дақиқаларни интизорликда ўтказганларини эслаб очилиб кетди.

У бўлса қизнинг эътиборини тортиш йўлини топганлигини пайқади. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, қизнинг ёнига ўтиб олиб, тайёр кийимларни сотиш юзасидан анчамунча ишларни битиргани, кўп жойларда бўлгани, Чикаго ва ундаги кўнгилочар нарсалардан гапира кетди.

— Мабодо борсангиз, Чикаго сизга жуда ёқиб қолади. У ерда қариндош-уруғларингиз борми?

— Онамни кўргани кетяпман, — деб жавоб берди Керри.

— Сиз Линкольн-парк билан Мичиган хиёбонини албатта кўришингиз керак, — деди у, — бахайбат иморатлар ўша ерда қуриляпти-да! Бу тўла маънодаги иккинчи Нью-Йоркнинг ўзгинаси. Шаҳармисан шаҳар! Кўришга арзийдиган нарсаларнинг бари ўшанда! Театрлар, виж-биж одамлар, кўркем уйлар. О, у ердагиларнинг бари сизга жуда ҳам ёқиб қолиши турган гап!

Керри вужудда қандайдир оғриқ сезди. Ана шу хашамларнинг барчасига нисбатан ўзини хасдай сезаркан, бундан эзиларди. Ўзини кўнгилочар нарсалардан бўлак нарсалар ҳам кутаётганини жуда яхши тушунар, шундай бўлса-да, ҳамрохи хикоя қилаётган нарсаларнинг барида умидвор қилувчи нимадир бор эди. Башанг кийинган бу одамнинг бунчалик эътибор билан қараши қизга хуш келарди.

Хамрохи битта таниқли актрисадан гап очиб, унга ўхшаб кетаркансиз деганида, Керри лаб-лунжини йиғиштириб ололмади. У лакма қиз бўлмаса ҳам, бу гап ҳар қалай кўнглига ёқиб тушди.

— Чикагода пича бўласиз-ку, шундайми? — деб сўради хамрохи энди жуда бемалол кетаётган суҳбатлари орасида.

— Очигини айтсам, мен билмайман, — Керри ийманibroқ жавоб берди. Шунда унинг хаёлига, у ерда иш тополмасам керак, деган фикр келганди.

— Ҳар нима бўлса ҳам у ерда бир неча ҳафта турарсиз? — хамрохи унинг кўзларига тик боқиб сира бўш келмасди.

Уларнинг оғизларидан чиқаётган сўзлар икки ўртада амалда рўй бераётган нарсаларни сира ҳам ифода қилолмасди. У қиздаги ёрқин гўзаллик ўрнини босиб турган қандайдир нозик жозибани фаҳмлаб турарди. Керри эса

унга маълум мақсадда ёқажагини тушунарди. Бу эса одатда аёлни хуркитиб юборади ва айни пайтда ховликтиради ҳам. Керри эса аёлларнинг чинакам туйғуларини пинҳон тутишларига кўмаклашадиган ва беозор кўринадиган усталикларидан хабар топишга улгурмаганидан бўлса керак, ўзини жуда бемалол тутарди. Унинг hozирги пайтдаги ўзини тутиши кўп жихатдан дадил туюлиши мумкин эди. Мисол учун ўшал дамда ёнида ақлли ва тажрибали бирорта дўсти бўлганида эркакнинг кўзига ҳадеб тик бокавериш керак эмаслигини қулоғига қуйган бўларди.

— Бу сизни нимага қизиқтиряпти? — сўради Керри.

— Шунинг учунки, ўзим ҳам Чикагода бир неча hafta бўламан. Мен фирмамизнинг моллари билан яхшилаб танишиб, янги намуналаридан намлаб олишим лозим. Шунинг орасида сизга шаҳарни кўрсатсам ҳам бўлади.

— Мен билмайман... Яъни сиз билан бора оламанми-бора олмайманми, бунисини билмайман демоқчиман. Гап шундаки, мен опамникида тураман, иннайкейин...

— Нима бўпти, агар у тўғаноқлик қилса, бошқа бирор йўлини топамиз, — ҳамроҳи унинг сўзини бўлди.

У шу лаҳзанинг ўзидаёқ худди ҳамма нарса аниқ келишилгандек, ёнидан кичкинагина қўйин дафтар билан қалам олди.

— Хўш, адресингиз?

Керри опасининг адреси ёзилган қоғоз турган ҳамёнини титкилашга тушди.

Ҳамроҳи шимининг орқа чўнтагига қўл солиб, ичида бир даста ям-яшил қоғоз пул билан бир талай хилма-хил ёзувли қоғозлар ва квитанциялар бўлган қалин ҳамён олди. Ҳамёни кўрганда Керрининг кўзлари ола-кула бўлиб кетди: у танишларидан биронтасида ҳам бунақасини кўрмаганди-да. Қиз умуман айтганда бунчалик тажрибали саёхатчи ва оқсуяклар олифтасини умри бино бўлиб кўрмаган, биринчи учратиши эди. Ҳамроҳининг ҳамёни, ялтироқ жигарранг ботинкаси, устидаги зўр костюми ва ўзини бемалол тутиши, хуллас, ҳаммаси қизнинг хаёлини кочирар, бу одамнинг беҳисоб бойликларини гўё унга кўз-кўз қиларди. Мана шуларнинг бари Керрини ҳамроҳига нисбатан мойилроқ бўлишга ундарди.

Ҳамроҳи ҳамёнидан ўз фирмасининг визит карточкасини олди. Унга тошбосма йўли билан «Бартлет, Карио ва К» деган сўзлар ёзилган, пастда, карточканинг чап бурчагига «Чарльз Друэ» деб қўшиб қўйилганди.

— Мени шундай деб чақиришади, — деди у карточкани Керрига узатаркан пастдаги фамилиясини кўрса-тиб. — Айтилишда «Друэ», ота томондан французман.

Друэ хамёнини чўнтагига солиб қўйгунча Керри карточкани томоша қилди. Друэ шундан кейин пиджагининг ички чўнтагидан бир даста хат чиқарди-да, улардан бирини суғуриб олиб, чеккасидаги суратга ишора қилди.

— Манави бизнинг фирма жойлашган уй. У Стэйт ва Лейк-стритнинг муюлишида.

Унинг овозида мағрурлик сезиларди. Бундай фирмада хизмат қилиш ҳазил эмас. Друэ буни қиз ҳам сезишни жуда-жуда хоҳларди.

— Хўш, адресингиз нимади? — Друэ яна сўраб, ёзишга шайланди.

— Керри Мибер, — деди у охиста. — Фарб томондаги Ван-Бьюрен-стрит, уч юз эллик тўртинчи уй, Гансоннинг квартираси.

Друэ адресни синчиклаб ёзиб олди, сўнгра яна хамёнини олиб, ён дафтарини унга жойлади.

— Мабодо душанба куни кечкурун борсам, сизни уйдан топа оламанми?

— Менимча, топасиз, — жавоб берди Керри.

Сўзлар калламизда гужғон ўйнаган беҳисоб фикрларнинг хира кўлкаларидир, деган гап нақадар тўғри! Улар биз овозимизни чиқариб айтолмайдиган улкан туйғуларимиз ва интилишларимизни боғлаб тургувчи жажжи халқалардир, холос.

Мана шу ердаги оқ скамейкада икки киши ўтириб, у ёқ бу ёқдан гаплашишди, бири ёнидан хамёнини, иккинчиси эса ёнчиғини олди, сўнгра визит карточкасини томоша қилишаркан, чинакам туйғулари қанчалик мубҳам эканлигини ўзлари ҳам тушунишмади. Сухбатдошининг хаёлига ҳозирги дамда нималар келаётганини пайқашга Друэ ҳам ожиз эди. Друэ кизни тузоғимга илинтира олармиканман, деган фикрга келолмай турар, Керри бўлса шериги то адресини ёзиб олгунча оқимда беихтиёр сузиб юрганидан хабари бўлмаган эди. Энди эса киз шеригига нимададир ён берганини, Друэ ғалаба қозонганини сезарди. Ўртада қандайдир муносабат пайдо бўлгани икковларига ҳам аён эди. Друэ сухбат тизгинини қўлига олганидан уни ҳеч бўшаштирмасди. Керри бўлса гапга қулоқ солар, эшитаётган сўзларининг мағзини чақиб ўтирмасди.

Улар Чикагога яқинлашишди. Сигнал чироклари милтиллаб қолди. Рўпарадан келаётган поездлар ғувиллаб



ўтарди. Уфқини кўз илмайидиган теп-текис ва яйдок прериялардан¹ улкан шахар томон саф тортган телеграф устуллари ҳам кўзга ташланади. Олисдан шахарга туташ жойларнинг қораси, фабрикаларнинг кўкка бўй чўзган трубалари кўринади.

Бийдек далада ёлғиз ўзи турган, атрофида на девори, на ихотаси бўлган ва гўё яқинлашиб келаётган уйлар армиясининг дозорчиларидек туюлган икки қаватли ёғоч иморатлар тез-тез кўрина бошлади.

Болага, даҳо тасаввурига мушарраф бўлган одамга ва умрида саёхатга чиқмаган кишига улкан шахарга яқинланиш нимаси биландир мўъжизакор туюлади. Айниқса, тирик жон борки, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтадиган, яъни нурнинг зулмат билан сирли кураш они бўлган оқшомлари шундай кўринади. О, тушаётган оқшомнинг ваъдаларини айтмайсизми! Тун толиққан одамга кўп нарсаларни сўйлай олади! У қанчадан-қанча кечмиш орзулар ва умидларни жонлантиради! Толиққан захматқашнинг қалби шунда тилга киради: «Тезда мен озод бўламан! Хурсандчилик қилаётганлар тўнига қўшилиб, улар билан бирга яйрайман. Кўчалар, чироқлар, дастурхон тузалган чароғон хоналар — бари мен учун! Театрлар, заллар, йиғилишлар, истироҳатга элтувчи йўллар ва шўх қўшиқларга бошловчи сўқмоқларнинг бари кеч кириши билан меники бўлади?! Гарчи бутун одамзод ҳали идора ва заводларда тер тўкаётган бўлса-да, хурсандчилик хавасида ёнади. Энг беҳафсала одамларнинг ҳам елкаларидан (улар ҳам шундай ахволга тушадиларки, буни доимо таърифлаш ёки айтиб бериш мушкулдир) оғир меҳнат юки ағдарилгандай бўлади.

Жажжи Керри деразадан қараб борарди. Шунда унинг синчковлиги юқумли дарддай ҳамроҳига ўтиб, Друэ ҳам улкан шахарга бошқача кўз билан қараб, қизга унинг мўъжизаларидан хикоя қилишга тушди.

— Бу Чикагонинг шимоли-шарқий қисми, — деди Друэ, лойка сувли дарёни кўрсатиб эса: — Манави бўлса Чикаго дарёси, — деб қўшиб қўйди. Олис юртлардан келган уч мачтали бахайбат кемалар унда тумшуқларини қоқ-қора ёғочлар қадалган гранит соҳилга тираб турарди.

Чийиллаб буғ чиқариб, тарақа-туруқ қилиб бораётган поезд зумда дарёдан ўтиб кетди.

¹ П р е р и я — Шимолӣ Америкадаги кенг дала номи.

— Чикаго буюк шаҳарга, ғаройиб шаҳарга айланишти! — деди Друэ гапида давом этиб. — Сиз унда кўришга арзигулик кўп нарсаларни топа оласиз.

Унинг сўзлари Керрининг қулоғига кирмасди ҳисоб. Қиз шу лаҳзада яккаю ёлғизлигини, тувилган уйидан анча олислигини ва ҳаёт билан жасоратнинг улкан уммони томон тўппа-тўғри учаётганлигини ўйлаганида бсихтиёр чўчиб кетди. Шунда нафаси тикилиб қолаёзди, юраги қаттиқ уриб кетганидан сал беҳузур бўлди. У кўзларини сал юмиб, буларнинг бари бўлмағур гап, Колумбия-сити Чикагодан унчалик олис эмас, деб ўзини ўзи иншонтиришга тушди.

— Чикаго! Чикаго! — деб қичқирди проводник эшикни тарақлатиб очаркан.

Поезд калин излар орасига кирди, тарақ-туруқ ва шовқин-сурон ҳамма ёқни тутиб кетди. Керри бир ҳолдаги чамадонини кўлига олди, бошқа кўлида ҳамёнини маҳкам чангаллаганди.

Друэ ҳам ўрнидан турди. Ҳар маҳалгидай, оёқларини чўзиб, шимини тўғрилади-да, покиза сариқ чамадонини ердан узди.

— Ҳойнаҳой сизни қариндошларингиз кутиб олишса керак? — деб сўради у киздан. — Ижозат берсангиз, чамадонингизни кўтаришиб борсам.

— О, йўқ! Керак эмас! — Керри шоша-пиша жавоб берди. — Раҳмат, хожати йўқ! Менга қолса опам билан учрашганимда ёнимда турмасангиз бўларди.

— Маъқул, — Друэ буни сира кўнглига олмасдан жавоб қилди. — Ҳар қалай, мен сизга яқинроқ жойда бўламан, мабодо опангиз вокзалда кўринмаса, уйига элтиб қўяман.

— Сиз жуда илтифотли экансиз, — деди Керри унга миннатдорчилик билдириб. У ўзига нотаниш бўлган бундай вазиятда ҳамроҳининг илтифоти нақадар қимматли эканлигини тушуниб турарди.

— Чикаго! — проводник яна чўзиб қичқирди.

Поезд олдинга шошилмай илгарилаб, чироқлари эндигина ёна бошлаган вокзал бостирмаси тагига кирди.

Йўловчилар эшиклар олдида уймалашишарди.

— Мана, етиб ҳам келдик, — деди Друэ эшик томон йўналаркан. — Душанбагача хайр.

— Хайр! — Керри шундай дея унинг узатилган кўлини қисди.

— Опангизни топгунингизча сизга кўз-қулоқ бўлишимни унутманг!

Қиз унга қараб ширин жилмайиб қўйди.

Йўловчилар вагонни бирин-кетин тарк эта бошладилар. Друэ ўзини худди уни кўрмаётгандек тутарди. Перронда юзларини ажин босган, кўримсиз бир хотин Керрини таниб қолиб, унга пешвоз чиқишга шошилди.

— Яхшимисан, Керри! — у шундай дея синглисини бепарво бағрига босди.

Керри опасидан поезддаги ҳамроҳидан кўргандай иззат-икром кўра олмаслигини зумда тушунди. У ана шу ғовур-ғувур, шовқин-сурон ва янгиликлар оғушида бўлса ҳам, воқелик бағрига муздай таъсир қилганини сизди. Чарақлаган чироқлар ва хурсандликлар олами қайда дейсиз! Кўнгил очиш ва маишат гирдоби қайда қолди. Опасининг афтига боқиб унинг ташвиш ва меҳнатда ўтиб келаётган машаққатли ҳаёти тарихини ўқиса бўларди.

— Хўш, уйдагиларнинг аҳволи қалай? — сўради опаси. — Отам қалай, ойим-чи?

Керри опасининг саволларига жавоб берса ҳам, нигоҳи олис-олисларда эди. Перроннинг охирида, кутиш залига ва кўчага олиб чиқадиган йўлда Друэ турарди. У ҳам ўгирилиб қаради. У қиз ўзини кўраётганига ва опасининг муҳофазасида эканлигига ишонч ҳосил қилгандан кейин буриларкан, кетишдан олдин сал жилмайиб қўйди. Керри буни пайқади. У тобора узоқлашиб бораётган Друэга қараб тураркан, гўё бирор нарчасидан айрилиб қолган одамдай сезарди ўзини. Кўздан бутунлай йўқолгандан кейин усиз бағри хувиллаб қолганлигини фаҳмлади. У энди ёнида опаси бўлса ҳам, ўзини асов ва бераҳм денгизда қолгандай ёлғиз сезарди.

И Б О Б

ҚАШШОҚЛИК НИМА БИЛАН ТАҲДИД ҚИЛЯПТИ? ГРАНИТ ВА БРОНЗА

Миннининг мўъжазгина квартираси ишчилар ва идора хизматчиларининг, Чикагога ҳар йили шаҳар аҳолисини эллик беш минг кишига кўпайтириб турган оқим билан келган кишиларнинг оилалари истиқомат қиладиган Ван-Бьюрен-стритдаги уйнинг учинчи қаватида жойлашганди. Олдинги хоналарнинг деразалари кечқурун-

лари турли озиқ-овқат магазинларининг витриналари чарақлаб турадиган ва болалар ўйини қизийдиган кўчага қараганди. Қизга конканинг дам яқинлаб, дам олислаб эшитилмай қоладиган кўнғироқчаларининг овози жуда ҳам ёқиб қолди. Минни синглисини меҳмонхонага бошлаб кирганида Керри дераза олдига бориб, чароғон кўчани томоша қила бошлади. У ҳар томонга қараб жуда кўп масофага чўзилган бепоён шаҳардан эшитилаётган товушлар, ундаги ҳаракатлар ва ғув-ғувлардан хайратда эди.

Уйдаги дастлабки «салом-алик»дан кейиноқ миссис Гансон боласини Керрига тутқизиб, ўзи кечки овқатга уннаб кетди. Мистер Гансон бўлса Керридан у-буларни суриштирган бўлди-ю, оқшомги газетани ўқишга тушди. Бу индамас одам Америкада туғилган бўлса ҳам, швед эди. У кушхонада вагон музхоналарини тозаларди. Уйига қайнсинглиси келса ҳам, у парвойи фалак эди. Қизнинг кўриниши уни ваҳимага солмади. Уни фақат бир нарса — Керрининг Чикагода иш топиш-топа олмаслиги ташвишлантирди.

— Шаҳар улкан, — деб қўйди у. — Уч-тўрт кундан кейин бирор ерга жойлашиб оласиз. Эртами-кечми ҳам-маям иш топиб кетади.

Керри бу ерга келгунича эр-хотин ҳамма ишни ўзларича пиштиб қўйишган, яъни Керри ишга кириши ва еб-ичгани учун ҳақ тўлаши лозим, деган фикрга келишганди. Мистер Гансон табиатан батартиб ва эҳтиёткор одам эди: у анча олисдан, шаҳарнинг кун ботиш томонидан иккита ер участкаси сотиб олгани важдан бир неча ойдан бери тегишли бадални мунтазам равишда тўлаб келарди. У бир кунмас, бир кун ана шу ерга уй солишни орзу қиларди.

Кечки овқат тараддуди пайтида Керри опасининг квартирасини айланиб чиқди. У сезгир, ҳар бир аёл каби синчков эди.

У уй эгаларининг дасти қисқалигини ва кунлари бир хилда ўтаётганини сезиб олди. Уйнинг деворларига хунук гул қоғозлар ёпиштирилган, полга арзон пояндоз тўшалган, меҳмонхонага эса юпқа увада гилам солинганди. Мебелнинг бесўнақайлиги, унинг амал-тақал қилиб ишланганлиги ва чамаси насияга олинганлиги кўзга яққол ташланиб турарди.

Керри болани кўтариб, опаси қуйманаётган ошхонага кирди-да, у ерда то чақалоқ йиғлагунча ўтирди. Шундан

кейин у болани овутмокчи бўлиб, ниманидир гингиллаб хонада у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Боланинг гингшиши Гансонни газета ўқитишига халал берди шекилли, у келиб, Керридан чакалоқни олди. Бу унинг характеридаги яхши томонини — юраги кенглигини кўрсатарди. Бунинг устига болажонлиги ҳам кўриниб турарди.

— Хай, хай! — дерди у болани кўтариб хонада у ёқдан бу ёққа юраркан. — Бўлди энди, жим! — Унинг талаффузидан швед эканлиги яққол сезилди.

— Сен, аввало шаҳарни кўраман дерсан, — деди Минни тановул пайтида. — Биз ҳаммамиз якпанба куни сенга Линкольн-паркни кўрсатамиз.

Керри Гансоннинг бу гапни эътиборсиз қолдирганлигини пайқади. Чамаси бу пайтда унинг хаёли бошқа нарса билан банд эди.

— Мен эртагаёқ айланиб иш қидириб кўрмоқчиман, — деди Керри. — Шунда жума билан шанба менинг ихтиёримда бўлади. Шаҳарнинг савдо-сотик дўконлари жойлашган қисми қай томонда?

Минни синглисига у томонга қаёқдан бориш кераклигини тушунтиришга киришганда эри гапини бўлди:

— Мана, — у қўли билан кўрсатиб гап бошлади, — кўряпсизми, бу кун чиқиш томон...

Гансон шундан кейин умрида биринчи марта Чикагонинг қаерида нималар борлиги хусусида узундан-узок гап бошлади.

— Сизга эртага Франкфурт-стриг ва дарёнинг нариги томонидаги қатор кетган улкан устахоналарга кириб ўтишни маслахат бераман, — деди у пировардида. — У ерда кўп кизлар ишлайди, ораси ҳам яқин, йўлга ортиқча вақт сарфлаб ўтирмайсиз.

Керри хўп дегандай бош ирғаб қўйди-да, опасидан кўни-кўшниларини суриштира бошлади. Минни ўзи билган озгина нарсаларнинг товушини аранг чиқариб гапирарди. Гансон эса ҳали бола билан овора эди. У бирдан ўрнидан турди-да, болани хотинига тутқизди.

— Эртага барвақт туришим керак, бориб ётай, — у шундай деди-да, дахлизнинг нариги томонидаги мўъжазгина ва қоронғи ётоққа кириб кетди.

— У олисда, кушхонада ишлайди, шу сабабдан олти яримда туриши керак, — деди Минни тушунтириб.

— Унга нонушта тайёрлагани ўзинг нечада турасан? — сўради Керри опасидан.

— Тахминан чоракам олтида.

Опа-сингил кундузги юмушларни биргаликда қилишди: Керри идиш-товок ювди, Минни эса боласини ечинтириб ётқизди. Миннининг ҳаракатларидан унинг бу ишларнинг роса ҳадисини олганлиги кўринарди. Керри бундан опасини шунақа ишлардан ҳар куни боши чиқмаслигини фахмлади.

Керри бунинг устига Друэ билан бўладиган ҳар қандай муомалани йиғиштириши кераклигини ҳам тушуна бошлади. Унинг бу ерга келиши сира ҳам ақлга сифмасди-да. Керри Гансоннинг хулқ-атвори, Миннининг хокисорлиги ва умуман квартирадаги вазиятни кўриб, бу хонадоннинг қолипидан чиқадиган иш қилиб бўлмаслигини пайқаб олганди. Гансон ҳар куни кечкурун меҳмонхонада газета ўқиб ўтиравериб, соат тўққиз бўлганда, ётса, Минни ундан кечроқ чўзилса, Керри ҳам бунга кўникмай иложи қанча?

Айтгандай, одам ўзини ўзи боқиши учун олдин бирор иш топиши, кейин эса танишиш-панишишларни ўйлаши керак. Керрининг Друэ билан шунчаки танишлиги ҳам ҳозирги дамда кўзига бемаъни бўлиб туюларди.

«Йўк, унинг бу ерга келиши мумкин эмас», Керри ўзича шундай қарорга келди.

У опасидан қоғоз билан сиёҳ сўраб (униси ҳам, буни си ҳам ошхонадаги каминда экан) олди-да, Минни ётгани кириб кетганидан кейин Друэнинг адреси бўлган визит карточкасини топиб, шундай деб ёзди:

«Мен сизни бу ерда қабул қила олмайман. Ўзим яна хабар бергунимча сабр қилинг. Опамнинг квартираси жуда ҳам тор».

Керри яна нима деб ёзсамикин, деб ўйлаб қолди. У поездда бирга келишганини тилга олиб ўтмоқчи бўлдию, бироқ тортинчоқлиги йўл қўймади. Шу ваздан хатда Друэнинг йўлдаги илтифоти учун, ўнғайсиз бўлса ҳам, миннатдорчилик билдириш билан кифояланди. Сўнгра нима деб қўл қўйсамикин деб яна бошини қотира бошлади. У ниҳоят хатни «аҳтиром билан» деган сўзлар ила тугатмоқчи бўлди-ю, бироқ сўнгги лаҳзада фикридан қайтиб, уни ўчирди-да, ўрнига: «Сизга чин кўнгилдан садоқатли», деб ёзди.

Керри конвертни елимлаб, устига адрес ёзди, сўнгра каравоти турган меҳмонхонага кирди-да, кичкинагина тебратма стулни очик дераза томон сурди. Кейин унга ўтириб, окшом қўйнидаги кўчага унсиз завқ билан тикила бошлади. Ниҳоят ўй ўйлайверганидан чарчаб, бўшашиб

кўзини уйқу босди. Шунда туриб ечинди-да, кийимларини яхшилаб тахлаб қўйиб, ўринга кирди.

У эрталаб кўзини очганида соат аллақачон саккиз бўлиб, Гансон ишига кетиб қолганди. Опаси ошхонада тикиш-чатиш билан банд эди. Керри кийиниб олиб, ўзига ўзи нонушта тайёрлади, кейин Минни билан маслаҳатлашиб иш кидиргани кетди. Опаси сўнгги марта учрашганларидан бери жуда ўзгариб кетибди-я! Энди у гарчи бақувват бўлса ҳам, йигирма еттилардаги ориқкина хотин эди. Хаёт ҳақидаги тасаввурлари эрининг қарашларига тамоман мос келар, кўнгилочар нарсалар ва бурч ҳақидаги тушунчаси унинг билим даражаси ёшлик йилларидагига нисбатан пасайиб кетганлигини кўрсатарди.

Минни синглисини соғинганидан, усиз зеркиб қолганидан бу ёққа таклиф қилмаганди. Синглисининг отонаси билан туришдан кўнгли тўлмагани, бу ерда унинг бирор иш тониб ўз кунини ўзи кўриб кетиши ажаб эмас. Минни синглиси келганидан хурсанд бўлса ҳам, иш масаласига келганда бутунлай эри томонида эди. Ҳақ тўланадиган, айтайлик, олдинига ҳафтасига беш доллардан тўланадиган бўлса ҳам, ҳар қандай иш яхши. **Фабрика** бўлса янги ишга кираётганларнинг пешанасига ёзилган жой. Керри Чикагонинг баҳайбат устахоналаридан бирдан иш тоша олади ва бирор... нарса бўлгунча ўшанга қаноат қилиб туради. Нима нарса бўлишини опа-сингилнинг на унис ва на буниси биларди. Улар ишда кўтарилишни асосиз билиб, Керрининг дурустроқ одамга турмушга чиқишига ҳам умид боғлашмасди. Керрининг шаҳарга келиб, ўзини оғир меҳнатга бағишлагани учун омад этагидан тутқизгунича кунини холига яраша ўтаверади. Керри субҳидамда ана шундай руҳлантирувчи фотиҳа билан иш излагани чикқанди.

Керрига эрганишдан аввал унинг бундан кейинги қушлари ўтадиган шароит билан танишиб ўта қолайлик. Ўша йиллари Чикаго тез ўсаётган шаҳарга хос бўлган барча фазилатлари билан ажралиб турарди. Қўйинг-чи, бу шаҳарга келишга юракларини дов берган ёшгина кизларга ҳам бахт кулиб боқарди. Бу шаҳар одамларга кенг имкониятлар яратиб бергувчи ва оғишмай ривожланаётган беҳисоб савдо корхоналари билан жуда донг таратганди. У мамлакатнинг турли бурчакларидаги қалби умидга тўла кишиларни ҳам, ниятлари барбод бўлганларни ҳам, бирор мартаба лайида юрганлару, бошқа жойда бирор

фалокатга йўлиққанларни ҳам ўзига тортувчи оҳанрабога айланганди.

Бу аҳолиси ярим миллиондан зиёд каттароқ шаҳар бўлса ҳам, ундаги дағдаға, ҳаракат ва тинимсизлик бир миллион одам яшайдиган шаҳарга етгулик эди. Шаҳарнинг кўчалари ва уйлари ҳозирнинг ўзидаёқ етмиш беш квадрат милни эгаллаб турарди. Аҳолиси ишлаб чиқаришнинг азалдан маълум тармоқларида қанчалик машғул бўлса, кишиларнинг янгидан-янги оқимлари келишига замин бўлаётган ишлар билан шунчалик банд эди. Тушаётган биноларнинг ҳавозаларидан эшитилаётган тақир-тукур ҳамма ерда бирдай тинмасди. Улкан янги заводлар кўз очиб-юмгунча битарди-қоларди. Шаҳарнинг истиқболи порлоқ бўлишини олдиндан пайқаган кудратли темир йўл концернлари транспортни йўлга қўйиш ва юк тушириш-ортишда фойдаланиш мақсадида анчагина жойларни эгаллаб олганди. Трамвай линиялари шаҳардан ташқари очиқ ялангликларгача етганди. Бу иш шаҳар атрофи тезда обод бўлиб кетишини кўзлаб килинганди. Шаҳар бошқармаси бўлғуси кварталларнинг ҳамиртуруши бўлган якка-ёлғиз уй турган жойлардаги кўчаларга ҳам тош ётқизиб, канализация қувурларини ўтказиб қўйганди.

Ёмғир ва бўрон ҳукмида бўлган талай ташландик жойларда ҳам тунлари қатор тизилган газ чироқлар ёниб, шамолда лип-лип қилиб турарди. Гоҳ бирорта уй, гоҳ бирорта дўкон ёнидаги энсиз ёғоч кўприклар очик даланинг анча жойигача борарди.

Шаҳар марказида савдо идоралари ва фабрикалар жуда зич эди. Тажриба-мажрибаси бўлмаган иш қидирувчи аввало ана шу ёққа йўл оларди. Кўзга кўриниброқ қолган фирмаларнинг бари алоҳида биноларни банд қилганлиги ўша пайтлардаги Чикагога хос хусусият бўлиб, бундан бенасиб бўлган шаҳарлар ҳам учраб турарди. Бўш жойларнинг кўплиги бунга имкон берганидан кўпчилик улгуржи фирмаларнинг кўча юзидаги иморатларнинг биринчи қаватига жойлашган идоралари жуда даб-дабали кўринарди. Ҳозирда биров ажабланмайдиган бахайбат ойнали деразалар ўша пайтларда эндигина расм бўлаётганидан қўйи қаватларни макон этган идораларни зўр ва ваҳимали кўрсатарди. Ўткинчи ана шу деразалардан қараб ялтироқ ёғоч ва хира ойнадан қилинган қатор тўсиқларни, ишларига шўнғиб кетган бир олам хизматчиларни, устларига ажойиб костюм ва оппоқ кўйлак

кийиб, залларда айланиб юришган ёки тўда-тўда бўлиб ўтиришган салобатли савдогарларни кўра оларди. Биноларга кираверишдаги деворга махкамлаб қўйилган ялтироқ бронза ёки никелдан ясалган, тевараги силликланган чорбурчак тошлар билан безатилган тахтачаларга корхонанинг номи ва фаолияти аниқ ва лўндагина қилиб битилганди. Шунинг учун ҳам марказга қараган киши пойтахтга келиб қолдим шекилли, деб ўйлаши турган гап эди. Нега деганда унинг кўриниши жуда ваҳимали бўлиб, оддий фукарони танг қолдириш ва камбағаллик билан омад ўртасидаги ўриннинг қанчалик кенг ва чуқурлигини кўрсатиб қўйиш кўзда тутилганди-да.

Бизнинг тортинчокқина Керри ана шу йирик савдо районига йўл олганди. У Ван-Бьюрен-стритнинг кун чиқар томонидан бир-бир юриб бораркан, кварталларнинг қадам сайин мазаси кетар, улар бирин-кетин охири дарё бўйига борадиган ва қатор тушган омборлар ва кўмирхоналарга уланиб кетганди.

Керрига тезроқ иш топиш истаги тинчлик бермаётганидан дадил олға борарди. Шундай бўлса-да, ҳар қадамда тўхтаб, кўз ўнгида намоён бўлган манзарани томоша қиларкан, ўзига сирли бўлган қудрат ва кучнинг ана шу ошкора аломатлари қаршида ожизлигини сезарди. Манави баҳайбат бинолар нима бўлди? Бу ажойиб корхонадагилар нима иш қилишади, нима ясашади? Колумбия-ситидаги у ёки бу шахснинг буюртмасига кўра кичикроқ мрамор бўлақларига ишлов берадиган кичкинагина тош тарашловчи устахона нимага кераклигига Керрининг ақли етарди, бироқ қурилишда ишлатиладиган, манзарали тош етказиб берадиган йирик фирманинг чеккасини кўз илғайдиган ҳовлиларини кўрганда анграйиб қолди. Улардаги темир изларда юриб турган юкли платформалар, дарё томондан ортиб келинаётган доклар¹ ва нақ тепада ғувиллаб турган кўтарма кранларга эса ақли етмас, чунки булар унинг кўзига мутлақо бегона эди-да.

Керрига, шунингдек, кети кўринмайдиган темир йўл деполари, дарёни тўлдириб турган кемалар ва нариги бетдаги анча жойга чўзилган улкан фабрикалар ҳам нотаниш эди. У биноларнинг очиқ ойналаридан устларига фартук кийган ва иш билан у ёқдан-бу ёққа ўтиб турган эркак ва аёлларни кўра оларди. Узун кўчалар унинг

¹ Д о к — кемалар тузатиладиган ишхона.

кўзига сирли кўринди, идоралар эса ажойиботдай туюлар, ўзича нозик жентльменлар шуларда ишлашади, деб ўйларди. Ана шу идораларга алоқадор одамлар фақат пул санашу яхши кийиниб, экинажларда юришдан бошқа нарсани билишмайдиганга ўхшарди. Улар нима сотишади, нима иш қилишади, қандай мақсадни излашган — буларнинг бари унга очик-равшан эмасди. Хуллас, бари-си унга ажойиб, бепоён, қўл етмас бўлиб кўринарди! Бундан унинг рухи тушди, ана шу мухташам корхоналардан бирига кириб, қўлидан келадиган бирорта иш сўраяжagini ўйлаганида юраги увушиб кетарди. Унга энди қандай иш бўлса ҳам барибир.

Ш б о б

БАХТИМИЗНИ СИНАБ КЎРАМИЗ. ҲАФТАСИГА ТЎРТ ЯРИМ ДОЛЛАР

Керри дарёнинг нариги бетидаги улгуржи фирмалар районига етгач, қайси эшикка кирсамикин, деб у ёқ-бу ёғига қарай бошлади. У улкан деразалар ва ваҳимали лавҳаларни назардан ўтказаркан, одамлар ўзига қарашаётганини сизди, нега қарашаётганини, иш кидириб юрган экан, деб кўз узишмаётганини фаҳмлади. Бундай кун илгари сира бошига тушмаганидан иш кидириб юрганимни ҳамма кўряпти, деб каттиқ хижил бўлганидан ўзини сира қўлга ололмади.

У тезроқ нари кетди-да, худди бирор юмуш билан кетаётган одамларга ўхшаб ўзини лоқайдроқ кўрсатишга ҳаракат қилди. Шу алфозда бирортасига ҳам қиё боқмай, талай фабрика ва савдо фирмаларининг ёнидан ўтиб кетди. Бир неча кварталдан ўтгандан кейин, бу йўл билан иш чиқара олмаслигига ахири кўзи етди-да, қадмини секинлатмай, дурустроқ лавҳа ахтара бошлади. Кўп ўтмай, баҳайбат эшикни ва ундаги мис тахтачани кўриб қолди. Негадир ўша ёққа оёғи тортаверди. Чамаси олти ёки етти қаватли уйга шу эшикдан кириларди. «Бу ерда одам керак бўлса ажаб эмас» деган гап Керрининг кўнгилдан ўтди. У кўчани кесиб ўтиб, эшик томон юрди. Бироқ кўзлаган жойига яқин қолганида деразадан бўз ранг катак костюмдаги йигитни кўриб қолди. Керри бу йигитнинг ушбу корхонага алоқаси бор-йўклигини билмаса

хам, йигит беихтиёр бир караб кўйганди, киз бардош беролмай уялганича шоша-пиша ўтиб кетди.

Кўчанинг нариги бетида «Сторм ва Кинг» деган пешлавҳа ёзилган олти қаватли бино комат кериб турарди. Уни кўргандаёқ қизда умид уйғонди. У газлама улгуржи сотиладиган фирма бўлиб, ичкарасида эркаклар қаторида аёллар ҳам ишлашарди. Уларнинг қоралари юқори қаватлардаги деразалардан кўриниб қоларди. Керри нимаики қилиб бўлса ҳам, ичкарига киришга аҳд қилди. У кўчани кесиб ўтиб, тўғри бинога кириладиган жойга йўналди. Худди шу пайтда ичкаридан иккита эркак чиқиб келиб, эшик олдида тўхташди. Телеграф идорасининг кўк формадаги дастёри Керрининг ёнидан сирғилиб ўтди-да, зиналардан чопганича ичкарида ғойиб бўлди. Йўлкани тутиб кетган жонсарак оломондан бир неча киши Керрининг ёнидан ўтиб кетди. Қиз тўхтаб, жавдираб тураркан, одамлар ўзига қарашаётганини бирдан пайқаб қолиб, хижолат тортиб, орқасига чекинди. У ўзини қўлга олиб, девор бўлиб турган одамларнинг олдидан ўтиб, ичкари кира олмади.

Иши ўнмагани Керрига алам қилди. Оёқлари ўзига бўйсунмаган ҳолда уни олдинга элтар, ҳар бир одими ўзи ихтиёр қилган чекинишнинг бир қисми эди. Кварталлар бирин-кетин орқада қола бошлади. У чорраҳалардаги чироқлардан кўчаларнинг номларини ўкиб борарди: Медисон, Монро, Ла-Саль, Кларк, Дирборн, Стэйт. Керри ҳамон тўхтовсиз илгарилар, йирик тош плиталар ётқизилган йўлакдан юраверганидан оёқлари толиқа бошлаганди. Шундай бўлса ҳам, шаҳарнинг кўркам ва озодалиги кўнглига хуш келарди. Субҳидам офтоби соат сайин қиздириб бораётган бўлса ҳам, кўчанинг соя тарафи роҳатижон — салқин эди. Қиз тепасидаги мовий осмонга тикиларкан, унинг гўзаллигини қандайдир янгича жуда чуқур хис этди.

Керри ўзининг тортинчоқлигидан ғазаблана бошлади. У орқасига қайтиб, қайтадан «Сторм ва Кинг» фирмасини қидиришга ва ичкарига киришга аҳд қилди. Бироқ йўлда олдидан пойафзал улгуржи сотиладиган катта фирма чиқиб қолди. Керри унинг катта ойнали деразасидан караб, бошқарувчининг кабинетини кўриб қолди. Кабинет хира ойна билан ўраб қўйилганидан бошқалар нигоҳидан пана эди. Ичкарига кираверишдаги тўсиқ ортида турган мўъжазгина стол ёнида сочлари оппоқ жентльмен ўтирар, олдида очиб қўйилган китоби бор эди. Керри

юраги дов бермай, бир неча бор ичкарига кирмай ўтиб кетди, ниҳоят, ўзига ҳеч ким эътибор бермаётганига ишонч ҳосил қилгач, эшикни очди-да, столга тортиниборок яқин борди.

— Хизмат, оймқиз? — кекса жентльмен шундай дея кизга жуда мулойим боқди.

— Мен... яъни сиз... сизларда иш топиладими деб сўрамоқчийдим? — деди Керри тутила-тутила.

— Ҳозир йўқ, — жентльмен кулиб жавоб қайтарди. — Ҳозир йўқ. Келаси ҳафта кириб ўтинг. Бизга гоҳо одам керак бўлиб туради.

Керри бу гапни индамай эшитди-да, орқасига бесўнакайроқ тисланиб, ташқарига чикди. Жентльменнинг мулойим қарши олгани уни сал ҳайратга солганди. У бирорта кўпол ва совуқ гап эшитсам (ҳар нима бўлиши мумкин-да) ҳолим не кечаркин деб ўйлаганди. Ичкаридаги жентльмен уни ҳақорат қилмаганлиги ва аҳволи тубанлигини юзига солмаганлигининг ўзиёқ унга ажойиб туюларди.

Керри энди анча бардам тортиб, бошқа бир улкан бинога киришга журъат этди. Унга тайёр кийимлар фирмаси жойлашганди. Бунда одамлар кўпроқ эди чоғи: яхши кийинган, ёшлари қирқ ва ундан баланд бўлган эркаклар мис тўсиқ ортида нималар ҳақидадир гурунглашишарди.

Дастёр бола зумда Керрига яқин келди.

— Сизга ким керак? — сўради у.

— Бошқарувчини кўрсам дегандим, — деди Керри.

Бола чопқиллаганича кетиб, Керрининг гапини сал нарида гурунглашиб туришган учта жентльмендан бирига етказди. Ўша одам шундан кейин киз томонга қараб кела бошлади.

— Лаббай? — деди у совуққина қилиб.

Бундан Керридаги бутун дадиллик йўқолди кетди.

— Сизларга одам керак эмасми? — деди у гўлдираб.

— Йўқ! — у гапни чўрт кесиб, пошнасида орқасига ўгирилди.

Керри бутунлай гангиб қолиб, бола мулозамат билан очиб турган эшикка йўналди. У кўчадаги оломонга тезроқ сингиб кетсам дерди. Унинг бундан сал олдинги тетик кайфиятидан асар ҳам қолмаганди.

Қиз бир оз вақтгача нима қилишини билмай, дам у кўчага, дам бу кўчага бурилиб, хашаматли савдо идора-

ларининг ёнидан ўтиб, кўнглидаги гапини яна айтишга журъат қилолмай айланиб юрди.

Туш пайти бўлди, қорни ҳам очди. Керри одмирок битта ресторанны танлаб ичкарига кирди. Бироқ ундаги нарх-наволарни ҳамёни кўтармаслигини билганида қапа-лаги учди. У фақат бир тарелка шўрва ичса бўларди. Ана шу шўрвани апил-тапил ичиб олиб, яна ташқарига отилди. Бу ҳар ҳолда унга қувват бўлиб, иш қидиришда давом этишига далда бўлди.

Керри бир неча кварталдан ўтиб, бош суқмоққа қай-си корхонани танлашни билмай бораркан, яна «Сторм ва Кинг» фирмасининг олдидан чиқиб қолди. Бу сафар у ўзини киришга мажбур этди. Бир қанча жентльменлар ундан уч-тўрт қадам нарида гаплашиб туришган бўлиш-са ҳам, унга биронтаси қайрилиб қарамади. Қиз асабий-лашиб тўхтади-да, ер чизиб қолди. Тоқати роса тоқ бўлганда тўсиқ ортидаги талай столлардан бирининг ор-тида ўтирган ходимлардан бири уни чақириб қолди.

— Сизга ким керак?

— Менга ким бўлсаям барибир, — жавоб берди Керри. — Бирортасини кўрсам. Мен иш қидириб юрибман.

— Ундай бўлса сиз мистер Мак-Манусни кўришин-гиз керак, — деб жавоб қилди ходим. — Ўтиринг, мар-ҳамат! — қўшиб қўйди у девор ёнидаги стулга ишора қилиб.

У шундан кейин яна бамайлихотир ёзишга тушувди, ташқаридан паканагина бақалоқ одам кириб келди.

— Мистер Мак-Манус! — ёзаётган одам уни чақир-ди. — Манави хоним сизни кўрмоқчи эканлар.

Пакана жентльмен Керри томонга ўгирилди. Керри ўрнидан қўзғалиб, унга яқинлашди.

— Бизга қандай хизматлари бор, мисс? — сўради у қизиксиниб тикилаётганини сира яширмай.

— Сизларда бирорта иш-пиш топиладими?

— Қанақаси?

— О, қанақаси бўлса ҳам майли! — деди Керри аранг тили калдираб.

— Газламани улгуржи сотишда тажриба-мажрибан-гиз борми?

— Йўқ, сэр!

— Сиз эҳтимол стенографистка ёки кўчириб ёзув-чидирсиз?

— Йўқ, сэр!

— Ундай бўлса бизда сизбоп ҳеч қанака иш йўқ, —

деди у. — Биз фақат малакали ходимларнигина ишга оламиз.

Керри эшик томонга тисланаётган эди, мунғайиб қолганлиги мистер Мак-Манусга таъсир қилди.

— Сиз бирор жойда ҳеч ишлаганмисиз ўзи?

— Йўқ, сэр!

— Унда бизникига ўхшаган улгуржи фирмалардан иш топишингиз амри маҳол. Сиз универсал магазинга бир ҳаракат қилиб қўрмадингизми?

Керри ҳаракат қилмаганлигини бўйнига олди.

— Сизнинг ўрнингизда бўлганимда мен аввало бахтимни универсал магазинда синаб кўрардим. У ерда сизга ўхшаган ойимқизлар тез-тез керак бўлиб турарди, — деб қўшиб қўйди у кизга дўстона нигоҳ ташларкан.

— Миннатдорман! — деди Керри унга жавобан. Ҳозирги дўстона хайрихоҳлик учқунидан унинг юзига қон югурганди.

— Ҳа, сиз албатта бахтингизни универсал магазинда синаб кўринг, — деди у Керри эшикка йўналганини кўргач, ўз йўлига кетаркан.

Универсал магазинлар ўша пайтларда эндигина пайдо бўлаётганидан жуда оз эди. Қўшма Штатлардаги дастлабки учта универсал магазин тахминан 1884 йилларда Чикагода очилди. Керри бу магазинлардан баъзиларининг номларини газеталардаги эълонлардан билганидан, энди уларни қидиришга тушди. Мистер Мак-Мануснинг сўзлари унинг ғойиб бўлаётган тетиклигини ўзига қайтарди. Бу янги соҳада менга ҳам бирор нарса топилиб қолар деб энди умидвор эди.

У зора магазин жойлашган биноларнинг олдидан чиқиб қолсам, деб анчагача таваккал қилиб юраверди. Қийин, аммо зарур иш билан юрган одам қидирганимни ишқилиб топарман, деб ўзини овутаверади. Керри ахири бўлмагандан кейин полисмендан сўраганди, у яна икки квартал ўтсангиз бўлди — «Бозор» ўша ерда деб жавоб қилди.

Мабодо бир кунмас бир кун чакана савдо қилувчи ана шу бахайбат комбинатлар барҳам топгудай бўлса, уларнинг баёни мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти тарихида қизиқарли бобни ташкил қилажак. Савдонинг бу камтарин тури бунчалик ривож топгани шу чоққача жаҳоннинг биронта жойида кўзга ташланмаган. Бундай комбинатлар чакана савдодан баракали фойдаланишни кўзда тутиб, ташкил қилинганди: уларнинг ҳар бири иқтисод-

нинг муҳим томонларига амал қилган ҳолда яхлит бир вужудни ташкил этувчи юзларча магазинлардан ташкил топганди. Шунинг учун ҳам бир тўда бошлиқлар қўли остидаги сотувчилар армиясига эга бўлган бундай кўркам ва сершовкин магазинларнинг иши зўр бериб олдинга босгани босганди.

Керри харидорларга тўла йўллардан ошиқмай ўтиб бораркан, витриналардаги тақинчоклар, қимматбаҳо нарсалар, либослар, ёзув асбобларига суқланиб қарарди. Ҳар бир пештахта унинг кўз ўнгида яркироқ ва ўзига тортувчи манзара ҳосил қиларди. Қиз ҳар бир тақинчок, ҳар бир қимматбаҳо буюмнинг мафтункор кучини сезиб бораётганига қарамай, уларнинг бирортаси олдида тўхтамасди. Бу ердаги нарсаларнинг бари унга керак, ҳаммасидан ўзида бўлишни истарди. Бежирим туфлилар, пайпоқлар, ўхшатиб жимжима қилинган юбкалар, тўрлар, ленталар, тароқлар, ҳамёнчалар — кўйинг-чи, ҳар бир буюм юрагига ўт солар, лекин Керри улардан бирортасини ҳам олишга қурби етмаслигини очиқ-ойдин сезарди. У нон топиш пайтида сафил ва ишсиз. Унга қараган ҳар бир сотувчи унинг пулга муҳтож, қашшоқ эканлигини пайқаши турган гап.

Дарвоқе, Керри гўзалликдан маҳрум бўлган совуқ, ҳисоб-китобли оламга ногаҳон тушиб қолган асабий ва ўта таъсирчан қизга мутлақо ўхшамасди. Йўқ, у сира ҳам бундай эмасди. Шундай бўлса ҳам аёллар барибир либосдан сиқилиб қолишса қаттиқ қайғуришади.

Керри аёлларнинг барча янги ва чиройли буюмларини ғоятда хуш кўрганидан башанг кийинган ва олдинга ўтишга интилиб туртиб-суртиб кетишаётган, уни сира парволарига келтирмай ҳозиргина магазинда кўрган нарсаларининг очкўзлик билан баҳосини суриштираётган хонимларга ҳасад билан қараб турарди. У улкан шаҳарда истиқомат қилаётган ўзидан бахтлироқ опа-сингилларининг қандай либосларда юришларидан хали беҳабар эди. Улкан магазинда сотувчи бўлиб ишлайдиган қизларнинг аҳволидан ҳам ғофил, ўзи эса улар олдида кўзига жуда хароб кўриниб кетарди. Уларнинг кўпчилиги келишган, ҳатто чиройли қизлар бўлиб, барчаси кўринишдан мустақил ва бепарво туюлар, бу эса уларни жуда ҳам бошқача қилиб кўрсатарди. Ҳаммалари бинойидек, ҳаттоки башанг кийинишганидан Керрини уларга кўз ташлаганида улар уни назарларига илишмаётганини сезарди. Бу қизлар унинг либосидаги камчиликларни ва ўзини тутти-

шини ошкора қоралашар, нега деганда қизнинг қандай ахволдалиги ҳар бир одамга шундаёқ тушунарли эди. Керрининг қалбида ҳасад алангаси ёнди. У катта шаҳар, талай мафтункор нарсаларни: бойлик, гўзаллик, ҳашам — қўйинг-чи, аёлни безовчи барча нарсаларни ўзида пинҳон гутиб ётганлигини ғира-шира фаҳмлай бошлади. Шунинг учун ҳам у чиройли либослар, барча гўзал нарсаларга интилиб азоб чекарди.

Универсал магазиннинг идораси иккинчи қаватда эди. Керри унинг қаердалигини суриштирганида унга қандай бориш кераклигини тушунтиришди. Идорада эса, Керридан илгарироқ келган бир қанча қизлар кўринарди. Улар ҳам бу ерга иш қидириб келишган бўлса-да, улкан шаҳарнинг бошқа кишиларидек ўзларини мустақил ва дадил тутаётганлари сезилиб турарди. Улар тап тортмай Керрига бошдан-оёқ разм сола бошлашди. Ичкарига эса гаплашиб чиққани битта-битта киришарди. Керрига эса деярли бир соатга яқин интизорликдан кейин навбат келди.

— Хўш, — деди ойна олдидаги шведча ёзув столи олдида ўтирган серғайрат ёшгина яхудий. — Сиз бирор магазинда ишлаганмисиз?

— Йўк, сэр! — иқроп бўлди Керри.

— Демак, ишламагансиз! — деди яхудий уни синчиклаб кузатаркан.

— Йўк, сэр! — Керри гапини такрорлади.

— Хим! Сизга айтсам, биз сизга тажрибаси бўлган сотувчиларни афзал кўрамиз. Менимча, сиз бизга тўғри келмайсиз.

Керри гап тугаган-тугамаганлигини билолмасдан бир дақика туриб қолди.

— Сиз бекорга кутянсиз! — Керрининг қулоғига яхудийнинг сўзлари кирди. — Бизнинг бу ерда жуда бандлигимизни унутманг.

Керри тезда эшик гомон юрди.

— Сабр қилинг! — йиғит уни тўхтади. — Исмингиз ва адресингизни ёзиб қолдиринг. Бизга гоҳо сиздақа қизлар керак бўлиб туради.

Керри ниҳоят кўчага чиқиб олганида хозиргина ичкарида совук қарши олинганидан эмас, балки қун бўйи овора бўлиб, эзилганидан ва иззат-нафсига теккан ишлар бўлганлигидан хўрлиги келди. У ўлгудай голикқан ва ўзини ҳеч боса олмасди. Бошқа магазинларга боп суқини хаёлидан чиқариб ташлаб, айланиб юраркан. оломон орасида ўзини хотиржам ва бемалол ҳис қилди.

Керри шаҳарда шунчаки айланиб юриб, дарёдан олис бўлмаган Жексон-стритга бурилди-да, гавжум йўлнинг жанубий томонидан шшилмай кета бошлади. Шунда у тўсатдан эшикка қадаб қўйилган ўрама қоғоз парчасини кўриб қолди. Унга: «Хотин-қиз ишчилар керак» деб ёзиб қўйилганди.

Керри бир оз иккиланиб туриб, ичкарига кирди.

«Шпайгельхайм ва К» фирмаси, болалар шляпалари фабрикаси уйнинг бир қаватини эгаллаганди. Эни эллик, узунлиги саксон фунтга яқин бўлган бу бино бефайз, бунинг устига машиналар ва иш столларига тўлиб кетганди. Унинг фақат қоронғи бурчакларидагина электр лампочкалар ёниб турарди. Бу ерда кўп эркаклар ва аёллар тер тўкишарди. Ҳамма ёқлари чанг-чунг, юзларига мой теккан қизлар устларига юнқа газламадан тикилган ҳалшиллама қўйлак кийишган, пойафзаллари ҳам эскириб кетганди. Кўплари енгларини шимариб олганларидан ориккина қўллари кўриниб қолган, бошқалар нафаслари бўғилиб кетганидан ёқаларини очиб қўйишганди. Кийимлари ночор, доимо айниган ҳавода бўлганларидан ранглари синикиб кетган бу хотин-қизларга қараб уларнинг фабрикада кам ҳақ оладиган ходимлар эканликларини фаҳмлаб олиш қийин эмас. Бироқ улар сира ҳам тортинчоқ бўлмай синчковликда бошқаларни орқада қолдирардилар.

Керри теварак-атрофига аланглади. У жуда гангиб қолганди, нега деганда, бу ерда ишлашга тоби йўқлиги ўзига равшан эди-да. Агар теваракдагиларнинг ўзига зимдан қараб турганликлари хижолатга солаётганини ҳисобламаганда унга ҳеч ким унчалик эътибор бермасди. Ичкаридагиларнинг бари бу ерда турганлигини пайқашларини чидам билан кутарди. Ниҳоят кимдир устага имо килувди, у пайдо бўлди. Уста фартукда бўлиб, устида пиджаги йўқ, қўйлагининг енгларини нақ елкасигача шимариб олганди.

— Сиз мени кўрмоқчи бўлувдингизми? — деб сўради у Керридан.

— Сизларга одам керак эмасми? — Керри мақсадга очикдан-очик кўчмоқ маъқуллигини тушуниб қолганидан шундай деб қўя қолди.

— Сиз болаларнинг қалпоқчаларини тикишни биласизми?

— Йўқ, сэр!

— Умуман шу соҳада тажриба-тажрибангиз борми?

Керри бунга салбий жавоб берди.

— Ҳим! — уста шундай дея ўйга ботганича қулоғининг орқасини қашлаб қолди. — Бизга, билсангиз, аёл ишчи керак. Бирок биз тажрибаси бор одамни маъқул кўрамиз. Бизнинг янгиларни ишга ўргатиб ўтиришга вақтимиз йўқ.

У жим қолиб, деразага ўгирилди.

— Ха, айтгандай, — у ўйлаб туриб қўшиб қўйди, — биз сизни пардозловчилар орасига қўйишимиз мумкин.

— Ҳафтасига қанча тўлайсиз? — Керри юрак ютиб сўради. Бу одамнинг мулойимлиги ва содда муомаласи кизга бир оз тетиклик бахш этганди.

— Уч ярим, — жавоб берди у.

Керри сал бўлмаса ох, деб юборай деди-ю, бироқ вақтида ўзини тўхтатиб қолди.

— Ҳозир одамларга унчалик зориқаётганимиз йўқ, — уста олдида тирик одам эмас, балки худди тугун тургандай Керрига разм солиб гапида давом этди. — Агар душанба куни эрталаб келсангизгина ишга қўяман, — қўшиб қўйди у.

— Миннатдорман сиздан, — деди Керри аранг эшитиладиган қилиб.

— Келсангиз пешбанд ола келинг, — деди уста.

У шундан кейин Керрининг отини ҳам сўрамай, уни лифтнинг олдида қолдирганича кетаверди.

Устахонанинг ташқи кўриниши ва иш ҳақининг ғариблиги Керрининг ширин орзуларини чиппака чиқарган бўлса ҳам, кўп саргардонликдан кейин ишга таклиф қилинганлиги руҳини кўтариб юборди. У қанчалик камсуқум бўлмасин, бояги ишни қўлга олажagini тасаввур қила олмасди. Ҳар қалай, у яхшироқ нарсаларга кўниккандида. Ёшлиги очиқ хавода кечганидан бундай шароитга тоқат қилолмасди. У ҳеч қачон исқирт жойда бўлмаганди. Опасининг квартираси ҳам покизагина эди. Бу ерда эса ҳамма ёқни мой босган шип пастак, қизларнинг кийимлари бесўнақай, чамаси ҳаммалари аламзада кўринишарди. Керри бундан, улар ичлари қора ва баттарин бўлишса ажаб эмас, деган фикрга келди. Барибир Керрига иш таклиф қилишди-ку! Тўғри, агар биринчи кунидек бу ерда иш топиш мумкин бўлса Чикаго унчалик ваҳимали эмас экан-да. Керри кейинчалик ўзига бошқа бир дурустрок иш топиб олади.

Бирок Керрининг бундан кейинги уринишлари беҳуда кетди. Шароити кўзига у ёки бу даражада маъқул

кўринган жойларда дарҳол совукдан-совук рад жавоби оларди. Бошқа жойларда эса фақат тажрибали ишчилар керак эди. Уни кўп марта кўпол қаршилашди. Айниқса битта тайёр кийимлар фабрикасининг тўртинчи қавати-га кўтарилганида унга ёмон кўполлик қилишди.

— Йўқ, йўқ! — деб бақриб берди ўшанда ним корони устахонада хўжайинчилик қилаётган чорпахилдан келган сўлакмондай уста. — Бизга ҳеч ким керак эмас. Бу ерга овора бўлиб келишнинг хожати йўқ!

Кун сўниб борар, у билан бирга Керрининг умидлари, қатъияти ва куч-қуввати ҳам сўниб борарди. Бироқ қиз бениҳоя матонат билан иш қидиришдан тўхтамасди. Бундай зўр қатъият таҳсинга сазовордир. Шахарнинг улкан савдо райони тинкаси қуриган қиз кўзига ниҳоятда бепоеён, одамларга нисбатан тошбағир ва беларво кўринарди. Унга барча эшиклар берк туюлар, олишув қаттиқ бўладигандай ва бунда бирор нарсага эришишга умид йўқдай эди. Ёнидан бўлса эркаклар ва аёллар турнакатор бўлишиб шоша-пиша боришарди. Керри теварак-атрофида манфаатлари ранг-баранг бўлган ҳаётнинг улкан томири уриб турганлигини хис қилганидан ўзининг ожизлигини сезиб турарди ва бу умумий оқимда арзиманган хас эканлигига сал-пал иқрор эди. У қаерга бош урсамикин деб беҳуда олазарак бўлар, бироқ юраги бетлаб кира оладиган эшикни топа олмасди. У қаерга бормасин, шу ҳол такрорланарди. Кимга бош эгиб илтижо қилса мукофотига қисқагина рад жавоби оларди!

Рухан ва жисман эзилган Керри Миннининг уйи турган кунботар томонга бурилди. Кун бўйи иш қидириб овора бўлган одам қош қорайганда қандай аҳволга тушса Керри ҳам шундай, қалби ғам ва умидсизликка лиммолим эди. Конкага тушишни мўлжал қилиб Бешинчи авенюдан Ван-Бьюрен-стрит томон ўтиб бораркан, катта пойафзал фабрикасининг рўпарасидан чиқиб қолди. Унинг битта ойнали деразасидан кичикроқ стол ёнида ўтирган ўрта ёшлардаги жентльмен кўринарди. Керри кўпинча мағлубиятга учраганига ақли етган одамларда пайдо бўладиган ногаҳоний туртки таъсирида дадил ичкарига кириб, жентльмен томон йўналди. Жентльмен унга бошини кўтариб қаради. Қизнинг толиққан чехраси уни қизиқтираётгани энди очиқ кўриниб турарди.

— Хўш, хизмат?

— Менга бирорта иш-пиш бера олмайсизми? — сўради Керри.

— Мен тўғриси, билмайман, — хизматчи жуда мулойимлик билан жавоб берди. — Сиз қанақа иш қидиряписиз? Дастхат кўчириб ёзувчи эмасмисиз?

— Йўк, — жавоб берди Керри.

— Мана кўряписизми, бизга эса фақат ҳисобчи ва кўчириб ёзувчилар керак. Бундан бошқасининг бизга хожати йўк. Бироқ сиз бу ердан айланиб ўтиб, юқорига кўтарилишингиз ва ўша ердан суриштириб кўришингиз мумкин. Бундан бир неча кун аввал одамлар керак бўлганди. У ерга чикқанингизда мистер Браунни сўранг.

Керри шоша-пиша айланиб ўтди-да, лифтда тўртинчи қаватга кўтарилди.

— Мистер Браунга айт, Вилли! — деди лифтчи яқинроқда турган болага...

Вилли зумда қайтиб келиб, Керрига мистер Браун пича кутишни илтимос қилганлигини ва тез орада келиб қолишлигини хабар қилди.

Керри ўтирган хона омборга туташ бўлганидан, қиз иморат қандайлигини ҳам, ундагилар нима иш қилишини ҳам кўз олдига келтира олмасди.

— Демак, сиз бизда бирорта ишга кирмоқчисиз, шундайми? — деб сўради мистер Браун қизнинг келишдан мақсадини билганидан кейин. — Сиз илгари бирорта пойфазал фабрикасида ишлаганмисиз?

— Йўк, сэр! — иқроқ бўлди Керри.

— Исмингиз нима? — деди у гапида давом этиб. Қизнинг жавобини эшитганидан кейин эса шундай деди: — Очиғини айтсам, бизда сизбоп иш топилишини айтолмайман. Сиз ҳафтасига тўрт ярим доллар олиб ишлашга розимисиз?

Керри кун бўйи овора бўлиб эзилганидан бу таклиф унга кизикарли туюлди. Тўғри, у ҳафтасига олти доллардан кам беришмаса керак, деган хаёлга ҳам борганди. Шундай бўлса ҳам, хар қалай, рози бўлди.

Мистер Браун унинг адресини ёзиб олди-да, хайрлашаётганларида:

— Бўлмаса душанба куни эрталаб соат саккизда келинг. Мен сизга бирорта иш топиб кўярман, деб ўйлайман.

У кетди, Керри бўлса ниҳоят иш топганлигидан сал ўзига келди. Танаси ором олди. Хаяжони босилди. У одамлар бамисоли чумоли бўлган кўчага чикқанида ўзини қандайдир бир янгича шароитга тушиб қолгандай сездди. Оломоннинг дадил одимлаётганини қаранг! Қиз

одамларнинг юзларида табассум ўйнаётганини биринчи марта пайкади. Қулоғига яккам-дуккам гаплар ва шарақлаган кулгилар чалиниб қоларди. Ҳаво ҳам майин. Бахайбат бинолардан кундузги ишларини тугатган одамлар чиқиб келишарди. Керри уларнинг мамнун чехраларини кўраркан опаси овқат қилиб кутиб ўтиргани эсига тушди-да, қадамини тезлатди. Қиз толиққан бўлса ҳам, энди оёқларида оғриқ сезмасди. Қизиқ, опаси буни эшитганида нима деркин? Қиз олдинда киш, анчага чўзиладиган киш турганлигини, ўшанда ёнадиган чироқларни, қувноқ оломонни, кўнгилочар томошаларни кўз ўнгига келтирди. Хуллас, бу бахайбат шаҳарда истиқомат қилиш ёқимли. У ишлайдиган фирма чамаси йирик корхонага ўхшайди. Деразасидаги ойналари ҳам жуда ваҳимали! Керрининг иши ўнгидан келади. У Друэни, поездда нималарни гаплашиб келишганларини эслади. Шунда ҳаёт кўзига яна яхшироқ, ёркинроқ, қувончлироқ кўрина бошлади. У томирларидаги қони қандай жўш ураётганини сезган холда димоғи чоғ бўлиб, конкага ўтирди. «Мен Чикагода яшайман!» — деган фикр хаёлидан сира нари кетмас эди. Илгаригидан ҳам қувноқроқ ҳаёт кечиради. У бахтли бўлади!

IV б о б

РЎЁБГА ЧИҚМАГАН ОРЗУЛАР. ХЎРЛИК

Керри сўнгги икки кунни энг ширин орзулар оғушида ўтказди.

У хаёлан барча хурсандчилик ва ўйин-кулгиларга боши билан шўнғир, мабодо бой бўлиб туғилса борми, уларнинг барини бемалол завқини сура оларди. Энди эса сахийлиги тутиб кетиб, арзимас тўрт ярим долларини зумда ўйлаб ўтирмай кўкка совувар эди. У пулни аямас, кўзига кўринган нарсани танларди. Ётишдан олдин тебратма стулда дераза олдида чароғон кўчаларни томоша қилиб ўтирган пайтларида бўлгуси иш ҳақи аёл кишининг кўнгли тилаган барча эрмаклару майда-чуйда безаклар олами томон ўз соҳибасига йўл очарди.

«Умримни роҳатда ўтказаман!» — Керри шундай деб орзу қиларди.

Керрининг опаси Минни эса синглисининг хаёлан хур-

сандчилик ва ўйин-кулгилар оламида чарх ураётганидан гофил эди. У ошхона полини ювиш ва якшанбалик овқатга сарфлай оладиганим — ўн саккиз центга нималар олсам бўларкин, деган ўй билан ҳаддан ташқари банд эди.

Керри илк муваффақиятларидан терисига сиғмай, толиққанига ҳам қарамай охири яхшилик билан тугаган оворагарчиликларини ипидан-игнасигача қолдирмай гапириб, тонг отгунча муҳокама қилишга тайёр бўлиб келганида Минни унинг гапини маъқуллаб кулиб қўйди-да, иш ҳақингнинг бир қисми йўлга кетадими, деб сўради. Гарчи Керри буни ҳаёлидан қочирган бўлса ҳам, барибир бу нарса унинг қувончини боса олмади. Қиз бахтиёр эди: ҳозирги дамда у нақд пулидан жиндек олган билан камайиб қолмайдигандек парвойи фалак кўринарди.

Гансон уйга кечқурун соат еттида қайтиб келди. Унинг бугун ҳам ҳар сафар тамадди қилиш арафасида бўлганидек машқи наст кўринарди. Машқи настлиги гапириш оҳанги ёки сўзларидангина эмас, балки қовоғидан қор ёғиб, у хонадан бу хонага юришидан ҳам билиниб турарди. Унинг сариқ нават туфлиси бўлиб, ишдан қайтиши биланоқ оғир бошмоғини ечиб ташлаб, жон-жон деб уни кийиб оларди-да, юзини жайдари совун билан ювиб, то қизариб ялтираб кетгунча артар, кечки тамаддига тадориги шундан иборат эди. Кейин эса газетани кўлига олиб, чурқ этмай мутолаага бериларди.

Ҳали ёш бўлган бу одамнинг ана шундай хулқи Керрини ҳайрон қолдирарди. Оила бошлиғининг кайфияти кўпинча квартира вазиятига кўчиб, хотинини баттар эзар, шунинг учун ҳам гапим бежавоб қолмасин деб эрини тинч қўйишга мажбур эди.

Гансон Керрининг иши ўнгидан келганини эшитганида чехраси сал ёришгандай бўлди.

— Ҳар қалай вақтни беҳуда ўтказмабсиз! — у шундай деганида ҳатто тишининг оқини сал кўрсатгандай бўлди.

— Йўқ, ўтказмадим! — деди Керри ҳам мағрурликни қўлдан бермай.

Гансон яна бир-иккита нарса сўраган бўлди-да, кейин боласини эрмак қила бошлади. У стол ёнида ўтирганларида хотини яна оғиз очмагунча буни қайтиб сўрамади.

Керрини бу оилада ҳукм сурган кайфиятга кўникишга мажбур қилиш ҳазил эмасди.

— Чамаси, у жуда йирик фирма бўлса керак, — деб

кўйди Керри. — Дераза ойналари бирам катта, одамлар риж-риж! Мен бориб гаплашган жентльмен жуда кўн одам оламиз, дейди.

— Хозир кўринишинг сал дурустроқ бўлса ишга жойлашиш унчалик қийинмас, — гап кистирди Гансон.

Минни ҳам Керрининг хурсанд кайфияти ва эрининг бирдан сергап бўлиб қолганлигидан бирмунча эриб, синг-лисига Чикагонинг диққатга сазовор жойлари, тўғрироғи, ҳар бир одам бечиким кўра оладиган нарсалар хақида гапириб бера бошлади.

— Сен Мичиган-авенюни албатта кўргин. Унда жуда кўркем уйлар бор. Ўзиям кўчамисан кўча-да!

— Жейкобснинг театри қаерда? — Керри хозирда мелодрамалар кўйиладиган театрлардан бирининг номи-ни тилга олиб, опасининг гаини бўлди.

— Бу ердан унчалик узоқ эмас, -- деди опаси унга жавобан. — Тўғрироғи, жуда ҳам яқинда: Холстед-стрит-да.

— Шу театрга боришни жуда-жуда истардим-да! Мен бугун Холстед-стритдан ўтдим шекилли!

Бундай қараганда энг табиий кўринган бу савол пича жавобсиз қолди. Одамнинг фикрлари унинг ҳамма ҳаракатларига ажиб жило беради. Театр тилга олиниши биланоқ дастурхон атрофидагиларнинг таъблари хира тортиди. Бу оиладагиларнинг чиқимга товлари йўқлигини кўрсатиб турарди.

Хозирги дамда Гансон ҳам, Минни ҳам шуни ўйлашарди. Минни гарчи: «Ха» деб жавоб қилган бўлса ҳам, Керри бу уйдагиларнинг театрга боришни хуш кўрмасликларини дарров фахмлаб олди.

Гансон овқатини еб бўлиб, газетасини олиб, мехмонхонага чиқиб кетмагунича опа-сингил бундан қайғиб оғиз очишмади.

Опа-сингил идиш-товоқ ювишга тутинишди. Улар холи қолишганларидан кейин бемалолроқ гаплашиб, дамбадам настроқ овозда хиргойи ҳам қилишарди.

— Агар унча олис бўлмаса, шаҳарни пича айланиб, Холстед-стритни бир кўрсам девдим, -- деди Керри ордан кўн ўтмай. — Бугун икковимиз театрга тушсак бўлмайдами?

— О, Свен бугун у ёқ-бу ёққа боришни ихтиёр қилади деб айта олмайман, — Минни синглисига эътироз билдирди. — У барвақт туриши керак.

— Хар ҳолда у йўқ демаса керак. Мазза қилиб келди-ку, ахир!

— Йўқ, у театрга боришни ёқтирмайди.

— Мен бўлсам жон деб борардим, — деди Керри. — Юр, икковимиз борайлик!

Минни ўйлаб қолди. Уни шу дамда театрга бориш-бормаслик эмас — бунга унинг салбий жавоби тайёр эди — синглизининг хаёлини бошқа тарафга буриб юбориш муаммоси банд этганди.

— Биз бошқа сафар борамиз, — деди ниҳоят Минни дурустроқ гап топа олмай.

Керри гапнинг нимадалигини дарров фахмлади.

— Менинг бир оз пулим бор, — деди у. — Мен билан юра қол, Минни!

Минни бош чайқади.

— Эрингни ҳам олиб бора қол, — таклиф қилди Керри.

— Йўқ, — Минни шундай деди-да, гапни калта қилиш учун идиш-товокни тарақлатиб ювишга тушди, — у бормайди.

Опа-сингил кўп йиллардан бери кўришмаганларидан ўтган фурсат ичида Керрининг табиатида бир-иккита янги жиҳатлар пайдо бўлганди. У туғма тортинчоқ бўлганидан ўз манфаати учун олишиш зарур бўлиб қолганда, қолаверса бу кураш учун кучи ва воситалари етарли бўлган чоғларда ҳам тортинчоқлиги ўзини кўрсатарди. Шундай бўлса ҳам, у ҳар қандай хурсандчиликлар ва ўйин-кулгилардан ўзини тия олмас, бу эса характеридаги асосий хусусиятлардан бири эди. Бошқа нимадан гап очилса, тишини тишига қўйса ҳам, лекин бунга келганда жим тура олмасди.

— Бор, ундан сўраб кўр! — Керри шивирлаб опасидан илтимос қилди.

Минни бўлса синглизининг мойнасидан тушадиган қўшимча маблағ ҳақида бош котиради. Бу пул квартира ҳақида кетади, шунда у эри билан харажатлар ҳақида гаплашганда ҳар сафаргидек қийналиб-негиб ўтирмайди. Керри ҳозирданок ўйин-кулгининг кетидан қувадиган бўлса борми, эртами-кечми ахир пулга зор бўлади. Агар синглизини бу уйдаги доимий қунтга асосланган жиддий тартибга амал қилмаса, кўнгилочар нарсаларни хаёлига ҳам келтирмай, сидқидилдан ишлаш кераклигини тушунмаса, унинг бу ерга келганидан нима фойда? Бу фикр Минни табиатидаги ростакам эҳтиёткорликнинг

ифодаси эмас, балки тинимсиз меҳнат эвазига кўраётган кунига ортиқча ғинг-пингсиз кўникиб кетаверадиган жиддий инсоннинг шунчаки мулоҳазалари эди, холос.

Минни ниҳоят ён бериб, Гансондан сўраб кўришга аҳд қилди. Бироқ бунда синглизининг гапи ўзига ёққан-ёқмаганлигини сира билдирмай:

— Керри театрга борамиз деб таклиф қияпти, — деди Минни эри ўтирган қоронғи хонага қараб.

Гансон газетадан бош кўтариб, хотини билан кўз уриштириб олди. Бу билан унинг: «Биз буни сира ҳам кутмагандик», демоқчи эканлиги аён сезилиб турарди.

— Менинг боргим келмаяпти, — деди у. — Нимани кўрмоқчи экан ўзи?

— У Жейкобснинг театрига бормоқчи.

Гансон яна газета ўқишга муккасидан кетиб, «йўқ» дегандай бош чайқади.

Керри эр-хотиннинг таклифига муносабатини, уларнинг кунлари қандай ўтаётганини аниқ-равшан тушуниб олди. Бундан у бир хил бўлиб кетса ҳам, уй эгаларидан хафа бўлиб ўтирмади.

— Мен пастга тушиб, кўча эшик олдида бирпас тураман, — деди у.

Минни ортиқча йўқ-йўқ деб ўтирмади, Керри шундан кейин шляпасини кийиб, квартирадан чиқди.

— Керри қайга кетди? — деб сўради эшик ёпилганини эшитиб ошхонага қайтиб кирган Гансон.

— Пастга тушиб, кўча эшик олдида бирпас тураман деди, — жавоб берди Минни. — Тоза ҳавога чиққиси келгандир-да.

— Менимча, калласидан ҳар қандай театр-пеатрларни чиқариб ташласа бўларди. Пулни беҳуда сарфлашни ўйламай кўя қолсин!

— Бу ҳаммаси унинг шунчаки синчковлигидан, — деди Минни юрак ютиб. — Бу ердаги ҳамма нарса унинг кўзига янгиликдай кўринаверади-да.

— Ҳим, билмадим! — Гансон шундай деб ўшқирди-да, пешанасини сал тириштирганича боланинг олдига йўналди.

У ёш кизларнинг нақадар такаббур ва исрофгар бўлишларини ўйларкан, ахир Керри арзимас маош олса, қандай қилиб ҳозир бундай нарсалар юрагига сиғаётганикин деб ажабланарди.

Керри шанба куни яна шаҳарга чиқди. У ўзини мафтун этган дарё бўйига борди, кейин эса ҳар бир уйининг

олдида кўм-кўк майсазори бўлган (булар кейинчалик кўчани хиёбонга айлантириш имконини берганди) Жексон-стритдан қайтди. Гарчи бу кўчада турувчилар орасида капитали юз минг доллардан ошадиган ақалли битта киши бўлмаса ҳам, Керри одамларнинг бунчалик давлатманд эканликларидан лол қолганди.

Қиз опасининг квартирасидан чикиб кетса хурсанд бўларди. Чунки у мазкур оиланинг хаёти ғариб ва нурсиз кечаётганлигини тушуниб етган, қувонч ва қизиқарли таассуротларни бошқа жойдан излаш кераклигига ишончи комил эди. Хаёлини энди ёнгиел-елпи нарсалар банд этганидан ҳозир Друэ қаердайкин, деган гаплар кўнглидан кўп ўтганди. Друэнинг душанба куни кечкурун келишига мутлақо ишонмай, айти найтда «тағин келиб қолса-я» деб хавотирланиб қўйса ҳам, кўнгли барибир унинг келишини кўмсарди.

Душанба куни Керри барвақт туриб, ишга отлана бошлади. У хол-хол гулли кўк газламадан тикилган эски кўйлагини, жигарранг астарбоп нарсадан тикилган ва анча нури кетган юбкасини ва ёз бўйи Колумбия-ситида иш берган мўъжазгина похол шлянасини кийди. Ботинкаси ҳам анча эскирган, галстуги эса кўп йил кийилган ҳар бир нарсадай фижимланиб, шаклини йўқотганди. Керри умуман фабрика ишчисини эслатса ҳам, хусни ўртачадан нари бўлганидан, кўрган одамда кўркам, ёқимли ва оғир киз сифатида таассурот қолдирарди.

Керридай ота-онасининг уйида эрталаб соат етти-саккизгача ухлайдиган одамга каллаи сахарлаб туришининг ўзи бўлмайди! У уйқуси ҳали кўзидан қочмай, соат олтида ошхонага қараб у ерда чурқ этмай нонушта қилаётган Гансонни кўрганида опасининг уйидаги ҳаёт тарзининг оғирлигини яна бир бор хис этди. У кийинаётганида Гансон ишига кетиб бўлганди. Керри Минни билан бирга нонушта қилди, бола эса стол ёнида баланд стулда ўтириб, бўтқасини ликобчасига суркарди.

Энди ўзига илгари нотаниш бўлган ва кўникмаган ишни бошлаш фурсати етганидан Керрининг таъби хуфтон эди. Унинг барча эзгу орзуларидан фақат кул қолган бўлса ҳам, улар тагида умид учқунлари милтираб турарди. Керри машқи жуда пастлигидан даммини чиқармай тамадди қиларкан ўзи ишлайдиган пойафзал фабрикасида кўрганларини хаёлидан ўтказарди. Шу топда хаёлига ғалати нарсалар ҳам келарди: гўё ишда фабриканинг қудратли хўжалари билан муомалада бўлиб, иш-

лайдиган жойига савлатли, башанг кийинган кишилар ҳам кириб туришадигандай туюларди.

— Бўпти, муваффақият тилайман! — деди Минни синглиси кетишга тараддудланаркан.

Уйда Керрининг ишга ҳар куни пиёда бориб келишга қийналиш-қийналмаслигини аниқлаб олиш учун бугунча яёв боришга келишилганди. Нега деганда, бир ҳафтада конкага кетадиган олтмиш цент ҳафтасига тўрт ярим доллар оладиган одамга катта чиқим эди-да.

— Ишим қандайлигини сенга кечқурун гапириб берман, — деди Керри.

У офтоб чарақлаб турган кўчага чиқиб қолди. Унинг икки томонида ишчилар одимлашар, турли фирмаларнинг майда хизматчилари роса тикилишган конкалар учарди. Биноларнинг кўча эшикларидан чиқаётган кишилар шоша-пиша турли томонларга тарқалиб кетишарди. Керри ўзини сал қўлга олди. Кўм-кўк осмонда тонг қуёши чарақлаб, оромбахш майин шабада эсиб тургандан кейин кўнгилда қўрқув деган нарса қолармиди? Одам кечаси ва ҳаво булут кунларда юрганида ҳам юрагига ваҳима ўрмалаб, гулгула тушаверади, очиқ ҳавода эса нақ ўлай деяётган бўлса-да, қўрқувни унутади.

Керри ҳамон илгари одимлаб, кўприкдан ўтди-да, Бешинчи авенюга бурилди. Бу кўча баланд деворлари кўнғир оҳак ва тўқ қизил виштан ясалган дарани эслатарди. Баҳайбат ойнали витриналар ярак-ярак қиларди. Тарақлаб келаётган токли аравалар кўчани тўлдирган. Катта кишилар ва болалар тўдалари ҳар томонга кетишарди. Керрининг олдидан тенгдошлари ҳам чиқиб қолишар, унинг тортинчоқлигини сезиб, жирканиб қараётгандай бўлишарди. Керри бу шаҳардаги ҳаётнинг серкўламлигидан лол қолиб, унда кўзга кўринмоқ учун кўп нарса билиш лозимлиги ҳақида ўйларди. У ҳеч нарсага яроқсиз чиқиб қоламан, иш қўлимдан келмайди, одамлар мени лапашанг экан дейишади, деб кўрқарди. Кўп жойларда қўлидан иш келмаслигини билиб рад жавоби беришди-ку! Уни бирдан уришиб-сўқиб, ҳақоратлаб, шармандасини чиқариб кўчага ҳайдаб чиқаришса-я!

Керри Адамс-стрит билан Бешинчи авенюнинг муюлишидаги улкан пойафзал фабрикасига питирчилаб ва нафаси бўғзига тикилаёзиб яқинлашди. Лифт уни тўртинчи қаватга олиб чиқди, бироқ у ерда жон асари йўқ эди. Қаёққа қараманг икки томонига шипгача етадиган килиб

тахлаб ташланган яшиклар, узун йўлкалар. Керри кўркаписа битта-яримта чиқишини кутиб турди.

Кўп ўтмай мистер Браун кўринди, бироқ у Керрини танимади.

— Хизмат!

Керрининг юраги музлаб кетди.

— Менга бугун эрталаб келишни буюргандингиз... Мен иш юзасидан...

— Шундай, шундай! — У қизнинг сўзини бўлди. — Ҳим! Отингиз нимаиди?

— Керри Мибер.

— Шундай! — у гапини такрорлади. — Кетимдан юринг!

Улар янги пойафзал иси таратиб ва ҳамма ёқни қоронғи қилиб турган яшиклар орасидан юриб, ахири устахонанинг темир эшигига етишди. Шунда Керрининг кўзи олдида шифтга паст бўлган кенг иморат намоён бўлди, ундаги гувиллаб ва тақира-туқур қилиб ишлаётган машиналарнинг олдида оқ кўйлақларининг енгини шимариб олишган ва кўк пешбанд боғлаган эркаклар уймаланишарди. Керри сал қизаринқиради, сўнгра олд томонига тўғри қараганича етакчисининг кетидан гувиллаётган машиналар оралаб тортиниброқ юра бошлади. Улар устахонанинг бурчагига етганларида лифтга тушиб, олтинчи қаватга кўтарилишди.

Мистер Браун имлаб устани чақирди. У ўша захотиёк машиналар ва иш столларининг орасидан чиқиб келди.

— Мен сизга айтган қиз мана шу, — деди-да, Керрига ўгирилиб қўшиб қўйди: — Унинг кетидан боринг!

Мистер Браун шундай деб кетаверди, Керри бўлса янги бошлиғига эргашиб, идора қилиб қўйилган хона бурчагидаги столча ёнига борди.

— Сиз ҳеч қачон пайафзал устахонасида ишламаган мисиз? — уста анча жиддий оҳангда сўради.

— Йўқ, сэр, — жавоб берди Керри.

Устанинг бундай ишчи билан овора бўлиб ўтиришга тоқати йўқ эди чоғи. Шундай бўлса ҳам, у Керрининг исмини ёзиб олиб, чиқир-чиқир қилаётган машиналар қаршисидаги табуреткаларда тизилишиб ўтирган қизлар кўринаётган устахонанинг ичкарасига бошлади. Кўзланган жойга етишганларидан кейин уста машина ёрдамида бошмоқларнинг танаворини ип боғлаш учун тешаётган ишчи қизлардан бирининг елкасига қўлини қўйди.

... Бунга нима қилиш кераклигини тушунтириб

қўйинг, — деди уста Керрини кўрсатиб. — Бўлганингиздан кейин менинг олдимга боринг!

Уста мурожаат этган қиз тезда қўзғалиб, Керрига жой бўшатди.

— Бу унчалик қийинмас, — деди у Керрининг устига эгилиб. — Сиз фақат чармни бундай ушланг-да, мана-ви ерини сиқиб туриб машинани юргизинг.

Қиз эркаклар бошмоғи танаворининг ўнг ярми чикиши керак бўлган чарм парчасини кичкина кўчма қисқичлар билан маҳкамлади-да, ён томонидаги мўъжазгина ричагни босди. Машина тезда чармни ичкарироқ тортиб, кескин шик-шиқ қилиб танаворнинг чеккасидан ип такиладиган тешик очди ва чармнинг думалоқ бўлакчаларини чиқариб ташлади.

Қиз Керрининг ишини бир оз кузатиб турди-да, вазифасини ёмон уддаламаётганига ишонч ҳосил қилгач, нари кетди.


Керрига чарм парчаси ўнг томонидаги машина олдида ўтирган қиздан ўтар, унга эса чапдаги қўшниси узатарди. Керри ўртача тезлика амал қилиш зарурлигини дарров фаҳмлади, бўлмаса олдида танаворлар уюлиб қолиб, чап томонидаги қизларнинг қўлини бойлаб қўярди. Қизларнинг эса теварак-атрофларига аланглашга ҳам вақтлари йўқ эди, шунинг учун ҳам Керри ишга астойдил киришди.

Керрининг ён-веридагилар унинг хижолат тортиб, хаяжонланаётганини сезаётганларидан суръатни сал секинлатиб, унга кўмаклашишга ҳаракат қилишарди.

Керри машинадан бир секунд ҳам узоқлашмасди; унинг бир текисда ишлаши асабини тинчлантириб, хаёлан юрагига тушган ваҳималарини қуварди. У аста-секин устахона қоронғироқ эканлигини пайқаб олди. Унинг бўғиқ хавоси пойафзал исига тўла бўлса ҳам, кўнглини беҳузур қилмасди. Шундай бўлса ҳам у теварагидагиларнинг ўзига қараб қўяётганларини сезаркан, тезроқ ишлолмаяпман шекилли, деган хаёлга бориб эзиларди.

Керри бир марта танаворни машинага нотўғрироқ ўрнаштириб, қисқич билан овора бўлиб қолганди, нақ кўзи олдида кимнингдир баҳайбат қўли пайдо бўлиб, қисқични маҳкамлашга қарашди. У уста эди. Шунда Керрининг юраги дукиллаб кетиб, кўз олдини қоронғилик босиб, ишини қила олмай қолди.

— Машинани юргизиб юборсангиз-чи! — деди уста. — Юргизиб юборинг! Бошқаларни тутманг.



Бу хитоб қизнинг эсини жойига келтирди. У аранг нафас олиб, қаттиқ хаяжонда яна ишига киришди. Орқа томонида турган шарпа ғойиб бўлгандан кейингина енгил нафас олди.

Вақт ўтгандан ўтар, хонанинг ҳавоси ҳам тобора баттар айниб борарди. Керри шу дамда бир ютум тоза ҳаво учун борини аямас, сув ичкиси келар, бироқ қимирлашга юраги дов бермасди. Ўтирган табуретининг суянчиги ҳам, оёқ кўядиган жойи ҳам бўлмаганидан бутун вужуди жуда қийналарди. Кўп ўтмай, яғрини қотиб қолди. У қимирлаб, бурилиб, бошқачароқ ўтириб кўрса ҳам, фойдаси бўлмасди. Шундан кейин толика бошлади.

— Нега ўрингиздан турмайсиз? — кўшниси даромад килиб ўтирмай тўғридан-тўғри маслаҳат бериб кўя қолди. — Бу ман қилинмаган.

Керри унга миннатдорлик билан қараб қўйди.

— Майли, шундай қила қоламан, — деди у.

Керри табуретидан кўзгалиб, бироз вақт тикка туриб ишлади. Бироқ буниси олдингисидан ҳам ноқулай эди. Энди бўйни ва елкалари зирқирарди.

Устахонада ҳукм сурган вазият ҳам дағаллиги ила Керрини эзарди. У теварак-атрофига қарашга ботинолмас, гоҳо машиналарнинг чиқиллашини босиб, қулоғига бирорта танбех эшитилиб қолар, гоҳо кўз қири билан баъзи нарсаларни ҳам илғаб қоларди.

— Сен кеча Гаррини кўрдингми? — деб сўради Керрининг чап томонида ўтирган қиз кўшнисидан.

— Йўқ.

— Уни янги галстукда бир кўрсанг борми! Жуда чиройли бўлиб кетибди-я!

— Жи-им! — бошқаси шундай шивирлаб, иши устига қаттиқроқ эгилди.

Унинг дугонаси дарҳол жим бўлиб, юзи жиддийлашди.

Уста ҳар бир қизга диққат билан қараб шошилмай ўтиб кетди. Бироқ кўздан йўқолди дегунча яна гап бошланди.

— Унинг нима деганини биласанми? — Керрининг чап томонида ўтирган қиз яна гап бошлади.

— Йўқ, билмайман.

— Айтишича, мени гўё Эдди Гаррис билан «Мартин»нинг олдида кўрганмиш.

— Йўр-е?

Қизлар хиринглашди.

Сочини аллакачонлар олдириши керак бўлган сўлоқмондай ёшгина бир йигит чарм парчалари солинган саватни қорнига босганича машиналар орасидан шап-шап килиб ўтди. У Керрига яқинроқ қолганда қўлини чўзиб, битта кизни тирсагидан ушлаб олди.

— Қўлингни торт! — деди киз аччиғланиб. — Аҳмоқ!

Малла сўлоқмон бўлса ишшайиб қўйди, холос.

— Танноз! — деди у киз орқасидан караганича.

Хуллас, бора-бора Керрининг ўтирадиган холи қолмади. Оёқлари зиркираб оғрир, шу топда ўрнидан туриб бир керишгиси келарди. Нахотки ҳеч қачон туш пайти келмаса? Қиз гўё уззукун ишлаётгандек сезарди ўзини. У корни очганлигини мутлақо сезмаса ҳам, аъзойи бадани бўшаниб кетганлигини билиб турарди. Пуансоннинг зарби белгили жойга тушсин деб қадалиб турганлигидан кўзлари ҳам толиққанди. Ўнг томонида ўтирган киз янги кўшниси қийналаётганлигини сезиб, унга раҳми келди. Чунки Керри ортиқча уриниб юборган, амалда эса иши ундан кўп ақлий ва жисмоний меҳнат талаб қилмасди. Унга энди ҳеч қандай ёрдам бериб бўлмасди. Танаворлар уюлиб борарди. Керрининг олдин бармоқлари, сўнгра бутун панжалари қотиб, кейин бутун қўли зиркирай бошлади. Хадеб бир хилда ҳаракат қилавергани қийнаб юборди, кўнглига урди. Бор умидлари пучга чиқиб, бу азобнинг кети қўринмас экан-да, деб турганида паст томондан лифтнинг шахтаси орқали кўнғирокнинг бўғиқ чалиниши эшитилиб, танаффус бошланди. Ҳамма ёқни дарҳол одамларнинг овозлари босиб, югур-югур бошланиб кетди. Қизлар лаҳзада ўринларидан ирғиб туришиб, қўшни бинога шошилишди. Ўнгдаги бўлимдан чиққан эркаклар устахона орқали ўта бошлашди. Чириллаб айланаётган вилдиракларнинг овози тобора пасайиб, охири бутунлай тинди. Одамларнинг овозлари энди ўртага чўккан жимликда галати эшитиларди.

Керри ўрнидан туриб, нонуштасини олгани юрди. Унинг аъзойи бадани қотиб қолган, боши сал айланар, ўлғудай чанқаганди. У устки кийимлар турган тўсик томон кетаётганида олдидан уста чиқиб қолди. У Керрига диққат билан тикиларди.

— Хўш, — уста гап бошлади, — қалай, ишни энла-янсизми?

— Ёмон эмас, — Керри эҳтиром билан жавоб берди.

— Хим! — уста яна нима дейишини билмай кетаверди.

Бошқача шароитда бу иш мутлақо оғир эмасди, би-

роқ ўша пайтларда ишчиларга дурустроқ меҳнат шароити яратиш ҳеч кимнинг хаёлига келмасди.

Энди гушиллаб келиб турган машина мойи билан янги чарм исига бинонинг дам ҳавоси қўшилиб, кўнгилни анча оздирарди. Кеча кечқурун суңурилган пол қийқимларга тўлиб кетганди. Ҳеч ким ишчиларга қулайлик яратиш ташвишини тортмас, қайтанга уларга камроқ бериб, кўпроқ талаб қилишга интилишарди. Оёқни қўйиб ўтирадиган нарсалар, стулларнинг суриладиган суянчиқлари, хотин-қиз ишчиларга ошхона, тоза пешбандлар ва яхшигина кийимхоналар — буларнинг бари ўша пайтларда биронта ҳам одамнинг хаёлига келмасди. Хожатхоналар қоронғи, ифлос, сассиқ эди. Теварак-атрофдаги нарсаларнинг бари ана шундай ғариб кўринарди.

Керри бурчакда турган челақдан бир кружка сув олиб ичди-да, қаерга ўтириб нонушта қилиб олсамикин деб жой излаб аланглай бошлади. Бошқа аёл ишчилар дераза токчалари ва устахонадан чиқиб кетган эркакларнинг иш столларига жойлашиб олгандилар. Керри табиатан тортинчоқ бўлганидан бўш жой тополмаганидан кейин битта-яримтага оғирлигим тушмасин, деб машинасининг олдига қайтиб, табуретга ўтирди. Кейин нонушта солинган қутичани тиззасига қўйиб очаркан, гапларга кулоқ сола бошлади. Ишчи аёлларнинг гапларида маза-матра бўлмаганидек, жаргонлар ҳам сероб эди. Устахонада қолган баъзи эркаклар олисдан қизларга калтакулта гап отиб ўтиришарди.

— Менга қара, Китти, — йигитлардан бири дераза олдидаги кичкинагина жойда вальсга тушиб, бир неча марта айланиб қўйган қизга қичқирди, — икковимиз бир балга бормаймизми?

— Эҳтиёт бўл, Китти! — деб бақирди бошқа бири. — Бўлмаса сочингни тахи бузилиб қолади!

— Бор-е, сен гапирмасанг ҳам бўларди! — деб қўйди қиз уларга.

Керри эркаклар билан қизларнинг ана шундай беадаб валақлашларини эшитиб ўтираркан хурпайиброқ олди. У бундай гапларни эшитиб юрмаганидан улар замирида қандайдир бераҳмлик ва қўноллик яширинганлигини сезар, ҳозирги дамда тагин битта-яримта менга шундай гап қилиб қолмасин деб юраги пўкиллаб турарди. Устахонада ишлаётган барча йигитлар Друэдан бўлак барча эркаклар сингари бесўнақай ва кулгили кўринарди кўзига. Керри одамнинг либосига қараб унинг бойлиги, одоби ва

яхши маънавий фазилатлари хусусида ҳукм чиқаришга мойил эди.

Ярим соатлик танаффус тугаб, машиналарнинг филдираклари яна фириллаб айланишга тушганда, хатто хурсанд ҳам бўлди. У қанчалик чарчаганлигига қарамай, аёл ишчилар орасига сингиб кетишни истарди. Бирок буни ҳам иложи бўлмади: бир ёш ишчи ёнидан ўтаётди бармоғи билан биқинига туртиб кетди.

Керри шиддат билан ўгирилди, кўзлари дарғазаб ёнарди. Жигига теккан йигит эса индамай нари кетаверди, фақат бир марта қараб ишшайиб қўйди, холос. Керри йиғидан ўзини аранг тутиб қолди.

Кўшниси буни фаҳмлаб, тасалли берди.

— Сиз бунга парво қилманг! Бу йигит ўлгудай безбет.

Керри унга ҳеч нима демай, машинаси устига янада эгилиброк олди. У бундай тирикчиликка дош бера олмай-диганга ўхшарди. Нега деганда, қизнинг иш бобидаги тасаввурлари бошқача эди-да. У куннинг қолган қисмини устахона ташқарисида ястанган шаҳар, магазинларнинг ҳашаматли витриналари, одамлар оломони ва кўркем уйларни ўйлаб ўтказди. Қадрдон жойлари билан боғлиқ бўлган барча яхши воқеаларни эслади. Соат учда унга худди олти бўлгандай туюлди, тўртда эса бошлиқлар соатга қарамай, бизни кўпроқ ишлашга мажбур қилишмоқда, деб ўйлади. Уста махлуқнинг нақ ўзгинаси эди. У устахонада изғиб, қизларни даҳшатли ишдан бир дақиқа бўлса-да, бош кўтаргани қўймасди. Керрининг кулоғига чалинаётган узук-юлуқ гаплардан ҳафсаласи пир бўлиб, қизлар билан ўртоқ бўлишдан кўнгли совиди. Ниҳоят соат олти бўлганда дик этиб ўрнидан туриб, шоша-пиша ташқарига чиқа бошлади. Унинг қўллари оғрир, кимирламай ишлаганидан бутун вужуди зиркирарди.

Қиз шляпасини кийиб, узун коридордан ўтиб бораётганида, ёқиб қолган экан шекилли, битта ёш ишчи чақириб қолди.

— Менга қара, жонон, — деди у, — агар кутиб турсанг кузагиб қўяман!

Бу сўзлар Керрига нисбатан айтилаётган бўлса ҳам, у киё боқмади.

Одамлар роса тикилган лифтда жомакори чанг ва ифлос бўлиб кетган битта ўсмир юрагини бир ўйнатиб қўйиб дегандай, қизга каттиқ тикилиб қўйди.

Кўчага чиққанида эса йўлкада ўртоғини кутиб турган

кандайдир бир йигит Керрига кўзи тушиши биланок хингиллаб ҳазил аралаш гап отди:

— Йўлимиз бир эмасми мабодо?

Керри йўлга тушди. Муюлишдан бурилганида деразанинг улкан ойнасидан бундан бир оз вақт илгари бориб иш масаласида гаплашган кишининг столчасини кўриб қолди. Кўчада илгаригидек тетик, ғайратли одамлардан иборат сершовқин оломон одимларди. Керри ўзини сал энгил тортгандай сизди, аммо бу устахонадан бир амаллаб чиқиб олгани оқибати эди. У ёнидан ўтиб бораётган ва яхши кийинган қизлардан хижолат бўларди. Ўзича бундан ҳам яхшироқ ишга муносиб кўринганидан беихтиёр жаҳли чиқарди.

Ҳ 6 0 6

АЖИБ ТУН ГУЛИ. КЕРРИНИНГ НОМИ ҚАНДАЙ ТИЛГА ОЛИНГАНИ

Друэ келишилган оқшомда келмади. У Керрининг мактубини олгандан кейин уни вақтинча унутиб, ўзи тушунган маънодаги ўйин-кулгига бутунлай берилиб кетди. Ўша кунни у Кларк ва Манро-стрит кўчаларининг муюлишидаги иморатнинг энг пастки қаватини эгаллаган ва анча донгдор бўлган «Ректор» ресторанида овқат қилди. Пешиндан кейин эса муниципалитетнинг баланд иморати рўпарасидаги «Фишжеральд ва Мой» майхонасига йўл олди. Унга киргандан кейин хашамдор пештахтанинг ёнига ўтирди-да, бир рюмка тоза виски ичди, иккита сигара олиб, биттасини тутатди. Бу Друэнинг тасаввурича «юксак доира» кишиларининг маишатида кирар, улар кечираётган ҳаётнинг чамаси бир заррасини ташкил қиларди.

Друэ ичкиликбоз ҳам, пулдор ҳам эмасди. У ўз тасаввурисидаги ҳаётнинг зўр томонларига интилгани интилган, вақтни ана шундай ўтказиш ҳам унинг наздида ўша зўр томонларнинг бир бўлакчаси эди. Девор ва поли ялтиратилган мрамрдан қилинган, нурга чўмган ва кумуш ҳамда чинни жиҳозларга бой бўлган, ҳаммасидан ҳам артистларнинг севимли маскани сифатида обрў қозонган «Ректор» ресторани иши юришган одамга энг бош жойдай туюларди. Друэ яхши кийиниб, лаззатли таомлар ейишни хуш кўрар, ҳаммасидан ҳам яхши улфат ва

омади келган кишилардан таниш-билишлар орттиришга суяги йўк эди. У ана шу ресторанда тановул қилаётганида бу ерда машхур актёр Жозеф Жефферсон тез-тез бўлиб туришини, ўша даврнинг бошқа таниқли актёри Генри Диксон ундан бир неча стол нарида ўтиришини ўйлаб роҳатланарди. Сиёсатчилар, биржа даллоллари, актёрлар учрашадиган ҳамда бутун шаҳарга таниқли бўлган ёш ва бадавлат сайёҳлар сийқаси чиққан гаплардан бўшамай, еб-ичиб ўтиришадиган бу ресторанда доимо хузур қилиб кетиш мумкин эди.

— Хув анави ерда фалончи ва писмадончилар ўтиришибди, — кабилидаги гапни у ёки бу жентльмен оғзидан тез-тез эшитиб турса бўларди. Бундай гаплар айниқса ҳали еб-ичишга пулни аямай сарфлайдиган даражага етишмаган (гарчи бир кунмас бир кун етишишига ишонишса ҳам) одамлардан кўпроқ чиқарди. Шунда одатда кимдир:

— Ростданми? — деб қўярди.

— Ҳа, албатта! Сиз уни танимайсизми ҳали? У катта опера театрининг директори-ку.

Бу гаплар Друэнинг қулоғига чалинганида у елкаларини ростлаб, овқатни янада зўр иштаҳа билан тушира бошларди. У шухратпарастроқ одам бўлганидан бунақа гаплардан кибру ҳавоси ошарди. Мабодо уни иззатталаб дейилса, тобора шишиб кетаверарди. О, у ҳам пулни ҳар томонга дастаси билан сарфлайдиган кунлар келади, албатта. У ҳозир ҳам ана шу кишилар овқатланадиган жойда тамадди қилиб юрибди-ку!

У ана шундай хаёлларга бориб Адамс-стритдаги «Фицжеральд ва Мой» майхонасини маъқул кўрарди. Бу ҳашамлар майхона Чикаго учун катта гап эди. У ҳам «Ректор» ресторанига ўхшаб майин электр нурида чўмилар, полига тўрт бурчакли плиталар ётқизилган, деворларининг пастки қисми ялтиратилган қора ёғоч билан қопланганидан ажойиб қандилларнинг ёруғини ўзида акс эттириб турарди. Деворларнинг юқори қисмидаги чиройли нақшлар зални бениҳоя ҳашамдор кўрсатарди. Майхонанинг узун пештахтаси ҳам нурга беланган, у ҳам ялтироқ ёғоч билан қопланганди. Қаёққа қараманг ярақлаган биллур, ранг-баранг ойналар ва хилма-хил шакллардаги талай шишалар кўзингизни оларди. Бу чиндан ҳам ичида катта хурмо дарахтлари, қимматбаҳо винолари бўлган, мева, конфет ва дунёдаги энг зўр сигаралар тикилиб ётадиган ҳашаматли майхона эди.

Друэ «Ректор» ресторанида мистер Герствуд билан

танишиб қолганди. У «Фицжеральд ва Мой» майхонасининг бошқарувчиси эди. Одамлар уни ниҳоятда ақлли, шаҳарда таниқли ва иши ўнғидан келган киши сифатида тилга олишарди. Герствуд ҳам бу фикрни тўла-тўқис оқларди. У қирққа яқинлашиб қолган, кийинини ўрнига қўядиган, бақувват, назокатли, кишилар билан шаҳарда маълум мавқега эга бўлиб кадри-қиммати қандайлигини яхши билиб муомала қиладиган ва савлат тўқиб юрадиган одам эди. Друэ бу одам билан дўстлашиб бенаф бўлмаслигини тушунганидан у билан муомаласини бўшапштирамай, ҳар сафар бир стаканчада май ичгиси ёки сигара чеккиси келганида Адамс-стритдаги майхонага кириб турди.

Герствуд ҳам ўзига яраша қизиқ одам эди. У энчил, айёр бўлиб, ўзи ҳақида бошқаларда яхши таассурот қолдира оларди. Дабдабали майхонага бошқарувчи бўлиш жуда фахрли вазифа саналарди. Герствуд бениҳоя ҳаракатчанлиги ва тиришқоқлиги туфайли анча йил хизмат қилганидан сўнг арзон-гаров овқатлар сотиладиган кичкинагина ошхонанинг буфетчилигидан ҳозирги даражага етганди. Унинг майхонада мўъжазгина кабинети бўлиб, бутун ҳисоб-китобли ишлари столида эди, улар ёрдамида керакли, буюрилган ва олинган молларни ҳисоблаб қўярди. Умумий раҳбарлик ва молия ишлари майхона эгалари «Фицжеральд ва Мой» қўлида бўлиб, тушум пуллар кассир ихтиёрида эди.

Герствуд кўпинча чет эл матосидан тикилган зўр костюмида майхонани айланиб юрарди. Унинг бармоғида узук ялтирар, галстугидаги ажойиб тўғнағичида кўк олмос кўринар, эғнида ингичка қилиб тикилган қиёмат жилети бўлар, энг яхши маркали соатининг узун занжирида ғалати безаги кўзга тапшланар эди. У юзларча актёрларни, савдогарларни, сиёсатдонларни ва шаҳарда таниқли бўлган бошқа одамларни таниганидан уларни кўрганда: «Ҳа, яхшимисан, қария?» деб қўяр, ҳаммининг назарига тушгани ва иши юришаётганига қисман сабаб ҳам шу эди. Одамларни кўрганда сўрашиши ҳам баландлаб-пастлаб турарди. Хафтасига ўн беш доллар оладиган идора ходимлари ва майда хизматчиларни (улар майхонага тез-тез келиб турганларидан Герствуд кимлигини билишга мушарраф бўлганди) кўрганда «Кунингиз яхши ўтсин!» деб қўйса, шаҳардаги таниқли ёки бадавлат, ўзини танийдиган ва дўстлашишга мойил шахсларга кўзи тушиши биланок: «Яхши юрибсизми, тинч-

мисиз! Ахволлар яхшими?» дерди. Меҳмонларнинг ўта бадавлат ва номдор яна битта тоифаси бор эди. Герствуд улар билан тенглашишни хатто хаёлига ҳам келтирмасди. Уларни кўриб қолгудай бўлса ўзини жиддий тутиб, кадр-қимматини гуширмаган ҳолда бошқарувчиларга хос боодоб муносабатда бўлар, хурматларини жойига қўярди. Бу эса уларнинг бошқарувчига меҳрларини оширар, кадр-қимматига эса сира ҳам путур етмасди. Ниҳоят майхонага тез-тез қадам ранжида қилиб турувчилар орасида бой ҳам, камбағал ҳам бўлмаган, бироқ ҳамма танийдигану шон-шуҳрат бобида омади келмаганлар ҳам бўлиб, Герствуд улар билан чинакам ошначилик қиларди. У ана шундай тоифадаги одамлар билан жон-жон деб гурунглашар, фикрларига ҳам берилиб кулоқ тутарди. Гоҳо-гоҳо кўнгли хурсандчилик тиласа пойгага, театр ва бирор клубда ўтказилаётган спорт томошаларига бориб турарди. Яхшигина файтуни ҳам бор бўлиб, хотини ва иккита боласи билан Шимол томонда, Линкольн-паркка якин жойдаги алоҳида тушган кўркам уйда турарди.

Кўйинг-чи, Герствуд Америкамиздаги, «олий синф» аталмиш ва хаётий даражаси жиҳатидан пулдор корчалонлардангина бир поғона паст бўлган синфнинг вакили эди.

Друэ Герствудга жуда ёқарди. Бу йигитнинг ўзини содда тутиши ҳам, башанг юриши ҳам унга хуш келарди. Герствуд Друэнинг бор-йўғи коммивояжер эканлигини, стажи ҳам унча кўп эмаслигини билар, шундай бўлсада, «Бартлет Карио ва К» йирик ва юксалаётган фирмалардан ҳисобланар, Друэнинг эса унда обрўси яхши эди. Герствуд мистер Кариони яхши билар, чунки у улфатлари билан бир стакан виски ичиб гурунглашиб ўтириш учун майхонага кўп келганди. Чарльз Друэ табиатида қизиқчиликдан бир шингил бўлганидан ишига нафи тегиб турар, ўрни келиб қолгудай бўлса, битта-яримта қизиқроқ латифани қотириб айтиб бера оларди. У Герствуд билан пойга ҳақида гаплашар, аёллар бобидаги саргузаштлари ва хаётидаги бошқа қизиқ нарсалардан сўзлаб, қадами етган шаҳарлардаги бозорларнинг аҳволи хусусидаги маълумотлар билан ўртоқлашарди. Шунинг учун ҳам у ёқимли ва ажойиб суҳбатдош эди. Ўшал оқшомда Друэнинг димоғи ниҳоятда чоғ кўринарди. Нега деганда, унинг ҳисоботи фирмада маъқулланган, янги моллардан намуналар танлашни ўрнига қўйган ва кейинги

бир ярим ойда бўладиган жойларининг маршрутини ҳам белгилаб чиққанди.

— Э, Чарли, қария! — Друэ кечқурун саккизда майхонага кирганида Герствуд уни шундай қарши олди. — Ишларинг қалай?

Майхонада ўша пайтда одам тирбанд эди.

Друэ самимий жилмайиб Герствуд билан сўрашди-да, биргалашиб пештахта томон юришди.

— Раҳмат, ёмон эмас, — деди Друэ кеттишаётганларида.

— Сизни кўрмаганимга бир ярим ой бўлди-я. Қачон келдингиз?

— Жума куни, — жавоб берди Друэ. — Жуда яхши бўлди.

— Хурсандман, — деди Герствуд.

Унинг қора кўзлари энди одатдагидай совук боқмас, мулойим ва самимий чақнади.

— Нима ичасиз? — деб сўради Герствуд устига оппок куртқа кийиб, ўшандай галстукдаги буфетчи «нимани буюрадилар» дегандай олдинга сал эгилиб кўндаланг бўлганида.

— Гармдорили эски ароқдан.

— Менга ҳам шундан бир қултум келтир, — Герствуд буфетчига шундай дегандан кейин сўради. — Шаҳримизда кўпроқ бўласизми?

— Пайшанбагача тураман. Кейин Сен-Полга жўнайман.

— Жорж Ивенс шанбада шу ерда бўлади. У менга сизни ўтган ҳафтада Милуокида кўрганлигини айтувди.

— Ҳа, мен Жоржни кўрувдим, — Друэ унинг гапини тасдиқлади. — Жуда зўр йигит-да, тўғрими? Биз у билан зерикмадик, ишқилиб.

Буфетчи уларнинг олдига битта шиша қўйди. Улфатлар гапни тўхтатмай, шишадан ўзларига қуйиб олишди. Друэ қондага амал қилиб, стаканчасига чоракам қилиб қуйди, Герствуд эса жиндай томизиб, унга селтер суви ҳам қўшди.

— Бу Карио қайга қойиб бўлди? — сўради Герствуд. — Икки ҳафтадан бери қорасини кўрсатмайди.

— Қасал дейишяпти, — жавоб қилди Друэ. — Чолда бод бор-ку!

— Пулни вақтида ишлаб олган-а?

— Ҳа, пули ачиб ётибди, — Друэ унинг гапига қўшил-

ди. — Бироқ чол кўпга бормайди. Хозир идорага бутунлай кирмай кўйган.

— Унинг фақат битта боласи бормиди? — сўради Герствуд.

— Ха, бўлгандаям яшаб қолай дейдиганлардан, — Друэ кулиб юборди.

— Хай, менимча, бошқа шериклар турганда у ишга кўп зарар бера олмаса керак?

— Йўқ, мен ҳам бирор зиён етказа олмас деб ўйлайман.

Герствуд пиджагининг тугмалари солинмаган ҳолда иккала қўлининг бош бармоғини жилетининг чўнтагига солганича пештахтага суяниб турарди. Чироқ нури галстугидаги тўғнағич билан узугини ялтиратиб турганидан унинг сахти-сумбатини ғоят нафис кўрсатарди. Герствуд шу дамда гўзаллик ва фаровонликнинг тимсолига ўхшарди.

Ичмайдиган ва мулоҳазакор одамнинг кўзига бу сершовкин ва маҳмадона одамларга тўла зал қандайдир телбалик, табиат билан ҳаётнинг айнимасидек кўринарди. Бу ерга чарақлаган чироқлар нурида исиниш учун нарвоналар тинимсиз учиб кирарди. Майхонадагиларга разм солиб ўтирган одам қулоғига чалинаётган узук-юлук гаплардан улар ҳақида бир фикрга келишга кийналарди. Товламачилар ўзларининг зўр хийлаларини ўртага ташлаш учун бундан берироқ бўлган гўша танлашлари, сиёсатдонлар қулоғи яхши эшитадиган одам ҳамма гапларини илғай оладиган бундай жойда муҳимроқ нарсалардан гаплашмасликларини ҳамма биледи. Уларнинг барини бу ерга ичкилик учун келишади деб ўйлаш унчалик тўғри бўлмайди, нега деганда, уларнинг кўпчилиги ичкиликбоз эмасди. Шундай бўлса ҳам, уларни гавжум залга тўпланиб, гангир-гунгур қилиб ўтиришга мажбур қилаётган қандайдир куч бор эди. Қўйингчи, майхона сингари жойлар эшикларини очиб туришини кимларнингдир кўнгиллари тилар, йўқса улар бунёд этилмаган бўларди.

Друэни мисолга оладиган бўлсак, бу ерга бошлайдиган нарса ўйин-кулгига ўчлиги ва давлатмандроқ одамлар орасида ўзини кўрсатишга ишқибозлиги эди. Унинг бу ерда кўриб турадиган ўртоқлари ана шу жамоат, ана шу хашам, ана шу вазиятга ўзлари ҳам сезмаган ҳолда ўрганиб қолганликларидан келиб турардилар. Қўйингчи, бу ходисани ижтимоий ахлоқнинг яхшиланаётганини

кўрсатувчи нишона деса бўлар, чунки майхонага келувчилар гурунглашиб кўнгил очишни ўйлашар, бунинг эса ҳеч ёмон томони йўқ эди. Жуда нари борганда майхона ташрифи ҳаётдан фақат пул топишни кўзлайдиган одамни маза қилиб еб-ичиб, дабдабали яшашга ундаши мумкин. Бироқ ўшанда ҳам одамнинг ўзи ва унинг атрофидаги нарсаларга қараши айбли бўлиб чиқарди. Барчани норози қилаётган ягона нарса — ичкиликни йўқотсангиз шароитнинг гўзаллиги ва майхонага борганингиздан кейин қиладиган ширин кайфингизга қарши бирор нима дейдиган одам топилмайди. Энг яхши ресторанларимизнинг номи чиққанлиги бу фикрнинг тўғрилигини исботлайди.

Шундай бўлса ҳам ана шу чароғон зал, ундаги башанг кийинган, оғзига келганни қайтармай беҳуда ва бемаза гаплар билан вақтини ўтказётган очкўз оломон, ясама ҳашам ва сатангликка ўчлик ташқарида — чарақлаб турган юлдузлар остида турган кишининг кўзига ғаройиб ва ғалати кўринарди. Ҳа, юлдузлар чарақлаб, тунги совуқ шамол эсаётган жойдан туриб, чароғон майхонага назар ташласангиз у сирли, кишини сархуш этувчи роҳатбахш ис таратаётган ва теварагида парвоналар аримаётган оловли тун гули бўлиб кўринса ажаб эмас...

— Манави, ҳозиргина бу ерга кирган кимсани кўряпсизми? — деди Герствуд секингина цилиндр кийган сюртукли жентльменни кўрсатиб. Унинг икки юзи худди зўр овқат егандай қип-қизил эди.

— Йўқ. Қаерда? — деди Друэ.

— Ҳув ана! — Герствуд кўзи билан цилиндрли кишини кўрсатди.

— Ҳа, ҳа, кўряпман, — деди Друэ кўрсатилган томонга қараётганини сира ҳам билинтирмай. — Бу ким бўлди ўзи?

— У Жюль Уоллес — машхур спирт¹.

Друэ кизиксиниб қолди.

Менга қолса уни арвоҳлар билан муомала қиладиган одамга ўхшайди деб сира ҳам айтмасдим! -- деб қўйди у.

— Тўғри, унинг арвоҳлар билан гаплашиб туриш-турмаслигини билмайман, бироқ пули кўп, — Герствуд шундай деркан кўзлари ёмон чакнади.

¹ С п и р и т — ўлган одамларнинг арвоҳлари билан гаплашиб турман деб даъво қилувчи одам. Бу ерда товламачи, муттаҳам маъносида.

— Шахсан мен бундай нарсаларга ишонмайман, — деди Друэ. — Сиз-чи?

— Нима десамикин? — жавоб берди Герствуд. — Эхтимол, бир бало бордир бунда? Дарвоке, шахсан мен бунга бошимни қотириб ўтирмасдим. Айтмоқчи, — у кўшимча қилди, — сиз бугун бир ёққа борасизми?

— Ха, бугун «Ер коваги»ни кўргани театрга бораман, — жавоб берди Друэ ўша пайтларда машхур бўлган комедиянинг номини тилга олиб.

— Ундай бўлса кеч қолманг. Соат саккиз ярим бўлди, — деди Герствуд соатига қараб.

Майхонада одамлар сийраклашиб қолди, ундагилар бирин-кетин туриша бошлаганди. Уларнинг баъзилари театрларга, баъзилари ўзларининг клубларига, бир қисм одамлар эса энг ажойиб роҳат-фароғат (ҳар қалай бу ерда бўладиган одамлар тоифаси учун) макони бўлган хонимлар ҳузурига йўл олишарди.

— Ха, кеч қолмай, — деди Друэ.

— Спектаклдан кейин киринг, — таклиф қилди Герствуд. — Сизга у-бу кўрсатмоқчиман.

— Жон деб келаман, — Друэ терисига сиғмай кетди.

— Эхтимол, бугун бирор ишингиз бордир? — сўради майхона бошқарувчиси.

— Йўқ, ишим йўқ.

— Бўлмаса театрдан кейин келинг.

— Жума куни бу ёққа келаётганимда битта офат-жон қиз билан танишиб қолдим, — деди Друэ хайрлашаётиб. — Қуриб кетсин, келгунимча унинг холидан бир хабар олишимга тўғри келади.

— Жа жигарингиздан урган шкилли! — Герствуд ҳазиллашиб кўйди.

— Унинг қанақалигини билмайсиз-да, — Друэ шеригининг юрагига ўт ёқиш учун гапни мубҳамроқ қилди.

— Демак, ўн иккида, — деди Герствуд унга эслатиб.

— Ха, ха, — жавоб қилди Друэ майхонадан чиқиб кетаркан.

Керрининг номи жуда ҳам нобоп ва қувноқ жойда шу тарика тилга олинди. Бу пайтда эса кичкина захматкаш пешанаси шўрлигидан куюниб йиғлар, холбуки дастлабки пайтларда кунларнинг шундай ўтиши деярли муқаррар эди.

МАШИНА БИЛАН ҚИЗ. КУНЛАРИМИЗ РИЦАРИ

Керри кечқурун опасининг квартирасида илгари пайкамаган баъзи нарсаларни сезиб олди. Квартирада ҳеч қандай ўзгариш рўй бергани йўқ. Керри ўзгарди, холос, шу вайдан бўлаётган нарсаларнинг барига бинойидек ақли етди. У иш топган куни хурсанд бўлиб келганидан Минни унинг энди ишидан қувона-қувона гапириб беришини кутганди. Гансон ҳам Керрининг ишдан қўнгли тўлган бўлса керак дея ўйлаганди.

— Хўш, — Гансон ўзининг коржомасида ичкарига кираверишда кўрингач, Керри ўтирган ошхонага мўра-лаб гап бошлади, — ишингиз қалай?

— Жуда оғир, — жавоб берди қиз. — Менга у ер ёқмади.

Қизнинг башарасидан унинг чарчагани ва тарвузи қўлтиғидан тушгани очиқ-ойдин кўриниб турарди.

— Ишингиз қанақа экан ўзи? — деб сўради Гансон ваннага киришдан олдин бир лаҳза тўхтаб.

— Машинада битадиган, — жавоб берди Керри.

Керрининг иши Гансонни рўзгорига алоқадор бўлганлиги учун ҳам қизиқтираётганлиги билиниб турарди. Гансон шунинг учун ҳам ҳозирги дамда Керри чекига тушган ишдан хурсанд бўлиши керак эди-ку, бу ёғи неча пулдан тушяпти энди, деб вижиниброқ турарди.

Миннининг ҳам ҳафсаласи совиганидан Керри келишидан бир дақиқа олдингидай берилиб юмуш қилмасди. Синглисининг ҳасратидан кейин товадаги коворманинг овози ҳам қулоғига ёқмасди.

Аслида эса оғир кечган бундай иш кунидан кейин Керрини фақат бир нарса қувонтира олар, у ҳам бўлса қизнинг хайрихоҳ кишилари кутаётган қувноқ оилага қайтиш ва яхшилаб тузалган дастурхон эди. Ўшанда қани энди битта-яримтанинг хаёлига: «Буларнинг бари бир чақа! Жиндай сабр қил. Ҳали бундан ҳам яхшироқ иш топиб оласан!» дейиш келса.

Энди бўлса унинг бутун орзу-умидлари чиппакка чиққанди. Афсус-надоматлари эр-хотинга ишонарсиз туюлиши ўзига аён бўлиб қолганидан ишлани ва тишини тишига қўйиши керак эди.

Керри тирикчилиги шу уйда ўтаётгани учун ҳафтаси-

га тўрт доллар тўлаши лозимлигини билар, бу одамлар билан умри армонда ўтишига ҳам ақли етарди.

У Минни билан сирдош бўла олмас, чунки опасининг ёши ўтинкираброқ қолганди. Опаси рўшнолик кўрмай ўтиб кетаётганидан ҳаётдаги воқеаларга қараши ҳам бошқача эди. Гансон бўлса хаёлига қувончли фикр келганини ҳам, суюнганини ҳам жуда пинхон тутарди. Чамаси бу одам кўнглидан нималар кечаётганини сиртига чиқаришни хуш кўрмасди. У ташландиқ уйда унсиз эди.

Керрининг бўлса томирларида ёшлик қони жўшар, хаёллари уни олис-олисларга олиб учарди. Унинг кўрмаган нарсалари ҳали олдинда, йигитларни сарсон қилиб, севги сирларидан ҳали воқиф бўлмаган. У қилажак ишлари, кийишни орзу қилган кийимлари, бўлишни истаган жойлари ҳақида ўй суришни хуш кўрарди. Опасининг уйда кўнглини кўтарадиган биронта одамнинг бўлмаганлигини ҳар бир қадамидаги тўсиқ ўрнида кўрар, буларнинг бари хаёлини банд қилиб, уни сира ҳам тинч қўймасди.

Керри кун бўйи кўрган-кечирганларини хаёлидан ўтказаркан, Друэ келиши мумкинлигини бутунлай эсидан чиқариб юборганди. Энди эса бир бошпанада туришса ҳам, опаси билан поччаси холига унчалик ачинишмаётганини кўргандан кейин у билан бу ерда учрашмасликни маъқул билди. Друэ тўсатдан келиб қолгудай бўлса, нима қилишини ва унга нималар ҳақида гапиришини ҳам мутлақо билмасди.

Керри кечки овқатдан кейин кийимларини алмаштирувди, бирдан очилиб кетди. Кўзлари шаҳло бу қиз ясантўсан қилган пайтларида овиз чеккаларидаги маъюс чизиклари ҳам ўзига ярашиб, жуда кўхлик кўрсатарди. Ҳозир эса унинг яхши нарсаларга умид боғлаётгани, ишидан қониқмаётгани ва қалби синиклиги чеҳрасидан билиниб турарди. Керри столдан идиш-товоклар йиғиштириб олингандан кейин хонада бир нафас у ёқдан-бу ёққа юриб, опаси билан пича валақлашди-да, пастга туниб, кўча эшик олдида бирпас турмоқчи бўлди. Друэ келиб қолса ўша ерда кутиб ола қолади. У шляпасини кийиб, зинадан зипиллаганича тушиб кетди.

— Менимча, Керри ишидан унчалик хурсанд эмасга ўхшайди, — деди Минни қўлида газета билан пича мутлақо қилгани ошхонага кирган эрига.

— Бир оз вақтгача чидашига тўғри келади, — деди Гансон. — У пастга тушиб кетдимми?

— Ха.

— Сен унга сабр қилишни маслаҳат берсанг бўларди! — Гансон гапани такрорлади. — У то бошка бирор иш топгунча бир неча ҳафта ўтиб кетади-я.

Минни шундай қиламан, деб жавоб қайтарди, Гансон бўлса яна газета ўқишга тушди.

— Агар мен сенинг ўрнингда бўлсам, — деб қўйди у орадан пича вақт ўтгандан кейин, — унинг пастга тушиб, эшик олдида туришига рухсат бермасдим. Бу яхши эмас.

— Хўп, унга айтаман, — ваъда берди Минни.

Кўча ҳаёти Керрини қизиқтиришини қўймасди. У экипаждаги кишилар қасққа кетишаётганикин, қанақа ўйнаб-кулишаркин, деб ўйлайверса ҳам сира кўнглига тегмасди. Ҳаёлини банд этган нарсалар унча кўн эмас, улар ҳам бўлса — пул, пардоз-андоз, ясан-тусан ва хурсандчиликдан иборат эди. Гоҳо у Колумбия-ситини сал-пал эслаб қўяр, баъзан кун бўйи тортган уқубатлари ҳаёлига келгудай бўлса ғазоби қайнаб кетар, хуллас, теварак-атрофини қуршаб турган мўъжазгина олам эътиборини тортгани тортган эди.

Миннилар истиқомат қилаётган уйнинг биринчи қава-тида новвойхона бўлганидан Керри кўча эшик олдида турганида Гансон нонга тушди. Қиз поччасининг олдида лоп этиб кўриниб қолгандагина пайқади.

— Нонга тушувдим, — деди Гансон унинг ёнидан ўтиб кетаётиб.

Бир одамнинг кўнглидаги нарсани иккинчи одам пай-каши нақадар осон. Гансон чиндан ҳам нонга тушган, бироқ нима қилаётган экан деб қайнсинглисига разм таш-лаш ҳам ҳаёлида йўқ эмасди. У қайнсинглисига яқинлаш-масиданоқ Керри унинг нияти нималигини фаҳмлаганди. Қиз бу фикр ҳаёлига қандай келганлигини айтиб бера олмаса ҳам ҳар ҳолда, Гансоннинг мана шу иши поччаси-ни унга хунук кўрсатиб қўйди. Бундай бадгумон одамга тоқат қилолмаслиги энди қизнинг ўзига ҳам аён эди.

Гоҳо арзимаган бирор нарса ҳам киши кўзига тева-рак-атрофни кундай ёритиб кўрсатиши мумкин. Керри-нинг тинчгина ҳаёл суриб туришига халал етганидан, Гансон қайтиши биланоқ ўзи ҳам кетидан кирди. Орадан ярим соат ўтгандан кейин Друэнинг келмаслиги аён бўлгач, Керри ўксинди. У назарида Друэ ташлаб кетган-дай, хунук деб ёқтирмагандай туюларди. Миннининг квар-тирасида эса чурқ этган овоз эшитилмайди. Минни стол олдида тикиш-чатиш билан банд, Гансон ётиб қолганди.

Керри чарчаган ва орзулари ушалмаганидан опасига уйқуси келаётганини айтди.

— Ҳа, яхшиси, ёта қол, — деди Минни. — Барвакт туришинг керак-ку.

Эрталаб ҳам кўнгилдагидек бўлмади. Керри ўз хонасининг эшигини сал очганида Гансон уйдан чиқиб кетаётганди. Минни нонушта пайтида синглисини гапга солмокчи бўлдию, аммо ҳаракатлари беҳуда кетди, чунки опа-сингил юлдузлари унча тўғри келмай қолганди.

Керри кечагидай ишга пиёда кетди, нега деганда, оладиган тўрт ярим долларидан еб-ичгани ва бошпанага тўланадигани чегириб ташланса, қолгани конкага ҳам етмаслигини тушуниб етганди. Шунда иш хакининг бундай тақсимоти ўзига унча фойдали эмаслиги беихтиёр хаёлига келди. Бироқ, кўчага чиқиши биланок субҳидам офтоби кўнглидаги бор ғуборларини тарқатиб юборди. Тонг куёшининг ана шундай ғаройиб хислати бор!

Керри пойафзал фабрикасида энди кечагидай қаттиқ кийналмаса ҳам, узоқ кунни бир амаллаб ўтказди, аммо янги нарсалар кўзига кўпда чалинавермади. Фақат бош уста устахонани айланиб юрганида унинг машинаси олдида бир зум тўхтаб сўради:

— Сиз қаёқдан келиб қолдингиз?

— Мени мистер Браун ишга олган, — жавоб берди Керри.

— А, шундайми! Майли! Фақат эҳтиёт бўлинг, қўлни тутиб қолманг!

Керри билан бирга ишлаётган қизлар бугун кечагидан бошқачароқ кўринишди.

Улар Керрига ўз тақдирларидан мамнундай туюлишарди. Керрининг эса уларга нисбатан қарашлари доираси кенгроқ эди. Қизларнинг жаргонлари унга ботмади, кийинганда ҳам уларга ўхшаб тўғри келганини илиб кетавермай, нозик дид билан кийинарди. Уни айниқса тирикчилик ўтказаман деб ўлиб-тирилиш жонига теккан қўшниларидадан бирининг гапи эзиб юборди.

— Бу ердан кетаман, — деганди у бир марта дугонасига. — Арзимаган ҳақ билан чўзиқ иш куни менинг саломатлигимга тўғри келмайди.

Керри қизларнинг ёшлар билан ҳам, қарилар билан ҳам бемалол гаплашиб, кўпол ҳазиллар қилишларини пайқади. Бу аввалига уни анча қийнади. Чунки вақти келиб унга ҳам шунақа ҳазил-хузил қилишлари мумкин эди-да.

— Яхшимисан, нозанин! — деди унга тушки танаффус пайтида ишчилардан бири. — Бежиримроқ экансан!

Йигит бу гапни шунчаки айтганидан ҳар кунгидай: «Бор-е, аравангни торт!» қабалидаги жавоб кутганди. Лекин Керри индамай ўгирилиб олганида жуда хайрон бўлди-да, уялганидан хиринглаб, нари кетди.

Уйга келса окшом кечагидан ҳам баттар зерикарли. Керри бундай тирикчиликдан ўлар ҳолатга ета бошлади. У Гансонларникига меҳмон зоти қадам босмаслигини ҳам билиб қолди. У пастга тушиб, кўча эшикда бирпас турди-да, сўнг юраги бетлаб, бироз айланиб келмоқчи бўлди. Кўчада қизнинг шошилмай бир-бир қадам ташлаши ва башангроқ кийингани маълум тоифадаги эркакларнинг кўзларини ўйната бошлади. Керрининг ёнидан ўтиб кетаётган яхши кийинган бир эркак қадамини секинлатиб:

— Айлангани чиқдингизми? — деганида гангиб қолаёзди.

Керри унги хайрон бўлиб қаради-да, орқасига тисарилди.

— Мен сизни мутлақо танимайман-ку, — деди у эҳсушини йиғиштириб олиб.

— О, бунинг ахамияти йўқ! — йўловчи ишшайиб қўйди.

Керри у билан гаплашиб ўтирмай кетишга шошилди. Ўпкаси оғзига тикилгудай бўлиб, уйининг эшигига аранг етиб келди. У ҳалиги кишининг қарашидан ўтакаси ёрилгудай бўлганди.

Бир ҳафта шу алфозда ўтди. Керри икки ё уч марта ишдан кейин тинкаси қуриб, уйга конкада қайтди. У бақувват бўлмаганидан, кун бўйи бир ерда ўтираверганидан яғрини қотиб қоларди. Шу важдан бир куни Гансондан олдин чўзила қолди.

Гуллар билан қизлар бир жойдан иккинчи жойга кўчирилишни унчалик ёқтиришмайди. Уларнинг ўсиб-униб кетаверишлари учун гоҳо дурустроқ замин ва шарт-шароит керак бўлади. Керри бундай шароитга бирдан тушиб қолмай, унга аста-секин кўника борса ёмон бўлмасди. У ишга кечроқ жойлашиб, ўзини ҳамон қизиқтираётган шахар билан батафсилроқ танишиб олганида бунчалик ахволга тушмаган бўларди.

Ёмғир ёккан биринчи кунёқ Керрининг зонтиги йўқлиги маълум бўлди. Шунда Минни унга ўзининг эскириб ва унниқиб кетган битта зонтигини бериб турди. Бу эса Керрининг иззат-нафсига тегди. У универсал ма-

газинга отланиб, бисотидаги оз-моз пулидан бир доллару чоракнинг бошига сув қўйиб, зонтик сотиб олди.

— Нега бундай килдинг? — деди опаси унинг зонтик олганидан капалаги учиб.

— Менга зонтик керак-да, ахир! — Керри унга шундай жавоб берди.

— Аҳмоқ киз!

Бундан Керрининг жаҳли чикса ҳам индамади. Нахотки улар фабрика ишчиси ҳар қанақа расво зонтикни ҳам индамай тутиб кетаверади, деган хаёлга боришса!

Керри биринчи шанбадаёқ ишдан қайтиши билан тургани ва еб-ичгани учун опасига тўрт доллар тўлади. Минни пулни олаётганида виждони сал қийналгандай бўлди. Лекин синглисидан камроқ олгудай бўлса, эрига нима жавоб киларди? Энди у «танги» мамнун жилмайиб, хотинига рўзфарга пулни ҳар сафаргидан тўрт доллар кам беради. У шу йўл билан ер участкасига ҳар ойда тўлаб турадиган бадалини оширишни мўлжалларди.

Керрининг бўлса ҳар ҳафтада ёнига қоладиган эллик центга қандай қилиб кийинаману, ўйнаб-куламан, деб боши қотгани қотганди. Буни ҳадеб ўйлайверганидан охири тутоқиб кетди.

— Мен кўчани бирпас айланиб келай, — деди у кечки овқатдан кейин.

— Ёлғиз бўлмассиз, албатта? — сўради Гансон.

— Йўқ, ёлғизман, — жавоб берди Керри.

— Чакки қиласан, — Минни гапга аралашди.

— У-буларни кўрмай ўлайми энди! — деди Керри унга.

Керри силтаброқ жавоб қилганидан эр-хотин унинг хурсанд эмаслигини биринчи марта сезишди.

— Унга нима бўлди ўзи? — деб қўйди Гансон Керри шляпасини кийгани чикқанида.

— Очиғи, билмайман, — жавоб берди Минни.

— Ҳим... У кечқурун кўчага ёлғиз чикиб бўлмаслигини тушуниши керак.

Керри шунда ҳам олисга кетмади. У тезда орқасига қайтиб, кўча эшикда тураверди.

Эртаси куни хаммалари Гарфилд-паркка боришди, бироқ сайрдан Керрининг сира ҳам дили ёришмади, нега деганда, таъби хира эди. Эртасига эса у фабрикада кизларнинг арзимас ўйин-қулгилари ҳақида офиз кўпиртириб гапираётганларини эшитиб қолди. Улар бахтиёр эдилар.

Бир неча кун сурункасига ёмғир қуйганидан Керри уйга конкада қайтарди. Кунлардан бирида кетаётганида жуда ивиб кетди. Шу оқшом чироқларнинг нури акс этаётган нам кўчадан кўзини узмай хужрасида ўтираверди. Қиз жуда нозик қалб сохибаси бўлганидан рухи ҳам тезда тушиб кета қоларди.

Керри келгуси ҳафтада опасига яна тўрт доллар тўлаб, қолган эллик центни ух тортиб яшириб қўйди.

У фабрикадаги баъзи ишчи қизлар билан танишиб олганидан гаплашиб ўтирган пайтларида уларнинг ишлаган пулларида анча-мунчаси ўзларига қолишлигини билиб олганди. Бунинг устига улар йигитлар билан юришганидан ўйин-кулгилар хушторларнинг бўйнида эди. Бироқ Керри Друэни кўрганидан бери устахонадаги йигитларни кўнгли тортмас, уларни кўпол одамлар деб ҳисобларди. Тўғри, у йигитларни фақат иш пайтида кўрарди-да.

Яқинлашаётган кишининг биринчи даракчиси бўлган совуқ шамол кўчаларда чаппар урадиган кун ҳам келди. Бу шамол осмонга булутларни тўдалаб, фабрика трубаларидан чиқаётган тутунларни чўзгилаб кетар, кўча ва чорраҳаларда ғувиллар эди. Керри шунда қишда нима қияман, деб ўйланқираб қолди. Нима қилсин энди? Унинг иссиқ кофтаси ҳам, шляпаси ҳам, ботинкаси ҳам йўқ. Булардан опасига оғиз очипи ўлимдан қийин бўлса ҳам, барибир юрак ютиб шундан гап очди.

— Очиғи, қишда нима қилишимга ҳайронман, — деди у бир куни опа-сингил икковлари холи қолганларида. — Иссиқ кийимим йўқ. Бундан ташқари шляпага ҳам муҳтожман.

Миннининг юзи ташвишли тусга кирди.

— Пулингнинг бир қисмини ўзинга олиб қолиб, шляпа сотиб ола қол, — у Керрининг бериб турадиган пули камайгудай бўлса, қандай аҳволда қолишларидан ичида хавотирланиб турса ҳам, синглисига шу таклифни қилди.

— Мен агар хўп десанг, албатта шундай қилган бўлардим. Бир ёки икки ҳафта қўйиб берсанг бўлгани, — деди Керри дангалига.

— Икки доллардан тўлаб тура оласанми? — сўради Минни.

Керри оғир аҳволдан қутулганига хурсанд бўлганидан бунга жон деб рози бўлди ва ҳаттоки сахийлиги ҳам тутиб кетди. У азбаройи қувонганидан ўна заҳотиёқ пу-

лини ҳисоблашга тушди. Унга ҳаммасидан ҳам шляпа керак эди. Опасини бу гапларни эрига тушунтирган-тушунтирмаганини билолмади ҳам. Поччаси унга лом-мим демади, шундай бўлса-да, квартирада қандайдир норизолик руҳи вужудга келганди.

Агар хасталик белга теппаганда Керрининг режаси амалга ошмай қолмасди. Охириги ёнгарчиликка совуқ уланиб кетди. Керри бўлса ҳамон ишга иссиқ кофтасиз бориб келарди. У кеча кеч соат олтида дим фабрикадан тўғри совуқ шамолга чиқиб қолганди. Шунда аъзойи баданини қалтироқ босди. Эртасига эрталаб бурнидан сув келиб турса ҳам ишга жўнади. Фабрикада уззукун суяклари қакшаб, боши алланечук хувиллаб қолгандай бўларди. Кечкурунга бориб жуда мазаси кетиб қолди, уйга келгач, туз ҳам тотмади. Минни синглисининг ранги синиқиб қолганлигини кўриб, нима қилди, деб сўради.

— Ўзим ҳам билмайман, — жавоб берди Керри. — Негадир мазам қочяпти.

У печканинг ёнидан кетмас, титроқдан тишлари такилларди.

Керри бутунлай мазаси қочиб, ўрнига чўзилди, эртасига эрталаб эса иссиғи кўтарилди.

Минни хавотирга тушиб қолиб, синглисидан меҳрибончилигини аямасди. Гансон бўлса Керри уч-тўрт кунга уйига бориб турса зарар қилмасди, деб кўйди.

Керри уч кундан кейин оёққа босганида фабрикадаги жойидан айрилганлигига шак-шубҳа қилмаса бўларди. Қиш бўлса келиб қолган, қизнинг эса иссиқ кийими йўқ, бунинг устига ишидан ҳам маҳрум бўлганди.

— Очиғини айтсам, жуда бошим қотиб қолди, — деди у опасига. — Душанба куни шаҳарга бориб иш қидириб кўраман, зора бирор нарса насиб этса.

Бу сафар Керрининг уринишларидан иш чиқмади. Унинг устидаги кийими кеч кузакка бош эмасди, бор пулини эса шляпага ишлатиб қўйганди. Қиз уч кун шаҳар кезганидан кейин жуда кўнгли чўкиб кетди. Гансонлар билан муносабати ҳам тобора совиб борар, уларнинг уйига кечкурунлари бир аҳволда кириб келарди. Гансон муздек совуқ эди. Керри бунақада оши пишмаслигини тушуниб турарди. Аҳвол шу тариқа бўладиган бўлса у тез орада ўзини мағлуб санаб, изига қайтиб кетиши керак эди.

Керри тўртинчи кунни ҳам опасидан нонуштага ўн

цент қарз олиб, иш қидириб, кеч келди. У жуда кам ҳақ тўланадиган иш бўлса ҳам рози эди. Бир ресторанининг дарчасида официантлар кераклиги ҳақидаги эълонни кўриб қолиб, унга ҳам бош суқиб кўрувди, бизга тажрибали қиз керак, деган жавоб олди.

У ичига чироқ ёкса ёримайдиган ҳолатда бегона кишилар тўдасида кетаркан кимдир тирсагидан тутиб, орқасига қаратди. Қулоғига:

— Ҳали шунақа денг! — деган гап эшитилди.

Керри биринчи қарагандаёқ Друэни таниди. Унинг юзи тирсиллаган, қип-қизил бўлиб, табассумдан ёришиб кетганди. Гўё у офтоб нури ва олижанобликдан ясалганга ўхшарди.

— Аҳволларингиз яхшими, Керри? — деб сўради у қиздан. — Жуда очилиб кетибсиз! Шунча вақтдан бери қайларда юрувдингиз?

Керри бу мулозаматлардан эриб кетиб, беихтиёр оғзининг таноби қочди. — Уйда эдим, — жавоб берди у.

— Билсангиз, мен сизни олисдан, кўчанинг нариги бетидан пайкаб, ҳойнаҳой сиз бўлсангиз керак, деб ўйладим, — деди Друэ. — Сизни бориб кўрмоқчи бўлиб турувдим. Хўш, аҳволларингиз қалай?

— Ёмон эмас, — деди Керри жилмайиб.

Друэ унга бошдан-оёқ разм солиб, аксинча фикрга келди.

— Сиз билан бир гаплашсам девдим, — деди у. — Ҳозир бирон ёққа шошилаётганингиз йўқми?

— Йўқ, шошилаётганим йўқ, — деди Керри унинг гапига жавобан.

— Бўлмаса бирон жойга кириб тамадди қиламиз. Сизни кўрганимдан қанчалик хурсандлигимни айтсам, ўлай агар ишонмайсиз!

Керри ўзига парвона бўлаётган бу қувноқ одамни кўриб енгил тортганидан сал оёқ тираган бўлса ҳам, жон деб кўна қолди. Друэ бўлса уни қўлтиқлаб олди. У бир-икки қадам босмаслариданок:

— Хўш? — деб қўйганди, қиз Друэнинг ўзини яқин олаётганини пайкаб, кўнгли бирмунча кўтарилиб кетди.

Улар Монро-стритни кесиб ўтиб, ўша пайтларда ажойиб таомлари ва меҳмоннавозлиги билан ном чиқарган қадимий, кенг-қўлам ва шинам ресторан «Виндзор»га йўл олишди. Друэ дераза олдидаги столчани танлади, нега деганда, бу ердан гавжум кўчани бемалол кўриб ўтирса бўларди. У кўчанинг ўзгариб турувчи манзараси-

ни севар, бу ерда тамадди қилганида бошқаларни кўришга ҳам, ўзини кўрсатишга ҳам суяги йўқ эди.

— Демак, — Друэ жойлашиб ўтириб олганларидан кейин гап бошлади, — нимани кўнгиллари тилайди?

Керри официант узатган таомлар рўйхатига кўз югуртирди. Корни пиёзнинг пўсти бўлиб кетганидан таомларнинг рўйхати унинг баттар иштаҳасини кўзғатарди. Шундай бўлса ҳам таомларнинг нарх-навоси уни хуркитиб юборди.

Сихга тортиб қовурилган жўжа — етмиш беш цент.

Кўзиқоринли бифштекс-филе — бир доллару йигирма беш цент.

Керри бундай овқатлар таърифини сал-пал эшитгану, аммо ўзи уларни буюрадиган кун келишига негадир ишонгиси келмасди.

— Биз шундай қиламиз бўлмаса, — деди Друэ, — официант, бизга қаранг!

Елкалари кенг ва ялпоқ юзли официант яқин келиб, эҳтиром ила эгилди.

— Кўзиқоринли бифштекс ва помидор дўлмаси, — деди Друэ.

— Бош устига, сэр! — жавоб берди негр бош ирғаб.

— Тилимлаб қовурилган картошка.

— Бош устига, сэр!

— Сарсабил.

— Бош устига, сэр!

— Қаҳва ҳам беринг.

Друэ официант кетганидан кейин Керри томонга ўгирилди.

— Эрталабдан бери туз тотганим йўқ. Мен hozиргина Рок-Айлендан келиб, овқатлангани борай деб турганимда сизни кўриб қолдим.

Керри бунга жавобан жилмайиб қўйди.

— Шунча вақт нима қилдингиз ўзи? — деди Друэ гапида давом этиб. — Менга ўз ҳақингизда батафсилроқ гапириб беринг. Опангиз қалай?

— Соппа-соғ, — деди Керри фақат унинг охирги саволига жавоб бериб.

Друэ унга синчиклаб қаради.

— Менга қаранг, — деди у, — ўзингиз касал бўлмадингизми ишқилиб?

Керри унинг гапини тасдиқлаб бош ирғади.

— Оббо фалокат-е! — деб юборди Друэ. — Рангингиз ҳали ҳам ўзига келмабди. Ўзим ҳам мазангиз йўқроқ

бўлса керак, деб ўйловдим-а. Шунча вақт нималар қилдингиз ўзи?

— Ишладим.

— Шундай денг! Қаерда?

Керри гапириб берди.

— «Родс, Моргентау ва Скот»дами? Албатта, албатта, биламан! У Бешинчи авенюда, шундайми? О, улар жуда пишиқ одамлар-да. У ерга боришга сизни нима мажбур қилди?

— Бошқа дурустроқ иш топа олмадим-да.

— Одамни хўрлаш ҳам шунчалик бўладими? — деди Друэ. — Сиз бу жанобларнинг кўлида ишламаслигингиз керак эди. Уларнинг устахоналари магазиннинг орқасида, шундайми?

— Ха, — Керри унинг гапини тасдиқлади.

— Бу унчалик эътиборли фирма эмас, — деди Друэ. — Сизга бундай иш тўғри келмайди.

Друэ тинимсиз сайраб, саволлар берар, ўзи ҳақида гапирар, «Виндзор» ресторани канақалигини тушунтирарди. Ниҳоят официант иссиқ ва овизнинг сувини келтирадиган таомлар жойланган катта патнисни кўтариб келиб қолди. Друэ лаб-лунжини йиғиштириб ололмай Керрига парвона бўла бошлади. Оппоқ дастурхону кумуш идишлар давранинг файзига файз қўшиб турарди. Друэ пичоқ ва вилка билан қовурманинг гўштини кесаётганида бармоғидаги узуклар ҳам унинг обрўсини кўз-кўз қиларди. У бирор нарсага қўл чўзганида, нон узатгани ёки қаҳва қуйганида эгнидаги янги костюми ёқимли шитирлаб қўярди. Друэ «олинг-олинг» қилиб, Керрининг тарелкасига у-бу солгани солган, қизнинг бундан вужудига иссиқ югуриб ва кўнгли кўтарилиб, жуда очилиб борарди. Друэ ҳақини кеткизмаслик бобида ажойиб одам бўлганидан қизни бутунлай сеҳрлаб қўйганди.

Керри фалак гардиши тўсатдан ўзига қараб айлана бошлаганидан унчалик ажабланмади. Унинг бошидан сал ҳуши учган бўлса ҳам, залнинг ажиб манзараси қалбига осойишталик бахш этар, кўчадаги яхши кийинган одамлар оломони эса завқига завқ қўшарди.

«Давлатмандлик шунақа бўлар экан-да! — ўйларди қиз ичида. — Бу ерга тамадди қилгани келиш қандай роҳат! Друэнинг бахти жуда келган-да! У кўп сафар қилади, яхши кийинади, қўли узунлигидан мана шундай зўр ресторанларда овқатланади!» Друэ энди кўзига жуда бошқача одам бўлиб кўринар, қиз унинг менга бунчалик

дўст тутиниб, айланиб ўргилаётганига сабаб нимадайкин, деб беихтиёр ўзига-ўзи савол берарди.

— Демак, сиз бетоблигингиз туфайли ишсиз қолибсиз-да? — деб сўради Друэ Керридан. — Энди нима қилмоқчисиз?

— Яна иш қидираман, — жавоб берди Керри.

Қиз шундай деса ҳам, ана шу ажойиб рестораннынг ташқарисида мухтожлик кутиб турганини, у оч итдай эргашиб юрганини ўйлаганида кўнглига ваҳима тушди.

— Йўқ, буниси бўлмайти, — деди Друэ. — Анчадан бери иш қидиряпсизми?

— Тўрт кун бўлди.

— Буни каранг-а! — Друэ гўё кўринмай турган учинчи улфатига қаратилгандай хитоб қилди. — Йўқ, бу сизга сира ҳам муносиб эмас. Бу қизлар, — у барча сотувчилар ва фабрика ишчиларини кўрсатгандай қўлини чўзди, — ўз меҳнатлари учун ҳеч вақо олмайдилар хисоб. Ўшанақа пулга тирикчилик қилиб бўлармиди?

Друэ Керрига ўзини ўртоқдай тутарди. У Керрининг бундай жойда ишлаши ҳақидаги тахминни ҳам қаттиқ қоралаб бўлганидан кейин бошқа нарсага кўчди. Керри чиндан ҳам хушрўй эди. У ҳатто устидаги ана шу хароб кийимда ҳам қомати жуда келишган кўринар, шахло кўзлари бўлса меҳр ила боқарди.

Друэ қизга синчиклаб тикилганди, қиз унинг шу дамда кўнглидан нималар кечаётганини фахмлади. У Друэнинг завқ қилаётганини сезар, буни унинг сахийлиги, олижаноблиги ва қувноқлиги ҳам бўрттириб турарди. Қиз, шунингдек, Друэ ўзига ёқаётганлигини ва доимо ёқа олишини ҳам ҳис этарди. Айтгандай, унинг гужгон ўйнаётган хаёллари оламига қандайдир пинҳоний ва ширин бўлган ўйлар ҳам келарди. Икковлари дам-бадам кўз уриштириб туришаркан, нигоҳлари гўё бир-бирлари томон ошиққан туйғулари оламини қамраб олгандай бўларди.

— Бугун шаҳарда қолиб, мен билан театрга борсангиз нима қилади, — Друэ шундай дея яқинроқ сурилди. Уларнинг столлари ҳам унча кенг эмасди.

— Оҳ, йўқ, ноиложман! — Керрининг капалаги учиб кетди.

— Бугун нима қилмоқчисиз?

— Ҳеч нима, — маъюсгина жавоб берди Керри.

— Сизга турган жойингиз унчалик ёқмаётганга ўхшайди-а?

— Тўғрироғи, уйимга қайтиб кетадиганга ўхшайман.

Шунда Керрининг овози сал титрагандай бўлди: нега деганда, Друэ ўткир жозиба эгаси эди-да. Улар бир-бирларини шундоқ ҳам тушуниб туришарди. Друэга Керрининг ҳозир қандай аҳволдалиги, Керрига эса унинг бундан воқиғлиги очик-равшан эди.

— Йўқ, буниси кетмайди, — деди Друэ самимий хайрихоҳлик билан. — Кўмаклашишимга ижозат берасиз. Мендан озроқ пул оласиз.

— О, йўғ-е! — Керри ҳатто ўзини нарироқ олди. У жим қолиб, ўйчан бош чайқади.

Друэ унга меҳр билан тикилди. Жилстининг чўнтагида бир неча қоғоз пул бор эди. Улар майингина бўлганидан Друэ уларни пайпаслаб, вижимлаб чангаллади.

— Менга қаранг, Керри, — яна гап бошлади Друэ, — сизни бу аҳволдан қутқаришни чин кўнглимдан истайман. Ўзингизга у-бу сотиб оласиз.

У биринчи марта бу мавзунини тилга олганидан Керри дарҳол устидаги кийими бир аҳволдалигини эслади. Друэ бунга кўшолроқ ёндашган бўлса ҳам гапи нақ мўлжалга текканди. Бундан Керрининг лаблари титраб кетди.

Керрининг бир қўли стол устида эди. Икковлари ресторанининг холироқ бурчагида ўтиришганидан Друэ қизнинг латиф бармоқларига ўзининг катта ва каттиқ қўлини қўйди.

— Бўлди энди, Керри, етар! — деди Друэ. — Бир ўзингиз нима ҳам қила олардингиз, шуни ўйлаб кўринг. Менинг ёрдамлашимга йўқ деманг!

У шундай дея Керрининг бармоқларини салгина қисди. Қиз қўлини тортиб олмоқчи бўлганида янада қаттиқроқ ушлаганди, у тинчиди қолди. Друэ шундан кейин унинг қўлига кўкавой қоғозларни қистирди-да, қизнинг норозилигига қарамай, қулоғига шивирлади:

— Мен буни қарзга беришман, майлими? Фақат қарзга!

У Керрининг пулни олишга мажбур қилди. Шунда Керрининг қалбини миннатдорчилик ҳислари лиммо-лим тўлдирди, ўзини энди унга тобе бўлиб қолгандай сезарди.

Улар суҳбатни бўшаштирмай ресторандан чиқишди. Друэ уни жанубга томон анча жойгача, Полк-стритгача кузатиб борди.

— Сиз қариндошларингиз билан туришни унча истамасиз чоғи? — сўради у гап орасида.

Керри бу гапни эшитмади, аммо унга ортиқча эътибор ҳам бермади.

— Сиз эртага бу ерга барвактроқ келинг, биргалашиб эрталабки томошага борамиз, — таклиф қилди Друэ. — Нима дейсиз?

Керри йўқ демоқчи эдию, бироқ кейинчалик кўна қолди.

— Сиз ҳозир бўшсиз-ку, ахир. Ўзингизга чиройли ботинка билан иссиқ кофта сотиб олинг, — Друэ Керрига шундай маслаҳат берди.

Керри Друэ кетгач, калбини нақадар мураккаб ва бир-бирига зид фикрлар хаяжонга солишини ўйлаб ҳам кўрмаганди. Ҳозир Друэ олдида эканлигида ўзи ҳам унга ўхшаб хурсанд ва димоғи чоғ эди.

— Ўша одамларингизни ўйлайверманг энди! — деб қўйди Друэ хайрлашаётганида. — Мен сизга қарашаман.

Керрининг назарида гўё кимнингдир бақувват қўли елкасидаги ташвиш ва ғам юқларини узиб олгандай эди. Қўлида эса иккита майин ва чиройли ўн долларли кўкавой пул кўринарди.

VII б о б

ЗАМИН НЕЪМАТЛАРИНИНГ ЧАЛҒИТУВЧИ КУЧИ. ҲУСН ЮЗДА

Пулнинг чинакам аҳамиятини шу чоққача ҳеч ким тушунтириб ҳам бера олмаган, маънисига чуқурроқ тушуниб ҳам ета олмаган. Пул одамнинг хизматиغا яраша тўланиши кераклиги, у ғайри қонуний равишда эгаллаб олинган эмас, балки тўқилган тернинг тўлови бўлиб хизмат қилишлигини ҳар биримиз тушуниб олган пайтимиздагина талай ижтимоий, диний ва сиёсий ихтилофларимиз мисли афсонадай бўлиб қолади. Керри Мибер ҳам пулга аксари одамлар сингари қарарди. Қадимги замонларда: «Пул — бу бошқаларда бор нарса, унга мен эга бўлишим керак», деган гаплар юрарди. Ана шу нақл ҳам Керрининг пул ҳақидаги тасаввурини ўхшатиб ифода қила оларди. У ҳозир ҳам қўлида иккита юмшоқкина кўкавой қоғоз пулни ушлаб тураркан, уларни қўлга киритганидан бениҳоя хурсанд эди. Назарида шу қоғоз пулларга қандайдир айрича куч жо-бажо бўлгандай. Ақл-хуш жиҳатидан Керри даражасида бўлган кимса одам оёғи етмаган оролга тушиб қолиб, бир қоп пул топиб олганида хурсандликдан терисига сиғмай кетар, лекин

орадан анча вақт ўтиб оч қолганидан кейингина пулнинг гоҳо ҳеч қандай қиммати йўқлигини тушуниб етган бўларди. Бироқ ўшанда ҳам пулнинг қиммати нисбийлигини тушуниб ололмас ва фақат шунча кучга эга бўлса ҳам, уни ишлатиш имкониятидан маҳрум бўлиш қанчалик аламли эканлиги хусусидагини ўйлаган бўлур эди.

Керри Друэ билан хайрлашгандан кейин боши қотганича йўлида кетаверди. У бўшанглик қилиб пулни олганидан жиндай хижил эди. Бироқ муҳтожлик чангалида қолганидан бу қўмакдан қувонмай бўлмасди-да. Мана энди унинг чиройли янги жакеткаси бўлади! Тугмачали чиройли ботинка ҳам сотиб олади! Пайпоғи ҳам, яп-янги юбкаси ҳам бўлади... Керри илгари бўлғуси маошини убу оламан деб ўзича тақсим қилганидек, бу сафар ҳам қўлидаги пулининг харид қувватига икки марта ортиқча баҳо бериб юборганди.

Друэга келганда Керрининг фикри ёмон эмасди. Друэ Керринингина эмас, балки бутун олам назарида ажойиб ва очиқ кўнгилли йигит эди. Бу одамнинг ҳеч бир ёмон томони йўқ. У Керрига яхшилик қилди, пулга муҳтожлигини тушунгандангина шундай қилди. Тўғри, у муҳтожликда қолган эркакка бунча пул тутқизмаган бўларди, бироқ муҳтож эркак уни ёш қиздек раҳмини келтира олмаслигини ҳам тушуниш керак-да. У латофат қаршисида доимо лол қолар, шунинг учун ҳам аёл кишига сира ҳам эҳтироссиз қараёлмасди. Мабодо ўшандай пайтларда олдидан бирорта гадоё чикиб қолиб: «Мистер, очимдан ўляпман» дегундай бўлса, Друэ ўзининг мўлжалидаги тегишли садақани узатиб, буни ўша лаҳзанинг ўзида унутиб юборган бўларди. Бунақа пайтда мулоҳазалар юритиб, сафсаталарга берилиб ўтирмасди. Хаёлини ана шу терминлардан бири билан изоҳласа бўладиган нарсалар банд қилмасди. Башанг кийиниб юрадиган ва ўн гулидан бир гули ҳам очилмаган Друэ бамисоли беғам капалакнинг ўзи эди. Мабодо у тутган мавқеидан маҳрум қилиниб, тақдирнинг кўпинча инсон бошига тушиб турадиган талай оғир зарбаларига дучор бўлса борми, Керри сингари ожиз қолар, биров ачинадиган аҳволга тушар ва теварак-атрофида рўй бераётган нарсаларга анқайганича юраверарди.

Друэнинг аёлларга ишқибозлигига келганда шуни айтиш керакки, бунда унинг кўнглида шум ният бўлмас, уларга яқинлашишга интилишни ҳеч қандай ёмонлик деб билмасди. У аёлларга ишқибозлик қилишни хуш

кўрар, уларнинг юрагига ўт солишни севар, бироқ у совуқкон ва виждонсиз аблах эмасди, табиати аёлларни ёқтиргани учун уларга ҳаётдаги оддий лаззатга интилгандек интиларди. Друэ шуҳратпараст ва мактанчоқ эди, чиройли либосни кўрганда енгилтак қиз сингари боши айланарди коларди. Друэ фабрика ишчиси бўлган кўхликкина Керрини шакаргуфторлик қилиб осонгина бошини айлантириб олган бўлса, чинакам фирибгар уни ҳам бемалол боплаб кета оларди. Нега деганда, унинг коммивояжер сифатида ишини қойил қилиб юрганлиги ҳам самимий қувноқлигига ва фирмасининг обрўси баландлигига боғлиқ эди-да. У одамлар орасида ғам-андух нималигини билмайдиган қувноқ парвона янглиғ чарх урарди. Унда ақл деб атаса бўладиган маънавий куч ҳам, «олижаноб» деган эпитетга муносиб келадиган фикр ҳам, анча вақтгача қалбини ҳаяжонлантириб юрадиган бирорта туйғу ҳам йўқ эди. Сафо уни «чўчка», Шекспир эса «менинг шўх фарзандим», кекса ичкиликхўр Карио бўлса ақлли, қобилятли йигит деб атаган бўлур эди. Хуллас, Друэ ўзининг фазилатларига яраша одам эди.

Бу одамнинг табиатида кишини ўзига тортувчи қандайдир самимий хислатлар ҳам бор бўлиб, Керрининг ундан пул олганлиги бунинг энг яхши исботи эди. Бўлмаса Керрини биронта ҳам нияти бузуқ ва аблах одам ўзини минг дўст кўрсатса ҳам, ақалли беш-олти цент олишга мажбур қила олмасди. Ақл бобида сиқилган одамлар сира ҳам нотавон бўлмайдилар. Табиат йирткич ҳайвонларга пинҳоний хатарни сезганда қочиб қолишни юқтирган. У кичкинагина бефаҳм олмахонга захарни кўрганда қаттиқ талвасага тушмоқни ўргатган. Керри тажрибакор бўлмаса ҳам, ювопгина қўй-қўзиларга ўхшаб сезгидан маҳрум эмасди. Шундай бўлса ҳам Друэнинг парвона бўлишлари уни ўзига ўхшаган қизлар каби деярли хавотирга солмади.

Друэ Керридан ажралгандан кейин қизнинг юрагини жиғиллатиб қўйганидан хурсанд бўлди. Ёшгина қизларнинг бундай танг ахволда қолаётганлари нақадар хунук! Совуқ тушадиган кунлар яқин келяпти, унинг эса устида ҳеч нарсаи йўқ. Бу даҳшат! «Фицжеральд ва Мой»га кириб, бир сигара чекиб олиш керак. Друэ Керрини ўйлаётганидан рухланиб кетганди.

Керри уйга димоғи чоғ бўлиб қайтганидан, хурсандлигини сира яшира олмасди. Шу билан бирга Друэдан пул олганидан анча хижил ҳам бўларди. Минни унинг

чўнтагида бир цент ҳам пули йўқлигини билиб турганидан кейин, у қандай қилиб бирор нарса сотиб олади? Керри уйга кирмасидан олдин, ҳеч нарса сотиб олишим мумкин эмас, деб кўнглига тугиб қўйди. Олгудай бўлса, баҳона топишнинг сира ҳам иложи йўқ.

— Хўш, калай? — сўради Минни синглиси кириб келганида.

Керри бировга ёлғон гапиришга, дилда бир нарсани сезиб туриб, тилда бошқа нарсани айтишга одатланмаганди. Мабодо гоҳо тили ёлғонга бурилгудай бўлса ҳам, бу ишни жуда бўлмайд қолган ва ўзи зарур топган пайтларда қиларди.

Керри шунинг учун ҳам ҳозир кўнгли чоғ бўлганидан опасига ҳасрат қилиш ўрнига:

— У-буни ваъда қилишди, — деб қўя қолди.

— Қаерда?

— «Бостон» универсал магазинида.

— Бунга ишонса бўлармикин? — Минни гапнинг тагига етмоқчи бўлди.

— Эртага бориб биламан-ку, — деди Керри гарчи зарур бўлса ҳам ёлғон гапириш азбаройи жонига текканидан.

Минни синглисининг дили шодлигини ўша лаҳзанинг ўзида фахмлагани важдан кези келганидан фойдаланиб унинг Чикагога келишидан мақсади нима эканлигини сўраб билиб олмоқчи бўлди. Буни унга эри тайинлаган эди.

— Мабодо унга жойлаша олмасанг...

Минни керакли сўз топа олмай, тутулиб қолди.

— Агар яқин орада жойлашолмасам ҳар ҳолда уйга қайтиб кетсам керак, — деди Керри.

Минни ана шу гапга ёпишиб олди.

— Свен ҳам энг тўғриси шу деяпти... Ахир қиличини кўтариб қиш келяпти.

Керри ҳамма гапга дарҳол тушунди қўйди: эр-хотин бекорчи қариндошларини уйда тутишни исташмаяпти. Шунда ҳам Керри опасидан гина қилмас, айниқса поччасидан ҳам унча хафа эмасди. У опасининг ёнида унинг сўзлари мағзини чакиб ўтираркан, ёнида Друэнинг пули борлигидан суюниб кетди.

— Ҳа, — деди у бироз сукутдан кейин, — мен ҳам буни ўйловдим.

Керри Колумбия-ситига қайтиш фикри жуда ғазабини кўзгаганлигини айтишни лозим кўрмади. Колумбия-

сити-я! Қайтса ундан нима барака топарди? Керри у ерда рўшнолик кўрмай, диққинафасликда умри ўтиб кетишини яхши билади. Бу ер эса улкан сирли шаҳар бўлиб, хали ҳам нақ оҳанрабодай уни ўзига тортиб турарди. Шаҳарда у hozирча кўрган нарсалар бу ернинг чексиз имкониятлари борлигидан дарак берарди. Эндичи, нима умри яна илгаригидай ғам-ғуссада ўтиб кетаверсинми? Керри биргина шуни ўйлаганида ғазабидан дод деб юборгудай бўларди.

Қиз уйга барвақтроқ қайтди-да, дераза ёнида хаёл суриб ўтириш учун хужрачага бурилди. Нима қилсин энди? Янги ботинка сотиб олиб, бу ерда кия олмаса? Ўшанда ҳам барибир ёнидаги йигирма доллардан бир қисмини қайтиб кетишига олиб қўйиши керак. Қайтишига ҳам опасидан қарз сўрашни кўнгли тортмаган бўларди. Қолаверса ёнидаги бу пул қайдан келганлигини нима деб тушунтира олади? Бу оғир аҳволдан қутулиш учун ишлаб, пича пул топса қани энди?

Керри хаёлини банд этган бу чигалнинг учини топан деб урингани уринганди. Эртага эрталаб Друэ уни янги жакеткада келади деб ишониб кутиб туради. Бу эса бўладиган иш эмас. Опаси билан поччаси эса қачон кетаркин деб кўзларини лўқ қилиб ўтиришибди. Керрининг ўзи ҳам жон-жон деб уларнинг бахридан ўтган бўларди-я, аммо уйига қайтиб кетишга сира ҳам тоби йўқ эди-да. У опаси билан поччаси ишламай пулни қандай топганлигини билиб қолишгудай бўлса, нима хаёлларга боришларини ўйларкан, қилган ишидан ўзи даҳшатга туша бошлади. Уятдан ўлаёзди, ночор аҳволда қолди. Ёнида Друэ борлигида ҳаммаси аниқ-равшан эди. Мана энди эса ҳаммаси чувалашиб кетди, илгаригидан ҳам бешбаттар ёмон аҳволда қолди. Гарчи унинг ёнида суянчиви бўлса ҳам, ундан наф кўришга ожиз эди!

Керрининг руҳи тушиб кетди. Тамадди қилиб ўтирганларида Минни синглим бугун ҳам қийналибди, деган фикрга келди. Керри пировардида Друэнинг пулини қайтариб беришга аҳд қилди. У пулни олиб хато қилибди. Эртага эрта билан шаҳарга бориб, иш кидиради. Келишув бўйича туш пайтида Друэ билан учрашиб, у билан гаплашади. Шуларни ўйлаганда қизнинг юраги шув этиб, ўзини яна жуда бебахт сезди.

Шуниси қизиқки, Керри чўнтагидаги пулга қўли тегди дегунча, ўзини яна енгил сезарди. Аввалига оғир хаёлларга берилиб, сўнгра ҳамма ташвишлардан қутул-

гандай бўлар, ўшанда мана шу йигирма доллар кўзига нимаси биландир ажиб ва қойилмақом кўриниб кетарди. Эҳ, пул, пул, пул! Пулдор бўлсанг қандай яхши! Агар Керрининг пули кўн бўлса борми, унинг бор ташвишлари бамисоли тутундай арирди кўярди!

У эрталаб туриб, уйдан анча барвақт чиқди. Қиз иш қидиришни кўнглига қаттиқ тугиб қўйган бўлса ҳам, ёнидаги уни қанчадан-қанча маломатларга солган пулини ўйлаганда ишдан унча ҳам эмасди. У яна улгуржи фирмалар районига бориб қолди, бироқ бирор жойдан иш сўрайман деб ният қилганида юраги орқасига тортиб кетарди. Шундай пайтларда: «Шунақаям қўрқок бўладими!» деб ўзидан ўзи ғазабланиб кетарди. Бироқ ҳар кимдан иш сўрайвериш ўлиб бўлди-ку! Энди яна илгариги нарсалар такрорланса ажаб эмас. Керри шунинг учун ҳам ҳеч тўхтамай, олдинга юраверди, юраверди, юраверди. Нихоят юрак ютиб бир фабрикага кириб, иш сўрагани, ҳар маҳалгидай рад жавоби олди. Шунда бахт мендан юз ўгирган экан, деб ташқарига чиқиб кетди. Ҳамма ҳаракатлари беҳуда кетяпти-да!

Қиз азбаройи хафалигидан Дарборн-стритга қандай бориб қолганлигини ҳам сезмасди. «Бозор» деган машҳур универсал магазин шу ерда бўлиб, унинг витриналари кўзни олар, харидорлар доим лик-лик, харид қилинган молларни ташиб берадиган усти ёпиқ аравалар сероб эди. Керри уларни кўрганда хаёллари тезда ўзгарди қўйди, ўй ўйлайвериш ҳам жонига тегиб кетгани ўзи. У дастлаб ўзига керакли нарсаларни шу ердан олишни мўлжаллаганди. Ҳар ҳолда кўнглини сал ёзиш учун магазинга кирса бўлади-ку. Жакетларни кўриб чиқади, холос.

Бирор нарсани олмоқчи бўласизу, бироқ, ёнингизда етарли пулингиз бўлса ҳам, ё виждонингизга ҳавола қилиб, ё журъат этолмай негандир имиллаб қоласиз. Бетайинликнинг бундан ҳам зўр пайти бўлмайди. Керри ҳам магазинга кириб, ҳар қадамда учрайдиган бир биридан зўр нарсалар орасида айланиб юрганида ана шундай аҳволда эди. Энди унинг бу магазин ҳақидаги фикри иш қидириб келган қунидагига қараганда анча баланд эди. У илгари олдида тўхтамай ўтиб кетган ва қараган сари қарагиси келаверадиган ҳар бир витрина олдида туриб қоларди. Аёл эмасми, ана шу гўзал нарсаларнинг барига эга бўлишни кўнгли тусарди. Анави нарса бўйи бастига хўп ярашарди, анависини кийса борми, жуда ҳам очилиб

кетарди-да! У корсетлар¹ қўйилган пештахта олдида тўхтаб, ялт-юлт қиладиган газлама ва тўрлардан қилинган ажойиб буюмларни кўрганда ширин орзуларга берилди. Ҳозир у жазм қилса бас, улардан бири ўзиники бўлади қолади. Керри зирак, билагузук, тўғнағич ва занжирчаларни томоша қиламан, деб заргарлик бўлимида бироз ушланиб қолди. Бу ердаги нарсаларни олиш учун у ҳеч нарсасини аямаган бўлур эди! Ана шу безакларни таққудай бўлса ҳақиқатда ҳам очилиб кетишини биларди-да.

Шундай бўлса ҳам Керрининг асосий илинжи жакетда эди. Магазинга кириб келгандаёқ ўша кузакдаги моданинг сўнгги ютуғи бўлган катта садаф тугмалар қадалган қахвор ранг жакетни кўз тагига олиб қўйганди. Унга ҳар қараганида бундан яхшисини топиш маҳол, деб қўярди ичида. Қиз ҳар хил либослар турган ойна шкафлар орасида айланиб юраркан энг чиройли нарсани дарров топа қолганига суюнади. Магазинда анчадан бери бўлса ҳам, дам хоҳлаган нарсамни ҳозирок ола оламан деб, дам ўзининг қай аҳволда эканлиги эсига тушиб, нима қиларини билмай, иккиланиб юраверди. Вақт пешинга яқинлаб қолган бўлса ҳам, ҳеч нарса олмаганди. Йўқ, бориб пулни Друэга қайтариб бериши керак!

Друэ уни келишилган жойдаги муюлишда кутиб турарди.

— Бормисиз! — уни қаршилади Друэ. — Жакет қани? — У шундай деб сўраркан қизнинг оёғига ҳам разм солиб қўшимча қилди: — Ботинка-чи?

Керри кўнглига тугиб келган нарсасини яхшилаб тушунтиришни мўлжаллаганди, бироқ ўйлаб қўйган гаплари ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб кетиб, биттаси ҳам эсига келмади.

— Мен сизга... пулингизни ололмайман деб айтгани келувдим.

— А! Ҳали шундай денг! — жавоб қилди Друэ. — Яхши, қани, мен билан юринг-чи. Партрижга кириб ўтамиз.

Керри у билан бирга одимларкан вужудини банд этган барча шубҳа ва иккиланишлардан қутулди-қўйди.

Керри ўзига жиддий кўринган сабабларни ва қандай аҳволда қолганлигини Друэга тушунтирмоқчи бўлса ҳам, буни ҳеч эплалмасди.

— Сиз нонушта қилганмисиз ўзи? — Друэ бирдан

¹ К о р с е т — белли хипча қилиш учун ичдан кийиладиган кенг белбоғ.

сўраб колди. — Хўш, қилмагансиз, албатта! Қани, бу ёққа кирайлик-чи.

Друэ шундан кейин Керри билан Монро-стритнинг Стэйт-стритга яқин жойидаги ўхшатиб жиҳозланган ресторанга кирди.

— Мен сиздан пул олмаслигим керак, — деди Керри ресторанининг шинам бурчагига жойлашиб олиб, Друэ но-нушта буюрганидан кейин. — Мен бу нарсаларни у ерда кия олмайман. Менинг қариндошларим... уларни қаердан олганимни тушунишмайди.

— Нима қилмоқчисиз бўлмаса? — сўради жилмайиб Друэ. — Қип-яланғоч юрмоқчимисиз?

— Уйимга кетаман, — маънос жавоб берди Керри.

— Хай-хай! — деди Друэ. — Сиз бунга жуда кўп бош қотирдингиз. Мен сизга нима қилиш кераклигини айтаман. Янги кийимларимни онамнинг уйида кийиб юра олмайман деяпсизми? Мебелли хонани ижарага олиб, ана шу буюмларни бир хафтача ўша ерда қолдирсангиз бўлмайдимми?

Керри бош чайқади. У ҳам барча аёллар сингари то бу гапга ишониб олгунича қаршилик кўрсатиши керак эди.

Керрининг шубҳаларига барҳам бериш ва имкони бори-рича унинг хаёлларини бошқа томонга буриб юбориш Друэнинг чекига тушганди.

— Нимага уйингизга кетмоқчисиз? — сўради у.

— Нимага деганда бу ерда иш топа олмаянман.

— Қариндошларингиз рўйхуш беришмаяптими? — Друэ гапнинг тагига етиб колди.

— Уларга ҳам қийин, — жавоб берди Керри.

— Мен сизга нима қилиш кераклигини айтаман! — хитоб қилди Друэ. — Мендан сира ажралманг. Ташвишингизни мен тортаман.

Керри унга итоат билан қулоқ соларди. Унинг қандай аҳволдалиги ўзига маълум бўлганидан Друэнинг гаплари қалбига бамисоли очиқ эниқдан кираётган шабада янглиғ хузур бахш этарди. Друэ бўлса унинг кўнглидан нималар ўтаётганлигини тушуниб турганга ўхшар, назарида жуда ёқимли киши эди. У ораста, чиройли, яхши кийинган ва ҳамдард кўринарди. Овози ҳам дўстона эшитиларди.

— У ерда, Колумбия-ситида нима ҳам қиласиз? — Друэ Керридан шундай деб сўраганида унинг сўзлари Керрининг тасавурида ўзи қочиб келган зерикарли хаёт

манзараларини жонлантирди. -- У ерда айтарли ҳеч нарса йўқ. Чикаго бошқа гап, у ерда яшаш керак! Дуруст-роқ хонани ижарага олиб, яхшилаб кийиниб олсангиз, ишни ҳам топиб оласиз.

Керри деразадан кўчани гавжум қилиб турган оломонга тикиларкан, ўйлаб кетди: «Мана у -- ажиб, улкан, пули борларни мафтун қилувчи шахар!» Кўчадан бир жуфт тўриқ от кўшилган экипаж ўтиб кетди. Унинг ичида момик болишлар орасида ёшгина жувон ўтирарди.

-- Колумбия-ситига қайтиб борсангиз нима барака топасиз? -- яна сўради Друэ.

Друэнинг бу саволи тескари фикрсиз самимий берилганди. У Керри уйига қайтгудай бўлса ҳаётдан рўшнолик кўрмай ўтади, деб ҳисобларди, холос.

Керри қимир этмай, кўчага тикилгани тикилганди. У зўр бериб нима қилсамикин, деб ўйларди. Ахир опаси билан поччаси мана шу ҳафтада қайтиб кетишини кутиб туришибди-ку.

Друэ яна кийим масаласига қайтди.

-- Нега ўзингизга чиройли ва иссиқкина жакетка сотиб олмайсиз? Бу жуда керак-ку. Мен сизга яна пул бераман, бунинг тапшишини тортмасангиз ҳам бўлади. Яхшироқ хона ахтариб кўринг, унда ёлғиз ўзингиз тура-сиз. Мендан сира хавфсирамай қўя қолинг!

Керри гап қаёққа қараб кетаётганлигини аниқ билиб турса ҳам, дилидагини айтолмасди. У ҳозирги дамда аҳволи танглигини ҳар маҳалгидан кўпроқ сезиб турарди.

-- Бирорта иш-пиш топганимда қани эди! --- деди у ўзича гўлдираб.

-- Агар бу ерда колсангиз топишингиз мумкин, -- деди Друэ унга жавоб бериб. -- Кетиб қолгудай бўлсангиз, ҳеч нимага эриша олмайсиз, албатта. Қариндошларингизнинг қолишингизга раъйлари йўқми? Маъқул. Нега бўлмаса сизга шинамгина хонани ижарага олиб беришимга тихирлик қиласиз? Мен сизни асло безовта қилмаган бўлардим, чўчиманг! Яхшилаб жойлашиб олганингиздан кейин ишга кириб кетсангиз ҳам ажаб эмас.

Друэ қиз билан гаплашганида унинг чиройли юзига тикилиб рухланарди. Унга Керри шак-шубҳасиз ёқарди. Қиз қалбида қандайдир пинҳоний куч мавжудлигини ҳам сезарди. У яқиндагина вилоятлардан келган оддий сотувчи қизларга ўхшамас, улардан маънилироқ эди.

Керрининг тасавури Друэга нисбатан бойлигини ва диди ҳам нозикроқ эканлигини эътироф этиш керак. Унинг

хозирда эзилиб ва сиқилиб ўтиргани ҳам қалбининг но-зиклигидан эди. Устидаги кийими қанчалик хароб бўли-шига қарамай, кўхлик, ўзи ҳам сезмаган ҳолда бошини жуда чиройли солиштириб ўтирарди.

— Сиз мени бирор иш-пиш тоша олади деб ўйлаяп-сизми? — Керри ишонқирамайроқ сўради.

— Бўлмаса-чи! — Друэ шундай дея унга чой қуйгани энгашди. — Мен сизга қарашвораман.

Керри унга қараганди, Друэ далда беришга интилиб бепарвогина кулди.

— Менга қаранг, биз шундай қиламиз. Партрижнинг магазинига бориб, сизга керакли нарсаларнинг ҳаммаси-ни оламиз. Ксйин сизга хона ахтарамиз, сўнг нарсала-рингизни ўша ерда қолдирасиз. Кечқурун эса биргала-шиб театрга борамиз.

Керри бош чайқади.

— Хўп, яхши, сиз опангизнинг квартирасига қайта-сиз. Шундай қилсак дурустроқ бўлар. Сизнинг янги хо-нада қолишингизнинг мутлақо кераги йўқ. Хонани ижа-рага оласизу, нарсаларингизни ўшанда қолдирасиз.

Керри бу гапга ҳам ҳеч нима жавоб қилмади. У то нонушта қилиб бўлгунларича хар хил шубҳаларга бо-риб, қийналиб ўтирди.

— Қани, жакет танлагани кетдик! — деди ниҳоят Друэ.

Улар биргалашиб магазинга йўл олишди. Магазинда-ги қўлга олганда ёқимли шитирлаб, ялт-юлт қилиб тур-ган хилма-хил янгидан-янги буюмларнинг мафтункор кучи Керрини ўзига ром қила бошлади. Унинг ўзи нарса танлашга киришиб, «Бозор»да кўзига яхши кўриниб қол-ган ўшандек жакетни танлади. Керри уни кўлига олгани-да жакет жуда ҳам яхши кўриниб кетди.

Сотувчи қиз жакетни қизга кийдириб кўрувди, худди қуйиб қўйгандай бўлди. Друэ Керри жакетда жуда бош-кача бўлиб кетганини кўрди-ю, ҳеч лаб-лунжини йиғиш-тиролмаб қолди. Қиз жакетда зебо бўлганди-қолганди.

— Сизга кераги худди шу! — хитоб қилди Друэ.

Керри терисига сиғмай ўзини хар тарафдан ойнага солиб кўрарди. Азбаройи хурсандлигидан ёноклари ҳам лола ранг эди.

— Сизга кераги худди шу! — Друэ гапини такрорла-ди. — Энди эса пулини тўланг.

— Тўққиз доллар-а! — Керрининг юраги орқасига тортиб кетди.

— Ҳечкиси йўқ! — деб қўйди Друэ.

Керри сумкачасини титкилаб, битта қоғоз пул олди. Сотувчи қиз жакетни кийиб кетасизми, деб сўради. Бунга Керридан тасдиқ жавоби олгандан кейин, ичкарига кириб кетди-да, бир дақиқа ўтар-ўтмас қайтимни олиб чиқди.

Улар Партриж магазинидан чикиб, пойафзал магазинга боришди. Керри унда ботинкаларни кийиб кўрди. Друэ унинг ёнгинасида турарди. Чиройли янги ботинка оёғига ёпишиб тушганини кўргандан кейин қизга:

— Оёғингизда тураверсин! — деди.

Керри эса бош чайқади. У уйга, опасининг ёнига қайтишни ўйларди.

Друэ ўша захотиёқ қизга янги сумкача билан бир жуфт қўлқоп олиб берди-да, янги пайпоқ сотиб олишни таклиф қилди.

— Эртага яна магазин айланиб, ўзингизга юбка сотиб олинг, — деди у Керрига.

Керри сира хавотирга бормай, буларнинг барига рози бўлди. У хаммаси ўзимнинг ҳали қиладиган меҳнатимга боғлиқ, деб ўзини ишонтиришга урингани сари хаёллари баттар чалкашиб кетарди. У ҳали уни ҳам, буни ҳам қилгани йўқ-ку, шунинг учун ўзини чеккага тортиб қўя қолса ҳам бўлади.

Друэ Робеш-авенюдаги мебелли хоналари ижарага кўйиладиган уйни биларди. Улар ўша жойга яқин келганларида Друэ қизга уйни кўрсатиб:

— Энди эсингизда бўлсин, сиз меннинг синглимсиз! — деб қўйди.

Друэ ижарахўр аёл билан хушчақчақ ва бемалол гаплашиб, хонадаги буюмларни битта қўймай назардан ўтказди, синчиклаб тахлаб, ёқтирмаганларини айтди, бошқалари ҳақидаги фикрларини ҳам яширмади.

— Синглимининг нарсалари бир-икки кундан кейин келади, — деб қўйди у ижарахўр аёлдан жуда мамнун бўлган бекага.

Хонада икковлари ёлғиз қолганларида ҳам Друэ заррача бачкана ҳаракат қилмади. У икковлон кўчада юришганларидай ҳамон чакаги тинмасди. Керри сотиб олган нарсаларини янги хонасида қолдириб, устидан қулфлади.

— Бугуноқ кўчиб ўтсангиз нима қилади? — сўради ундан Друэ.

— О, йўқ, иложим йўқ, — жавоб қилди у.

— Нимага?

— Қариндошларимдан бу тарзда ажралишни истамайман.

Кўчага чиққанларида Друэ гапни яна шу мавзуга бурди. Ҳаво очиқ, кун иссиқ эди. Қуёш булутлар орасидан мўралар, шамол эса бутунлай тинганди. Друэ Керри билан гаплашганида опасининг уйдаги аҳвол қанақалигини аниқ-равшан сезиб олганди.

— Ўша ердан тезроқ кетинг, — деди у қизга маслаҳат бериб, — улар сира ҳам хафа бўлишмайди. Бунда сизга қўлимдан келгунча қарашаман.

Керри унинг гапларига қулоқ соларкан аввалига юрига тушган гулгулалар тутундай ариди кетди. Дарвоқе, Друэ унга олдин шаҳар билан таништиришини, кейин эса иш топишига кўмаклашишини қистириб кетди. Оғзидан чиқаётган гапларига ўзи ҳам ишонарди. У, яқинда иш билан сафарга кетаман, сиз эса қолиб ишга тушиб кетасиз, деб ҳам қўйди.

— Сиз худди шундай қилинг, — деди Друэ таклиф қилиб. — Опангизнинг уйига бориб ўзингизга керакли нарсаларингизни олинг-да, кейин чиқиб кетавering.

Керри унинг сўзлари ҳақида анча бош қотирди. Пировардида эса унинг маслаҳатига юрадиган бўлди. Улар кечкурун саккиз яримда учрашишадиган, Друэ уни Пеориястрит кўчасининг муюлишида кутиб турадиган бўлди.

Керри беш яримда уйга қайтиб келди, соат олтиларда эса кетиш борасидаги аҳдини кўнглига маҳкам тутиб қўйди.

— Ваъда қилинган жойни олмадингми? — деб сўради Минни ундан.

Минни Керри айтган «Бостон» универсал магазинидаги ваъда қилинган жойни кўзда тутарди.

— Йўқ, — жавоб берди Керри опасига кўз қирини ташлаб.

— Ўзи шу кузда қидирмаганинг ҳам маъқул, — деб қўйди опаси.

Керри финг демади.

Гансон қайтиб келганида афтидан унинг хурсандлигини ҳам, хафалигини ҳам билиб бўлмасди. У индамай ювинди-да сўнгра газета ўқишга тушди.

Керри тамадди қилиб ўтирганларида сал асабийлашди. Унинг ўйлаб қўйган режалари ваҳимага солар, опаси билан поччасининг бошига бало бўлиб ўтирганидан жуда эзиларди.

— Ҳеч қанақа иш топа олмадингизми-а? — деб сўради Гансон Керридан.

— Йўқ.

Гансон қайсинглиси ортиқча юк бўлганлигини ўйлаб, яна тамадди қилишга тушди. Керрини уйига жўнатиб юбориш керак, вассалом. Мабодо кетса борми, баҳорда яна қайтиб келишига сира ҳам йўл қўймаган бўларди-да.

Керри хозир қиладиган ишини ўйларкан юраги орқасига тортиб кетарди. Шундай бўлса ҳам мана шу оғир ахволдан халос бўляпман-ку, деб ўзини юпатарди. Опаси билан поччасига барибир. Кетса айниқса Гансон хурсанд бўларди, сира ҳам пинагини бузмайди.

Керри овқатдан кейин биров халақит бера олмайди-ган ваннахонага кириб, опасига шундай хат ёзди:

«Хайр, Минни! Уйимга қайтмайман. Чикагода қолиб, иш қидираман. Мендан хавотир олма, ҳаммаси яхши бўлади».

Гансон меҳмонхонада газета ўқиб ўтирарди.

Керри хар кунги одатича идиш-товоқ ювишга опасига карашди, стол устидаги нарсаларни йиғиштиришди, хонани сал тартибга келтирди. Шундан кейин эса опасига:

— Мен паста тушиб, эшик олдида бирпас тураман, — деди.

У шу сўзларни айтаркан, овозидаги титроқни аранг босди.

Минни эса эрининг бу ишга тоби йўқлигини эслаб, синглисига шундай деди:

— Свен кўча эшикда туриш яхши бўлмайди, деяпти.

— Шундай дегин? — Керри хайрон бўлди. — Яхши, буниси охиргиси.

У шляпасини кийди-да, қўлидаги хатни қаерга қўйишни билмай, гангиганидан опасининг мўъжазгина ётоғидаги столчага яқин борди. Нихоят, мактубни опаси соч тарашда ишлатадиган чўтканинг тагига қўйди.

Қиз квартирадан чиқиб, эшикни ёпаркан опам билан поччам нима хаёлларга боришаркин деб бир дақиқа тўхтади. У қилаётган ишининг ғалатилигидан лол бўлди қолди. Зинадан пастга бир-бир туша бошлади. Чироклар нур сочиб турган кўча эшикка чиққанидан кейин шунчаки айланиб юрган одамдай секин кетаверди. Яқинроқдаги муюлишга етгач, қадамини тезлатди.

Керри уйдан шитоб билан узоқлашиб бораётган пайт-

да Гансон мехмонхонадан чикиб хотинини чақирди-да, ундан:

— Керри яна пастдами? — деб сўради.

— Ха, -- деди Минни. — Бироқ менга бу охиргиси деб ваъда берди.

Гансон ерда ўйнаб ўтирган боласига яқинлашиб, эрмакка унга кўли билан пўписа қила бошлади.

Друэ эса бу пайтда димоғи чоғ ҳолда муюлишда Керрини кутиб турарди.

— Хўш, қалай, Керри? — деди у қиз солланиб яқин келганида. — Ишлар жойида бўлса керак. Энди кэб¹ топайлик.

VIII б о б

КИШ ЎЗИДАН ДАРАК БЕРЯШТИ. ТАҚДИР ЙЎЛЛАГАН ЭЛЧИ

Турмушнинг аччик-чучугини тотимаган одам шамол учуриб юрган ҳасдай гап. Бизнинг маданиятимиз ҳали ҳам ўз йўлининг ўрта белида турибди. Биз энди махлуқликдан қутулганмиз, нега деганда, фақат биргина инстинктга бўйсунган ҳолда ҳаракат қилмаймиз, бироқ бутунлай одамга айланиб қолганимиз ҳам йўқ, чунки ҳар маҳал ҳам ақл билан иш қилавермаймиз. Йўлбарс кирдикори учун жавоб бермайди. Табиат унга ҳаёт учун энг зарур бўлган нарсани бахш этган -- бу туғма инстинктга бўйсунди ва онгсиз равишда ундан химоя топади. Энди инсонни олайлик: у чангалзорлардаги инидан аллақачонлар узоқлашган, шахсий иродаси пайдо бўлиши билан инстинктлари ўтмаслашган, шундай бўлса ҳам унинг иродаси ҳали инстинктнинг ўрнини босиш ва ҳаракатларига тўғри бошчилик қилиш даражасида ривож топмаган. Инсон инстинкт ва истакларининг овозига доимо кулоқ солиш учун жуда ақлли бўлиб қолади, биров уларни енгиб олишга ҳали ожизлик қилади. У махлуқ эканлигида табиат кучлари уни ўзига эргаштирган, инсон сифатида эса у ҳали уларни ўзига бўйсундиришга тўлатўкис ўрганганича йўқ. Инсон ана шу ўтиш даврида кўр-кўрона инстинктларга бўйсунмайди, табиатга уйғун ҳолда ҳаракат қилмайди, бироқ ўз ихтиёрича ана шу уйғунликни оқилона ярата олмайди ҳам. Инсон ана шу-

¹ Кэб -- киракани соябонли арава.

нинг учун ҳам шамол учириб юрган хасга ўхшайди: у эхтирослари хукмида, дам иродаси таъсирида, дам инстинкт таъсирида, гоҳ ундай, гоҳ бундай ҳаракат қилади, адашади, хатосини тўғрилайди, йиқилади, яна туради. У нима қилишини олдиндан белгилаб бўлмайдиган мавжудотдир. Бизнинг бу эволюция ҳеч қачон тўхтамайди, идеал — бу сўнмайдиган машъалдир, деб ўзимизни юпатишдан бўлак чорамиз йўқ. Инсон мутлақ яхшилик билан ёмонлик ўртасида иккиланиб туради. Шахсий ирода билан инстинкт ўртасидаги олишув ниҳоясига етиб, ҳаётни чуқур тушуноқ ирода инстинкт ўрнини эгаллашига имкон туғдирганида инсон беқарорликдан халос бўлади. Ўшанда ақл стрелкаси ҳақиқатнинг олис қутбини қилт этмай, қатъий кўрсатиб тураверади.

Керрининг қалбида ҳам ҳар бир одамдаги сингари истак билан ақл орасида тинимсиз кураш кетарди. Ўз интилишлари измида бўлган қиз қатъий белгилаб қўйилган йўлидан одимламас, оқимга қараб сузиб борарди ҳисоби.

Минни минг хавотирга бориб тонг оттирганидан кейин (Миннининг хавотир олгани унинг синглисига қайғургани, ачингани ва меҳри туфайли юз берганини изоҳламоқ мушкулроқ албатта) унинг хатини топиб олиб бакириб юборди:

— Хўш, бунга нима дейсан?

— Нима гап? — сўради Гансон.

— Керри тургани бошқа жойга кетибди.

Гансон шу чоккача хотини кўрмаган илдамлик билан ирғиб туриб, хатни тезда ўқиб чиқди. Унинг от хайдаётгандек тилини салгина тақиллатиб қўйганлиги нималарнидир ўйлаётганидан дарак берарди.

— Сенингча у қаёққа кетган бўлиши мумкин? — деб сўради ваҳимада қолган Минни.

— Мен қаёқдан билай? -- эри шундай деганида кўзлари хунук ялтираб кетди. — Кетишга кетибдими — энди ўзидан кўрсин.

Минни ҳайрон бўлиб бош чайқади.

— Оҳ! — Минни хўрсинди. — Керри нима қилиб қўйганини ўзи ҳам билмайди.

— Начора, — деди Гансон эснаб ва керишиб, — қўлингдан нима ҳам келарди?

Минни табиатан эрига қараганда олижаноброқ қалб эгаси эди. Қолаверса бундай иш қандай оқибатларга олиб боришини ҳам яхшироқ тушунарди.

-- Ох! — Минни яна хўрсинди. -- Шўрлик синглим-а!

Ана шу гаплар бўлаётган пайтда — бу эрталаб соат бешда бўлганди — бизнинг кичкина бахт изловчимиз янги хонасида ёлғиз ўзи уйкуда эди.

Керри hozирги аҳволдан мамнун эди. У кизга катта имкониятлар бахш этгандай туюларди. Керри дунёдаги ҳамма нарсани унутиб, ташки хашамга берилиб кетадиган таъсирчан қалб эгалари тоифасидан эмасди. У ўзининг журъатидан кўркиб, озодликка чиққанидан суюниб, жойида у ёғидан бу ёғига афдарилиб ётаркан, бирорта иш топа олармикинман, Друэ нима қиларкин, деб ўйларди. Жентльменмисан жентльмен бўлган Друэ эса ўзининг келажагини илгаридан аниқ белгилаб кўйганидан тасодифларга асло ўрин қолмаганди. У ўзи мўлжаллаган ишни қилмасдан қола олмасди. Ҳаёт ходисаларининг тагига аниқ-равшан етишга ноқобил бўлганидан ақалли бошқачароқ йўл тутишни ҳам билмасди. Ажойиб нонуштани кўрганида ўзини тута олмаганидек Керрини ҳам жон-жон деб бағрига босарди-да. Шунда ҳам агар виждони қийналганини сезса, сал хижил бўлади, холос.

Друэ эртасига келганида Керри уни хонасида кутиб олди. У қувноқ ва хушчақчақ кўринарди.

— Нега қовоқ-тумшуғингиз осилиб кетди? — деб сўради у. — Энг аввал бориб нонушта қиламиз. Сиз ҳали яна кийим-пийим олишингиз керак.

Керри Друэга қараганда унинг катта очилган кўзларида кўнглига азоб бераётган шубҳалар акс этди.

— Мен бирорта иш-пиш топсам девдим, — деди у.

— Майли, ҳаммасининг вақти бор! — жавоб қилди Друэ. — Ҳозир буни ўйлашнинг нима кераги бор? Олдин ўзингизнинг у ёқ-бу ёғингизга қаранг. Шаҳарни кўринг. Мен сизга ҳеч қандай ёмонликни раво кўрмайман.

— Биламан, раво кўрмайсиз, — Керри унча самимий бўлмаса ҳам унинг гапини тасдиқлади.

— Сиз янги ботинкадамингиз? — деб қўйди Друэ. — Қани, бир кўрсатинг-чи! Жин урсин, жуда зўр-ку! Энди жакетни кийинг.

Керри унинг айтганини қилди.

— Қойил! Сизга жуда ҳам ярашди-да, а? — у шундай дея жакет чиндан ҳам ёпишиб турганлигига ишониш учун кизнинг белига қўл чўзди.

Шундан кейин бир қадам орқага ташлаб, Керрига завқ билан тикиларкан:

— Энди сизга янги юбка керак. Хозирча нонушта килгани борамиз! — деди.

Керри шляпасини кийди.

— Қўлқопингиз-чи? — деб кўйди Друэ унинг эсига солиб.

— Бу ерда, — Керри шундай дея қўлқопини пардоз столининг тортмасидан олди.

— Бўпти, энди кетдик, — Друэ шундай деб Керрининг дастлабки пайтларда юрагига ўрмалаган ваҳималарнинг қолган-қутганларини ҳам тарқатиб юборди.

Керри ҳар сафар ваҳималар кўлкасида қолганида Друэ уни шу тариқа қутқарарди. У қизни сира узок вақт ёлғиз қўймасди. Керрининг ёлғиз ўзи сайр қилишга вақти етарли бўлса ҳам, Друэ унинг бўш вақтининг талай қисмини ўйин-кулгилар билан ўтказарди. Карсон билан Пайрининг магазинидан унга чиройли юбка ва кўйлак олиб берди. Керри Друэнинг пулига пардоз-андозда ишлатиладиган ҳар хил майда-чуйда сотиб олди. Қўйингчи, ахийри жуда бошқача бўлиб кетди. Керри кўнглининг тубида ўзи яшириб юрган фикрни, яъни гўзал эканлигини тасдиқлади. У чиройли, шак-шубҳасиз гўзал эди! Бу шляпа ярашиб турганини айтмайсизми! Кўзлари ҳам ниҳоятда ошифта эмасми? Керри пастки ақиқ лабини тишлаб, кўзгуга қараркан ўзининг ҳусн бобидаги қудратини сезганида юраги дукиллаб кетди. Друэ бўлса унга қанчалик яхшилиқ қиляпти-я!

Бир куни кечкурун улар ўша пайтларда жуда шов-шув бўлган «Микадо» опереттасини кўргани боришди. Ундан олдин Дирборн-стритда жойлашган ва Керри хозир турган уйдан анча олисда бўлган «Виндзор» ресторанига кириб ўтмоқчи бўлишди. Совуқ шамол эсарди. Керри хонасининг деразасидан қараб осмоннинг кун ботиш томони хали ҳам қизғин тусда эканлигини бироқ тун ҳукмида тепа қисми кўкимтир-қорамтир тусдалигини кўриб турарди. Осмондаги узунчоқ ва ҳарир булут беноён океандаги кимсасиз орол янглиғ қизариб турарди. Кўчанинг нариги бетидаги дарахтларнинг яланғоч шохлари қимирлаб турганидан қизнинг кўз олдига кўпинча декабрь ойларида ўз уйи деразасидан кўрадиган манзаралари келарди.

Қиз бирданига латиф қўлларини чангаллаб қолди.

— Нима гап? — сўради Друэ.

— Оҳ, ўзим ҳам билмайман! — Керри жавоб бераркан лаблари титраб кетди.

Друэ унинг кўнглидан нималар кечаётганлигини гўё билгандай кўлига меҳрибонларча уриб кўйди.

— Бўлди! — деди у эркалаб. — Ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

Керри тескари ўгирилиб, жакетини кия бошлади.

— Мен бугун сизга боа кийишингизни маслаҳат берардим, — деди Друэ.

Улар шундан кейин Ребош-стритдан юришди-да, Адамс-стритга етишгач, кун ботиш томонга бурилишди. Витриналардан олтин ранг шуълалар куюлиб турарди. Тепада чироқлар вишиллар, идораларнинг жуда баланддаги деразаларида ҳам чироқ кўринарди. Этларни жунжиктирувчи кучли шамол эсиб турарди. Теварак-атрофда ишдан чиқиб келаётган мингларча хизматчилар уймалашишар, ҳар ким ҳар қаёққа шопиларди. Устларига юпқароқ пальто кийганлар ёқаларини кўтариб, шляпаларини бостириб олишганди. Фабрикаларнинг ёшгина ишчи қизлари гоҳ жуфт-жуфт, гоҳ тўрт кишилашиб, чағир-чуғур қилишиб, кулишиб боришарди. Булар томирларида қайноқ қон оқаётган захматкашлар эдилар.

Керри ногаҳон кимнингдир таниш кўзлари ўзига қараётганини сезиб қолди. Қараган қиз бошқа хароб кийишган ишчи хотин-қизлар билан ўтиб борарди. Уларнинг устларидаги кийимлари унниқиб кетган ва бамисоли қопдай осилиб турар, қизлар умуман аянчли ва хароб кўринишарди.

Керри бу кўзларни ҳам, қизнинг ўзини ҳам дарров таниди. У пойафзал фабрикасидаги ишчи қизлардан бири эди. Қиз ҳам Керрини таниди чоғи. Шунинг учун ҳам у ўтиб кетгандан кейин ўгирилиб, Керрига қаради. Шу пайтда Керрининг назарида гўё бир баҳайбат тўлқин келиб, уларнинг икковини иккала томонга улоқтириб юборгандек бўлди. У яна эски кийимларни, оғир меҳнатни ва машинани эслади. Шунда бутун вужуди титраб кетди.

Друэ Керри рўпарадан келаётган бир ўткинчига урилиб кетмагунча ҳеч нимани сезмади.

— Сиз хаёлларга берилиб кетдингиз чоғи! — деб кўйди у.

Улар тановул қилиб олишиб, театрга равона бўлишди. Спектакль Керрига жуда ёқди. Ундаги ажиб бўёқлар, артистларнинг ўйини қалбида чуқур таассурот қолдирди. Унинг хаёли қудратли одамлар ҳокимият учун кураш олиб бораётган нотаниш мамлакатларда эди.

Томоша тугаб, Керри Друэ билан кўчага чиққанида

экипажлар ва ясан-тусан одамлардан кўзини узолмай қолди.

— Бир дақиқа кутайлик, — деди Друэ қизни ҳапшаматли вестибюлда тўхтатиб.

Бу ерда хонимлар ва жентльменлар тўда-тўда бўлишиб чакчақлашиб туришар, либослар ёқимли шитирлар, тўр шарф ўраган хонимлар бир-бирларига бошларини қимирлатиб қўйишар, ярим очик лаблардан садаф тишлар яраклаб кўринарди.

— Олтмиш еттинчи! — эшикбон экипажнинг номерини бақириб айтганди, унинг овози театр гумбази тагида жаранглаб кетди. — Олтмиш еттинчи!

— Қандай гўзал! — деди Керри.

— Ажойиб! — Друэ унинг гапини тасдиқлади.

Башанг кийинган ва хушчакчақ оломон Друэга Керричалик таъсир қилмади. У қизнинг қўлини салгина сиқиб қўйди. Қиз ўшал лахзада бошини кўтариб унга қараркан кўзлари ёнар, жилмайганидан текис тишлари кўзни қамаштиргудай яракларди. Олдинга қараб юрганларида Друэ қиз томонга энгашиб шивирлади:

— Сиз зебосиз!

Шу пайтда улар экипажнинг эшигини катта очиб, иккита хонимни чиқариб қўяётган эшикбоннинг ёнига келиб қолишди.

— Мени маҳкам ушласангиз бизнинг ҳам экипажмиз бўлади! — деди Друэ кулиб.

Керри унинг бу сўзларини эшитмаган ҳам бўлса керак, нега деганда, ҳозирги кўрган нарсаларидан боши айланиб кетганди.

Улар театрдан кейин тамадди қилгани ресторанга киришди. Керри вақт алламаҳал бўлганини кўккисдан эслаб, бир зум ўйланиб қолди. Бироқ энди унинг уйдаги тартиблар билан мутлако иши йўқ эди. Агар у қандайдир уйга келиш билан боғлиқ бўлган аллақандай одатларга амал қилишга улгурганида борми, шу дақиқада ўша одатлари кучини кўрсатган бўлур эди. Одат — қизиқ нарса-да! Фақат ўшагина даҳрий одамни барвақт кўзғатиб, ўзи мутлако ишонмайдиган дуоларни ўқишга мажбур қилади. Одат қурбонлари бўлган кишилар ҳар куни қиладиган одатларини унутгудай бўлсалар борми, гўё қандайдир бир нидо хатоингни тезроқ тузат деб шошириб тургандай саросимага тушиб қоладилар. Мабодо жиддий нарса хаёлдан кўтарилган бўлса кучи ўша итоатгўй қурбонни ҳалиги ишни қилишга ва ундан кейин: «Бўлди,

ахийри бурчимни бажардим» дейишга мажбур қилади. Инсон дарвоқе амалда илгари минг марта қилган ишчини такрорлаган бўлса ҳам шундай демай иложи йўқ.

Мабодо Керри оилада юксак ахлоқий принциплар руҳида тарбияланган бўлганида у ҳозиргидан ҳам қаттиқ виждон азобида қолган бўлур эди. Кечки овқат пайтида икковларининг ҳам руҳлари баланд эди. Керри янги таассуротлар, ширин таом, ўзи ҳали ҳам одатлана олмаган ресторан шароити ва Друэнинг кўзларида қалқиб турган эхтирос таъсирида ўзини дақиқалар ҳукмига топшириб, беихтиёр равишда суҳбатдошининг сўзларини тингларди. У яна улкан шаҳар сеҳрининг қурбони бўлганди.

— Хўш, — деди Друэ ниҳоят, — энди кетсак ҳам бўлар!

Уларнинг таомли тарелкалари аллақачон бўшаган, кўзлари ҳам кўзларига тез-тез тушиб турарди. Керри Друэнинг нигоҳи таратаётган кучни сезмай иложи йўқ эди. Друэ гоҳо ниманидир тушунтирганида гўё сўзларини таъкидлаш учун унинг қўлини ушлаб қўярди. Ҳозир ҳам кетиш кераклигини айтarkan қизнинг бармоқларига қўли тегди.

Улар ўрниларидан туриб, кўчага чиқишди. Шаҳарнинг савдо қисми хувиллаб қолганидан онда-сонда хуштак чалиб кетаётган йўловчи, конканинг тунги вағони ёки ҳали ҳам очик бўлган чароғон ресторан кўзга чалинарди. Улар Робеш-авенюдан кетиб боришаркан, Друэ Чикаго ҳақида билганларини қолган-қутганича гапиришдан бўшамасди. У Керрини қўлтиқлаб олганидан гапираётганида тирсагини сиқиб-сиқиб қўярди. Бирорта қизиқ гап айтиб, унга қараганида нигоҳлари албатта тўқнашарди.

Улар ниҳоят Керри турган уйга етишди. Керри кўча эшикдаги биринчи зинага оёқ қўйганида бўйи Друэнинг бўйи билан бараварлашиб қолди. Друэ шунда қизнинг қўлини олиб, кўзига тикилганича силай бошлади. Керри теварак-атрофига паришон ҳолда тикилиб, нималарнидир ўйларди.

Тахминан ана шу пайтда Минни турли ваҳималар босган ҳолда кечган оғир оқшомдан кейин тошдай қотиб ухлаб ётарди. У тирсагини босиб ноқулай ётиб қолганидан алағ-чалағ тушлар кўрарди.

Минни тушида синглиси билан аллақандай бир эски кўмир конининг яқинроғида юришганмиш. Миннининг кўзига йўл ўтган баланд дўнглик ва яроқсиз қазилмалар билан кўмир уюмлари кўринарди. Опа-сингил қорайиб

турган шахтага қарашармиш. Уларга охири ним қоронғилик қаърига сингиб кетган намиққан тош деворлар ҳам кўриниб турармиш. Титилиб кетган арқонда пастга тушириладиган эски сават осифлик эмиш.

— Кел, пастга тушамиз, — дебди Керри опасига.

— Ох, кўй, кераги йўк! — Минни қаршилиқ кўрса-тибди.

— Юра қолсанг-чи энди! — синглиси оёғини тираб туриб олибди.

Керри саватни ўзига тортибди-да, Миннининг хай-хайлашига қарамай, пастга туша бошлабди.

— Керри! — деб бақирибди Минни. — Керри, орқангга қайт!

Керри эса анча пастга тушиб кетганидан қоронғилик-да кўздан йўқолибди.

Минни қўлини қимирлатган экан, ҳамма нарса бир зумда ўзгариб кетибди. Керри икковлари битта сувнинг ёқасига бориб қолишибди, Минни бунақасини биринчи кўриши экан. Улар тўлқин тўсардами ё анча олдинга чиққан бурундами туришганмиш, унинг энг охирида эса Керри кўринармиш. Опа-сингил теварак-атрофга олазрак бўлиб қарашармиш: улар турган жой аста-секин чўка бошлабди. Минни хатто тепага кўтарилаётган сувнинг шипиллашини ҳам эшитармиш.

— Орқага қайт, Керри! — Минни шундай деб бақирса ҳам, Керри яна нарироққа кетармиш. У тобора элислаётганга ўхшармиш, Миннининг овози унга етмасмиш.

— Керри! — деб бақирармиш Минни — Керри!

Миннининг овози эса худди олисдан эшитилаётганга ўхшармиш, нега деганда, асов сув ҳамма ёқни босиб кетибди. Минни нақ жуда қимматбаҳо нарсасидан айрилгандай юраги эзилиб нари кетибди. У умри бино бўлиб бунчалиқ эзилмаган экан.

Миннининг чарчоқ хаёлига ҳар хил манзаралар келаверди. У бирдан қаттиқ бақириб юборди: у Керрини кўриб қолганди, синглиси қояларга ёпишиб чиқиб келарди. Шунда у бирдан тойиб, бирор нарсани ушлаб қолишга ҳам улгура олмай, пастга тушиб кетди...

— Минни! Сенга нима бўлди? Кўзингни оч!

Гансон хотинининг бақиришларидан саросимага тушиб, уни силкитарди.

— Нима бўлди! — Минни уйқу аралаш сўради.

— Кўзингни оч, — деди Гансон яна, — нариги томонингга ағдарил, бўлмаса уйқунгда гапириб ётаверасан!

Орадан бир хафа ўтгач, чакмоқдай кийинган Друэ оғзининг таноби қочганича «Фицжеральд билан Мой»га кириб келди.

— Э, Чарли! — Герствуд ўзининг кичкинагина кабинети эшигида кўришиб, унга салом берди.

Друэ зални кесиб ўтиб, яна ёзув столининг ёнига ўтириб олган майхона бошқарувчисининг олдига кирди.

— Йўлга яна қачон чиқасиз? — сўради Герствуд.

— Яқин кунларда, — жавоб берди Друэ.

— Бу келишингизда сизни деярли кўрмадим десам ҳам бўлади, — деб қўйди Герствуд.

— Ха, жуда ҳам банд бўлдим, — Друэ тушунтирди.

Ошналар бир неча дақиқа умумий нарсалардан гаплашишди.

— Менга қаранг, — деди Друэ хаёлига худди зўр нарса ялт этиб келгандай, — мен сизни бир куни кечқурун шу ердан суғурсам дейман.

— Қаёққа? — Герствуд хайрон бўлди.

— Қаёққа бўларди, менинг уйимга-да, — Друэ кулиб жавоб берди.

Герствуднинг лабларида енгил табассум ўйнади. У Друэга синчиклаб тикилди-да, жентльменларга хос оҳангда:

— Миннатдорман! Албатта, бораман, — деб қўйди.

— Карта ўйнаб бир маза қилардик-да.

— Бир шиша шампанский олиб борсам майлими? — сўради Герствуд.

— Илтифотингизни дариф тутманг! Келинг, мен сизни биттаси билан таништириб қўяман.

IX б о б

ЗўРАКИ МУНОСАБАТЛАР ОЛАМИДА. ҲАСАДНИНГ ЯШИЛ КЎЗЛАРИ

Герствуднинг уйи шимол томонда, Линкольн-парк яқинида бўлиб, ўша замонларнинг одатдаги уч қаватли фиштин биноларидан эди. Унинг биринчи қавати кўча сатхидан пастроқ турарди. Иккинчи қаватнинг кўча томонида ойнаси катта фонарь бўлиб, эни йигирма беш, узунлиги ўн фут келадиган кўм-кўк ўтлоқнинг рўпарасида эди. Уйнинг орқа ховлисидаги сайисхонада Герствуднинг отлари турарди.

Уй ўн хонали бўлиб, уларнинг ҳаммасини Герствуд, хотини Жулия, қизи Жессика, ўғли Жорж билан оқсоч эгаллашганди. Миссис Герствудга унча-мунча одам ёкавермаганидан, оқсоч ҳам тез-тез ўзгариб турарди.

— Жорж, кеча мен Мерининг жавобини бериб юбордим.

Дастурхон атрофидаги гап кўпинча шундан бошланарди. Шунда бунақа гаплар жуда жонига теккан Герствуд:

— Майли! — деб кўя қолаверди.

Файзли уй — шундай бебаҳо гулдирки, латофат ва назокатда ундан ўтадиган ва одам боласини бешикдалиги пайтидан хушахлоқ қилиб тарбиялашда ёрдами кўп тегадигани бўлмайди. Унинг ҳаётбахш таъсирини ўзида сезмаган одам нега баъзи кишилар гўзал куйнинг нозик жойларида йиғлаб юборишларини тушунмайдилар. Улар инсонлар қалбидаги уларни бир хил тепишга мажбур қилиб, жаранг бераётган сирли торлардан ҳам ғофилдирлар.

Герствуднинг уйида файзиёб вазият ҳукмронлик қиларди, дейиш мушкулроқ эди. Бу ерда меҳрибонлик билан ўзаро ҳурмат етишмасди, ўшаларсиз эса ҳар қандай хонадон бир чақага ҳам арзимади. Квартира хонадондагиларнинг дидларига мослаб жиҳозланганди. Унда юмшок гиламлар, ҳашаматли курси ва диванлар, Венеранинг мрамрдан ясалган хайкали (у қандайдир номаълум хайкалтарошнинг асари эди) ва худо билсин, қаёқлардандир тониб келинган талай бронза хайкалчалар кўринарди. Бундай нарсаларни йирик мебель фирмалари харидорларни ҳар бир «дуруст» уйда шулар ҳам бўлиши зарур деб ишонтирганидан бошқа нарсаларга қўшиб сотади.

Ошхонадаги буфетда графинлар ва бошқа биллур идишлар кўзни оларди. Ундаги ҳар бир нарса фаросат билан ҳеч бир кам-қўстсиз қўйилган, нега деганда, Герствуднинг бундай ишларга тиши ўтарди-да. У ўз ишида буларни йиллаб машқини олганди. У оқсочликка келган ҳар бир янги «Мери»га буфетдаги нарсаларнинг вазифасини тушунтирганида ҳузур қиларди. Герствудни мутлақо сергап деб бўлмасди. Аксинча, у уйидагиларга жентльменларга хос босиқ муомала қиларди. У ҳеч қачон ғижиллашмас, ортиқча гапирмас, жиндай расмиятчи ҳам эди. Бирор нарсани ўзгартириш ёки тўғрилаш қўлидан келмаса, бўлмайдиган иш, деб ундан ўзини четроқ тутар, эътибор ҳам бермасди.

Герствуд ўзи ёшроқ бўлиб, ишлари тарақлаб кетма-

ган пайтларда кизи Жессикани яхши кўрарди. Мана энди кизи ўн еттига кирганида табиатида маълум махдудлик ва мустақиллик аломатлари намоён бўла бошлади. Шундай бўлса ҳам барибир ота-онасига бирдай арзанда эди. У ўрта мактабга қатнар, ҳаётга қараши жиҳатидан чинакам зодагонларга ўхшаб кетарди. Чиройли либосларга суяги йўқ, биттасини киймай туриб бошқасини олиб берасанлар деб тикилинч қилаверарди. Муҳаббат билан ҳашаматли шахсий уйга эга бўлиш сира ҳаёлидан кетмасди. Мактабда бой одамлар, йирик корхоналарнинг эгалари ва уларга шерик бўлган кишиларнинг қизлари билан танишиб олган, у қизлар эса ўзларини қуршаб турган мухит талаби даражасида бошқалар билан муомала қилардилар. Жессикани фақат ана шундай дугоналари кизиқтирарди.

Йигирмага қадам кўйган Жорж мол-мулк сотиш билан шуғулланадиган йирик агентликда яхшигина ишда эди. У ота-онасига бир цент ҳам бермас, нега деганда, уйдагилар уни кези келганда ер сотиб олиш учун пул йиғяпти, деб ҳисоблашарди. У қобилиятли ва шуҳратпараст йигит бўлиб, маишатпарастлиги ҳозирча ишига ҳалал бермай турарди. Уйга хоҳлаганида келиб кетарди. Ахён-ахёнда онасига бир нарса дер, ё бўлмаса отасига кизикроқ нарса гапириб берар, кўпинча умумий нарсалардан нарига ўтмасди. Кўнглида нима ҳаваси борлигини ҳеч кимга сездирмасди. Қолаверса уйда унга бошини оғритиб ўтирадиган одамнинг ўзи йўқ эди.

Миссис Герствуд умр бўйи кўпчилик ўртасида ўзини кўрсатиб қолишнинг пайида бўладиган хотинлар тоифасига кирар, бирорта одам ундан ошиброқ кетса, ич-ичидан куйиб кетарди.

У ҳаётга «саралар»нинг жоҳил тўдаси кўзи билан қарар, бу тўдага ўзи ҳали киритилмаса ҳам, бир кунмас бир кун албатта бош суқишни орзу қилиб юрарди. Айтгандай, бу ўзига насиб бўлмаслигини тушуна бошлаган бўлса ҳам, қизимнинг пешанаси яраклаб қолар, деб умидвор бўларди. Ҳаёлида қизимнинг шарофати билан кўпчилик ўртасида танилиб қолсам ҳам ажаб эмас, деган гаплар ҳам йўқ эмасди. Ўғлининг ишлари юришиб кетса, бир кунмас бир кун ибратли она саналишга ҳам тўлатўкис ҳақли бўлади. Эрининг иши гоҳ ундай, гоҳ бундай кетаётганидан у Герствуднинг мулк сотиш бобидаги қалтисроқ ишларининг охири зўр бўлса керак, деб ўйларди. Эри камроқ бўлса ҳам, хар холда, ёмон пул топмас,

«Фицджеральд билан Мой» майхонасидаги бошқарувчилик ишининг таги маҳкам эди. Герствуд майхонанинг иккала эгаси билан ҳам яхши муносабатда бўлиб, нимаики бўлса тўғридан-тўғри гаплашаверарди.

Бундай одамлар турган хонадонда қандай вазият бўлиши мумкинлиги ўз-ўзидан маълум, албатта. Бу вазият томчи сувдек бир-биридан фарқ қилмайдиган мингларча майда гаплар оқибатида юзага келганди.

— Мен эртага Фокс-Лейкка бораман, — деди кичкина Жорж жума куни тамадди қилиб ўтирганларида.

— У ерда нима бор экан? — деб сўради миссис Герствуд.

— Энди Фаруэй буғда ишлайдиган янги яхта сотиб олган экан, ўшани кўришга чақиряпти.

— Унга анчага тушибдими?

— О, икки минг доллардан ортиққа! Шундай бўлса ҳам уни кўз-кўз қилмаяпти.

— Фаруэй чол зўр топаётган бўлса керак, — гап кистирди Герствуд.

— Бўлмаса-чи! Жек менга Австралияга сигара жўнатишаётганини айтиб берди. Ўтган хафтада анчасини Капштадтга юборишибди.

— Ё тавба! — миссис Герствуднинг оғзи очилиб қолди. — Бундан атиги тўрт йил олдин Мэдисон-стритдаги ертўлани ижарага олишганди-я.

— Жек менга баҳорда олти қаватли уй қуришга киришамиз деяпти.

— Ё тавба! — Жессика ҳам шундай деб орага гап қўшишни маъқул топди. Мана шу гап бўлган оқшомда Герствуд уйдан эртароқ чиқиб кетмоқчи эди. — Мен бугун шаҳарга боришим керак, — деди у стулни суриб, ўрнидан тураркан.

— Душанба куни Мак-Рикеранинг театрига борамизми? — миссис Герствуд ўрнидан жилмай сўради.

— Ҳа, — эри бепарвогина жавоб берди.

Оила аъзолари тамадди қилиб ўтиришаверди. Герствуд эса пальто ва шляпасини олгани тенага кўтарилди.

Кўп ўтмай пастдаги эшик тарақлаб ёпилди.

— Дадам кетди шекилли, — деб қўйди Жессика.

Жессиканинг мактабдан топиб келадиган янгиликлари ҳам жуда бошқача бўларди.

— Мактабимиздагилар лицейда спектакль қўйишмоқчи, — деди у бир куни, — унда мен ҳам қатнашаман.

— Шундай дегин! — деб қўйди онаси.

— Ха, менга янги кўйлак керак бўлади. Спектаклда мактабнинг энг чиройли кизлари қатнашади. Миссис Пальмер Порцияни ўйнайди.

— Шундай дегин! — миссис Герствуд гапни такрорлади.

— Сизларга айтсам, улар Марта Гривольдни яна таклиф қилишибди. У ўзича қотириб ўйнайман деб юрибди.

— Унинг оиласи унчалик бўлмаса керак-а? — миссис Герствуд қизиксиниб сўраб кўйди. — Эшитишимча, улар қоқ-қуруқ бўлишса керак?

— Албатта. Бу одамлар черковнинг каламушларидай оч-яланғоч!

Жессика ўзига ёққан чиройли ёшлардан таниш ортирарди.

— Манави гапга ўлайми? — деди у бир куни онасига жаҳли чиқиб, — Анави Герберт Крейн менга ўзини баравар килиб, дўст бўлайлик, дейди-я!

— У ким ўзи, жонгинам? — сўради миссис Герствуд.

— О, очигини айтганда, ҳеч ким! — Жессика шундай дея чиройли лабларини чўччайтирди. — Қандайдир бир студент. Ёнида бир цент ҳам пули йўқ.

Жессикани бир куни уйига совун фабрикаси эгасининг ўғли кичик Блайфорд кузатиб кўйганида эса иш бутунлай бошқача бўлди.

Миссис Герствуд эса бу пайтда юқори қаватдаги хоналардан бирида тебратма стулини дераза олдига кўйиб олиб, китоб ўқиб ўтирарди. Шунда у тасодифан кўчага қараб қолганди.

— Ёнингдаги ким эди? — деди у кизи кириб келганида.

— У кичкина Блайфорд, ойи!

— Нахотки! — миссис Герствуд бундан бошқа нарса деёлмади.

— У мени паркда бироз айланиб келамиз деб таклиф қиляпти, — деб кўшиб кўйди зинадан югуриб чиққанидан бўриқиб кетган Жессика.

— Яхши, жонгинам, бора қол, — деди миссис Герствуд. — Фақат эҳтиёт бўл, паркда узокроқ қолиб кетмагин.

Ёшлар кўчага чиққанларида миссис Герствуднинг юраги тошиб кетиб, яна деразадан қаради. Бу ёқимли, чиндан ҳам завқли томоша эди.

Герствуд ана шундай вазиятда кўп йил яшаб, оилавий

хаёти ҳақида ҳеч бош қотириб кўрмаганди. У ҳаётда осилсанг баланд дорга осил, дейдиган одамлар тоифасидан эмасди. Гоҳо уни оиласида уч бериб қоладиган эгоизм ва лоқайдлик аломатлари жаҳлини чиқарса, гоҳо хотини ёки қизининг янги либосини кўрганда булар обрўйимни оширади, деб ҳузур қиларди. Амалда эса ўзи бошқарувчи бўлиб ишлайдиган майхона билан тирик эди. Кунни асосан ўшанда ўтарди. Кечқурунлари уйига қайтганида ҳаммаёқ саранжом-сариншта бўларди. Овқат ондасондагина ўртача ошпаз хотин қилган даражада мазали чиқиб қоларди. Герствудни доимо бапанг юрадиган ўғли билан кизи овқат устида гапиришадиган гаплар ҳам ўзига яраша кизиктирарди. Миссис Герствуд шуҳратталаблигидан ҳатто уйда ҳам ясаниб юрар, Герствуд эса тўғри келганини илиб юргандан кўра шуниси ҳам маъкул дерди. Эр-хотин ўртасида муҳаббат-пуҳаббат деган нарса бўлмаса ҳам, улар бир-бирларидан хафа эмасдилар. Миссис Герствуд ҳеч қачон қолишга сизмайидиган гап қилмасди. Бундан ташқари эр-хотин кам гаплашиб турганларидан, уларнинг орасида гиди-биди деган нарса ҳам бўлмасди. Эрининг ҳам, хотинининг ҳам тушунчалари ўзларига яраша эди. Герствуд гоҳо хотинига қараганда анча баланд турган бирорта тиниб-тинчимас, ақлли ва ёш аёлни учратиб қоларди. Бундай пайтларда Герствуд хотинидан кўнгли тўлмайдиган юрганлигини аён сезса ҳам кўпчиликка танилиб қолганлигини ўйлагани ва ўзини боса олгани тўфайли ҳаммасини ичига ютиб кетаверарди. Нега деганда, оиладаги наст-баландликлар майхона эгалари билан тутган муносабатни совутиб қўйиши мумкин эди-да. Уларнинг жанжалга тоқатлари бор дейсизми. Одам деган бундай лавозимни эгаллаши учун ўзини муносиб тута билиши, мўътабар хонадонга ва яхшигина обрўга эга бўлиши лозим. Герствуд ана шунинг учун ҳам ҳар бир қадамини ўлчаб босиб, кўпчилик йиғиладиган жойга хотини ва болалари билан борарди. Улар маҳаллий курортларга дам олгани боришар ёки яқинроқдаги Висконсин штатига қадам ранжида қилишиб, ўша ердаги борилиши керак бўлган жойларни кўришиб, қилиниши зарур бўлган ишларни бажаришиб, уч-тўрт кунни мағрур юриб, зерикарли ўтказишарди. Мистер Герствуд буларнинг бари зарурлигини биларди.

Герствуд ўртаҳолроқ танишларидан бири мушкул ахволда қолгудай бўлса маъюс бош чайқаб кўярди. Бундай нарсалардан ҳатто оғиз ҳам очмасди. Бироқ ўзига

якин дўст бўлган кишилар орасида ана шу мавзуда гап очилиб қолгудай бўлса, Герствуд қўлга тушган одамни роса ҳам ёмонларди.

— Гап бу ишни қилганида эмас, — дерди у, — бунақа ишни ҳамма эркаклар ҳам қиладилар. Бунда кўзига яхшироқ қараса бўлмайдими? Эхтиёткорлик ҳеч қачон зиён қилмайди.

Герствуднинг ўша захотиёқ бир иш билан жиноят устида қўлга тушган одамга сира ҳам ачинмай қўя қоларди.

Герствуд ана шундай мулоҳазаларга борганидан хотинига муомаласини бўшаштирмай, қаёққа борса, бирга олиб юришга мажбур эди. У танишлари билан учрашган пайтларида ўзини сал қўйвормаганида борми, бу иш унга албатта малол келган бўларди. Гоҳо у хотинидан чиндан ҳам кўз узолмай қолар, нега деганда, миссис Герствуд росмана гўзал хотин бўлганидан эркаклар гоҳо бақа бўлиб қолардилар. Миссис Герствуд очик, шуҳратталаб, мақтовга ўч хотин бўлгани боисидан Герствуд унинг табиатидаги ана шу томонлар бошига бало бўлиши ҳеч гапмаслигини тушунарди. Герствуд табиатан аёлларнинг бардошли бўлишига ишонмайдиганлар хилидан, хотини эса ҳурмат ва ишонч деган нарсалардан жуда узоқ юрарди. Хозирча у эрини эхтирос ила севар, Герствуд ҳам унга ишонарди. Ана шу ишонч иплари узилгудай бўлса борми, нима ишлар бўлишини ким биларди, дейсиз.

Кейинги бир ёки икки йил ичида оиланинг харажатлари кўпайиб кетди. Жессика янги нарса олиб берасанлар дейишини қўймас, қизидан орқада қолишни истамаган миссис Герствуднинг ҳам кийимларини тез-тез янгилаб турарди. Герствуд анча вақтгача тишини тишига қўйиб чидаса ҳам охири тоқати тоқ бўлди.

— Жессикага янги кийим керак, — деди Герствуд хоним бир куни эрталаб.

Мистер Герствуд ойна олдида туриб қиёмат жилетларидан бирини киярди.

— Адашмасам у яқиндагина нимадир тиктирувдику, — деб қўйди у.

— Тўппа-тўғри, — хотини пинагини бузмай унинг гапини тасдиқлади, — бироқ у кишиликка киядиган кўйлак эди-да.

— Жессика кейинги пайтларда у-буларига кўп пул кеткизяпти-да, — деб қўйди Герствуд.

— Нима кипти, у тез-тез кўпчиликка аралашиб турибди-да, — хотини яна парвойи фалак жавоб берди.

Бирок, у эрига бу гаплар малол келаётганини сезиб олди. Миссис Герствуд бундай холни умри бино бўлиб биринчи кўриб туриши эди.

Герствуд серсафар эмасди, шунда ҳам бирон ёққа боргудай бўлса, албатта, хотинини ола кетарди. Бир куни муниципалитет аъзоларидан бир гуруҳи ўйнаб келиш учун ўн кунга бир ёққа кетаётганларида Герствудни ҳам бирга бўлинг деб таклиф қилишганди.

— Филадельфияда бизни ҳеч ким танимайди, — деганди унга сафар қатнашчиларидан бири башарасидан ҳаффаҳамлиги ҳамда ишратпарастлиги яққол кўриниб турган киши. — У ерда бир хумордан чиқиб келамиз-да.

Шунда у ажойиб ипак цилиндр турган бошини сал қийшайтириб, чап кўзини билинар-билинемас қисиб қўйди. Кейин эса кўшимча қилди:

— Биз билан албатта юринг, Жорж!

Герствуд эртасига хотинига ниятини айтди.

— Мен бир неча кунга кетяпман, Жулия!

— Қаёққа? — деди хотини унга ялт этиб қараб.

— Филадельфияга... иш билан.

Миссис Герствуд яна ниманидир кутгандай эрига бақрайганча қараб тураверди.

— Бу сафар сени олиб кетишга ноиложман, — қўшиб қўйди Герствуд.

Герствуд эса хотинининг ичида, бу гапинг ғалати бўлди-ку, деяётганини аён сезиб турарди. У кетмасидан хотини яна у-буларни суриштирганди, жуда аччиғи келди. Шундан кейин у, хотиним бошимга бало бўлди-ку, деган хаёлга бора бошлади.

Мистер Герствуд Филадельфия сафарида жуда маза қилди, уйга қайтадиган фурсат етганда эса жуда кўнгли бузилди. У ёлғонни ёқтирмас, баҳона тўқишни ҳам ўлгудай ёмон кўрарди. Миссис Герствуд эрига умумий танбех беришдан нарига ўтмаган бўлса ҳам, анчагача кўнглидан чиқармади. У кўпроқ у ёқ-бу ёққа яхши кийиниб, тез-тез театрга борадиган бўлиб қолди. Шу йўл билан эридан аламини олмоқчи бўларди.

Уйда ана шундай вазият ҳукмрон бўлгандан кейин бу оиладаги ҳаёт ширин ўтяпти, деб бўлармиди. Шунинг учун ҳам бу хонадондаги ҳаёт одатдаги, бир марта ва абадий ўрнатилган тартиб билан шартли муносабатлар

чизигидан чикмаган ҳолда ўтиб келарди. Кунлар ўтгани сари оиладаги муносабатлар ҳам тобора совиб борарди. Эртами-кечми, барибир бир портлаш бўлиб, ҳаммасининг кулини кўкка совуриши турган гап эди.

Х б о б

ҚИШ МАСЛАҲАТЧИ РОЛИДА. ИҚБОЛ ЭЛЧИСИ

Жамиятимизда аёл ва унинг вазифаларига нисбатан мақбул топилган муносабат нуқтаи назаридан қараганда, Керрининг руҳий ҳолатига оид баъзи бир изоҳлар бериб ўтишга тўғри келади. Жамиятдаги ҳар бир хатти-ҳаракатнинг белгилаб қўйилган ўз меъёри бор. Барча эркаклар ҳалол, ҳамма хотинлар пок бўлишлари керак. Шундай бўлгандан кейин, чизиб қўйилган чизикдан юрак ютиб нега чеккага чиқдинг, эй жиноятчи қиз?

Ахлоқни Спенсер ва ҳозирги замонамизнинг натуралист-файласуфлари қанчалик чуқур таҳлил қилган бўлмасинлар, биз унга хали ҳам гўдакларча муносабатда бўлишдан нари ўтганимизча йўқ. Бу эволюция қонунларига шунчаки бўйсунушдан каттароқ ва фақат ер юзида амалда бўлган қонунларга амал қилишга нисбатан кенгроқ маънодадир. Масалан, юрак нега типирчилайди, деган саволга марҳамат қилиб жавоб беринг-чи? Нима учун гоҳо кимнингдир фиғони бутун оламга эшитилади? Шунини тушунтириб беринг-чи? Нима учун ёмғир билан нурнинг сезилар-сезилмас таъсири оқибатида гуллар алвон машъаллар янглиғ очилади, шунини кашф этинг-чи? Ахлоқнинг илк негизлари ана шу фактларнинг моҳиятида пинҳондир.

«О, мен эринган қанчалар ғалаба лаззати», дерди Друэ ичида.

«Мен ҳеч нима йўқотганим йўқ-ку?» дерди Керри ҳам ичида ваҳимага тушиб.

Мана энди бизнинг олдимизда олам каби қадимий бўлган муаммо турибди. Биз жиддий турган ҳолда қизиқиш ва хижолат билан ахлоқнинг чинакам принципларини аниқлашга, яхшилиқ нима деган саволга чинакам жавоб топишга уриняпмиз.

Жамиятдаги баъзи кишиларнинг нуқтаи назарича, Керри энди аҳволини анча яхшилаб олганди. Очликдан ўлаётганлар, совуқ шамолда азоб чекаётганлар ва ёмғирда

бўкаётганлар назарида Керри тинчгина оромгоҳга кириб олганди. Друэ унга Юнион-паркнинг нақ рўпарасида бўлган ғарбий томондаги Огден-сквердан мебеллари бўлган учта хонани ижарага олиб берганди. Чиройига келганда ундан ўтадигани Чикагода топилмайдиган бу жой кўм-кўк майсазорни эслатар, иморатлар қаланиб кетган кварталларга қараганда бу ерда одам енгил нафас оларди. Деразалардан ҳаммаёқ чиройли кўринар, меҳмонхона паркдаги ўтлоққа қараган, унинг ўртасида эса кичкина ховуз кумушдай ялтирарди. Қиш шамоли тебратиб турган дарахтларнинг яланғоч шохлари орасидан конгрегационалистлар черкови куббасининг учи чиқиб турар, олисда бошқа черковларнинг кўнғироқхоналари кўзга ташланарди.

Хоналар яхшилаб жиҳозланганди. Меҳмонхонага тўқ кизил ва сарғиш рангдаги гилам тўшалганди: унда катта, бахайбат гулли жардиньерларнинг тасвири бор эди. Бир бурчакда устига бахмал сирилган юшоққина катта диван кўйилган, теварагида эса бир қанча тебратма стуллар бор эди. Бу хонанинг жиҳозларини икки-учта сурат, кичкина гиламчалар ва бошқа майда-чуйда нарсалар тўлдириб турарди.

Керрининг ётоғида Друэ совға қилган сандиқ турар, деворга ўйиб ўрнатилган кийимлар шкафида чиройли кўйлақлар осибди эди. Улар Керрига жуда ҳам ярашар, бунинг устига анчагина бўлиб, киз умри бино бўлиб, бунча кўйлақни илк бор кўриши эди. Учинчи хонани ошхона ўрнида ишлатса бўларди. Друэ унга ҳар хил газаклар ва ўзи ёқтирадиган енгил таомлар тайёрлаш учун кичкина газ плитаси ўрнатиб берганди. Кўйинг-чи, квартирада ванна ҳам бор эди. Ҳамма хоналар шинам, газ билан ёритилар, уй марказий иситиш системасига уланган бўлса ҳам, унда кичкинагина чиройли камин ҳам бор эди. Квартира Керрининг ҳаракатчанлиги ва саранжом-саришталиги туфайли яшнади-кўйди. Керри илгари ҳам қадамида учраб турган қийинчиликлардан холи яшаб турган бўлса ҳам, барибир руҳан эзиларди. Унинг теварак-атрофидаги муҳитга бўлган муносабати ниҳоятда бошқача бўлиб кетганидан ўзи ҳам бўлакча одам бўлиб қолганди ҳисоби. У ойнага қараб бошқа Керрини кўрар, буниси олдингисидан чиройлироқ эди. Ўзининг қалбига қараганда (бу кўзгу эса ўзи ва бировларнинг тасаввуридан ясалганди) илгаригисидан баттарроқ бўлган Керрини кўрарди. Ҳақиқий Керри бўлса ана шу

иккала сиймо орасида қалкиб турар, улардан қай бирини тўғри дейишини билмас эди.

— Жуда чиройлисан-да! — Друэ кўп марта шундай деб юборганди.

Бундай пайтларда Керри унга кўзларини катта-катта очиб қараркан, гапидан жуда хурсанд бўларди.

— Бунга ўзинг ҳам билсанг керак, — дерди Друэ гапида давом этиб.

— О, мен ҳеч нима билмайман! — Керри одатда шундай деб кўярди.

Керри Друэнинг ўзи ҳақида шундай фикрдалигидан хурсанд бўлар, унинг мақтовларига ишонишга ботиномаса ҳам, ҳар қалай ишониб, ҳузур қиларди.

Друэ эса уни мақташдан манфаатдор бўлса ҳам, асло унинг виждони овозига қулоқ сололмасди.

Керри ўз қалбида бошқа бир нидони эшитарди. У ўша билан тортишар, уни олдида ўзини оқлар, кўнглини юмшатишга уринарди. Виждони эса, очиғини айтганда, пок бўлиб, унинг доно маслаҳатчиси эди. Бунга дунё, Керри илгари учрашган одамлар, одатлар ва шартли нарсалар хусусида ғира-шира тасаввурга эга бўлган ўртача одамнинг виждони деса бўларди.

«Эҳ сен, бадбахт!» — дерди унга қалбидаги нидо.

«Нимага?» — деб сўрарди ундан Керри.

«Теварак-атрофингдагиларга бир қара», — дерди нидо унга жавобан шивирлаб.

«Ҳалол одамларга қарагин. Агар уларга сен қилган ишни қилгин деганларида ғазаб билан тесқари қараган бўлишарди. Покиза қизларни кўргин. Улар сенинг шу қадар бўшлигингни билганларида нафратланишарди. Сен ҳатто қаршилиқ кўрсатишга ҳам уринмадинг ва ўзингни дарҳол мағлуб санадинг».

Керри уйда ёлғиз қолиб, дераза олдида кўчага қараб ўтирган пайтларида бу нидо аниқ эшитиларди. Унинг ёнида Друэ бўлмаган ва ҳаётининг ёқимли томонлари унчалик ошқора кўриниб турмаган пайтларни ҳисобга олмаганда, бу нидо уни ҳадеб безовта қилавермасди.

Бу нидо гарчи унчалик ишонарли бўлмаса ҳам, аввалга кескин эди. Керрида эса унга жавоб ҳамма вақт тайёр турарди: қиш кириб келаётган, ўзи яқка-ю ёлғиз, кўнглида армонлари кўп, шамолнинг увуллашидан ҳам кўрқарди-да. Қиз учун мухтожлик овози жавоб берарди...

Ёзнинг очик ҳаволи кунлари ўтиши биланоқ шаҳар

қорамтир либосга бурканиб, бутун киш бўйи ўшанда юради. Кети кўринмайдиган ва қатор тушган иморатлар бўз ранг кўринади, осмон ва кўчалар кўрғошин тусига киради, яланғоч дарахтлар, шамол кўтарган чанг, учиб юрган қоғоз парчалари ҳаммаёқни баттар хунук ва мунгли кўрсатади. Майдон ва чорраҳаларда ғув-ғув қилаётган шамол кишини оғир хаёлларга солади. Бу ўзгаришни ниҳоятда нозик қалб соҳиблари бўлган фақат шоирлар ва рассомларгина эмас, балки ҳамма одамлар, ҳаттоки ҳайвонлар ҳам пайқайди. Оддий кишилар шоирлар каби санъаткорлик қобилиятига эга бўлмасалар ҳам, буни улардан кам сезмайдилар. Телеграф симида кўниб турган чумчуққа ҳам, уйга кираверишда нушиб олган мушукка ҳам, юкини аранг тортиб келаётган отга ҳам — ҳамма-ҳаммасига кишининг қаҳрли нафаси танишдир. Қиш жонли ва жонсиз бўлган ҳар қандай ҳаётнинг бағрига ханжар уради. Агарда ўзимизни овутиш учун зўрма-зўраки ўйинкулгилар қилмаганимизда, ҳаётга ташналигимиз ва хурсандчилик — кулгилар кетидан қувиб, доимо ташвишда юрмаганимизда, савдогарлар дўконларининг ичкарисига ҳам, ташқарисига ҳам ўрнатилган дабдабали витриналар бўлмаганда, кўчаларимизда тиқилиб ётган чароғон рекламалар ва ҳамма томонларга шошилиб кетаётган шиеда кишилар бўлмаганда кишининг муздек кўли бағримизни эзган, қуёш етарли ҳарорат ва ёруғлик бермаган, йилдек туюладиган кунлар тоқатларимизни тоқ қилиб юборган бўлар эди. Бу ҳодисаларга қанчалик боғлиқ эканлигимизни ўзимиз ҳам сезмаймиз. Аслида бизлар бамисоли ҳароратдан баҳра олиб, усиз маҳв бўладиган ҳашаротлармиз.

Ана шундай нурсиз кунлар зериктираётган пайтларда Керрининг қулоғида гарчи ўша сирли овоз жаранглаб турса ҳам, у тобора пасайиб ва сўниб борарди.

Мана шу ички бўлиниш Керрини бука олмади. Унинг табиатини мутлақо тунд деб бўлмасди. Бунинг устига ақл билан ҳақиқатнинг тагига етиш учун унда етарли тиришқоқлик ҳам йўқ эди. У бирор масалада мияси ғовлаб, калаванинг учини тополмай қолганида барини хаёлидан чиқариб, қутулиб қўя қоларди.

Друэ ўзи тоифасидаги одамларга ўхшаб, қадамини билиб босарди. У Керрини ишқилиб ҳеч зериктирмас, сарф қилгани қилган, иш юзасидан сафарларига ҳам бирга олиб кетарди. Яқинроқдаги шаҳарларга кетганида Керри икки-уч кунлаб ёлғиз қолган пайтларни ҳисобга олинса, улар кўпинча бирга бўлишарди.

— Менга қара, Керри, — деди Друэ янги квартирага кўчиб келганларидан кейин кўп ўтмай бир куни эрта-лаб. — Герствуд деган ошнамни кечкурунга таклиф қилдим.

— У ким ўзи? — Керри хушёр тортди.

— О, у қиёмат одам. «Фицжеральд билан Мой»да бошқарувчи бўлиб ишлайди.

— У нима ўзи?

— Жуда зўр майхона, шаҳардаги энг яхшиларидан.

Керрининг бу гапдан бироз боши қотди. У Друэ дўстига мен ҳақимда нима деркин, унинг олдида ўзимни қандай тутсам бўларкин, деб ўйлаб қолди.

— Сен безовта бўлаверма, — деди Керрининг махбуби худди унинг кўнглидан нималар ўтаётганини билиб тургандай. — У ҳеч нимани билмайди. Энди сен миссис Друэсан.

Друэнинг бу сўзлари Керрига беодоб кўринди. Шунда у Друэнинг шинаванда эмаслигини билиб олди.

— Биз нимага никоҳдан ўтмаяпмиз? — деб сўради Керри Друэнинг бири биридан катта ваъдаларини эслаб.

— Шошилма, никоҳдан ўтамиз, — деб жавоб берди Друэ. — Ҳозир бир иш билан бандман, ўшани битириб олай.

Друэ ўрни-тагида йўқ бўлган бир меросни кўзда тутар, гўё уни қўлга киритиш учун анча овора бўлиш керак эди. Бу иш хушёрлик талаб қилганидан нимагадир Друэнинг кўнгилдагидек ҳаракат қилишига ҳалал берарди.

— Январда Денвердан қайтиб келай, никоҳдан ўтамиз-қўямиз.

Керри Друэнинг ана шу сўзларига бироз умид боғлаганидан уларни виждонининг малҳами ва ҳозирги аҳволдан қутулишнинг мақбул йўли деб биларди. Хали ҳаммаси тўғри бўлиб кетади, қилган иши ўзини оқлайди.

Керри Друэни чинакамига севиб қолмаганди. У Друэдан анча ақллироқ бўлганидан ҳамхонасининг кўп нуқсонлари борлигини пайқай бошлади. Агар мана шундай хол рўй бермаганда, Керри унга холис муносабатда бўлмаганда ва Друэнинг қандай одамлигини билиб қолмаганда аҳволи чатоқ бўлиши турган гап эди. Мабодо уни сидқидилдан севганида борми, Друэга сира ҳам ёқа олмас эканман, кўнглига текканимдан кейин мени ташлаб кетса бутунлай суянчиксиз қоламан, деган ваҳимадан аянчли

ахволда қоларди. Ҳозирги ахволга келганда эса шуни айтиш керакки, Керри олдинга ишим бу ёнига қандай бўларкин деб пича хавотирланганидан Друэни бутунлай ўзиники қилиб олишга уриниб кўрди, кейин эса қани нима бўларкин деб хотиржам юраверди. Друэ хақидаги фикрларининг тўғрилигига ишонмаса ҳам, кўнгли нималарни истаганини ўзи ҳам билмасди.

Герствуд кириб келганида Керри қаршисида Друэдан минг чандон ақлли одам турганлигига ишонч ҳосил қилди. Герствуд аёлларга эҳтиром ила муомала қилар, буни улар ҳам жуда қадрлашарди. У ортиқча эгилиб-букилиб ҳам ўтирмади, довюрақлик ҳам қилмади, бошқаларни мафтун қилувчи нарсаси ниҳоятда зийракликда кўриниб турарди. У майхонада кўриниб турган ўзига тўқ кишиларнинг кўнглини овлашга ўрганиб, бу борада яхшигина мактаб кўрганидан ўзига керакли ёки кўнглига ёқиб қолган одамда яхшигина таассурот қолдирмоқчи бўлиб, одоб сақлашни жуда ҳам ўрнига қўярди. Чиройли хотинлардан унга кўпроқ нозик таъблари ёқарди. Герствуд мулойим, хотиржам, ўзига ишонган одам бўлганидан ёнидаги хонимнинг кўнглига ёқадиган ишларни қилиш — дилидаги яккаю ягона истагига ўхшарди.

Друэ ҳам бирортаси билан муомала қилганида дурустроқ иш чиқишига ақли етгудай бўлса, ўзини шундай тутар, бироқ ўзини Герствуддай ёқимли кўрсатаман деб жуда катта кетиб қоларди. Друэ анча хушчакчак, ғайрати ичига сифмайдиган ва ўзига ортиқча ишониб юборадиган киши эди. У кўпроқ ишқ санъати бобида берироқ бўлган хотинларнинг бошини айлантириб юрарди. Мана энди эса бу борада тажрибаси кўпроқ ёки камроқ бўлса ҳам, табиатан нозик аёл билан тўқнашиб, қаттиқ мағлубият азобини тортмоқда эди.

Друэ Керрининг кўп нозик томонларини сезган бўлса ҳам, ишқ санъати бобида мутлақо тажрибасизлигини билиб олди. Унинг бир омади келиб қолганида-да: тасодиф уни Керрига дучор қилган эди. Орадан бир неча йил ўтиб, Керри хаётнинг кўпроқ аччиқ-чучугини тотиб, ишлари жиндай бўлса ҳам юришганида борми, Друэ унинг ёнига яқин йўлолмаган бўларди.

— Сиз рояль сотиб олсангиз бўларкан, Друэ! — Герствуд уларникига келганида шундай дея Керрига қараб жилмайди. — Хотинингиз уни чалиб турарди.

Бу нарса Друэнинг хаёлига ҳам келмаганди.

— Ха, сиз ҳақсиз, — Друэ унинг гапига қўшилди.

— Мен чалишни билмайман-ку, — Керри юрак ютиб гап кўнди.

— О, бу унчалик қийин эмас, — Герствуд эътироз билдирди. — Бир неча ҳафтада ўрганиб олсангиз бўлади.

Герствуд ўша оқшом ажойиб ҳамсухбат эканлигини кўрсатди.

Унинг устидаги костюми чакмоқдай бўлиб, жуда қиёмат эди. Унинг ёқалари меъёрида дазмолланган, чиройли шотланд газламасидан тикилган жилетида кўш қатор қилиб қадалган думалоқ садаф тугмалар ялтирарди. Ҳар хил рангда товланиб турган ипак галстуги бачкана бўлмаса ҳам, айти пайтда назардан ҳам четда қолмасди. Кўйинг-чи, Гертсвуднинг устидаги нарсалар Друэнинг кийимларидек манаман деб турмас, шундай бўлса ҳам Керри уларнинг бичими яхшилигини ва материали зўрлигини пайқади. Герствуднинг юмшоқ қора, эчки теридан тикилган ботинкаси яхшилаб артилган бўлса ҳам, ялтираб кўзни олмас, Друэ гарчи локланган пойафзалда юрса ҳам, Керри юмшоққина теридан тикилган оёқ кийими ўхшатиб тикилган костюмга жуда мос тушишини фахмлаганди. У ана шу майда-чуйда нарсаларни беихтиёр битта-битталаб териб турарди. Хуллас, Керрининг бундай қилиши табиий эди, нега деганда, у Друэнинг ташқи кўринишига кўникиб қолганди-да.

— Бир партия юкр ўйнамаймизми? — Герствуд ордан бироз ўтгач шундай деб қолди.

У Керрининг ўтмишидан ўзини хабардор эканлигини кўрсатувчи ҳар қандай нарсалардан ғоятда усталик билан четлаб ўтарди. Керрининг шахсиятига мутлақо тил тегизмай, умумий нарсалардан гапиргани гапирганди. Керри шунинг учун ҳам ўзини жуда бемалол сезарди. Герствуд сезгирлиги ва беозор ҳазил-мутойибалари билан уни ҳеч зериктирмасди. Бунинг устига Керри гапираётган барча нарсалар ўзини бағоят қизиқтираётгандай қилиб кўрсатарди.

— Мен ўйин қоидасини билмайман-ку, — деди Керри.

— Чарли, сиз ўз вазифангизга бефарқ қараяпсиз! — деди Герствуд Друэга ҳазиллашиб. — Майли, ҳечқиси йўқ, биз сизни ўргатиб кўямиз, — кўшиб кўйди у.

У ўзига хос одоб билан Друэга Керрини танлаб ёлчиганлигини сездирди. Бутун хулқ-атворидан эса бу уйда бўлишдан ҳузур қилаётгани сезилиб турарди. Друэ Герствуд билан янада яқинроқ бўлиб қолишганини сизди. Керрининг ҳам ҳурмати жуда жойига кўя бошлади.

Герствуднинг мақтовидан кейин Керри ҳам кўзига бошқача кўриниб кетди. Мана шу хушомадларнинг бари унинг бошини жуда айлантириб юборди.

— Қани, менга бир кўрсатинг-чи, сизга нималар чиққаникин, — деди Герствуд тавозе ила Керрининг елкаси оша унинг карталарига кўз ташлаб.

У бир неча лаҳза Керрининг карталарини назардан ўтказиб турди-да, пировардида деди:

— Ҳеч ёмон эмас! Омадингиз бор экан. Ҳозир сизга мен эрингизни ютиб олишни ўргатиб қўяман. Сиз фақат айтганимни қилсангиз бас!

— Хай-хай, — Друэ норози бўлди, — агар менга қарши фитна уюштирадиган бўлсангизлар дош беролмайман, албатта. Герствуд картани сув қилиб ичиб юборган!

— Йўқ, бунда фақат хотинингизнинг хизмати бор. У менга ҳам бахт келтиряпти. Шундай бўлгандан кейин ҳам ютмасинми?

Керри Герствудга миннатдорлик билан қаради-да, Друэга жилмайиб қўйди. Герствуд ўзини яна одатдагидай дўст кўрсатиб ўтираверди. У бу ерга оқшомни кўнгилли ўтказгани келганди. Керри нимаики қилса у хурсанд бўлар, бундан бошқа нарса билан иши йўқ эди.

— Хўш, қани, қани, — у ўйчан шундай дерди-да, яхши карталардан бирини тутиб туриб, Керрининг ортиқча карта босиб олишига имкон яратарди. — Менга қолса ўргамчикка ёмон ўйнамадингиз дердим! — қўшиб қўйди у.

Керри доим ютаётганидан суюниб шарақлаб куларди. Унга Герствуднинг мадади ўзини енгилмас қилиб қўйгандай туюларди.

Герствуд бўлса унга ахён-ахёнда қараб қўярди. Қараган пайтларида кўзлари мулойим чакнаб кетарди. Шунда кўзларида самимият ва дўстона муносабатдан бўлак ифода кўринмасди. У кўзларининг айёрона чакнашини анча ичкарига яшириб қўйган, қарашларида бамисоли гўдакдай қувонаётганлиги сезиларди, холос. Керри, Герствуд биз билан бирга бўлганидан маза қиляпти, деб хаёл қила олар, ўзи хақида фикри жуда баландлигини ҳам сезиб турарди.

— Бундай ўйинни мукофотсиз қолдирмоқ инсофдан эмас, — деб қўйди Герствуд.

У шундан кейин жилетининг майда пуллари турган кичкинагина чўнтагига қўл солиб, қўшиб қўйди:

— Келинлар, ўн центдан ўйнаймиз.

— Маъқул, — Друэ ҳам рози бўлиб, пул олгани чўнтагига қўл чўзди.

Герствуд эса ундан илдамлик қилди. У бир сиқим ўн центлик тангаларни ушлаб турарди.

— Мархамат! — деди у шерикларининг хар бирига танга улашиб.

— О, энди ўйин қизиқ кетадиган бўлди! — деди Керри жилмайиб. — Бу яхши эмас.

— Йўқ, бунинг ҳеч ёмон томони йўқ, — Друэ эътироз билдирди. — Шунчаки эрмак-да. Агар пулни ҳеч қачон катта қўймасанг албатта жаннатга тушасан.

— Пул бир ёқлик бўлганини кўрмагунингизча насихатгўйликни йиғинтириб турасиз, — деди Герствуд Керрига мулойимлик билан.

Друэ кулимсиради.

— Пулни мабодо эрингиз ютиб олса, — Герствуд гапида давом этди, — сизга бунинг яхши ёки ёмонлигини айтади.

Друэ қаттиқ қаҳ-қаҳ уриб юборди.

Герствуднинг овози қандайдир дилкаш чиққани, аскияси ҳам ўзига яраша бўлганлиги учун Керри кулгидан ўзини тута олмади.

— Қачон жўнайсиз? — деб сўради Герствуд ошнаси-дан.

— Чоршанбада, — жавоб берди Друэ.

— Умри доимо югур-югурда ўтадиган эр билан туриш сизни анча қийнаса керак, — деди Герствуд Керрига қараб.

— Бу сафар бирга кетамиз, — деб қўйди Друэ.

— Кетгунингизча мен билан албатта театрга боришларингиз керак, — деди Герствуд.

— Қойил, — рози бўлди Друэ. — Нима дейсан, Керри?

— Мен жон деб борардим, — жавоб берди Керри.

Герствуд Керрининг ютиши учун нимаики зарур бўлса ҳаммасини қилди. У Керрининг муваффақиятларидан суюнарсан, унинг ютган пулларини санарди. Нихоят, пулларни йиғиб, унинг қўлига қўйди.

Керри ўйин тамом бўлгач, дастурхон ёзиб, енгил таомлар билан Герствуд олиб келган винони қўйди. Герствуд кўп ўтирамади.

— Эсларингда бўлсин, — деди у хайр-хўш қилаётганларида олдин Керрига, сўнгра эса Друэга қараб, —

етти яримда тап-тайёр туришларингиз керак. Мен сизларни олиб кетгани келаман.

Друэ билан Керри меҳмонни эшик олдиғача кузатиб қўйишди. Кўчада уни кутиб турган кэбнинг қизил чироклари милтираб турарди.

— Гап шундай: сиз кетиб, рафиқангиз ёлғиз қолганида, — деди яхшигина доирадаги одамларга хос бўлган оҳангда, — йўқлигингизда юраги тарс ёрилиб кетмаслиги учун уни бир оз ўйнатишимга ижозат беришингиз керак.

— О, албатта! — деди Друэ Герствуднинг ўта меҳрибонлигидан эриб кетиб.

— Илтифотингиз учун раҳмат, — Керри ҳам шундай деб кистириб кетди.

— Арзимаёйди, — деди Герствуд. — Эрингиз менинг ўрнимда бўлганида шубҳасиз у ҳам шундай қилган бўларди.

Меҳмон Керрида кучли таассурот қолдирди; у бунаканги жозибадор одамга биринчи марта дуч келиши эди.

Друэга келганда эса у ҳам жуда мамнун эди.

— Ниҳоятда ёқимли одам-да! — деди у шинамгина меҳмонхоналарига қайтиб киришганида. — Бунинг устига яхши дўст ҳам.

— Шундайга ўхшайди, — Керри унинг гапига қўшилди.

Х I б о б

АЛДОВ НИДОСИ. СЕЗГИЛАР МУҲОФАЗАСИДА

Керри ҳаёт, тўғрироғи, унинг тапшиқ шакллари билан тезда танишиб олди. У бирорта буюмни кўрганда ўша захоти ўзига-ўзи менга ярашармикин, дерди. Шуни маълум қилиб қўяйликки, фикрлашнинг бундай усулини донолик деб ҳам, нозиктаблик ҳам деб бўлмайди. Чиройли либос Керрига нимаси биландир жуда ишончли кўринар, худди айёрлардай мулойимлик ва тилёғламалик билан ўзини кўз-кўз қилар эди. Керри чиройли кийимлари бўлишини истаганидан бирор либос овоза бергудай бўлса унга жон-жон деб қулок тутарди. Бу эса ўша жонсиз нарсанинг овози эди! Қимматбаҳо тошларнинг бийрон сўзларини бизнинг тилимизга афдаришни ким эпларкин?

Керри Партриж магазинидан сотиб олгани тўр ёқа:

«Жонгинам, — дерди унга, — мени бир томоша қилгин, сенга жуда ҳам қуйиб қўйгандайман-а! Мендан ўлсанг ҳам юз ўгирма!»

«Ох, оёқларинг бирам келишганки! — дерди яп-янги туфлининг юмшоқкина чарми. — Мен уларда жуда чиройли тураман-да! Менсиз бу оёқларнинг ҳоли нима кечаркин?»

Керри кўнглидаги нарсаларни қўлга кирганидан ёки эгнига кийганидан кейингина бу нарсалардан воз кечмоқ кераклигига унинг ақли етарди. Янги либосларнинг нархи уни жуда эзар, шундай бўлса ҳам бутун куч-қуввати билан кўнглига келаётган шубҳаларни қувар, нега деганда либослардан воз кечолмасди-да.

«Эски қўйлагинг билан йиртиқ-ямоқ бошмоғингни кий!» — виждон садоси унга шундай деб беҳуда овора бўларди.

Керри хали ҳам оч қолиш кўрқувини енгиб, олдинги ҳаётига қайта оларди. У виждони тазйиқида меҳнатнинг машаққати, мухтожликда кўнгилисиз ўтадиган кунлар ҳақида ҳадеб гап маъқуллаётган нидога ҳам қулоқ солса бўларди. Бироқ қўринишини бузсинми? Устига жулдур кийсинми? Ҳеч қачон!

Друэ Керрининг қилаётган ишлари ва мулоҳазалари хусусидаги фикрлари тўғрилигини ҳар қанақасига мустаҳкамлашга уриниш билан унинг ҳар хил кўнгилочар нарсаларга нисбатан қаршилигини бўшаштириб борарди. Фикрларимиз билан истакларимиз бир бўлгандан кейин бу ишнинг ҳеч қанақа оғирлиги бўлмайди! Друэ ўзига хос бўлган самимият билан Керрига жуда ҳам келишгансан дейишини қўймай, унга завқланиб тикилгани тикилганди. Керри бўлса ҳаммасига чипша-чин ишонарди. У таманнолик бобида хали тажрибасиз бўлса ҳам, бу ҳунарни тезда ўрганиб олди. Друэнинг ўз тоифасидаги одамлар сингари кўчада ўхшатиб кийинган чиройли хотинларга синчиклаб тикилиб, уларнинг камчилигини топадиган одати бор эди. Худди аёллар сингари унинг ҳам чиройли либосларга суяги йўқ, шу вайдан аёлларнинг ақли қанақалигини фарқлай олмаса ҳам, уларнинг кийишларига баҳо бера оларди. У ясан-тусан қилган хонимлар қандай юришлари, оёқларини қандай ташлашлари, бошларини қандай туттишлари, белларини чиройли кимирлатиб юришларигача диққат билан разм соларди. Аёл кишининг солланиб юриши майхўрни бир стакан яхши вино ҳақидаги фикр қиздиргандек уни ҳам қизди-

риб юборарди. У аёлларнинг ўзлари ҳам севиб қадрлайдиган латофатини ғоятда қадрлар ва севарди. Латофат меҳроби қаршисида аёллар билан бир қаторда ўта диндор сингари тиз чўқарди.

— Сен ҳозиргина ўтиб кетган хонимга эътибор бердингми? — деб сўради у биринчи куни айлангани чиққанларида. — Бирам чиройли юраркан-а!

Керри хиромон айлаши унинг мақтовига сазовор бўлган хонимга қаради.

— Ҳа, сен ҳақсан, — деб қўйди у Друэга.

Шунда Керрининг хаёлига эҳтимол мен ана шундай юришни эплай ололмаётгандирман, деган фикр ялт этиб келди. Беихтиёр ана шундай аёлларга тақлид қилгиси келди. Чиройли юраман деса улардан ҳеч қолишадиган жойи йўқ, бунга ишончи комил!

Ақл бобида Керри даражасидаги аёл ҳамма эътибор бериб, тўхтовсиз мақтаётган нарсани кўрганида бундан мантиқий хулоса чиқариб, кейин уни амалда қўллайди. Друэда ўзи айтган нарсаларнинг ўринсизлигини тушуниб етмоқ учун тегишли сезгирлик етишмасди. Керрининг қулоғига сен бундай қараганда чиройлироқ кўринган бошқа аёллардан эмас, ўзингдан ибрат олгин, деган фикрни қуйиш кўп маъқул иш бўлишини тушунишга ожизлик қиларди. У Керрининг ўрнида анча етукроқ ва тажрибалироқ аёл бўлганида бошқачароқ муомала қилган бўларди-ю, аммо Керрини фақат ғўр деб ҳисобларди. Керри ақллироқ бўлганидан Друэ турган гапки қизни хафа қилаётганини ҳам тушуниб етмасди. У қизнинг қалбига озор бериб, уни тарбиялашда давом этаверди, бу эса шогирди ва қурбонига ихлоси тобора ортиб бораётган киши учун номуносиб иш эди.

Керри унинг кўрсатма ва насихатларини ғинг демай эшитарди. У Друэга нималар ёқишини кўриб турар, унинг заиф томонларига ҳам сал-пал тушуниб қолганди. Эркак одам бошқалар олдида ҳадеб мақтанаверса аёлнинг назаридан тушади қолади. Аёлнинг назарида фақат битта нарсаси катта мақтовга лойиқ — у ҳам бўлса ўзи. Кўп хотинларнинг бошини айлантириб олмоқ учун уларнинг ҳар бирига ўзини бағишлаш керак.

Керри ўзининг квартирасида бу борадаги кўп нарсаларни билиб олди.

Улар билан бир уйда «Стандард» театрининг директори Френк Гейль деган киши хотини билан турарди. Миссис Гейль ўттиз беш ёшлардаги, қорачадан келган

кўркем жувон эди. Эр-хотин ҳозирги Америкада жуда кўп бўлган, уйларида ҳеч вақолари бўлмаса ҳам, кунлари бинойидек ўтиб турган кишилар тоифасидан эдилар. Мистер Гейль ҳафтасига қирк беш доллар оларди. Унинг кўринишдан кўхликкина бўлган хотини ёши қанчага борганини бўйнига олмас, уйга қараш ва бола тарбиялашга ҳам ҳуши йўқ эди. Улар ҳам Керри билан Друэ сингари уч хонали мебелли хонани банд қилишган бўлиб, бир қават юқорида туришарди.

Керри мисси Гейль билан тез орада танишиб олганидан шаҳар айлангани бирга чиқишарди. Керри анча вақтгача ундан бўлак таниш-билиш орттирмади. Унинг вайсаллари бамисоли бир призма бўлса, Керри оламга ўша орқали боқарди. Миссис Гейлнинг ҳар хил бемаъни гаплари, пулни худо деб билиш ва ахлоқ хусусидаги тубан ақлидан ўрин олган сийқаси чиққан тасаввурлар Керрига муқаррар таъсирини кўрсатганидан бироз вақтгача қарашларини жуда ҳам чалкаштириб юборди.

Бошқа жиҳатдан Керри сезги ва инстинктлари ёрдамида қарашларига ўзи тузатишлар киритди. Унинг доимо қандайдир яхши нарсаларга бўлган раъйини қайтариб бўлмасди. Бизнинг юракларимизни ларзага солувчи нарсалар унга тўғри йўл кўрсатиб турарди.

Эшиклари умумий дахлизга қараган хоналардан бирида ёшгина бир қиз онаси билан турарди. Улар Индиана штатидаги Ивенсвилъ шаҳридан келишганди. Бу йирик темир йўл хазиначисининг оиласи эди. Хазиначининг қизи Чикагога музика бўйича олаётган таълимини такомиллаштириш учун келган, онаси эса қизим ёлғиз ўзи зерикиб қолмасин деган мақсадда қадам ранжида қилганди.

Керри улар билан кирди-чиқди қилмаса ҳам, кўпинча қиз келиб-кетаётганида олдидан чиқиб қоларди. Керри бир неча марта қизни мехмонхонада рояль олдида ўтирганини кўриб, қуйларини эшитганди. Қиз бинойидек кийинар, рояль ёнига ўтирганида оппоқ бармоқларидаги узуклари ялтираб кетарди.

Керри мусиқанинг асираси эди. Роялнинг клавишларини босганингизда арфанинг торлари дириллагани сингари бу ёшгина жувоннинг асаблари ҳам баъзи оҳанглари эшитганида дириллаб кетарди. Керри ғоят таъсирчан бўлганидан баъзи оҳанглари уни ғамгин ўйларга чўмдирар, кўнгли ўзи етиша олмаган кўп нарсаларни кўмсаб қоларди. Бу ўйлар эса, ҳозирча эришган нарсаларингни



қўлда махкам тут, деб уни мажбур этарди. Пианиночи киз битта мўъжазроқ асарни ниҳоятда таъсирли ва гўзал ижро этди. Керри уни квартирасининг очик эшигидан эшитиб турарди. Бу ҳол шони ғарибонда ҳаётда ўрнини топа олмаган бекорчи кишилар учун теварак-атроф маъюс қиёфа касб этган пайтда юз берганди. Киши шундай пайтларда ҳаёлан олис сафарни ихтиёр қилиб, ундан бўшашиб, бор қувончларидан айрилиб қайтиб келгандай бўлади. Керри дераза олдида кўчага тикилиб ўтирарди. Друэ эрталаб соат ўндаёқ кетиб қолганди. Керри ўзини овутаман деб олдинига бир айланиб келди, сўнгра Друэ ташлаб кетган романни ўқиганди, ундан айтарли маза чикмади. У вақтини ўтказиш учун кечки пайтга мос тушадиган кўйлагини кийиб олди-да, яна дераза ёнига ўтириб, паркни томоша қила бошлади. У хилма-хил ўйинкулгилар, дурустроқ яшашга ташна бўлган, лекин сиқилиброқ қолган кишилар янглиғ ҳозирда маъюс ва дилгир эди. Ўзининг янги аҳволини шу алфозда ўйлаб ўтирганида пастдаги меҳмонхонадан роялнинг овози янграб, унинг фикрларига янги жило бериб, чалкаштириб юборди. Керри шунда қисқа ҳаётининг энг яхши ва энг мунгли кунларини эслади. Бир лаҳза пушаймонда ҳам қолди.

Друэ кириб келганида Керри шундай кайфиятда ўтирарди. Друэ билан хонага бутунлай бошқача бўлган ҳаво оқими ҳам кириб келгандай бўлди. Қоронғи тушган бўлса ҳам, Керри чироқ ёқмаганди. Каминдаги олов ҳам ўчаёзганди.

— Қаердасан, Кэд? — Друэ уни ўзи тўқиган эркалатувчи исм билан чақирди.

— Бу ердан, — жавоб берди у.

Керрининг овози маъюс чиққан бўлса ҳам, Друэ буни пайқашга ноқобил эди. Унда аёл кишига одоб билан яқин бориб, юпатиш керак, деб турадиган сезгининг ўзи йўқ эди. У гугурт чизиб, газни ёқди.

— Йиғлаганга ўхшайсан-ку! — хитоб қилди Друэ.

Чиндан ҳам Керрининг кўзлари беихтиёр келган ёшлардан хали ҳам нам эди.

— Хали шундай дегин! — Друэ хайрон бўларди. — Йиғлаш керак эмас, Керри!

У менинг йўқлигим бечоранинг зерикиб, йиғлашига сабаб бўлган, деб ўзича тахмин қилганидан Керрини қўлтигидан олди.

— Бўлди, бўлди, Кэд! — дерди Друэ гапида давом

этиб. — Ҳаммаси яхши бўлади. Музикани эшитяпсанми? Кел, рақсага тушайлик!

Друэ ана шу дақиқада Керрига бундан ҳам ўринсизроқ нарсани таклиф қила олмасди-да. Керри Друэнинг сўзларидан ундан хайрихоҳлик кутиб бўлмаслигини фахмлади. У Друэнинг камчилиги нимадан иборат эканлигини, ўрталаридаги фарқ нимадалигини аниқлай олмас ҳам, ана шу камчилик ва тафовутни сезиб турарди. Негаки, Друэ биринчи йирик хатога йўл қўйганди.

Ёш музикачи кечқурунлари онаси билан олдиларидан ўтиб қолган пайтларда Друэ уни ҳадеб мактайверганидан Керри ўз қадрини биладиган аёлларнинг ўзларини қандай тутишларига разм солишга мажбур бўлди. У ойнага қараб, темир йўл хазиначисининг қизидек дам лабини сал чўччайтирар, дам бошини шўх силкиб қўярди. Юбкасини ҳам тортиб-тортиб қўядиган бўлди. Буни ёш музикачи киз ва бошқа аёллар бонлашларини ҳам Друэ унга айтган эди-да. Керри бўлса табиатан бир нарсани кўрса дарров илиб ола қоларди. Шу тариқа ўзига бино қўйиш касалига чалинган ҳар қандай чиройли хотин эртами-кечми, барибир илиб оладиган нарсаларни аста-секин ўргана борди. Қўйинг-чи, таманнолик бобидаги тасаввурлари бойиди ва кўриниши ҳам ўшанга яраша ўзгара борди. У диди анча ўсган аёл бўлиб қолди.

Бу нарсалар Друэнинг назаридан четда қолмади. У Керрининг сочидаги янги лентани ҳам, бир куни эрта-лаб гажаги бошқача бўлиб қолганини ҳам сизди.

— Сочингни янгидан турмаклаганинг сенга жуда кетибди-да, Кэд! — деб қўйди у.

— Ростданми? — Керри қувониб кетди.

Друэнинг сўзлари Керрини ўзидаги бошқа томонларни ҳам синовдан ўтказиб кўришга мажбур қилди.

Керри энди юрганда илгаригидай вазмин қадам ташла-масди, бу эса барибир хазиначининг қизидай чиройли юраман деб қилинаётган тақлид эди. Музикачи қўшнисининг таъсири қанчалик буюк бўлганлигини айтиш мушкул бўлса ҳам, Керри ундан кўп нарсани ўрганиб олди. Шунинг учун ҳам Герствуд дўстининг уйига биринчи марта келганида Друэ бир вақтлар поездда гапга солган Керридан тамоман бошқача бўлган ёшгина жувонни кўрганди-да. Унинг уст-бошида аввалги нуқсонларидан асар ҳам қолмаган, бу ҳол ўзини тутиши ва муомалаларида ҳам сезилиб турарди. Унинг ёшлигидан ўзига ишонмаслиги оқибати бўлган тортинчоқлиги ҳам ўзига жуда ярашиб

турар, бу уни янада кўркам ва гўзал кўрсатарди. Катта-катта кўзларида болаларча соддалик ифодаси ўйнар, куруқ савлат Герствудни асир этган нарса ҳам шу эди.

Умри хазон бўлиб бораётган ҳар бир жон ҳамма вақт гулдек яшнаган ёшга интилади! Герствуд тобора очилаётган, ҳали айнамаган ва ёш нарсаларнинг қадрига етиш қобилиятини йўқотмаганидан Керрини кўрганда буни яна бир чуқур ҳис қилди. У дилбар қизга тикилиб тураркан ундан ёшликнинг майин тўлқинлари келаётганини сезаётгандек бўларди. У оксуякларга хос шубҳа билан ҳар қанча тикилса ҳам, қизнинг кўзларидан муғамбирликнинг заррача бўлса ҳам нишонларини топа олмади. Мабодо у Керрининг ўзига сал бино қўйганлигини пайқаб қолган тақдирда ҳам ёқтирган ва бу қилиғи кўзига негадир ёқимли кўринган бўлур эди.

«Друэ буни қандай қилиб илинтирдийкин-а?» — деб ўйларди у экипажда уйига кетаркан.

Герствуд Керрига биринчи марта кўз ташлагандаёқ унинг Друэга қараганда нозиктаб эканлигини аён сезганди.

Экипаж икки томондаги бирин-кетин орқада қолаётган газ чироқлар орасидан борарди. Герствуд қўлқопли қўлларини тиззасига қўйиб ўтираркан, чароғон хона билан Керрининг чехраси сира кўз олдидан кетмасди. У бу ажиб жувоннинг чиройини ўйлагани ўйлаганди.

«Унга гул юбориш керак! — деб аҳд қилди у. — Друэнинг жаҳли чиқмайди».

У Керрини ёқтириб қолганини бир дақиқа ҳам ўздан яширмасди. Друэ уни олдинроқ илиб кетганини эса хаёлига ҳам келтирмасди. Ҳозирча калласида қандайдир ноаниқ ва дудмал хаёллар осмондаги учиб юрган мезон ипларидай чуваларди. Герствуд шундай бўлса ҳам эрта-ми-кечми ҳаммаси тиниқ тортиб, бир фикрга келишини тахмин қиларди. Бунинг оқибати нима бўлишини, у билмас, башорат ҳам қила олмасди, албатта.

Мамлакатни илгаригидай айланиб юрадиган Друэ ордан бир ҳафта ўтгандан кейин Омаха штатидан Чикагога қайтганида ўзининг илгариги танишларидан бири бўлган жуда таманно хотин билан учрашиб қолди. У дарҳол Огденскверга қайтиб, қайтишидан беҳабар Керрини бир суюнтирмоқчи бўлувди, бироқ бу учрашув олдинги аҳдини ўзгартиришга мажбур этди.

— Юринг, бир овқатланайлик, — у битта-яримта кўриб қолса-я, деб хавотир ҳам олмай танишига шундай деди.

— Жоним билан, — у ҳам рози бўла қолди.

Улар бирпас кўнгилнинг чигилини ёзиб, эски гаплардан гаплашиб ўтириш учун энг яхши ресторанлардан бирига киришди. Соат бешда учрашишган бўлса, етти яримгача ўтириб қолишди.

Друэ ёнидаги хонимга битта қизик нарсани гашириб бериб, овзининг таноби қочиб турганида бирдан Герствудга кўзи тушиб қолди. Ресторанга бир неча улфатлари билан кириб келган Герствуд ёш коммивояжерни Керридан бошқа хогин билан кўриб, ўзича тегингли хулоса чиқариб қўйганди.

«Ҳа, саёқ! — у ичида шундай деди-да, Керрига жуда ачиноб кетганидан қўшиб қўйди. — У шўрлик қизни беҳуда хафа қиляпти!»

Друэ Герствуд қараётганини сезди дегунча фикрлари бир-бирларини қувалашди кетди. Айтгандай, у Герствуд ўзини кўрмаганга олаётганини сезмагунча ҳеч қанақа хавотирга тушмаганди. Друэ шундан кейингина Герствуднинг ичида қандай ҳаёлларга бораётганини пайқади. Ўзи ҳам ҳозирги дамда Керрини ва учовлари биргаликда ўтказган оқшомни ўйларди. Ҳозирги нарсани энди бир амаллаб Герствудга тушунтиришга тўғри келади. Одам эски битта таниши билан тасодифан учрашиб қолиб, жиндай бирга бўлганига ҳам ота гўри қозихонами?

Друэ умрида биринчи марта жиддий ташвишда қолди. У ахлоқсизлик қилиб қўлга тушиб қолганидан бунинг кети нима билан тугагини билолмасди. Герствуд уни энди мазах қилиб, енгилтак экансан, дейди. Нима бўлгити, ўзи ҳам Герствуд билан биргаллашиб қикирлашди. Ҳозир олдида ўтирган таниши ҳеч нимадан хабардор бўлмагандай, Керри ҳам ҳеч нимани билмайди. Друэ ўзини тинчитишга ҳарчанд уринмасин, ноқулай аҳволдан ҳеч қутула олмасди. У гарчи ўзини мутлақо гуноҳкор сезмаса ҳам бу ерда нимадир ишқал бор эди.

Друэ ўтиришга шоша-пиша чек қўйди-да, танишини экинжазга ўтказиб, уйига равона бўлди.

«Бу янги нағмасини Друэ менга айтмовди-ку! — деди Герствуд ичида боши қотиб. — Керрини севаман десам, ишонади деб ўйлайди-да».

«Яқиндагина уни Керри билан таништирдим-ку. Шундай бўлгандан кейин мени бошқаларга илиқиб юрибди, деб ўйлашига ҳеч қандай асоси йўқ», — Друэ ҳам ўзича шуларни ўйлаб борарди.

— Мен сизни кўрувдим, — деди Герствуд орадан

бироз вақт ўтгач Друэ тун қўйнида жилва қилиб турган майхонага кириб келганида ҳазиллашиб. Чунки бу унга теккан касал эди.

Герствуд шундай деркан худди ўғли билан гаплашаётган отадай қўлини насихат қилаётгандай кўтариб турарди.

— О, у эски танишим билан вокзалдан келаётиб учрашиб қолувдим! — Друэ шоша-пиша тушунтира кетди. — Бир вақтлар ёмон эмасди.

— Ҳали ҳам ёқса керак-а? — деди Герствуд ўзини ҳазил қилаётгандай кўрсатишга интилиб.

— Йўғ-е, йўқ! — жавоб берди Друэ. — Шунчаки унга чап беришнинг иложи бўлмади-да.

— Чикагода анча бўласизми?

— Атиги ўн кун.

— Сиз албатта қизчангиз билан менинг меҳмоним бўлишингиз керак. Менимча, сиз уни димлаб қўйганга ўхшайсиз. Мен Жо Жефферсоннинг театридан ложа олиб қўяман.

— О, мен уни мутлақо димламоқчи эмасман! — жавоб берди коммивояжер. — Биз жон-жон деб келамиз.

Герствуд жуда хурсанд бўлиб қолди. У Друэнинг Керрига кўнгли борлигига бир дақиқа ҳам ишонгиси келмасди. Унинг коммивояжерга ҳаваси келарди. Бирок бу яхшилаб кийинган, қувноқ ва ўзига жуда ёқадиган йигитга қараганда кўзлари ҳасаддан ёниб кетарди. У Друэдан эркакларга хос бўлган жозиба ва ақл нуқтаи назаридан камчилик кидира бошлади. Бор нуқсонлари ҳам кўз олдига кела бошлади. У Друэни яхши йигит деб ҳар қанча ўйламасин, унга ўйнаш сифатида сал жирканиб қарарди. Уни лақиллатишдан осони йўқ, Герствуднинг бунга ишончи комил эди. Пайшанба куни кўрган нарсасини Керрининг кулоғига шивирлаб қўйса борми, ҳаммаси тамом-да! Герствуд бепарво гап сотиб ўтираркан фақат шуни ўйлар, Друэ бўлса шўх кулишларию, димоғи чоғлиғидан бўлак нарсани пайқамасди. Герствуддай одамнинг ичига киришга унга йўл бўлсин. Герствуд унга кирғий қараш қилиб турса ҳам, Друэ унинг таклифига жилмайиб рози бўлди.

Бу чалкаш комедиянинг қахрамони эса ҳозирги дамда улардан бирортасини ҳам хаёлига келтирмасди. У эсушини янгича шароит ва муҳитга мослаб йиғиштириб олаётганидан Друэ учун ҳам, Герствуд учун ҳам азоб чекиш тараддудида эмасди.

Друэ бир куни уйга кириб келганида Керри ойна олдида ўзига, оро берарди.

— Ах-а! — деди у тўсатдан кириб келиб. — Таманно бўлиб кетяпсан дейманов.

— Ҳечам-да, — жилмайиб жавоб берди Керри.

— Ҳар қалай, офатижонсан-да, — Друэ унинг белига қўл ташлаб гапида давом этди: — Кўк кўйлагингни кий, театрга борамиз!

— Вой, аттанг-а! — деб юборди Керри. — Миссис Гейлга кўргазмага борамиз деб ваъда бериб қўювдим-ку.

У худди узр сўраётгандай гаширарди.

— Шундай дегин, — Друэ гўё ниманидир ўйлаётгандай паришонхотирлик билан шундай деб қўйди. — Шахсан мени кўргазма қизиқтирмайди.

— Нима қиларимни ҳам очиги билмай колдим, — Керри бўшашиб шундай деб қўя колди. У Друэга ёқаман деб, берган ваъдасидан қайтгиси келмасди.

Шу лаҳзада эшик тақиллаб қолди. Ичкарига кириб оқсоч Друэга елимланган конверт узатди.

— Хатни келтирган одам жавобини олиб кетармиш, — деди оқсоч.

— Герствуддан! — деб юборди Друэ ошнасининг қўлини таниб.

У конвертни очиб, ўқишга тушди.

«Сизлар мен билан албатта театрга боришларингиз керак, — дейилганди хатда. — Бугун Жо Жефферсон ўйнайди. Келишганимиздай бу сафар мен таклиф қиляман. Раддияни қабул қилмайман».

— Бунга нима дейсан? — Друэ тўғри маънода сўради.

Керри сал бўлмаса хўп деб юборай деб турарди.

— Бунга яхшиси ўзинг ҳал қил, Чарли! — Керри хар қалай ўзини қўлга олиб шундай деб қўйди.

— Агар миссис Гейлнинг таклифини йўққа чиқара олсанг, менимча, борганимиз маъқул, — деди Друэ.

— О, бунга эпласа бўлади! — Керри ўйлаб-нетиб ўтирмай дадил жавоб берди.

Друэ жавоб ёзгани қоғоз олди. Керри эса ўша заҳотиёқ кийингани кириб кетди. Герствуднинг таклифини нима сабабдан афзал кўрганини унинг ўзи ҳам тушуна олмасди.

— Сочимни кечагидай турмакласам бўлармикин? — деди Керри хонага қайтиб кириб. Унинг қўлида пардозандозда керак бўладиган қандайдир нарсалар кўринарди.

— Албатта! — жавоб берди Друэ.

Керри унинг жаҳли чиқмаётганини билиб енгил нафас олди. У hozир Герствуд ёққани учун таклифига рози бўлдим, деган фикрдан мутлако йироқ эди. Ўша куни унга қилинган таклифлар орасида оқшомни Герствуд ва Друэ билан биргаликда ўтказиш хусусидаги бу таклиф энг ёқимлироғи эди, холос.

У кийиниб, сочини ҳафсала билан тартибга келтирди. Шундан сўнг улар миссис Гейлдан узр сўраб, кўчага чиқишди.

— Ёпирай! — деб юборди Герствуд Керри билан Друэни театрнинг вестибюлида кўриб. — Бугун жуда зўрмиз-ку!

Керри унинг ўзига хавас билан қараб турганини сезиб титраб кетди.

— Юринглар, — Герствуд шундай дея йўл бошлаб олдинроқ юрди.

Театр башанг кийинганларга лик тўла эди. Кўпчилик энг сўнгги мода бўйича кийинганди.

— Сиз ҳеч Жефферсонни кўрганмисиз? — деб сўради Герствуд ложада жойлашиб олганларидан кейин Керри томонга сал энгашиб.

— Йўк, ҳеч қачон, — жавоб берди у.

— О, унга етадигани йўк, етадигани йўк!

Герствуд шундан кейин ўзининг доирасидаги одамларнинг сийқаси чиққан гапларини қайта-қайта тилга олиб, актёрни мақташга тушди. Герствуд Друэни программа олиб келишга юбориб, Керрига яна Жефферсондан гап очиб, оғзини кўпиртира бошлади. Ёш коммивояжер бўлса теварак-атрофидаги шароитдан, ложанинг ажойиблигидан, дўстининг башанг кўринишидан ниҳоятда хурсанд бўлиб, оғзи нақ очилиб қолаёзганди. Керри эса ўша лаҳзада Герствуд билан беихтиёр кўз уриштириб ўтираркан, унинг кўзларида олам-олам туйғуларни кўрар, шу чоккача ҳеч ким унга сира ҳам шундай қарамаганди. Керри ўша дақиқада бунинг нималигига тушуниб ҳам етолмасди, чунки кейинги лаҳзада қараганида Герствуднинг кўзларида лоқайдликка ўхшаган ифодани, ҳаракатларида эса илтифот ва мулоимликни кўрарди.

Друэ ҳам гуруннга араллашиб турса-да, Герствудга қараганда анча калтабин эди. Майхона бошқарувчиси уни ҳам, Керрини ҳам зериктирмай ўтирганидан қиз Герствудга Друэ етолмаслигини аён тушуниб турарди. Керри Герствуд ўзини содда тутаётган бўлса ҳам, Друэдан

ақллироқ эканлигини сезарди. У учинчи парданинг охирида Друэнинг фақат ёмон йигит эмаслигини, бошқа масалаларга келганда унга кўп нарса етишмаслигини узил-кесил билди. Друэ ҳар дақиқа сайин бу қалтис муқоясга дош беролмай, Керрининг назаридан қолиб борарди.

— Мен жуда маза қилдим, — деди Керри спектакль тугагандан кейин.

— Мен ҳам, — деди Керрининг қалбида рўй берган жангда ўзининг позициялари анча шикастланганидан бе-хабар бўлган Друэ. У ҳозирги дамда тахтида ўзидан ва қудратидан маст бўлиб ўтирган, бироқ бу найтда душманлари энг яхши ерларини тортиб олаётганидан бе-хабар бўлган қадимги хитой императорига ўхшарди.

— Сизлар эса мени зерикарли оқшомдан қутқардинглар, — деб жавоб берди Герствуд уларга. — Тунингиз хайрли ўтсин!

У Керрининг латиф қўлидан тутганди, икковларига ҳам электр токи ўтгандай бўлди.

— Жуда чарчадим-а, — Керри шундай дея ўриндикнинг суянчигига ўзини ташлади. Нега деганда, Друэ конканинг вагонига гап бошламоқчи бўлиб турган эди-да.

— Ундай бўлса сен дам олиб ўтир, мен чиқиб чекиб келай.

Друэ қўйни бўрига топшириб, вагон майдончаси томон юрди.

ХИ Б О Б

ДАНФИЛЛАМА УЙЛАРНИНГ ЁРУФ ЧИРОҚЛАРИ. ЧАЛФИТУВЧИНИНГ ИЛТИЖОСИ

Эрининг ўзига яхши маълум бўлган қиликлари гарчи хушёрроқ бўлишга мажбур этса ҳам, миссис Герствуднинг эридан кўнгли тўқ эди. Мабодо бу хотин тутақиб кетгудай бўлса борми, нималар қилиши мумкинлигини олдиндан айтиш мушкул эди. Бундай ёки бошқача шароитда хотинининг не қўйларга тушишини мистер Герствуд ҳам башорат қилолмасди. Нега деганда, хотинининг тутаққанини ҳеч кўрмаганди-да. Миссис Герствуд ловиллаб кетаверадиган хотинлар тоифасидан эмасди. У аввало одамларга кам ишонар ва ҳамма ҳам бегуноҳ эмаслигини жуда яхши биларди. Ундан кейин

миссис Герствуд режа билан иш кўрадиган хотин бўлганидан бўлар-бўлмасга ғалва қилиб, ўзини бўлган воқеани ипидан-игнасиғача билиб олиш имкониятидан маҳрум қилиб ўтирмасди. Дарғазаблиги юзага чиқишига ҳеч қачон йўл қўймасди. Бир нарсанинг ҳидини сезгудай бўлса, у пайт пойлаб, чуқур ўйлар, ўчга ташналигини кондирадиган даражада шай бўлиб олмагунча ҳаммасини ипга тизгандек бирма-бир ўрганиб чиқарди. У айна пайтда дилозорга оғирми, енгилми — барибир, ишқилиб, шикаст етказиш, бунда зарб қаёқдан тушганлигини ўша одам билмай қоладиган фурсат етгудай бўлса имиллаб ўтирмаган бўларди.

Қисқасини айтганда, миссис Герствуд совуқ ва ўзига бино қўйган хотин бўлиб, хаёлида амалга ошмаган фикрлари сероб, уларни ҳатто кўз қири билан ҳам билдирмасди.

Герствуд гарчи тахминларини ҳеч нарса тасдиқламаган бўлса ҳам, хотинида гап кўплигини сезиб юрарди. Улар тинч-тотув яшашар, Герствуд кунлари тинч ўтаётганидан ҳаттоки пича хурсанд ҳам эди. Хотинидан сира ҳам хавфсирайдиган жойи йўқ, бунинг учун ҳеч қандай асос ҳам кўринмасди. Миссис Герствуд бўлса эри билан сал кеккайиб юрар, қолаверса, кўнглида кўпчилик орасида буларнинг оиласи мустаҳкам деган фикр илгаригидай юришини истарди. Шундай бўлса ҳам, эрининг мулкидан анчагина қисмини ўз номига ўтказдириб олганидан ичида суюниб юрарди. У эри оиласига ҳозиргидан ҳам кўп парвона бўлган пайтда ана шу эҳтиёт чорасини кўриб қўйганди. Бўлмаса унинг бу уйда бир кунмас-бир кун хунук ўзгариш бўлишига заррача ҳам гумони йўқ эди. Шундай бўлса ҳам воқеаларнинг гоҳо олдинроқ юрадиган шамоли эрининг мулки асосан қўлига ўтиб қолганидан хурсанд бўлишга мажбур этарди. Миссис Герствуд шу ваддан ҳеч нарсадан тап тортмай, гоҳо ҳаддидан ошар, Герствуд бўлса ўзини эҳтиёт қилар, нега деганда, хотинининг жигига теккудай бўлса нималар қилиши мумкинлигини билмасди-да.

Мана ўша окшом Герствуд, Керри ва Друэ Мак-Викернинг театрида ложада ўтирганларида Герствуднинг ўғли ҳам партернинг олтинчи қаторида Чикагодаги йирик газлама фирмасининг эгасига шерик бўлган мистер Кармайклнинг қизи билан ўтирган экан. Герствуд ўғли борлигини пайкамади, нега деганда, одатича ложанинг ичка-

рироғида ўтирарди. Уни сал олдинроққа энгашган пайтидагина, ўшанда ҳам фақат олти қаторли партернинг олдинроғидан кўрса бўларди. У келганимни иложи борича биров кўрмай қўя қолсин деб театрда шундай ўтирди, чунки унинг бундан бошқа чораси ҳам йўқ эди-да.

Эрталаб нонушта қилиб ўтирганларида кичкина Герствуд отасига:

— Мен кеча кечкурун сени театрда кўрдим, — деб қолди.

— Э, кеча Мак-Викернинг театрида бўлувдингми? — деди Герствуд ўзини жуда ҳам бепарво кўрсатиб.

— Ҳа, — жавоб берди Жорж.

— Ким билан борувдинг?

— Миссис Кармайкл билан.

Миссис Герствуд эрига синовчан нигоҳ ташлади-ю, лекин ҳеч нимани сеза олмади. Герствуд театрга тасодифан шундай кириб ўтган бўлиши ҳам мумкин эди-да.

— Пьеса қалай? — сўради у.

— Ажойиб, — жавоб берди Герствуд, — фақат эскиб қолган-да.

— Ким билан борувдинг? — деди хотини ўзини атайлаб бепарво кўрсатиб.

— Чарльз Друэ ва унинг хотини билан. Улар мистер Мойнинг дўстлари, йўл-йўлакай Чикагога киришган экан.

Герствуднинг иши бошқача бўлганлиги учун бундай баҳона хотинида ҳеч қанақа шубҳа уйғотмасди. Миссис Герствуд эрининг иш юзасидан кўпчилик орасига усиз боришига ҳам кўникканди. Бироқ эри кейинги вақтларда у ёқ бу ёққа борамиз деганида, бир неча марта иши борлигини рўқач қилиб қолди. Кеча эрталаб ҳам худди шундай ҳодиса бўлганди.

— Адашмасам, менга ишим бор девдинг шекилли, — деб қўйди хотини сўзларни эҳтиёткорлик билан териб.

— Ҳа, ишим бор эди! — хитоб қилди эри. — Бироқ иложини қила олмай бордим, кейин эса соат иккигача қолиб ишладим.

Герствуднинг бу тушунтиришидан кейин ҳар қандай суриштиришлар тўхтаган бўлса ҳам, бу гапдан икковларининг ҳам кўнглида ёқимсиз доғ қолди. Миссис Герствуднинг эри олдига бирорта талаб қўйиши учун бундан ҳам ноқулайроқ вақт топиш мушкул эди. Мана бир неча йилдирки эри ундан аста-секин совиб келади, бирга қолди дегунча юраги сиқилади. Энди уфқда янги юлдуз пайдо бўлувди, эскиси хира тортди қолди. Герствуднинг

Ўтмишга назар ташлашга тоқати йўқ, ундан сал гап очилса ҳам эзилаверади.

Миссис Герствуд бўлса эрига ён беришни хаёлига ҳам келтирмас ва гарчи бу аллақачон қадрини йўқотган бўлса ҳам, никоҳ шартномасини муқаддас билишини талаб қиларди.

— Биз кечкурун меҳмондорчиликка бормоқчимиз, — деб қўйди миссис Герствуд бир неча кундан кейин. — Сен ҳам биз билан Кислиларникига бориб, эр-хотин Филипслар билан танишсанг дедим. Улар «Тремонт» меҳмонхонасига тушишибди. Биз уларни айлантириб, шаҳарни томоша қилдирмоқчи бўлувдик.

Герствуд яқиндагина рўй берган театр воқеасидан кейин бу Филипслар шухратталаб ва нодон одамлар сингари ёқимсиз эканликларига қарамай, йўқ дея олмади. Ўлганининг кунидан рози бўлганидан уйдан чиқиб кетаётганида тишини тишига аранг қўйиб турарди.

«Бунга барҳам бериш керак, — деб ахд қилди у. — Ишим турганда меҳмонма-меҳмон юришга кўзим учаётгани йўқ!»

Миссис Герствуд шу гапдан кейин орадан кўп ўтмай янги таклифни олдинга сурди. Бу сафар театрда бўладиган қандайдир эрталабки спектакль ҳақида гап бўлди.

— Азизам, — деб жавоб берди эри, — менинг бўш вақтим йўқ, мен жуда бандман.

— Шунда ҳам бошқалар билан театрма-театр юришга вақт тошяпсан-ку! — деди хотини зардаси қайнаб.

— Бекор айтибсан! — Герствуднинг жаҳли чиқиб кетди. — Мен иш юзасидан одамлар билан учрашиб туришим керак, бошқасини билмайман.

— Жуда соз! — миссис Герствуд вишиллаб, лабларини чирт юмди.

Эр-хотиннинг бир-биридан норозилиги тобора кучайиб борарди.

Герствуднинг бир томондан Друэнинг уйида танишган кўхликкина фабрика ишчисига қизиқиши ҳам тахминан шунга барабар равишда кучайиб борарди. Керри эса янгича турмушнинг оройишини олиб, янги орттирган дугонасининг таъсирида жуда ўзгариб кетганди. У баъзи одамларга ўхшаб елкасига офтоб тегадиган жойга тезда мослашиб кетаверадиганлардан эди. Дориломон ҳаётнинг жимжималари унга ўз таъсирини ўтказмай қўймади. Анча билимли бўлдим деб мақтана олмаса ҳам, кўнглида ҳар нарсага ҳавас уйғонди. Миссис Гейлнинг бойлик ва жа-

миятдаги мавқе бобидаги сафсаталари одамларнинг бой-камбағаллигини ажратишга ўргатди.

Миссис Гейль хаво яхши бўлган кунларда аравага тушиб, теварагида ажойиб ўтлоқлари бўлган, кўринишдан гўзал ва ажойиб уйларни томоша қилишни яхши кўрарди. Бундай данғиллама уйларда туришга унинг дасти қисқалик қиларди-да. Ўша пайтларда Шимол тарафда талай бежирим уйлар пайдо бўлганди, ҳозир эса у ер Шимол соҳил бўйи деб аталади. Эндиликда Мичиган кўлини ўраб турган тош ва сунъий гранитдан қилинган девор у пайтда ўрни-тагида йўқ бўлса ҳам, яхшигина йўл тушган, икки томонидаги бир текисда ўстирилган майсазорлар кўзни қувонтирар, иморатларнинг бари янги ва кўркем эди. Қиш ўтиб, сўлим навбахор палласи бошланган кунлардан бирида миссис Гейль экипаж олиб, Керрини ҳам бирга айланиб келишга таклиф қилди. Улар Линкольн-паркдан ўтганларидан кейин Ивенстонга қараб кетишди, соат тўрт бўлганда орқага қайтиб, бешларга яқин Шимолий соҳил бўйига келишди. Йилнинг бу пайтида кунлар анча қисқа бўлганидан кечки соялар қуюклашиб, улкан шаҳарни ўз оғушига олганди. Чироклар энди милт-милт қилиб кўзга сувдай тиник кўринадди. Хавонинг ёқимли эканлигини бутун вужудингиз сезади. Керри ҳам ажиб баҳор оқшомидан ҳузур қиларди. Бу сархуш этувчи хаво унинг қалбида олам-олам орзулар уйғотди... Керри билан миссис Гейль текис тош йўлдан кетишаркан, дам-бадам рўпараларидан келаётган экипажларни кўришарди. Ўшалардан бири тўхтаганди, малай лип этиб пастга тушди-да, чамаси кечки сайрдан келаётган жентльменга экипажнинг эшигини очди. Эндигина кўклаб келаётган кенг ўтлоқларнинг нарёғидаги чироклар чарақлаб, хоналардаги ажойиб жихозларни ёритди. Кўзга гоҳо чиройли курси ёки стол, ёинки хонанинг шинамгина бурчаги кўриниб қолар, Керри шунда бундай гўзалликка қизиқиб ва хавасланиб тикиларди. Болалигида тушларига кириб чиқадиган афсонавий саройлар ва қасрлар қатор тизилишиб кўз олдидан бирма-бир ўтаётгандек бўларди. У кўча эшиклари дабдабали ва ўйма нақшлар билан безатилган, қошлама ойналари қиррали, думалоқ ва жилосиз бўлган чироклар эшикларининг рангбаранг ва жимжимали ойналарини ёритиб турган уйларда истиқомат қиладиган кишилар ғам-ташвиш нималагини билмасалар керак ва кўнгилларидаги ҳамма орзуларига етишсалар керак, деб ишонишга ҳам тайёр эди.

Ҳа, бу уйларда бахт ҳокимлиги шак-шубҳасиз! Мабодо Керри ана шу кенг хиёбондан юриб бориб, кўзига гўзал кўринган ана шу уйнинг зинасидан кўтарилиб, кўркам ва баланд, ҳукм ва қудрати зўр бўлган хонадонга қадам қўйса борми, бутун дилгирлиги тарқаб кетар, юракдаги аламининг ҳам зумда қораси ўчарди!.. Керри кўнглидаги бир олам орзулар билан теварак-атрофига ҳавас билан тикиларкан, юраги орзиқар, қандайдир чалғитувчи овоз унга нималарнидир тинимсиз шивирлагани шивирлаганди.

— Қани энди шундай уйинг бўлса! — деб қўйди миссис Гейль. — Қандай бахт-а.

— Дунёда бахтиёр одамлар йўқ дейишади-ку, — Керри ҳам овозини чиқариб қўйди.

У тулкининг ёр узум бобидаги риёкорлик билан айтилган гапларини кўн эшитганди.

— Шундай бўлса ҳам дабдабали уйларда яшаётганлар фарибликларига қўниқиб юрганликларини сезяпман! — деди миссис Гейль истехзоли қилиб.

Керри уйига қайтиши билан квартирасининг анча фариблиги дарҳол кўзига ташланди. Бу ёшгина жувон ҳозирги бошпанаси — мебеллари бўлган одмигина уйдаги учтагина хонадан иборатлигини пайқаб олмоқ учун етарли даражада сезгир эди. У квартирасини илгариги жойига эмас, миссис Гейль билан сохил бўйида кўрган уйларига солиштириб кўрарди. Кўркам иморатлар хали ҳам унинг кўз олдидан кетмас, визиллаб кетаётган экипажларнинг овозлари қулоқларида жаранглаб турарди. «Сирасини айтганда, Друэ ким ўзи?» — Керри тебратма стулда дераза олдидан чироқлардан чароғон бўлган паркка қараб ўтираркан шундай деб ўйларди. Паркнинг нарёбидан эса Уоррен билан Эшленд-стритнинг чироқлари милтираб кўринарди. Азбаройи хаяжонланиб кетганидан овқат егулик ҳоли ҳам йўқ эди. Ўйчан холда стулида чайқалиб, ниманидир финғиллаб ўтирарди. Эсидан чиқиб кетганига анча бўлган оҳанглар хаёлига келар, бироқ булардан юраги баттар эзиларди. Уни зерикиш, алам ва ғам-ғусса емирарди. Кўнгли Колумбия-ситидаги эски уйчасини қўмсар, гоҳ сохил бўйидаги иморатларни, гоҳ бирорта хоним устида кўрган ажойиб қўйлакни, гоҳ кундузи қаердадир кўрган чиройли жойни қўмсаб қоларди. У ҳозирги дамда бениҳоя ғамгин, бунинг устига кўнглида бирталай ният ва орзулари ҳам йўқ эмасди. Ўзига ўзи қариб ва ёлғиз туюлиб кетди. Шунда лаблари қалтириб,

ўзини аранг босиб турарди. Дақиқалар шу зайлда бир-бирини қувиб ўтар, Керри бўлса ним қоронғида дераза олдида қимирламай ўтирар ва, очигини айтганда, хозирги пайтда ўзи орзу қилганидек бахтли эканини ҳам сезмаган ҳолда секингина хиргойи қиларди.

Керри ўзига ёпирилган ғам-аламлар чангалидан қутула олмай ўтирганида оқсоч кириб, пастдаги меҳмонхонада мистер Герствуд кутаётганлиги ва жаноби Друэ билан Друэ хонимни кўриш мумкинми, деб сўраётганлигини айтди. «Чамаси у Чарлининг шаҳарда йўқлигини билмас керак-да», — деб ўйлади Керри.

Керри қишда майхона бошқарувчисини жуда кам кўрса ҳам гоҳ у, гоҳ бу нарса уни эслатиб турар, энг муҳими Герствуд биринчи учрашувдаёқ Керрида кучли таассурот қолдирганди. Керри унинг келганини эшитганидан кейин кийимидан хижолат бўлиб, ойнага қаради-ю, ўша заҳоти уст-бошидан кўнгли тўлиб, меҳмоннинг олдига тушди.

Герствуд ҳар маҳалгидай жозибали эди. У шошапиша Друэ йўқлигидан беҳабарлигини айтди. Шундай бўлса бу хусусдаги гапни чўзиб ўтиришни истамай, уни дарҳол Керрига қизиқарли бўлган умумий нарсаларга буриб юборди. У шеригини ҳеч зериктирмайдиган шинаванда ҳамсуҳбатлардан бўлганидан ўзини кўпни кўрган одамдай тутар, бунинг устига бошқалар ўзига ҳавасланиб қарашларини ҳам биларди. Керри гапларини жон қулоғи билан тинглаётганига ва эътиборини ўзига қаратиб олганига бир сония ҳам шубҳа қилмасди. У Керрига яқинроқ сурилиб олиб, суҳбатга ниҳоятда сирли тус бермоқ учун овозини аста пасайтирарди. Нуқул ўзи кўрган-кечирган нарсалар ва кимлар билан тўқнашганлари ҳақида гапирарди. Фалон-фалон жойларда бўлганман, уни кўрганман, буни кўрганман дерди. У шундай қилиб, Керрини ҳозир таърифлаган жойларини кўришга қизиқтириб қўйди ва айни пайтда бир лаҳза бўлса ҳам ўзини унинг хаёлидан нари кетишига йўл қўймади.

Керри унинг жозибаси кучини тинимсиз равишда сезиб турарди. Герствуд гоҳо қандайдир бирор сўзни таъкидлаш учун унга жилмайиб қараб, разм солиб чиқарди. Ундаги ҳамма нарса Керрига маъқул эди. Герствуд бундан ташқари, бирор нарсани гапириб турганида чуқурроқ ишонтириш умидида унинг қўлига тегиб кетар, Керри бўлса кулибгина қўя қоларди. Бундан Герствуд ўз

атрофида Керрининг бутун вужуди эриб кетаётган бир мухит яратганга ўхшарди. У бутун суҳбат асносида бирор маънилироқ нарса айтмаган бўлса ҳам, Керри унинг шарофати билан гўё ақллироқ бўлиб қолгандай эди. Герствуднинг ҳаракати билан хурсандлигига хурсандлик қўшилиб, жуда очилиб-сочилиб кетди. Герствуднинг олдиди жуда очилиб кетаётганини ўзи ҳам сезиб турарди, нега деганда, қулоғи суҳбатдошининг мақтовларидан деярли бўшамасди. Шунда ҳам Герствуд ўзини сира ҳам ҳомий сингари тутиб гапирмас, Друэнинг гапларидан эса бу нарса доимо билиниб турарди.

Герствуд билан Керри Друэ боридами ё йўғидами учрашиб қолгудай бўлсалар, уларнинг муносабатларида сирли нарсалар ва пинҳона туйғулар сероблиги сезилиб турганидан Керри буларни ўйлаганда юраги орқасига тортиб кетарди. Керри табиатан сўзамол эмасди. У дилидаги гапларини силлиққина қилиб баён этолмасди. Унинг доимо кучли ва чуқур сезгиси гапларини босиб кетарди. Друэ билан ораларида унинг эсида қоладиган бирорта ҳам гап бўлмаган, бир-бирлари билан баҳам кўришган таассуротлари ва қарашларига келганда эса қайси аёл уларни деб ўзини қойиб юради? Унинг Друэга муносабатида маънавий яқинликка ўхшаш нарсадан асар ҳам йўқ, тўғриси айтганда, ҳеч қачон бўлиши ҳам мумкин эмасди. Керри Друэ билан учрашган пайтида умидсизлик чангалида бўлганидан мухтожликдан қутулганига суюниб кетиб, йўлида учраган халоскорига ён берганди. Мана энди эса Друэ хатто фаҳмига ҳам бормайдиган пинҳоний туйғулар гирдобидида қолди. Герствуднинг ҳар бир қарашидида ўйнашнинг эҳтиросли сўзларидагидан кам бўлмаган, эҳтимол ундан ортиқроқ бўлган куч мавжуд эди. Бу қарашлар оний жавоб талаб қилмас, уларга жавоб қилишнинг ҳам имкони йўқ эди.

Одамлар умуман сўзларнинг маъносига катта аҳамият берадилар. Уларга сўзлар бир балони бошлаб келадигандай туюлаверади. Амалда эса сўзлар салгина ишонтира оладиган кучга эгадир, холос. Улар қалбимизда пинҳон бўлган чуқур, жўшқин сезги ва истакларни номигагина ифодалай олади. Юрак садоси ҳам тил халал бермай қўйганда эшитилади.

Керри ҳам Герствуд билан гурунглашиб ўтирганида унинг сўзларига эмас, улар замиридаги нарсаларга қулоқ солди. Герствуднинг ташки кўриниши ҳам мақтовини ошириб турарди! Ижтимоий мавқеи ҳам баҳо-

сига баҳо кўшарди! Унинг Керрига бўлган ва ҳар дақиқа сайин ортиб бораётган ишқибозлиги қизнинг кўнглини бамисоли юмшоқ кўлдай босиб турарди. Бу ишқибозлик пинҳоний, шунинг учун ҳам Керрини ваҳимага солмасди; у сезилмайдиган даражада бўлгани учун ҳам Керри одамлар нима дейишаркин, ўша гапларни ҳам ўзимга ўзим айтаман-ку, деб ваҳимага тушмасди. Керрига кимнингдир ўзига нисбатан бўлган ҳуқуқини инкор этиб, янгисининг ҳуқуқини эътироф эт, деб ялинишар, ўтинишар, даъват қилишарди гўё. Бироқ бу хусусда бир оғиз ҳам сўз бўлмади. Ҳозирда аша шу икки киши ўртасида бўлган суҳбат бамисоли сахнада ўйналаётган бирорта драматик эпизодга оҳиста жўр бўлиб турган куйга ўхшарди.

— Сиз ҳеч кўлнинг Шимол томони бўйлаб кетган иморатларни кўрганмисиз? — деб сўради Герствуд гўё бу гап хаёлига беҳосдан келиб қолгандай.

— Мен бугун миссис Гейль билан худди ўша жойда бўлдим! Ўша иморатлар жуда кўркам экан!

— Ҳа, жуда ҳам, — Герствуд унинг гапини тасдиқлади.

— Қани энди ўшандай уйда турсам! — деб кўйди Керри ўйчан ҳолда.

— Омадингиз келмаган-да, — Герствуд бир оз жим тургандан кейин овозини чиқариб кўйди.

У аста бошини кўтариб, унинг юзига тик қаради. Герствуд қиз қалбининг мунгли торини чертиб қўйганлигини аён сезиб турарди. Энди эса ўзи ҳақида сўз айтиб қолишнинг хонаси келганди. У Керри томонга сал эгилиб, ҳозирги дақиқанинг нозиклигини жуда яхши ҳисобга олган ҳолда унинг кўзларига бемалол тикилаверди.

Керри Герствуднинг ўзига ўтаётган сеҳрини устидан тушириб юбормоқчи бўлгандай, бир қимирлаб қўйган бўлса ҳам ҳаракати беҳуда кетди. У эркаклик иродасининг бутун кучини нигоҳига тўплаган, иродасини кўрсатадиган фурсат энди етганлигини тушуниб турарди. Рўпарасидаги ёшгина жувондан кўзини узмай тураркан, вазият тобора ноқулайлашиб, оғирлашиб борарди. Фабриканинг дилбар ишчиси гўё борган сари сувга ботаётгандек бўларди. Унинг қўл остидаги таянчлари бирин-кетин чиқиб кетаётган эди.

— Сиз менга бундай қарамаслигингиз керак, — деди Керри пировардида.

— Бундан бошқа иложим йўқ, — жавоб берди Герствуд.

Керри, қани, бу ёғини кўрайлик-чи, деб жим қолганди, бу Герствуднинг дадиллигига дадиллик кўшди.

— Турмушингиздан кўнглингиз тўлмаяпти, тўғрими? — деди у гапида давом этиб.

— Ха, — Керри секингина жавоб берди.

Герствуд вазиятнинг жиловни кўлига ўтганлигини тушуниб, тўғрироғи, сезиб олганидан ёш жувон томонга анча эгилиб, кўлини унинг кўлига теккизди.

— Кўйинг! — деб юборди Керри ўрнидан сапчиб тураркан.

— Кечирасиз, бу беҳосдан бўлди, — Герствуд бамай-лихотир жавоб берди.

Керрининг қочиб кетиши мумкин бўлса ҳам, бундай ишни қилмади. У суҳбатни ҳам бўлмади, шунинг учун ҳам Герствуд дарҳол унга қандайдир бир қизиқ нарсадан гап очди. Бироқ орадан кўп ўтмай, у кетмоқчи бўлиб кўзғалди. Керри ўзининг мағлуб бўлганлигини сезди.

— Сиз хафа бўлиб юрманг, — деди Герствуд мулоҳимлик билан. — Вақти келиб ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

Керри нима жавоб қилишни билмаганидан, индамай кўя қолди.

— Биз сиз билан яхши дўстмиз-а, шундайми? — деди Герствуд хайрашгани қўл узатаркан.

— Ха, — жавоб берди Керри.

— Шунақа бўлса яна сизни кўргунимча бундан оғиз очмайсиз.

У Керрининг кўлини кўп тутиб турмади.

— Мен ваъда қилолмайман, — Керрининг овозидан гумонсираётгани сезилиб турарди.

— Дўстларга раҳмдилроқ бўлиши ҳам керак-да, — Герствуд ундан ўпқалангандай бўлувди, Керри эриб кетди.

— Келинг, энди бу тўғрида бошқа гаплашмайлик, — деди Керри.

— Қойил! — Герствуднинг чехраси ёришиб кетди.

У зинадан пастга тушиб, экипажига ўтирди. Керри эшикни қулфлаб, ўзининг хонасига кўтарилди. Сўнгра ойна олдига бориб, кенг тўр ёқасини ечди, яқинда сотиб олган тимсоҳ тери камарини ҳам белидан бўшатди.

— Мен жуда ярамас бўлиб кетяпман! — деди ўзидан

ўзи уялиб қаттиқ изтиробда қолганидан. — Нимаики қилсам ҳам барибир яхши бўлмаяпти.

У сочини тушириб юборганди, елкасини қоп-қора тўлқин босгандай бўлди. Хаёлида эса ҳозиргина рўй берган нарсалар ғужғон ўйнарди.

— Энди нима қиларимни ҳам билмай қолдим! — деб кўйди у ниҳоят аранг эшитиладиган қилиб.

Бу пайтда эса экипажда илдам кетаётган Герствуд ичида шундай дерди:

«У мени севади. Мен унга ишонаман!»

Майхона хизматчиси шундан кейин бора боргунча ўн беш йилдан бери эсига келмаган қадимий кўшиқни секин хуштак қилиб чалиб кетди.

ХШ 606

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ҚАБУЛ БЎЛДИ. ТУЙҒУЛАР ТЎЛҚИНИ

Герствуд Керри билан учрашганига икки кун бўлма-сиданок яна Огден-скверда пайдо бўлди. Ўтган кунлар ичида Керри унинг сира ҳам хаёлидан кетмади. Унинг мурувватли муомала қилгани Герствуднинг умидларини тобора алангалатар, Керрини албатта қўлга олишлигини ва бунга яқин қолганлигини сезиб турарди. Герствуднинг Керрига бўлган ҳавасини ишқ деб бўлмас, лекин майли, фақат унга етишиш истагидангина иборат бўлмай ниятлари жуда катта эди. Унинг жуда кўп йиллардан бери тақир ва унумсиз заминда сиқилиб келаётган сезгиларининг гули энди яшнаб очилаётгандек эди. Керри шу чокқача Герствуднинг хаёлини қочирган аёллар орасида энг яхшиси эканлиги ҳам эҳтимолдан холи эмасди. Герствуд охири уйланиш билан тугаган ишқдан кейин бировни чинакам севиб кўрмаганидан, илгари хомлик қилиб ишқ деб юрган нарсалари бутунлай нотўғри эканлигини тушуниб олганди. У бу ҳақда ҳар сафар бош қотирганида ўзига ўзи ҳаётни қайтадан бошлаш мумкин бўлганида, ўлсам ҳам хотинимдай аёлга уйланмасдим, дегани деганди. Шу билан бирга бошидан кўп нарсани ўтказганидан гўзал жинс вакилларини умуман ҳурмат қилиш масаласида ҳам ўйланиб қоларди. Аёлларга жуда шубҳа билан қарар, бунинг учун унда етарли асос бор эди. То Керрини кўргунча унга дуч келган аёлларнинг бари бир-

биридан қолишмас, бир-биридан баттар худбин, нодон ва пуч қалбли одамлар эдилар. Дўстларининг хотинлари ҳам табиатан одамни тортадиган нарсалардан махрум, ўзининг хотини эса шу пайтгача кўнглини қувната олмаган совуқ ва хашаки аёл эди. Жамиятдаги маишат-парастлар туни билан айш қиладиган (ўзи улардан кўпини танирди) ишратхоналар хақида ҳар хил гаплар эшитиб турганидан тобора тошбағир бўлиб борарди. У барча аёлларга ишонқирамай қаранга одатланиб қолган, улар ясан-тусанга зеб бериб, ҳуснларини кўз-кўз қилиб, доимо бир нарсалик бўлишга интилишади, деб ўйларди. Шунинг учун ҳам уларни кўрганда ичларидаги сирларини билиб турган одамдай сезарди ўзини. Бирок Герствуд айни пайтда яхши аёлни кўрганда ҳурматини жойига қўймайдиган тептаклардан эмасди. Бунда у мўъжиза дейишга арзиғулик яхши фазилатли аёллар қасқдан пайдо бўлишлари хусусида бошини ҳам қотириб ўтирмасди. У бундай пайтда бошидан шундай шляпасини олиб, Бауэридаги мусофирхонанинг қоровули шафқат ҳамшираларининг сўзларига эхтиром ила қулоқ тутгандек унинг олдида маза-бемаза гапларни гапираётган одамларнинг овозларини ўчирган бўларди. У нега бундай қилаётганини ўйлаб ҳам ўтирмасди.

Герствуд мавқеидаги кўп йиллар мобайнида ҳеч нарсага арзимайдиган ва ўзидан бошқа нарсани сезмайдиган аёллар билан таниш-билиш бўлиб юрган одам ёш, айнимаган, қалби очиқ жувонга дуч келиб қолганда ё икковларининг орасида ер билан осмонча фарқ борлигини фаҳмлаб ўзини четроққа олади, ё бўлмаса танишганлигидан суюниб кетиб бутун кучи билан унга стишишга интилади. Герствуддай одам Керри сингари аёлга яқинлашмоғи учун анча-мунча овора бўлиши керак эди. Бундай одамларнинг қурбонлари мабодо мушқул ахволга тушиб қолмаган бўлса, бирорта маълум йўл билан иш чиқариб, ёш вужуднинг ишончини қозониб, кўнглини овлай олмайдилар. Пашша ўргимчакнинг тўрига тушгудай бўлса ўргимчак ишни қўлига олиб, ўз шартларини уқтирган ҳолда музокара бошлайди. Соддагина киз ҳам катта шаҳар гирдобига тушганда енгил ўлжа найидаги овчига яқинлашиб қолади, шунда ўша овчи кизни йўлдан уриш учун бор ҳунарини ишга солади.

Герствуд ҳам биринчи марта Друэнинг таклифи билан унинг уйига келганида дид билан кийинган, истараси иссиққина қизни кўрсам керак деб ўйлаганди. У Кер-

ри билан Друэ истиқомат қилаётган квартирага бош су-
қаётганида окшомни валдирашиб ўтказамиз, янги тани-
шимиз ҳам ўша заҳоти эсимдан чиқади кетади, деб мўлжал
қилганди. Шунда десангиз ўзи ҳам сира кутмаган ҳолда
шунақанги бир аёлга дуч келдики, у ёшлиги ва гўзалли-
ги ила ром қилди қўйди. Керрининг мулойим боқишла-
рида доимо бир нарсалик бўлиш пайида юрадиган ва
ўйнаши хисобига кун кўрадиган хотиннинг қилиқларини
эслатадиган ҳеч нарса сезилмасди. Содда эканлигини
кўрсатувчи ҳаракатларидан фоҳишага заррача ҳам яқин
келмасди. Қизни бу йўлга киришга жуда оғир аҳволда
қолганлигидан мажбур бўлганлиги сезилиб турарди. Бу
ларҳол Герствудда унга нисбатан қизиқиш уйғотди қўйди.
Унинг қизга раҳми келар, бунда жиндай димоғдорлиги
ҳам ўзини кўрсатди. Керрини тортиб олишни хаёл қил-
ганида унинг Друэдан кўра мен билан бўлгани маъқул,
деган гаплар ҳам кўнглига келарди. Унинг шунда ёш
коммивояжерга ҳаваси келди, умри бино бўлиб шу чоқ-
қача ҳеч кимга бунчалик ҳаваси келмаганди.

Керри ақл жиҳатидан Друэдан устун тургани каби
маънавий қиёфа бобида ҳам Герствуддан юксакроқ экан-
лиги шак-шубҳасиз эди. У Чикагога қишлоқ ҳавоси янги-
лиг эндигина келган, кўзларида қишлоқ офтобининг жи-
лоси ҳали ҳам ялтираб турарди. Бу ерда унинг маккоро-
на ниятлари ва очкўзлиги ҳақида сўз бўлиши ҳам мум-
кин эмасди. Тўғри, мабодо излаб кўрилса борми, унда
икковининг ҳам куртакларини топса бўларди. Бироқ у
нихоятда орзуманд бўлганидан кўнглида бир олам пин-
хоний истаклари бор эди. У улкан шаҳарнинг улугвор-
лигидан тонг қолиб, теварак-атрофига таажжубланиб
қарарди. Герствуд унинг айни етилган, очилиб-сочилади-
ган пайти етганлигини сезиб турарди. У Керрига бамисо-
ли дарахтда чиройли, пишган мевани узиб олгандай эга
бўлишни истарди. Герствуд унинг олдида бўлса ёзги жа-
зирамада қолган одам баҳор шабадаси эганда қандай
хузур қилса, шундай маза қиларди.

Керри тафсилоти юкорида баён этилган учрашувдан
кейин танҳо қолгач, ёнида маслахатлашадиган одами
бўлмаганидан ўзича бу мушкул аҳволдан қутулиш йўлла-
рини қидира бошлади. Бу борада унинг хаёлига келган
йўлларнинг бари бир-биридан бемаъни эди. Керри бу-
ларни ўйлайвериш нихоятда қийналиб кетганидан нихоя-
ти қутулишдан умидини узди. У ўзини Друэга баъзи
бир нарсаларда бурчли деб биларди. Чунки у худди

куни кеча Керри ташвиш ва аламда эзилиб ётган дақиқада ёрдам қўлини чўзган одам эди-да. Керри уни шунинг учун ҳам хурмат қиларди. У Друэнинг ўзига жуда яхши қараб юришини, ҳимматини билад қўяр, ҳаттоки ўзи йўқлигида димоғдорлигини ҳам унутади. Шу билан бирга икковларини чамбарчас боғлаб турадиган бирор нарса йўқлигини ҳам сезарди. Друэнинг ўзини тутишидан икки ўртада мустаҳкам муроса бўлмаслиги ҳам аён эди.

Тўғриси айтганда, ёш коммивояжер енгилтаклиги ва беқарорлиги туфайли аёллар билан бўладиган алоқалари узоққа чўзилмаслигини олдиндан белгилаб қўярди. У барчанинг юрагини жиғиллатиб юрибман, муҳаббат мендан ҳеч нари кетмайди, доимо ишим беш бўлади, деб бемалол ишонганидан кунлари ялло билан ўтарди. Мабодо битта-яримта аёл ундан ўзини четга олса ёинки бирорта эшик унга очилмайдиган бўлиб ёпилса хафа бўлиб-нетиб ўтирмасди. Ҳали анча ёш, ишқий зафарлардан эсанкираб қолганидан ўлгунимча шундайлигимча тураман деб ўйларди.

Герствудга келганда эса унинг бутун фикр-хаёли Керрида эди. Кўнглида маълум бир режаси бўлмаса ҳам, уни «севаман» дейишга мажбур этаман, деб аҳд қилганди. Керрининг пастга туширилган киприкларида, ўзига қарашга ботина олмаган кўзларида ва журъатсиз ҳаракатларида тувилаётган эхтирос белгиларини кўраётгандек бўларди. У Керрининг ёнида бўлиб, қўлини қўлига олгиси келар, бугун-эрта нима қилмоқчилигини, сезгиси бундан буён нималарда намоён бўлишини жуда-жуда истарди. Бундай ташвиш ва қувончлар кўп йиллардан бери энди бошига тушиши эди. У яна севги бобида ёш, ахлоқ жиҳатдан рицарь бўлиб қолди.

Герствуднинг мартабаси кечқурунлари хоҳлаган ишини қилишига имкон берарди. Умуман Герствуд ўта садокатли хизматчи бўлганидан хўжайинларининг ишончини қозониб олган, шунинг учун ҳам улар иш вақтида билганингизни қилинг, деб рухсат бериб қўйишганди. У майхонадан хоҳлаган вақтида кетар, нега деганда, ишда қай маҳал бўлишидан қатъи назар, бошқарувчиликни қотираётганлигини ҳамма биларди. Ўзини кўркем тутиши, одоби ва хушмуомаласи билан майхонада ана шундай жойлар учун ғоятда зарур бўлган гўзал муҳит яратиб қўйганди. Айни пайтда Герствуд кўп йиллик тажрибаси туфайли ичимликлар, сигаралар ва тар меваларнинг пири бўлиб кетганидан майхонада бўлган киши қойил қолиб

чикиб кетарди. Буфетчилар билан уларнинг ёрдамчилари алмашилиб туришар, бироқ Герствуд майхонада эканида унга кўпдан буён келиб турувчилар буни аранг пайқашарди. Хуллас, Герствуд майхонада шундай бир мухит яратиб қўйгандики, мижозлар унга жуда-жуда ўрганиб қолишганди. Шунинг учун ҳам Герствуднинг иш пайтида хоҳлаган жойига бориши ўз-ўзидан тушунарли эди. У гоҳ кундузи, гоҳ кечкурунлари бирор ёкка кетиб қолгудай бўлса ҳам, майхона ёпилишидан илгари бир-икки соат жойида бўлиш ва уни ёпишда тепасида туриш учун ўн бир билан ўн иккиннинг орасида албатта етиб келарди.

— Сиз ҳамма нарсалар шкафларга солиб қўйилишини кузатсангиз бўлгани, сиздан кейин майхонада ҳеч ким қолмаса бас, Жорж! — мистер Мой унга бир куни шундай деганди. Шунинг учун ҳам Герствуд қанча йилдан бери ишлаб келаётган бўлмасин, хўжайинининг гапини икки қилмаганди. Майхона эгалари кўп йиллардан бери унда соат бешдан кейин бўлишмас, шунда ҳам бошқарувчи улар гўё ҳар куни текшириб туришадигандек талабларини ўхшатиб адо этарди.

Герствуд Керрини кўрганига икки кун бўлганида, жума куни соат иккида уни яна кўришга жазм этди. У энди Керрининг фиरोқига чидаш беролмай қолганди.

— Ивенс, — деди у қатта буфетчига, — агар битта-яримта мени сўрагудай бўлса, соат бешда келади, деб қўясиз!

Герствуд илдам одимлар билан Мэдисон-стритга йўналиб, қонкага тушди-да, ярим соатдан кейин Огден-стритга етди.

Керри бўлса худди шу пайтда айланиб келмоқчи бўлиб, сарғиш кўйлаги билан чиройли ва қўш қатор тугмали жакетини кийиб турганди.

У шляпаси билан кўлқопини ҳам ҳозирлаб қўйиб, кўйлагига оқ тўрли бант қадаб турганида оксоч эшикни тақиллатиб, мистер Герствуд келганлигини хабар қилди.

Керри буни эшитганида қалтираб кетди, бироқ ўзини босиб олиб, оксочдан ҳозир тушаман, шуни айтиб қўйинг, деб илтимос қилди-да, ўзи шоша-пиша ишини тугатишга киришди.

Керридан ўша лаҳзада майхонанинг келишган бошқарувчиси пастда кутаётганидан хурсандмисиз деб сўраб қолинса борми, жавоб қилолмаган бўларди. У юзи қипқизариб кетганлигини сезар, бироқ кўрқув ёки суюниб

кетганидан эмас, балки азбаройи хаяжонланганидан шундай ахволга тушганди. Герствуд билан нималар хақида гаплашаман деб бошини қотирмаса ҳам, эхтиёткорроқ бўлиш кераклигини ва бу одамга жуда берилиб кетаётганлигини ўйларди. У бантини сўнгги марта тўғрилаб, пастга тушди.

Герствуд ҳам пастда хаяжонланиб ва асабийлашиб турарди. У нима мақсадда келганлигини жуда яхши биларди. Бу сафар қаттиқроқ туриш кераклигини тушунса ҳам, ҳал қилувчи фурсат етиб, зинадан тушиб келаётганлигини эшитиши биланок дадиллигидан асар ҳам қолмади. Бу ишлар Керрига маъкул келишига унча ишонмайроқ турганидан иккилана бошлади.

Герствуд шунда ҳам Керри ичкарига кириши биланок унинг ҳусну жамолини кўргач, яна рухланиб кетди. Керри ниҳоятда очиқ кўнгил ва мафтункор бўлганидан ҳар қандай ошиқ уни кўрганда дадиллашиб кетарди. Унинг хаяжонланаётгани ошқора билиниб тургани учун Герствуднинг вахималари тарқади кетди.

— Ахволларингиз яхшими? — Герствуд у билан бемалол сўрашди. — Бугун ҳаво жуда яхшилигидан жойимда ҳеч ўтиролмай, айланиб келай деб чиқдим.

— Ҳа, ҳаво жуда яхши, — деди Керри меҳмоннинг рўпарасига келиб. — Ўзим ҳам айланиб келмоқчи бўлиб турувдим.

— Ростданми? — деб юборди Герствуд. — Ундай бўлса шляпангизни кийингу, мен билан юраверинг.

Улар паркдан ўтиб, Вашингтон хиёбонидан кетишди. Бу ердаги яхшигина кўчанинг иккала томонида қатор кетган кичикроқ иморатлар бўлиб, улар йўлқадан ичкарироққа тушганди. Бу кўчада Фарбий томоннинг анча мунча бадавлат одамлари туришарди, Герствуд бегона аёл билан ҳамманинг кўзи олдида кетаётганидан беихтиёр хавотирга тушди. Бироқ кичикроқ кўчалардан биридаги «экипажлар кирага берилади» деган лавҳа уни мушкул ахволдан қутқарди. У шундан кейин Керрига извош ёллаб, янги хиёбонда сайр этишни таклиф қилди.

Хиёбон, очиғини айтганда, ўша пайтларда қишлоқ йўлининг ўзгинаси эди. Унинг Герствуд Керрига кўрсатмоқчи бўлган қисми ҳам Фарбий томонда бўлиб, анча чўзиқ ва унда турадиганлар сийрак эди. Хиёбон шаҳардан анча ташқарида тугар, бироқ у ёғи бийдек даладан жануб томонга яна беш милча кетиб, кейин чиқишга буриларди. У ёқда битта-яримта кўриб қолади деб ҳаво-

тир олмаса ҳам бўлар, суҳбат қуришга ҳеч нарса халал бермасди.

Герствуд ювошгина от танлади. Улар орадан кўп ўтмай ўзларини биров кўрмайдиган, овозларини ҳам эшитмайдиган жойга бориб қолишди.

— Извош ҳайдашни биласизми? — сўради Герствуд.

— Ҳеч ҳайдаб кўрмаганман.

У тизгинни Керрига тутқазиб, кўлини кўксида ча-лиштириб олди.

— Мана кўрдингизми, бу жуда осон, — деб қўйди Герствуд жилмайиб.

— Ҳа, от ювош бўлганда! — жавоб берди Керри.

— Сал машқ қилсангиз ҳар қандай отни ҳам эплей-верасиз, — Герствуд унинг кўнглини кўтариб қўйди.

Герствуд гапни бошқа мавзуга буриб юбориш ва унга жиддий тус бериш учун қулай фурсат кутарди. Сукунатда зора Керрининг ҳам хаёлига мен ўйлаётган нарсалар келса деб икки марта бутунлай жим қолди. Бироқ у гўё ҳеч нима бўлмагандек бутунлай бошқа нарсалардан тинимсиз гапиргани гапирганди. Шундай бўлса-да, Герствуднинг индамай кетаётганлиги унга кучини кўрсата бошлади. Керри шу дамда Герствуднинг хаёлидан нималар ўтаётганини тушунди. Герствуд эса хаёлларининг ҳамроҳига мутлақо алоқаси йўқдай олис-олисларга синчиклаб тикилганича кетарди. Шунда ҳам кайфиятидан кўнглидан нималар кечаётгани яққол сезилиб турар, нозик пайт яқинлашаётганига Керрининг ҳам ақли етиб турарди.

— Агар ишонсангиз, — деди у ўйчан ҳолда, — мен кўп йиллардан бери ҳозиргидай бахтли бўлмагандим. Сизни кўрган кунимдан бери бахтиёрман.

-- Ростми?

Керри Герствуднинг овозидаги эхтиросдан жуда ҳаяжонланиб кетган бўлса ҳам, бу сўзларни ясама хотиржамлик билан айтди.

— Мен бунга сизга ўша оқшомда айтмоқчи бўлувдим, — кўпиб қўйди у, — бироқ фурсати келмовди.

Керри унинг сўзларини тингларкан, ҳатто жавоб топишга ҳам ҳаракат қилмасди. Жавоб қилишни ҳар қанча истаса ҳам, шу дамда хаёлига ҳеч нарса келмасди. Герствуд билан танишган дастлабки дақиқаларида унинг қандай одамлигини билмай хавотирланиб, ҳар хил хаёлларга бориб юрганига қарамай, бу одам кўзига яна яхши кўринаверди.

— Мен, — Герствуд гапни дабдабали қилиб бошла-

ди, — бугун сизга юрагимдагини айтгани ва гапларимни эшитишни истармикинсиз, шуни билгани келувдим. Герствуд бироз сурурли одам бўлганидан юрагига кучли, гоҳо шоирона эхтирослар бегона эмасди. Шу важдан у ана шу эхтирослар таъсирида жуда булбулигўё бўлиб кетарди. Тўғриси айтганда, унинг эхтиросларида тилини бийрон қиладиган рух балкиб турарди.

— Сиз, балки ўзингиз ҳам биларсиз... — Герствуд шундай дея қўлини унинг қўлига қўйди. То тилига керакли сўзлар келгунча орага нокулай жимлик чўкди. — Сиз балки... Сизни севишимни ўзингиз ҳам билсангиз керак...

Керри бу дил изҳорини эшитганида ҳатто қимирламади ҳам. Уни ҳозирги дамда ёнида ўтирган одамнинг жозибаси ўзига сеҳрлаб қўйганди. Герствуд кўнглида борини изҳор этмоғи учун худди черковдагидек сукунат зарур бўлганидан Керри уни бузмасди. У рўпарасидаги очиқ ва теп-текис далага тикилгани тикилганди.

Герствуд бир неча сония кутиб турди-да, сўнг яна сўзларини такрорлади.

— Сиз шундай гапирмаслигингиз керак, — деб қўйди Керри аранг эшитиладиган қилиб.

Унинг бу гапи жуда ҳам ишонарсиз чиқди. У Герствудга бир нима дейишим керак, деб хаёл қилганди-да. Герствуд бўлса унинг гапига парво ҳам қилмади.

— Керри, — у ўзини азбаройи яқин тутганидан, биринчи марта қизнинг номини шунчаки айтиб қўя қолди, — Керри, мен сизнинг ҳам севишингизни хоҳлайман. Мен озроқ бўлса ҳам меҳри бор одамга қанчалик зорлигимни билсангиз эди. Очиғини айтсам, сўққабошман. Умрим бино бўлиб, рўшнолигу хурсандчилик деган нарсаларни кўрмаганман. Бошим ҳеч ташвишдан чиқмай, умрим бир чақага ҳам арзимайдиган одамлар билан судрашиш билан ўтиб келяпти.

Герствуд шуларни айтarkan, ўзи ҳам ҳолим жуда ачинарли, деб ҳисобларди. Унинг ўз гапидан ўзи завқландиган лаёқати борлигидан ўзини гўё чеккадан кузатиб, кўнглидаги нарсасини кўра оларди. Ҳозир эса хаяжонланаётганидан овози титрар, сўзлари ҳам ҳамроҳининг қалбига таъсир қиларди.

— Мен бўлсам, сизни жуда бахтли одам бўлсангиз керак, деб ўйлардим! — Керри шундай дея у томонга ўгирилди-да, самимий ачинаётганлиги сезилиб турган йи-

рик-йирик кўзларини унга тикди. — Сиз хаётни яхши биласиз-ку ахир!

— Ҳамма бало шунда-да, — Герствуднинг овози сал мунгли чикди, — ҳамма бало хаётни жуда ҳам яхши билганимда.

Кўпчиликка танилиб, ҳамма хурмат қиладиган Герствуддай одамнинг ўзи билан бундай гаплашиб ўтириши Керрига катта гап эди. У ўзининг тақдири бошқача бўлиб бораётганини ўйларкан, беихтиёр ажабланарди. Қисқа вақт ичида кишлоқи қизларга хос бўлган мутаассибликдан қутулиб, улкан ва жумбоқларга бой шаҳарнинг кишисига айланиб қолганини қаранг-а. Мана энди яна бир жумбоққа дуч келиб ўтирибди: катта ишларни бошқариб юрган пулдор одам тўсатдан, раҳминг келсин, деб юрибди. Унга бир қарашнинг ўзида бадавлат туришини, бақувватлигини, иши яхшилигини, чақмоқдай кийинганлигини аниқ-равшан билиб оласиз. Шундай бўлса ҳам, бу одам Керридан нималарнидир илтижо қиляпти! Керри бўлса унга айтишга бирор ақлли гап топа олмас, бунга бошини қотирмай ҳам қўйганди. У совқотган одам гулхан олдида исингандай Герствуднинг қайноқ эхтирослари шуъласида ҳузур қиларди. Герствуд тобора ёнаётганидан унинг эхтирослари олови Керрининг кўнглидаги шубҳаларини бамисоли мумдай эритиб юборарди.

— Сиз мени бахтли, ҳеч армони йўқ, деб ўйлайсизми? Агарда сиз ҳар куни ўзингизга мутлақо алоқадор бўлмаган кишилар билан учрашиб, кун сайин риёкорлик ва ўта лоқайдлик ҳукмрон бўлган жойларда бўлишингизга тўғри келганида, ёнингизда дардлашадиган бирорта ҳам одамнингиз бўлмаса кимдан ҳам хайрихоҳлик кутасиз? Сиз бундай одамни жуда бахтсиз ҳисобламайсизми?

Герствуд эндиликда Керрида ўзига нисбатан хайрихоҳлик кўзғашга ҳаракат қилар, чунки қизнинг қалбида шундай ҳислар туғён ураётганлиги аён эди. Керри ўзингга нисбатан бепарво одамлар билан учрашиш, сен билан мутлақо иши бўлмаган оломон орасида кезмоқ нималигини жуда яхши биларди. Булар унинг бошидан ўтмаган дейсизми? Шу дақиқа ҳам танҳо эмасми? Ўзига таниш бўлган кишилар орасида ҳолига ачинадиган биронта одамни топа оладими? Бирортаси ҳам топилмайди! У ўз хаёллари ва гумонлари гирдобида танҳо қолганди.

— Агарда сиз билан дийдор кўришиб турганимда ва дўстим эканлигингизни билганимда хаётимдан бутунлай рози кетардим, — деди Герствуд гапида давом этиб. —

Ҳозир бўлса заррача роҳат кўрмай, беихтиёр дам у ерга, дам бу ерга бориб юрибман. Бўш вақтимни қандай ўтказишимни билмайман. Сизни кўрмасимдан олдин бе-корчиликдан ҳар хил тасодифий нарсалар билан кўнгил очардим. Сиз пайдо бўлдингизу, ўшандан бери фақат сизни ўйлаганим ўйлаган!

Керри қадимдан келаётган алдовга учди: Герствуд унга зор бўлган одамдай туюларди. У ана шу сўққабош ва маъюс жентльменга жуда ачиниб кетди. Жамиятдаги мавкейга қарамай, усиз ўзини бахтсиз сезиб, раҳм айла, деб илтижо қилаётганини кўрмайсизми. Керрининг ўзи ҳам ёлғиз, бош суқарга бирон макони йўқ-ку. Ҳа, бу жуда аянчли!

— Мен мутлақо ёмон одам эмасман, — Герствуд ўзини оқлагандай гапида давом этди. У бу борада баъзи изоҳлар беришни бурчи деб билгандай кўринарди. — Сиз мени ёмон йўлларга юриб, ҳеч нарсадан қайтмаса керак, деб ўйлаясизми? Яшириб ўтирмайман, гоҳо жуда-жуда енгилтак ҳам бўлиб кетаман, бироқ бундан ўзимни унча қийнамай четга ола оламан. Сиз менга агар қолган ҳаётим бирор нарсага арзигулик бўлса, яна ўз аслимга қайтишим учун кераксиз.

Керри унга адашган кишисининг тўғри йўлга тушиб олишига ишонгандай мулоҳимгина қаради. Бундай одамнинг маънавий мададга зорлигига ишонса бўлармикин? Унда Керри тузата оладиган қандай камчиликлар бўлиши мумкин? Ҳамма томондан тўқис бўлган одамда қусурлар ҳам арзимаган бўлиши керак. Борингки, бўлганда ҳам улар майда-чуйда гуноҳлардир, бунда юракни кенг қилиш зарур.

Герствуд ўзини шундай кўйга солганидан Керри унга жуда-жуда ачинишга мажбур бўлди.

— «Нахотки бу ҳақиқат бўлса?» — деб ўйларди у.

Герствуд уни бир қўли билан бағрига босди, Керрининг бўлса нарироқ сурилишга ҳам мажолли қолмаганди. Герствуд бўш қўли билан унинг бармоқларини оҳиста сикди. Баҳорнинг майин шабадаси йўлдан бултурги шох ва япроқларни учириб ўтди. От эса тизгини бўш қолганини ҳам сезмай, секин лўкиллаш бошлади.

— Мени севишингизни айтсангиз-чи, Керри! — деди Герствуд аранг эшитиладиган қилиб.

Керри ер сузди.

— Иқроп бўлсангиз-чи, жонгинам! — Герствуд жуда тўлқинланиб кетди. — Севасиз-а?

Керри жавоб бермаса ҳам, Герствуд галабани қўлга киритганига ҳеч шубҳа қилмасди.

— «Ҳа» десангиз-чи, — Герствуд яна қайноқ шивирлаб, уни ўзига қаттиқроқ тортди, шунда лаблари бирлашай деди.

Герствуд унинг қўлини сикди ва дархол қўйиб юбориб, юзини меҳр ила силади.

— Тўғрими? — деди у бўш келмай Керрининг лабига лабини чўзиб.

Керрининг лаблари ҳам унга жавобан очилди.

— Энди сиз меникисиз-а? — Герствуд яна қайноқ шивирлаганди, чиройли қўзлари порлаб кетди.

Керри ҳеч нима демади-да, бошини охистагина унинг елкасига қўйди.

XIV б о б

КЎР КЎЗЛАР. БИР ТҮЙҒУНИНГ ЙЎҚОЛИШИ

Керри кечкурун ўзининг хонасида ўтираркан, ўзини жисмоний жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам зўр сезарди. Герствудга муҳаббати ва Герствуднинг ҳам севиши қалбини мавжлантирар, якшанба куни кечкурун бўладиган учрашувларини хаёлига келтираркан, баттар терисига сиғмай кетарди. Улар эҳтиёткор бўлиш зарурлигини хаёлларига келтирмасалар ҳам, ҳар қалай ўша баҳонада шаҳарда учрашишга келишишганди.

Миссис Гейль уйининг юқори қаватидаги деразасидан Керри қайтиб келаётганини кўрганди.

«Хим! — деб қўйди у ичида. — Эри шаҳарда йўқлигида битта жентльмен билан айланиб келгани борибди-да! Мистер Друэ хотинига маҳкамроқ бўлса зарар қилмасди!»

Айтгандай, бундай хулосага келишда миссис Гейль ёлғиз эмасди. Герствуд келганида унга эшик очган оқсоч ҳам бу масала бўйича ўзича бичиб-тўқиб қўйганди. У Керрининг совуқ ва умуман ёқимсиз жувон деб ҳисоблаганидан унчалик хуш кўрмасди. Қувноқ ва ўзини содда олиб юрадиган, дам-бадам яхши сўз қотиб қўядиган ва умуман аёлларни хурмат қиладиган Друэ эса жуда хуш келарди. Герствуд анча босиқ одам бўлганидан корсет кийиб, белини хипча қилиб юрадиган оқсочга унчалик ёқмаганди. У ҳайрон бўлиб ўзига-ўзи: нимага мистер

Герствуд тез-тез келиб туради, миссис Друэ эри йўқлигида у билан қаёқларга бориб келади, дерди. Сўнгра буни ичига ютиб кета қолмай, ошпаз хотинга ёрилди. Уйда шундан кейин миш-миш тарқалиб, сирли равишда оғиздан оғизга ўта бошлади.

Керри Герствуднинг сеҳрига дош беролмай, унга севишини айтган бўлса ҳам, у ёғи нима бўлишини ўйламай қўйганди. Хаёллари маҳбубининг олижаноблиги, кўркемлиги ва бекиёс эҳтироси билан банд бўлганидан биров вақт Друэ ҳам эсидан чиқаёзди. Дастлабки оқшомда хаёлидан сайр қилганликларини бирма-бир ўтказди. Шунда қалбида шу чокқача ўзига нотаниш бўлган туйғулар уйғониб, табиатида ҳам қандайдир янги жиҳатлар ҳосил бўлди. Унга илгари ҳеч сезилмаган ташаббус деган нарса пайдо бўлиб, ҳар бир нарсага амалий жиҳатдан қарай бошлади. Шунда у олдинда гўё умид чироғи милтираётганини кўраётгандай бўларди. Герствуд унга ҳалол йўлга олиб чиқувчи халоскордай туюларди. Умуман айтганда, Керрининг туйғулари жуда мақтовга лойиқ, нега деганда, кейинги воқеаларда уни айниқса номуссизликдан қутулиш умиди хурсанд қиларди. Герствуднинг бундан буён нималар қилажаги ҳақида эса заррача тасаввури йўқ эди. Шундай бўлса ҳам, ишқи кўзига ажойиб кўринганидан Керри бошига бахтли ва ёруғ кунлар келишини кутарди.

Герствуд бўлса бу маҳалда фақат бемалол ялло қилиб юришни ўйларди. Бунда бошим балодан чиқмай қолади, деб сира ҳам хаёлига келтирмасди. Ишидан биров уни кимирлатолмас, уйдаги ҳаётдан эса кўнгли тўлмаса ҳам ҳар қалай мутлақо хавотир оладиган жойи йўқ, қаёққа бориб, қаёқдан келаётгани билан бировнинг иши бўлмасди. Керрининг муҳаббати бўлса унга янги роҳатдай гап эди. У ердаги роҳатлари устига кимдир юборган тақдирнинг бу инъомидан лаззатланади, Керри билан бахтиёр бўлади. Керри унинг бошқа ишларига мутлақо тўғанок бўлолмайди.

Керри якшанба куни кечқурун Герствуд билан Адам-стритдаги кўзларига яхши кўриниб қолган ресторанда овқатланишди, сўнг эса экипажга тушиб, ўша пайтларда машҳур бўлган қовоқхона жойлашган Коттеж-Гровга йўл олишди. Герствуд севги изҳор қилганида Керри унинг муҳаббатини жуда юксак туйғу сифатида тушунганини пайкаганди. Керри шу важдан бўлса керак Герствудни маълум даражада ўзидан нарироқ тутар, унинг мутлақо

тажрибасиз севишганлар сингари эркалашларигагина йўл берарди. Герствуд Керрини кўлга олиш ҳазилакам иш бўлмаслигини тушунарди. У шунинг учун ҳам Керрини ҳадеб қийин-қистовга олавермасликка аҳд қилди.

Герствуд Керрининг ахволидан хабардор бўлса-да, бошидан уни эрли хотин ҳисоблаб, муомала қилаётгандай кўрсатиб келаётганидан ҳозир ҳам бу ўйинни давом эттириши керак эди. У Керрини тўла кўлга олишга ҳали анча борлигини тушунарди. Табиийки, қанча борлигини тасаввур қилолмасди.

Экипажда Огден-скверга қайтиб келаётганларида Герствуд сўради:

— Сизни яна қачон кўраман?

— Рости, билмайман, — жавоб берди Керри.

Герствуднинг саволи уни ўйлатиб қўйди.

— Сешанба куни «Бозор»да учрашсак бўлмайдами? — таклиф қилди Герствуд.

— Бунчалик тез бўлмасин, — Керри шубҳаланиб бош чайқади.

— Бўлмаса бундай қиламиз, — деди Герствуд, — мен Фарбий томондаги почтамт адресига «йўқлаб олинандиган» хат юбораман, сиз бўлсангиз сешанба куни уни олгани кирасиз. Маъқулми?

Керри рози бўлди.

Извошчи Герствуднинг буйруғи билан Керрининг квартирасидан бир уй бериди тўхтади.

— Тунингиз хайрли ўтсин? — шивирлади Герствуд. Шундан кейин извош юрди кетди.

Афсуски, Друэнинг қайтиши билан икки ўртада бошланган ишқнинг бир текисда кетишига ҳалал етди. Герствуд Керри билан учрашган куннинг эртасига ўзининг кўркем кабинетига ёзув столи ёнида ўтирганида ёш коммивояжер майхонага бош сукди.

— Салом, Чарли! — Герствуд уни олишдан кўрибок вақтихушлик билан қарши олди. — Қайтиб кепқолдингизми?

— Ҳа, ўзингиз кўриб тургандай, — деди Друэ яқинроқ келаркан жилмайиб. У кабинет эшигида тўхтади.

Герствуд уни қаршилагани кўзғалди.

— Хар маҳалгидай зўрсиз-а, — деб қўйди у ҳазиллашиб.

Улар ўзларининг умумий танишлари ва сўнгги воқеалардан гаплашишди.

— Уйда бўлдингизми ўзи? — сўради ниҳоят Герствуд.

— Кирганимча йўқ. Ҳозир бораман, — жавоб берди Друэ.

— Қизчангизни эсимдан чиқармадим, — деди Герствуд. — Бир марта бориб хабар олдим. Ўзини ёлғиз қолдириб қўйсақ хафа бўласиз, деб ўйладим.

— Сиз ҳақсиз, — Друэ унинг гапига қўшилди. Кейин эса: — Хўш, унинг аҳволи қалай? — деб сўради.

— Жуда яхши, — жавоб берди Герствуд. — Сизни жуда соғинган, холос. Тезроқ бориб, унинг кўнглини олсангиз бўларди.

— Ҳозир бораман, — Друэ уни шўхчанлик билан ишонтирди.

— Чоршанба куни мен билан театрга борсанглар дедим, — Герствуд хайрлашаётиб шундай деб қўйди.

— Раҳмат, дўстим! — ёш коммивояжер ундан миннатдор бўлди. — Ундан сўраб кўрай, жавобини кейин сизга айтаман.

Улар бир-бирларининг қўлларини самимий қисишди.

«Герствуд — ажойиб йигит-да!» — Друэ муюлишдан ўтиб Мэдисон-стритга қараб кетаркан шундай деб ўйларди.

«Друэ — ажойиб йигит! — дерди ичида Герствуд кабинетига қайтиб келаркан. — Бироқ у Керрига ҳеч муносиб эмас-да».

Герствуд Керрини ўйлаганида ширин хаёлларга чўмди. Энди унинг коммивояжерни қандай қилиб чалғитиб кетсамикин, деб боши қотарди.

Друэ уйига етгандан кейин одатича Керрини бағрига босди. Керри эса унга ўлич бераркан худди ички қаршилигини енгмоқчи бўлгандай сал титрарди.

— Яхши бориб келдим! — деди у.

— Ростми? Менга айтган Ла-Кроссдаги ишинг нима бўлди?

— Зўр бўлди! Мен ўша одамга молларимизнинг тўла ассортиментини сотдим. У ерда Бернштейн фирмасининг вакили бўлган яна битта комми бор экан, қўлидан ҳеч иш келмай қолди. Мен уни роса ҳам бошлаб кетдим!

Друэ ювинишга тайёргарлик кўриб, ёқаси билан илма тугмаларини ечаркан, ҳадеб сафаридан оғиз кўпиртирарди. Керри бўлса унинг булбулигўелигини беихтиёр равишда қизиқсиниб тингларди.

— Идорамиздагиларнинг ҳаммаси ёқаларини ушлаб қолишса бўладими, — деди у. — Кейинги уч ой ичида мен фирмамизнинг бошқа вакилларининг ҳаммасидан ҳам кўн мол сотибман. Биргина Ла-Кросснинг ўзида уч минг долларлик мол пуладим.

У юзи, бўйни ва кулоқларини пишқириб ва кух-кухлаб юваркан Керри унга қараб турар, шунда калласида минг хил фикрлар ғужғон ўйнар, ўтмиш хотиралари ёдига тушиб, рўпарасида турган одам кўзига тобора хунукроқ кўринарди.

Друэ сочиқни олиб, юзини артаркан, гапида давом этди:

— Июнда албатта маошим оширилишини талаб қилман. Уларга шунча даромад келтираётганимдан кейин кўпроқ тўлашсин-да! Айтганимни қилмай қўймайман, мана кўрасан!

— Ишонаман, — деди Керри.

— Бунинг устига ўша сенга айтган кичкинароқ иш ҳам чиройлироқ битса икковимиз никоҳдан ўтамиз! Друэ ўзини чинакамига самимий кўрсатиб қўшиб қўйди.

Друэ ойна олдига келиб сочини силаб текислай бошлади.

— Тўғриси айтганда, менга бир кунмас бир кун уйланишинга ҳеч ишонмайман, Чарли! — деди Керри маъюс.

Герствуднинг яқиндагина ишонч билан айтган гаплари Керрини буларни айтишга дадиллантирган эди.

— Йўқ, нима бўлди... нимага бундай дейсан! — хитоб қилди Друэ. — Мана кўрасан, уйланаман! Булар хаёлингга қайдан келди?

Друэ ойна олдида уймалашишни бас қилиб, шартта орқасига ўгирилиб Керрига яқин келди. Керри эса биринчи марта ундан ўзини четга олгиси келди.

— Буни анчадан буён гаширасан-да ўзи! — деди Керри гўзал чехрасиши кўтариб.

— Мен буни бажараман, Керри! Кўнглимдагидай кун кечириш учун пул керак, холос. Маошим сал ошсин, кейин дурустроқ ўрнашиб олиб, мазза қилиб тураверамиз. Ўшанда дарҳол турмуш қурамиз. Бунга ҳадеб бошингни қотираверма, малагим!

Друэ эркалаб Керрининг елкасидан силкитиб кўяркан, қиз умидлари беҳуда кетажагига яна бир марта ишонч ҳосил қилди. Чамаси, бу хавойи одам Керрининг

қалби таскин топмоғи учун пинагини ҳам бузмайдиган кўринарди. Қонуний яшашдан кўра ялло қилиб юришни афзал кўргани учун, бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар, қабилида иш тутарди.

Герствуд эса аксинча Керрининг кўзига ижобий ва самимий одам бўлиб кўринарди. Унинг Друэ сингари муҳим масала кўндаланг бўлганда чап берадиган одати йўқ эди. Бутун масалаларда Керрига жуда хайрихоҳлик билан қарар ва ҳар бир сўзида уни юксак кадрлашини билдириб турарди. Друэ Керри деганда парвойи фалак бўлса Герствуд унга зор эди.

— О, йўқ, бу ҳеч қачон бўлмайди! — деди Керри гапини қайтариб.

У буни ўзидан ўпкалагандай оҳангда ганирган бўлса ҳам овозидан муваффақиятига ишончсизлик ва аввало саросимадалиги сезилиб турарди.

— Яна жиндай сабр қилгин, кейин кўрасан, — деди Друэ гапни гўё қалта қилгандай. — Мен уйланаман дедимми — уйланаман!

Керри унга диққат билан қараркан, ўзининг ҳақ эканлигини сизди. У бирон нарса билан виждонимни тинчитсам деганидан ўзининг адолатли талабларига Друэнинг бепарво ва менсимай қараб келаётгани бунга баҳона бўлганди. У Керрига уйланаман, деб ваъда берган бўлса ҳам ваъдасини ана шундай бажараётган эди-да!

— Ҳа, айтгандай, — деди Друэ уйланиш ҳақидаги гапга ўзича чек қўйиб, — бугун Герствудни кўрувдим, бизни театрга таклиф қиляпти!

Керри бу номни эшитганда титраб кетган бўлса ҳам ўзини тезда босиб олди.

— Қачонга экан? — сўради Керри ясама бепарволик билан.

— Чоршанбага. Борамизми-а?

— Хоҳлайдиган бўлсанг, марҳамат! — жавоб берди Керри.

Керрининг овозида беихтиёр шубҳа уйғотадиган қандайдир босиқлик сезилиб турарди.

Друэ у-буни сезган бўлса ҳам Керрининг кайфияти бошқачалигини никоҳдан ўтиш ҳақидаги гапларга йўйиб бунга ортиқча парво қилмади.

— Айтгандай, — деди у гапида давом этиб, — Герствуд менга сендан хабар олганини айтувди.

— Ҳа, — Керри унинг гапини тасдиқлади, — кеча кечкурун кирувди.

— Шундай дегин! Мен бўлсам унинг гапидан бир хафта бурун кирибди деб фаҳмлабман, — хайрон бўлди Друэ.

— Ҳа, у бир хафта олдин ҳам кирганди, — деди Керри.

У ошналар нималарни гапиришганини билмаса ҳам гапимдан бирор ишқал чиқиб қолса нима қиламан, деб ўзини ўзи қийнади.

— Демак, у икки марта келибди-да, — Друэ бунинг тагига етмоқчи бўлиб гапида давом этаркан юзида илк бор шубҳа ифодаси ўйнади.

— Ҳа, — гарчи Керрига Герствуднинг илгариги келганлиги ҳақида гап бўлганлиги равшан бўлса ҳам соддадиллик билан шундай деб қўя қолди.

Друэ оғайнимнинг гапига яхши тушунмабман деб ўйлаб, бу англашилмовчиликка мутлақо эътибор бермай қўйди.

— Унинг нима иши бор экан ўзи? — Друэ синчковлигини ошириброқ сўради.

— У ёлғиз ўзингиз жуда зерикаётган бўлсангиз керак деб, сиздан хабар олгани келдим, деди. Анчадан буён унинг майхонасига кирмаган бўлсанг керак, ишқилиб тинчмикан, деб сени суриштирди.

— Жорж топилмайдиган зўр йигитлардан-да, — деди Друэ ошнасининг оқибат қилганидан терисига сиғмай кетиб. — Юр, овқат қилайлик!

Герствуд Друэ Чикагога қайтиб келганини билгандан кейин стол ёнига ўтириб Керрига хат ёзди:

«Азизим, мен унга йўқлигингизда уйингизга борувдим, дегандим. Ўшанда неча марта кирганлигимни айтмовдим, бироқ у бир марта келгандир, деб ўйлаган бўлса керак. У билан нималарни гаплашганингизни хабар қилинг. Бунинг жавобини биттасидан бериб юборинг. Мен сизни кўришим керак, жонгинам! Чоршанба куни соат иккида Жексон билан Групп-стритнинг муюлишда учрашиш ўзингизга қулай-қулайсизлигини менга билдиринг. Театрда кўришувимиздан олдин сиз билан гаплашиб олишни жуда ҳам истардим».

Керри бу мактубни Фарбий томондаги почта бўлимидан олди. Унга сешанба куни эрталаб кирганди. Хатни олди-ю, ўтириб жавоб ёзди:

«Мен унга сизни икки марта келди, дедим. Менимча, унинг аччиғи келмади. Групп-стритга боришга ҳаракат

киламан, агар бирор нарса халал бермаса. Мен ёмон хотин бўлиб қолаётганга ўхшайман. Ҳозирда қилаётган ишларим яхши эмас».

Герствуд Керри билан келишилган жойда учрашганида уни тинчитиб қўйди.

— Сиз безовталанмаслигингиз керак, азизим! — деди у. — Чарли Чикагодан кетди дегунча бунинг бир иложини топамиз. Шундай қиламизки, бировни алдаб юрмайдиган бўласиз.

Герствуд гарчи очикдан-очик айтмаган бўлса ҳам Керри у менга дархол уйланади, деб хаёл қилганди. У азбаройи хурсанд бўлиб кетганидан Друэ жўнаб кетгунча бир амаллаб туриш керак, деб қарор қилди.

— Менга илгаригидай кизиксинаётганлигингизни билдириб қўйманг, — Герствуд театрда кўришажакларини кўзда тутиб, олдини олиб қўйди.

— Ундай бўлса ўзингиз ҳам бунчалик қараманг-да! — жавоб берди Керри унинг бир қараши қанақалигини билганидан.

— Яхши, қарамайман, — ваъда берди Герствуд.

Шундай бўлса ҳам Герствуд хайрлашаётиб унинг кўлини сиқаркан Керрининг юрагини ваҳимага соладиган қараш қилиб қўйди.

— Буни қаранг, яна-я! — Керри ҳазиллашиб бармоғини бигиз қилиб пўписа қилди.

— Томоша ҳали бошланганича йўқ-ку! — эътироз билдирди Герствуд.

Герствуд Керрининг кетидан мулойим қараб қолди. Уни Керрининг ёшлиги ва гўзаллиги майдан ҳам зўр сархуш этарди.

Театрда ҳаммаси Герствуднинг кўнглидагидай бўлди. У Керрига илгаридан ёкса ҳам ҳозирда қиз унга бутун жону танини фидо қилгудай бўларди. Унинг ташқи жозибаси Керрини сеҳрлаб қўйганди. Шунинг учун ҳам Керри унинг ҳар бир ҳаракатини завқ билан кузатарди. Мехмонларини зериктирмасликка уринаётган уй эгасидай чакаги чакагига тегмаётган бечора Друэни эса бутунлай унутаёзганди.

Герствуд ўзининг Керрига бўлган муносабатидаги ўзгаришни бир шама билан билдира оладиган даражада уста эди. У ошнаси билан ўзини илгаригидан ҳам апоқ-чапоқ кўрсатар, бахтиёр рақибдай уни махбубаси олдида шарманда қилишни истамасди. Ҳозирда фирром иш қилаёт-

ганини жуда яхши билиб турса ҳам ҳаддидан ошадиган даражада пасткаш эмасди.

Пьесада одамнинг кулгисини қистатадиган бир жойи бор эди. Бунга ҳам Друэ сабабчи бўлди.

Пьесанинг охири сахнасида хотин эри йўқлигида унга бевафолик қилиб қўйганида ёш коммивояжер тилга кирди:

— Баттар бўлсин! Мен бунақа эшак эрларга сира ҳам ачинмайман!

— Бунақа пайтларда бир нима дейиш қийин, — Герствуд унга мулойимлик билан эътироз билдирди. — У ўзини тўқис эрлардан деб билган бўлса керак-да!

— Сизга айтсам агар эр-хотин деса унга дурустроқ қараши зарур.

Улар вестибюлга чиқиб, ташқаридаги қалин томошабинлар орасидан ўтиб боришарди.

— Мистер, мистер, — Герствуднинг ёнгинасида кимнингдир овози эшитилди. — Йўқ демай уйсизнинг тунашига бир нима беринг!

Герствуд бу пайтда Керрига ниманидир ҳикоя қиларди.

— Чин сўзим, мистер, ётадиган жойим йўқ!

Тиланаётган — ниҳоятда озиб-тўзиб кетган ўттизлардаги эркак эди. У инсоний мусибат ва муҳтожликнинг жонли тимсоли бўла оларди. Друэ унга ҳаммадан олдин эътибор берганидан жуда ҳам раҳми келиб, қўлига ўн цент қистирди.

Герствуд буни сал сезгандай бўлди, Керри бўлса тезда эсидан чиқариб юборди.

ХV б о б

ЭСКИ МУРОСАЛАР АЗОБИ. ЁШЛИКНИНГ СЕҲРЛИ ТАЪСИРИ

Герствуднинг Керрига бўлган ишқи кучайгани сари уйдан шунчалар беза бошлади. Оиласига алоқадор барча ишларга сира тоқати йўқ эди. У хотини ва болалари билан нонушта қилиб ўтирганида ўйга чўмар, хаёл уни хонадонидан олис-олисларга олиб қочарди. У газетадан бошини кўтармай қолар, нега деганда ундаги нарсаларнинг ўели билан қизи муҳокама қилаётган нарсалардан

ўлса ўлиги ортиқроқ бўларди. Хотини билан ўзининг ўртасида совуқ бепарволик денгизи вужудга келди.

Герствуд Керри билан танишганидан бери бамисоли роҳат-фароғат томон элтадиган йўлга тушиб олганди. У энди кечқурунлари завқ билан шаҳарга равона бўларди. Қош қорайган пайтларда кўчаларда одимларкан, чироклар шўхчанлик қилиб имлашаётгандек бўларди. У ошиққа қанот боғлайдиган, деярли эсидан чиқиб кетаётган туйғуни яна бошидан кечираётганди. Ўзининг усти бошига Керрининг кўзлари билан қарар, қизнинг кўзларидан эса ёшлиги барқ уриб турарди.

У ана шундай туйғулар оламида чарх ураётганида бирдан хотинининг овозини эшитиб, оилавий ҳаётнинг қаттиқ талаблари уни орзулар оламидан зерикарли кунлар кучовига қайтарганида юрагига аламли санчиқ турарди. Шунда у қўл-оёқлари маҳкам чандиб ташлаганлигини пайкарди.

— Жорж, — деди бир куни миссис Герствуд аллақачонлардан бери эрига маълум бўлган бошқачароқ овозда. У бирор нарса сўрамоқчи бўлса доимо шунақа қилиб гапирарди, — пойгага мавсумий билет олиб қўйсак дегандик.

— Наҳотки? Пойгага ҳар сафар бориб турмоқчимизлар?

— Ҳа, -- жавоб берди миссис Герствуд.

Юқорида тилга олинган пойгалар яқинда Жанубий томондаги Вашингтон-паркда очилиши керак бўлиб, унга диндорлиги билан мутаассиблигини унчалик ошкор қилмайдиган доиралар бориб кўнгил очар эди. Миссис Герствуд илгари мавсумий билетнинг гамини емасди. Эндликда эса хусусий ложали бўлиш ҳаракатига тушиб қолганди. Биринчидан, унинг кўмирфуруш кўшниси пулдор мистер ва миссис Рамсиларнинг пойга бўладиган жойда ўз ложалари бор эди. Иккинчидан, Герствудларнинг уйда қарайдиган шифокори доктор Билл ҳам отлар ва тотализаторга бағоят суяги йўқ жентльменлардан бўлганидан миссис Герствудга пойгадан гапириб, бу йил пойгага ўзининг икки яшар тойини қатнаштириш ниятида эканлигини айтганди. Учинчидан, миссис Герствуд бўйи етиб қолган ва кундан-кунга очилиб бораётган Жессикани кўпчилик орасига олиб чиқмоқчи эди. Она уни бадавлат одамга узатсам дерди-да. Қолаверса ўзининг ҳам бу гавжум ерда қатнашиб, танишлар ҳамда дўстларнинг кўзини ўйнатиш истаги бор эди.

Мистер Герствуд чурқ этмай хотинининг талабини андак мулохаза қилди. Бу гап иккинчи қаватдаги мехмонхонада бўлган, ҳаммалари кечки овқат келтирилишини кутардилар. Герствуд худди шу куни кечкурун Керри ва Друэ билан театрга бормоқчи бўлганидан уйига фақат бошқа костюм кийиб олиш учунгина кирганди.

— Хар борганинда билет олсанг бўлмайдими? — деди Герствуд қаттиқрок гап айтиб юборишдан ўзини аранг босиб.

— Буни истамайман, — миссис Герствуд шошма-шошарлик билан жавоб қилди.

— Хар ҳолда аччиқланишнинг кераги йўқ, — деди Герствуд хотинининг дағаллигидан оғриниб. — Мен сендан сўрадим, холос.

— Аччиқланишни хаёлимга ҳам келтирганим йўқ, — хотини унинг гапини бўлди. — Мен мавсумий билет олишни илтимос қиляпман.

— Бўлмаса айтиб қўяй, уни олишнинг ўзи бўлмайди, — Герствуд хотинининг юзига тик қараб жавоб қайтарди. — Ипподромнинг директори менга мавсумий билет беришига ишоналмайман.

У шундай деса ҳам ичида пойга мутасаддилари билан алоқаси канчалар мустаҳкамлигини чамалаб кўрарди.

— Билет олиш қўлингдан келади! — миссис Герствуд овозини кўтариб хитоб қилди.

— Сенга айтиш осон, — жавоб қилди Герствуд. — Оилага мавсумий билет юз доллар туради.

— Сен билан фикланиб ўтиришга тобим йўқ, — миссис Герствуд гапни шарт айтди қўйди. — Мен билет олмоқчиман. Вассалом!

У ўрнидан турди-да, дарғазаб ҳолда хонадан чиқиб кетди.

— Майли, билетингни оласан! — Герствуд ҳам, қовоқини очмай баланд овоз билан кетидан шундай деб қолди...

Бундай ҳол кўпинча рўй бериб турса ҳам кечки овқат маҳалида битта одамнинг ўрни билиниб турди.

Эртасига эрталаб хафа бўлган эр анча шаштидан гушди. Билет ўз вақтида олинган бўлса ҳам гишт қолипдан кўчганди. Герствуд оиласига маошининг анча-мунчасини бериб турса ҳам уйидагиларнинг унга мажбурий равишда сарф қилдиришлари жиғига тегарди.

Эшитдингизми, ойи, — деб қолди бир куни Жессика, — Спенсерлар сафар тадоригини кўришяпти.

— Шунақами? Қаёққа экан?

— Европага. Кеча мен Жоржинани кўрувдим, буни ўшандан эшитдим. У ўзини жа катта олади-да.

— У сенга қачон кетишларини айтдимиз?

— Чамаси душанбада, — жавоб берди Жессика. — Одатдагидай бу сафар ҳам бу ҳақда газетада нарса чиқиб қолар дейман.

Герствуд бу гапни эшитиб, газетадан бошини кўтарса ҳам индамади.

— «Биз олдин Ливерпулга жўнаймиз, — Жессика дугонасига тақлид қилиб гапира бошлади, — бироқ ёзнинг кўп қисмини Францияда ўтказишни мўлжаллаяпмиз». Мактанчоқ! Зўрлигини қаранг: Европага кетаётганмиш-а!

— Унгаки ҳавасинг келаётган экан, зўр экан-да! — гап қистирди Герствуд.

Қизининг гаплари уни ранжитганди.

— Бўлди, жонгинам, куяверма! — миссис Герствуд кизини юпатишга тушди.

Бошқа бир сафар эса бундай гап бўлди:

— Жорж жўнаб кетдимиз? — деб сўраб қолди Жессика онасидан бир куни.

Герствуд шундан кейингина оилавий ҳаётида бирор воқеа рўй берганлигини билди.

— Жорж қаёққа кетди ўзи? — деди у кизига қараб. У биринчи марта оила аъзоларидан бирортаси бирор ёққа кетганидан ғофил қолганди.

— У Уитонга кетди, — жавоб берди Жессика бу нарса отасига оғир ботаётганлигини фаҳмлаб.

— Уитонда нима бор экан? — деб сўради у бунинг тагига етишга мажбур бўлаётганидан ичида ижирғаниб ва хафа бўлиб.

— Теннис матчи, — жавоб берди Жессика.

— У менга ҳеч нима демовди, — деди Герствуд.

Унга ичидаги аламини яшириш ғоят машаққат эди.

— О, эҳтимол унутгандир! — миссис Герствуд силлиққина қилиб гап қистирди.

Илгари бола-чақаси меҳрибон бўлиб, оиланинг бошлиғи деб билишганидан хонадонда Герствуднинг ўзига яраша ҳурмати бор эди. У қизи билан ҳамма нарсаларни бемалол гаплашар, икки ўртадаги ўзи маъқул кўрган ана шу яқинлик ҳанузгача маълум даражада мавжуд эди. Бироқ ота-боланинг ўртасидаги муомала бир-икки сўздан

нари ўтмас, уларда бир-бирларига меҳр қолмаганди. Герствуд энди кун сайин болаларининг ишларидан четда қолаётганига кўпроқ ишона бошлади. Болаларини гоҳо дастурхон атрофида кўрар, гоҳо кўрмасди. Ўғли ёки кизи бирор нарса қилганлигини тасодифан эшитиб қолар, гоҳо уларнинг гапига қулоқ соларкан нима хусусда сўз бораётганлигини ҳам тушунолмай тоза боши қотарди. Уйда шундай кўп ишлар бўлардики, улардан Герствуд бутунлай беҳабар қоларди. Жессика кўпроқ нима қилсам ўзим биламан, бошқанинг иши бўлмасин, деб хаёл қиларди, Жорж эса ўзини қилаётган ишларидан бировга ҳисоб бериб ўтирмайдиган катта эркақлардай тутарди. Буларнинг барига Герствуд зехн солиб юрганидан ичдан эзилар, нега деганда болалари бир оғиз олдидан ўтишларига кўникиб қолган, қолаверса ишидагилар ҳам у билан бамаслаҳат иш қилишарди-да. Герствуд ўзича ўзимнинг уйдаги обрўйимни тўкмаслигим керак, дегани деганди. Ҳаммасидан ҳам хотинининг сира парво қилмай ўз билгича иш тутаётганига чидай олмасди. Бу ҳол кун сайин тобора ошқора бўлиб борар, Герствуд бўлса тишини тишига қўйиб, нима дейишса ҳўпдан нарига ўтмасди.

Герствуд ҳар қалай севгидан бутунлай маҳрум бўлмаганман-ку, деб ўзига тасалли берарди. Уйдагилар билганларини қилишаверсин, унинг эса Керриси бор! У шундай пайтларда хаёлан Огден-скверга бориб қоларди. Бу ерда бир қанча оқшомларни мазза қилиб ўтказганидан Друэдан буткул қутулиб олсак ва Керри мени кечкурунлари бирорта шинамгина бошпанада кутса жуда зўр бўларди-да, деб ўйларди. Друэ менинг хотин, бола-чақали эканлигимни ҳеч қачон Керрига айтмайди, буни айгинига сабаб ҳам йўқ, деб ўзини юпатарди. Шу тариқа ҳаммаси силлиқ кетар, у бирор нарса юз беришини кутмасди. Тез орада у Керрини бир амаллаб гапига унатарди, ўшандан кейин ҳамма иш битиб, ялло қилиб юраверарди.

Герствуд театрга бирга борганларидан бери Керрига мунгазам равишда хат ёзадиган бўлиб қолганди. У ҳар кунини эрталаб Керрига битта мактуб жўнатиб, дарҳол жавобини юборишни ўтинарди. Герствудга адабий истеъдод насиб қилмаган бўлса ҳам ҳаётий тажрибаси ва кундан-кунга алангаланаётган муҳаббати мактубларига биров таъсирчанлик бахш этарди. У бу иш билан кабинетидан бемалол машғул бўла оларди. Бир қути монограмма-

ли¹ қизил ва хушбўй почта қоғози сотиб олиб, уни ёзув столининг тортмаларидан бирида сақларди. Дўстлари хат ёзишга киришиб кетган майхона бошқарувчисига қараб хайрон бўлишарди. Пештахта ёнида ишлайдиган бешта буфетчи хизмат тақозоси билан тез-тез қўлига қалам олиб турадиган бу одамни янада кўпроқ ҳурмат қила бошлашди.

Герствуднинг ўзи ҳам хатлари турна қатор бўлиб кетганидан хайратда эди. Одамнинг ҳамма ҳаракатларини бошқарадиган табиат қонунига кўра Герствуд ёзган мактубларнинг мазмуни ўзининг табиатида ҳам акс этиб турарди. Чиндан ҳам у қоғозда изҳор этган нозик ҳис-туйғулар қалбида ҳукмрон эди. Бу туйғулар мактубда ифодаланишга янги ибора топилгани сари мустаҳкамланиб ва кучайиб борарди. Хуллас, у ўзи қоғозда изҳор этган эзгу рухий ҳолатлар ҳукмида эди. Шунинг учун ҳам хатида тилга олган муҳаббатга Керрини тўла муносиб деб биларди.

Керри агар ёшлик, латофат ва гўзаллик авжига чиққан пайтида бунга ҳуқуқ берадиган бўлса чиндан ҳам севилишга лойиқ эди. Турмуш уринишлари уни хали инсонни беаб турган рухий навкиронликдан махрум этишга улгурмаганди. Чиройли кўзларининг мулойим боқишлари хали умидсизлик туйғуси унга бегона эканлигини ифодалаб турарди. Керрининг кўнгли нотинчланган, зериккан ва шубҳаларга борган пайтлари рўй берган бўлсада, улар қарашлари ўйчан ва тилга эҳтиёткор бўлиб қолганини ҳисобга олмаганда қалбида айтарли чуқур из қолдирмаганди. Керри гапираётганда ёки жим турганда лаблари гоҳо шундай қимтиниб кетардики, бундан у аламидан йиғлаб юборгудай кўринарди. У шунчаки баъзи сўзларни талаффуз қилганида ҳам оғзи уни аянчли кўрсатар, ана шунисида одамга таъсир қиладиган нимадир бор эди.

Керрининг ўзини тутишларида ваҳимали бирон нарса кўринмасди. Турмуш уни сўзи ўткир бўлишга ва кўп аёлларнинг кучини ўзида пинҳон тутган таманноликка ўргатганди. У кимнингдир меҳрибончилиги ва парвона бўлишига зор бўлса ҳам бу бирор иш қилдирадиган даражада кучли эмасди. Ҳали ҳам ўз кучига ишона олмаса-да, турмушда у-буларга тўкнаш келганидан илгаригидай тортинчоқ эмасди.

¹ М о н о г р а м м а — исм ва фамилиянинг бош ҳарфларидан ҳатиб тузилган гулдор ёзув.

Керри ўйин-кулгига ташна бўлиб, кўпчилик орасида танилишни истар, бироқ бунда қандоқ бўларкин деган гапни сира хаёлига келтирмасди.

Керри сезгилар оламига келганда кутилган даражада таъсирчан қалб эгаси эди. Шу чокқача кўрган нарсаларининг кўпчилиги уни жуда маъюслантириб, барча заиф ва ожиз кимсаларга раҳмини келтирарди. У ранги заъфарон, усти боши жулдур, мусибатдан гангиб, ноумид холда кўчаларда юрган кишиларни ёинки кечқурунлари ишдан шоша-пиша уйларига ҳарс-ҳарс қилиб кетаётганларида деразасининг олдида кўриниб қолган кийимлари хароб ишчи аёлларни кўрганида юрак-бағри эзилиб кетарди. Шунда лабини тишлаб, бошини маъюс чайқар ва ўйга чўмиб қоларди.

«Булар ҳеч рўшнолик кўрмай ўтишяпти!» — деб ўйларди Керри. — Камбағал ва хароб бўлиш нақадар оғир!» Керри эски-тускиларни кўрганда жуда ҳам эзилиб кетарди.

«Бунинг устига ишлари ҳам жуда оғир!» — деб қўшиб қўярди ичида.

Керри кўчада кўпинча эркаклар қандай ишлашларини томоша қиларди. Оғир чўкичли ирландлар, баҳайбат белкурак кўтарган кўмир ташувчилар, жисмоний куч талаб қилувчи иш билан банд бўлган ишчиларни кўрганда жуда таъсирланарди. Хозирда бекорчи бўлганидан оғир меҳнат кўзига илгари ишлаб юрган пайтидагидан ҳам даҳшатли туюларди. Деразадан гоҳо-гоҳо кўриниб қоладиган бирон кимсанинг башараси ҳамма ёғи тегирмон тошидан чиққан ундан оппоқ бўлиб кетган чол отасини эслатарди. Болғачасини жон-жаҳди билан ишлатаётган косиб, устахона ертўласининг энсиз деразасидан кўриниб турган мисгарлар, дастгоҳ олдида енг шимариб, пиджаксиз ишлаётган чилангар — кўйинг-чи ҳамма-ҳаммаси эсига эски тегирмонни тушириб турарди. У камданкам дилидаги фикрларини овоз чиқариб айтар, бироқ улар ҳам мунгли бўларди. Унинг бутун кўнгли захматкашлар томонида бўлиб, ўзи яқиндагина улар орасидан чиқиб келганидан дилларида нималар борлигини яхши биларди-да.

Герствуд ўзи севиб қолган ёшгина аёлнинг қалбини қанчалик майин ва нозик туйғулар забт этаётганидан беҳабар эди. Керридаги худди ана шу фазилат ўзини мафтун қилаётганини эса сезмасди. У ҳеч қачон сезгиларининг тагига етишга интилмасди. У Керрининг қараш-

ларида меҳр, ҳаракатларида латофат, фикрларида яхшилик ва ҳаётга ишончни сезиб турса бас эди. Керри бами-соли нилуфар бўлса, Герствуд ана шу гулга мафтун, нилуфар эса ўзининг сарғиш латофатини ва хушбўй исини Герствуд ҳеч қачон тушмаган сув тубидан оларди. У ана шу гул чиройли ва янги очилган бўлгани учун унга интилар, гул эса унда энг ажиб хислар уйғотиб, субҳидам онларини безарди.

Керри жисмоний жихатдан ҳам улғаярди. Унинг характерларидаги бесўнақайликлар деярли йўқолиб, ажиб назокат янглиғ сезилар-сезилмас из қолдирганди. Баланд пошнали мўъжазгина туфлиси оёғига жуда ярашиб тушганди. Керри аёл кишини чиройли кўрсатишда катта роль ўйнайдиган майда-чуйда нарсаларнинг жуда фарқига етарди. У сал тўлишган, гўзал қомати бир оз дўмбоқ кўринарди.

Керри бир куни эрталаб Герствуддан мактуб олди. Герствуд унда Монро-стритдаги Жефферсон-паркда учрашишни илтимос қилганди. У энди Друэ уйдалигида Керрининг олдига боришни ноқулай ҳисобларди.

Герствуд эртасига роппа-роса соат ўнда мўъжазгина паркка келиб, йўлкалардан бирини ўраб турган ям-яшил сирень тагидаги бўш скамейкани танлади. Йилнинг бу фаслида баҳор латофати ва жозибаси ҳали кетмаган эди. Сал наридаги кичкина ҳовуз бўйида ўйнаётган болалар оқ елканли қайиқчаларини суздиришади. Яшил соябон тагида эса ҳамма тугмалари қадалган тартиблар нозири турарди. У қўлларини кўкрагида чоғиштириб турар, белида тўкмоғи кўринарди. Кекса боғбон ўтлоқ олдида баҳайбат қайчиси билан қандайдир буталарни текислаб юрарди. Тенада, бош узра ложувард осмон жилва қилар, дов-дарахтларнинг қалин япроқлари орасида тинмагур чумчуқлар шохдан шохга сакраб, чирқиллашарди.

Герствуд уйидан кўндан буён қалбини кемириб юрган алам ҳисси билан чиққанди. Бугун хат ёзишига ҳожат қолмаганидан майхонада бир оз лақиллаб юрди. Бироқ паркка кўнгилсиз нарсаларни тезда унутиб юборадиган одамлардек юраги енгил тортиб келди. У сиреннинг оромбахш салқинида ўтираркан, теварак-атрофига ошиқдай разм соларди. Олисдаги чекка кўчаларда аравалар тарақа-туруқ қилаётганини эшитар, бироқ улкан шаҳарнинг бу шовқини қулоғига аранг чалинар, ногаҳон даранглаб қолган кўнғироқчалар овози эса қулоғига музикадек эшитиларди. Герствуд теварак-атрофига тикилиб,

хозирги ахволига мутлақо алоқадор бўлмаган орзуларга бериларди. У ёшлигини, бўйдоқ бўлиб дориломон юрган найтларини эслади. Таниш қизлар билан учрашганларини, улар билан роса ўйинга тушиб, уйларига кузатиб қўйганларини ва эшикнинг нариги ёғида туриб гап сотишганларини эслади. Унинг яна ёш бўлгиси келди, нега деганда ҳозирда ўзини янада эркин сезаётганидан кўнглида шундай истак туғилганди.

Соат иккида йўлкада Керри кўринди. Унинг ёноқлари лола ранг, ранги тоза эди. Керри яқиндагина соявони катта оқ холли мовий ипакдан лентаси бўлган чиройли шляпа сотиб олганди. Юбкаси чиройли кўк мовутдан тикилган, устида оқ кўйлак, билинар-билинемас кўк йўли бор эди. Оёғида чиройли жигар ранг туфли, кўлига эса кўлқопини ушлаб олганди.

Герствуд унга завқ билан тикилиб турарди.

— Келдингизми, жонгинам! — хитоб қилди у.

Герствуд унга пешвоз чиқиб, кўлтиғидан олди.

— Бўлмаса-чи, албатта! — Керри жилмайиб жавоб берди. — Нима, мени келмайди деб ўйловдингизми?

— Ишонмовдим, — жавоб берди Герствуд.

Герствуд Керрининг тез юрганидан терлаган пешанасига қаради-да, чўнтағидан атир сепилган майин ипак дастрўмолини олиб, чаккасини авайлаб артди.

— Мана энди ҳаммаси жойида! — деди у мулойимлик билан.

Улар бирга бўлиб, бир-бирларининг кўзларига тикилаётганларидан бахтиёр эдилар. Герствуд ниҳоят ўзини сал босиб олганидан кейин сўради:

— Чарли қачон жўнайди?

— Билмайман, — жавоб берди Керри. — Бу ерда қандайдир ишларим бор деяпти.

Герствуднинг сал ковоғи тушиб, чуқур ўйга толди. Орадан бироз вақт ўтгач, бошини кўтариб деди:

— Уни ташлаб кетинг!

Герствуд хозирги таклифи гўё оламдаги энг оддий нарса бўлгандай, болалар ўйнашаётган томонга ўгирилиб олди.

— Қаёққа кетаман? — деди Керри унинг гапига жавобан кўлқопини ўйнаб.

— Қаерда туришни истардингиз? — сўради Герствуд.

Герствуднинг овозидаги нимадир Керрини Чикагода энди турмайман деган маънода гап айтишга ундади.

— Биз бу ерда қололмаймиз, — деди у.

Герствуд гапнинг бунақа бўлишини сира ўйламаган, бирор ёққа жўнаб кетиш зарурлиги етти ухлаб тушига ҳам кирмаганди.

— Нега энди? — деб сўради у мулойимгина қилиб.

— О, чунки... мен истамайман.

Герствуд унинг сўзларини эшитаркан, сўзларининг маъносини аранг илғарди. Керрининг овози унча жиддий чиқмас, саволлари ҳам шошилишч жавоб талаб қилмасди.

— Унда мен жойимдан воз кечишим керак, — деди у.

Герствуд гапини шунақанги охангда гапирдики, бундан иши ўзига унча қадрли эмас экан-да, деб ўйласа бўларди.

Керри чурқ этмай паркни томоша қиларди.

— Мен у билан Чикагода, бир шаҳарда туришни истамайман, — деб қўйди Керри Друэни кўзда тутиб.

— Чикаго — улкан шаҳар, жонгинам! — деди Герствуд. — Унинг Жанубий томонига кўчиб ўтсангиз гўё Американинг бошқа қисмига ўтиб қолгандай бўласиз.

Герствуд афтидан Жанубий томонни мўлжаллаб қўйганга ўхшарди.

— Нимаики бўлганда ҳам, — деди Керри, — у шу ерда экан эрга тегишни истамайман. Мен ундан қочмоқчи эмасман.

Керрининг эрга тегишни тилга олиши Герствудга зарба бўлди. Керрининг нимага интилаётгани аниқ-равшан бўлганидан бу масалага чап бериш мушкуллигини тупунди. Шунда бир лаҳза хотинни иккита қилсам нима бўларкин деган фикр ҳам хаёлига келди. Бунинг охири нима билан тугагини тасаввур қилолмаса ҳам ҳозирда фақат Керрига бўлган ҳурматини айтмаганда унга яқин боришда бир қадам ҳам олдинга силжимамай жойида турганлигини ўйларди.

Герствуд Керрига қараганди, у кўзига янада зўр кўришиб кетди. Гарчи бу ишнинг охири балоларга дучор қилса ҳам унинг севгилиси бўлиш нақадар бахт! Унинг кўз ўнгида Керрининг қаршилиги тобора ортиб борарди. Энди бу аёлни қўлга киритмоқ учун курашмоқ зарур, бунинг айрича роҳати ҳам ана шунда. Керри ҳамманинг бўйнига осилиб оладиган аёлларга мутлақо ўхшамайди! Герствуд бу хотинларни хаёлига келтирганидан жирканиб кетди.

— Демак, сиз унинг қачон жўнаб кетишини билмай-сизми? — Герствуд хотиржамлик билан сўради.

Керри бош чайқади.

Герствуд хўрсиниб қўйди.

— Сиз бир сўзли аёлсиз-а, Керри, тўғрими? — деди Герствуд пичадан кейин унинг кўзларига қаттиқ тикилиб.

Керри илиқ ҳислар оғушида қолди. У ҳозирги дамда Герствуд севиб қолганидан мағрурланар ва кўнглини овлаганидан чуқур миннатдор ҳам эди.

— Билмасам, — Керри тортинибгина жавоб берди. — Қани айтинг-чи, сизнингча мен нима қилишим керак?

Герствуд қўлини сиқиб, яна ўтлоқлар оша олис-олисларга нигоҳ таплади.

— Уни ташлаб мен билан бўлсангиз дейман, — деди Герствуд. — Мен сизсиз туролмайман. Кутишдан нима фойда? Бундан одам бахтлироқ бўлмайди-ку.

— Бахтлироқ-а! — Керри охиста такрорлади. — Бўлмаслигини ўзингиз биласиз-ку.

— Худди шундай, — Герствуд давом этди, — биз вақтни беҳуда ўтказаямиз. Шунинг билангиз, сизнинг бахтсизлигингизни била туриб, мен бахтли бўлолмайман. Куним асосан сизга мактуб ёзиш билан ўтади. Менга қаранг, Керри, — деди Герствуд бор эҳтиросини овозига жо қилиб ва унга қаттиқ тикилиб, — мен сизсиз туролмайман, вассалом! Энди айтинг, нима қилай! — у силлиқ ва ошноқ кўлларини ожизона ёзиб гашини тамомлади.

Герствуд бу ёғини ўзингиз ҳал қил деб бутун оғирликни ўзидан соқит қилгани Керрига ёқарди. Бу жуда унчалик катта гап бўлмаса ҳар қалай аёл қалбини бўшаштириб юборганди.

— Яна бир оз сабр қилиб туролмайсизми? — Керри мулоғимгина қилиб сўради. — Мен унинг қачон кетишини билишга уриниб кўраман.

— Бундан нима фойда?! — Герствуд айтганида қаттиқ туриб хитоб қилди.

— Эҳтимол у ёк-бу ёкка жўнаб кетишимиз мумкин бўлар.

Очигини айтганда вазият Керрига очиқ-равшан бўлмаса ҳам руҳида аёл киши севги туфайли эркакка ён беришидаги бўладиган ўзгариш аста-секин рўй берарди.

Герствуд бунини тушунмасди. У ҳозирги дамда Керрини қандай қилиб Друэни ташлаб кетишга унатсамикин, деб ўйларди. Керри мени севса ҳам кўнглида борини айтолмай қийналяпти, деб ўйлаганидан, унга бир савол

берайки, бу унинг юрагини очишга мажбур этсин, дерди Герствуд ўзига ўзи ичида.

Герствуд ниҳоят гап очиб, кўнгилдаги чинакам истаклар пинҳон тутилса ҳам олдимизда турган тўсиқларни аниқлаб олишимиз керак, бу ундан чиқиб кетиш йўлини топиб олишга ёрдам бериши мумкин, деди. Унинг тилига келган сўзлар кўнгилдаги нияти меваси бўлмай, оғзидан чиқиб кетган гап эди.

— Керри, — Герствуд Керридан сира кўз узмай гапираркан овозидаги жиддий кўнгилдаги туйғуларига мутлақо монанд эмас, — Керри, агар мен айтайлик келаси ҳафтадами ёки ҳаттоки шу ҳафтадами — ақалли бугунми олдингизга келиб, мен жўнаб кетишим керак, бу ерда бир дақиқа ҳам қололмайман ва бошқа қайтиб келмайман, десам кетимдан эргаширингиз?

Герствуднинг маҳбубаси садоқат барқ уриб турган кўзларини унга қаратаркан жавоби ёри гапини тугатмасданок тайёр бўлганди.

— Ҳа, — деди у.

— Тортишиб, мени бу йўлдан қайтариб ўтирмасдингизми? — бўш келмади Герствуд.

— Кутишга бардошингиз етмасмиди? Йўқ, йўлдан қайтармасдим!

Герствуд сўзларини Керри жиддий равишда тинглаганини тушуниб жилмайди. Хаёлига ҳадеб Керри билан бир ёки икки ҳафтани мазза килиб ўтказиш мумкинлиги келаверди. Шу пайтда ҳазиллашувдим деб Керрининг тарвузини кўлтиғидан тушириш фикри хаёлига ярқ этиб келди-ю, бироқ маҳбубаси ўшал лахзада жуда ҳам ширин эди-да. Йўқ, Герствуд унинг кўнглини чўктириб ўтирмади.

— Бу ерда никоҳдан ўтишга мабодо вақтимиз зиклик қилса-чи? — Герствуд хаёлига лоп этиб келган фикрдан кейин кўшиб кўйди.

— Агар никоҳдан ўтсак кўзлаган жойимизга боришимиз биланок ҳаммаси жойида бўлади.

— Мен ҳам худди шундай деб ўйловдим, — деди Герствуд.

— Ишонаман.

Бу кун Герствудга янада чароғон ва қувончли кўринарди.

У, хаёлимга бу фикр қайдан келиб қолди, деб беихтиёр равишда ўзидан ўзи сўрарди. Бу фикр амалга ошмайдиган бўлса ҳам жуда бопта келиб қолганидан Гер-

ствуд лаб-лунжини ҳеч йиғинтириб ололмасди. Бу фикр Керри уни севишини очик-ойдин кўрсатди. Бунга унинг сира ҳам шубҳаси қолмаганди. Герствуд уни қўлга олиш йўлини топмай қўймайди!

— Яхши, — деди Герствуд ҳазилнамо қилиб, яқин оқшомлардан бирида келиб, сизни олиб кетаман.

У шундай дея эшилиб қулди.

— Никоҳдан ўтмасак сиз билан бирга қололмайман-да, — деб қўйди Керри ўйчан ҳолда.

— Мен тикилинч қилиб ўтирмасдим, — Герствуд мулоғимлик билан шундай дея Керрини қўлтиғидан олди.

Энди ҳамма нарса аниқ-равшан бўлганидан кейин Керри ўзини бениҳоя бахтли сезарди. У Герствудни ўзининг халоскори ўрнида кўриб, янада қаттиқроқ севиб қолди. Унинг хушторига келганда эса уйланиш масаласи унчалик ташвишлантирмасди. Герствуд фақат мухаббат шунчалар кучли бўлганда келгусидаги бахтимга ҳеч нарса раҳна солмаслиги керак, деб ўйларди.

— Юринг, айланамиз, — деб таклиф қилди Герствуд ўрнидан туриб, паркка бошдан-оёқ кўз ташларкан.

— Жоним билан! — деди Керри ҳам.

Улар қандайдир бир ёш ирландияликнинг ёнидан ўтиб кетишди. Ирландиялик эса уларга ҳавас билан қарарди.

«Бир-бирларига хўп муносиб эканлар-да! Жуда бой бўлишса ҳам керак...» — деб қўйди у ичида.

XVI б о б

ГАНГИГАН АЛОВИДДИН. ОЛАМ ДАРВОЗАСИ

Друэ Чикагода охириги сафар бўлганида ўзи ҳам аъзоси хисобланган махфий жамиятга бир оз вақтини бермокчи бўлди. Наинки йўлдалигида жамиятининг қудратини кўрсатувчи янги далилни ўз қулоғи билан эшитганди.

«Масон бўлиш қанчалик фойдали эканини билмай-сиз! — деди бир коммивояжер суҳбатлашиб қолганларида. — Газенштабни қаранг! Осмондаги юлдузни уза олмайди, холос. Тўғри, у йирик фирманинг вакили, бироқ бунинг ўзи етарли эмас-да. Гапимга ишонаверинг, бунда ҳамма гап унинг жамиятдаги мавқеи баландлигида. У энг таникли масонлардан бири, бу эса жуда катта

гап. Унинг махфий белгиси ҳам бор — у хазилакам нарса эмас».

Друэ ўша захоти бундан буён масонлар жамиятига кўпроқ эътибор беришга аҳд қилди. Шу ваздан Чикагога келиши биланоқ жамиятнинг асосий квартирасига йўл олди.

— Сизга айтсам, Друэ, жуда вақтида келдингиз-да! — деди жамият маҳаллий бўлимнинг таниқли аъзоларидан мистер Гарри Квинсел. — Бизга жуда ҳам кераксиз.

Улар масонларнинг амалий масалаларни кўрган мажлиси ҳозиргина тугаган клубда гаплашаётганларидан залдан хали ҳам шовқин-сурон келиб турарди. Друэ бир жойдан иккинчисига ўтиб, ўнларча танишлари билан хазил-хузил қилиб, сўрашиб кўярди.

— Қанақа ишингиз бор эди? — деб сўради ҳамжамият биродаридан мулойимлик билан.

— Биз икки ҳафтадан кейин спектакль кўрсатмоқчимиз. Унда иштирок этишга рози бўладиган ёшроқ аёллардан танишингиз йўқми? Роли жуда енгил.

— Албатта, топилади! — жавоб берди Друэ.

У ҳатто бу томошага тортса бўладиган бирорта таниш аёли йўқлигини ҳам ўйлаб кўрмаганди. Шунчаки туғма очик кўнгиллигидан ижобий жавоб бериб юбора қолганди.

— Бўлмаса, кулоқ солинг, сизга гап нимадалигини айтиб берай, — деди мистер Квинсел гапида давом этиб. — Биз жамиятимиз бўлими учун янги мебель олишимиз керак, кассада эса пулимиз камроқ. Шундан кейин спектакль қўйиб пул топсак бўлар, деган фикрга келдик.

— Бўлмаса-чи, албатта! — Друэ унинг гапига қўшилди. — Ажойиб фикр.

— Бизнинг бир неча истеъдодли ёш йигитларимиз бор. Масалан, Гарри Бэрбекни олсак — негрларнинг нақ ўзи бўлади. Мак-Люис унчалик ёмон трагик эмас. Сиз унинг «Тепаликлар устида»ни ўқиганини ҳеч эшитганмисиз?

— Йўқ, эшитмаганман.

— Бўлмаса гапимга ишонаверинг, зўр ўқийди!

— Энди спектаклда қатнашиш учун аёл киши топиб беришимни истаяпсизми? — деб сўради Друэ. Бу суҳбат жонига текканидан хамсуҳбатидан бир амаллаб қутулмоқчи эди. — Нимани кўясизлар?

— «Чироқлар остида»ни, — мистер Квинсел Августин Дэйлининг асарларидан бирининг номини айтди.

Бу машхур асар сахналарда катта муваффақият қозо-

ниб, ҳаваскорлар репертуаридан жой олишга улгурган, бунинг устига оғир жойлари қисқартирилиб, унда қатнашувчи персонажлар ҳам анчагина камайтирилганди. Друэ бир вақтлар бу пьесани кўрганди.

— Жуда яхши нарса! — Друэ маъқуллади. — У муваффақият қозониши керак. Пулни ҳам роса ишлаб оласиз.

— Биз ҳам пьесанинг муваффақият қозонишига ишонамиз, — деди мистер Квинсел. — Хушёр бўлинг, Лаура ролига бирорта одамни топиш хаёлингиздан чиқмасин, — у Друэ сал шошилаётганини сездираётгани учун гапини тугатиб қўя қолди.

— Хотиржам бўлинг! Бунинг эвини қиламан.

Квинсел жим бўлиши биланоқ Друэ ҳам унинг гапини эсидан чиқарганча кетаверди. У ҳатто снектакль қачон ва қаерда қўйилишини ҳам сўраб ўтирмади.

Шундай бўлса ҳам Друэ орадан бир ёки икки кун ўтгач, хат шаклида келган эслатма олди. Унда «Чироқлар остида» пьесасининг биринчи репетицияси жума кунига белгиланганлиги хабар қилиниб, мистер Друэдан ролни тезроқ топшириш учун танишининг адресини билдириш илтимос этилганди.

— Оббо дардисар-э! — деб юборди ёш коммивояжер.

«Танишларимдан қайси бири бундай ролга яраркин? — деб ўйларди у қизғиш кулоғини қашлаб. — Мен ҳаваскорлар спектаклига тиши ўтадиган биронта одамни танитайман-ку».

У таниш аёлларини бирма-бир хаёлидан ўтказиб, биттасини танлади. Нега деганда у якинроқда, Чикагонинг Фарбий тарафида турарди. Друэ ўша куни уйдан чиқиб, олдин уникига бормоқчи бўлди. Бироқ кўчага чиқиб, конкага тушиши биланоқ бу гап хаёлидан кўтарилди. Бунини «Ивнинг ньюс»даги кичкина мақолага кўзи тушиб қолгандан кейин эслади. Мақолада масонларнинг маҳаллий бўлими ўн олтинчи куни Эвери-холлда спектакль кўрсатиши, чунончи «Чироқлар остида» пьесаси кўрсатилажаги хабар қилинганди.

— Ана холос! — хитоб қилди Друэ. — Яна эсдан чиқарибман!

— Нима гап? — Керри қизиқиб қолди.

Улар кўчма газ плитаси бўлган хонадаги мўъжазгина стол ёнида ўтиришарди. Керри гоҳ-гоҳ уйда овқат қиларди, шу куни кечки овқат тайёрлашни кўнгилдан ўтказганди.

— Манави — менинг масонлар бўлимимдаги спектаклни айтяпман-да! Улар пьеса қўйишаётганидан мендан аёл роли учун битта одам топиб беришимни илтимос қилишгапти.

— Улар нимани қўйишмоқчи?

— «Чироқлар остида»ни.

— Қачон?

— Ўн олтинчида.

— Нега энди уларнинг илтимосини бажармадинг? — сўради Керри.

Чунки ҳеч кимни билмайман-да, — иқрор бўлди Друэ.

У бирдан бошини кўтариб, Керрига қаради.

— Менга қара, — деди у, — ана шу ролни сенга олиб берайми?

— Менга? — ҳайрон бўлди Керри. — Бу иш сира ҳам қўлимдан келмайди-ку!

— Қўлингдан келмаслигини қаёқдан билардинг? — Друэ ўйчан гапириб қўйди.

— Мен ҳеч қачон ўйнамаганман-да, — жавоб берди Керри.

Шунда ҳам Друэ уни ўйлагани Керрига ёқарди. Шунинг учун ҳам Керри ҳозирда терисига сиғмай кетган, нега деганда сахна санъатини оламдаги ҳамма нарсадан ҳам яхши кўрарди.

Друэ бўлса ўз табиатига кўра мушкул аҳволдан осон кутулиш учун ана шу фикрга маҳкам ёпишиб олганди.

— Арзимаган нарса! — деди у. — Сен ролни қотириб ташлайсан!

— Йўғе, менга йўл бўлсин! — Керри базўр эътироз билдирди.

Друэнинг таклифи уни қизиқтирар, ҳам ваҳимага соларди.

— Мен эплайсан, деяпман-ку! Бир уриниб кўрсанг нима қилади? Уларни оғир аҳволдан қутқарасан, ўзинг ҳам бир яйраб оласан.

— Йў-к, бунда яйрай олмасам керак, — эътироз билдирди Керри.

— О, сенга бу ёқиб қолади! — Друэ гапида маҳкам эди. — Ёқишига ишонаман. Ойна олдида ўралашиб, манаман деган артистларга ўхшамоқчи бўлганингни кўп кўрганман. Шунинг учун ҳам бу ролни сенга таклиф қилдим. Етарли даражада пишпиксан ҳам.

— Мен умуман пишиқ эмасман, — деб қўйди Керри тортинибгина.

— Бўлмаса бундай қил: бориб, иш қанақа кетаётганини кўр. Бу сенга қизиқарли бўлади. Бошқа ижрочилар ҳеч нарсага арзимаса керак. Уларда тажриба деган нарсанинг ўзи йўқ. Улар театр санъатида нимани ҳам тушунарди!

Друэ бу одамларнинг нақадар нодонликларини ўйлаганда ҳатто қовоғи солиниб кетди.

— Менга қахвадан қуй, — деб қўйди Друэ.

— Бу иш қўлимдан келмайди, Чарли! — Керри ҳам бўш келмасди. — Нахотки, буни жиддий айтаётган бўлсанг?

— Албатта, жиддий гапиряпман, — жавоб берди Друэ. — Ҳаттоки заррача шубҳа ҳам қилмайман. Муваффақият қозонишингга аминман. Сен қатнашини хоҳлаб турибсан, биламан! Бунинг дарҳол кўнглимдан ўтказганман. Шунинг учун ҳам сенга таклиф қилдим-да.

— Нимани қўйишмоқчи девдинг?

— «Чироклар остида»ни.

— Менга қанақа роль беришмоқчи?

— Чамамда, қахрамонлардан бирини, — жавоб берди Друэ. — Ростини айтсам, аниқ билмайман.

— Пьесада нима бўлади ўзи?

— Ҳим, сенга айтсам, — бунақа нарсалар эсида турмаганидан аранг гапира бошлади, — унда бир қиз бўлади, уни жинойтчилар ўғирлашади. Улар бир эркак ва бир хотин бўлиб, вайронада туришади. Қизнинг пули бўлади шекилли... Шунга ўхшаш гаплар, ўша одамлар уни тунашмоқчи бўлишади. У ёғи нима бўлиши яхши эсимда йўқ.

— Мен қандай роль ўйнашим кераклигини билмайсанми? — Керри яна сўради.

— Йўқ, очигини айтсам, билмайман.

Друэ бир дақиқа ўйга толди.

— Тўхта, эсладим! — Друэ бақириб юборди. — Лаура! Ҳа, ҳа, сен Лаура бўлиб чиқасан!

— Эхтимол, Лауранинг роли қанақалигини ҳам эсларсанг? — деди Керри синчиклаб.

— Ўлай агар, Кэд, эслолмайман! — жавоб берди у. — Ўзи эслаб қолишим керак эди. Мен бу пьесани бир печа марта кўрганман! Унда ҳамма галва битта қизнинг тепасида бўлади: уни чақалоклигида ўғирлаб кетишади (адашмасам, уни тўппа-тўғри кўчадан ўғирлашади), кей-

ин эса мен сенга айтган ўша иккита дайди унинг изига тушишади.

У вилкада пирогнинг катта бўлагини ушлаганича жим колди.

— Қизнинг бир марта чўкиб кетишига сал қолади... — Друэ орадан пича ўтгач, гапида давом этди. — Йўқ, дарвоқе, бундай эмас... Менга қара, — деди қўлини умидсиз холда силкиб, — сенга шу пьесани топиб бераман, хозир ҳеч нарса эсимга келмаяпти.

— Ха, мен ҳам, рости нима қилишни билмай колдим, — деди Керри унинг гапини эшитиб.

Унинг калбида театрга қизиқиш билан сахнада доғ чикариш истаги туғма тортинчоклиги ва уятчанлиги билан олишарди.

— Майли, — қўшимча қилди Керри, — бундан бирон иш чиқади, деб ўйлаётган бўлсанг ўша ерга бора қолай.

— Бўлмаса-чи, чиқади! — Друэ унинг гапини илиб кетди.

Друэ Керрини қизиқтираман деб ўзи ҳам қизиқиб колганди.

— Нахотки, мени муваффақият қозонишингга ишонмай туриб, бу ишга ундаяпти, деб ўйласанг? Сенинг жуда қобилиятли эканингга ишонаман. Бундан фақат фойда қиласан, холос.

— У ерга қачон борай? — ўйчан сўради Керри.

— Биринчи репетиция жума куни кечқурун бўлади, — деди Друэ. — Бугуноқ ролингнинг текстини топиб бераман.

— Яхши, — деб қўйди Керри унинг гапини олгандай кўриниб. — Бир ҳаракат қилиб кўраман. Аммо билиб қўй, чатоғим чикса айб сенда.

— Ҳеч чатоғинг чикмайди, — деди Друэ уни ишонтириб. — Бу ерда хазиллашиб нималар қилган бўлсанг сахнада ҳам ўзингни шундай тут. Ўзингни йўқотма. О, сен қойил қиласан! Сендан ажойиб актриса чиқади, деган гаплар кўп марта хаёлимга келган.

— Ростми? — типирчилаб сўради Керри.

— Албатта, рост-да! — деди Друэ гапини тасдиқлаб.

Друэ шу окшом уйдан чиқиб кетаркан ичкарида қолаётган аёл кўксига қандай аланга ёкиб қўйганидан ғофил эди. Керри ажойиб драматик талантнинг гарови бўлган ҳар нарсани ўзига яқин оладиган ва раҳмдилликка мойил калб эгаси эди. Анча босиқлиги билан бошқалардан

ажралиб турганидан теварак-атрофида рўй бераётган нарсалар унинг назаридан четда қолмасди. Шунингдек, кўрган ва эшитган ҳамма нарсаларига тақлид қилиш қобилияти ҳам бор эди. Тажриба-тажриба деган нарсаси бўлмаса ҳам, ойна олдида туриб ўзи бир вақтлар кўрган драматик асарлардаги жойларни қайтарар, бирор кўринишдаги ижрочиларнинг худди ўзи бўларди. У сахна кахрамонларининг барчага мақбул овозларига ўхшатиб гапиришни яхши кўрар, ўзига маъқул келиб қолган таъсирли монологларни такрор ўқирди. У кейинги пайтларда талай яхши пьесаларда гўзал ижро этилган аёл ролларини кўп кўрганлигидан кўнглида уларнинг ҳаракатлари ва мимикаларига тақлид қилиш ҳаваси уйғонган дамлар ҳам бўлганди. Уйда ёлғиз қолди дегунча вақтини ана шулар билан ўтказарди. Друэ шунақа пайтларда уни кўп марта кўриб қолган бўлса ҳам ўзини ойнага соляпти, деган ҳаёлга бориб қўя қолганди. Амалда эса Керри ёки бу ролда кўринган ижрочининг туриши, ёки ҳаракатларини такрорлашга уринаётган бўларди. Керри ўшандай пайтларда Друэнинг ҳазилнамо танбехларини эшитганида ўзини ҳам таманноликда айблаб кўярди, амалда эса бу кўрилган нарсаларни такрорлашга мойил бўлган артистона қалбнинг уч бериши эди. Драматик санъатнинг негизи ҳаётни ифодалашдаги ана шундай интилишларда яширинлиги ҳаммага маълум бўлса керак.

Керри ҳозирда Друэдан драматик қобилияти шаънига мақтов эшитаркан юраги кинидан чиқиб кетай дерди. Унинг сўзлари металлнинг айрим зарраларини бир бутун қилиб пайвандлаётган олов сингари гарчи ҳеч қачон борлигига ишонмаса ҳам қобилияти ҳақида ўйлаб қолганларида юрагида ҳосил бўлган увода ҳисларни яхлитлаштирар ва кўлингдан иш келади дегандай умидвор қиларди.

Ҳамма одамлар сингари Керрида ҳам ўзбилармонликдан жиндай бор эди. Агарда имкони туғилиб қоладиган бўлса кўп ишлар қила олишига ишонарди. Сахнадаги ясан-тусан қилиб олган актрисаларни ҳар сафар кўрганида, қани энди уларнинг ўрнида бўлсам, бир хумордан чиқардим-да, деб ўйларди. Таъсирчан сахналар, ёритгувчи чироқлар, олқишлар аста-секин қалбини забт этганидан у пировардида сахнада ўйнаш ўзимнинг ҳам кўлимдан келади ва бу қобилиятим билан ҳаммага танила оламан, деб ҳаёл қила бошлаганди. Мапа энди эса уни, сахнада ўйнаш чиндан ҳам кўлингдан келади, ойна ол-

дида бошқаларга ўхшайман деб уриниб юрганларингни кўрганимдаёқ қобилиятинг борлигига ишонишга мажбур бўлганман, деб қийин-қистовга олаётган одам топилганди. Керри шунинг учун ҳам ўзида йўқ хурсанд эди.

Керри Друэ уйдан чиқиб кетгандан кейин дераза олдидаги тебратма стулга ўтириб ўйга толди. Хаёлидан ўтаётган нарсалар кўзига тамоман бўлакча кўринар, чунончи, замона зайли билан қўлига ўн беш цент тушгудай бўлса борми эллик минг долларли режа тузадигандай эди! Гўё ўзининг хаяжонли овозини эшитаётгандай бўлиб, ўнларча холатда бутун вужуди билан аламоқлигини ифода қилиб турганини тасаввур қиларди. Шохона, дабдабали ҳаётни тасвирловчи сахналар кўз ўнгидан бирмабир ўтарди. Ҳамма унга завқ билан тикилар, бошқа томонга қарайдиган одамнинг ўзи йўқ эди. Керри тебратма стулда чайқалиб ўтираркан, дам ташлаб кетилган аёлдай қаттиқ изтироб чекар, дам алданган мағрур қиздай дарғазаб бўлар, дам мағлубиятдан ғам-андухда қоларди. Хаёлидан ўзи бир замонлар сахнада кўрган гўзал аёллар ўтар, театрга алоқадор бўлган ва назари тушиб қолган ҳар қандай нарсалар соҳилга қайтган тўлқин янглиғ кетма-кет эсига тушаверарди. Шундан унинг қалбида реал имкониятлардан анча олис бўлган хислар ҳосил бўлиб, фикрлар ҳам туғилди.

Друэ шаҳарга боргандан кейин масонлар жамиятининг бўлимига кириб, мистер Квинсел билан тўқнашиб қолгунча залда савлат тўкиб айланиб юрди.

— Сиз бизга топиб бераман деган ёшгина жувон қани? — деб сўради мистер Квинсел ўша захоти.

— Уни аллақачон топиб қўйганман.

— Шундай денг! -- деб юборди мистер Квинсел ёш коммивояжернинг бунчалик тезкорлигидан ҳайратда қолиб. — Ажойиб! Менга унинг адресини беринг-чи.

У адрес бўйича ролнинг текстини дарҳол жўнатиш мақсадида чўнтагидан ёндафтар билан қалам олди.

— Сиз унга ролнинг текстини юбормоқчимисиз? — сўради Друэ.

— Албатта.

— Уни менга бера қолинг. Мен ҳар куни ўша хонимнинг уйи олдидан ўтаман.

— Маъқул, шундай бўлса ҳам унинг адресини айтинг. Агар унга бирор нарсани хабар қиладиган бўлиб қолсак асқотади.

— Огден-сквер, йигирма тўққизинчи уй.

— Хонимнинг исмлари нима? — деди Квинсел суриштиришини кўймай.

— Керри Маденда, — Друэ таваккалига айтди кўйди.

Бу ном хаёлига тасодифан келиб қолганди. Бу ерда Друэ масонлар бўлимида бўйдоқ сифатида танилганлигини ҳам айтиб ўтиш керак.

— Керри Маденда? — такрорлади мистер Квинсел. — Бу манаман деган артистнинг номидай эшитилади-я.

— Тўппа-тўғри! — Друэ унинг гапига кўшилди.

Друэ роль текстини олди-да, уйга келгандан кейин уни Керрига гўё оғирини енгил қилган одамдай узатди.

— Мистер Квинсел буни энг яхши роль деди. Нима дейсан, уни эплай олармикансан?

— Буни кўздан кечирмагунимча бир нарса дея олмайман, — жавоб берди Керри. — Сенга айтсам, бу машааханага хўп деб кўйдиму энди юрагим дов бермапти.

— Кўй-е! Нимасидан кўрқасан? Бутун трушанинг ўзи ҳеч нарсага арзимайди. Уларнинг нўноқ артист эканликларига ишонаман!

— Яхши, кўраимиз, — деди Керри.

У юраги бетламай турганлигига қарамай роль тексти кўлида турганлигидан хурсанд эди. Друэ бўлса кийина бошлади. Анчагача уйда ўралашиб, ниҳоят юрак ютиб, анча вақтдан бери ўзига тинчлик бермай юрган нарсадан оғиз очди.

— Айтгандай, улар программа чиқаришмоқчи экан, мен сени Керри Маденда деб юбордим. Бунга қаршимасман, Керри?

— Йўк, нега энди, — жавоб берди у.

Керри шундай бўлса ҳам хаёлига буниси ғалатирак бўлди-ку, деган фикр ялт этиб келганидан Друэга синчиклаб қараб кўйди.

— Бу ҳар эҳтимолга қарши... агар эплай олмасанг, — кўшиб кўйди Друэ.

— Албатта, албатта! — Керри Друэнинг бирдан бунчалик эҳтиёткор бўлиб қолганидан суюниб, унинг гапини маъкуллади.

— Сени хотиним деб айтгим келмади, негаки ролни эплай олмасанг жуда ноқулай аҳволда қолган бўлардинг. Шунда ҳам уни қойил қилишинга ишонаман. Нимаики бўлганда ҳам сен ўшаларнинг бирортаси билан кўришмайсан.

— О, менга барибир! — деди Керри бўш келмай.

У энди ана шу кизиқтирарли сохада кучини бир синаб кўришга қатъий аҳд қилганди.

Друэ енгил нафас олди. У гап уриниб келиб яна никоҳга тақалиб қолмасин, деб хавотир оларди.

Керри Лаура роли билан сал танишиб чиқиши биланок унинг нукул азоб ва йиғи-сиғидан иборат эканлигига ишонч ҳосил қилди. Асар муаллифи Августин Дэйли пьесани ўзи ижодини бошлаган йилларда авж олган мелодраманинг муқаддас анъаналари асосида яратган эди. Унда ҳамма-ҳаммаси — мунгли ҳолатлар ҳам, жўшқин музика ҳам ва узундан-узоқ изоҳли монологлар ҳам бор эди.

«Бечора! — Керри текстга кўз ташларкан хаяжонланганидан чўзиброқ ўқиди. — Мартин, унга кетмасидан олдин албатта бир стакан вино бер».

Керри ролнинг қисқалигидан хайрон бўлди. У бошқалар гапираётганда сахнада қолишини, бунда бекор турмай воқеа оқими ва бошқа артистларнинг ижросига мос ҳаракатлар қилишини билмасди.

«Эплайдиганга ўхшайман!» У пировардида шундай қарорга келди.

Друэ эртасига кечқурун уйга келганида Керрининг кун бўйи қилган ишидан мамнунлигини сизди.

— Хўш, ишларинг қалай кетяпти, Кэд? — деб сўради у.

— Жуда зўр! — Керри кулиб жавоб берди. — Менимча, ҳаммасини ёдлаб олганга ўхшайман.

— Мана буниси қойил! — деди Друэ. — Қани, жиндай эшитайлик-чи, — таклиф қилди у.

— О, ростини айтсам, билмайман!.. Бирдан ўрнимдан туриб бошлашни эплармикинман! — у торгинибгина жавоб берди.

— Нега энди йўқ бўлсин? — Друэ хайрон бўлди. — У ердан кўра бу ерда сенга осон бўлади.

— Бунисига ишнолмайман.

Кўйинг-чи, Керри баллар ўтадиган залдаги эпизодни танлаб, ролини зўр хаяжон билан ўқиб берди, Керри ролнинг руҳига киргани сари олдида Друэ борлиги хаёлидан кўтарила борарди.

— Яхши! — хитоб қилди Друэ. — Зўр! Ажойиб! Шунга айтиб қўяй: баракалла сенга, Керри!

У Керрининг ажойиб ижросидан ва қадди-қоматини ролга мувофиқ равишда аранг тутиб тургани ва ниҳоят ҳушдан кетиб йиқилишини кўриб эриб кетди. У дарҳол Керрини ердан узиб, шўх кулганича бағрига босди.

— Майиб бўлишдан кўркмайсанми? — сўради у.

— О, ҳечам-да!

— Сен чинакам мўъжизанинг ўзисан! Бунчалик ўрнига кўйишингни билмовдим!

— Менинг ўзим ҳам билмовдим! — Керри шўхчанлик билан шундай деркан завқидан қизариб кетганди.

— Ҳаммаси зўр чиқишига энди шубҳа қилмасанг ҳам бўлади! — деди Друэ. — Менинг гапимга ишонавер. Чатофинг чикмайди!

XVII б о б

ЭШИК ҚИЯ ОЧИЛДИ. КЎЗЛАРДАГИ УМИД УЧҚУНЛАРИ

Керри учун ғоят аҳамиятли бўлган бу спектаклга одамларнинг илгари мўлжал қилинганидан ҳам кўпроқ эътиборини тортишга қарор қилганди. Ёш ижрочи роль олган куннинг эртасига эрталаб Герствудга бу хусусда ёзиб юборди.

«Рост, буни жиддий айтяпман, — деб ёзганди у Герствуд буни ҳазилга йўймасин деб хавотир қилганидан. — Чин сўзим! Менинг хатто ролим бор-а!»

Герствуд бу сатрларни ўқиркан, такаббуруна кулиб кўйди. «Бундан нима чиқаркин, кўрайлик-чи! Албатта бориб кўриш керак!» — у ўзича шундай қарорга келиб, ўша заҳоти, сизнинг муваффақият қозонишингизга заррача шубҳа қилмайман, деб жавоб ёзди.

«Эртага эрталаб албатта паркка келиб, менга ҳаммасини гапириб беринг», деб ёзди у.

Керри жон деб рози бўлиб, унга ўзи билган нарсаларнинг барини айтиб берди.

— Хўш, нима қипти, яхши! — деди Герствуд унинг гапини эшитиб бўлиб. — Жуда хурсандман. Қотириб ўйнашингизга ишонаман. Сиз жуда абжирсиз!

Герствуд Керрини илгари бунчалик тўлқинланиб кетганини кўрмаганди. Унинг одатий маъюслигидан бир оз вақтгача асар ҳам қолмади. У гапирганда ёноқлари ловиллаб, кўзлари порларди. Яқинда сахнага чиқишини ўйлаганидан ҳеч лаб-лунжини йиғиштириб ололмасди. Юрагида ваҳималар (уларнинг кети кўринмасди) ўрмалаб турса ҳам бахтли эди. У бошқа одамларнинг кўзига

арзимас бўлиб туюлган ана шу кичкинагина воқеадан нақадар хаяжонда эканини яширолмасди.

Герствуд Керрида бунақа фазилатлар ҳам борлигини сезганидан кейин қойил қолди. Инсонда шухратпарастлик майллари уйғонишини, унинг ҳаётда юксакроқ чўққи-га интилишини кузатмоқдан қувонарлироқ нарса йўқ. Ана шу туйғулар ўша одамга куч-қувват бахш этади, хатти-ҳаракатларини кўркам ва гўзал кўрсатади.

Керри гарчи амалда ҳали мақтовга лойиқ иш қилмаган бўлса ҳам иккала мухлиснинг мақтовларидан суюнади. Уларнинг меҳри товланиб турганидан Керри ни-майки қилса ёки қилмоқчи бўлса кўзларига амалдагидан ҳам гўзалроқ кўринади. У ҳали тажрибасиз бўлганидан тўғри келган чўпга ёпишиб, уни ҳаёт хазиналарини топишда кўмак берадиган сеҳрли олтин асога айлантиришга тайёр бўлган жўшқин фантазиясига эрк бермай турарди.

— Шошманг-чи, — деди Герствуд, — мен бу бўлим ҳақида баъзи бир нарсаларни биладиганга ўхшайман. Ўзим ҳам масонман-ку, ахир!

— О, сизга у-бу деганларимни сиз албатта билдир-маслигингиз керак!

— Албатта, — деди Герствуд уни тинчитиб.

— Мабодо сиз спектаклга келсангиз бошим осмонга етар эди. Шу шарт биланки буни ўзингиз хоҳласангиз, албатта. Чарли сизни таклиф қилса яхшику-я, бўлмаса таклиф этишним билмайман.

— Мен ўша ерда бўламан, — деди Герствуд уни мулоимлик билан ишонтириб. — Мен шундай қиламанки, буни кимдан эшитганимни унинг ўзи ҳам сезмай қолади. Бу ёғини ўзимга қўйиб бераверинг.

Герствудни Керри қизиқтириб қўйганлиги бўлғуси спектакль учун катта аҳамиятга эга, нега деганда майхона бошқарувчисининг бошқа масонлар орасида салмоғи зўр эди. У бир қанча дўстлари билан ложани эгаллаб, Керрига гул юбориш режасини тузиб юарди. Бу спектаклнинг дабдабасини оширишга ҳаракат қиламан, дерди ичида Герствуд. Қиз бечоранинг ўз қобилиятини намойиш қилишига ҳам имконият яратиш керак-да.

Друэ икки кундан кейин майхонага бош сукқанди, Герствуд уни дархол пайқади.

Кечки соат беш бўлганидан майхонага талай коммерсантлар, актёрлар, турли-туман корхоналарнинг бошқарувчилари, сиёсий арбоблар тўпланишган, кулча юзли,

бошларига цилиндр кийган, устларида котирма ёқали кўйлак, қўлларида узук бўлган, галстукларида бриллиант тош ярақлаётган жентльменлар тўдаси шу ерда эди. Ярақ-ярақ қилаётган пештахтанинг бир учида башанг кийинган спортсменлар орасида машхур боксер Жон Салливен кўринар, улфатларнинг гурунги авжида эди.

Оёғига хар босганида ғирчиллайдиган янги сарик ботишка кийган Друэ майхонадан бемалол ва шошилмай ўтиб борарди.

— Сизга нима бўлганлигини тушунмай бошим қотиб ўтирувди, сэр! — деди Герствуд унга хазиллашиб. — Яна жўнаб кетдингиз шекилли, деб юрувдим.

Друэ бунга жавобан фақат кулиб юборди.

— Агар мунтазамроқ кўриниб турмасангиз сизни доимий мижозлар рўйхатидан ўчиришга тўғри келади!

— Иложим йўқ, — жавоб берди коммивояжер. — Мен жуда банд эдим.

Улар ғўнғир-ғўнғир қилишаётган турли-туман таниқли кишилар орасидан пештахта томон юришди. Яхши кийинган бошқарувчи йўл-йўлакай мижозларнинг кўлини сиқиб кетарди.

— Бўлимингиз спектакль кўяётганмиш деб эшитдим, — деб қўйди Герствуд ўзини ниҳоятда хотиржам тутиб.

— Ҳа. Сизга ким айтди? — сўради Друэ.

— Ҳеч ким айтгани йўқ, — жавоб берди Герствуд. — Менга ҳар бири икки долларли иккита билет юборишибди. Бирор қизиқарлироқ нарса бўладими?

— Тўғриси, билмайман, — жавоб берди ёш коммивояжер. — Фақат менга аёл роли учун бирорта одам топиб беринг деб ёпишиб олишганидан хабарим бор.

— Мен боролмасам керак, — деди Герствуд лоқайдлик билан. — Бироқ албатта улушимни кўшаман. У ерда умуман ишлар қалай?

— Ёмон эмас, хар холда. Улар спектаклдан тушган пулга мебелни янгилашмоқчи.

— Начора, хаммаси яхши бўлади, деб умид қиламиз. Яна бир стаканча кетадими?

Герствуд бошқа ҳеч нарса гапирмоқчи эмасди. Энди у бир қанча дўстлари билан спектаклга борса ҳам, ҳеч кўйишмади, дея оларди.

Друэга келганда эса у ўзича кейин бирор англашилмовчилик бўлиб юрмасин, деб олдини олиб қўймоқчи эди.

— Ўша томошада менинг қизалоғим ҳам қатнашади-

ганга ўхшайди, — деди у хар бир сўзини олдиндан ўйлаб олса ҳам узук-юлуқ қилиб.

— Нахотки? Қанақасига?

— Сизга айтсам, уларга битта артистка етмай қолган экан, мендан битта-яримгани топиб беринг деб илтимос қилишди. Буни Керрига айтувдим, унинг бахтини синаб кўришга сиёқи борга ўхшайди.

— Қойил! — майхона бошқарувчиси хитоб қилди. — Ундан яна ҳам хурсанд бўлдим. У сахнада ҳеч ўйнаганми?

— Умр бино бўлиб ўйнамаган!

— Қолаверса, бу унчалик жиддий спектакль эмаску, — деб қўйди Герствуд.

— Аммо, Керри эплайди! — деди Друэ унинг қобилияти камситилишидан норози бўлиб. — У ролининг рухига жуда ҳам тез киради.

— Шундай денг-а! — Герствуд шундай деб қўйишни маъқул топди.

— Ха, сэр! У кеча мени ижроси билан ниҳоятда хайратда қолдирди. Чин сўзим!

— Унга кичикроқ армуғон тайёрлашга тўғри келади, — деди Герствуд. — Мен гул топиб қўяман.

Друэ унга миннатдорона жилмайиб қўйди.

— Спектаклдан кейин эса бирор жойга бориб, маза қилиб ўтираминиз.

— Менимча, Керри яхши ўйнайди, — деб қўйди Друэ ўзига далда бериш учун.

— Унинг учун ҳам томошани кўриш керак, — деди Герствуд. — Мен ҳам уни яхши ўйнайди деб ўйлайман. Шундай қилиши керак. Биз уни мажбур қиламиниз!

Майхона бошқарувчиси охириги сўзларини одатдагидай самимий ва айёрона жилмайиб айтди.

Керри бу пайтда биринчи репетицияда эди. Бу ерда мистер Квинсел ишбоши бўлиб, унга мистер Миллис деган йигит ёрдамлашиб турарди. Мистер Миллиснинг сахна стажи бўлса ҳам, афсуски, ҳеч ким унинг кадрига етмасди. Шунга қарамай у ишчан ва тажрибакорлигини баланд қўйиб, кўполлик қилишларгача бориб етар, бунда ҳақ оладиган итоатгўйлар билан эмас, балки кўнгилли хаваскорлар билан иш олиб бораётганини мутлако унутарди.

— Хит қилавермасангиз-чи, мисс Маденда! — деб бақирди у Керри қаёққа юришини билмай бирдан тўхтаб қолганида. — Нега жойингизда қотиб қолдингиз? Ўзин-

низи зарур аллозда кўрсатинг! Бегона одамнинг келишидан жуда хаяжондасиз, шуни унутманг. Сиз мана бундай юришингиз керак!

Мистер Миллис шундан кейин букчайиб ва жунжикиб сахнада юра кетди.

Бу Керрига унчалик ёқмади. Шундай бўлса ҳам янгича шароитга тушиб қолганлиги, шарманда бўлмайин деб нимаки буюрилса ўшани бажаришга тайёр турганлиги ва спектаклда ўзидан кам хаяжонланмаётган бегона одамлар ҳам борлиги учун жуда ҳам тортиниб турарди. У устози талаб қилгандай сахнадан юриб ўтса ҳам кўнглида бунинг бутунлай бошқача бўлишлигини сезиб турарди.

— Энди сиз, миссис Морган, — деди режиссёр Пэрль ролини ўйнаши керак бўлган ёш хонимга қараб, — манави ерга ўтиринг! Сиз эса, мистер Бамбергер, манави ерга туринг, ҳа, шундай! Қани, энди гапиринг!

— Кўнглингиздагини айтинг! — деди мистер Бамбергер аранг эшитиладиган қилиб шивирлаб.

У Лауранинг ошиғи Рэй ролини ўйнар, Рэй зодагонлардан бўлганидан Лауранинг етим ва сепсизлигини биллиб, уйлансаммикин — уйланмасаммикин деб иккиланиб юрарди.

— Йўк, бу ерда нимасидир чаток, — деди режиссёр. — Ролингизда нима дейилган ўзи?

— «Кўнглингиздагини айтинг!» — мистер Бамбергер ролингиз сўзлари ёзилган қоғоздан кўзини узмай яна боягидай такрорлади.

— Ҳа, аммо бу ерда сизнинг тонг қолганлигингиз ҳам айтилган-ку! — режиссёр қизишиб кетди. — Яна бир марта айтинг-да, ўзингизни хайратлангандай кўрсатинг.

— «Кўнглингиздагини айтинг!» — мистер Бамбергер кулоқни битиргудай бақриб берди.

— Йўк, йўк, бунақаси мутлақо бўлмайди! Менга қаранг, мана бундай денг: «Кўнглингиздагини айтинг!»

— «Кўнглингиздагини айтинг!» — мистер Бамбергер сал бошқачароқ қилиб такрорлади.

— Мана буниси, ҳар қалай, дурустроқ, — деди режиссёр. — Давом этаверинг!

— «Бир куни кечкурун, — миссис Морган ўз репликасини бошлади, — отам билан онам операга боришди. Бродвейдан ўтаётганларида уларни одатдагидай тиланчи болалар тўдаси ўраб олди...»

— Тўхтаг! — режиссёр шундай бакириб, қўлини чўзганича миссис Морганга таиланди. — Кўпроқ хаяжонланинг, кўпроқ тўлкинланинг!

Миссис Морган унга мени хозир урса керак дегандай қараб турар, кўзлари дарғазаб эди.

— Сиз, миссис Морган, — деди режиссёр кўзларининг газабли ялтирашига парво қилмаса ҳам ҳар қалай анча паст тушиб, — таъсирли қисса айтиб бераётганлигингизни унутмаслигингиз керак, ҳа, унутмаслигингиз керак. Сизнинг ҳикоянгиз бизнинг аччиқ хотираларимиз билан боғлиқ. Сиз хаяжонланишингиз, аммо босикроқ бўлишингиз керак. Мана бундай: «...уларни одатдагидай тиланчи болалар тўдаси ўраб олди».

— Яхши, — деди миссис Морган чертиб.

— Энди давом этинг!

— «Ойим шунда танга олай деб қўлини чўнтагига солганида бармоқлари ҳамёнини чангаллаган кимнингдир совуқ ва титроқ қўлига тегиб кетди».

— Жуда соз, — режиссёр маъқуллаб бош ирғаб, унинг гапини бўлди.

— «Киссавур! — бакирди мистер Бамбергер. — Хали шундай денг!»

— Йўқ, йўқ, мистер Бамбергер, бунақаси кетмайди, — деди режиссёр унга томон сапчиб. — Мана бундай дейиш керак: «Киссавур? Хали шундай денг!»

— Қанчалик билишимизга ишониб олишимиз учун, — деди Керри тортиниброқ, — репликаларимизни ақалли бир марта қайтариб чиқсак яхши бўлмасмикин, шунга нима дейсиз. Бу бизга жуда фойдали бўларди-да.

У спектаклнинг анча-мунча қатнашчилари у ёки бу репликадан кейин қандай ҳолатга киришлари у ёқда турсин ўз ролларини ҳам билмасликларини сезганди.

— Жуда яхши фикр, мисс Маденда! — деди мистер Квинсел гапга аралашиб.

У ён томонда ўтириб, ретицияни ўзини жиддий тутган ҳолда кузатар, гоҳо бир нарса деб қўйса ҳам режиссёр унга деярли парво қилмасди.

— Майли! — режиссёр сал хижил бўлиб рози бўлди. — Балки бу фойда берар.

Кейин эса бирдан чехраси ёришиб кетиб, труппага викор билан деди:

— Ҳозирок ролларингизни тезда такрорлаб чиқамиз, фақат сўзларингизда кўпроқ хаяжон бўлишига ҳаракат қилсангизлар бўлгани.

— Жуда соз, — мистер Квинсел унинг гапини маъқуллади.

— «Ойим, — миссис Морган бир мистер Бамбергерга, бир ролининг сўзларига қараб давом этди, — ўша қўлни ушлаб олиб, қаттиқ қисганди, охиста инграш эпитилди; ойим шунда ўгирилиб қараб, рўпарасида усти боши жулдур қизалокни кўрди».

— Жуда соз! — ноилож қолган режиссёр умиди узилгандай шундай деб кўйди.

— «Киссавур!» — хитоб қилди мистер Бамбергер.

— Қаттиқроқ! — қистирди танбех беришга ҳам ҳоли келмаган режиссёр.

— «Киссавур!» — бакирди шўрлик Бамбергер.

— «Ҳа, ўғри! Бироқ ҳали олтига ҳам кирмаган ва кўриниши фариштанинг ўзгинаси бўлган ўғри! — «Нима қиляпсан?» — онам унга бақириб берди».

— «Ўғирламоқчийдим», — жавоб берди гўдак. — «Ўғирлик ёмон нарса эканлигини наҳотки билмасанг?» — деди отам унга қараб. — «Йўқ, билмайман, — жавоб берди қизча. — Бироқ очлик қанақа ёмон бўлишини биламан!» — «Сенга ўғирлик қилишни ким буюрди!» — сўради онам. — «Ана у, хув нарида турибди!» — Қизалок битта подъездни кўрсатганди, у ердаги кийимлари хароб битта хотин бирдан қоча бошлади. — «Биз уни «Жўхўд» деймиз, — қўшиб кўйди қизча!»

Миссис Морган буларни жуда хароб қилиб айтганидан режиссёрнинг токати тоқ бўлди. У асабийлашиб эстрадада у ёқдан-бу ёққа юрарди, ниҳоят мистер Квинселнинг олдига яқинланди.

— Хўш, сизнингча қалай мистер Квинсел? — деб сўради у.

— О, мен буларни мулла қиламиз деб ўйлайман, — деди у. Унинг овозидан бунга ишонқирамаётганлиги сезилиб турарди.

— Билмадим, билмадим, — деди мистер Миллис. — Бу Бамбергер жуда латтачайнар хуштор чиқяпти-да.

— Бошқа ҳеч ким йўқ, — деди мистер Квинсел осмонга қараб. — Гаррисон охирига келганда мени бошлаб кетди-да. Энди унинг ўрнига одамни қайдан топамиз?

— Билмадим, билмадим, — деди режиссёр яна. — Юрагим ҳеч дов бермаяпти, у ҳеч нарсага ярамайди.

Бамбергер худди шу лаҳзада хитоб қилди:

— «Сиз мендан куляпсиз, Пэрль».

— Ана ахволи! — режиссёр кафти билан оғзини беркитиб шивирлади. — Ё худойим! Дам бакириб, дам ижирганиб гапирадиган одам билан нима ҳам қилиб бўларди?

— Билганингизни қилаверинг, — деб қўйди мистер Квинсел уни юпатишга ҳаракат қилиб.

Репетиция давом этиб, ниҳоят Лаура — Керри хонага кириб, махбуби билан изхори дил қиладиган фурсат етди. Махбуби эса Пэрлнинг гапидан кейин хат ёзиб, унда Лаурадан кўнгил узганлигини айтгану, аммо хатни ҳали жўнатмаганди.

Бамбергер Рэйнинг репликасини эндигина тугатиб турганди:

— «Мен у қайтиб келмасидан кетишим керак. Унинг одимлари! Кечикдим!»

У хатни гижимлаб, шоша-пиша чўнтагига тикаётганида Керри мулойимгина қилиб гап бошлайди:

— «Рай!»

— «Мисс... мисс Кортленд!» — Бамбергер тутилганидан аранг нафаси чиқади.

Керри унга қаради-ю, теварак-атрофидаги нарсаларни бирданига унутди-қўйди. У роль рухига кира бошлади. Керри автор ремаркаси талаб этганидай бепарво кулимсираб, деразага ўгирилди-да, худди хонада махбуби йўқдай унинг ёнидан узоқлашди. У буларнинг барини шунақанги гўзал ижро этдики, қараганда одамнинг ҳаваси келмай қолмасди.

— Бу аёл ким ўзи? — деди Керри билан Бамбергер саҳнасини қизиқиш билан кузатиб турган режиссёр жиддий ҳолда.

— Мисс Маденда, — жавоб берди Квинсел.

— Унинг исмини биламан, — деди режиссёр. — Бироқ ўзи ким, нима иш қилади?

— Билмадим, — деб қўйди мистер Квинсел. — У бўлимимиз аъзоларидан бирининг таниши.

— Ҳим, нимаики бўлсаям, ҳаммани жам қилгандаям унинг сезгиси ҳаммасиникидек ўткир экан, ҳар ҳолда у қилаётган ишига қизиқиш билан қараяпти!

— Ўзи ҳам чакки эмас-а? — қўшиб қўйди мистер Квинсел.

Режиссёр унинг бу гапига жавоб бермай нари кетди.

Воқеа зиёфат залида ўтадиган ва Лаура ўзига ёмон муносабатда бўлган жамоат билан тўқнашадиган иккинчи пардада Керри янада яхши ўйнаганди, режиссёр маъқуллаб кулиб қўйди.

Режиссёр хатто Керрига яқинлашиб, у билан гаплашишни ҳам ўзига эп кўрди.

— Сиз илгари ҳеч саҳнага чиққанмидингиз? — у йўл-йўлакай шундай деб қўйди.

— Йўқ, ҳеч қачон, — жавоб берди Керри.

— Жуда яхши ўйнаётганингиздан бироз саҳна тажрибангиз бормикин деб ўйлаб қолдим.

Керри уялинқираб кулиб қўя қолди.

Режиссёр ундан нари кетиб, ҳиссиз овози билан навбатдаги репликани гўнғиллаётган Бамбергернинг гапини тинглай бошлади.

Миссис Морган икки ўртадаги гапни сезиб, ҳасадга тўла қоп-қора кўзлари билан Керрига бир қараб қўйди.

«Чамаси, бирорта хароб артистка бўлса керак!» — деган фикрга келди у. Шу билан ўзини қониқтирса ҳам Керрига газаби ортиб, кўргани кўзи йўқ эди.

Репетиция тамом бўлгандан кейин Керри кўпчилик орасида уялиб қолмаганлигини сезиб уйига жўнади. Режиссёрнинг сўзлари ҳали ҳам қулоғида жаранглаб турганидан буларнинг барини тезроқ Герствудга етказгиси келарди. Қанчалик яхши ўйнаганлигини у ҳам билиб қўйсин-да! Друэга ҳам кўнглидаги нарсаларни айтса бўларди, шунинг учун ҳам Керри қачон сўраб қоларкин деб, тишини тишига қўйиб турарди. Керрининг ўзи эса бундан мутлақо оғиз очмасди. Друэ бўлса ўшал оқшом бошқа нарсаларни ўйлаётганидан Керри учун ниҳоятда муҳим бўлган нарса унга аҳамиятсиздай туюларди. Керри бу ҳақда наридан бери гапириб берган бўлса ҳам Друэ гапни чўзиб ўтирмади. У дарҳол Керри ишини эплаяпти деган фикрга келганидан анча илгариеқ ўзини бу ташвишлардан холи қилиб қўйди. Керрининг бундан роса жаҳли чиқиб, эзилди. Друэнинг парвойи фалаклиги суяк-суягидан ўтиб кетгани учун Герствудни жуда-жуда кўргиси келарди. Герствуд унинг кўзига оламдаги яккаю ягона дўстидай кўринарди. Друэ эртасига эрталаб Керрининг саҳнадаги муваффақиятларига қизиққан бўлса ҳам кечаги гапларнинг таъсири ҳали ҳам кетмаганидан Керрининг кўнгли ҳеч жойига тушмасди.

Керри Герствуддан, ушбуни олган пайтингизда мен сизни паркда кутаётган бўламан, деган мазмунда хат олди. Керри паркка келганида Герствуд уни тонг қуёшидай чехраси ёришиб кутиб олди.

— Хўш, жонгинам, — деди у дарҳол гап бошлаб, — ишларингиз қандай бўлди?

— Ёмон эмас, — Друэнинг бепарволиги ҳали ҳам кўнглидан чиқмаганлигидан босиқ жавоб берди Керри.

— Менга бир бошдан айтиб беринг, — илтимос қилди Герствуд. — Сизга ёқдими?

Керри кечаги репетицияни оқизмай-томизмай гапириб бераркан, ўзи ҳам тобора қизиқиб борарди.

— Жуда зўр бўлибди! -- хитоб қилди Герствуд унинг гапини эшитиб бўлиб. — Сиздан жуда хурсандман. Ўйингизни бориб албатта кўраман. Кейинги репетицияларингиз қачон бўлади?

— Сешанбада, -- жавоб берди Керри. Кейин эса кўшиб қўйди: — У ерга бегоналар киритилмайди.

— Мен ҳар ҳолда киролсам керак деб ўйлайман, — деди Герствуд тагдор қилиб.

Керри Герствуднинг сезгирлигидан хурсанд эди. У яна ўзига келиб қолди. Қолаверса Герствуддан репетицияга келмасликка ваъда ҳам олди.

— Бўлмаса шундай, сиз мен хурсанд бўлишим учун дурустроқ ҳаракат қилишингиз керак! — деди Герствуд унинг кўнглини кўтармоқчи бўлиб. — Менинг сиздан умидим зўр, шуни унутманг. Биз ҳам спектакль зўр чиқиши учун ўз йўлимиз билан ҳаракат қиламиз. Сиз ҳам кучингиз борича ҳаракат қилинг.

— Ҳаракат қиламан, — деди Керри вужуди завқ ва ишққа лиммо-лим тўлиб.

— Яшанг, баракалла! — Герствуд уни мактаб қўйди.

У қўли билан оталарча пўшиса қилиб, гапини такрорлади:

— Унутманг, кучингиз борича ҳаракат қилинг.

— Албатта! — деди Керри шўхчанлик билан.

Ўшал тонгда бутун замин куёш нурида чўмилаётган эди. Керри уйига қайтаркан тип-тиник, беғубор ва ло-жувард осмон қалбига қуюлиб кираётгандай бўларди. Умид билан бир нарсага ботиниб, дадил интилганлар ҳам, уларга хайрихоҳлик билан жилмайиб қараб турганлар ҳам бахтиёрдирлар.

XVIII б о б

НАРИГИ ТОМОНДА. ЮЗАКИ САЛОМ

Ойнинг ўн олтинчи куни кечкурунга борганда Герствуднинг кўринмас қўли ўз кучини кўрсатиб қўйди. Герствуд дўстлари (унинг дўстлари кўп бўлиб, хаммала-

ри сўзлари ўтадиган одамлар эдилар) фалон ёққа бориб фалон томошани кўриш керак, деб гап тарқатиб кўювди, мистер Квинсел ўзининг мўлжалидагидан ҳам кўп билет сотиб, хайратидан ёқа ушлаёзди. Кундалик газеталарнинг барида кичикроқ хабарлар босилиб чиқди. Буларни ҳам бошқа одам эмас, Герствуднинг ўзи газетачи оналаридан бири бўлган «Таймс»нинг бош муҳаррири Гарри Мак-Гарреннинг кўмагида қилганди.

— Менга қаранг, Гарри, — деганди бир куни кечкурун Герствуд пештахта олдида уйга кетар олдидан сўнги стаканни бўшатаётган муҳаррирга, — сизнинг баъзи одамларга катта фойдангиз тегиши мумкин-да.

— Нима гап ўзи? — деб сўради мистер Мак-Гаррен бундай катта одам ўзига илтимос билан мурожаат қилаётганидан эриб кетиб.

— Масонларнинг маҳаллий бўлими ўзининг фойдасига кичикроқ спектакль кўяяпти, матбуотда шу ҳақда бир нарсаси деб юборилса жуда асқотарди-да. Мен бунда нима, қаерда ва қачон бўлиши айтиладиган бир неча сатрни кўзда тутаётганлигимни тушунаётган бўлсангиз керак.

— Жоним билан, — жавоб берди мистер Мак-Гаррен. — Албатта, буни сиз учун қиламан, Жорж!

Герствуднинг ўзи четда турарди. Масонлар бўлимининг аъзолари уларнинг арзимас томошалари нима учун кўпчилик эътиборини тортаётганини тушуниб етолмасдилар. Улар мистер Квинселга зўр ташкилотчи сифатида қарай бошладилар.

Ойнинг ўн олтинчи куни келганида Герствуднинг дўстлари сенатор чақиривига бўйсуниб етиб келган римликлардай ҳозир бўлишди. Керри Герствуд кўмаклашишга ваъда берган дақиқадан бошлаб, спектаклга яхши кийинган, дуруст ва самимий муносабатда бўлган кишилар келишига қаттиқ ишонганди.

Ёш ижрочи гарчи тез орада беҳисоб томошабинлар тўпланган залдаги чароғон сахнага чиқишини ўйлаганда қалтираб кетса ҳам ролини тўла эгаллаб олганидан ўзидан жуда хурсанд эди. У спектаклнинг бошқа қатнашчилари бўлган йигирмата эркак билан аёл шунча ҳаракатларимиз бекор кетмасмикин, деб питиллаб юришибди-ку, деб ўзини юпатишга уринарди. Ҳар қанча уринмасин ўзининг ҳадиғини ҳеч кўнглидан чиқариб ташлаёлмасди. У дам бирор репликани эсимдан чиқариб кўяман ё бўлмаси қаҳрамонимнинг ҳислари оламига кира олмай қоламан, деб ваҳимага тушар, дам бекор бу ишга аралашдим, деб

афсус қиларди. У гўё кўрқувдан рангим қув ўчиб, нафасим тиқилиб, қўл-оёғим кимирламай, нима дейишимниям, нима қилишимниям билмай туриб қолсам-а, деб қалт-қалт қилар, тавин бутун томошани бузсам-а, деган хаёлга ҳам борарди.

Спектаклнинг бошқа қатнашчиларига келганда эса мистер Бамбергер труппадан чиқиб кетганди. Ундан бир иш чикмаганлиги туфайли режиссёр танқидининг қурбони бўлди. Миссис Морган хали ҳам шу ерда эди. У хасаидан қуйиб кул бўлаёзганидан Керрига касдма-қасдликка ундан ёмон ўйнамасликка қаттиқ аҳд қилганди. Рэй ролига ишсиз лақиллаб юрган битта профессионал актёрни чақиришганди. Тўғри, у ўртача артист бўлганидан илгари томошабинларга рўпара бўлмаган кишиларга ўхшаб қуйиб-пишиб юрмасди. У сахнада ҳеч нимани писанд қилмагандай викор билан (айтгандай, унга театр оламига алоқадор эканлигидан зинҳор оғиз очмаслик қаттиқ тайинлаб қўйилганди) юрар, биргина «эгри юриш-туриши»дангина ҳар ким унинг кимлигини дарҳол сезиб олса бўларди.

— Ҳаммаси арзимаган нарса! — деди у миссис Морганга артистона жазава билан. — Томошабин деб ҳаяжонланиб ўтирайми! Ролнинг руҳига кириш керак — муҳими шу, уни маҳкам ушлаб олиш лозим — ҳамма қийинчилиги мана шунда!

Бу артистнинг турки Керрига ҳуш келмаса ҳам у тоқати йўқлигини яшириш ва қилиқларига чидаш учун етарли даражада ўзини тутта биларди. Қолаверса Керри бу оқшомда унинг ёлғондака ишқига ҳам чидаши лозим эди.

Кечқурун соат олтида Керри тап-тайёр эди. Сахна учун керакли бўлган нарсаларнинг бари илгарийёқ ортиғи билан сотиб олинганди. Керри грим қилишни ўрганишни эрталабдан бошлаганидан соат бирларгача бунинг машқини олди, спектакль учун керакли бўлган барча нарсаларини ҳозирлаб қўйди-да, кечқурун бўлишини қута бошлади. У ахён-ахёндагина ролига кўз ташлаб қўярди.

Масонлар бўлими ушбу тантана муносабати билан Керрига экипаж юборганди, у Друэ билан бирга театрға йўл олди. Айтмоқчи, Друэ уни эшик олдиғача кузатиб қўйди-да, ўзи яхши сигара қидиришга кетди. Бизнинг янги актрисамиз асабийлашиб пардозхонасига ўтди-да, уни, яъни оддийгина аёлни жамият юлдузи Лаурага айлантирадиган сирли ишларга берилди.

Газ чирокларнинг кучли ёғдуси, киши хаёлини саёхатларга олиб қочувчи кийимлар солинган очик сандиқлар, гримчининг хар ерда сочилиб ётган нарсалари — қизил упа, ёғупа, куйдирилган пўкак, тушь, қаламлар, ясама сочлар, қайчилар, кўзгулар — маскараднинг ана шу беҳисоб буюмлари вазиятни жуда бошқача қилиб юборганди. Керри улкан шахарга келганидан бери унга кўп нарсаларнинг нуски урган бўлса ҳам буларнинг барини у олисдан кўрганди. Бу вазиятда эса ҳамма нарса кўзига самимий ва кадрдон кўринарди. Ўзи эса қиз бечорани бадқовоклик билан қувган, юраги пўкиллаб, олисдангина томоша қилишига йўл берган мухташам иморатларни бағрига олган бу вазиятга сира ҳам мос келмасди. Кимдир гўё уни эркалаб қўлтиғидан олиб: «Ичқарига кир, жонгинам!» деяётгандек эди. Бу олам унга ўз-ўзини намоиш қилаётганди. У харфлари катта афишалар, газеталардаги батафсил мақолалар, сахнадаги гўзал либослар, беҳисоб экипажлар, олам-олам гуллар ва барчанинг қувноклигидан хайратда эди. Бу хаёлан эмасди. Керрининг рўпарасида эшик очилганидан у ҳамма нарсани кўра оларди. У зимистонда яширин йўлни бирдан пайпаслаб қолган одамдай тасодифан ана шу эшикка тўкнаш келганди. Шунинг учун ҳам чароғон ва фароғат ваъда этувчи мухташам залга келиб қолганди.

Керри шоша-пиша артистларнинг пардозхонасида кийинаркан, ташқаридан келаётган овозларга қулоқ соларди. У мистер Квинсел питирлаб юрганини, миссис Морган билан миссис Хогленд асабийлашиб сахнага чиқиш тараддудини кўришаётганини пайқаб турар, трушанинг бошқа аъзоларини ҳам завқ билан кузатар, улар бу ёғи қандай бўларкин деб хавотирланиб парда орқасида у ёқдан-бу ёққа юришарди. Керри шунда беихтиёр равишда қани энди булар ҳеч тугамаса, жуда ҳам ажойиб бўларди-да, деб орзу қилди. Қани энди ролини қойил қилиб бажариб бўлганидан кейин бирор театрға кириб, хақиқий артист бўлса. Бу фикр Керрининг вужудини забт этиб, қадимий қўшиқ оҳангидай қулоғидан кетмасди.

Бу пайтда унинг хонасидан ташқаридаги мўъжазгина фойеда бошқа манзарани кўрса бўларди. Агар Герствуд бош қўшмаса борми кичкинагина залнинг тўлиши гумон, нега деганда бўлим аъзолари бу томошага унчалик қизиқмаган эдилар. Герствуднинг сўзлари эса ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Спектаклга башанг холда келиш шама қилинганди. Залдаги тўртта ложанинг ҳаммаси ҳам хом-

талаш бўлиб кетганди. Биттасини доктор Норман Мак-Нил-Гейль хотини билан банд қилгани катта гап эди. Газмол билан савдо қилувчи ва кам деганда юз минг долларга қуввати келадиган мистер Уоркер ҳам алоҳида ложа олганди. Учинчи ложани олишга кўмир савдоси билан шуғулланувчи таниқли савдогарни кўндиришган, тўртинчисини Герствуд дўстлари билан эгаллаганди. Уларнинг орасида Друэ ҳам бор эди. Масонлар бўлимининг залига ёпирилиб кирган оломонда таниқли одамлар ҳам, маҳаллий боёнлар ҳам кўринмасди. Булар маълум доирадаги одамлар — ўзига тўқлар ва жамиятнинг аъзолари эдилар. Жентльменларнинг бари ҳар бирларининг мавқелари қандай эканлигини жуда яхши билишарди. Улар мол-мулк қилиб, ажойиб уй олган, экипажи бўлган, дид билан кийиниб, тижорат оламида ишонч қозонган одамларни жуда ҳурмат қилардилар. Табиийки, турмушнинг ушбу даражаси инсон бойлигининг чегараси эмаслигига бинойидай ақли етадиган, ишбилармон, ўзини тута биладиган, мартабаси дурустгина бўлиб одамларга муомала қилишда туғма усталиги туфайли ҳамманинг кўнглини овлаб қўйган Герствуд бу ерда анча йирик сиймо эди. Ана шу доирадагиларнинг бари уни танишар, синолигини бели бақувватлиги устига таъсири зўрлигига йўйишарди.

Герствуд ўша окшом жуда шоду хандон кўринарди. У ошналари билан «Ректор» ресторанидан экипажда келганди. Фойеда hozиргина сигара олиб келиб турган Друэни учратди. Шундан кейин улар орасида суҳбат кизиби, шу ердаги баъзи одамларнинг пўстаги қоқилди ва масонлар жамиятининг ишлари муҳокама қилинди.

— Э, бормисиз! — хитоб қилди Герствуд.

У қандайдир ярақлаб турган ва жентльменлар чарир-чуғур қилишаётган томоша залига кириб қолганди.

— Э, соғ-саломат бормисиз, мистер Герствуд? — деб жавоб қилди майхона бошқарувчисига салом берган жентльмен.

— Сизни кўраётганимдан хурсандман, — деди Герствуд ўзига узатилган қўлни салгина қисиб.

— Менмича спектакль зўр бўлса керак.

— Ҳа, ишонса бўлади, — Герствуд унинг гапига кўшилди.

— Бу дейман, аъзолар бўлимларига ўнг кўзлари билан қарашар экан-да, а, — деб қўйди Герствуднинг суҳбатдоши.

— Шундай бўлиши керак-да, — деди Герствуд. — Мен шундайлигидан шахсан хурсандман.

— Салом, Жорж! — деб қолди унга крахмалланган кўйлаги кўксига тоғдай бўлиб турган семиз жентльмен. — Ишлар қалай?

— Жойида!

— Бу ерга қайси шамол учирди? Билишимча, сиз бу бўлимнинг аъзоси эмассиз-ку.

— Кўнгли очиклик учириб келди, — жавоб қилди Герствуд. — Сизга айтсам, эски дўстларни кўриш жуда нашъали-да!

— Хотинингиз ҳам сиз билан биргами?

— Йўқ, у бугун келолмади, — деди Герствуд. — Сал тоби қочиб қолди.

— Афсус, афсус! Касали оғирмасми, ишқилиб?

— Йўқ, сал уринган, холос.

— Миссис Герствудни биламан... У бир марта сиз билан Сент-Жога борганди.

Бақалок шундан кейин зерикарли хотиралардан гапириб кетувди, хайриятки Герствуднинг янги танишлари келиб қолиб, унинг товуши ўчди.

— Э, бормисиз, Жорж! Аҳволларингиз қалай? — Герствуд билан муниципалитетнинг очиқ кўнгил аъзоларидан бири, Фарбий тарафда турадиган бўлим аъзоси сўраша кетди. — Сизни кўраётганимдан хурсандман. Хўш, ишларингиз қалай?

— Жуда яхши, раҳмат. Сизни олдерменга¹ сайланганлигингизни эшитдим.

— Ҳа, рақибларни осонгина саранжомлаб қўя қолдик, — деди сиёсий арбоб унинг гапини тасдиқлаб.

— Хеннеси энди нима қилади?

— О, унинг фишт заводи бор-ку! Фиштарининг ёнига қайтса керак.

— Шундай денг? Мен буни билмовдим, — деди Герствуд. — Мағлубиятга учраганда жиғибийрон бўлганини тасаввур қиляпман.

— Ҳа, бўлганда қандок, — янги олдермен Герствуднинг гапини маъқулларкан унга айёрона кўз қисиб қўйди.

Герствуднинг ўзи таклиф қилган яқинроқ ошналари лжицажларда бирин-кетин келиша бошлади. Улар диомелари чоғ бўлиб, виқор билан залга киришарди.

— Мана, биз ҳам шу ердамиз! — деб қўйди Герствуд

¹ Муниципал кенгаш аъзоси.

залга янгигина кириб келганлардан қирқ бешларга борган эркакка.

— Адашмабсиз, — у ҳам Герствуднинг гапига мос жавоб қилди.

Кейин у Герствуднинг қулоғига энгашиб, елкасидан кадрдончасига тортиб шивирлади:

— Агар бугун бу ерда дурустроқ нарса кўрмасак каллангизни оламан!

— Спектаклнинг бунга нима алоқаси бор? — деди Герствуд унга. — Эски кадрдонларни кўрмоққа пул тўласак арзимабдими?

Герствуд, чиндан ҳам қизиқарлироқ нарса бўладими, деб сўраган меҳмонлардан бирига шундай жавоб қилди:

— Менинг ўзим ҳам билмайман. Мутлақо!

Кейин эса қўли билан чиройли ишора қилиб қўшимча қилди:

— Бироқ масонлар ложаси учун...

— Одамлар ҳам анча-мунча йиғилибди ўзи! Бунга нима дейсиз?

— Ҳай... Айтгандай, мистер Шэнехэн ҳозиргина сизни йўқлаб турувди-я. Уни албатта кидириб топинг.

Мўъжазгина театр шу тариқа боёнларнинг чағир-чуғурига тўлиб, унда шоҳи либосларнинг шитири, крахмаллаб қотирилган кўйлак ёқаларининг ғижими, самимий қажқажалар янграб қолди. Буларнинг бари ёлғиз одамнинг хоҳиши туфайли бўлди, холос. Парда кўтарилишидан ярим соат олдин Герствуднинг беш-олти кишилик улфатлари билан гурунглашиб турганини бир кўрсангиз эди. Улфатларнинг савлати, яхшилаб қотирилган кўйлак ёқалари ва галстукларидаги бриллиантли тўғнағичлари уларнинг омадлари келганлигидан дарак берарди! Хотинлари билан бирга келган жентльменлар Герствуд билан бир сўрашиб, қўл сиқишиб ўтардилар. Билет сотувчилар меҳмонларга эгилиб-букилишар, стулларнинг одам ўтирганда текис турадиган тағлари тарақлар, Герствуд эса мамнун ҳолда залга разм солиб турарди. У бамисоли салом бериб ўтаётган барча кишиларнинг шухратпарастлик бобидаги интилишларини ўзида мужассам қилган чароғ эди. Жамият уни манзур кўрган, ҳамма уига хушомад қилар, нақ бўлмаса оқсуяклар сардоридай кўришарди. Бу одамнинг мавқеи баландлигини ҳамма нарса аён кўрсатиб турарди. У гарчи камтарона бўлса-да, ўзига яраша улуг одам эди.

ОРЗУ ОЛАМИДА БИР СОАТ. ҚУЛОҚҚА АРАНГ ЧАЛИНАДИГАН ҲАСРАТ

Ниҳоят барча тараддудлар кўрилиб, парда тайёр турарди. Артистлар гримни ниҳоясига етказишган, труппа парда очилишини кутиб ўтирарди. Дирижёр таёкчаси билан пюпитрни маънодор қилиб уриб кўювди, спектакль учун атайин келишиб олиб келинган мўъжазгина оркестр дебочани бошлаб юборди. Герствуд жим қолиб, дўстлари билан бирга ложаси томон юрди.

— Қани, қизчанг ҳолини энди кўрайлик-чи! — Герствуд бошқа биров эшитмасин деб Друэнинг қулоғига шивирлаб қўйди.

Спектакль меҳмонхона кўриниши билан бошланиб сахнада олти актёр бор эди. Друэ билан Герствуд улар орасида Керри йўқлигини дарров сезиб, шивир-шивир қилиб гаплашаверишди. Биринчи пардада миссис Морган, миссис Хогленд ва Бамбергернинг ўрнида чиқаётган профессионал артист Пэттон қатнашарди. Пэттоннинг ўзини бемалол тутишини айтмаганда ҳеч мақтайдиган жойи йўқ, ўзига ишонганлиги эса ҳозирги дақиқада жуда ҳам иш берарди. Пэрл ролида чиқаётган миссис Морган кўрққанидан тахта бўлиб қолаёзганди. Миссис Хогленд бўлса репликаларини хирилдоқ овозда айтарди. Ҳаммаларининг тиззалари қалтирар, ролларини шунчаки ўқиб беришдан бошқа иш қилмасдилар ҳисоб. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда томошабинларнинг химмат қилиб яхши кайфиятларини қочирмай туришлари ва артистлар аста-секин ўзларини тутиб олсалар ажаб эмас, деган ишончларини йўқотмасликлари зарур эди. Бирор спектакль барбод бўладиган бўлса артистлар бошиданок сахнада михлангандай турган жойларидан кимираёлмай қолишади-да ўзи.

Герствуд жуда хотиржам эди. У бу томошанинг уч пулга қимматлигини ўзича олдиндан бичиб қўйганди. Томоша иложи борича силлиқроқ ўтса бас. Ўшанда Герствуд ўзини қойил қолган кўрсатиб, Керрини муваффақияти билан табрикласа бўлади.

Кўрқувнинг биринчи хуружи ўтгандан кейин актёрларга сал жон киргандай бўлди ва улар сахнада сал-пал кимираб, репликаларини қуруқдан-қуруқ қилиб айтиб, томошабинларнинг энсасини қотира бошладилар. Ора-

дан кўп ўтмай сахнага Керри чиқди. Герствуд билан Друэ унга карашлари биланок Керрининг «тиззалари қалтираётганини» сездилар. У оёғини аранг судраб босиб ўтаркан шундай деди:

— «А! Келибсиз-да, сэр! Биз сизни соат саккиздан бери кутаётгандик».

У бу сўзларни нақадар хиссиз ва секин айтганидан дўстлари ҳам бир хил бўлиб кетишди.

— Қўрқяпти, — Друэ шивирлаб қўйди.

Герствуд бўлса мик этмади.

Ролда томошабинларни сал кулдирадиган реплика ҳам бор эди. У шундай эди:

«Бу мени қандайдир ҳаётбахш дори деб эълон қилишдай гап!»

Керри бўлса ана шу репликани ҳам жуда расвойи радди бало қилиб айтди. Друэ стулида гужанак бўлиб қолди. Герствуд бўлса ботинкасининг учини сезилар-сезилмас кимирлатиб қўйди.

Лаура бошқа бир жойда яқинлашаётган хатарни сезиб ўрнидан туриши ва маъюс ҳолда:

«О, буни яхшиси гапирмасангиз бўларди, Перл! Биз ҳаммамиз чиройли ёлғонни хуш кўришлигимизни жуда яхши биласиз-ку», дейиши керак эди.

Керрининг овозида ҳиссиёт деган нарса сира ҳам сезилмасди.

У ролнинг руҳига кира олмасди. Гапларини ҳам худди тушида айтаётганга ўхшарди. Хаммага кулги бўлишини худди олдиндан билиб қўйгандай кўринарди. У ҳозирги дамда ўзини сал қўлга олиб, сўзларини биров тушунадиган қилиб айтаётган миссис Моргандан ҳам ёмон ўйнамоқда эди.

Друэ сахнадан кўзини олиб, томошабинларга разм солди. Халойиқ бу ёғи жўнашиб кетар, деб умид қилганидан жим ўтирарди. Герствуд нақ Керрини афсун қилиб, дурустроқ ўйнашга мажбур этишни истагандай унга синчиклаб тикилди. У иродасидан озгинаси Керрига ўтишини хоҳларди. Қизга ич-ичидан ачинарди.

Керри орадан бир оз вақт ўтгач, номаълум ярамасдан келган «юмалоқ» хатни ўқиши керак эди.

Томошабинлар профессионал актёр билан Снорки деган персонаж ўртасида кечган диалогдан сал-пал гивирлаб қолганди. Снорки паканагина киши бўлиб, бир қўлидан айрилган ва сабаби тирикчилик деб югурдаклик

қилаётган жиннисифат солдат ролини анчагина қизикрок қилиб ўйнади. У кизиқиб кетганидан сўзларни бақириб айтди, пьеса муаллифи гарчи бундай кулгини назарда тутмаган бўлса ҳам томошабинлар беихтиёр кулишарди. Мана, Снорки кетиб, сахнага яна бош қахрамон сифатида Керри қайтиб келди. Бироқ, у хали ҳам ўзини қўлга ололмаганидан ғаламус ҳарифи билан бутун муомаласи давомида томошабинларнинг қонига ташна қилиб сахнада бўшашганича силқовланиб юрди. Наҳотки сахнани тарк этганида ҳамма енгил нафас олди.

— У жуда ҳаяжонланыпти, — деди Друэ ёлғон гапирётганини жуда яхши билиб турган бўлса ҳам.

— Бориб бир далда бериб келсангиз бўларди-да! — Герствуд унга маслаҳат берди.

Друэ ҳозирги дамда ишга жиндай фойдаси тегадиган бўлса, ҳар нима қилишга тайёр эди. У жойидан илдам қўзғалди-да, ён томондаги эшик олдига борди: ундан сахнанинг орқа томонига ўтса бўларди. Мулоқимгина нобон уни ўтказиб юборди. Керри сахнага чиқиш навбатини кутиб бир чеккада турарди. Энди унда илгариги катъиятию, қалбини ловиллатган ўтдан асар ҳам қолмаганди.

— Керри, менга қара, нега бунчалик ҳаяжонланысан? — деди Друэ унга синчиклаб қараб. — Кўзингни очсанг-чи, ахир! Томошабинлардан ҳайқмасанг ҳам бўлаверади!

— Нима гаплигини ўзим ҳам билолмаяпман, — жавоб берди Керри. — Сахнада ўйнаш қўлимдан келмас экан шекилли.

Керри шундай бўлса ҳам Друэнинг келганидан хурсанд эди. У труппа аъзоларининг бари ҳаяжонланаётганини кўрганидан кейин руҳи бутунлай тушиб кетган эди.

— Кўйсанг-чи, Керри! — деди Друэ. — Ўзингни қўлга ол. Нимадан кўрқясан? Уларга сахнада ўйнаш қанақа бўлишлигини бир кўрсатиб қўй!

Анчагина ваҳимага тушиб қолган коммивояжернинг сўзларидан руҳланган Керри бирмунча очилгандай бўлди.

Мен жуда ёмон ўйнадимми?

Қаёқдаги гапларни гапирасан-а! Ўйинингга жиндай «чўғ» ташласанг бўлгани! Менга ўзинг кўрсатгандай ўйнайвер. Бошингни кеча кечқурун силкитгандай силкитишга ҳаракат қил.

Керри кеча уйда нақадар илҳом билан ўйнаганини

эслади. У хозирги дамда бугун ҳам яхши ўйнай оламад деб ўзини ишонтиришга уринарди.

— Хозир нима бўлади? — сўради Друэ Керри қўлида ушлаб турган ролга нигоҳ ташлаб.

— Мен билан Рэйнинг диалоги. Бунда мен унга раджавоби бераман.

— Жуда яхши, — деди Друэ, — харорат кўпрок бўлаверсин, хаётий чиқаверсин! Гўё бошқа биров билан ишинг йўқдай ўйнайвер.

— Сизнинг навбатингиз, миссис Маденда! — огоҳлангирди суфлер.

— О худойим! — Керри беихтиёр шундай деб юборди.

— Бунчалик кўркиш жуда бемаънилик-да! — деди Друэ. — Ўзингни қўлга олсанг-чи, Керри! Мен бу ердан сени кузатиб тураман.

— Ростми?

— Ҳа, ха, боравер! Ҳеч кўркма!

Суфлер Керрига имо қилди.

Керри вужудида илгаригидай хорғинлик сезиб олдинга интилди, бироқ тўсатдан жиндай қатъияти қайтиб келгандай бўлди. У Друэ қараб турганлигини эслади.

— «Рэй», — у шагини анча мулойим ва хотиржам овозда бошлади.


«У, чамаси, ўзига келаётганга ўхшайди!» — деб ўйлади Герствуд.

Керри бу сахнани репетициядагидай ўйнамаган бўлса ҳам ҳар қалай ўзини олдингисига қараганда дурустрок бўлди. Унинг сахнада туриши ҳар қалай томошабинларнинг шагини келтирмади. Энди бутун труппа ҳам ҳаркатга тушиб қолганидан Керри томошабинларнинг назарига тушди қўйди. Актерлар ролларини ёмон ўйнашмаётганидан ниҳоятда қийин жойларини ҳисобга олмаганда томоша амал-тақал қилиб охиригача боради деб ишонса бўларди.

Керри қизиган ва хаяжонланган ҳолда сахнани тарк этди.

— Хўш, қалай? — деди у Друэга қараб. — Дуруст ўйнадимми?

— Бўлмаса-чи! Мана шундай ўйнаш керак! Кўпрок хаётийроқ бўлаверсин! Сен хозир олдинги сахнага қараганда минг чандон яхши ўйнадинг. Энди темпераментингни кўрсат. Сен хаммани ҳайратда қолдир, шундай қилишинг ҳам керак.



— Мен чиндан хам яхши ўйнадимми? — Керри саволини такрорлади.

— Яхшиммиш-а. Зўр! Хўш, ҳозир нима бўлади?

-- Бал сахнаси.

— Бе, буни ўйнаб-ўйнаб қотириб ташлайсан! — деди Друэ.

— Кўзим етмаяпти, — жавоб қилди Керри.

— Бўлди, бўлди! — хитоб қилди Друэ. — Уйда менга ўйнаб кўрсатганингда жуда қотириб ташлагандинг-ку! Мана ҳозир хам сахнага чиққанингда худди ўшандай ўйнагин. Ўзингни гўё уйингда тургандагидай сез, шундай зўр муваффақият қозонасан, гапимга ишонавер. Хохлаган нарсадан гаров ўйнайман. Сен болайсан!

Друэ гапирганда табиатининг жўшқинлиги билан олижаноблиги сўзларидан билиниб турарди. У чиндан хам Керри бу сахнани қотириб ўйнайди деб ҳисоблар, ёри халойиқни бир қойил қолдириб қўйишини истарди.

Керри яна сахнага чиққунча Друэ унга гапиравериб анча пишитиб қўйди. Яхши ўйнайсан деб ишонтирди. Керри унинг гапларига кулоқ соларкан, унда муваффақият қозонишга иштиёқ яна кучая бориб, аста-секин асл холига қайта бошлади.

— Менимча, эплайман!

— Турган гап! Тортинмасанг бўлгани!

Бу пайтда сахнада миссис Ван-Дэм ролини ўйнаётган артистка андиша деган нарсани бутунлай йиғиштириб қўйиб Лаурага тухмат тошларини ёғдираётганди. Керри унинг гапларини эшитаркан шу чокқача ўзига нотаниш бўлган туйғу таъсирида бурун катаклари керила бошлади.

— «Жамият ўз шаънига айтилган ҳақоратлар учун каттиқ ўч олади, — дерди Рэй ролини ўйнаётган актёр. — Сиз Сибирь бўрилари ҳақидаги гапларни эшитганми-сиз? Тўдадаги бўрилардан бири кулаб қолса борми, бошқалари уни хомталаш қилишади. Бу қиёс унчалик ёқимли бўлмаса ҳам жамиятда бўриларга хос бўлган нимадир бор. Лаура ўз мунофиқлиги билан жамиятнинг жифига тегиб қўйганди, вирт мунофиқликдан иборат бўлган жамият энди масхара бўлганлиги учун ундан ўч оляпти!».

Керри ўзининг сахнадаги исмини эшитганида титраб кетди. У асар воқеасидагидай изгироб чека бошлади. Энди у хўрланган одамнинг кўйига тушганди. Сахнанинг ён томонидаги парда орғида тураркан бутун вужу-

ани хаяжонга солган ўйлар гирдобида қолганди. Қуло-нига ҳеч нарса кирмас, чеккасидаги томирлари сирқи-рарди, холос.

— «Гап шу, қизлар, нарсаларимизга дурустроқ кўз-қулоқ бўлиш керак, — деди миссис Ван-Дэм маънос. — Орамизда шундай энчил ўғри бор экан, улар хатардан холи бўла олмайди!»

— Реплика! — деди Керрининг ёнида турган суфлер.

Керри бўлса унинг гапини эшитмасди ҳам. У илхом-ланиб турганидан дадил ва гўзал одимлаб олдинга ин-тилди. Мағрур ва соҳибжамол Лаура мисолида томоша-бинлар кўз олдида намоён бўлиб, воқеалар оқими талаб қилганидай тошдай қотган, рангида қон қолмаган шўрлик жувоннинг ўзи бўлди қолди, бу пайтда эса бир гуруҳ пуч қалбли аъёнлар жирканиб, ундан тобора йироқла-шардилар.

Герствуд Керрининг хаяжонланганидан азбаройи таъ-сирланиб кўзларини тез-тез пирпиратарди. Сахнадан та-ралаётган ҳиссиёт ва самимийликнинг илиқ тўлқини зал-нинг олис бурчакларигача бориб етганди. Оламни олиш-га қобил бўлган эхтироснинг сеҳрли таъсири ўзини тўла-тўкис намоён этаётганди.

Аввалига унчалик эътибор бермай ўтирган томоша-бинлар энди сахнада кечаётган воқеаларни зўр қизиқиш билан томоша қилишарди.

— «Рэй! Рэй! Нега унинг олдига қайтиб бормай-сиз?» — Пэрлнинг фарёди эшитилди.

Хамманинг нигоҳи илгаригидай мағрур ва манфур киёфада турган Керрига қаратилди. Барча томошабин-лар унинг ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатишар ва у қай томонга қараса ўзлари ҳам ўша томонга қара-шарди.

Пэрл миссис Морган унга яқин келди.

— «Уйга кетайлик!»

— «Йўқ, — жавоб берди Лаура — Керри. Шундаги-на биринчи марта илгаригига нисбатан овози самимий чиқди. — У билан қолаверинг!»

У расвосини чиқарадиган даражада маҳбубига имо қилди-да, сўнгра ғоят самимийлиги билан юракларни лар-зага келтирадиган пафосда деди:

— «У кўп кулфат чекиб ўтирмайди!»

Герствуд ҳозирги дамда сахнада зўр ўйин кетаётган-лигини фаҳмлади. Бунга томошабинларнинг парда туши-ши биланок янграган олқишлари ҳам тасдиқлади. Энди

майхона бошқарувчиси факат Керрининг нақадар гўзал эканлиги ҳақидагина ўйларди. Бунинг устига у узатса кўли сира ҳам етмайдиган соҳада муваффақият қозонди-я. Герствуд Керрини ихтиёрида эканлигини ўйлаганида жуда ҳам хузур қиларди.

— Ажойиб! — хитоб қилди у.

У азбаройи ҳаяжонланиб кетганидан ўрнидан кўзга-либ, саҳна ортига олиб чиқадиган эшик томон юриб қолди.

Майхона бошқарувчиси Керрининг пардозхонасига кирганида Друэ хали ҳам ўша ерда эди. Герствуд шундагина Керрини жонидан ҳам севиб қолганлигини сизди — Керрининг теран ва эҳтиросли ўйинидан бенихоя ҳайратда эди-да. У Керрини роса мактаб юрагидагиларнинг борини тўкиб солишни истар, бироқ бу ерда Друэ бор бўлиб, унинг ҳам Керрига ҳаваси тобора ортиб борарди. Чамаси ёш коммивояжер Герствуддан кўпроқ ҳайратланган бўлса ҳам, шароитни ҳисобга олиб, кўнглидаги гапларини анча кескинроқ шаклда баён этарди.

— Хўш, хўш десак! — Друэ ҳадеб шу гапни такрорлашни қўймасди. — Сен жуда ҳам ажойиб! Мен ролни койил қилишингни бошидаёқ билувдим. Жуда зўр қизсан-да!

Керрининг кўзлари қувончдан порларди.

— Яхши ўйнадинг деб ростдан гапиряпсанми?

— Яхши ўйнаш ҳам гапми?! Хўш деявер! Олқишларни эшитмадингми? Томоша залидагилар хали ҳам койил қолганларидан чапак чалишарди.

— Ўзим ҳам қанчалик... куйиб-пишганларимни ифода қила олганимни сезгандай бўлдим.

Герствуд нақ ўша лаҳзада кириб келганди. У Друэ сал ўзгариб қолганлигини беихтиёр сизди. Керрининг ёнида тикилиб турганлигини кўрганидаёқ қалбини кучли рашк ўти ловиллатди. Герствуд уни Керрининг ёнига далда бергин деб юборгани учун ўзини ҳеч кечиролмас, энди эса ошнасини худди ҳуқуқини поймол қилаётган одамдай ёмон кўрарди. Шу вайдан Герствуд ўзини аранг қўлга олиб, Керрини дўстларча табриклади. Бу унинг ўзи устидан қозонган катта ғалабаси бўлди. Шунда кўзлари илгаригидай муғамбирона чакнади.

— Мен сизга ўйинни қийиб ташлаганингизни айтиш учун келдим, миссис Друэ! — деди у Керрига синчиклаб тикилиб. — Сиз бизларга улкан лаззат бахш этдингиз.

Керри шу дамда Герствуднинг қалбида қандай ҳис-

лар туғён ураётганлигини жуда яхши тушуниб турганлигидан унга монанд жавоб қайтарди:

— О, сиздан миннатдорман, мистер Герствуд!

— Мен ҳам hozир унга фикримча зўр ўйнаганлигини гапириб турувдим! — гап қистирди шундай қулинг ўргилсин жононнинг сохиби эканлигидан терисига сиймай турган Друэ.

Керри шўхчан кулиб юборди.

— Шак-шубҳасиз шундай, — Герствуд унинг гапини тасдиқлади. Керри шу лаҳзада унинг кўзларидан айтганларидан ҳам кўпроқ маънони ўқиса бўларди. — Агар бундан буён ҳам шундай ўйнайверсангиз унда бизларни актриса бўлиб туғилган экан деб ўйлашга мажбур этасиз.

Керри бунга жавобан жилмайибгина кўя қолди. Шу дамда Герствуднинг қалбида нималар туғён урганикин деб ўзига ҳисоб бераркан, у билан холи қолишни жудажуда хохлаб кетди. Айни пайтда Друэнинг ўзгариброк қолганига тушунолмай ҳам турарди.

Герствуд ўзи билан ўзи овора бўлиб қолганидан бошқа сўз айтишдан ожиз эди. Друэнинг хиралиги азбаройи жиғига текканлигидан муносиб таъзим бажо айлаб, Керрининг шардозхонасидан чиқаркан вижиниб қўйди.

— Лаънати! — нишқирди Герствуд. — Яна қанчагача йўлимга тўғанок бўларкин?

Герствуд хўмрайганича ложасига қайтиб келди-да, фақат аянчли ахволини ўйлаб, анчагача чурқ этмай ўтирди.

Парда яна кўтарилиб, асарнинг иккинчи кўриниши бошланганидан кейин Друэ ахири жойига қайтиб келди. Унинг димоғи чоғ бўлганидан ўша захотиёқ Герствуднинг қулоғига нималарнидир шивирлашга тушди, бироқ Герствуд ўзини артистларнинг ўйинини берилиб томоша қилаётганга солди. Гарчи ҳали Керри кўринмаса ҳам, Герствуд сира сахнадан кўзини узмасди. Сахнада ҳозирча хажвий ўйин кетар, шундан кейин Керри чиқиши керак эди. Бироқ Герствуднинг кўзига ҳеч нима кўринмасди. У ўзининг аламли ўйлари билан банд эди.

Томоша Герствуднинг кайфиятини яхшилаётган олмади. Керри энди ҳамманинг назарида эди. Бундай труппадан бирор иш чиқиши мушкул деб, бичиб-тўқиб қўйган томошабинлар энди фикрларини бутунлай ўзгартириб, бу ёғи зўр бўлса керак деб бекорга умид боғлашарди. Бош-

каларнинг ёмон ўйнаётгани Керрига ҳам таъсир қилмай қолмади. Гарчи унинг ўйинида биринчи парданинг охирида томошабинларни жуда танг қолдирган маҳорат етишмаётган бўлса-да, ролини дуруст бажараётганди.

Герствуд билан Друэ кичкинагина актрисанинг гўзал коматини тобора зўр эхтирос билан томоша қилишарди. Керри буларнинг икковига ҳам шу топда мафтункор кўринар, бунга сабаб тўсатдан рўёбга чиққан кобилияти шундай дабдабали вазиятда намоён бўлганлиги ва бутун зални ларзага солганлиги эди. Керри Друэга энди аввалгидай соддагина киз эмас эди. У тезроқ уйга бориб, Керри билан холи қолишни ва қалбини тўлдирган таасуротларини тўкиб солишни истарди. Шу вайдан икковлари ёлғиз қолиб, уйларига қайтишлари учун томоша тугашини сабрсизланиб кутарди.

Герствуд бўлса, аксинча, Керрининг ҳозирги янги парвозида ўзи учун ноҳус бўлган башорат сезар ва ичида ошнасини лаънатларди. Дахшат! У Керрига қандай қойил қолганлигини кўнгилдагидай қилиб айта олмади-я. Доим ўзини босиб туриб, ҳисларини пинҳон тутишга мажбур бўлди.

Керри охирги кўринишда жуда қотириб ўйнади, унинг қўш маҳбуби ҳам бир лахза бўлса-да, кўзларини узишмай ўтиришди.

Герствуд сахнада бўлаётган гап-сўзларга қулоқ солиб ўтираркан, фақат Керри қачон чиқаркин, деб ўйларди. Унга қўл кутишга тўғри келмади. Муаллифнинг ихтиёри билан пьесадаги шўх улфатлар сайрга жўнашиб, сахнада Керрининг ўзи қолди. Герствуд Керрини биринчи марта томошабинлар билан юзма-юз кўрди. Керри сахнага кириб келиши биланок Герствуд кизга биринчи парданинг сўнггидаги илхом, ўша қудрат қайтиб келганлигини фаҳмлади. Пьесанинг ечимига тобора яқин қолиб, ролни қойил қилиш имконияти камайгани сари Керрининг илхоми булоқ янглиғ қайнаб бораётгандек кўринарди.

— «Шўрлик Пэрл! -- дерди Керри ротакам пафос билан. — Бахтдан бенасиб бўлмоқ нақадар аянчли, бироқ бошқа одам уни кўр-кўрона излаётганини, бахт эса қўл узатса етгудай жойда турганини кўрмоқ ундан ҳам дахшатлироқдир!»

У эшик кесақисига суянганича туриб, олисларга, денгизга маъюс тикиларди.

Герствуднинг унга ҳам, ўзига ҳам жуда раҳми келиб

кетди. Назарида Керри худди ўзи билан гаплашаётгандай бўларди. У энди инсонга зўр куй сингари таъсир кила оладиган ана шу хароратли овоз жаранглари, отанин туйғулар оқими ихтиёрида эди. Пафоснинг зўр хусусияти ҳам шунда: сахнадаги киши хар бир томошабинга шахсан мурожаат қилаётгандай туюлади.

— «Холбуки у ўша билан жуда бахтли бўлиши мумкин, — жажжигина актриса гапида давом этди. — Унинг қувноқлиги, кўркем ҳусни хар қандай хонадонни яшнатади».

Керри секин ўгирилиб, томошабинларга маъносиз нигоҳ ташлади. Унинг ҳаракатлари нақадар содда ва табиийлигидан томошабинларни бутунлай хаёлидан чиқариб ташлагандай туюларди. Шундан кейин у стол ёнига ўтириб, қандайдир китобларни варақлашга тушди.

— «Ўзим етиша олмайдиган нарса учун ғам-алам чекмаганим холда, — у оҳиста бўлса ҳам, тушунарли қилиб гапирди, — борлигимни оламдаги икки кишидан бўлак ҳаммадан яшираман ва яқинда унинг рафикаси бўладиган маъсума қизнинг бахтиёрлигидан қувонаман».

Миссис Блосом деган аёл Керрининг гапири бўлганида Герствуд жуда хафа бўлиб кетди. У Керри гапида давом этишини истаб, гижингидан ўтирган жойида ўгирилди. Герствуд қизнинг рангпар чехраси, бўз ранг либосдаги гўзал қадди-қоматига махлиё бўлиб қолганди. Гўё Керри шу топда ўлгудай чарчаган ва Герствуднинг химоясига зордай туюларди. Хаёлотнинг кучини қарангки, Герствуд азбаройи ҳаяжонланиб кетганидан бу томоша эканлигини ҳам унутиб, ўрнидан туриб, унга ёрдам қўлини чўзишга ҳам тайёр эди.

Кўн ўтмай Керри яна ёлғиз қолиб, илхомланиб гапирга бошлади:

«Мени хар қанака хавф-хатарлар қутаётган бўлса ҳам, шахарга қайтаман! Боришим керак! Иложи бўлса билдирмай, бўлмаса очиқ боравераман».

Сахна ортидан от дупури билан Рэйнинг овози келди:

— «Йўқ, мен бугун бошқа бормайман. Отни отхонага олиб кетаверинг».

Сахнага Рэй кириб келди. Мана шу кўриниш Герствуднинг сезгилари кучайиши ва унинг кейинги бутун тақдирида катта роль ўйнади. Негаки, Керри бу сахнага ўзини бир кўрсатиб қўйишни илгаридан мўлжаллаб қўйганидан, бунинг фурсати етганда бутун вужуди билан рол-

га берилди. Бу эса Герствуднинг ҳам, Друэнинг ҳам назаридан четда қолмади.

— «Мен сизни Пэрл билан кетсангиз деб ўйловдим», — дейди Лаура ўзининг собиқ махбубига қараб.

— «Мен улфатларим билан бироз йўл босдим-да, кейин уларни ташлаб, орқамга қайтдим».

— «Пэрл билан уришиб қолмадингизми ишқилиб?»

— «Йўқ... айтмоқчи, ҳа. У билан доим уришганимиз уришган. Бизнинг барометримиз «ҳаво булут» ёки «туман»ни кўрсатгани кўрсатган.

— «Бунда айбдор ким ўзи?» — бамайлихотир сўради Керри.

— «Ҳақат мен эмас-да, — деди Рэй инжиқлик қилиб. — Мен қўлимдан келганини қиялман... у бўлса...»

Пэттон буларнинг барини бепарворок оҳангда айтган бўлса ҳам, Керри кўркам ҳаракатлари билан ҳарифининг заифлигини ҳам босиб кетди.

— «Бирок у сизнинг хотинингиз-ку, — Керри жимиб қолган актёрга синчиклаб тикилганича мулоҳим ва жангдор товушда гапира бошлади. — Рэй, дўстим, меҳрибонлик никоҳли турмушимизни суғориб турадиган чашмадир. Унинг қуриб қолишига йўл қўйманг. Бўлмаса турмушингиздан кўнглингиз тўлмай, бебахт ўтасиз».

Керри илтижо қилгандай иккала қўлини кўксига босди.

Герствуднинг хайратдан оғзи очилиб қолганди. Друэ бўлса ҳузур қилганидан жойида тинч ўтира олмасди.

— «Менинг хотиним, ҳа...» — гапида давом этди Керрининг олдида жуда хароб бўлган актёр.

Хайриятки, Керри вужудга келтириб, сақлаб келаётган нозик вазиятни энди ҳеч нарса буза олмасди. У Пэттоннинг қанчалик заиф эканлигини чамаси пайқамасди ҳам. Керри мабодо ёғоч фўлага гапирганда ҳам бу сахнани ёмон ўйнамаган бўларди. Яхши ўйин учун зарур бўлган нарсаларнинг бари ўзида мавжудлигидан бошқа ижрочиларнинг ўйинлари мутлақо аҳамиятсиз эди.

— «Сиз ҳалитдан пушаймон бўляпсизми?» — дейди Лаура секин ва ёзғириб.

— «Мен сизни йўқотдим. — Рэй унинг мўъжазгина қўлини чангаллаб жавоб беради, — мени йўлдан урмоқчи бўлган енгилтак қизнинг тузоғига илиндим. Ҳаммасига... сиз айблисиз... Нега сиз мени ташлаб кетдингиз?»

Керри бамайлихотир тескари қаради, шунда жунбушга келган хиссиётларига эрк бермаслик учун бутун

продасини ишга солгандай кўринарди. Шундан сўнг яна махбубига каради.

— «Рэй, — деб гап бошлади у, — сиз ҳамма томондан ўзингизга тенг бўлган аёлга мухаббатингизни умрбод бахш этганингизда мен қувонгандим. Ҳозирги сўзларингиз менга нақадар дахшатли янгилик! Доимо ўз бахтингизга ўзингиз тўсиқ бўлишга сизни нима мажбур этапти? Шунга менга тушунтирсангиз-чи».

У ана шу сўнгги саволини рўйирост ва оддийгина қилиб берганидан ҳар бир томошабин назарида гўё савол ўзига берилаётгандай туюларди.

Нихоят асардаги Лауранинг собиқ махбуби шундай деб хитоб қиладиган жойи келди:

— «Лаура, илгари менга ким бўлсангиз ҳозир ҳам шундай бўлинг!»

Керри эса бу гапга мулойимлик ила жавоб берди:

— «Йўқ, Рэй, мен сизга энди илгаригидай бўла олмайман. Бироқ мен сиз учун аллақачонлар ўлган Лаура номидан гапира оламан».

— «Сизнингча бўла қолсин!» — дейди Пэттон.

Герствуд олдинга эгилди. Томошабинларнинг бари сахнадагиларнинг сўзларини чурқ этмай, жон кулоқлари билан тинглашарди.

— «Майли, — Керри умидини узиб ўзини креслога ташлаган махбубига ғамгин гап бошлади. — Сиз кўнгили қўйган аёл доно ё бефаҳм, соҳибжамол ё хунук, бадавлат ё камбағал бўлса ҳам, унинг сизга бахш эта оладиган ёки бундан сизни махрум қила оладиган битта нарсаси бор: бу унинг юраги».

Друэнинг томоғи кичишгандай бўлди.

— «У сизга ўзининг бутун ҳуснини, бутун камолотини сотиши мумкин, бироқ унинг мухаббати бир хазинадирки, уни пулга сотиб олиб бўлмайди, у бебаҳо!»

Герствуд Керрининг сўзлари худди ўзига қарата айтилаётгандай қаттиқ изтиробда эди. Назарида гўё у Керри билан ёлғиз қолгану севимли аёлнинг таъсирли ва мулойим сўзларини эшитиб, йиғлаб юборишдан ўзини аранг тийиб тургандай бўларди.

Друэ ҳам аранг ўзини тутиб турарди. У ўзича бундан буён Керрини деганим бўлсин, деб билиб қўйганди. Унга уйланади, чиз сўзи бу! Керри жуда-жуда муносиб.

— «Бунинг эвазига аёл сиздан озгинагина нарса сўрайди, — Керри махбубининг лукмасини эшитиб-эшитмаёқ ганида давом этди. Унинг овози жўр бўлаётган музыкага

тўла уйғун ҳолда жарангларди. — Сизнинг боқишларингизда садоқат барқ урса, унга гапирганингизда овозингиз мулойим чикса бўлгани, гарчи у фикрларингизни ва шуҳратпарастларча интилишларингизни тезда идрок этолмаган тақдирда ҳам, юрагингизга нафрату нописандлик ўрмалашига йўл бермасангиз бас. Мабодо тақдир бутун ниятларингизни чиппакка чиқариб, бахт сиздаң юз ўгирса ҳам, севги овунчоқ бўлиб қолади... Сиз дарахтларга қараб уларнинг улуғворлиги ва қудратига қойил қоласиз. Бироқ шунча хушбўйдан бўлак нарса тортиқ қила олмайдиган мўъжазгина гулларидан жирканманг...»

Герствуд ёпирилиб келган хиссиётларини аранг босиб кулоқ соларди.

— «Муҳаббат — аёл сизга армуғон эта оладиган ягона нарсадир, бироқ ўша ягона нарса ҳатто ўлимни ҳам тан олмайди, шуни унутманг», — Керри гапини мулойимгина тамомлади.

Майхона бошқарувчиси билан коммивояжер навқирон актрисага бамисоли сеҳрлангандай тикилишарди. Улар сўнги сўзларни эшитишмади хисоби, юракларига ўт солиб, сахнада хиром айлаётган жононни кўрардилар, холос.

Герствуд ҳам Друэга ўхшаб ўзича мингларча режа тузиб қўйганди. Уларнинг икковлари ҳам Керрини сахнага чорлаган гулдурос олқишларга қўшилишиб, зўр бериб қарсак чалишди. Друэ қўллари сиркираб кетгунча чапак чалди. Сўнгра ирғиб туриб, ложадан зинфиллаганича чиқиб кетди.

Худди шу лаҳзада Керри яна сахнада кўринди-да, истиқболига келтириляётган улкан саватдаги гулга кўзи тушиб, кимир этмай қолди. Бу гуллар Герствуддан эди. Шундан кейин у Герствуд ўтирган ложага қиё боқаркан кўзи кўзига тушиб, жилмайди. Герствуднинг эса маҳбубасини бағрига босиш учун ложадан сакраб чиқишига бир баҳя қолди. У бола-чақали одам бағоят эҳтиёткор бўлишлигини унутганди. Ложада ўзини яхши биладиган бошқа одамлар ҳам ўтиришганини унутаёзганди. Ҳа, ҳамма нарсадан кечса кечадики, бу аёлни бировга бермайди. Бунда имиллаб ўтирмайди. Друэни ўртадан кўтариб ташлаш фурсати аллақачон етган. Йўқолсин у! Герствуднинг бир кунга ҳам тоқати йўқ. Коммивояжер Керрига эга бўлмаслиги керак.

Герствуд шунақанги қўйга тушдики, ложада ортиқча ўтира олмайди. Фамгин ўйларга ғарқ бўлиб вестибюлга,

сўнгра эса кўчага чикди. Друэ сахна ортидан хали ҳам қайтиб чикмаганди. Пьеса бўлса бир неча минутлардан кейин тугаши керак. Герствуднинг эса жуда-жуда Керри билан ёлғиз қолгиси келар, кўнглида фақат биргина истак: Керрига ўзининг севгисидан гапириб, хилватда ширин сўзларни шивирлаш истаги борлигидан ҳозирги дамда дуч келган танишларига тишининг оқини кўрсатиб, таъзим қилиб, риёкорлик этишга мажбур бўлаётгани учун тақдирига лаънатлар ўқиди. У бутун умидлари пучга чиқажагини ўйлаганида инграб юбораёзди. Усталигини ишлатмаса, Керрини кечки овқатга таклиф ҳам қила олмасди-да... Ниҳоят Герствуд Керридан ҳол-аҳвол сўраш учун сахнанинг орқа томонига ўтди. Снектаскль тугаган, артистлар тезроқ кетиш пайида кийинишиб, бир-бирлари билан валақлашарди. Друэнинг бўлса димоғи чоғлиги ва хаяжонлари янгиланганлиги туфайли сира ҳам чакаги тинмасди. Майхона бошқарувчиси ўзини бир амаллаб қўлга олди.

— Биз, албатта, кечки овқат қилгани борамиз-а? — деб сўради у кечинмаларига мутлақо мос келмаган товушда.

— Жоним билан. — Керри шундай дея ширингина жилмайиб қўйди.

Кичкинагина актриса бениҳоя бахтиёр эди. У энди севикли бўлиш, меҳр товланиш нима эканлигини тушунарди. Одамлар унга қойил қолишар, дўст тутинишга уринишарди. У илк марта муваффақият бахш этган мустақиллик нималигини сезди. Мавқои ўзгариб кетганидан энди у мухлисига бемалол виқор билан қарай оларди. Ўзи буни деярли сезмаса ҳам, ҳар қалай муомаласида тавозе ва нозик мурувват билиниб турарди. Керри тайёр бўлди дегунча ҳаммалари уларни кутиб турган экипажга гушишиб, кечки тановул учун ресторанга йўналишди. Шунда Герствуд фақат бир мартагина Друэдан илдамлик қилиб, Керрининг ёнига ўтирувди, киз кези келганда кўнглидагини унга билдириб қўйди. Друэ ўрнига ўтиришга улгурмасиданоқ Керри майхона бошқарувчисининг қўлини эҳтирос ва назокат ила қисди. Бундан Герствуд ниҳоятда хаяжонланиб кетди. Шу дамда Керри билан холи қолиш учун у жонини ҳам беришга тайёр эди.

«Ё худо, қандай азоб!» — унинг шундай деб юборишига сал қолди.

Друэ, турган гапки, буларнинг бари мен туфайли бўляпти деб ўйлаганидан хиралик қилишини қўймади.

Махмаданагарчилик қилавериб ўтиришни ҳам бузди. Герствуд шундан кейин ўлсам ҳам мақсадимга етмай қўймайман, деб кўнглига қаттиқ туғиб қўйиб, уйга жўнади. Кетар олдидан қайноққина шивирлаб «эртагача» деганди, Керри унинг муддаосига тушунди.

Герствуд хайрлашиб ва Друэни ўлжаси билан қолдириб кетаркан, ўшал дақиқада назарида бу одамни заррача тап тортмай ўлдира оладигандай туюларди. Керрининг ҳам кўнглига чироқ ёкса ёримасди.

— Хайрли тун? — деди Герствуд овозига дўстона тус беришга интилиб.

— Хайрли тун! — Керри унга мулойимгина жавоб берди.

«Овсар! — Герствуд ичида Друэдан қаттиқ нафратланиб сўқинди. — Тентак! Сенинг тезда адабингни бериб қўяман! Кўрамиз эртага ким кимни енгаркин!»

— Тўғри-да, сен мўъжизасан, Керри! — дерди бу пайтда Друэ Керрининг кўлини сийпалагандай ушларкан мулойимлик билан. — Сен ажойиб қизсан!

XX боб

РУҲ МАЙЛИ. ВУЖУД ИСТАГИ

Герствудга ўхшаган кишиларнинг эхтирослари доимо жўшқин намоён бўлади. Бу эхтирос ўйчанлик ёхуд орзумандликда ифода бўлмайди. Бунақа кишилар махбубанинг деразаси тагида ишқий кўшиқлар айтмайдилар, ёинки куйиб-пишиб, кучли тўсиқлар борлигидан аламли равишда зорланиб юрмайдилар. Герствудга тунлари ҳар хил ўйлар уйқу бермас, эрталаблари эса барвақт туриб, илгаригидай куч ва интилиш билан кўнглига яқин бўлган азиз кишисини ўйлашга тушарди. Керридан энди янгича завқланаётганлиги ва йўлида Друэ ғов бўлиб турганлигидан Герствуд ҳам рухан, ҳам жисмонан батамом тинчини йўқотганди. Ҳеч ким ва ҳеч қачон Герствуд сингари кўнглига яқин кишиси енгилтак ва суюқ коммивояжер кўлида эканлигини ўйлайвериб афтодаҳол бўлиб қолмаган бўлса керак. Герствуд мана шу дардисарликларнинг барига чек қўйиб, Керрини Друэнинг чангалидан қутқариб олиш ва уни бунга кўникиши учун оламдаги бор нарсасини бағишлашга тайёр эди.

Нима ҳам қилсин энди? Герствуд чуқур ўйга ботган

холда кийинарди. У гарчи хотини бўлса ҳам, хонада у ёқдан-бу ёққа юрар, унинг борлигини ҳатто билмасди ҳам.

Нонушта томоғидан ўтмади. Тарелкасидаги яхна гўштга қўл ҳам урмади. Газеталарга паришонхотир кўз югуртириб чиққунча қаҳваси ҳам совиб қолди. Гоҳо кўзи бирорта мақолага тушиб қолгудай бўлса ҳам, нимани ўқиганини тушунмасди. Жессика ҳали емакхонага тушмаган, миссис Герствуд эса индамай хаёлга чўмганича столнинг нариги чеккасида ўтирарди. Яқиндагина хонадонга олинган хизматчи киз салфеткалар қўйишни унутганидан тоқати тоқ бўлган миссис Герствуднинг сержаҳл овози жимликни бузди:

— Мен буни сизга айтувдим, Мэгги, яна такрорлашни истамайман!

Герствуд хотинига кўз қирини ташлаб қўйди, холос. У хўмрайиб ўтирарди. Бундай ўтириши Герствуднинг жуда ҳам гашини келтирарди.

— Сен бир фикрга келдингми, Жорж, отпускани қачон оласан? — хотини унга тўсатдан шундай деб қолди.

Одатда улар йилнинг бу фаслида ёзги истироҳатнинг режаларини муҳокама қилишарди.

— Келганимча йўқ, — жавоб берди Герствуд. — Ҳаддан ташқари бандман.

— Ҳим, — миссис Герствуд тумтайди, — бирор ёққа бориш тараддудида бўлсак тезроқ бирор фикрга келсанг ёмон бўлмасди.

— Менимча, бизнинг ҳали анчагина вақтимиз бор, — деди эри эътироз билдириб.

— Бунақада ёзнинг охиригача кутаверамиз-да! — миссис Герствуд елкасини қисиб қўйди.

— Яна эски нағма-я! Гапингга қараганда мен гўё лақиллаб юрган эканман-да.

— Мен гапнинг тагига етмоқчиман! — миссис Герствуд аччиқланиб гапини такрорлади.

— Бизнинг бунга ҳали олдинда анча вақтимиз бор, — эр гапида қаттиқ турди. — Сен ахир пойга мавсуми тугамагунча бора олмайсан-ку.

Герствудни бу гап бутунлай бошқа нарсани ўйлашни ихтиёр қилиб турганда бошланиб қолганлиги жаҳлини чиқарарди.

— Эҳтимол кетаверармиз ҳам! Жессиканинг кўп кутинга тоби йўқ!

— Бунақа бўлса сенга мавсумий билет нимага керак бўлиб қолди? — сўради Герствуд.

— Уф! — миссис Герствуд кўксидан отилиб чиққан бу хўрсиникқа ўзининг бутун ғазабини жойлашга ҳаракат қилгандай эди. — Сен билан ади-бади айтишиб ўтиришга сира ҳам тоқатим йўқ! — Хотини шундай дея стол ёнидан кетмоқчи бўлиб қўзғалиб қолди.

— Менга қара, кейинги пайтларда сенга бир нима бўлганми ўзи? — Герствуд ҳам кескинроқ гапириб ўрнидан қўзғалганди хотини беихтиёр тўхтаб қолди.

— Нахотки одамга ўхшаб гаплашиб бўлмайди сен билан?

— Мен билан гаплашса бўлади, — деди миссис Герствуд охирги сўзларига зўр бериб.

— Э, қўйсанг-чи! Сизлар билан қачон кета олишлигимни билмоқчи бўлсанг марҳамат: камида бир ойсиз бора олмаймиз. Эҳтимол ундан ҳам кечроқ имкон топилар.

— Бўлмаса биз сенсиз кетаверамиз.

— Шундай дегин? — деб қўйди Герствуд масхараомуз.

— Ха, кетаверамиз!

Майхона бошқарувчиси хотинининг чарслигидан ҳайрон бўлса-да, бундан баттар жаҳли чиқди.

— Хўп, буни кўрармиз хали! — хитоб қилди у. — Назаримда кейинги пайтларда тилинг жуда узун бўлиб қолди! Мен қолиб, ишларни ўзинг хал қилиб юборин пайига тушганга ўхшайсан. Чучварани хом санабсан. Шахсан менга тааллуқли бўлган жойда сенинг хўжайинчилик килишинг кетмайди. Хоҳласанг, кетавер, бироқ бунақа гаплар билан мени мажбур этолмайсан!

Герствуднинг ғзаби қайнаб кетганди. Унинг қоп-қора кўзлари чакнади. У газетани вижимлаб столга отди. Миссис Герствуд орага бошқа сўз қўшмади. Эрининг кейинги сўзларини эшитгач, орқасига ўгирилиб хонадан чиқиб кетди. Герствуд бўлса яна бир неча сония нима қиларини билмай тик турди-да, сўнгра яна жойига ўтириб, қахвадан ҳўплади, кейин туриб, шляпасини олгани юрди.

Миссис Герствуд иш бунақа кўчинини сира ҳам хаёлига келтирмаганди. Тўғри, у нонуштага чиққанида чехраси очилмайроқ турар, бунинг устига хаёли бир режа билан банд эди. Жессика унинг эътиборини пойгалардан бўлган умидлари рўёбга чиқмаётганлигига қаратганди. Бу йилги пойгалар фойдали танишувларга айтарли имкон бермаётганди-да. Соҳибжамол Жессика қисқа вақт ичидаёқ ҳар кунни пойгани томоша қилиш — жуда зери-

карли иш эканлигига ишонч ҳосил қилди, бу йил эса ҳудди қасддан қилгандай томошабинлар барвақтроқ курортларга ва Европага тарқалиб кетишаётганди. Жессика кўз тагига олиб юрган бир неча йигитлар Вокишга жўнаб қолишганди. У ҳам ана шу курортга боришни ҳаё қилиб юрганди, онаси рози бўла қолди.

Миссис Герствуд бу масалани эри билан гаплашиб олмақчи бўлди. У стол ёнига ўтирганида қизи таклиф қилган режани ўйлаётган бўлса ҳам, вазият бунақа суҳбатни унча кўтармасди. Ғалва нимадан бошланганини миссис Герствуднинг ўзи ҳам билмасди. Шундай бўлса ҳам, у фикрича золим ва махлуқ эрининг бу қилиғини сира ҳам бежазо қолдирмасликка аҳд қилди. Эри унга хонимлардек муомала қилиши керак, бўлмаса унинг кунини кўрсатиб қўяди!

Герствуд ҳам то майхонага келгунича бугунги ғалванинг кучли таъсирида эди; у ердан Керри билан учрашувга кетди, унинг қалбини бутунлай бошқа туйғулар — муҳаббат, эҳтирос, норозилик туйғулари забт этганди. Ҳаёлига шу топда минг хил фикр келиб-кетарди. У тезроқ Керрини кўра қолсам эди, деб ховлиқарди. Керрисиз унга на кечаю, на кундузнинг кераги бор? Керри уники бўлиши керак, шундай бўлади ҳам!

Керри эса кеча кечқурун маҳбуби билан хайрлашганидан бери умид ва орзулар оламида яшарди. У Друэнинг қайнаб-жўшиб айтган мактовларини тинглаган бўлса ҳам, унинг ўзи хусусида айтган гапларига эътибор бермади. У нимқони борича Друэни ўзидан нарироқ тутишга уринар, ҳаёли эса эришган муваффақиятининг нашъу намосини сурмоқда. Герствуднинг эҳтироси бу ютукни қўлга киритишида унга мададкор бўлганлиги туфайли учрашганларида у нима дейишини тезроқ билишни истарди. Герствуднинг изтиробда юрганлиги Керрига ёққанидан унга ачинар, шунинг вазидан у қарам бобида бошқалардан алоҳида ажралиб турарди. Керри муҳтожлар қаторидан валинсъматлар қаторига ўтиб қолган кишида сезилар-сезилмас ўзгариш рўй беришини илк марта ғира-шира ҳис этаётганди. Қўйинг-чи, у жуда ҳам бахтиёр эди.

Эртаси куни газеталарда спектакль хусусида бир оғиз ҳам хабар чиқмаганлиги маълум бўлди, кечаги муваффақият кундалик майда-чуйда нарсалар гирдобида ғарк бўлиб, анча охорини кеткизиб қўйганди. Друэ ҳам у ҳақда қўп гапирмасди. У Керрига муносабатини бошқачароқ қилиб олиши зарурлигини ўзича сезиб юарди.

— Шу ойда ишларимни бир ёқлик қилсам керак, кейин никоҳдан ўтамыз, — деди Друэ спектаклнинг эртасига идорасига кетишга отланаркан. — Кеча адвокат билан худди шуни гаплашувдим.

— О, бу қуруқ гап! — деди Керри.

У энди ўзини анча бақувват сезаётганидан Друэга тегишишга аҳд қилганди.

— Йўқ, қуруқ гап эмас! — Друэ ўзига хос бўлмаган эхтирос билан хитоб қилди-да, ўша захоти илтижоли охангда кўшиб кўйди: — Нимага менга ишонмаяпсан, Керри?

У бўлса бунга жавобан кулибгина кўя қолди.

— Нега энди ишонаман! — деди у орадан пича вақт ўтгач.

Бу сафар Друэнинг ўзига ишонганлигидан иш чиқмади. Гарчи у унча сезгир одамлардан бўлмаса ҳам, кейинги найтларда теварак-атрофида ақли бовар қилмаётган ишлар бўлаётганини ҳар қалай пайқаб юрарди. Керри унга илгаригидай муомалада бўлса ҳам, энди аввалгидай хокисор эмасди. Гапиришлари ҳам бошқача бўлиб қолганди. У Друэга энди муте одамдай боқмасди.

Навқирон коммивояжер бошига қандайдир кулфат тушадиган кишидай юрарди. Бу унинг хиссиётига ҳам таъсирини ўтказганидан у фалокатнинг олдини олиш учун кўпроқ парвона бўла бошлади.

Керри Друэни жўнатибоқ Герствуд билан учрашиш тараддудига тушди. Шоша-пиша у ёқ-бу ёғини тузатган бўлди-ю, зинадан югургилаганича тушиб кетди. Яқинроқдаги чоррахада Друэнинг ёнидан ўтиб кетса ҳам, улар бир-бирларини кўришмади.

Друэ қандайдир ҳисоб қоғозларини ола кетинни унутганди. Бу қоғозларни идорага олиб бориш зарур бўлганидан оркасига қайтди. У тезда тепага кўтарилиб, хонага учиб кирганди, фақат суңуриб-сидираётган оқсоч кизни кўрди, холос.

— Ҳим! — хайрон бўлди у. — Керри қайга йўқолди? Бирор ёққа кетдими? — деб кўйди у худди ўзидан ўзи сўрагандай.

— Хотинингизми? Беш минутча олдин кетувди.

— «Ажаб! — ўйлади Друэ. — У менга ҳеч нима демовди-ку. Қайга ҳам бориши мумкин».

У чамадонини титкилаб, керакли қоғозларини топди-да, чўнтагига тикди. Кейин оқсоч кизга очилиброк қаради. У яхшигина киз бўлиб, Друэга анча мойилроқ эди.

— Хўш, сиз бу ерда нима қияйсиз? — деди Друэ унга тишининг оқини кўрсатиб.

— Ўзингиз кўриб турганингиздай супуриб-сидиряпман, — у ишдан тўхтаб, чанг латтани қўлига ўраркан жилшанглаб жавоб берди.

— Чарчадингизми?

— Йўқ, унча эмас.

— Хўш десангиз, сизга битта қизикрок нарса кўрсатаман, майлими? — Друэ мулойимлик билан таклиф қилди.

У оқсоч қизга яқинлашиб, чўнтагидан мўъжазгина китобча олди, уни йирик тамаки фирмаси реклама холида чиқарганди. Откриткада қўлида соябон тутган гўзал бир қизнинг тасвири бўлиб, орқадаги диск ёрдамида соябоннинг рангини ўзгартирса бўларди. Бу дискни бураганда мўъжазгина ёриқлардан гоҳ кизил, гоҳ сариқ, гоҳ кўк ранглар кўзга ташланарди.

— Зўр қилинган-а, тўғрими? — деб сўради оқсоч қизга откриткани узатиб, унга рангларни ўзгартаришни тушунтираркан. — Сиз бунақа нарсаларни кўрмаган бўлсангиз керак.

— Жуда ажойиб нарса, — оқсоч унинг гапига қўшилди.

— Хоҳласангиз олиб қолаверинг, — деди навқирон коммивояжер. Кейин қўшиб қўйди. — Зўр узугингиз бор экан. — У бироз жим тургандан кейин қизнинг бармоғини безаб турган оддий узукни кўрсатди.

— Сизга ёқадими?

— Ёққанда қандай, — жавоб берди Друэ. — Жуда чиройли узук.

Друэ фурсатдан фойдаланиб, қизни қўлидан ушлаб, ўзини оддий узук қизиктираётгандек қилиб кўрсатди. Энди ўртадаги гов олиб ташланганидан Друэ гўё қизнинг қўлини ушлаб турганини унутгандай гурунгни бўшаштирмасди. Оқсоч бўлса қўлини чиқариб олди-да, бир неча қадам орқага тисарилиб, дераза тоқчасига суянди.

— Анчадан бери кўринмадингиз-а! — деди оқсоч тезпишар коммивояжернинг навбатдаги хамласини дафтларкан, қиздирадиганроқ қилиб.

— Сафарда эдим, — жавоб берди Друэ.

— Олисроққа бордингизми?

— Жуда олисга.

— Сизга сафар ёқадими?

— Йўқ, унчамас. Сизга айтсам тезда жонга тегади.

— Мен бўлсам саёҳат қилишни истардим! — хўрси-

ниб қўйиб, оксоч деразага ўйчан тикилди. — Айтгандай, дўстингиз мистер Герствуд қаёққа йўқолди? — оксочнинг фикрича, майхона бошқарувчиси ғийбатбоп одам бўлганидан Друэга тўсатдан шундай деб қолди.

— У шу ерда, шаҳарда, — жавоб қилди Друэ. — Сиз уни нимага сўраясиз?

— Шунчаки ўзим... Сиз қайтганингиздан бери у бу ерга бир марта ҳам келмади-я.

— Сиз уни қаёқдан яхши танийсиз?

— Ана холос! — деб юборди киз. — Ўтган ойнинг ўзида сизга у ҳақда ўн марта ҳисоб бермовдимми?

— Қўйинг-е, роса олдингиз-ку! — Друэ унга локайд эътироз билдирди. — Шу ерга кўчиб келганимиздан буён ҳаммаси бўлиб келса беш марта келди-да.

— Сизнингча шундайми? — қиз жилмайиб қўйди. — Жуда кўп нарсани биларкансиз!

Друэ энди ўзини жиддийроқ тутиб гашира бошлади. У оксочнинг хазил қилаётганини ҳам, ростини айтаётганини ҳам билмасди.

— Алдоқчи! — деди. — Нега бунақа куласиз? Бу нимаси?

— О, айтарли ҳеч нарса эмас!

— Сиз кейинги пайтларда уни кўрувдингизми?

— Йўқ, сиз келганингиздан бери кўрмадим.

Оксоч қиз шундай дея шарақлаб кулиб юборди.

— Илгарилари-чи?

— Кўрганда қандок?

— Тез-тезми?

— Худонинг берган куни!

Қиз ўлгудай чақимчи бўлганидан сўзлари қандай таъсир этажагини жуда-жуда билгиси келарди.

— У кимнинг олдига келарди? — Друэ ишонқирамай сўради.

— Хотинингизнинг олдига-да.

Друэ бу жавобни эшитгач, оксоч кизга бақрайиб қолди.

Шундай бўлса ҳам обрўни сақлаш ва сир бой бермаслик учун гап қўшди:

— Хўш, бу нима дегани бўлади?

— Мутлақо ҳеч нима, — оксоч қиз Друэнинг саволига мос жавоб берди-да, қарашма билан бошини бир ёнига эгди.

— Мистер Герствуд — менинг қалрдон дўстим, —

Друэнинг баттар расвоси чиқаётган бўлса ҳам, гапида давом этди.

У бундан бир неча дақиқа мукаддам оқсоч қизга жон деб тегинган бўларди, хозир эса хафсаласи жуда ҳам совиди. У пастда кимдир оқсоч қизни чақириб қолганида, хатто енгил тин ҳам олди.

— Мен борай бўлмаса, қиз шундай дея эшикка қараб шўхчан юриб қолди.

Биз ҳали кўришамиз, — деди Друэ бирдан жириш бузилганидан ўзини хафа кўрсатиб.

Оқсоч қиз кетгач, Друэ ўлгудай тутоқди. Бир нарса бўлса ичидаги бетига қалқадиган одам бўлганидан хозирда боши қотиб, гангиб қолганлиги яққол билиниб турарди. Герствуд Керрининг олдига тез-тез келиб турган бўлса-ю, Керри бу ҳақда лом-ним демаслиги мумкинми? Нахотки Герствуд ёлвон гаширган бўлса? Оқсоч бу гапни айтганида нимани кўзлаганикин? Керрининг қилиқларида ғалати нарсалар пайдо бўлганлигини ўзи ҳам пайкаб юрарди-ку. Керридан Герствуд неча марта келди, деб сўраганида нега у питирчилаб қолди? Жин урсин агар, энди эсига тушди-я! Бу машмашаларнинг барида қандайдир ишқал бор!

Друэ буларнинг барини бир ўйлаб олмоқчи бўлиб, дераза олдидаги тебратма стулга чўқди. У оёқларини чалиштириб, қовоғини уйиб олди. Шу дамда хаёлидан минг хил нарсалар ўтарди.

Йўқ, дерди у ичида, Керрининг хулқ-атворида кишини ажаблантирадиган ҳеч нарса йўқ. Керри уни алдамайди, жин урсин агар! Керрининг юриш-туришларида одамда шубҳа уйғотадиган ҳеч нарса йўқ. Ахир кечқурун ҳам жуда яхши муомала қилди-ку... Герствуд ҳам шундай. Друэ алданаётганига ҳеч ишонгиси келмасди. Йўқ, бунақа бўлиши мумкин эмас!

У ниҳоят кўнглига келганларини ичига сиғдиrolмай гапириб юборди:

— Гоҳида ўзини чиндан ҳам ғалати тутади. Мана, масалан, хозир: менга ҳеч нима демай кийиниб, кетиб қолибди.

Друэ орқа миясини қашлаб, шаҳарга тушмоқчи бўлиб, ўрнидан кўзгалди. Унинг қовоғи ҳали ҳам очилмаганди. Ташқарига чиқаверишда бошқа хонани йиғиштираётган оқсоч қизни кўриб қолди. Унинг бошидаги чиройлигина ошпоқ дурраси мулойим ва кўркам чехрасига мос тушганди. Оқсоч қиз навқирон коммивояжер-

га қараб жилмайганди, унинг кўнглидаги бор губорлари ариди қўйди.

Друэ унга салом бергандай йўл-йўлакай елкасига беихтиёр қўл ташлади.

— Жаҳлингиздан тушдингизми? — деб сўради хали ҳам тегишиш кўнглида бўлган қиз.

— Бу хаёлимда ҳам йўқ.

— Хўп, бўлмаса менга шундай туюлибди-да, — у шундай дея яна айёрона жилмайди.

— Майнавозчилик қилмасангиз-чи, — деди Друэ иложи борича бамайлихотир гапиришга уриниб. — Сиз буни жиддий гапирдингизми?

— Албатта! — қиз ўйламай-нетмай жавоб берди.

Кейин эса бировга сира ҳам ёмонликни раво кўрмайдиган одамдай қўшимча қилди:

— Мен сиз биларсиз деб ўйловдим. У бу ерга кўп марта келганди.

Керрининг лақиллатганлиги рост эди. Друэ энди ўзини бепарво кўрсатишга ортиқча уринмасди.

— Бу ерда кечкурунлари ҳам бўлармиди? — сўради коммивояжер.

— Баъзан... Гоҳо уйдан бирга чиқиб кетишарди.

— Ўшандаям кечкурунларими?

— Ҳа. Шунда ҳам сиз бунинг учун дарғазаб бўлмаслигингиз керак.

— Мен умуман аччиғланаётганим йўқ, — деди Друэ. — Уни сиздан бошқа бирор одам ҳам кўрганми?

— Бўлмаса-чи, албатта! — қиз буларнинг бари худди арзимаган гапдай пинагини бузмасдан жавоб берди.

— Охирги марта келганига кўп бўлдими?

— Қайтишингиздан сал олдин келувди.

Друэ асабийлашганидан лабини тишлади.

— Буни валдираб юрманг! Хўпми? — у оқсоч қизни тирсагидан дўстона сиқиб, илтимос қилди.

— Хўп, — деди қиз. Кейин эса: — Мен сиз бўлганимда бундан хафа бўлиб юрмасдим, — деб қўшимча қилди.

— Майли, -- деди Друэ унинг ёнидан кетаркан.

Друэ жуда таъби хира бўлиб борарди. Шундай бўлса ҳам у кўркамгина оқсоч қизда ўзим ҳақимда яхши таассурот қолдирдим, деган гапларни ҳам йўл-йўлакай кўнглидан ўтказиб қўйди. Бунга унинг таъби тирриклиги халал бермади.

«Кэд билан хали бу ҳақда гаплашиб оламиз! — у

Керри ўзини ноҳақ хафа қилганлигини сезиб аҳд қилди. — Жин урсин! Кўрамиз хали, бундан буён ҳам ўзини ўшандай тутишга журъат қилармикин!»

XXI б о б

РУҲ МАЙЛИ, ВУЖУД ИСТАГИ

(давоми)

Керри паркка келганида Герствуд уни анчадан буён кутиб турарди. Унинг қони қайнаб, асаблари бузилганди. У куни кеча юрагини чуқур ҳаяжонга солган аёлни тезроқ кўриш иштиёқида эди.

— Хайрият-е! — деб юборди у Керрига кўзи тушиши биланок.

У ўзини аранг босиб турган бўлса ҳам, кўнгли ёз бўлиб кетганди. Руҳи анча кўтаринкилигига қарамай, ҳар қалай даҳшатдан холи эмасди.

— Ҳа, бу менман, — Керри шўхчан жавоб берди.

Улар олдиндан белгилаб қўйилган манзилга қараб юришгандай хиёбон бўйлаб кетишди. Герствуд ёнида ёшгина жувон билан кетаётганидан завқ қиларди. Керрининг башанг либоси шитирлаши ҳам кулоғида бамисоли куйдай жарангларди.

— Хурсандмисиз? — деб сўради Герствуд Керрининг кечаги муваффақиятини кўзда тутиб.

— Сиз-чи? — деб сўради ҳам Керри ўз навбатида.

Герствуд Керрининг ўзига қараб жилмайганини кўргандаёқ юраги ловиллаб кетди.

— Жуда ажойиб бўлди, — деб жавоб берди у.

Керри суюнганидан кулиб юборди.

— Мен анчадан бери бунақа ўйинни кўрмагандим! — деб қўшимча қилди Герствуд.

У кечаги оқшом таассуротларини хаёлидан ўтказаркан, Керри ҳозирги лаҳзада ёнида эканлигидан суюниб кўярди.

Керри бўлса Герствуднинг парвона бўлаётганидан роҳат қиларди. У очилиб-сочилиб кетганидан гўё ҳамма ёғидан нур ёғилаётгандай бўларди. Герствуднинг овози ҳар сафар жаранглаганида унинг ўзига нақадар мафтунлигини сезиб турарди.

— Гул юборганингиз учун миннатдорман, — деди у бир оз жим тургандан кейин. — Жуда чиройли гуллар экан!

Улар сизга ёққанидан жуда ҳам хурсандман, — Герствуд шунчаки жавоб бериб қўя қолди.

Герствуднинг хаёлидан муддаосига етишишига ҳали анча борлиги ҳеч нари кетмасди. У Керрига юрагида борини изҳор этишни истарди. Бунга замин ҳам етарли даражада тайёрдай туюларди. Мана, унинг Керриси ёнида одимларди. Герствуд жон-жон деб омади ганга кўчган бўларди-ю, бироқ афсуски, ҳозирги дамда унга сўз етишмас, гапни нимадан бошлашни ҳам билмасди.

— Сиз уйингизга эсон-омон етиб олдингизми? — Герствуд қовоғини уйган ҳолда бирдан сўраб қолди. Овозидан ўзига ачиниш оҳанги сезиларди.

— Албатта! — Керри бамайлихотир жавоб берди.

— Хўш, мен нима қиламан? — сўради Герствуд.

Бу гап Керрини хижолатга солди. У ҳал қилувчи дақиқа келганлигини пайқаган бўлса ҳам, нима жавоб қилишини билмасди.

— Очиғи, билмайман, — деди у.

Герствуд лабини тишлаб қолди. У тўхтаб, паришон-ҳолда ботинкасининг учи билан майсаларни чизарди. Сўнгра бошини кўтариб, Керрига илтижо билан мулоқим бокди.

— Наҳотки уни ташлаб кетолмасангиз? — деб сўради Герствуд ҳаяжонланиб.

— Билмадим, — жавоб берди Керри. У шу дамда тўлқинлар ихтиёрида қайларгадир ўйламай-нетмай сузиб бораётганга ва тирмашадиган нарсаси қолмаганга ўхшарди.

Керрининг шу маҳалда жуда танг аҳволда қолганлигини эътироф этмоқ керак. Қаршисида унга жуда ёқадиган таъсири ҳам кучли бўлган кишиси турарди. Унинг Керрига таъсири нақадар кучлилигидан севгиси зўрлигига ҳам ишонтириб қўйганди. Керри аввалгидай унинг ихтиёрида бўлиб, Герствуднинг ўткир нигоҳи, ўзини мулоқим тутишлари ва зўр кийинганлигига мафтун эди. У ҳозир қаршисида ўзига завқ-шавқ билан қараётган ва ишқига зор бўлган мухлисини кўриб турарди. Шу вадан унинг эҳтиросига дош беришга ожизлик қилар, Герствуд қандай аҳволда бўлса, у ҳам шундай қўйга тушмай ноилж эди. Керри шунда ҳам ҳар қалай дилгир эди.

Герствуд унинг ҳақида нималарни билади? Друэ унга нималар деганикин? Герствуд уни навқирон коммивояжернинг хотини деб ҳисоблармикин? Уни олиш ҳарака-

тидамикин? Керри хатто Герствуднинг сўзларини тиш-лаб, гаплари ва мулойим боқишларидан эриб турганида ҳам Друэ унга ҳали турмуш қурмаганмиз деб ўйларди. Друэнинг ишини ёки нима қиларини ҳеч қачон олдиндан билиб бўлмайди-да.

Герствуднинг муҳаббати самимий эди. Унинг Керри ҳақида билган нарсалари муомаласига сира ҳам таъсир қилмасди. Самимийлигига шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас. Эҳтироси жўшқин, чинакам. Сўзларида қудрат барқ урарди. Бироқ Керри нима қилсин энди? Керри Герствуднинг ишқидан завқланиб, ўзини номаълумликнинг соҳилсиз денгизи томон олиб кетаётган тўлқинда беҳуда талпиниб бораркан, шунини ўйласа ҳам, аниқ бир фикрга кела олмасди.

— Нега унинг баҳридан ўтишни истамаяпсиз? — Герствуд мулойимлик билан гапида давом этди: — Мен сизни шунақанги таъминлайманки... ҳеч...

— О, кераги йўқ! — Керри унинг гапини бўлди.

— Нимани кераги йўқ? — сўради Герствуд. — Бу билан нима демоқчисиз, Керри?

Керрининг чехрасида хижолат ва алам ифодаси ўйнардди. Мустаҳкам никоҳ ихотасидан ташқарида бўлган «таъминлаш» деган ибора вужудини шу топда пичокдай тилиб кетганди.

Герствуд ҳам беҳосдан жуда нобон гап айтиб юборганлигини пайқади. У энди бунинг оқибати қандай бўларкин деб ҳар қанча уринса ҳам, ҳеч нарсани мўлжал қилолмади. Керри ёнидалигидан хаяжонга тушиб, гапидан тўхтамасга ҳам, ичида зўр бериб режалар тузгани тузганди.

— Сиз нимага бундай қилишни истамаяпсиз? — Герствуд айрича эҳтиром билан яна сўради. — Сизсиз яшай олмаслигимни биласиз-ку... Сиз буни биласиз... Ортиқча тоқат қилиб бўлмайди... буни ўзингиз ҳам кўриб турибсиз чамамда.

— Ҳа, тоқат қилиб бўлмайди. — Керри унинг гапига қўшилди.

— Буни сиздан илтимос қилиб ўтирмасдим, агарда... Мабодо ўзимга кучим етганида сизни кўндиришга уриниб ўтирмаган бўлардим. Менга бир қаранг, Керри! Ўзингизни менинг ўрнимга бир қўйиб кўринг! Сиз мендан айрилишни истамайсиз-ку, тўғрими?

Чуқур ўйга ботган Керри бош чайқади.

— Шундай экан, бу ишни батамом бир ёқлик қилиб қўя қолсак бўлмайдими?

— Билмайман, — деб қўйди Керри секингина.

— Сиз билмайсиз-а! Эҳ, Керри, сизни бундай дейишга нима мажбур қияпти? Мени кийнамасангиз-чи! Жиддийроқ гапиринг!

— Мен жиддий гапиряпман, — деди Керри эркаланиб.

— Йўқ, йўқ, сиз бундай нарсаларни... қолаверса менинг қанчалик севишимни била туриб жиддийроқ гапиршингиз мумкин эмас. Кечаги оқшомни эсланг!

Герствуд кейинги сўзларини жуда бамайлихотир айтди. У энди ўзини жуда тутиб олганди. Кўнгли безовталиги фақатгина тобора порлаётган кўзларидангина билиниб турарди. Боқишларидан ҳозирда кўнглидан қўн нарсалар ўтаётгани сезиларди.

Керри ҳали ҳам чурқ этмасди.

— Нахотки бу ишга шундай қарасангиз, оромижоним? — Герствуд пичадан кейин яна гап бошлади. — Мени севасиз-ку ахир, тўғрими?

Керри унинг эхтиросли гапиринидан тонг қолаёзди. Унинг кўнглидаги гумонлари бир зумда таркади кетди.

— Ҳа, — Керри самимий ва мулоийм жавоб берди.

— Ундай бўлса кетайлик. Маъқулми? — Герствуд хаяжонланиб гапирди. — Бугуноқ!

Керри тамомила гангиб қолганига қарамай, йўқ дегандай бош чайқади.

— Менинг сабру қарорим битди! — Герствуд сира бўш келмасди. — Агар бугун кетолмасак, лоакал шанбада кетайлик.

— Никохдан қачон ўтамиз? — Керри дудукланиб қолди. У азбаройи хаяжонланганидан Герствуд уни Друэнинг хотини деб ҳисоблаши кераклигини ҳам унутиб қўйганди.

Герствуд Керридан кўра ўзи мушкулроқ муаммога кўндаланг бўлаётганидан сал титраб кетди. Бироқ у яшин тезлигида хаёлига келган фикрларни ошкор қилмади.

— Хоҳлаган пайтингизда, — у ҳозирги мафтункор дақиқани лаънати муаммо хусусида хаёллар билан расво қилмаслик учун сира пинагини бузмай жавоб берди.

— Шанбадами? — деб давом этди Керри.

Герствуд бош ирғади.

— Агар шанбада никохдан ўтсак, сиз билан кетман, — деди Керри.

Герствуд ўзининг қўлга киритгунча она сути оғзига келган мафтункор ва жозибали ўлжасидан кўзини узмай бир-биридан ғалати режалар тузарди. Эхтироси азбаройи қайнаганидан энди ақлига ҳам бўйсунмай қўйганди. Бундай гўзал жувоннинг мухаббати насиб этиб турганда майда тўсиқлар уни ташвишга солармиди. У ҳамма машаққатлардан кўз юмиб, совуқ ҳақиқатнинг кўзига қарашни истамасди. Ана шу дақиқада ўзини тақдир ҳукмига топшириб, ҳар қандай ваъдалар беришга ҳам тайёр эди. У жаннатга киришга аҳд қилди, у ёни кейин нима бўлса бўлар. Номус ва ҳақиқатдан кечиб бўлса ҳам, умрида бир марта бахт нашъасини суриши керак.

Керри унга меҳр билан тикилди. Ҳамма иш жуда яхши кетарди. Шу дамда бошини Герствуднинг елкасига қўйиб, ўзини унинг бағрига қаттиқ-қаттиқ босгиси келарди.

— Мен ўша пайтга тайёр бўлиб туришга ҳаракат қиламан, — деди у.

Герствуд унинг хавфсираётгани ва гумонларга бораётгани салгина сезилиб турган гўзал чехрасини томоша қиларкан, бундай зўр нарсани кўрмаганлиги беихтиёр равишда кўнглидан ўтарди.

— Биз яна эртага учрашиб, режаларимизни гаплашиб оламиз, — деб қўйди у қувониб.

Герствуд қўлга киритган ютувидан беҳад хурсанд холда ёнидаги ёшгина жувон билан йўлқадан одимлаб борарди. У кам гапирарди, нега деганда, Керрига очган қувонч ва меҳрининг узундан-узоқ қиссаси фақат сўзлардангина иборат эмасди-да. У орадан ярим соат ўтгандан кейингина хайрлашув вақти етганлигини эслади, чунки ҳаёт уни тегишли вазифаларни адо этмоққа кескин равишда чорлаётганди.

— Эртагача! — деди у хайрлашаётганида ўзини бардам ва бемалол тутинга ҳаракат қилиб.

— Эртагача! — Керри шундай деди-да, йўлида шўхчап кетаверди.

Сўнги соат унга туганмас роҳат бахш этганидан, энди Герствудни қаттиқ севиб қолганлигига шак-шубҳа қилмасди. Ўзининг келишган хушторини ўйлаганда ҳатто хўрсиниб ҳам қўйди. Ҳа, у шанбада тайёр бўлади. Герствуд билан бирга кетади ва икковлари бахтли бўлишади!

СЎНГГИ ПОРТЛАШ. ВУЖУД ВУЖУДГА ҚАРШИ ЧИҚҚАНИ

Миссис Герствуднинг муҳаббати туфайли туғилган рашк севги билан бирга махв бўла қолмай, қалбда яшаб қолганлиги ва тегишли шароитда истаган дақиқада нафрат ўрнини боса олгани учун ҳам Герствуднинг оиласида можаролар бўлиб турарди. Хотини гарчи эрининг табиати бобида қўлини ювиб, қўлтиғига уриб қўйган бўлса ҳам, Герствуд жисмоний жиҳатдан ҳали ҳам илгаригидай севса бўладиган даражада эди. Герствуд хотинига бўлган қизиқиши ва ҳурматини йўқотганидан кейин, унга қарамай ҳам қўйди, бу эса аёл кишига эрини биров билан ушлаб олгандан ҳам қаттиқ тегади. Кишидаги ўз қадри қимматини билиш хислати бошқа одамга қандай баҳо берип, унинг қайси томонларини яхши, қай томонларини ёмон дейишда ёрдам беради. Ўзига бино қўйган миссис Герствуд ҳам эрининг бепарволигини аввалига мутлақо ўрни-тагида йўқ нарсаларга йўйиб юрди. Эри гоҳ-гоҳо ечилиб кетиб, унга яхши гапириб, эркалаб қўйган пайтларида ҳам хаёлига ҳар хил макр-хийла каби нарсалар келарди.

Миссис Герствуд шуларнинг оқибатида кекчи ва бадгумон бўлиб қолди. Кунчилигидан илгаригидай кўркем юрадиган ва ўзини бемалол тутадиган эрининг салгина бепарволигини ҳам кўнглига тугиб қўярди. Герствуд ўзига жуда яхши қараб, ораста бўлиб юрганидан ҳаётдан ҳали умидини узмаганлигини дарҳол пайқаб олса бўларди. Энди эса унинг ҳар бир ҳаракати, ҳар бир боқишида Керрини ўйлаганларида вужудини тўлдирадиган қувончнинг зарралари кўришиб турарди. Миссис Герствуд шунинг учун ҳам хатарни олисдан сезган махлук сингари эрининг ўзгариброқ қолганлигини пайқаганди. Биз Герствуднинг одатда эрининг зиммасига тушадиган вазифалардан мутлақо завқли томони бўлмагани учун жаҳл билан бўйин товлаганини ва кейинги пайтларда хотинининг заҳарханда танбехларига ошқора ўшқириб бераётганини кўриб ўтдик. Уйдаги вазият ана шундай майда можароларни чиқариб турарди.

Қора булут босган осмондан эртами ё кечми жала қуйиши ўз-ўзидан маълум, албатта. Биз тасвирини қилаётган чошгоҳда режаларига эри мутлақо ва тўла бепарво

қараётганидан жиғибийрон бўлиб юрган миссис Герствуд ошхонадан чиқди-да, хонасида шошилмай ўзини ойнага солиб, сочини тараб ўтирган қизининг ёнига йўл олди. Герствуд бу пайтда аллақачон кетиб қолганди.

— Мен сендан нонуштага бунчалик кечикмасликни жуда ҳам илтимос қилардим! — деди миссис Герствуд тикиш-чатиш ишлари солинган саватчаси билан креслога чўқаркан. — Столдаги нарсаларнинг бари совиб қолди, сен бўлсанг ҳали ҳам туз тотмабсан.

Одатда доим босиқ юрадиган миссис Герствуднинг феъли жуда айниганидан бутун захрини Жессикага сочди.

— Қорним оч эмас, ойи, — Жессика бамайлихотир жавоб берди.

— Унақа бўлса буни илгарироқ айтишинг керак эди! — миссис Герствуд унинг гапини кесди. — Оқсоч дастурхонни йиғиштириб қўярди, эрталабдан буён сенга қараб ўтирмасди!

— О, у мендан хафа бўлмайди, — Жессика ҳали ҳам хотиржам кўринарди.

— Аммо мен хафа бўламан! — она овозини баландлатди. — Ундан кейин, менга бунақа муомала қилишинг ёқмайди! Онанг билан бу тахлит гаплашишга сен ҳали ёнлик қиласан!

— О, ойи, худо ҳаққи, бақирма! — деди Жессика. — Бугун сенга нима бўлди?

— Ҳеч нима. Бақираётганим йўқ! Сен эса онам нуқул кўнглимга қарайди деб ҳамман зор қилиб ўтиравераман деб ўйлама! Мен бунга йўл қўймайман!

— Мен ҳеч кимни зор қилаётганим йўқ! — Жессика ворт бепарволикни йиғиштириб, ўзини жўшқин химоя қилишга ўтиб, шартта жавоб берди. — Мен сенга қорним оч эмас, нонушта қилишни истамайман дедим-ку.

— Ким билан гаплашаётганингни унутма! — миссис Герствуд еб таплайдигандай бақирди. — Бунақа гапингга тоқатим йўқ, билдингми? Бунақасига тоқатим йўқ!

Жессика ўша захотпёк юбқасини шитирлатиб, бошини силқиб ва мен мустақил одамман, онамнинг кайфияти билан неча пуллик ишим бор дегандай ўзини мағрур кўрсатиб, хонадан чиқиб кетганидан онасининг кейинги, сўзлари анча наридан эшитилди. Қиз онаси билан адибади айтишишни истамаганди.

Кейинги пайтда бундай ғалвалар тез-тез бўлиб турарди. Ўта худбин одамлар бирга турган жойда бундай

можаролар бўлиши табиий. Ўғил шахсий мустақиллиги борасида кундан-кунга нозиклашиб борар ва ҳар нафасда катта бўлиб қолганлигини пеш қилишга уринар, бу эса ўта бемаънилик ва нотўғри эди. Нега деганда, у эндигина йигирмага қадам қўйганди-да.

Герствуд ҳамманинг ҳурматида юрган ва нозиктаб одам бўлганидан ўзини ҳурмат қилмай қўйган одамлар орасида қолганидан жуда бўғилар, кун ўтган сари пичоғи ҳам тобора ўтмаслашиб борарди.

Эндиликда хотини худа-бехудага ғалва чиқарадиган бўлиб қолганини, чунончи, Вокишга муддатдан олдин жўнайман деб оёқ тираб туриб олганини кўргач, Герствуд қандай ҳолга тушганини аниқроқ хис этди. Оиланинг тизгини қўлидан чиқиб кетганидан энди унинг ўзига хўжайинлик қилишар, бунинг устига тобора ҳаддиларидан ошиб, ҳар қадамда хингир-хингир қилиб, назарга илмай юришганини кўрганида жуда куфури ошиб кетарди. Шундай пайтларда аранг тишини тишига қўяр, орзу ва режаларини рўёбга чиқариш йўлида ўтиб бўлмайдиган тўсиқдек туюлаётган оиласи билан тезроқ орани очик қилишни истарди.

Гарчи хотини бош кўтаришга уриниб юрса ҳам, Герствуд буларнинг барига парво қилмай, ўзини оила бошлиғи сифатидаги мавқеини сақлаб қолгандай кўринарди. Айтгандай, миссис Герствуд ўзининг ахлоқан поклигига ишонганлиги учун ҳам эрига қарши очикдан-очик гапириб, жуда ҳадидан ошиб кетарди. Унинг қўлида ўзининг бу хатти-харакатларини оқлайдиган аниқ далиллари, эрига қарши ишлатадиган, финг деса оғзига урадиган аниқ маълумотлари ҳам йўқ эди. Шубҳаларнинг тўпланиб қолган қора булутлари ғазабнинг тинимсиз жаласини ёғдириб юбориши учун аниқ далилларнинг совуқ нафасигина етишмай турарди, холос.

Бироқ миссис Герствуд шундай бўлишига қарамай, тез орада эрининг суюқлигига алоқадор баъзи нарсалардан воқиф бўлди. Уларнинг кўшниси, хушрўй доктор Биэл майхона бошқарувчиси Вашингтон хиёбонида Керри билан соябон аравада сайр қилганидан сўнг, бир неча кун ўтгач, миссис Герствудни уйининг олдида учратиб қолди. Доктор Биэл ўша йўлдан тасодифан ўтиб бораётиб, Герствуд билан бир-бирларига дуч келиб, икковлари икки томонга бурилганларидан кейингина таниб қолганди. Керрини яхши кўра олмаганидан уни Герствуднинг хотини ёинки қизи бўлса керак деб қўя қолганди.

— Сизга нима бўлди, танишларингизни сайр пайтида кўрсангиз сўрашмайдиган бўлганмисиз? — деди у миссис Герствудга тегишиб.

— Мабодо уларга кўзим тушса албатта сўрашаман, — жавоб берди миссис Герствуд. — Мени қаерда кўрувдингиз?

— Вашингтон хиёбонида, — деди доктор Биэл.

Доктор миссис Герствуднинг кўзларига тикилиб, буни эсласа керак деб турарди. У бўлса бошини чайқабгина қўя қолди.

— Гойнавенюнинг атрофида, — доктор унга эслатишга ҳаракат қиларди. — Эрингиз билан бирга эдингиз.

— Менимча, сиз адашяпсиз, — жавоб қилди миссис Герствуд.

Миссис Герствуд шундай бўлса ҳам доктор эрининг номини тилга олганини эслаб, дарҳол кўпроқ ёшлик йилларида бўладиган гумонлар гирдобидида қолди. Бироқ мутлақо сир бой бермади.

— Эрингизни таниганимга ишончим комил, — деди доктор гапида давом этиб. — Бироқ ёнидаги сиз эмас, балки қизингиздир. Бунисини аниқ айтолмайман.

— Қизим бўлиши эҳтимолдан холи эмас, — миссис Герствуд шоша-пиша унинг гапига қўшилди.

У гарчи шундай деса ҳам, ичида бунинг нотўғри эканлигини билиб турар, сабаби, Жессика бир неча ҳафтадан бери онасисиз ҳеч қаёққа чикмаётганди.

Миссис Герствуд ўзини анча босиб олди-ю, яна баъзи бир тафсилотларни билиб олишга уринди.

— Қачон кўрувдингиз? Кундузими? — У гўё бундан хабари бордай ўзини усталик билан бепарво кўрсатиб сўради.

— Ҳа, соат икки ёки учларда.

— Ундай бўлса у, Жессика экан, — деди миссис Герствуд бу гапга унча-мунча эътибор бераётганини сездиришни истамай.

Доктор Биэл ҳам ўзигача баъзи бир хулосаларга келиб қўйган бўлса ҳам, оқибати ўзига кўнгилсиз чиқиб қолишини ҳисоблаганидан гурунгни тўхтатишдан мамнун эди.

Миссис Герствуд бўлса эшитган гаплари ҳақида бир неча кунгача бош қотирди. У доктор Биэлнинг хиёбонда соябон аравада ким биландир — чамаси бегона аёл билан — айланган эрини кўрганлигига сира ҳам шубҳа

қилмасди. Герствуд бўлса ўшанда ўзининг хотинига хаддан ташқари бандман деганди.

Миссис Герствуд эри неча марта бирга меҳмондорчиликка ёки кўнгилочар баъзи бир томошаларга бормаи, чап бериб қолганлигини эслади. Герствудни одамлар театрда қандайдир одамлар билан кўришибди, бу одамлар ўзининг гапига қараганда, майхона эгаларининг дўстлари эмиш. Энди эса уни хиёбонда қандайдир бир аёл билан кўришибди, турган гапки, бунга ҳам унинг ташпа-тайёр турган бирорта бахонаси бўлса керак. Эрининг бошқа таниш аёллари ҳам бўлса бордир, миссис Герствудга хали уларнинг шарпаси етганича йўқ, бўлмаса кейинги пайтларда нимага нукул ишини бахона қилиб, оилавий турмушига шунақа ҳам бепарво бўлади? Герствуд кейинги бир неча hafta ичида сал нарсага чирсиллаб кетадиган одат чиқарганди, уйининг бор-йўғи билан мутлақо иши бўлмай қолганди. Нима гап ўзи?

Миссис Герствуд эрининг ўзига илгаригидай қарамай қўйганини, боқишларидан хотинидан розилиги ёки мамнунлигини билиш мумкин бўлмай қолганлигини эсларкан, анча нари бориб, бери келди. Ҳаммаси ҳам майли-я, эри уни қариб, қизикарли жойи қолмадига чиқариб қўяётганга ўхшайди чоғи. Хотинининг ажинларини ҳам кўзи кўра бошлаган шекилли. Эри кўркамлиги ва бардамлигини хали ҳам сақлаб турган пайтда миссис Герствуд кун сайин сўлиб бораётганди-да. Герствуд илгаригидай хилма-хил томошалардан қолмаяпти, у эса... Миссис Герствуд бу хусусда ортиқча ўйлашни истамасди. У энди фақат аянчли аҳволда қолганлигини сезаркан, эри кўзига баттар ёмон кўринарди.

Миссис Герствуднинг қўлида эрининг думидан бурашга бахона бўладиган бирор далил бўлмаганлиги учун доктор Биэл билан бўлган гапдан оқибат чиқмади. Бирок уйда ишончсизлик ва кўнгил совиш тобора кучайиб бораётганидан гоҳо-гоҳо ғалва бўлиб, эр-хотин бир-бирларига захарларини сочишарди. Воқош курортга бориш масаласи бундай тўқнашувларнинг узун занжиридаги бир ҳалқа эди, холос.

Керри масонлар клубида ўйнаган куннинг эртасига миссис Герствуд билан Жессика мебель етказиб берувчи йўғонлардан бўлган кишининг ўғли кичкина Тэйлор билан пойгага боришди. Улар барвақт чиқиб кетганларидан Герствуднинг масонлардан бўлган танишларини тасодифан кўриб қолишди, улардан иккитаси кечаги спек-

таклда бўлишган экан Жессика ёш ҳамроҳи билан гапга берилиб кетмаганларида спектакль ҳақида гап ҳам очилмаган бўларди. Ёш Тэйлор миссис Герствудга мутлако қарамай кўйгач, у омонлашган танишлари билан гурунглашишга мажбур бўлиб, шу тариқа жуда ажиб янгиликларни эшитиб олди.

— Афсуски, бизнинг кечаги кичкинагина спектаклимизда бўлмадингиз-да, — деди спортчиларнинг чиройли кийимидаги елкасига дурбин осиб олган жентльмен. — Минг афсус!

Миссис Герствуд унга ҳайрон бўлиб қараганича қолди. У нимани гапиряпти? Қандайдир кечада бўлмадингиз деяптими? Бўлишлиги ҳатто етти ухлаб тушига ҳам кирмаган кечада-я?! Шунда миссис Герствуд сал бўлма-са «У ерда нима бўлди?» — деб юборай деганди, суҳбатдоши гапига кўшимча қилди:

— У ерда мен эрингизни кўрувдим.

Ҳайрон бўлиб турган миссис Герствуднинг вужудига энди кучли шубҳа ўрмалади.

— Шундай денг? — у эҳтиёткорлик билан суриштиришга тушди. — Қалай, дуруст бўлдимиз? Эрим менга калта-култа қилиб айтиб берувди.

— Жуда зўр бўлди! Кейинги пайтларда ҳаваскорларнинг бунақа яхши спектаклини кўрмагандим. Спектаклда чиққан битта артистка ҳаммани қойил қилди.

— Буни қаранг-а! — деб кўйди миссис Герствуд.

— Ҳа, афсуски, сиз кела олмадингиз-а. Сизнинг тобингиз қочиб қолганлигини эшитиб, жуда ўқиндим.

«Тобим қочиб қолибдим!» Миссис Герствуд суҳбатдошидан кейин овозини чиқариб шундай деб юборишига сал қолди. Шунда кўнглига дастлаб бу гап ёлғон эканлигини айтиш келди, кейин эса суҳбатдошидан ҳаммасини бошдан-оёқ суриштириб билиб олмоқчи бўлди, бироқ ўзини қўлга олиб, титроқ товушда гўлдиради:

— Ҳа, мен ҳам жуда ачиндим.

— Менимча, бугун пойгада одам кўп бўлади, — деди дурбинли киши гапни бошқа ёққа буриб.

Майхона бошқарувчисининг хотини яна суриштириш пайида бўлса ҳам, бунга бошқа қулай фурсат келмади.

Миссис Герствуд жуда гангиб қолди. У ҳаммасини яхшилаб текширишни истаганидан, тобим қочиши тушимга ҳам кирмаган пайтда эримни мени касал дейишга нима мажбур қилганини, деб роса бош қотирди. Шу тариқа эри уни олиб юришни истамай, чап беришга ҳар

хил важ-корсон тошиб юрганига яна битга янги далил топди. У бу ишнинг тагига етишга қатъий бел боғлади.

— Сиз кечаги спектаклда бўлувдингизми? — деб сўради у ложада ўтирганида Герствуднинг сўрашгани келган дўстларидан биридан.

— Ха, — жавоб берди у. — Йўклигингиз жуда чакки бўлди-да.

— Мазам сал йўқроқ эди, — деди миссис Герствуд унга тушунтириб.

— Ха, эрингиз менга айтувди. Жуда зўр спектакль бўлди-да. Мен кутганимдан ҳам зўр ўйнашди.

— Одам кўп бўлдими?

— Лиқ-лиқ! — хитоб қилди миссис Герствуднинг сухбатдоши. — Масонларнинг чинакам йиғини бўлди. Мен кўз танишларимиздан кўпини кўрдим. Миссис Гаррисон, миссис Барнс, миссис Коллинсларни кўрдим.

— Жамиятнинг бутун саралари келишибди-да! — деб қўйди миссис Герствуд бамайлихотир гапиришга уришиб.

— Тўппа-тўғри! — сухбатдоши унинг гапини маъқулади. — Менинг хотиним жуда яйради-да.

Миссис Герствуд лабини тишлаб қолди.

«Гап бу ёқда экан-да! — деди у ичида. — У хали шундай қилаётган экан-да! Дўстларига, хотиним бетоб, келолмайди, деб юрган экан-да!»

Миссис Герствуд хаёлга ботди. Томошага уни ташлаб боришига эрини нима мажбур қилганикин? Бунда қандайдир сир бор. Миссис Герствуд ана шу жумбоқни ечолмай, бош қотирарди.

Герствуд кечкурун уйига қайтганида хотини гапнинг тагига етиб, ўч олмоқчи бўлган одамнинг кўйига тушиб ўтирарди. У эрининг бунақанги галати феъли-атворини нимаики қилиб бўлса ҳам билиб олиш пайига тушганди. Бу гапларнинг тагида ўзи ўйлагандан ҳам каттароқ нарсалар борлигига унинг ишончи комил эди. Эрталабки фалвадан кейин ҳам кўнглидан тарқамаган гумон ва ғараз энига энди ашаддий синчковлиги ҳам қўшилганди.

Миссис Герствуд уйда қовоғидан қор ёққанича оғзини қазабли буриштирганича яқинлашаётган фалокатнинг тимсолидай айланиб юрарди.

Герствуд бўлса, турган гапки, уйга терисига сиғмайдиган даражада хурсанд бўлиб келганди. У Керри билан учрашиб, унинг розилигини олганидан шодон бўлиб, хиргойи қилишга ҳам тайёрдай эди. Шу дамда ўзидан, эриш-

ган ютуғидан, Керридан ғурурланарди. Бутун оламини бағрига босгиси келар, шу дақиқада хотинига нисбатан кўнглида заррача ҳам ғубори йўқ эди. Яхши одам бўлиб, хотинининг борлигини ҳам унутиб, бундан буён яна ато бўлган ёшлиги ва қувончи оғушида яшашни истарди.

Герствуднинг кўзига уй мана шунинг учун ҳам негандир жуда нурафшон ва файзлидай кўринарди. Дахлизга кирганида кечки газетага кўзи тушди, уни оқсоч киз жойига қўйган бўлса ҳам, хотини олишни унутганди. Емакхонада дастурхонга қўйилган чинни ва биллур идишлар кўзни оларди. Герствуд очик эшикдан қараб, плитада олов ёниб, кечки овқат пишаётганини кўрди. Чоғроқкина ховлида Жорж яқиндагина қўлга киритган кучукчаси билан овора эди. Жессика мехмонхонада рояль чалаётганидан шўх вальсинг садолари шинамгина квартиранинг ҳар бир пучмоғида янграрди.

Герствудга шу топда хонадонидагиларнинг бари ўзи сингари хурсанд, вақтичоғлик ва маишатга мойилдек кўринарди. У уйдагиларнинг ҳар бирига бирорта яхши гап айтгиси келарди. Тузаб қўйилган столга завқ билан кўз югуртиргандан кейин дераза олдидаги тебратма стулда газетани кўздан кечиргани юқорига кўтарилди.

У ичкарига кирганида сочини тузатаётган миссис Герствудга кўзи тушди, афтидан, у ўзи билан ўзи овора эди. Мистер Герствуд эрталабки галвадан кейин хотинининг кўнглида қолган ғуборни тарқатиб юборишни истеганидан, бир неча ширин сўз айтиш ёсинки нимаики деса ҳам рози бўлиш учун қулай фурсат кутарди. Миссис Герствуд бўлса миқ этмасди. Герствуд шундан кейин креслога яхшилаб ўтириб олиб, газетани ёзиб ўқишга тушди. Орадан кўп сония ўтмаёқ чехрасига илик табассум қалқди. У Чикаго билан Детройт командалари ўртасидаги бейсбол матчи қизиқарли баён этилган мақолани ўқиётганди.

Миссис Герствуд эри газетадан бош кўтармай турганида ойнадаги аксига бир неча марта қараб олди. У эрининг димоғи чоғлигига, шўх жилмайишларига эътибор бераркан, бадтар жахли чиқарди. Шунча қўполлик, бепарволик ва оёқ ости қилишлари етмагандек унинг ёнида бўла туриб, бунақа қилаётганини кўрмайсизми? Миссис Герствуд қўйиб берса эри бундан кейин ҳам шундай муомала қилаверади. У юрагига йиғилиб қолган гапларни эрига тўкиб солиб, эрини айбловчи ҳар бир сўзни ўрмалатиб, хумори ёзилгунча расвосини чиқариш-

ни ўйларкан, халитдан роҳат қилаётгандай бўларди. Ғазабининг ялтироқ қиличи эрининг бошига тушай-тушай деб турарди.

Эри бўлса бу пайтда шаҳарга келиб, киморхонада бир балога гирифтор бўлган ажнабий ҳақидаги қизик мақолага кўзи тушиб қолиб, уни ўқиётганди. Бу унга таъсир қилганидан креслода ўгирилиб, қаҳқаҳлаб кулиб юборди. У мақолани ўқиб бериш учун хотинининг эътиборини ўзига қаратишни жуда ҳам истарди.

— Ҳа-ха-ха! Буниси зўр бўпти! — деб юборди у.

Миссис Герствуд бўлса сочини тараркан, эрига сира ҳам парво қилмасди.

Мистер Герствуд бошқача ўтириб олиб, яна ўқишга тушди. У ниҳоят хурсандчилигини баҳам кўриш учун нималар дейиш ёки бирор нарса қилиш кераклигини хис этди. Жулиянинг эрталабки можародан кейинги арази ҳалиям кетмаганга ўхшарди. Бс, бунинг йўли осонку! Хотини ноҳақ, албатта, бу ваҳимали эмас. Хоҳласа Вокишга хозирок кетавермайдими, қанча тезроқ йўқолса, шунча яхши. Ўрни келиши биланок хотинига шундай дейди-ю, шу билан ҳамма ғалваларга чек қўяди, қулоғи ҳам тинчиб қолади.

— Сен эътибор бердингми, — Герствуд газетадаги бошқа мақолани баҳона қилиб, жимликни бузиб гап бошлади, — «Иллинойс-Сентрал» темир йўли судга берилибди. Уни соҳилни тозалашга мажбур қилишмоқчимиз? Кўзинг тушувдими, Жулия?

Миссис Герствуд ўлганининг кунидан жавоб қайтарди.

— Йўқ, — деди у зарда билан.

Герствуд хушёр тортди. Хотинининг овозидан хатарнинг шарпаси сезиларди.

— Бадтар бўлишсин! — у кўпроқ ўзига айтгандай шундай деб қўйди. Чунки хотинининг авзойи бузукроқ кўринарди.

Герствуд яна газета ўқишга тутинса ҳам, айти пайтда хонадаги ҳар бир шарпани жон қулоғи билан тингларди.

Герствуддай ниҳоятда ақлли, сезгир ва назаридан ҳеч нарса қочиб қутулмайдиган одам хозирда ўз орзулари оламида чарх урмаётган бўлса, сержаҳл хотини билан бунақа муомала қилиб ўтирмас, бунга шак-шубҳа ҳам қилмаса бўларди. Мабодо Керри ва у ваъдаси туфайли бахш айлаган завқ бўлмаганида борми, Герствудга хонадо-

ни бунчалик файзиёб бўлиб кўринмаган бўлур эди. Хонадони бу оқишом умуман шишам ва шодон бўлмасди. Герствуд бўлса қаттиқ адашган, мабодо у уйига ҳар кунгидай кайфиятда келганида борми, бошига келаётган фалокатга қарши курашганида унчалик қийналмаган бўларди.

Герствуд яна пича газета ўқигандан кейин хотинини ҳар қалай тинчитишга аҳд қилди. Хотини осонликча бўшашадиганга ўхшамасди. Шунинг учун ҳам олдин ўзи овиз очди.

— Жорж ҳозир ховлида ўйнаётган кучукни қаёқдан олди?

— Билмайман, — деди миссис Герствуд шартта.

Герствуд газетани тиззасига қўйиб, деразага паршонхотир тикиларди. «Оғир бўлиш керак, — у ичида шундай қарорга келди. — Ҳеч бўшашмасдан, ширин сўз бўлиб, ишни йўли билан текислаш керак».

— Эрталабки гапга ҳали ҳам аразлаб ўтирибсанми? — деди у ниҳоят. — Жанжаллашишга арзийдиган нарса-мас-ку. Хоҳлаган пайтингда Вокишга боравер.

Миссис Герствуд унга ялт этиб қаради.

— Сен бу ерда қолиб, баъзи бировларга нарвона бўлишинг учун-а, шундайми? — деди у захархандалик билан эрига ўқрайиб.

Герствуд тарсаки еган одамдай серрайиб қолди. Ўша дақиқанинг ўзида унинг ён бермоқчи бўлиб турганлигидан асар ҳам қолмай, мудофаага ўтиб, жавобга муносиб сўзлар излашга тушди.

— Бу билан нима демоқчисан? — у қаддини ростлаб, хотинига қатъият билан совуқ тикилиб қолди.

Миссис Герствуд эса гўё ҳеч нимани сезмагандай ойна олдида ўзига зеб бериш билан овора эди.

— Нима демоқчилигимни ўзинг жуда яхши билсан, — деди қўлида бир дунё далили бору, бироқ ҳозирча келтиришни эп билмагандай қилиб.

— Билмайди деявер, — Герствуд гарчи қаттиқ асабийлашса ҳам, оёғини тираб тураверди.

Хотинининг шаддодлиги унинг бу олишувда попугини пасайтириб қўйди.

Миссис Герствуд унинг гапига мик этмади.

— Хим! — деб қўйди Герствуд бошини бир томонга қийшайтириб.

Бу ҳаракати унинг ўзига ишонмаётганини кўрсатарди. Хотини эса унга сапчимоқчи бўлган кутурган махлуқдай ўгирилди.

— Мен Вокишга боришга тезда пул беришингни талаб қиламан!

Герствуд унга ажабланиб қаради. У хотинининг бунчалик совуқ қатъият ва бераҳмларча лоқайдлик ила бокишини шу чокқача кўрмаганди. Миссис Герствуд ўзини жуда ўнглаб олганидан оиладаги хукмронликни эрдан тортиб олишга жиддий бел боғлаганди. Мистер Герствуд ўзини мудофаа қилишга ожизлигини аён сезганидан, хужумга ўтишни афзал билди.

— Бу қанақаси бўлди? — ўрнидан ирғиб туриб хитоб қилди Герствуд. — Сен талаб қиласанми? Бугун сенга нима бўлганлигини билсам бўлармикин?

— Соппа-соғман! — миссис Герствуд тутакиб кетди. — Мен пул олмоқчиман. Кейин билганингни қилаверасан!

— Билганингни қилаверасан?! Бу яна қанақаси бўлди? Мендан ҳеч вақо ололмайсан! Нега юмма талаб қолдинг? Қани, марҳамат қилиб тушунтир-чи.

— Кечаги спектаклга ким билан борувдинг? — миссис Герствуд бақриб юборганди, унинг сўзлари бамисоли қайнок лавадай эрининг бошига қуюлди. — Вашингтон хиёбонида соябон аравада ким билан сайр қилдинг? Жорж сени ложада кўрганда, театрда ким билан ўтирувдинг? Нима, сен мени аҳмоқ деб ўйлазаяпсанми? Мени лақиллатиб юрса бўларканми? Мазза қилиб, ўйнаб-кулиб, ҳаммага хотиним касал, уйдан чиқолмайди, деб юравераману хотиним уззукун уйдан чиқмай, «бандман», «вактим йўқ» деган гапларимга кўникиб ўтираверади деб ўйлаяпсанми? Бўлмаса мендан марҳамат қилиб эшитиб ол: устомонлик қилишларинг энди кетмайди! Ўзимниям, болаларимниям оёқости қилдирмайман. Сен билан умрбод орамиз очик!

— Буларнинг бари ёлғон! — Герствуд бақриб берди.

У боши берк кўчага кириб қолганидан, нима деб жавоб қилишини билмасди.

— Ёлғонми хали? — миссис Герствуд бўкириб унинг гапини такрорласа ҳам, ўзини дарҳол босиб олди. — Ўзингга маъқул келса буни ёлғон деявер, бироқ бунинг хақиқатлиги менга аён!

— Мен буни ёлғон деяпман! — деди Герствуд бўғик ва хирқирок овозда гижиниб. — Сен кўп ойлардан бери шаҳарда ифлос гаплар пайида изғиб, энди мени қўлга

туширдим, деб хаёл қиялсанми? Ёлғонни ишга солиб, шу йўл билан мени қўлга олмақчимисан? Мен сенга айтиб қўяй, овора бўласан! Шу уйда бор эканман — мен хўжайинман. Тушундингми? Хўжайинлик қилишинга йўл қўймайман.

У шошилмай хотинига яқин келаркан кўзлари хунук ялтирарди. Бу хотинда тошқўнғиллик, сурбетлик ва тақабурликка ўхшаган нимадир бўлиб, баланд келишига қаттиқ ишониб турганидан, Герствуд бир лахза уни бўғиб ўлдиргиси ҳам келди.

Миссис Герствуд бўлса унга худди бўғма илондай совук қараб турарди.

— Мен сенга хўжайинлик қилаётганим йўқ, — деди у ўзини қўлга олиб. — Мен фақат кўнглимдагини айтяман.

У бу сўзларини баланддан келиб, совукдан-совук қилиб айтганидан, Герствуд жуда довираб қолди. У баланд ҳам кела олмас, хотинидан далил ҳам талаб қила олмасди. Хотинининг қўлида далили борлигини, қонун ҳам ўшанинг томонида бўлишини фахмлаб турарди. Бунинг устига хотинининг ит қараши ҳам бутун мол-мулки ўзининг номида эканини эсига тушириб қўйди. Герствуд ўшал дақиқада елканларидан айрилиб, тўлқинлар ихтиёрида қолган қудратли ва бахайбат кемага ўхшарди.

— Мен сенга овора бўласан деяман! — Герствуд ҳам ўзини босиб олганди.

— Бўпти, буни кўрамиз хали! — деди миссис Герствуд. — Мен ўз ҳуқуқимни аниқлаб оламан. Агар мен билан гаплашишни истамасанг, унда адвокатим билан гаплашишинг мумкин.

Миссис Герствуд ўз ролини қотириб ўйнади, сўзлари ҳам эрига таъсирини ўтказмай қолмади. Герствуд иши чапнасидан кетганлигини сезди, хотинининг беҳуда мақтанмаётганлигини ҳам тушуниб етди. У мушкул муаммага кўндаланг бўлганлигини аниқ сезарди. Шунинг учун ҳам энди гапни қандай давом эттиришни билмасди. Бугунги кун энди унгу файзини йўқотганди. Герствуд аламзада, феъли бузуқ ва ниҳоятда аянчли эди. Нима ҳам қилсин энди?

— Билганингни қилавер, — деди у ахири. — Сен билан орамиз очик.

У шундан кейин хонадан чиқиб кетди.

РУҲИЙ АЗОБЛАР. ЯНА БИР ПОФОНА ОРҚАДА ҚОЛДИ

Керри то уйига етиб келгунича доимо қатъият етишмаганида юзага чиқадиган шубҳа ва хавфсирашлардан бир ёқлик бўлаёзди. У Герствудга ваъда бериб тўғри иш қилдим, деб ўзини ҳеч ишонтиролмас, ваъдага вафо қилиши ёқмаслигини ҳам билмасди. Герствуд билан хайрлашганидан кейин бўлган воқеаларни яна бир марта хаёлидан ўтказганида Герствуднинг ҳаяжонли дил рози айтган пайтида хаёлига келмаган кўп тўсиқларни пайқаб олди. Герствуд уни уйли-жойли хотин деб ҳисоблаши керак бўлган пайтда унга тегишга розилик бериб, жуда аросатда қолганлигини сизди. Ёш комиввойагер ўзига бир вақтлар кўп яхшиликлар қилганлигини эсларкан, бир сўз демай, уни ташлаб кетсам жуда хунук иш қилган бўлман, деган хаёлга борди. Бундан ташқари у ёғи нима бўлади? Ҳозир у шинамгина уйда роҳатда яшайпти, бу эса кунимни ўзим кўра олмайман, деб хавфсирайдиган кишига жуда ишонарли баҳона бўла олади.

«Бошингга ҳали нималар тушишини билмайсан-ку, -- деб шивирларди унга ички бир нидо. -- Оламда фалокатдан сероби йўқ. Уйингдан ташқарида бебахт аёллар ҳар қадамда учрайди. Одамлар нарча нонга қўл чўзиб юришибди. Бошингга нималар тушишини ҳеч қачон билиб бўлмайди. Шаҳарда оч-наҳор кезиб юрган пайтларингни бир эслагин. Ҳозирда борингни қўлингдан чиқарма!»

Буни қарагки, Керри Герствудни ҳар қанча севишига қарамай, Герствуд уни ўзига бутунлай қаратиб ололмаганди. У Герствуднинг гапларини эшитиб, оғзининг таноби қочиб, ниятларини маъқулласа ҳам, унинг гапларига тамомила рози бўлмаганди. Бунга Герствуднинг бирмунча бўшанглик қилиб қолгани, унда ақлни бир чеккага суриб, барча назариялар ва сабабларни чилпарчин қилиб, кишини мантикий тафаккур қобилиятидан маҳрум қилиб қўядиган зўр эҳтироснинг етишмаганлиги сабаб бўлганди. Деярли ҳар бир эркакка ҳаётда бир марта ана шундай эҳтиросли бўлиш насиб этади, бироқ одамда бу ҳол фақат ёшликда содир бўлади. Герствуд етук киши бўлиб, гарчи ҳозирда йўлдан ураётган сезгилар гирдобида бўлишига қарамай, ёшликнинг ана шу ўтини сақлаб қолаолма-

ганди. Шундай бўлса ҳам Керрини ўзига оғдириш, севишига ишонтирмоқ учун эҳтиросининг кучи старли бўлганди. Бундай ҳол аёлларда ҳадеб содир бўлавермайди, уларнинг бошқа бировни севиб қолишларига севгига мойилликлари, кўркамликлари, ўзларига бахш этадиган қувонч сабаб бўлади. Бировнинг ишончли ҳимоясида бўлиш, доимо парваришда яшаш, ҳамма нарсада ўзига ишбатан хайрихоҳликни кўрмоқ — аёл табиатининг ажралмас хусусиятидир. Мабодо бунинг ёнига яхшилик ва ишқ кўшилса борми, аёл эркакнинг ганига дош бера олмайди, у севиб қолганга ўхшайверади.

Керри уйга қайтганидан кейин бошқа кийим киярида, оқсоч қизнинг ишидан кўнгли тўлмаганидан хонанинг у ёқ-бу ёғини тўғрилашга киришарди. Унга айниқса оқсочнинг мебелларни жой-жойига қўймаганлиги ёқмаганди. Масалан, оқсоч тебратма стулни доимо хонанинг бурчагига суриб қўяр, Керри эса уни деразанинг ёнида туришини хуш кўрарди. Керри бугун ўзи билан ўзи овора бўлганидан хонадаги чатоқ турган нарсаларнинг биттасини ҳам сезмади. Соат бешларга яқин Друэ келди. Унинг жуда ҳам авзойи бузук кўринарди. Керри билан Герствуд ўртасидаги муносабатда ҳақиқатнинг тагига етишга қатъий аҳд қилганидан, кун бўйи шу ҳақда бош қотириб, жуда ҳам толиққанди. У шу ишни очди қилишни жуда-жуда истарди. Бу борада бирор жиддийроқ ишқал чиқишига кўзи етмаса ҳам, ҳар қалай, гап очишга юраги дов бермасди.

Керри стулида деразадан чайқалиб кўчани томоша қилиб ўтирарди.

— Бугун нега бунчалик безовта бўляпсан? — деб сўради Керри соддадиллик қилиб. У Друэнинг шошаниша қилаётган ҳаракатлари ва ҳаяжонини яшира олмаётганидан таажжубда эди.

Друэ хали ҳам иккиланарди. Энди, Керрига рўпара бўлгандан кейин эса ўзини қандай тутиши кераклигини ҳал қилолмай гаранг эди. У устомон эмасди. Бировнинг кўнглида нима гап борлигини билолмас, умуман кузатувчан ҳам эмасди.

— Уйга қачон келувдинг? — деб сўради у ковоғини солиб.

— Бир соатча бўлди, — жавоб берди Керри. — Нимага сўраяпсан?

— Эрталаб қайтишимга тўғри келувди, қарасам, уйда йўк экансан, — давом этди Друэ. — Демак, бир ёққа кетган экансан-да?

— Ҳа, айланиб келгани чиқувдим, — Керри шундай деб қўя қолди.

Друэ унга караб нима қиларини билмасди. Бундай пайтларда унда нафсоният деган нарса бўлмаса ҳамки, ишга киришишга ҳеч ботинолмасди. Шундай бўлса ҳам, у Керрига синчиклаб тикилганди, у ниҳоят дош беролмади.

— Нимага менга жуда тикилиб қолдинг? — деб сўради у. — Бирор нарса бўлдимми?

— Ҳеч нима, — жавоб берди Друэ. — Фақат хаёлимга...

— Нима келувди хаёлингга? — Керри унинг ўзини ғалати тутаётганидан ажабланиб кулимсиради.

— Йўқ, ҳеч нима, айтарли жойи йўқ...

— Бўлмаса нега менга бунақа ғалати қараш қиляпсан? — Керри яна сўради.

Друэ пастак жавон олдида турар, кўриниши ҳам жуда кулгили эди. У шляпасини осиб, қўлқопини жойига қўйди: энди гапни нимадан бошлашини билмай, ҳар хил пардоз буюмларини титкилайверди. Ҳозирда рўнарасида ўтирган ана шу соҳибжамол аёл олдига поҳол солганига ҳеч ишонгиси келмас, пировардида ҳаммаси яхшиланиб кетади, деб ўйлашга мойилроқ эди. Шундай бўлса ҳам, оқсоч қизнинг гаплари хаёлидан сира нари кетмасди. У тўғридан-тўғри ишга киришишни жуда-жуда хоҳласа ҳам, бироқ гапни қандай бошлашни билмасди.

— Эрталаб қаёққа борувдинг? — Друэ бўшашиброк сўради.

— Сенга айланиб келгани чиқувдим дедим-ку, — жавоб берди Керри.

— Бу тўғри гапми?

— Бўлмаса-чи, албатта тўғри! Нимага буни суриштиряпсан?

Керри Друэ баъзи бир нарсаларни билишини фахмлай бошлади. У зумда хушёр тортди. Ёноклари сал оқаринқиради.

— Мен бўлсам бу эҳтимол ундай эмасдир деб ўйловдим, — деб қўйди Друэ. У кўзлаган мақсади томон жиндай силжишни ҳам урдасидан чиқа олмасди.

Керри унга тикиларкан жиндай бўлса-да, уни тарк этаёзган дадиллиги ўзига аста-секин қайтди. Друэ иккиланиб турганини кўргандан кейин аёлларга хос сезгирлик билан ортиқча ваҳима қилишга асос йўқлигини пайқаб олди.

— Нимага мен билан бунақа гаплашяпсан? — деб сўради у чиройли пешанасини тириштириб. — Бугун ўзингни жуда кулгили тутяпсан-да!

— Эҳтимол ўзимни кулгили аҳволда қолганимни сезаётганимдан шундай бўлаётгандир, — жавоб берди Друэ.

Улар бир лаҳза бир-бирларининг кўзларига жим тикилиб қолишди. Друэ ниҳоят юрак ютиб, дадил гап бошлади.

— Герствуд билан ўрталарингда нима бор, билсам бўладими? — сўради у.

— Герствуд билан ўртамда? — сўради Керри. — Бу билан нима демоқчисан?

— Мен шахарда йўқлигимда у бу ерга серкатнов бўлмовдимми?

— Серкатнов?! — Керри титроқ овозда такрорлади. — Йўқ, гапинга мутлақо тушунолмаяпман.

— Менга сенинг у билан аравада сайр қилганингни, у хар қуши кечкурун бу ерга келиб турганини етказишди.

— Бекор гап! — хитоб қилди Керри. — Ёлғон! Сенга буни ким айтди?

Сочларининг тагигача кизариб кетган бўлса ҳам, қиём пайтилигидан Друэ буни пайқамади. Керри айбини бўйнига олмаётганини кўрганидан кейин эса дадиллиги яна қайтиб келди.

— Кимлиги барибир эмасми, — деди у. — Бунинг бўлмаганлиги ростми?

— Бўлмаса-чи! — деб жавоб берди Керри. — Унинг бу ерда неча марта бўлганлигини биласан-ку.

Друэ яна ўйлаб қолди.

— Мен фақат ўзинг айтган нарсанигина биламан, — деди у ниҳоят.

Друэ хаяжонланганидан хонада у ёқдан-бу ёққа юрар, Керри бўлса боши қотиб ундан кўзини узмасди.

— Мен сенга ҳеч унақа нарсани гапирмаганман, — деди у ўзини биров қўлга олиб.

— Агар мен сен бўлганимда, — Друэ унинг кейинги сўзларига парво қилмай, гапида давом этди, — уни тинч қўйган бўлардим. Ахир у бола-чақали одам-ку.

— Ким? Ким бола-чақали одам? — Керри дудуқлашиб сўради.

— Ким бўларди? Герствуд-да, албатта! — жавоб берди Друэ.

Сўзлари Керрига қандай таъсир қилгани Друэнинг назаридан қочиб қутулмади.

— Герствуд! — хитоб қилди Керри ўрнидан сапчиб тураркан.

У дам қизариб, дам бўзарарди. Азбаройи гангиб қолганидан, ҳатто ҳозирги дамда кўнглидан нималар ўтаётганини ҳам билмас, кўзига ҳамма нарса оёғи осмондан бўлиб кўринарди.

— Унинг хотини борлигини сенга ким айтди? — деб сўради Керри бунга қизиқиб, сир бой бераётганлигини ҳам унутиб.

— Буни ўзим ҳам биламан, — жавоб берди Друэ. — Бу менга кўлдан буён маълум.

Керри эс-хушимни йиғиштириб олай, деб беҳуда уринарди. У гарчи аянчли ва гангиган кўринса ҳам, юрагида кўрқув деган нарсадан асар ҳам йўқ эди.

— Буни сенга айтганга ўхшовдим, — деди Друэ шу гапни қистиришни зарур билиб.

— Йўк, бунақа нарсани менга ҳеч гапирмагансан! — Керрининг тили яна сўзга келиб, эътироз билдирди. — Бунақа нарсани ҳеч гапирмагансан! — у гапини яна қайтарди.

Друэ унинг гапидан хайрон бўларди. Бу ҳол унга янгилик эди.

— Мен сенга айтганман деб юрибман, — деди Друэ.

Керри индамай хонага кўз югуртириб, дераза олдига келди.

— Сенга шунчалик яхшилик қилганимдан кейин у билан юрмаслигинг керак эди, — деб кўйди Друэ хафа бўлгандай оҳангда.

— Сен?! — хитоб қилди Керри. — Сенми?! Менга нима қилибсан ўзи?!

Унинг кичкинагина калласида ғужғон ўйнаган талай бир-бирига зид фикрлар уни не-не кўйларга соларди. У ҳозирги дамда ёлғони фош бўлганидан уялар, Герствуднинг маккорлигидан газабланар, юз-кўзи олдида кулги қилиб ўтирган Друэдан аламзада эди. Бунда бир нарса аниқ-равшан: хаммасига Друэ айбдор! Бунга ҳеч қанақа шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас. У нега Керрига бир оғиз шипшитиб қўймай, бола-чақали Герствудни уйига олиб келади? Ҳозир гап Герствуд билан унинг маккорлигида эмас, Друэнинг Керрини бундай қўйга солганлигида. Нега у ўз вақтида Керрини йўлдан қайтармади? Ҳамма айб ўзида бўла туриб, ҳозир яна рўшарасига туриб олиб, сенга у қилдим, бу қилдим, деб ботинаётганини қаранг-а!

— Мана шунакаси менга ёқади! — хитоб қилди Друэ сўзлари Керрини не кўйларга солгани билан унчалик иши бўлмай. — Менимча, сенга жуда кўп яхшилик қилдим.

— Сенингчами? Шундай дегин? — Керри зарда билан гапирди. — Мени алдадинг — қилган ишинг шу. Ошналарингни бу ерга олиб келиб, мени уларга бошқача қилиб кўрсатасан. Мен уларга... О!

Шунда Керрининг овози чиқмай, аянчли ҳолда қўлларини сиқди.

— Шундай бўлса ҳам буларнинг бир-бирига нима алоқаси бор? — деди Друэ бутунлай гангиб қолиб.

— Сезмаяпсанми? Бор, бўлганда қандок! — Керри ўзига келиб жавоб берди.

У тишини тишига босди.

— Буни сезмайсан-да, албатта! — У пича жим тургандан кейин, гапида давом этди: — Сен умуман ҳеч нарсани сезмайсан. Вақтида менга шипшитиб қўйсанг бўларди-ку, шундайми? Бу иш газак олиб кетгунча дамнингни чиқармадинг. Энди изимдан тушиб, аллақаёқлардан топган гапларингни айтиб, яхшиликларингни пеш қилишинг қолувдими!

Друэ Керрининг бунчалигини сира ҳам хаёлига келтирмаганди. Керри ғазабидан ёнар, кўзлари чакнар, лаблари титрар ва бутун вужуди аламдан эзиларди.

— Ким сенинг изингдан тушибди? — Друэ ғўлдираб қўйди. У айбли эканлигини сал-пал сезса ҳам, айни пайтда Керрининг яхши иш қилмаётганига ишончи комил эди.

— Сен! — Керри унинг гапига шартга жавоб қайтарди. — Сен жирканч, ўзига бино қўйган кўрқоксан, билдингми! Сенда чапаниликдан жиндай бўлганида бундай қилишни хаёлингга ҳам келтирмаган бўлардинг.

Друэнинг таажжубдан хатто оғзи очилиб қолди.

— Мен кўрқок эмасман! — деб жавоб берди у. — Шахарда бошқа эркаклар билан нимага судрашиб юргангни билишни истайман.

— Бошқа эркаклар билан! — хитоб қилди Керри. — Бошқа эркаклар билан-а! Сен қайси эркак биланлигини жуда яхши биласан-ку! Мен мистер Герствуд билан тез-тез сайрга чиқардим, бироқ бунга ким айбдор? Уни бу ерга ўзинг олиб келмовдингми? Мен йўқлигимда келиб туринг, зериктириб қўйманг, деб ўзинг таклиф қилмабдингми? Энди бўлар иш бўлгач, у билан юрмаслигинг керак эди, у бола-чақали одам, деяпсанми?

Керри «у бола-чақали» деган сўзларни айтаркан, тўсатдан гаини тўхтатиб, яна қўлини аянчли қисиб ушлади. Уни Герствуднинг маккорлиги қийнади.

— О!.. — унинг кўксидан шундай фарёд отилиб чикди.

У ўзини жуда яхши тутиб турганидан кўзидан томчи ҳам ёш думаламасди.

— Шаҳарда йўқлигимда у билан судрашиб юрасан деб сира ўйламагандим! — деди Друэ.

— Ўйламаганмиш! — Керри рўпарасида турган одамнинг муомаласидан ўлгудай ғазабланганидан заҳархандалик билан унинг гаини такрорлади. — Албатта, ўйламагансан! Сен ўз хузур-халоватингдан бўлак нарсани ҳеч ўйламагансан. Мени кўғирчоқ қилиб, кўнгил хуши қилиб юраман, деб хаёл қилгандинг! Бунақа бўлмаслигини энди сенга кўрсатиб қўяман. Шу дақиқадан бошлаб, бетингни кўришни истамайман! Менга совға қилган латта-путталарингни олиб, эсдаликка саклаб қўйишинг мумкин!

Керри кўкрагидаги мўъжазгина тўғнағични юлиб олиб, ерга урди-да, хонада чаппар уриб, ўзига тегишли буюмларни йиғиштиришга тушди.

Друэ Керрининг бу қилигидан тутақса ҳам, айни пайтда унга борган сари мафтун бўларди.

— Нимага ғалва қилаётганингни ҳеч тушунолмаяман? — Друэ Керрига хайрон бўлиб қараб тураркан, ахири шундай деди. — Бутун ҳақиқат асло сенинг эмас, менинг томонимда-ку! Сенга шунча яхшилик қилганимдан кейин бунақа хунук ишлар қилмаслигинг керак эди ўзи!

— Менга қандай яхшиликлар қилгансан? — Керри ғазабидан ловиллаб сўради.

У бошини мағрур кўтариб, коммивояжерга қараркан, лаблари хиёл очиқ турарди.

— Менимча, сенга оз яхшилик қилдим, — Друэ хонага маънодор кўз югуртирди. — Сенга истаган нарсангни мухайё қилиб бермадимми? Хоҳлаган жойларингга олиб бормадимми? Мен нима роҳат кўрсам, сен ҳам қолишмадинг, қайтангга мендан кўпроқ роҳат кўрдинг.

Керри тўғрисида ҳар нима деб гапирса бўларди-ю, аммо уни ношукур деб бўлмасди. У Друэдан кўрган нарсаларимга етарли даражада миннатдорчилик билдирганман, деб ўйларди. Бунга жавоб беришга негадир қийналса ҳам, ғазаби ҳар қалай босилмаганиди. Коммивояжернинг гаплари суяк-суягидан ўтиб кетганди-да.

— Мен сендан бирор нарса сўровдимми ўзи? — Керри шундан бошқа гап топа олмади.

— Ундайми, бундайми, ишқилиб, мен берганман, сен олавергансан, — Друэ хам бўш келмади.

— Гўё мен сендан сўрагандай гапирасан-а! — хитоб қилди Друэ. — Нима, менга яхшилик қилганинг билан мактанмоқчимисан! Олиб берган нарсаларингнинг менга кераги йўқ! Уларни энди киймайман! Уларни бугуноқ олгину билганингни қилавер! Энди бу ерда бир зум хам қолмайман!

— Буниси менга ёқади! — Друэ хам Керридан айрилиб қолажагини сезиб хитоб қилди. — Мени ишлатиб-ишлатиб, кейин хўрлаб кетаверишми! На чора, хотинлардан келадиган иш шу-да! Хеч вақоинг йўқлигида сенга бошпана бердим, энди бошқаси топилганда мен пуф сассиққа чиқдимми! Эртами-кечми ахири шундай бўлишини доимо ўйлаб юрардим-а.

Друэ чиндан хам Керрининг бу ишидан, барибир ҳақиқатнинг тагига ета олмаслигидан жуда довдираб қолганди.

— Хеч бунақа эмас, — деди Керри. — Мен ҳеч ким билан кетаётганим йўқ. Сен бўлсанг кўпол, тубан ва худбин эканлигингни кўрсатдинг, ўзим хам сендан худди шуни кутгандим! Мен сендан жирканаман, эшитяпсанми, жирканаман, бир дақиқа хам бирга турмайман! Сен шунчаки...

Керри иккиланиб, оғзидан чиқиб кетай деб турган сўзни аранг тутиб қолди.

— Бўлмаса сен шундай дейишга ботинмаган бўлардинг! — у гапини тугатиб қўя қолди.

Керри шляпаси билан жакетини кийиб, сочини тўғри-лаб, ловиллаб ёнаётган юзига тушиб кетган толаларни кўтариб қўйди. У ниҳоятда аламзада, бошига тушган бу ғамлардан бир ҳол, бир шаклда эди. Шахло кўзларидан ёш тирқирай деб турган бўлса хам, қовоқлари курук кўринарди. У хонада буюмларини у ёқдан-бу ёққа олиб, наришонхотир ва бўшашган ҳолда имиллаб юаркан, қандайдир хаёлларга борар, бу мушкулотнинг кети нима билан тугагини сира хам тасаввур қила олмас эди.

— Интихоси ёмон эмас, нима хам дердик! — деди Друэ. — Нарсаларни жойлаб, хайр-хўш экан-да, шундайми? Тўғриси айтганда, бунинг учун сенга соврин бериш керак. Чамаси, Герствуд сени жуда хам гангитиб қўйганга ўхшайди, бўлмаса ўзингни бунчалик тутмаган бўлардинг. Менга бу хоналарнинг кераги йўқ, қимирламай ўтираверсанг хам бўлаверади. Бу ерда қолавер, мен-

га барибир. Бирок, ўлай агар, менга яхши иш қилмадинг!

— Сен билан туролмайман, — Керри пинагини бузмади. — Сен билан туришни истамайман. Қанча бирга турган бўлсак, сендан мақтанчоқликдан бошқа нарса кўрганам йўқ.

— О, топган гапинг фақат шу бўлибди-да! — эйтироз билдирди Друэ.

Керри эшик томон юрди.

— Қаёққа кетяпсан?! — Друэ унга бақирди.

У ирғиб туриб, Керрининг йўлини тўсди.

— Нар итур!

— Қаёққа кетяпсан? — Друэ яна сўради.

Друэ яхши одам бўлганлигидан алам ўртаётганига қарамай Керрининг бош олиб чиқиб кетаётганига раҳми келганди. Керри индамай эшик тутқичига қўл чўзди. Бирок ана шу дақиқадаги кескинликка бардош бера олмади. Эшикни очаман деб яна бир марта беҳуда уринди-ю, бирдан хўнграб юборди.

— Эс-хушингни йиғ, Кэд! — деди Друэ юмшоққина қилиб. — Бунақа кетиб нима қиласан? Борадиган жойинг бўлмаса. Бу ердан қимирламай, тинчгина ўтиравер. Сени энди ортиқча безовта қилмайман, ўзимнинг ҳам бу ерда қолишга сира тобим йўқ.

Керри ҳиқ-ҳиқ қилганича эшикдан дераза ёнига борди. У ниҳоятда хаяжонда эканлигидан тили сўзга келмасди.

— Эс-хушингни йиғ, Кэд! — деди яна Друэ. — Сени зўрлаб тутиб туриш хаёлимда ҳам йўқ. Агар кўнглинг жудаям тилаётган бўлса кетаверишинг мумкин, бирок олдиндан ҳаммасини яхшилаб ўйлаб ол. Бунда сенга тўскинлик қилиб ўтирмайман, гапимга ишонавер.

Керри бу гапга жавоб бермаса ҳам, Друэнинг ширин сўзларидан сал ўзига кела бошлади.

— Шу ерда қолавер, мен кетаман, — деди Друэ гапининг охирида.

Керри унинг сўзларига кулоқ соларкан, кўнглидан минг хил ўйлар кечарди. Унинг акли ихтиёридаги мантиқнинг мўъжазгина манзилини ҳам тарк этаётганди. Шу дамда уни бир нарса ваҳимага солса, бошқаси жаҳлини чиқарар, ўзининг ва Герствуд билан Друэнинг адолатсизлигини, икковлари қилган яхшиликларни, бу хонадан ташқарида ўзини бир марта хўрлаб, оёқ ости қилган совуқ олам мавжудлигини, бу ерда эса қолишга энди

хаки йўқлигини ўйлаб юрак-бағри эзиларди. Мана шу ўй-хаёллар бечоранинг асабларини қажшатиб, бамисоли уни пўртанада лангаридан айрилган ва фақат тўлқинлар ихтиёрида қолган шалоқ кемачага айлантириб қўйганди.

— Менга қара, Керри! — Друэнинг хаёлига лоп этиб янги фикр келиб қолди шекилли, тўсатдан шундай деди.

У Керрига яқин келиб, қўлини елкасига қўйди.

— Менга тегма! — Керри нари сурилиб шивирласа ҳам, дастрўмолини қизарган кўзларидан узмади.

— Бўлди энди, галвамизни эсингдан чиқар, қуриб кетсин! — Друэ яна гап бошлади. — Ой охиригача шу ерда қол, унгача бирор нарсага қарор қиларсан. Хўпми?

Керри жавоб бермади.

— Гашимга қулоқ солгин-да, худди мен айтгандай қилгин, — давом этди Друэ. — Ҳозир отланишдан нима маъни чиқади? Борадиган жойинг йўқ-ку!

Унинг сўзлари илгаригидай бежавоб қолди.

— Агар айтганларимни қилсанг, бу гапни бошқа чўзиб ўтирмаймиз, мен кета қоламан.

Керри дастрўмолини кўзидан олиб, деразага қаради.

— Розимисан? — яна сўради у.

Илгаригидай ҳеч қанақа жавоб бўлмади.

— Розимисан? — Друэ гапини қайтарди.

Керри миқ этмай кўчага паришон ҳолда нигоҳ ташларди.

— Етар энди, Керри! — Друэ бўш келмасди. — Хўш, айтчи, розимисан?

— Мен, тўғриси, билмайман, — Керри жавоб қайтаришга мажбур бўлганидан оҳиста шундай деб қўйди.

— Менга шундай қиламан, деб ваъда бергин, бу гапни йиғиштирамиз қўямиз, — деди яна Друэ. — Шуниси сенга дуруст бўлади.

Керри унинг гапига қулоқ солса ҳам, дурустроқ жавоб қайтариш учун хаёлларини бир ерга ҳеч жамлаб ололмасди. Друэ унга меҳрибон бўлиб, қўнгли мутлақо совумаганидан Керри виждонан қийналарди. У нима қиларини билмасди.

Друэга келганда эса у ўзини чинакам рашкчидай тугарди. Шу аснода туйғулари айқаш-уйқаш эди, унда алданган кишининг қаҳру вазаби, жудолик азоби, мағлубият алами мавжуд эди. Қандай бўлмасин ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишни истарди, бироқ бунинг учун Керрини қўлдан чиқармай, уни хатосини тушунишга мажбур этмоқ зарур эди.

— Хўш, ваъда қиласанми? — деди Друэ Керрини қисти-бастга олиб.

— Мен яна ўйлаб кўраман, — жавоб берди Керри.

Бу масала шу тариқа очиқ қолса ҳам, ҳар қалай, шунча гаплар бекор кетмаганди. Икковлари яна тил топишиб олсалар борми, фалокат бўрони уларни четлаб ўтадигандай кўринарди. Керри уялар, Друэ эса хуноб эди. У ўзининг нарсаларини чамадонга жойлаётгандай қилиб кўрсатарди.

Керри унга зимдан қараб тураркан хаёлига соғлом фикрлар ҳам кела бошлади. Тўғри, бу одам хато қилди, бироқ ўзининг ҳам айби йўқ эмас-ку! Друэ ҳар қанча худбинлик қилса ҳам, яхши ва меҳрибон одам эди. Ҳар қанча жиқиллашсалар ҳам, уни бир оғиз ҳам ҳақорат қилмади-ку.

Герствуд эса бошқа томондан Керрига Друэдан ҳам бадтар алдоқчидай кўринди. У ўзини севиб қолгандай кўрсатди, эхтиросини пеш қилиб, ёлғон гапириб, айёрлик қилди. О, эркакларнинг маккорлиги! У Герствудни севарди!.. Энди қўлини ювиб, қўлтиғига урди. У Герствудни қайтиб кўрмайди. Номига хат ёзиб, кўнглидагиларининг барини тўкиб солади... Хўш, ўшандан кейин нима қилади? Бу ерда жилла бўлмаганда Друэнинг квартираси бор, у қолгин деб ялиниб-ёлворяпти-ку. Муросага келинса ҳаммаси илгаригидай кетаверадиганга ўхшайди. Ҳар холда бу кўчада бошпанасиз қолгандан дуруст-роқ-ку.

Керри ўз ўйлари билан ўзи овора бўлиб турганда Друэ яшиқларни қовлаштириб, кўйлак ва ёқаларини қидирди, кейин эса анчагача эринмай илма тугмаларини излади. Афтидан, у унчалик шошилмасди. Кўнгли ҳали ҳам Керрида эди. У мана шундай қилиб чиқиб кетаверинини ва бир-бирларидан мудом айрилишларини сира ҳам тасаввур қилолмасди. Керрини ноҳақ, Друэни ҳақ деб эътироф этишга мажбур қиладиган бирорта нарса, бирорта восита топилиши керак-ку, ахир! Ўшанда яраш-яраш қилиб, Герствуднинг қадамини умрбод қирқишган бўларди... Друэ бу одамнинг номуссизлиги ва риёкорлигидан дарғазаб эди.

— Бахтингни сахнада синаб кўришни хаёл қилмаянсанми? — деб сўради Друэ узоқ жимликдан кейин.

Уни Керрининг нималар қилмоқчилиги қизиқтирарди.

— Ҳали ҳеч нимани ўйлаганим йўқ, — деди Керри.

— Бунга уринмоқчи бўлсанг, сенга ёрдам бераман. Менинг театр соҳасида дўстларим сероб, — қўшимча қилди Друэ.

Керри унга жавоб қилмади.

— Фақат пулсиз кетишни хаёл қилмагин, — деди

— Мадад қилишимга ижозат эт. Бу ерда, Чикагода одамнинг ўз кучига ишониши маҳол.

Керри чурқ этмай, креслода чайқалиб ўтирарди.

— Мен сенинг яна қийналиб қолишингни истамасдим, — Друэ гапида давом этди.

У шундан кейин яна нарсаларини йиғиштиришга тушди, Керри эса чайқалиб ўтираверди.

— Менга хаммасини айтиб берсанг бўлмайдими? — Друэ бироздан кейин гап бошлади: — Шундан кейин бундан сира ҳам гап очмаган бўлардик. Нахотки, Герствудни чиндан ҳам севсанг?

— Нега сен хадеб буни гапираверасан? — деди Керри. — Хаммасига ўзинг айбдорсан.

— Хеч-да! — Друэ норозилик билдирди.

— Ха, худди ўзинг айбдорсан, — Керри каттик туриб олди. — Буларнинг хаммасига бемаъни феълинг сабабчи бўлди.

— Унга жуда ҳам берилиб кетмаган бўлсанг керак хали, шундайми? — давом этди Друэ. У Керридан салбий жавоб олиб, кўнглини тинчитиш иштиёқида эди.

— Мен бу ҳақда гаплашишни истамайман, — деди Керри.

Керрига ярашувлари бунчалик майнабозчиликка айланиб кетаётгани алам қилди.

— Бунақа юришдан нима фойда, Кэд? — Друэнинг ҳеч тинчигиси келмасди.

У хатто нарсаларини йиғиштиришдан ҳам тўхтаб, кўлини маънодор қўтарди.

— Сен жилла бўлмаганда айбим нимадалигини очик айтсанг бўларди.

— Истамайман! — Керри ғазабни ягона паноҳ деб билганидан тўнғиллади. — Нимаики бўлган бўлса хаммасига фақат ўзинг айблисан.

— Бундан чикди, уни чиндан ҳам севар экансанда? — деди Друэ.

У азбаройи тутоқиб кетганидан чамадонига нарсаларини ҳам жойламай қўйди.

— Ох, бас қилсанг-чи! — хитоб қилди Керри.

— Йўқ, бас қилмайман! — Друэ ловиллаб кетди. —

Мени аҳмоқ қилишинга йўл қўймайман! Бошқаларнинг бурнидан ип ўтказиб ўйнатавер, бироқ мен лақиллайдиганлардан эмасман! Хоҳласанг гапир, хоҳламасанг — кераги йўқ, билганингни қил, аммо мени лақиллатишингни истамайман.

Друэ шундай дея сўнги буюмларини чамадонига солди-да, унга ўзининг ғазабини ҳам жойламоқчи бўлгандай қопқогини ёпди. Сўнгра боя нарсаларини йиғишга киришганда енгилроқ бўлай деб ечиб қўйган пиджагини ва қўлкопини олиб эшик томонга йўналди.

— Истаган томонингга гумдон бўлавер! — деб бақирди Друэ эшик олдига бориб. — Мен сенга кичкина бола эмасман!

У эшикни шиддат билан очиб, қарсиллатиб ёпди.

Керри ёш коммивояжернинг бирдан тутоқиб кетганидан гарчи таҳқирлангандай бўлса ҳам, ҳозирда кўпроқ гангигандай алфозда ўтирарди. У ўз кулоқларига ишонмасди. Нега деганда, Друэ ҳамма вақт мулойим ва роийиш эди-да. Инсоний эхтирослар тугёнини у тушунармиди дейсиз! Чинакам ишқий аланга — жуда нозик нарса. У ловиллаб, липиллаганича лаззатларнинг афсонавий мамлакатига йўл олади. Бу аланга бамисоли темирчининг қўрасидай ўкиради. Афсуски, у кўпинча рашикдан озикланади.

XXIV б о б

СОВИГАН ҚЎР. ДЕРАЗАДАН КЎРИНГАН ЧЕХРА

Герствуд ўша куни уйида ётмади. Майхона ёпилгач, уйига қайтиш ўрнига, «Пальмер» меҳмонхонасига бориб, алоҳида хона олди. Мияси ниҳоятда қаттиқ ишлаб, хаёлидан минг хил нарсалар ўтар, хотинининг беадаблиги унинг бутун келажагига хавф солаётганди-да. У гарчи бу хавфнинг қуввати қай даражада эканлигини билмаса ҳам, айти пайтда хотини йўлидан қайтмаса, бошига талай кулфатлар солишга қодирлигига мутлақо шак-шубҳа қилмасди. Афтидан, у қандайдир нарсани кўнглига маҳкам тугиб қўйганга ўхшар, бунинг устига Герствуд билан олишувда ҳам анча қўли баланд келди. Энди уларнинг муросалари қанақа бўлади энди? Герствуд аввалига ўзининг мўъжазгина идорасида, сўнгра эса меҳмонхона-

сидаги хонасида у ёқдан-бу ёққа юраркан, ана шулар хакида ўйлар, харчанд бош котирмасин сира ҳам бирор фикрга кела олмасди.

Миссис Герствуд бўлса устунликни бўшаштирмасликка ва бекор ўтирмасликка аҳд қилганди. Мана у эрини ўлгудай кўрқитиб олди, унга шартларини бемалол айтаверди, бунинг оқибатида айтгани-айтган, дегани-деган бўлиб қолади. Эри бундан буён миссис Герствуд қанча деса шунча узатиб туради, бўлмаган кунини кўради! Герствудни эрининг уйга қайтиш-қайтмаслиги жуда кам кизиқтирарди. Қайтанга уйда у бўлмаа кунлари бинойидек ўтаверди. Миссис Герствуд энди бировдан маслахат сўраб-нетиб ўтирмай, кўнглига келган ишни қила олади. У шулар билан бирга адвокатга йўлиқиш ва изқувар ёллашга ҳам қарор қилди. Вақтни ўтказмай яна нималарга эринмоғи мумкинлигини тезроқ аниқлаб олиши керак-да.

Герствуд вужудга келган вазиятни ўйлаб ҳаяжонда у ёқдан-бу ёққа юрарди. Ўзига эса нукул: «Хамма молмулким хотинимнинг номида!» — дегани деганди. Жин ўрсин-е, жуда ҳам бемаъни иш қилган экан-ку! Бунақа ахлоқликка қандай борганикин?

У буларнинг бари майхона бошқарувчиси сифатидаги мавқеига ҳам таъсир қилажагини ўйларди.

«Мабодо хотиним ғалва кўтарса, жойим қўлдан кетади. Майхона эгалари номим газетага тушгач, мени ишда гутиб ўтиришмайди. Танишларим эса... ох!»

Герствуд хотинининг қилиғи хар хил гап-сўзлар тарқалишига сабаб бўлишини ўйлаганида бадтар гижиниб кетди. Газеталар кимнинг томонини оларкин? Ҳамма эркаклар жуда хайрон бўлишади-да. У эса ишқилиб гушунтириши, инкор этиши — қисқаси, ҳамманинг тилига тушини керак. Кейин эса мистер Мой пайдо бўлади-да, «танлашиб олиш»ни истаб қолади, сўнг у ёғи нима бўлишини ким билади дейсиз!

Герствуд ана шундай ваҳимали хаёлларга борганидан юзида қатор майда ажинлар пайдо бўлиб, пешанасига совуқ тер чиқди. У ана шу ғалва нима билан тугашини билмас, унда жон сақлаб қолса бўладиган ҳеч бир нарса кўринмасди.

Герствуд шундай ташвишларда қолган бўлса-да, тўсатдан кўз олдида Керрининг сиймоси гавдаланар, шанба кунига ваъдалашиб қўйганлари ёдига тушарди. Ҳозирда ишлари бағоят чигаллигига қарамай, уни сира ваҳимага

солмади. Керри билан кўришув кўнгилсизликларнинг зулмат оламидаги ягона нур эди. У жўнашлари масаласини биргаликда келишиб ҳал қилади — зарур бўлгандан кейин Керри ҳам жон деб сабр қилади-да. Қани эртага нима бўлишини кўрайлик-чи, кейин у билан гаплашса бўлади... улар одатда учрашадиган жойларида учрашишга келишишганди. Герствуднинг кўз ўнгига Керрининг кўркам чехраси, гўзал қомати келар, у ўзига-ўзи изтиробда, ҳаёт нега бунчалар бемаъни қурилганки, бу аёл ташрифи ила менга насиб бўладиган қувонч абадий давом этмаса, дерди. Ўшандай бўлганда ҳаёт ёқимлироқ ўтарди. Бироқ шундан кейин Герствуднинг хаёлига яна хотинининг таҳдиди келди: пешанасига совуқ тер қалқиб, кўз атрофларини ажин қоплади.

Герствуд эрталаб меҳмонхонадан тўғри ишига келиб, келган хат-хабарларни кўздан кечира бошлади, бироқ унга бирор дурустроқ нарса келмаганди. У ана шу сафар номига бирор нарса келишини нимагадир сезиб юрганидан, шубҳали ҳеч нимага кўзи тушмаганидан кейин енгил нафас олди. Ўрнидан кўзғалиб, Керри билан кўришувдан олдин яқинроқдаги қаҳвахонага кириб, ёғли булка еб, қаҳва ичишга қарор қилганида бўғилиб юрган иштаҳаси ҳам очилиб кетди. Гарчи Герствуднинг бошидан хавф кетмаган бўлса ҳам, у хозирча ўзини сездирмай турар, бу борада янгиликлар йўқлиги эса Герствудга хушxabар билан баробар эди. Агар буларнинг барини яхшилаб ўйлаб олишга унда вақт бўлганида борми, ундан қутулиш йўли ҳам топилар, бунга шак-шубҳа қилмаса бўларди. Йўқ, йўқ, булардан бориб-бориб бир фалокат чиқиши мумкин эмас, Герствуд бунинг олдини олиб, эсон-омон қутулиш йўлини топмай қўймайди!

Шунда ҳам Герствуд паркка келиб, гарчи тишини тишига қўйиб, маҳбубасини узок кутса ҳам, келавермагач, жуда руҳи тушиб кетди. У ҳар маҳалги жойида бир соатдан ортиқ ўтириб кутди, кейин эса туриб, асабий холда хиёбонда у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Керрини нима тутиб қолган бўлиши мумкин? Йўқ, бунақа бўлиши мумкин эмас! Друзга келганда эса Герствуд уни бутунлай четга чиқариб қўйганди. Унинг ҳид билиб қолиши Герствуднинг хаёлига ҳам келмасди. Герствуд буни ўйлагани сари баттар асабийлашарди. У ниҳоятда ҳеч нима бўлмаган, Керри бугун уйдан чиқишнинг эвини қилолмагандир, деган фикрга келди. Шу сабабдан бугун

дарталаб ундан мактуб келмабди-да. Эхтимол мактуб келиб қолар, балки идорасида Герствудга мунтазирдир. Хозирок идорага бориш керак!

Герствуд яна бир оз кутди, кейин бундан фойда йўқ деган хаёлга бориб, маъюс ҳолда Мэдисон-стритга жўнади. Бунинг устига шу чокқача очик бўлган хавони бирдан қора булут босди. Шамол ҳам йўлини ўзгартирди, Герствуд майхонасига етганда эса ёмғир ёға бошлади, худди кун бўйи тинмайдиганга ўхшарди.

Герствуд келган ҳамма хатларни диққат билан қараб чиқди, бироқ Керридан ҳеч вақо йўқ эди. Хайриятки, хотинидан ҳам ҳеч нарса келмабди.

Майхона бошқарувчиси қанчадан-қанча нарса хусусида бош қотириши зарур бўлган бир пайтда ҳозир бекор турганлиги учун ичида шуқур қилди. У яна хонада у ёқдан-бу ёққа юраркан, сиртдан хотиржам кўринса ҳам, ўзи жуда нотинч эди.

Герствуд соат бир яримда тамадди қилгани «Ректор» ресторанига йўл олди, қайтганида эса идорасида уни бир югурдак бола кутиб ўтирганини кўрди.

Герствуд болага хавотирланиброқ қаради.

Бола эса унга хат узатаркан, деди:

— Менга жавобини кутиш буюрилган.

Герствуд хотинининг қўлини дарров таниди. У конвертни дарҳол очиб, ҳаяжонланганини сира ҳам сездирмай ўқишга тушди. Хат жуда расмий тусда бўлиб, хотини совуқ ва кескин ибораларни аямай ишлатганди.

«Мен сенга айтган пулни тезда юборишингни сўрайман. Пул режаларимни амалга оширишим учун зарур. Уйга келишни истамасанг ҳам майли — бу мени сираям кизиқтирмайди. Бироқ пул менга тезда зарур. Шунинг учун чўзиб ўтирмай, боладан бериб юбор.»

Герствуд хатни ўқиб бўлса ҳам, уни ўйчан ҳолда қўлида тутиб турарди. Хотинининг бу сурбетлигидан нафаси бўғилиб қолаёзди. Тутоқиб, жуда ҳам дарғазаб бўлди. Дастлаб кўнглига хотинига тўрт сўздан иборат бўлган: «Бемаъни бузоқнинг гўштини ебсан!» деб жавоб ёзмоқчи бўлди. Бироқ ўзини тезда қўлга олиб, сал юмшади-да, болага, жавоби бўлмайди, деди. Сўнгра стулга чўкиб, паришон ҳолда рўпарасига тикилиб, бу ишнинг охири нима бўларкин, деб ўйлашга тушди. Хотини энди нима қиларкин? Ҳе, ярама! Наҳотки кўрқитиб, елкасига миниб оламан деб хаёл қилаётган бўлса? Хозирок

уйига бориб, унга яхшилаб тушунтириб кўяди, ха, шундай! У жуда ҳам ҳаддидан ошяпти!

Герствуднинг хаёлига дастлаб шу фикр келди.

Бирок орадан кўп ўтмай илгаригидай эҳтиёткорлиги тутиб қолди. Нимадир қилиш жуда ҳам зарур. Иш бир ёқлик бўладиган дақиқага тобора яқин қоляпти: хотини хархолда икки қўлини ковуштириб ўтирмаса керак. Герствуд хогишининг феълини жуда яхши билганидан, унинг бир нарсага киришса охирига етказмагунча кўнгли тинчимаслигига шак-шубҳа қилмасди. У ишни хатто дарҳол адвокат қўлига тоширса ҳам керак.

... Падарига лаънат! — Герствуд тишларини қисиб фўлдиради. — Агарда галва кўтарадиган бўлса адабини бериб кўяман! Гарчи кўл кўтаришга тўғри келса ҳам, менга бошқачароқ муомала қилишга мажбур эман!

Герствуд ўрнидан турди-да, эшикка яқин келиб, кўчани томоша қила бошлади. Ёмғир шивалар, унинг халивери тинмаслиги кўриниб турарди. Ўткинчилар ёқаларини кўтаришган, баъзилар шимларининг почаларини қайириб олишганди. Зонти йўқларнинг қўллари чўнтақларида. Бошқаларнинг бошлари узра зонтиклари кўзга ташланар, кўча шунинг учун ҳам чайқалиб ва сакраб-сакраб кетаётган қоп-қора ва думалоқ газлама моллар денгизини эслатарди. Кўчада аравалар ва соябон аравалар қатор бўлиб, тарақа-туруқ қилиб борар; теварак-атрофдагиларнинг бари ёмғирдан иложи борица панароқ бўлишга ҳаркат қилишарди. Герствуд бўлса бу манзарани сезмасди ҳисоби. Хотини билан қиладиган суҳбати кўз олдидан сира кетмасди. У хаёлан хотинидан бу феълингни ўзгартир, бўлмаса абжағингни чиқараман, деб талаб қиларди.

Соат тўртда Герствудга хотинидан яна хат келди, унда тўғридан-тўғри агарда пул кечкурунгача етказилмаса, мен, яъни миссис Герствуд эртагаёқ бор гаплардан мистер Фицжеральд билан мистер Мойни огоҳ қилман, бундан ташқари яна бошқа ишларга ҳам кўл ураман, дейилганди. Герствуд хотинининг тархашлигидан азбаройи тутоққанидан бакириб юбораёзди. Майли, у хотинига пул юборади! Ўзиёқ элтиб беради... Дарҳол йўлга чикиб, у билан яхшилаб гаплашиб кўяди...

Герствуд шляпасини кийиб, зонтигини қидиришга тушди. Уйга бориб, бу ишни бир ёқлик қилиш керак!

У кэб ёллаб, ёмғирнинг мунгли шовқинида шимол томондаги уйига жўнади. Йўлда ишнинг бутун тафси-

лотларини ўйларкан, анча шаштидан тушди. Хотини нима билди? Нахотки у бирорта ишга қўл урган бўлса? Балки у Керрини... ёки... Друзни топишга муваффақ бўлгандир? Қўлида бирорта далили бўлиб, панадан зарб беришга тайёрланаётган бўлса-я? О, бу аёл қувликка қув! Агарда ўз кучига ишонмаганида уни бунчалик кўрки-тиб ўтирмасди.

Герствуд хотинига ён бермаганига, унга керакли пулни юбормаганига афсус қилди. Эҳтимол, ҳали ҳам вақт ўтмагандир? Қани кўрсин-чи, нима қилиб бўларкин. Жанжалга эса тоби йўқ.

Герствуд то уйига стиб келгунча, қандай аҳволда қолганлиги хусусида жиддий бош қотириб, зўр бериб ундан қутулиш йўлини, бу мушкулни ечиш чорасини ахтарди. Кэбдан сакраб тушиб, ташқари эшикнинг зинасидан югуртилаб чиқди. Юраги эса гуш-гуш урарди.

Герствуд калитини олиб, эшикка солмоқчи бўлди, бироқ ичкаридан калит солинганлиги кўриниб турарди. Герствуд эшикни бир неча марта тортиб кўрди: бироқ эшик тамбаланган эди. Кўнғироқ қилганди, жавоб бўлмади. Герствуд кўнғироқни иккинчи марта қаттиқроқ чалди, бироқ ҳеч ким садо бермади. У кўнғироқ ипини тутоқиб бир неча марта тортиб кўрса ҳам, наф чикмади.

У шундан кейин пастга тушди.

Уйнинг зина тагида яна битта эшиги бор бўлиб, ундан ошхонага кириларди. У ўғрилардан муҳофаза маъносида темир панжара билан ҳам тўсилганди. Герствуд ана шу эшикка яқин келаркан, эшик ичкаридан маҳкамлаб қўйилганлигига ишонч ҳосил қилди, ошхонанинг деразалари эса ёпиқ эди. Буниси нима бўлдийкин? У кўнғироқни чалиб, кута бошлади. Ахийри эшикни ҳеч ким очмаётганлигини кўргач, кэб олдига қайтди.

— Чамаси уйда ҳеч ким йўққа ўхшайди, — деди у кин-қизил юзини ҳилвираган брезент ёмғирчўшига яшириб ўтирган аравакашдан гўё кечирим сўрагандай.

— Мен анави деразада қандайдир ёш қизни кўрдим, — деб қўйди аравакаш.

Герствуд тепага қаради, бироқ энди деразадан ҳеч ким кўринмасди. Шундан кейин ковоғини солиб, аравага ўтирди. У айна пайтда ҳам хурсанд, ҳам хафа эди.

Уларнинг хунарлари шу экан-да! Уйдан хайдаб, пул гўлашга мажбур қилишмоқчи бўлишибди-да! Буниси чиндан ҳам ҳаммасидан ошиб тушди-ку!

СОВИГАН ҚЎР. ТАНГЛИК ТАҲДИДИ

Герствуд идорасига илгаригидан ҳам баттар гангиган холда қайтиб келди. Оббо, жуда маломатга қолди-ку! Бу иш қанақасига бунчалик тез ва даҳшатли тус олди-я! Буларнинг бари қандай рўй берганига ҳеч ақли бовар қилмасди. Ахволи кўзига даҳшатли, ғайритабиий ва ноҳақдай кўринарди. Ҳаммаси негадир тўсатдан ва ўз-ўзидан бўлди қолди-я, ўзининг эса буларга сира ҳам дахли йўқ.

Герствуд гоҳида Керрини эслаб кетарди. «Унга нима бўлганикин? — ўйларди у. — Мана, вақт алламаҳал бўлса ҳам ундан хат-нат йўқ. Бўлмаса эрталаб учрашиш-моқчи эди-я.» Эртага эса яна учрашиб, бирга кетишмоқчи эди. Қаёққа? Герствуд кейинги кунларнинг ғалва ва ташвишлари билан бўлиб икковларининг ишлари бундан бу ёнига қандай кетишини яхшилаб ўйлаб кўрмаганлигини эндигина сизди. Керрини бениҳоя севиб қолгани боисидан, борди-ю ахвол илгаригидай бўлганда унинг кўнглини олиш учун ҳар нарсадан кечишга ҳам тайёр эди. Бироқ энди... нима бўлади? У баъзи бир нарсаларни билиб қолган бўлса-я? Бирданига ундан, менга ҳаммаси очиқ-ойдин, сиз билан ортиқча гаплашишни истамайман, деган хат келиб қолса-я? Ишларнинг кетишига қараганда шундай бўлишини ҳам кутса бўларди.

Вақт ўтиб борар, Герствуд эса пулни хотинига хали ҳам жўнатмаганди.

Герствуд идорасининг паркет поли ялтиратиб артилган хонасида қўлларини чўнтагига солиб, ковоғини уйиб ва фижиниб у ёқдан-бу ёққа юрарди. Яхшигина сизгара унга жиндай тасалли берса ҳам бошига тунган барча ташвишларига сира ҳам эм бўла олмасди. У дам-бадам муштумини сиқар ё бўлмаса ботинкасининг учини полга урар, бу эса унинг ҳаяжонланаётгани ва ўй ўйлаётганининг аломати эди. Герствуд қаттиқ зарбга дучор бўлганидан одамнинг сабр-бардоши қанчалар бўлишини шу кунни тушуниб етди. Шу оқшом илгариги кунлардагидан ҳам кўпроқ сода-бренди ичди. Бир сўз билан айтганда, Герствуд ҳозирда оғир рухий тангликнинг тимсоли бўла оларди.

Герствуд ўшал оқшом ҳар қанча бош қотирса ҳам, бирор тўхташга кела олмади. У фақат бир иш қилди,

қодос: хотинига пул юборди. Ўзи билан ўзи кўл олишиб, икки ёки уч соатча нима қилсамикин, деб роса бош қотириганидан кейин, ахийри конверт олди-да, керакли суммани солиб, дарҳол елимлади. Кейин эса майхонадаги Гарри деган дастёр болани чақирди.

— Манавини кўрсатилган адресга олиб бориб, — деди у конвертни узатаркан, — шахсан миссис Герствуднинг қўлига берасан.

— Эшитаман, сэр!

— Агар йўқ бўлса қайтиб келавер.

— Эшитаман сэр!

— Менинг хотинимни ҳеч кўрганмисан ўзи? — бола кетишга шайланаётганида Герствуд эҳтиёт юзасидан сўраб қўйди.

— Бўлмаса-чи, сэр!

— Хўн, майли. Тезроқ қайтгин!

— Жавоби бўладими.

— Бўлмаса керак.

Бола кетди, майхона бошқарувчиси эса яна ўзининг ғамгин ўйлари оғушида қолди.

Мана, бу иш ҳам битди! Бунга шунча бош қотириб ўтиришнинг хожати ҳам йўқ эди! Герствуд бугун бутунлай мағлуб бўлди, энди унинг бунга чидашдан ўзга чораси йўқ. Бироқ бундай тамагирикнинг қурбони бўлмоқ нақадар жирканч! У хаёлан хотини болани ташқарида кутиб олиб, истехзоли кулиб қўйганини кўз олдига келтирди. Хотини эридан баланд келганини сезиб, конвертни қўлига олади. Мабодо бунинг иложи бўлганида Герствуд хозироқ конвертни қайтарарди-я... Унинг нафаси бўғилиб, пешана терини артди.

Герствуд кўнглим сал ёзилсин деб пештахта олдига бир стакандан вискини эрмак қилишаётган улфатлари рўдасига суқилди. У улфатларининг гапларига қулоқ солинга ҳар қанча ҳаракат қилса ҳам, барибир бундан нини чиқмасди. Хаёллари дам-бадам уйига қайтиб, унда бўлаётган нарсалар ҳадсб кўз олдига келаверарди. Дастёр бола хотинимга пулли конвертни берганида у нима деганикин, деган ўй унга сира ҳам тинчлик бермасди.

Бола бир ярим соатдан кейин қайтиб келди. Унинг конвертни эгасига топширганлиги яққол кўриниб турарди; нега деганда, бола ичкарига киргандан кейин чўнтагига кўз югуртирмади-да.

— Хўш? — деди унга Герствуд.

— Топширдим, сэр!

- Хотинимгами?
- Ҳа, сэр.
- У ҳеч нима демадимми?
- «Аллақачон вақти етувди», деди.

Герствуднинг қовоғи тушиб кетди.

Бу оқшом бошқа бирор иш қилиб бўлмасди. Герствуд қандай ахволда қолдим деб ярим кечагача тоза бош қотирди, кейин эса кечагидай яна «Пальмер» мехмонхонасига йўл олди.

«Эрталаб қандай гаплар бўларкин?» — деб ўйларди у.

У шуни ўйлаганидан анчагача ухлаёлмади.

Герствуд эртасига яна майхонага бориб, хат-хабарларни назардан ўтказа бошлади. У ваҳима ва умидлар гирдобидида қолганидан анча синиққанди.

Керридан бир сўз ҳам йўқ. Хотинидан ҳам ҳеч нарса келмабди, буниси жуда ҳам соз бўлганди.

Герствудни пул жўнатганлиги ва пулни миссис Герствуд олганлиги анча тинчитаёзганди. У, хотинимнинг кўнглидаги ишни қилдим-ку, деб ўйлаганидан хотинига ён бергани алам қилганлигини ҳам унутди, бу ёғи тинчиб кетишига умиди ортди. У кабинетдаги стол ёнида ўтираркан, яқин бир ёки икки ҳафта ичида хотиним балва қилмай турса керак, унғача нималар қилиш зарурлигини яхшилаб ўйлаб оламан, деб хаёл қиларди.

Шунда Герствуднинг хаёлини яна Керри банд қилиб, уни Друэдан тортиб олиш режаси кўнглидан ўтаверди. Энди нима қилиш керак? У Керрининг учрашувга нимага келмаганлиги ва ҳатто бир оғиз ҳам сўз ёзиб юбормаганлигининг тагига етишга урингани сари баттар изтиробга тушарди. Герствуд Керрига «йўқлаб олинадиган» хат ёзиб, ғарб томондаги почтамтга жўнатишга ва ундан изоҳ ҳамда янги учрашувни белгилашни тайинлашни талаб этишга аҳд қилди. Бироқ бу хат душанбагача етиб борармикин, деган ўй уни жуда ҳам ваҳимага соларди. У билан алоқа қилишнинг янги усулини топиш керак. Бироқ у қандай бўлади?

Герствуд бу ҳақда ярим соатча бош қотирди. Унинг олдига дастёр болани юборсинми? Ё ўзи кэбда бора қолсинми? Униси ҳам, буниси ҳам кейинчалик ўзига қарши далил бўлиб қолиши мумкин. Герствуд вақт беҳуда ўтаётганини кўриб, хат ёзди-да, яна хаёллари оламига шўнғиди.

Соатлар бирин-кетин ўтар, вақт кетгани сари Керри-

га яқинлашиш имкони ҳам камайиб борар, Герствуд бўлса унинг висолига етишиш иштиёкида эди. У куни кеча Керрини янги ҳаёт йўлига бошлаб, бунинг нашъасини сураман деб хаёл қилганди, энди кеч кириб қолаёзган бўлса ҳам, у бирор нарса қилишни қўзламаганди. Соат олтига занг урса ҳам, хатдан ҳамон дарак йўқ эди. Майхона бошқарувчиси узил-кесил мағлуб бўлганлигидан эзил-иб, залда ганг ҳолда айланиб юрарди. Серғалва шанба ўтиб, якшанба келган бўлишига қарамай, Герствуд ҳеч нима қилмаганди. Майхона якшанба куни ишламаганидан, уйдан Мосуво бўлиб, майхонанинг яйратувчи говурғуворидан олислашиб, Керридан ҳам айрилиб қолган Герствуд кун бўйи хаёллари оламида бўлди. Айни пайтда ўз ахволини жиндай бўлса-да, яхшилаш учун ҳеч нима қила олмади. У якшанба кунларини шу чокқача бунақа бемаъни ўтказмаганди.

Душанба куни иккинчи қатновдаги почтада жуда ҳам расмий бир хат келди. Герствуд уни бир оз вақт қизиқсиниб кўздан кечирди. Конвертда «Мак-Грегор, Жеймс ва Гэй» юристлар конторасининг номи бор эди. Хат «Марҳаматли жаноб, ушбу билан сизга маълум қиламизки» қабалидаги совуқдан-совуқ сўзлар билан бошланганди. Унда миссис Жулия Герствуд нафақасига алоқадор баъзи масалалар бўйича конторага мурожаат қилганлиги сабабли бу борада музокара юритиш учун мистер Герствуднинг конторага тезда йўлиқини сўралганди.

Герствуд хатни бир неча марта диққат билан ўқиб чиққанидан кейин, фақатгина бошини чайқаб қўйди. Унинг оилавий ғалвалари эндигина бошланаётганга ўхшайди ўзи!

— Ҳа-а, — у бир оздан кейин овозини чиқариб қўйди. — Фақат шуниси етмай турувди?

У хатни буклаб, чўнтагига солди.

Шунча ташвиш етмагандай Керридан илгаригидай ҳеч қанақа хат-пат йўқ эди. Герствуд энди Керри ҳаммасидан воқиф бўлибди-да, деб чипча-чин ишонди. Керри унинг уйланганлигини билиб, алдаганидан дарғазаб бўляпти. Герствуд ҳозирги дамда Керрига жуда ҳам зор бўлганидан бу айриликка чидаёлмасди. Герствуд тез орада Керридан хабар топмайдиган бўлса уйига бориб, учрашишни талаб этишни ҳам кўнглидан ўтказди. Керри мени ташлаб кетибди, деган фикр уни эзгандан эзарди. У Керрини жонидан ҳам яхши кўрганидан ундан айрилиб қолиш хавфи туғилганда кўзига тўтиёдан ҳам зўр кўри-

нарди. Шу важдан ақалли бир оғиз сўзини эшитсам деб ўлиб бўларди. Герствуд маъюсланган ҳолда Керрининг чехрасини кўз олдига келтирди. Керри нимаики хаёлларга борса ҳам, Герствуд ундан айрилолмайди, буни истамайди ҳам, махбубасининг чап бериб қолишига йўл қўймайди. Нимаики бўлса ҳам Герствуд бу масалани текислаши керак. Ҳа, Герствуд Керрининг олдига бориб, оиласи нотинчлигини айтиб беради. Керрининг севгисига зорлигини ҳам яширмайди. Мана шунақа дақиқада Керрининг ундан юз ўгиришига одам ишонмайди. Йўк, бу мумкин эмас! Герствуд Керри то жаҳлидан тушиб, кечирмагунча унга илтижо қилаверади.

Шу дамда Герствуднинг хаёлига лоп этиб бир нарса келди:

«Керри уйда бўлмаса-я? У ердан кетиб қолганлиги тўсатдан маълум бўлса-я?»

У ўрнидан турди. Энди ҳеч нима қилмай бекордан-бекор ўтира олмасди.

Герствуд ҳар қанча куйиб-пишмасин, барибир ҳеч иш чикмади.

Сешанба куни ҳам ахвол бирдай эди. Керрининг ҳузурига боришга ўзини аранг кўндирган бўлса ҳам, Огденскверга етганда кўзига биров изига тушгандай кўришиб, дарҳол орқасига қайтди. Керрининг уйига фақат биттагина квартал қолганди, холос.

Герствудга бу сафар ҳам қимматга тушди. У Рэндолф-стритга қараб йўл олган конканинг вагонига чиққани учун кўққисдан ўғли ишлайдиган фирманинг олдидан чиқиб қолди. Шунда юраги жуда увушиб кетди, наинки бу ерга Жорждан хабар олгани тез-тез кириб турардида! Энди бўлса отасидан хабар олиш ўғлининг хаёлига ҳам келмасди. Йўқлигини болаларидан биронтаси ҳам сезмаганга ўхшайди. Ҳа, тақдирнинг ўйини шунақа! Герствуд шундан кейин майхонага қайтиб келди-да, бир гуруҳ ошналарига қўшилиб, умумий гурунгни бўшаштирмади. Унга баландпарвоз валақлашлар қалбидаги аламни сал босадигандай туюларди.

Герствуд ўшал кеч «Ректор» ресторанида тамадди қилиб, яна майхонага ошиқди. У фақат майхонадаги ғала-ғовур орасида сал тин олгандай бўларди. Илгарилари ўзи сира ҳам парво қилмайдиган майда-чуйда нарсаларга ҳам энди атайлаб эътибор берар, ҳар бир таниши билан гурунглашаварди.

Герствуд майхонадагилар тарқалгандан кейин ҳам ка-

бинетида қимирламай ўтираверди. У ўзига тегишли участкани айланиб юрган тунги қоровул эшикни, яхши ёпилганмикин, деб ташқаридан тортиб кўргандан кейингина майхонани тарк этди.

Чоршанба куни Герствуд яна «Мак-Грегор, Жеймс ва Гэй» фирмасидан мулойимгина хат олди. Унда шундай дейилганди:

«Марҳаматли жаноб!

Ушбу билан ажралиш хусусидаги ишни ва хотинингизга нафақа тайинлаш масаласини судга оширишдан аввал эртага (пайшанба) кундуз соат биргача Сизнинг жавобингизни кутиш бизга таклиф қилинганлигини билдирамиз. Мабодо ўшал пайтгача жавоб ололмасак, сизни бирор битимга келишни истамаяпти деб ҳисоблаб, тегишли чоралар кўришга мажбур бўламиз. Чуқур эҳтиром билан...»

— Битимга келишмиш-а! — Герствуд изтиробда хитоб қилди. — Битимга келишмиш-а!

У яна алам билан бошини чайқаб қўйди.

Энди ҳаммаси ойдин бўлди. Қолаверса, Герствуд энди бошига нималар келишини биларди. Агар адвокатларнинг айтганини қилмаса, улар ўша заҳотиёқ ажрим қилишига киришишади. Уларнинг сўзига киргудай бўлса, олдига шунақанги шартларни кўндаланг қилишадики, бундан юраги ёрилиши турган гап. Герствуд хатни буклаб, уни чўнтагидаги биринчи хатнинг ёнига солиб қўйди. Кейин эса шляпасини кийиб, кўнглининг чигилини бир оз ёзгани кўчага чиқди.

XXVI б о б

ТАҚДИРНИНГ ҚУЛАГАН ЭЛЧИСИ. ЧОРА ИЗЛАБ

Друэ кетди, Керри эса нима бўлганлигига дурустроқ аҳамият бермай, анчагача унинг тобора олислаб бораётган кадам товушларига кулоқ солиб турди. У фақатгина Друэнинг ўлгудай тутоқиб кетганини сезиб тургани сабабли Друэ хозир бўлмаса ҳам, кейин қайтиб келармикин, деб ўзидан ўзи сўрагунча бир оз вақт ўтди. Керри вира-шира қоронғилик босган хонани шошилмай кўздан кечираркан, бу ерда ўзини илгаригидай сезмаётгани хаёлига келди. Кейин ўрнидан кўзғалиб, пардоз столига

якинлашди-да, гугурт чакиб, газни ёкди. Сўнгра яна тебратма стулига чўкиб, ўйга чўмди...

Ёшгина жувон то ўзини йиғиштириб олгунча анчамунча вақт ўтиб кетди. Шундагина Керри битта ҳақиқатни — бутунлай ёлғиз қолганлигини хис этди. Друэ энди қайтиб келмаса нима бўлади? Бутунлай дом-дараксиз кетса-чи? Унда манави шином хоналарни тарк этишга тўғри келади-ку! Кетмаса бўлмайди.

Керри шунда ҳам Герствуддан мадад излашни хаёлига ҳам келтирмади — бу борада унга тан бериш керак. У Герствудни ўйлаганда ҳам ўртада ўтган гаплардан жуда афсусланиб, юрак-юрагидан эзилиб кетарди. Нафсиламбрини айтганда, Керри одамзоднинг бунчалик ёлғончилиги ва маккорлигидан ларзага тушиб, жуда ҳам ўтакаси ёрилганди. Бу одам сира ҳам пинагини бузмай, унга шунақа ярамас ҳазил қилмоқчи бўлди-я! Унда хозиргидан ҳам бешбаттар аҳволда қолган бўларди-я! Керри шундай бўлишига қарамай, Герствуднинг сиймосини кўз ўнгидан қувишга, унинг қиёфаси ва қилиқларини унутишга ожизлик қиларди... Унинг бир ишигина Керрига ғалати ва тубан туюларди, холос! Мана шугина Герствуднинг Керрининг ақли ва юрагидан жой олган барча томонларига жуда ҳам зид эди.

Шундай қилиб, Керри ёлғиз ўзи қолди. Хозирда ана шу фикр унинг қалбини тобора забт этарди. Энди нима қилади? Яна ишласинми? Шаҳарнинг савдо қисмига яна иш ахтариб борсинми? Омадини саҳнада синаб кўрсачи?... Ха, ха! Друэ бу ҳақда унга гапирганди. Бироқ бу соҳада бирор иш чиқара олишига ишонса бўладими? Керри чуқур ўйга ботганича ўтирар, дақиқалар эса бир-бирини қуварди. Кўп ўтмай қоронғи ҳам тушди. Керри бўлса ҳали туз ҳам тотмаганди: Шундай бўлса ҳам у кимирламай ўтириб, ўйлагани ўйлаганди.

Керри ахийри қорни анчадан бери очлигини эслади-да, тебратма стулдан кўзғалиб, орқа хонадан буфетчага қараб юрди. Унда нонуштадан у-бу қолганди. Керри овқатга жуда ғалати қараш қилди, нега деганда, у хозирда илгаригидан ҳам бошқача ахамиятга эга эди.

Керри тамадди қилишга киришганида қанча пулим қолганикин, деган гап лоп этиб хаёлига келди. Бу фикр унга ғоятда муҳим кўринганидан бир дақиқа ҳам имилламай ўрнидан туриб, ҳамёни томон юрди. Унда етти доллар билан жиндай майда бор экан. Керри ёнида

арзимаган пул билан қолганлигига ишонч ҳосил қиларман. юраги жуда эзилиб кетди. Шу билан бирга ижара ҳақи ой охиригача тўланганига суюниб ҳам кўйди.

Керри беихтиёр равишда, мабодо Друэ билан жанжалнинг бошида ўзимни тутолмай кўчага отилганимда нима қилардим, деб ўйлаб кетди. Шу жиҳатдан олганда унинг ҳозирги аҳволи кўзига чиндан ҳам яхши кўринарди. Ҳозирда жилла бўлмаганда унинг ихтиёрида пича вақт бор, у ёғини эса ким билади дейсиз? Эҳтимол бориб-бориб ҳаммаси яхши бўлиб кетар.

Тўғри, Друэ кетиб қолди, хўш, кетса нима бўпти? Бундай қараганда унинг жиддий жаҳли чиққани йўқ. Тўғрироғи, сачраб кетди, холос. У қайтиб келади, келинига шак-шубҳа йўқ! Анави ерда, бурчакда унинг ҳассаси турибди, ерда эса битта ёқаси ётибди. Шкафда эса ёзги пальтоси.

Керри хонага разм солиб Друэнинг бошқа нарсаларини кўрганда, у қайтиб келади, деб ўзини ишонтиришга уринса ҳам, хаёлига дам-бадам келмаса нима бўлади, деган фикр ҳам келиб турарди.

Керрининг қалбини ларзага солган яна битта масала турарди. Друэ қайтди дегунча у билан гаплашиб, изох бериши керак эди-да, ахир. Друэ гапи ҳақлигини тан олдиришни истайди. Йўқ, Керри у билан ортиқча бирга туrolмайди!..

Керри жума куни Герствуд билан учрашуви кераклигини эслади. Учрашув шу кунга белгиланган эди. Керри ваъда бўйича учрашиладиган соатда бошига ниҳоятда оғир бахтсизлик тушганлигини яна бир бор аён ва чуқур ҳис этди. У ниҳоятда гангиб ва довдираб қолганидан бекор ўтираверишга тоқат қилолмаслигини сезгандай бўлди. Энди нимадир қилиши, ниманидир кўзлаши керак. Шу сабабдан соат ўн бирда одмигина жигар ранг кўйлагини кийди-да, шаҳарнинг иш қайнаган томонига йўл олди. У ўзига иш топиши керак эди.

Тушдан бери томчилаб турган ёмғир соат бирда шаррос қуйиб, Керрини уйига қайтишга ва ҳаво очилишини кутиб ўтиришга мажбур этди, Герствуднинг эса кечгача таъбини хира қилди.

Эртасига шанба бўлганидан кўпгина корхоналар соат ўн иккида ишини тугатди. Эрталаб ҳаво очик бўлиб, ҳамма ёқда хушбўй ҳид анқир, дов-дарахтлар ва ўтўланлар кечаги ёмғир ювиб ўтганидан ялт-юлт қиларди. Керри уйдан чиққанида чумчуқлар шодон чирқиллар-

ди. У сўлим паркка нигоҳ ташларкан, беихтиёр ғам-ташвиш нималигини билмайдиганларга ҳаёт нақадар нашъали эканлигини кўнглидан ўтказаркан, мутлақо кутилмаган бир ҳодиса аввалги маъмур ахволини сақлаб қолишини жуда-жуда истарди. Унга мутлақо Друэ ҳам, унинг пули ҳам керак эмас, бундан буён Герствуд билан ҳам салом-алиқ қилишни истамайди. Кўнгли фақат илгаригидай хотиржам бўлса бўлгани. У илгари ҳар қалай бахтли, ҳарҳолда хозирги ўз куни ўзига қолганлигидан бахтиёрроқ эди-да.

Керри шаҳарнинг савдо қисмига етганида соат ўн бир бўлиб, иш тугашига озроқ қолганди. Буни у тезда ҳаёлига келтирмади, нега деганда, бир вақтлар шу ерларда бошидан кечган ёқимсиз дақиқалар гирдобиди қолганди. Гарчи ўзини иш қидираётганига ишонтиришга уришиб шошилмай қадам ташласа ҳам, айна пайтда бунчалик шошқалоқликнинг ҳожати йўқдир, деган гаплар ҳам кўнглидан ўтиб турарди. Бўш жой ҳадеганда учрайвермайди, уч-тўрт куни сабр қилиб турса ҳам бўлаверади. Керри ҳали ҳам бурда нон топиш муаммосига кўндаланг келишига унчалик ишонмасди. Нимаики бўлганда ҳам, — ногоҳон ўйлади Керри, — бир нарса яхши бўлди: у ташқи хусн бобида анча камолга етганлигини ўйлади. Ўзини тутишлари ҳам анча ўзгарди. Эгнидаги кийимлари ҳам ўзига ярашиб турганидан идораларнинг ялтироқ пештахталари ва тўсиқлари ортидан илгари унга бепарвогина қараб қўйган эркаклар энди мулойимлик билан тикилишаркан, кўзлари ёниб кетарди. Албатта, буларнинг баридан ўзининг ҳазилакам эмаслигини сезиб, хурсанд бўлса ҳам, кўнгли ҳеч жойига тушмасди. Айтгандай, — дерди ичида Керри, — мен фақат тўғри, ҳаққоний ва қонуний йўл билан кун кўриш чорасини излаётман, шахсий мурувватга ўхшаган нарсага қиё ҳам боқмайман. Ҳа, менга иш ҳақи керак, бироқ бирорта ҳам эркак мени совға-саломлар ва ёлғондакам ваъдалар билан қўлга ололмайди. Мен ҳалол ишлаб кун кўраман.

Керри ичкарасига кириб, иш бор-йўқлигини суриштирмоқчи бўлган магазиннинг эшикларидан бирида «Магазин шанба кунлар кундуз соат бирда ёпилади» деган ёзув бор эди. Бу ёзув ёшгина жувонга жуда ҳам ёқди, нега деганда, Керрининг ўзига-ўзи айтиб келаётган гапларини бир мунча оқларди. У турли-туман корхоналарнинг эшикларидида шунга ўхшаш қатор ёзувларни кўрганидан кейин бу сафар иш қидиришдан фойда йўқ, де-

ли карорга келди, чунки соат ҳам ўн иккидан чорак ўлиб қолганди-да. Шундан сўнг конкага тушиб, Линкольн-паркка жўнади. У ерда эса гуллар, ёввойи ҳайвонлар, мўъжазгина кўл сингари қизиқарли нарсалар сероб эди. Керри ўзига-ўзи душанба куни барвақт туриб, иш кидиришга дурустрок киришаман, деб таскин берди. Душанбагача ҳали кўп гаплар бўлиши мумкин эди-да...

Якшанба куни ҳам ана шундай шубҳалар, хавотирликлар ва умидлар билан ўтиб, Керрининг кайфияти тез-тез ўзгариб, минг кўйга тушиб турди. У ҳар ярим соатда бекор турмай, тезда ҳаракат қилиш кераклигини қайта-қайта хаёлига келтирар, бу фикр бамисоли қаттиқ тушган қамчи зарбидай қийнарни. Гоҳида эса теварак-атрофига назар ташлаб, аҳволим унчалик ёмон эмас-ку, у ҳар қалай охири бахайр бўлади, деб ўзини-ўзи ишонтиришга ҳаракат қиларди. Керри ўшай дақиқаларда Друэнинг, саҳнада кучингни синаб кўргин, деган маслаҳатини ўйлаб қолар, шунда бу соҳада омад ўзига киё боқадигандай туюларди. У эртаси куни худди шу соҳада иш кидириб кўришга қарор қилди.

Кўйинг-чи, Керри душанба куни барвақт туриб, шонилмай кийинди. У актёрликка кириш учун қаерга муурожаат этиш хусусида заррача тасаввурга эга бўлмаса ҳам, ҳаммасидан кўра театрнинг ўзига борган маъқул, деган фикрга келди. Бирорга театрга кириб, директор одамларни қаерда қабул қилишини, ундан эса иш бори-йўклигини суриштириш керак. Мабодо бўш жой бўлса, кирса ҳам ажаб эмас, бўлмаса директор ақалли қаердан иш кидириш лозимлигини айтиб берар.

Керри ҳеч қачон театр корчалонлари билан тўқнаш-маганидан театр маъбудасининг бетакалдуфлиги ва театрларда ҳукм сураётган ахлоқларнинг эркинлигидан мутлақо ғофил эди. У фақатгина мистер Гейл театрда катта мансаб эгаси эканлигини биларди. Бироқ унинг хотини билан аҳил бўлганидан ёнига яқин боришни сира ҳам истамасди.

Ўша пайтларда Чикаго операси томошабинлар орасида жуда тилга тушиб қолганидан, унинг директори Давид Гендерсон ҳақида ҳам яхшигина гаплар юрарди. Керри опера театрида иккита-учта таъсирли томоша кўрган, бошқаларининг ҳам мактовларини эшитганди. У Гендерсоннинг кимлигидан ва илтимоснинг йўли қандай бўлиши кераклигидан буткул беҳабар бўлса ҳам театрда ўзига

мосроқ иш топилажагини беихтиёр равишда сезиб турарди. Шу важдан ўша томонга йўл ола қолди. Театрга кўча тарафдан дадил кирди, кейин олтин суви югуртириб ишланган ва сўнгги спектакллардаги кўринишларнинг тасвирлари билан безатилган ҳашаматли вестибюлга ўтиб, ундан кассирнинг кичкинагина дўкончаси томонга йўналмоқчи бўлганида, кўкқисдан дадиллиги йўқолиб, илгарилашга ўзини сира ҳам мажбур эта олмади. Ўшал хафтада таниқли оперетта кизиқчиси томошабинларга қармоқ бўлиб турганидан театр катта-катта афишалар билан безатиб ташланган, Керри шунинг учун ҳам бунақанги дабдаба ва ҳашамат қаршисида ҳангу манг бўлиб қолганди. Бу ерда у бош нима иш бўлиши мумкин? Керри бу ерга юрак ютиб кирганини ўйлаганида титраб кетди, бунинг учун уни тўғридан-тўғри қувиб чиқаришлари мумкин эди-да. Унинг бир оз туриб, кизиқарли расмларни томоша қилишга юраги бетлади, холос. Кейин эса кетишга шошилди. У, хўп вақтида қочиб қолдим-да, деб ўйлаганидан театрға тўғри кўчадан келиб, шартнома тузишга умид боғлаш бемаъниликнинг ўзгинаси деган қарорга келди.

Ана шу арзимас саргузашт унинг оворагарчиликларига барҳам берди. Керри куннинг қолган қисмини кўчаларда айланиб юриб ўтказди. У яна бир неча театрлар билан фақат сиртдан танишди. Талай кўнғил очар жойларнинг ёнидан ўтди, Мак-Викернинг яхши эсида қолган театрлари ва Катта опера атрофида анчагача айланиб юрди, кейин эса уйига қайтди, унинг машқи жуда паст бўлиб, нотавонлиги ва жамиятга даъволари асоссиз эканлигидан азоб чекарди.

Миссис Гейл кечқурун кириб, анчагача валақлашиб ўтирганидан Керри уззукун овораи сарсон бўлганлари хусусида хаёл сура олмади. Бироқ ётиши олдидан яна гамгин хаёллари ва хавотирлар гирдобида қолди. Друэнинг қораси ҳам кўринмасди. Ундан ҳам, Герствуддан ҳам дому дарак йўқ эди. Керри қўлидаги бебаҳо захирасидан бир долларни овқату конкага сарфлади. Ҳали бир ишнинг бошини тутмаган одамнинг бу аҳволда узоққа бора олмаслиги аён эди.

Керрининг хаёли беихтиёр Ван-Бьюрен-стритга, қочиб кетган кунидан буён кўрмаган опасига ва Колумбия-ситидаги эшиги энди қайта очилмайдигандай туюлган ота уйига учди. Айтмоқчи, Керри у ерлардан ўзига бошпана изламоқчи эмасди. У Герствудни тинимсиз ўйласа ҳам,

буидан фақат эзиларди, холос. Герствуднинг Керрини омичалик лақиллатиши ўтакетган берахмлик эмасми!

Сешанба куни ҳам келди. Керри уни ҳам юраги ҳеч бир нарсага дов бермай хаёл суриб ўтказди. У душанба кунги шунча оворагарчиликлардан кейин яна иш ахтаришга унчалик шошилмасди. Шу билан бирга ўзини кўрқоқликда айблаб, ахири Чикаго операсига яна бир кириб ўтиш ниятида уйдан чиқди.

У ўзини бир амаллаб қўлга олиб, театр вестибюлига кирди. Ҳар қалай кассага яқинлашиб, директорни қаердан топиш мумкинлигини сўради.

— Труппа директорими ё театр директорими? — чамаси Керрини бир кўришдаёқ ёктириб қолган олифтано-мо ёшгина кассир қайтариб сўради.

— Мен ўзим ҳам билмайман, — деди Керри ўзининг саволидан хафа бўлиб.

— Театр директорини бугун кўролмайсиз, — деб кўйди кассир йигит. — У шаҳарда йўқ.

Керри саросимада қолганини кўргач, қўшиб кўйди:

— Директорда нима ишингиз бор эди?

— Мен уйдан бирорта иш топилармикин деб сўрамоқчийдим, — жавоб қилди Керри.

— Ундай бўлса труппа директорига учрашингиз керак, — маслаҳат берди кассир. — Бироқ у ҳам йўқ.

— Қачон бўларкин? — Керри у-бу нарсаларни билиб олганидан бир мунча дадил тортиб сўради.

— Уни ўн бир билан ўн иккиннинг орасида учратсангиз ажаб эмас. Гоҳида соат иккидан кейин ҳам бўлади.

Керри раҳмат айтиб, вестибюлдан тезгина чиқиб кетди, йигит эса зарҳал берилган қафасининг дарчасидан қараганича қолаверди.

— Чакки эмас! — у ўзича шундай деб кўйди-да, бу ёшгина жувон ўзига хали қанака нарвона бўлажagini хаёл қила бошлади.

Катта сперада ўша замоннинг ном чиқарган оперетта труппаларидан бири гастроль томошалари кўрсатаётганди. Керри бу ерда труппа директорини кўрмоқчи бўлди. У ана шу одамнинг қўли кўн жойга етмаслигидан бутунлай ғофил, труппада бўш жой бўлса, унга ўша захотиёқ Нью-Йоркдан бирортасини юборишлари мумкинлигидан беҳабар эди.

— Унинг кабинети тепада, — деди кассир Керрига.

Директорнинг кабинетида бир неча одам бор эди. Иккита одам дераза олдида турар, учинчиси идора ёзув

столи ёнида ўтирган одам билан гаплашарди. Директор ўша киши эди. Керри чуқур хаяжонда хонага разм соларкан, салкам бугун бир трушпа олдида илтимосимни айтишимга тўғри келаркан-да, деб юраги орқасига тортиб кетди, бунинг устига дераза олдида туришган актёрлар унга бошдан-оёқ тикилишарди.

— Иложим йўк! — директорнинг сўзлари Керрининг қулоғига чалинди. — Биз бирорта ҳам бегона одамни сахна ичкарасига киритмаймиз. Бу бизда қатъий қонун. Йўк, йўк!

Керри интизорликда тортиниб тураверди. Кабинетда стуллар бўлса ҳам, бирорта одам унга «ўтиринг» деб таклиф қилишни хаёлига келтирмади. Директор билан гаплашган киши бўшашибгина чиқиб кетди. Театр корчалони гўё улар муҳим аҳамиятга эга бўлган хужжатлардай рўпарасидаги қандайдир қоғозлар устига эгилди.

— Бугун «Геральд»да Натан Гудвин хақидаги мақолани ўқидингми, Харрис? — деб қолди актёрлардан бири шеригига.

— Йўк, — жавоб қилди шериги. — Нима экан?

— Кеча Гулли театрида битта ҳам бўш жой қолмабди. Мана, ўзинг кўргин!

Харрис столга яқин келиб, номи тилга олинган «Геральд»ни қидириб, газеталарни титкилай бошлади.

— Хизмат? — деди директор Керрига бошини қўтариб. У чамаси Керри борлигини эндигина пайкаган кўринарди.

Директор Керрини контрамарка сўрагани келган бўлса керак, деб ўйлаганди.

Керри вужудидаги бор мардлигини тўплади. У бошловчи актриса бўлганим учун рад жавоби олишим турган гап деб ўйларди. Бунга азбаройи ишончи комил бўлганидан, ўзини маслаҳат олгани келган одамдай кўрсатди.

— Сахна юзини кўриш учун нима қилиш керак, шуни айтиб бера олмайсизми?

Сирасини айтганда бу, сизларда бирор иш борми, деб сўрашнинг энг боп йўли эди. Керри ўзининг бу саволи билан стол ортидаги креслода ўтирган мартабали зотни пича қизиқтириб қўйди. Директорга соддадиллик билан қилинган бу илтимос билан ёшгина жувоннинг ўзини тутиши маъқул келиб қолди. У илжайди. Қолган иккита актёр ҳам жилмайиб қўйишди. Бироқ улар мамнунликларини пинҳон тутишга ҳаракат қилишарди.

— Сизга, очиги, нима дейишимни ҳам билмайман, — деди директор қаршисида турган арзгўй аёлга тап тортмай кўз югуртириб. — Сизда сахна тажрибасидан унчамунча борми ўзи?

— Жуда оз, — жавоб берди Керри. — Мен фақат хаваскорлик спектакларида қатнашганман.

Керри ўз жавоби билан директорда уйғотган кизиқшни сақлаб қолишга тиришарди.

— Драматик санъатдан ҳеч таълим олганмисиз? — директор ҳам Керри, ҳам ошналарини гангитиб қўйиш учун виқор билан гапида давом этди.

— Йўқ, сэр!

— Ҳим! Ундай бўлса, очиги, билмайман, — у кресло билан ўзини орқароқ олиб ва Керрининг тик турганидан сира ҳам хижолат бўлмай эринибгина жавоб берди. — Сахна юзини кўришни нега бу қадар истаяпсиз?

Керри бу одамнинг бетгачонарлигидан анча хижил бўлди. У шундай бўлса ҳам, унинг ҳам сурбетларча, ҳам мулойим тиржайишига табассум билан жавоб берди:

— Бир амаллаб кун кўришим керак-ку!

— Эҳ-а, шундай денг! — деб қўйди кўҳликкина нота-ниш жувонга кизиқсиниб қолган директор. У шу заҳотиёқ бу аёл билан чуқурроқ танишиб олиш имкони туғилганлигини ўйлади. — Бу жуда ҳам узрли сабаб, албатта, бироқ ўзларингиз кўриб турганингиздек, Чикаго бошловчилар учун мақбул жой эмас-да. Бунинг учун Нью-Йоркка бориш керак, у ерда имконият кўп. Бу ерда сизга йўл беришларига сира умид қилмаса ҳам бўлади.

Керри мен билан ҳиммат қилиб гаплашганингиз учун раҳмат дегандай жилмайди. Унинг табассумига кўзи тушган директор эса бошқа нарсага йўйди. У жиндай ишрат қилишга қулай фурсат келди, деб ўйлади.

— Ўтиринг, марҳамат, — деди у стулни креслосига яқин сураркан, айти пайтда бошқалар эшитмасин, деб овозини пасайтирди.

Йигитлар бир-бирларига маънодор қараб қўйишди.

— Хўп, мен кетдим, Барни! — деди улардан бири директорга қараб. — Пенсидан кейин кўришамиз.

— Маайли, — деб қўйди директор.

Кабинетда қолган актёр газетани олиб, ўзини ўқиётганга солди.

— Сиз қандай ролларни ўйнамоқчи бўлганлигингизни ҳеч ўйлаб кўрганмидингиз? — директор тилёғламлиқ қилиб сўради.

— Йўк, — Керри борини айтиб қўя қолди, — бироқ мен бошламасига ҳар қанақасига ҳам розиман.

— Тушунаман! — деди директор. — Сиз шу ерда, шаҳарда турасизми?

— Ҳа, сэр!

Директор жуда мулойим жилмайиб қўйди.

— Сиз артистликка киришга уриниб кўрмадингизми? — деди у сирлироқ қилиб.

Керри бирдан бу одамнинг ўзини тутишларида қандайдир ёқимсиз чучмаллик мавжудлигини фаҳмлаб қолди.

Директор шундай дея Керрига мулойим ва бемалол қараб қўйди.

— Мен буни билмовдим, — деди Керри.

— Статистликка кириш ҳам машаққат, — директор гапида давом этди. — Бироқ гоҳо тасодиф қўмак беради. — Директор шундан кейин гўё бир нима эсига тушиб қолгандай ёнидан соатини олиб қаради. — Соат иккида бир одам билан иш юзасидан учрашишим керак, — деди у, — сўнгра тамадди қилишга ҳам улгурмасам бўлмайди. Эҳтимол, менга шерик бўларсиз? Нонуштаям қиламиз, ишдан ҳам гаплашамиз.

— Йўк, йўк! — деб юборди бу одамнинг қанақалигини зумда билиб олган Керри. — Ўзим ҳам баъзи бир одамларга йўлиқишим керак.

— Минг афсус! — деди қовун тушириб қўйганлигини ва Керри қўлдан чиққанлигини эидигина фаҳмлаган хотинбоз. — Яна бир кириб ўтинг. Эҳтимол, сизбор бирор нарса қулоғимга чалиниб қолар.

— Миннатдорман, — Керри титроқ овозда шундай деди-да, шошилганича чиқиб кетди.

— Қизча чакки эмас! — деб қўйди кўз ўнгида ўйналган сахнанинг ҳаммасини ҳам илғаб ололмаган йигит.

— Ҳим, ёмон эмас! — ишни бузиб қўйганидан хафа кўринган директор унинг гапига қўшилди. — Бироқ сизга айтсам, ундан актриса чиқмайди. Статист чикса ҳам катта гап.

Ана шу кичкинагина саргузашт Керрининг Чикаго операсига боришга бўлган иштиёқини сўлдирди. Шундай бўлса-да, ахийри боришга жазм этди. У ердаги директор анча сипо одам экан, ҳеч қанақа жой йўк, деб очигини айтди қўйди. Керри унинг, бекорга овора бўляпсан, дегандай гап қилаётганини сезиб турарди.

— Чикагода бошловчиларга жой йўк, — деди у. — Бошловчилар Нью-Йоркда керак бўлади.

Керри сира бўш келмай Мак-Викернинг театрида ҳам бўлди. Бироқ у ерда ҳеч кимни учрата олмади.

Бу театрда «Дахшатли кул тепа» пьесаси қўйилаётгани, бироқ Керри йўлиқиши керак бўлган режиссёрни сира ҳам тополмади.

Ана шу арзимас оворагарчиликлар Керрининг кун бўйи вақтини олди. Шунинг учун ҳам у тинкаси қуриб, уйига йўл олганида соат тўрт бўлиб қолганди. У иш қидиришни тўхтатмаслик ва кириши мумкин бўлган жойларни суриштириш зарурлигини жуда яхши тушунса ҳам, бунинг сарсонгарчиликлари кўнглини анча чўктириб қўйди. Керри конкага тушиб, чорак соатда Огден-скверга етган бўлса ҳам, доимо Герствуддан хат олиб турадиган Фарбий томондаги почтамтга боришга қарор қилди. Почтамтга кирса, ўзига шанба куни юборилган хат бор эди. Керри уни тезда очдида, минг хил хаёлларга бориб ўкиб чикди. Хат эхтирос билан ёзилган бўлиб, унда Керрининг учрашувга келмаганлиги, сўнгра анчага жим бўлиб кетганлигига таассуф ва гинахонлик сўзлари сероб бўлганидан Керри беихтиёр унга жуда ҳам ачиниб кетди. Герствуд уни севади — бу аниқ! Ҳамма бало бола-чақали бўлишига қарамай, уни севишга юраги дов берганида.

Керри бундай хат жавоб ёзишга арзигулик эканлигини хаёлига келтириб, Герствудга хат ёзиб, ҳамма гапдан хабардор эканлигини ва ҳақли равишда газабланганлигини билдиришга аҳд қилди. Унга бундан буён орамиз очик дейди қўяди.

Керри уйига келиши биланок хат ёзишга тутинди. Бу унинг анча вақтини олди, нега деганда, хат ёзиш ҳазилакам иш эмасди-да.

«Учрашувга нимага келмаганлигим учун нахотки сизга изоҳ беришим керак бўлса? Мени бунчалик алдашга қандай бетингиз чидади? Энди сизни кўрмасам дейман, тушуняксизми. Нимаики бўлгандаям кўрмасам дейман! О, менга бунчалик ёмонлик қилишга қандай журъат этдингиз? Сиз мени ўзингиз ўйлаётгандан ҳам ортиқ гашташвишга ботирдингиз. Тез орада мендан совушингизга ишонаман. Биз энди ҳеч қачон учрашмаслигимиз керак. Хайр!»

Керри эртасига эрталаб биринчи чорраҳагача бордида, тўғри иш қилаётганига ишонқирамаган ҳолда хатни почта қутисига хоҳламайроқ солди. Сўнгра яна шаҳарнинг савдо қисмига йўл олди.

Керри иш қидириб кирган универсал магазинларда

харидорларнинг оёғи тортилиброқ турган пайт бўлса ҳам, бошқаларга қараганда бу ёшгина ва кўркем жувоннинг гапларига анча диққат билан қулоқ солишди. Унга яна ўзига илгаридан яхши таниш бўлган саволлар беришди:

— Нима ишни биласиз? Илгари чакана савдо магазинида ишлаганмисиз? Бирор тажрибангиз борми?

«Бозор»да ҳам бошқа йирик магазинлардаги сингари шундай аҳвол эди. У қаерда бўлмасин, ҳозир харидорлар товсилган пайт, уч-тўрт кунлардан кейин бир хабар олинг, эҳтимол керак бўлиб қоларсиз, деган жавобни эшитди.

Керри кечга яқин тинка-мадори қуриб, машқи пасайиб уйига қайтганида у йўқлигига Друэ квартирада бўлганлигини пайқади. Унинг зонтиги билан ёзги пальтоси ғойиб бўлганди.

Керрининг кўзига буюмлардан яна баъзи бирлари етишмаётгандек кўринди, шундай бўлса ҳам бунга ишонгиси келмасди. Друэ ахир ҳаммасини олиб кетмаган бўлса керак.

Друэ хар қалай вақтинчага кетганга ўхшамасди. Керри энди нима қилади? Орадан бир-икки кун ўтгандан кейин, яна илгаригидай яқка ўзи олам билан олишишига тўғри келади. Устидаги кийимлари яна хароблашади. Керри шуни ўйлаганида мушқул аҳволда қолган пайтларидагидай қўлини қўлига қўйиб, кўксига босди. Кўзида йирик томчилар ҳалқаланиб, юзини ювиб тушди. У энди ёлғиз ўзи ғарибгина бўлиб қолганди.

Друэ чиндан ҳам келган, бироқ сира ҳам Керри ўйлаган ниётда келмаганди. У Керрини уйда учратсам нарсаларимга келувдим, дейман деб кўнглига тугиб қўйган, кетар олдимда ярашиб оламан деган умиди ҳам йўқ эмасди.

Унинг Керрини уйдан тонолмай, роса хуноб бўлганлиги ҳам энди жуда тушунарли бўлса керак. Друэ Керри у ёқ-бу ёққа чиққан бўлса, тезда келиб қолар деган умидда анчагача квартирада ғимиллаб юрди. У хар дақиқада зинадан қадам товушлари келмаяптимикин, деб жон қулоғи билан тингларди.

У ўзини ҳозиргина кирган-у бироқ Керри бостириб келганидан жуда дарғазаб бўлгандай кўрсатмоқчи бўлганди. Керри келганидан кейин у-бу нарсаларим керак бўлиб қолувди, деб қўя қолади, гап орасида унинг кўнглида нима борлигини ҳам аниқлаб олади.

Друэнинг Керри йўлига кўз тутишлари беҳуда кетди.

Керри хадеганда қайта қолмади. Друэ яшиқларни титкилашни ҳам бас қилиб, деразага яқин келиб, кўчага қаради, кейин тебратма стулга чўкди. Керридан ҳамон дарак йўқ эди. Друэ шундан кейин асабийлашиб, сигара тутатди.

Орадан бир оз ўтгач, ўрнидан туриб, у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Деразадан қараб хавони булут босаётганини кўрди. Шундан кейин соат учда иш юзасидан биттаси билан учрашиши кераклиги эсига тушиб, ортиқча кутишдан наф йўқлигини тушунди.

Друэ зонтиги билан пальтосини олиб кетишга шайланаркан, ичида бу нарсаларни барибир олиб кетиш ниятида бўлганлигини ўзига уқтирарди. Шунда хаёлидан, Керри нарсаларнинг йўқлигидан қўрқиб кетса ажаб эмас, деган фикр ўтди. Эртага бошқа нарсаларига келганида Керрининг авзойи қанақалигини кўради қўяди-да.

Друэ ёшгина жувонни кўролмай кетаётганига ич-ичидан ачиниб, эшик томонга юрди. Деворда Керрининг унча катта бўлмаган сурати турарди. Устидаги жакет Друэнинг биринчи совғаси эди. Керри суратда кейинги пайтларидагидан ҳам ўйчанроқ кўринарди. Друэ Керри билан илк бор учрашганини ўйлаганида, жуда ҳам хаяжонланди. У суратнинг кўзларига тикилганида нагидир бир хил бўлиб кетди.

-- Менга яхши қилмадинг-да, Кэд! -- у худди Керрининг ўзига гашираётгандай гўлдираб қўйди.

Шундан кейин хонага яна бир кўз югуртириб, ташқарига чиқди.

XXVII б о б

СУВГА ЧЎККАН -- ХАСГА ЁПИШАДИ

«Мак-Грегор, Жеймс ва Гэй» конторасидаги адвокатнинг иккинчи бор эслатма хатидан таъби хира бўлиб, тутакиб юрган Герствуд кўчаларни айланиб майхонага қайғиб келганида Керрининг хати унга мунтазир бўлиб турарди. У Керрининг қўлини таниганидаёқ эти жимирлаб кетди. Конвертни ишоа-ниша очиб, ўқишга тушди.

«Демак, у мени севади. Бўлмаса менга хат ёзиб ўтирармиди?!» — кўнглидан шу гапни ўтказди.

Адлий тамом бўлган Герствудга шу ўйгина қувват бахш этиб турарди.

Керрининг хати қуруққина бўлса ҳам, Герствуд гўё унинг чинакамига ҳақиқий ахволини сезиб тургандек бўларди. Гина-кудуратга тўла бўлган бу хат уни анча бўшаштирди, анча енгил тортди. Шунча йиллардан бери боши маҳдудликдан чиқмай юрган Герствуд энди тасаллиги муҳтож эди. Яна қаерда денг? Сезгиларнинг сирли ришталари бизни жуда ҳам маҳкам боғлаб қўяди-да ўзи!

Герствуднинг юзига яна қизил югурди. У бир зум адвокатнинг хатини ҳам эсидан чиқарди. Мабодо Керри ҳозирги дамда ёнида бўлганида мушкул ахволдан эхтимол қутулиб кетар, ўшанда умуман бошини қотириб ўтирмасди. У Керридан айрилмаса бас, хотинининг қандай ишлар қилиб юргани билан неча пуллик иши бор. Герствуд юрагини забт этган аёл билан яшаш хусусида ширин орзуларга берилиб, кабинетида у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

Шундай бўлса ҳам орадан кўп ўтмай ташвишлар ҳамласига дучор бўлган Герствуднинг ўлгудай силласи қуриди. У яна эртанги кун ва ажралиш процессини ўйлаб кетди. Герствуд ҳали ҳеч қандай иш қилмаган, бу пайтда адвокатларнинг қабул қиладиган вақтлари ҳам ўтиб кетганди. Ҳозир соат чоракам тўрт, бешда эса «Мак-Грегор, Жеймс ва Гэй»нинг контораси ёпилиб, юристлар уй-уйларига тарқалиб кетишади. Герствуднинг ихтиёрида эртаси соат ўн иккигача вақт бор. Герствуд хаёл суриб ўтираркан яна чорак соат ўтди, соат тўртга занг урди. У шундан кейин бугун адвокатларга йўлиқиш фикридан қайтиб, яна Керрини ўйлашга тушди.

Герствуд хатто ўзини оқлашга уриниб кўрмаганлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Бу фикр унинг хатто хаёлига ҳам келгани йўқ. У Керрини бирга кетишга қандай қилиб кўндиришни ўйларди, холос. Бунинг нимаси ёмон? У Керрини жонидан ҳам севади-ку, ахир. Уларнинг бахтли бўлишлари шунга боғлиқ. О, қани энди Друэ тезроқ Чикагодан гумдон бўла қолса!

Герствуд эртага тоза кўйлак керак бўлишини эслаганида бирдан ўзига келиб қолди. Шунинг учун ҳам меҳмонхонага кетаётганида йўлда бир неча кўйлак билан олтига галстук сотиб олди. «Пальмер» меҳмонхонасига кириб келаётганида қўлида калит билан зинадан чиқиб бораётган Друэни олисдан кўргандай бўлди. Йўғ-э, бўлиши мумкин эмас! Герствуд шундан кейин буни Друэ билан Керри квартирадан вақтинча меҳмонхонага ўтишган-

га йўйиб кўя қолди-да, тўғри портъенинг столчасига қараб юрди.

— Марҳамат қилиб айтсангиз, Друэ деган киши шу ерда турадимми?

— Шундай одам бордек, — портъе шундай дея ёзувлар дафтарига кўз ташлади. — Ҳа, туради.

— Шундай денг, нахотки! — хитоб қилди Герствуд хайратланганини иложи борича билдирмасликка тиришиб. — Ёлғиз ўзими?

— Ҳа, — портъе унинг гапини тасдиқлади.

Герствуд четга ўгирилиб, хаяжонланганини яшириш учун лабини қисди.

«Бунисини нима деса бўлади? — деб ўйларди ичида. — Улар уришиб қолишган бўлса керак!»

Герствуд анча димоғи чоғ ҳолда ўзининг номерига шошилиб, тезда қайтадан кийиниб олди. У тезда Керрининг уйига йўл олиб, квартирада бир ўзи тураётганини ёнқи бошқа ёққа кўчганлигини аниқлашга аҳд қилди.

«Бўлмаса шундай қиламан, — деди у ичида. — Эшигига яқин бориб, кўнғироғини чаламан-да, мистер Друэ уйдами, деб сўрайман. Шу тариқа Друэнинг у ерда туриш-турмаслигини ва Керрининг қаердалигини билиб оламан.»

Герствуд бу фикридан дадилланиб кетганидан кечки овқатдан кейиноқ режасини амалга оширишга жазм қилди. Соат олтида номеридан чиқиб, яқинроқда Друэ йўқмикин деб теварак-атрофига бир неча марта аланглаб, кўнгли жойига тушгандан кейингина ресторанга йўл олди. Керрининг ёнига тезроқ боришга пигирчилаб турганидан ўзини ўтиришга аранг мажбур қилди.

Герствуд шунда ҳам йўлга чикипидан аввал Друэнинг қаердалигини билмоқчи бўлиб, меҳмонхонага қайтиб келди.

— Мистер Друэ чиқмадимми? — Герствуд яна портъега мурожаат қилди.

— Йўқ, у номерида, — деди портъе. — Сиз карточкангизни эҳтимол тепага чиқариб юборишни истарсиз?

— Йўқ, раҳмат, кечроқ кирарман, — Герствуд шундай деди-да, меҳмонхонадан чиқиб кетди.

У Мэдисон-стритда конка вагонига ўтириб, тўша-тўғри Огден-скверга келди. Бу сафар эшикка дадил яқинлашди. Эшикни эса унга оқсоч қиз очди.

— Мистер Друэ уйдами? — Герствуд мулойимлик билан сўради.

— У шаҳарда йўқ, — киз Керрининг миссис Гейл билан гаплашганини эшитганидан шундай жавоб берди.

— Миссис Друэ-чи?

— Йўқ, театрға кетган.

— Шундай денг! — Герствуд ажабланди.

У ўзини ўнглаб олгач, зарур иши битмаётган одамдай сўради:

— Қайси театрға кетганлигини билмайсизми?

Оқсоч киз Керрининг қайси театрға кетганлигидан буткул беҳабар бўлса ҳам, Герствудни жини суймай юрганидан бирор нарса билан таъбини хира қилгиси келди.

— Биламан, Гуллининг театрига, — деб жавоб берди у.

— Миннатдорман, — майхона хизматчиси шляпасига қўл теккизгандай бўлиб, шундай деди-да, нари кетди.

«Гуллининг театрига кириб ўтаман» — у шундай деб ахд қилган бўлса ҳам, ниятини амалга оширмади.

Герствуд марказга кетаётиб, ҳаммасини яхшилаб ўйларкан театрға киришдан маъни йўқ, деган хулосага келди. У Керрини ҳар қанча кўргиси келмасин, унинг театрда ёлғиз ўзи бўлмаслигини ва у ерга илтижо ила кирмоқ бемаъни иш эканлигини фаҳмларди. Яхшиси нича, айтайлик эрталабгача кутиш керак. Бироқ эрталаб, хотинининг адвокатларига муомала қилиш масаласини ҳам ҳал қилиши керак.

Бу фикр Герствуд бошидан совуқ сув қуйгандай таъсир қилди. Уни яна аввали ваҳималар босганидан майхонага етиб олгач, бир оз бўлса ҳам ғам-андухни унутишга қарор қилди. Залга ҳам анча-мунча улфатлар тўпланиб қолиб, ҳамма ёқни ғовур-ғувур босганди. Майхона ичкарироғидаги айлана стол атрофида бир гуруҳ вилоят сиёсатдонлари ўтириб олишиб, нималар хусусидадир кенгашишарди. Башанг кийинган бир неча йигитлар театрға кечикиброқ боришдан олдин пештахта олдида маишат қилишарди. Олифатгарчиликни ўрнига қўёлмай кийинган, бошида эскироқ узун цилиндри бўлган бурни қизил жентльмен стаканидан эль шимиради. Герствуд йўл-йўлакай танишларига бош ирғаб, кабинетига ўтиб кетди.

Соат ўнлар атрофида майхонага пойгалар ва умуман спорт шайдоси шу ерлик Фрэнк Тэйнтон деган киши кириб келди-да, Герствуднинг олдида ҳеч ким йўқлигини кўриб, унинг кабинетига бош суқди.

— Яхшимисиз, Жорж! — деб сўрашди у бошқарувчи билан.

— Аҳволларингиз яхшими, Фрэнк? — деди Герствуд ошнасини кўрганидан кейин сал енгил тортиб. — Ўтиринг! — У стулга ишора қилди.

— Сизга нима бўлди, Жорж? — сўради Тэйнтор. — Бугун негадир машқингиз паст кўринади! Пойгада юткнзиб қўймадингизми ишқилиб?

— Йўғ-е, сал мазам қочиб турибди, холос. Пича шамоллаган бўлсам керак.

— Виски ичинг, Жорж! — маслахат берди Тэйнтор. — Бунинг ажойиб шифо эканлигини ўзингиз билишингиз керак-ку!

Герствуд бунга жавобан мийғида кулиб қўя қолди.

Улар кабинетда гурунглашиб ўтирганларида майхонага Герствуднинг яна бир неча танишлари кириб келишди, соат ўн бир бўлиб, театрларда томоша тугагач, актёрлар йиғилиша бошлади, улар орасида бир неча машҳур зотлар ҳам бор эди.

Ана шундан кейин Америка майхоналари ва ресторанларида расм бўлиб қолган бемаза гурунглрдан яна бири бошланди. Майхона ва ресторанларда ҳар бир одам мумтозлар даврасига киришга, унга мансуб кишилар атрофида уймалашншга уринади. Гарчи Герствудда ана шундай заифлик бўлса ҳам, у ўзини «машҳур кишилар» даврасига урарди. Ўзини ҳам улар қаторида кўрарди-да. Ўзига яраша димоғи бўлганидан ҳар кимга ҳам эгилиб-букилавермас, ўзини унча қадрламайдиганлар тўдасига тушиб қолганида нарироқда ўтиришга ҳаракат қиларди. Бугун эса у жентльменмисан жентльмендай бировга сўз бермаса бўларди, номдор одамлар уни дўстларидай ўзларига тенг кўраётганларидан терисига сиғмасди. Худди мана шундай пайтларда у бир стаканни ортиқ отиб ҳам юбораверарди. Майхонага жамиятнинг гуллари йиғилиб қолгудек бўлса, Герствуд улар билан бемалол улфатчилик қилар, навбат ўзига келганда худди бошқалардай дори буюриб, пулини тўлаб турарди.

Герствуд ҳозиргидай кишилар даврасига тушиб қолган пайтларида гоҳо андак кайф ҳам қилар, бунда тўғрироғи, аъзойи бадани яйраб, жуда ҳузур қиларди. Мана ҳозир ҳам даврада маишат қилаётган таниқли одамларнинг суҳбати кизиб борарди. Герствуд бу оқшом ҳам жуда ҳаяжонда эканлигига қарамай, хурсанд бўлганидан ҳамма ваҳима ва хавотирликларини вақтинча бир чеккага йиғиштириб қўйиб, бажону дил улфатларга қўшилди.

Орадан кўп ўтмай улфатларнинг бари ширакайф

бўлишди. Латифалар кетма-кет айтилиб турди. Одамнинг ҳеч қачон меъдасига тегмайдиган бундай қизиқ-қизиқ воқеалар бунақа шароитда америкаликлар гурун-гининг асосий мавзуи бўлади.

Мана ниҳоят соат ўн иккига занг уриб, майхона ёпиладиган вақт бўлгач, мехмонлар Герствуд билан хайрмаъзур қилиша бошлашди. Герствуд ҳар бир улфатининг қўлини самимият билан сиқарди. Ўзини жисмонан жуда ҳам яхши сезарди. У калла яхши ишлайдиган, аммо бир хаёл билан чалғиб кетадиган ҳолатда эди. Энди унга барча ваҳималари унчалик эмасдай кўринарди. У кабинетига кириб, буфетчилар билан кассир кетишини кутиб, ҳисоб-китоб қоғозларини кўздан кечира бошлади. Орадан кўп ўтмай, ҳамма тарқаб кетди.

Бошқарувчи хизматчилар кетгандан кейин майхона-ни кўздан кечириб чиқиши керак эди. Бу унга одат бўлиб қолганди. Герствуд кетишидан олдин ҳамма ёқ қулфланганмикин деб текшириб чиқарди. Банк ёпилгандан кейин, йиғилиб қолган тушум пулини ҳисобга олмаганда, одатда, кассада пул қолмас, кассир ўша озгина пулни ҳам сейфга солиб кетарди. Қулфнинг очилиш сирини у билан майхонанинг эгалари билишарди, ҳолос. Бунинг устига Герствуд ҳар кеча уйига кетишидан олдин сейфнинг тортмалари ва эшиклари яхшилаб ёпилган-ёпилмаганини кўздан кечирарди. Шундан кейин ўзининг мўъжазгина идорачасини ёпиб, сейф олдидаги лампочкани ёкиб қўярди-да, уйига жўнарди.

Герствуд шунча йилдан бери ишлаб, бирорта нарсани бетартиб ҳолда кўрмаганди. Бугун эса столицининг тортмаларини қулфлаб, сейфга яқинлашиб, эшикчасини тортиб кўрганди, у енгил кўчиб очила қолди. Герствуд хайрон бўлди. Ичкарасига қараса пул бор. Шунда дастлаб хаёлига сейфнинг тортмаларини кўздан кечириб, эшигини ёпиб қўйиш фикри келди.

«Эртага кассирга танбех бериб қўйишга тўғри келди», — деб жазм қилди у.

Кассир эса бундан ярим соат олдин майхонадан кетар олдида сейфни қулфлаганида эшигини ёпдим, деб ўйлаган бўлса ажаб эмас. У шу чокқача бунақа палапартиш иш қилмаганди. Бугун эса кассирнинг ташвишлари кўпайиб кетганидан боши ганғиб қолганди. У хусусий дўкон очиш режасини тузиб юрарди.

«Ичида нима борлигини кўриш керак», — деб ўйлади Герствуд тортмалардан бирини ўзига суриб.

Нега ўша ёкка қарашни истаб қолганлигини унинг ўзи ҳам билмасди. Бошқа пайтда бутунлай ғайририхтиёр равишда бўлган бу ишни қилмаслиги ҳам мумкин эди.

У тортмани очиши биланоқ кўзи банкада бериладигандай минг доллардан қилиб дасталаб қўйилган пулларга тушди. Герствуд уларнинг қанчалигини дарҳол чама-дай олмаган бўлса ҳам, синчиклаб қараб турарди. Кейин иккинчи тортмани очди, унда кундузги тушум пуллар бор эди.

«Фицжеральд билан Мой шунча пулни қолдиришади деб сира ҳам ўйламовдим! — Герствуднинг хаёлидан шу нарсаялт этиб ўтди. — Менимча, бу эсларидан чиққан бўлса керак.»

У тортмадаги пуллардан кўзини узолмай қолди.

«Қани, бир санаб кўр-чи!» — қандайдир бир овоз қулоғига шивирлади.

Герствуд қўлини тортмага юбориб, пулнинг барини кўтариб кўрди. Панжаларини ёйган эди, дасталар бирин-кетин тушиб кетди. Улар эллик ва юз долларлик пуллардан дасталанганди. У ўнтача дагани санади.

«Нега буларни сейфга солиб қулфламаяпман-а? — Герствуд ичида ўзидан сўради. — Нимага бу ерда турибман?»

Бунга жавобан ички нидо унга шивирлади:

«Сенинг қўлингда нақ ўн минг доллар бўлганми ўзи?»

Майхона бошқарувчиси чиндан ҳам ҳеч қачон қўлида бунча кўп пул бўлмаганлигини эслади. Ўзининг мулкини жуда секин йиққан, бунга кўп йил кетган, ҳозир эса хотини ҳаммасига эга бўлиб олганди. Ҳаммаси бўлиб қирқ минг доллардан ортиқроқ давлати бор, бироқ ҳаммаси хотинининг қўлига ўтиши керак.

Герствуд бу хаёлларидан хижолат тортди. У тортмани жойига итариб, эшигини ёпса ҳам, шайтон васвасасини барҳам берса бўладиган тутқични ҳамон тутиб турарди.

Герствуд ҳамон имилларди. У ниҳоят деразага яқин келиб, пардани туширди. Кейин бундан олдин ўзи ёпган эшикни санаб кўрди.

Унинг бирдан бадгумон бўлиб қолганлигини нима билан изоҳласа бўлади? Нега у унсиз ҳаракат қилишга уриняпти? Герствуд пештахтага яқинлашиб, тирсагини тираб ўйлаб қолди. Кейин яна идорасининг эшигини очиб,

чирокни ёқди. Столини очиб, ёнига ўтираркан, хаёлидан ғалати нарсалар ўтаверди.

«Сейф очик! — бояги овоз унга ҳамон шивирларди. — Салгина тиркиши бор. Қулфи хали жойига тушмаган.»

Герствуд хилма-хил хаёллар гирдобида қолганидан боши айланиб кетди. Кечаги куннинг бири-биридан чигал қутулиш имкони туғилди, деган ўй эса унга ҳеч тинчлик бермасди. Бунча пул билан ҳамма ишни тўғриласа бўлади. О, кани энди бу пуллари Керри унинг ихтиёрида бўлса!

Герствуд ўрнидан турди-да, оёғининг тагига қараганича жойида қотиб қолди.

«Хўш, нимага имиллайсан?» — деб сўради ундан ички нидо.

Майхона бошқарувчиси унга жавоб бериш ўрнига қўлини кўтариб, қулоғининг орқасини ўйчан холда кашлаб қўйди.

Герствуд каллани йигитлардан бўлгани учун, ўзини кўр-кўрона ғалвали ишларга уравермасди. Бироқ ҳозир эса жуда ҳам ғалати ахволда қолганди. Унинг қонида хали ҳам ичкилик жўш урарди. У миясига тепиб, ҳамма нарсани кўзига жуда ҳам бошқача кўрсатарди. Кайф ана шу ўн минг долларга қўлини бемалол етадиган қилиб қўйганди. Пул қўлга киргандан кейин муваффақият қилити ҳам ўзида бўлади-да! У Керрини қўлга ололади. Ҳозир чўнтагида адвокат билан суҳбатга келиши билдирилган хат бор. Энди адвокатлар билан ҳам судралишишига тўғри келади. Герствуд сейф ёнига қайтиб, думалок тутқични ушлади. Кейин эшикни ланг очиб, пул турган тортмани бутунлай суғуриб олди.

Даста-даста пуллар олдида турганида уларни яна сейфга солиб қўйиш кўзига ғирт бемаъниликдай кўринди. Бу, албатта, бемаънилик-да! Ахир бу пулларга Керри билан кўп йиллар бемалол яшаса бўлади-ку.

Ё тавба! Бу нимаси? Герствуд гўё кимнингдир мустахкам қўли елкасига тушганини сезгандай жуда ҳам хушёр тортиб кетди. Кейин қўрка-инса теварагига аламлилади. Ҳеч ким йўқ! Тиқ этган овоз эшитилмайди. Факатгина кимдир оёғини таниллатиб йўлкадан кетиб борарди. Герствуд пул турган тортмаши олиб, сейфга солди. Кейин яна эшигини ёпди.

Азму қарорда мустахкам одам ўзидан берироқ кишининг бурч билан истак орасида гангиб қолиб, қийнали-

инини тушуниши мушкул бўлади. Кўзга кўринмас соатнинг дахшатли равишда аниқ «Қил!» -- «Қилма!» деб уриб турганини ҳеч қачон эшитмаган одам бундай кишилар устида ҳукм юргиза олмайди. Ўта сезгир ва нозик бўлмаган кишиларнинг қалбида ҳам ана шундай руҳий олишув бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Одамзоднинг энг териси қалин бўлган вакили ҳам истаги жиноятга ундаётган бундай дақиқада виждонининг садосини эшитади, наинки бу садо жиддий жиноятдан ҳам баландроқ келади. Айтгандай, бу ҳар маҳал ҳам қилмишнинг беҳаёлигини англаш билан изоҳланавермайди, чунки махлуқни ёмонликдан беихтиёр равишда тутиб қоладиган нарса мутлақо бу эмас. Одамлар ҳам аввало инстинктга, сўнгра ақл айтганига қараб иш қиладилар. Фақат инстинктгина жиноятчини қўлидан тутиб қолади, фақат угина (одамнинг эс-ҳуши жойида бўлмаган ҳолларда) жиноятчи хавфга, ёмон ишга кўндаланг бўлганда юрагига кўрқув, гулгула солади.

Герствуд пулли тортмани жойинга қўйиши биланок аввалги қатъияти билан дадиллиги яна ўзига қайтди. Уни ҳеч ким кўрмади, ёлғиз ўзи. Бундан бир дақиқа аввал ишма пиятда эканлигини ҳеч ким айтиб бера олмайди. У энди ҳаммасини яхшилаб ақл тарозусига солиб кўрса бўларди.

Герствуд ҳали ҳам кайф чангалида эди. Пенонасига совуқ тер чиқиб, қўллари ҳозиргина юрагидан ўрмалаб ўтган қандайдир кўрқувдан титраса ҳам, ичкилик ҳамон кучини кўрсатарди. У вақт ўтаётганини сезмасди ҳисоби. Ўзининг қай аҳволда қолганини қайта-қайта ўйлаб кўрди. Шунда кўзига бир тўда пул кўришиб, хаёлидан у билан нималар қилиши мумкинлиги ҳадеб ўтаверди.

Герствуд ўзининг кабинетига бормокчи бўлдию, бироқ кейин эшикка, сўнгра эса сейфга яқин келди. Бармоқлари ихтиёрсиз равишда тутқичга бориб қолувди, сейфнинг эшиги яна очилди. Мана ўша пуллар! Тўғриси айтганда, уларга қараса қарабди-да, бунинг ҳеч ёмон жойи йўқ-ку!

У сейфнинг тортмасини очиб, дасталанган пулларни кўра бошлади. Улар яхшилаб дасталанганидан олиб келини оша-осон эди! Уларнинг жуда ҳам кам жой олишини қаранг-а! Герствуд тўсатдан уларни олишга қарор қилди. Ха, ха, олади! Чўнтагига жойлайди. Бироқ шу захотиёқ буларнинг бари чўнтақларига сиғмаслигини сезди. Шунда кабинетига мўъжазгина саквояжи борлиги

эсига келди. Пуллар унга бемалол жойланади. Саквояжи борлиги жуда ҳам соз бўлди-да! Пуллар унга бемалол сивади, ҳеч ким буни кўрмайди ҳам.

Герствуд кабинетига ўтди-да, бурчакдаги жавондан саквояжини олди. Уни столига қўйиб, эшикдан чиқиб, сейфга яқинлашди. Ўзи ҳам билмайдиган қандайдир сабабга кўра у пулни майхонанинг катта хонасида саквояжга солишни истамасди.

Герствуд олдини пулларни ўзининг кабинетига олиб ўтди, кейин озгина тушум пулини ҳам ташиди. Ҳа, у барини олади! Кейин бўш тортмаларни сейфга солиб, темир эшикни деярли ёпиб, ўйчан тўхтаб қолди.

Инсон ақлининг бундай ҳолларда ҳамма ёққа бориб келишини мантиқий изоҳлаш мушкул. Герствуд қатъий ҳаракат қилишга ўзини мажбур қила олмасди. У тинимсиз равишда бу хусусда ўйлашни, фикр қилишни ва қандай қилсам яхшироқ чиқаркин деб мулоҳаза юритишни истарди. Керрига бениҳоя талпинаётганидан шахсий ишлари ҳам чувалашиб, пулни олиш фикри ҳадеб хаёлига келаверарди. Шундай бўлса-да, у ҳар қалай иккиланиб турарди. Бунинг охири нима бўлишини билса ҳам, интиқом они қачон етишини башорат қилолмасди. Бундай иш номардлик экапини хаёлига ҳам келтирмасди. Бунақа фикр ҳеч қачон, ҳар қандай вазиятда ҳам Герствуднинг хаёлига келмаган бўлур эди.

Герствуд ҳамма пулларни саквояжга жойлаб бўлгач, қилган ишидан ўзи нафратланиб кетди. Йўқ, у бу ишни қилмайди! Мутлақо қилмайди. Бу қанақа ғалва қўзғашини ўйлаб кўринг-а! Полиция бўлса дарҳол изидан тушади! У бўлса қочиши керак, бироқ қайга? О, адолат судидан қочиш — қандай даҳшат!

Герствуд яна сейфнинг иккала тортмасини очиб, саквояждаги пулларни тезда олиб солди. У азбаройи хаяжонланиб кетганидан тортмаларни адаштириб юборди. Сейфнинг эшигини энди ёпмоқчи бўлиб турганида, пулни илгаригисидай қўймаганини эслаб, сейфни яна очди. Ҳа, тортмаларни адаштириб юборган экан, албатта.

Герствуд тортмаларни яна бўшатиб, ҳаммасини жой-жойига қўйиш учун овора бўлиб турганида қўрқуви тарқалди кетди. Нимадан ҳам қўрқади ўзи?

Пулларни кўлида ушлаб турган пайтида кулф бирдан ширқ этганини эшитиб қолди. Сейфнинг эшиги ёпилиб қолибди! Наҳотки буни ўзи ёпган бўлса?.. Герствуд дарҳол тутқични бураб, эшикни бор кучи билан торта бош-

лади. Сейф кулф эди! Ё тангри! Энди у кўлга тушди. Вассалом!

Герствуд сейф буткул кулфланиб қолганлигини фахмлагани ҳамон пешанасига совуқ тер чикиб, аъзойи бадани қалтираб кетди. Шунда теварак-атрофига аланглаб тезда бир қарорга келди. Энди имиллаб ўтирмаслик зарур.

«Мабодо пулни сейфга солиб кетсам ҳам, буни мен қилганимни ҳамма фахмлайди, — деб ўйларди Герствуд. — Ахир бу ердан ҳаммадан кейин мен чикиб кетаман-да. Бундан ташқари пулни ўз холига ташлаб кетса хар нима бўлиши ҳам мумкин-да!»

У зумда ўзини кўлга олди.

«Хўш, энди қутулиш керак!» — деб ўйлади у.

Герствуд шоша-пиша ўзининг кабинетига кириб, илгакдан ёзги пальтоси билан шляпасини олиб, столнинг эшикларини беркитди-да, саквожини кўлига олди. Кейин чироқларни ўчириб, битта лампочканигина қолдирди, сўнгра ташқари эшикни очди. У ўзини илгаригидай дадил тутишга уринса ҳам, бу асло кўлидан келмасди! Энди қилмишидан пушаймон ҳам қила бошлаганди.

— Буни яхшиси қилмасам бўларкан! — деб шивирлаб қўйди у. — Бу ёмон иш бўлди!

У кўчага чиққанидан кейин башараси яхши таниш бўлган ва эшикларни кўздан кечириб юрган тунги қоровулга таъзим қилиб хайрлашди-да, шалдам кетаверди. Энди шаҳардан иложи борича тезроқ даф бўлиш зарур!

«Биринчи галда ҳозир қандай поездлар борлигини билиш керак», — деб ўйлади у.

Герствуд соатини чиқариб қаради. Вакт бир ярим атрофида эди.

У деразадан телефон будкасини кўриб, яқинроқдаги аптека олдида тўхтади. Бу таниқли аптека бўлиб, унда кўпчилик фойдаланадиган дастлабки телефон будкаларидан бири бор эди.

— Телефон қилиб олсам майлими? — деди у навбатчи фармацевтга.

У розиман дегандай бош ирғади.

— Ўн олти қирқ уч, — деб илтимос қилди Герствуд абонентлар китобидан Мичиган-Сентрал вокзалини топиб.

Кўп ўтмай унга кассирнинг телефонини улашди.

— Дейгротга поезд қачон кетади? — деб сўради ундан Герствуд.

Кассир унга поездларни бирма-бир айта бошлади.

— Демак, бугун поезд бўлмас экан-да? — Герствуд унинг гапиди бўлди.

— Ухлаб кетиладиган вагонли поездлар йўқ, — кассир шундай деса ҳам ўша захоти кўшимча қилди: — Дарвоқе, бор: эрталаб соат учда почта поезди кетади.

— Жуда соз! — деди Герствуд. — Бу поезд Дейтротга қачон боради?

«Дейтротгача етиб олсам бўлгани, — дерди у ичида, — дарёдан Канадага ўтаман-да, у ёнига Монреалгача бемалол кетавераман!» У шунинг учун ҳам поезд Дейтротга тушга яқин боришини эшитиб, енгил нафас олди.

«Кассир сейфни тўққиздан олдин очмайди, — лип этиб ўтди Герствуднинг хаёлидан. — Шундай қилиб, тушгача изимга тушиша олмайди!»

Шундан кейин Керрини эслади, агар бирга олиб кетишни истаса, яшин тезлигида ҳаракат қилиши керак. У нимаики бўлса ҳам бирга кетиши даркор!

Герствуд яқинроқда турган кэбга ташланди.

— Огден-скверга! — деб қичқирди у. — Агар тезроқ етказсанг, бир доллар чойчака оласан!

Аравакаш отга қамчи босганди, у лўкиллаб ҳар қалай илдамлади. Герствуд йўлда у ёнига нима қилиш кераклигини ўйларди. Керри турган уйга етганларида у зинадан югургилаб чиқди-да, кўнғирокни қаттиқ чалиб, оксоч қизни оёққа турғизди.

— Миссис Друэ уйдаими? — деб сўради ундан.

— Ҳа, уйда, — жавоб берди ҳайратда қолган оксоч қиз.

— Унга айтинг, тезроқ кийинсин-да, бу ёққа тушин. Эрига бир фалокат бўлибди. У касалхонада ётибди, хонимни кўрсам, деяпти.

Қиз топшириқни бажаргани юқорига отилди. Герствуднинг ҳаяжонли турки ва гапириш оҳангидан тўғри гапирётганига ишонганди.

— Нима? — хитоб қилди Керри чироқни ёқиб, кўйлагига қўл чўзаркан.

— Мистер Друэ фалокатга йўлиқибди. У касалхонада ётганмиш, сизни кўрмоқчимиз, — оксоч қиз гапиди такрорлади. — Пастда кэб кутиб турибди.

Керри аниқ-таниқ кийиниб, пастга чоғди. У ҳозирги дамда оксоч қизнинг айтганларини ўйларди, холос.

— Друэ майиб бўлибди, — деди Герствуд уни кўриб. — У сизни кўрсам деяпти. Тезроқ юрайлик!

Керри азбаройи хавотирда бўлганидан ҳаммасига чип-на-чин ишона қолди.

— Ўтиринг! — деди Герствуд.

Аравакани отни қайтара бошлади.

— Мичиган-Сентрал вокзалига! — деди Герствуд ўрнидан салгина туриб. У секин гапирганидан Керри гапини ошита олмади. — Жон борича ҳайданг!

XXVIII б о б

КЎЧГАН ВА ҚОЧҚИН БЎЛГАН ОДАМ. АСИР ОЛИНГАН РУХ

Кэб бир неча уйнинг ёнидан ўтишга улгургандагина яхшилаб ўтириб олган Керри тунги совуқ хаво таъсирида расмана ўзига келиб сўради:

— Унга нима бўлди ўзи? Қаттиқ майиб бўлганми?

— Йўқ, унчалик эмас, — Герствуд ковоғини очмай жавоб берди.

Герствуд вужудга келган вазиятдан анча-мунча ваҳимага тушгани ва эндиликда Керри билан бирга бўлганидан фақат қонуннинг мустахкам панжаларидан тезроқ узокроққа кетишни ўйларди, холос. Гаплашишга асло тоби йўқлигидан кўнглидаги режасини амалга ошириш учун зарур бўлган нарсаларнигина тилга оларди.

Керри Герствуд билан муносабатида битта ечилмаган масала қолганини асло унутмаган бўлса ҳам, оний ҳаяжон таъсирида буни кейинга суриб қўйганди. Ҳозир битта нарса муҳим, у ҳам бўлса тезроқ кўзланган манзилга етиб олиш.

— У қаерда ётибди?

— Анча олисда, Жанубий тарафда, — Герствуд жумал жавоб берди. — У ерга поездда боришимизга тўғри келади. Ўшанда тезроқ етамиз.

Керри миқ этмади.

От илдамроқ лўкиллай кетди.

Тунги шаҳарнинг мубҳам манзараси Керрининг хаёлини банд этиб қўйганди. У орқада қолаётган, қатор тизилган чироқларга қарар, унсиз қорайиб турган уйлarga тикиларди.

— Унга нима бўлган ўзи? — деб сўради у орадан бир оз ўтгач, Друэ қанақа майиб бўлганлигини билмоқчи бўлиб.

Герствуд унинг муддаосига тушунди. У умуман ёлғон гапиришни истамаса-да, айни пайтда хатардан қутулиб кетадиган дақиқагача ҳеч қанақа изох бермасликка жазм этганди.

— Мен ашиғини билмайман, — деб жавоб берди у. — Менга кўнғироқ қилиб, тезда сизга боришни илтимос қилишди. Хавотирли жойи йўқ дейишди, аммо мен сизни тезда етказишим керак.

Герствуд жиддий қилиб гапирганидан Керри ишонди-да, яна чуқур ўйга ботиб жим қолди.

Герствуд соатига қараб, аравакашни шонирди. У ахволи чатоклигига қарамасдан, ниҳоят даражада совуққон кўринарди. Фақат поездга илиниб, шаҳардан бемалол чиқиб кетишни ўйларди, холос. Керри гапидан чиқмаётганидан Герствуд ўзини аллақачон муваффақият билан табриклаб қўйганди.

Улар ниҳоят вокзалга етиб келишди. Герствуд аравакашнинг қўлига беш доллар кистирди-да, Керрини тушириб қўйиб, биргаликда олдинга шошилди.

— Шу ерда ўтириб туринг, — деди у Керрини кутиш залига олиб келиб. — Мен билетга бориб келаман.

— Поезд Детройтга кетишига қанча бор? — деб сўради у вокзал навбатчисидан.

— Тўрт минут, — деган жавоб бўлди.

Герствуд иккита билетга пул тўлади-да, иложи бори-ча одамларнинг эътиборини ўзига тортмасликка интилди.

— Узокка борамизми? — деб сўради Керри Герствуд харсиллаб қайтиб келганида.

— Йўқ, унчамас, — деб жавоб берди у. — Бироқ биз тезроқ жой олишимиз керак.

Улар перронга чиқадиган жойга келганларида Герствуд Керрини олдинга ўтказиб ўзи у билан билетларни текшираётган контролёرنинг ўртасига туриб олганидан контролёр икковларини кўра олмади. Шундан кейин яна илгарига ошиқинди.

Платформада юк ва йўловчи ташийдиган вагонлар қатор турарди. Йўловчи ташийдиган вагонларнинг охирида оддийгина иккита кундузги вагон бор эди. Бу поезд яқиндан бери қатнай бошлаганидан йўл маъмурияти йўловчилар кўпайишига умид қилмаган, шунинг учун ҳам бутун бир бошли поездга бор-йўғи иккита кондуктор эди.

Герствуд билан Керри кундузги вагонлардан бирига

кириб, жойларини эгаллашди. Ўша заҳоти платформадан:

- Тайёр! ... деган овоз янграб, поезд йўлга тушди.

Керрига негадир вокзалга келиб овора бўлиб юришлари пича галати туюлса ҳам, финг демади. Бу нарсаларнинг бари одатдаги меъёрдан чиқиб кетаётган бўлса ҳам, ўзини ташвишга солаётган майда-чуйдаларга парво қилмасликка уринарди.

- Хўш, кайфиятлар қалай? — деб сўради Герствуд бемалолроқ нафас олиб.

... Жуда яхши, ... Керри киска жавоб берди.

Керри қаттиқ хавотирда бўлганидан Герствудга қанақа муомала қилишни ҳам билмасди. Юрагини ваҳм босганидан, фақат бир нарсани — тезроқ Друэнинг ёнига бориб, унга нима бўлганлигини билишни истарди, холос. Герствуд бўлса унга қараб, кўнглидан нималар кечаётганини билиб борарди. Керри ҳозирги дамда Друэ хусусида нималар ўйлаётгани Герствудни сира ҳам қизиқтирмасди. Бу табиий бўлиб, Керрининг кўнгилчанлигидан шундай қилаётганди. Герствудга эса Керри табиатидаги худди ана шу хусусият хуш келарди. У фақат Керрига бир оздан кейин изоҳ беришга тўғри келишдангина хижил бўларди. Бироқ ҳозирги дамда асосий нарса бу эмасди. У қилган жинояти ва ана шу қочоқликдан кўпроқ эзиларди.

«Бу нақадар бемаънилик, нақадар бемаънилик! — дерди ўзига ўзи ҳадеб. — Ёмон хато қилдим-а!»

Герствуд энди соғлом фикр юритаётганидан бу ишни лозим кўрганига ҳеч ақли бовар қилмасди. Ҳозирда адолат судидан қочиб юрган қочкин экалиги ҳали ҳам ақлига сиғмасди. У баъзи бирларнинг ана шундай қилмишлари хусусида кўп марта ўқиган бўлса ҳам, ўша пайтларда бундай аҳволда қолиш жуда даҳшатли бўлса керак, деган ҳаёлларга борганди. Энди бўлса ўзи ҳам ана шунга ўхшаш аҳволга тушиб қолганидан тинчгина ўтириб, рўй берган нарсани хаёлига олишдан бўлак чораси йўқ эди. Унинг келажакдаги умри Канада чегараси билан чамбарчас боғлиқ бўлганидан тезроқ ўшанга етиб олишга шошиларди. Бошқа нарсалар хусусида ўйлаганида эса қилган ишини катта аҳмоқликдан бошқа нарсага йўймасди.

«Ахир бундан бошқа иложим йўқ эди-да?» — дерди у ўзига ўзи.

Герствуд, ўтган ишга салавот, деган қарорга келиб, бўлиб ўтган воқеаларни яна кўз ўнгига келтира бошла-

ди. Бундай самарасиз хаёл суришлар ва ўй ўйлашар оқибатида у Керри билан гаплашишга яхшигина хозирлик кўра олмади.

Чигал изларни ёриб, гумбурлаб кетаётган поезд бир оз кўл ёкалаб юрди-да, Йигирма тўртинчи кўчага кирди. Деразадан сигнал вишкалари ва стрелкалар лип-лип ўтарди. Паровоз огоҳлантириб қисқа чинкирар, қўнғироғи¹ ҳам тез-тез даранглаб қўярди.

Вагондан чироқ кўтарган проводниклар ўтишди. Улар олис йўлга тадорик кўриб, майдончаларнинг эшикларини маҳкамлашарди.

Орадан кўп ўтмай поезднинг юриши тезлашиб, Керрининг кўз ўнгидан унсиз кўчалар кетма-кет ўта бошлади. Паровоз хавфли чоррахаларга яқин қолаётганидан огоҳлантириб, тез-тез сигнал бера бошлади.

— Узоқми ҳали? — Керри яна сўради.

— Йўк, унчамас, — жавоб берди Герствуд.

У ҳамроҳининг соддалигини ўйлаганида кулгидан ўзини базўр тўхтатиб қолди. У бор гапни Керрига тезроқ тушунтириб, ярашиб олишни истаса ҳам, айни пайтда Чикагодан нарироқ кетиб олиш зарур эди.

Орадан яна ярим соат ўтганидан кейин Керри Герствуд уни қаёққадир олис ерга олиб кетаётганини фахмлай бошлади.

— Ўша жой қаерда — Чикагодами? — Керри жуда ваҳимада сўради.

Поезд аллақачон шаҳар ташқарисига чикиб олиб, эндиликда Индиана штати далалари бўйлаб учарди.

— Йўк, Чикагода эмас, — жавоб берди Герствуд.

Герствуд овозининг охангидан нимадир Керрини зумда ҳушёр торттирди. У чиройли пешанасини тириштириб сўради:

— Ахир Чарлининг ёнига кетмаяпсизми?

Герствуд ҳал қилувчи фурсат етганини пайкади. У эртами-кечми Керрига барибир ҳаммасини тушунтириши керак. Шунинг учун ҳам Керрига мулойимгина бокиб, бошини салгина чайқаб қўйди.

— Нима?! — Керри бақириб юборди.

У ўзи ўйлаганидан бошқа томонга кетаётганларини пайкаб қолганидан юраги ёрилаёзди.

Герствуд бўлса чурқ этмай унга мулойимлик билан илтижоли бокиб турарди.

¹ Америка паровозларида поезд юганида чалинадиган қўнғирок бўлади.

— Бўлмаса мени қаёққа олиб кетярсиз? — деб сўради Керри. Унинг овозидан кўрқаётганлиги сезилиб турарди.

— Керри, агар тинчгина ўтирсангиз айтиб бераман. Мен сизни бошқа шаҳарга олиб кетмоқчиман.

— О! — деб юборди Керри. — Мени тинч кўйинг! Сиз билан кетишни истамайман!

У Герствуднинг сурбетлигидан лол эди. Негаки, бунақа бўлади, деб сира ҳам ўйламаганди-да. Энди у бир нарсанигина ўйлар, у ҳам бўлса қочиш, тезроқ қочиш эди! Мабодо учиб бораётган поездни тўхтатиш мумкин бўлганида борми, у ана шу шум ниятни бутунлай барбод қилган бўларди.

Керри ўрnidан кўзғалиб, коридорга қараб юрмоқчи бўлди. У нимадир қилиш кераклигини сезиб турарди. Шунда Герствуд секингина унинг қўлидан ушлади.

— Тинчгина ўтираверинг, Керри, — деди у. — Тинчгина ўтираверинг! Шошиладиган жойингиз йўқ. Гапимга қулоқ солинг, сизга ниятимни тушунтириб бераман. Бир дақиқа сабр қилинг!

Керри хали ҳам унинг ёнидан ўтиб кетишга уринса-да, Герствуд салгина оркага тортувди, жойига ўтира қолди. Бу арзимас галвани ҳеч ким сезмади, негаки, вагонда йўловчилар камчил бўлиб, улар ҳам мудраб кетишарди.

— Хоҳламайман! — Керри ҳамон бўйсунитишни истамай тихирлик қиларди. — Мени тинч кўйинг! — деб хитоб қилди у. — Нима хакингиз бор!

Унинг кўзларида ёш халқаланди.

Герствуд шундан кейингина қандай машаққатга дучор бўлганлигини тўла англаб, ўзини ҳам, қандай аҳволда қолганлигини ҳам ўйламай кўйди. Энди тезда бунинг олдини олмаса бўлмайди, акс ҳолда, Керри унинг бошига кўч савдолар солишни мумкин. Шу ваддан булбули кўёликка ўтди.

Менга қаранг, Керри, — деб гап бошлади у, сиз бунақа қилсангиз бўлмайди. Мен сизни сира ҳам хўрламоқчи эмасман. Қўнглингизга ёқмайдиган биронта ҳам ншга қўл урмайман.

О! — Керри хўнграб юборди. — О! О!

— Бўлди, бас қилинг, — Герствуд уни овутишга тунди. — Йиғлаш керак эмас. Нега менинг гапимга қулоқ солмаярсиз? Нимага бундай қилишга мажбур бўлганлигимни сизга айтиб бераман. Бошқа иложи йўқ

эди. Ўлай агар! Нега гапимга кулоқ солишни истамаяпсиз? — у қайта-қайта гапирарди.

Герствуд Керрининг хик-хик қилишларидан ваҳимага тушди. У, Керри биронта ҳам сўзимни эшитмаётган бўлса керак, деб ўйлаганди...

— Нега гапимни эшитишни истамаяпсиз?

— Истамайман! — Керри тутоқиб кетди. — Бу ердан мени чиқариб юборинг, бўлмаса кондукторни чақираман! Сиз билан кетишни истамайман! Уят сизга!

У яна кўрқиб хўнграб юборганидан, бошқа гапиролмай қолди.

Герствуд унинг гапларига кулоқ соларкан хайрон бўларди. У Керрининг ҳар қанча тутоқишга ҳақи борлигини жуда яхши билиб турса ҳам, ҳар қалай бу ишни тўғрилаб юборишига ишонарди. Кондуктор ҳали замон билетларни текширгани келиб қолади. Ўшанда ҳеч қанақа галва, ҳеч қандай ишқал бўлмаслиги керак. Ниманки қилиб бўлса ҳам Керрини тинчитиш зарур.

— Поезд тўхтамагунча бу ердан чиқа олмайсиз, — деди у. — Пича сабр қилсангиз, бирорта станцияга етмиз. Хоҳласангиз ўшанда тушиб қолаверасиз. Сизни ушлаб ўтирмайман... Фақат гапимга кулоқ солишингизни илтимос қиламан. Нега бу ишни қилганимни айтишга ижозат берсангиз бас.

Керри унинг гапини эшитмаётгандай кўринарди. У деразага қараб олди, ташқарида эса тун зулмати ҳукмрон эди. Поезд тез ва равон учар: далалар ва сийрак ўрмонли жойлардан ўтиб борарди. У кимсасиз ўрмон йўлларидаги шлагбаумларга ҳар сафар яқинлашганида паровоз чўзиб ва мунгли чинқираб қўярди.

Кондуктор вагонга кириб, поезд жўнаётганда чиқиб олган иккита йўловчига билет берди-да, сўнг бошқаларнинг билетларини текшира бошлади. Герствудга яқинлашганида у иккита билетни узатди. Керри гарчи ғазабидан қайнаб турган бўлса ҳам, қимир этмади. У ҳатто бошини кўтариб қарамади ҳам.

Герствуд кондуктор кетганидан кейин енгил нафас олди.

— Сизни алдаганимга жаҳлингиз чикяптими, Керри, — деди у. — Бироқ менинг бунақа ниятим йўқ эди. Ўлай агар, бундай қилишни истамовдим. Ўзимга ўзининг кучим етмади, холос. Сизни илк бор кўрдиму, сизсиз тура олмаслигимга амин бўлдим.

Герствуд гўё бу ахамиятсиз майда гапдай сўнги қал-

люблигини мутлақо тилга олмади. У хотинининг ўзларига энди тўғаноқ бўлмаслигини тушунтиришга ошиқарди. Ўғирланган пуллар масаласига келганда эса Герствуд буларни сира ҳам ўйламасликка уринарди.

— Мен билан бунақа гаплашманг! — деди Керри. — Сиздан нафратланаман. Мени ўз ҳолимга қўйинг! Мен биринчи станциядаёқ тушиб қоламан.

У шу сўзларни айтarkan, газабидан қалтираб кетди.

— Яхши, — деди Герствуд. — Бироқ қулоқ солсангиз бас. Менга бўлган севгингиз хақида шунча сўзларни айтганингиздан кейин, гапимга қулоқ солсангиз бўларди! Мен сизга ёмонликни раво кўрмайман. Кетишга жазм қиладиган бўлсангиз уйингизга етиб олишингизга пул ҳам бераман. Мен сизга фақат бир нарса айтмоқчиман, Керри: мен ҳақимда қанақа фикрда бўлсангиз ҳам, сизни севишимни ман қила олмайсиз!

У самимий нигоҳ ташласа ҳам Керри қиё боқмади.

— Сиз мени алдади, хунук иш қилди, деб ўйлаясиз, бироқ адашяпсиз. Мен сизни алдашни истамадим. Хотиним билан орани очиқ қилдим. Уни менда энди ҳеч қанақа хақи қолмади. Бундан кейин уни қайтиб кўрмайман. Мана шунинг учун ҳам шу ердан, сиз билан биргаман. Шу ваддан сизни олиб кетдим.

— Сиз менга Чарли майиб бўлибди, дедингиз-ку! — Керри юлқиниб бақирди. — Мени яна алдадингиз. Менга ҳамма вақт ёлғон гашириб келдингиз, энди эса бирга қочишга мажбур қилмоқчисиз!

У шунақанги жиғибийрон бўлдики, ўрнидан шартта туриб, яна Герствуднинг ёнидан ўтишга чоғланди. Бироқ Герствуд бу сафар унинг қўлидан тутмади, шунда у жойига қайтиб ўтирди. Шундан кейин Герствуд ҳам жойига чўкди.

— Мени ташлаб кетманг, Керри! — деди Герствуд мулоиймгина қилиб унинг ёнига сурилиброк ўтираркан. — Ижозат берсангиз, тушунтираман. Гапимга қулоқ солсангиз, ҳаммасини тушунасиз. Яна кайтараман: хотиним билан орани бутунлай очиқ қилдим. Ундан кўнглим қолганига анча йил бўлмаганида сизга яқинлашиш йўлини изламаган бўлардим. Яқинда ажримни олмай қўймайман. У билан бошқа ҳисоб-китобим йўқ. Сиз менга азиз бўлган яккаю ягона аёлсиз. Мен билан бирга бўлсангиз бошқа бировни сира ҳам хаёлимга келтирмайман.

Керри унинг сўзларини безовта ва гангиган ҳолда тингларди. Герствуднинг бўлса шунча ишларни қилгани-

га қарамай, овози самимий чиқарди. Овози ва ҳаракатларида энди кескинлик сезилиб турганлигидан бу Керрига таъсир этмай қолмади.

Керри шундай бўлса ҳам, Герствудни кўрмасам дерди. Герствуд хотин, бола-чақали бўла туриб, уни бир марта алдади, энди эса яна алдовга ўтяди. У дахшатли одам...

Шунда ҳам Керри Герствуднинг дадиллиги ва ирода кучига тан бермай қола олмади. Бу фазилатлар эса шунча ишлар ишқ туфайли бўлаётганлигини найқаган аёлни сира ҳам мафтун қилмай қўймайди. Поезднинг тўхтовсиз равишда олдинга илгарилаб бораётганлиги ҳам бу чигал масалани ҳал қилишда анча-мунча роль ўйнади. Филдираклар жадал айлангани сари манзаралар ўзгариб, Чикаго тобора орқада қолиб борарди. Шунда Керрига қандайдир номаълум куч ўзини олдинга томон олиб кетаётгандай ва паровоз ҳеч тўхтовсиз олисдаги қайсидир шаҳарга учаётгандай туюларди. Гоҳо унинг йиғлаб, дод солгиси келар, кейин эса бу ўзига беҳудадай кўринарди. Анча олисда бўлганидан энди унга ҳеч ким бирор нарса билан ёрдам бера олмасди-да. Герствуд бўлса бу пайтда Керрига маъқул келиб, унинг раҳмини келтирадиган сўзлар билан юрагини юмшатишга ҳаракат қиларди.

— Мен шунақанги аҳволга тушиб қолдимки, бундан бошқа иложим йўқ эди, шунини тушунсангиз-чи, Керри.

Керри унинг сўзларини эшитаётганини сездирмади ҳам.

— Сизга уйланмагунимча мен билан кетмаслигингизга ишонч ҳосил қилганимдан кейин ҳаммасидан кечиб, сизни олиб кетишга жазм этдим. Мен бошқа шаҳарга кетяпман. Монреалда кўп туриш мўлжалим йўқ, ундан кейин хоҳлаган томонингизга жўнаймиз. Истасангиз Нью-Йоркка бориб, ўша ерда турамиз.

— Сизни кўришниям хохламайман, — деди Керри яна. — Мен яқинроқдаги станцияда тушаман. Бу поезд қаёққа боради?

— Детройтга.

— О! — деб юборди Керри дахшатда қолганидан чапак чалиб. Шаҳридан жуда ҳам олислашиб кетганлиги энди унинг аҳволини баттар мушкуллаштиргандай кўринарди.

— Нахотки мен билан бирга кетмасангиз? — Герствуд гўё дахшатли таҳликада қолгану Керри пинагини бузмаётгандек оҳангда гапида давом этди. — Сиз ҳеч

нарсa қилмайсиз, фақат мен билан юраверасиз. Мен бўлсам сизга мутлақо халал бермайман. Сиз Монреални ва Нью-Йоркни кўрасиз, кейин истасангиз мен билан қоласиз, йўқ, десангиз, қайтиб келасиз. Бу ҳозир, қоронғи кечада қайтишингиздан кўра яхши-ку!

Керри Герствуднинг таклифида ҳеч қанақа ишқал жой йўқлигига эндигина тушунди. У гарчи хоҳлаган ишини қилишига Герствуд йўл қўйиб беришига унчалик ишонмаса ҳам, сўзларида уни қизиқтирадиган нарсалар талайгина эди. Монреал билан Нью-Йоркни кўриш-а! Мана ҳозир ўзи ана шу ажойиб ва баҳайбат шаҳарлар томон учяпти, мабодо хўп деса борми, уларни кўради. У гарчи ўйланиб қолса ҳам, кўнглидан нималар кечаётганини билдирмасди.

Герствуд Керрининг розиликка шамасини сезгандай яна ганга зўр берди:

— Сизни деб ҳаммасидан кечдим, шуни бир ўйлаб кўринг-а! — деди у. — Мен энди Чикагога қайтолмайман. Агар мен билан кетмасангиз, умрбод сўққабош ўтиб кетаман. Мени ташлаб кетишингизга ишонмайман, Керри!

— Мен билан гаплашманг! — Керри аранг шундай деб қўйди.

Керри пича вақт жим қолди.

Унга бирдан поезд юришини секинлатаётгандек кўринди. У чиндан ҳам бирор нарсага жазм этадиган бўлса, ҳаракат қиладиган фурсат етганди. У ўрнидан қўзғалмоқчи бўлди.

— Мени ташлаб кетманг, Керри! — деди Герствуд. — Агар бирор вақт ақалли жиндай севган бўлсангиз ҳам бирга кетинг, янги ҳаёт бошлаймиз. Истаган нарсангизни муҳайё қиламан. Мен сизга уйланаман ё бўлмаса қайтариб юбораман. Шошилмасдан яхшилаб ўйланг. Сизни севмаганимда бирга олиб юришимнинг нима ҳожати бор эди? Сизсиз туropolмайман, ўлай агар, Керри! Сизсиз тура олмайман, сизсиз яшашни истамайман ҳам!

Бу одамнинг илтижосидаги қатъият ва умидсизликлар Керрининг кўнглига чуқур ўрнашиб қолди. Герствуднинг қалбида беҳад эҳтирос ўти ловилларди. У Керрини жонидан ҳам ортиқ севганидан бундай оғир дақиқада ундан айрилолмасди. Шунинг учун ҳам унинг қўлини олиб, бармоқларини ялиниб сиқди.

Поезд эҳтиёт йўлда турган вагонлар ёнидан секин ўтиб борарди. Ташқари қоронғи ва зимистон эди. Вагон

ойнасига бир неча томчи келиб урилди — ёмғир бошлаганди. Керри дам кетмоқчи бўлиб, дам иккиланиб, рухан жуда қийналарди. Поезд бутунлай тўхтаган бўлса ҳам, у ҳамон Герствуднинг илтижоларига қулоқ солиб турарди. Паровоз сал-пал орқага тисланди, сўнг ҳамма ёкка сукунат чўкди.

Керри ҳеч нима қилолмай жойида ўтирарди. Дақиқалар бирин-кетин ўтар, Керри ҳамон имиллар, Герствуд эса ялингани ялинганди.

— Хоҳласам қайтариб юборасизми? — деб сўради Керри ҳозирги дамда гўё у ҳаммасига хўжайин-у ҳамроҳи буткул ўзига қарам бўлгандай.

— Албатта! — жавоб берди Герствуд. — Сизни тутиб туришга ҳаққим йўқлигини биласиз-ку.

Керри унинг гапларига фақат шартли равишда авф этган одамдай қулоқ соларди. Унга энди бундан буёнги нарсалар ўзига боғлиқдай туюларди.

Поезд жойидан кўзғалиб, кўп ўтмай, яна уча кетди. Герствуд гапни бошқа ёкка бурди.

— Сиз жуда толиққандирсиз?

— Йўқ, — жавоб берди Керри.

— Сизга ухлаб кетадиган вагондан жой топсам майлими? — таклиф қилди Герствуд.

Керри йўқ дегандай бош чайқади. Шунда ҳам роса ваҳимада қолганлари-ю, Герствуднинг маккорлигига қармай, у яна Герствуд табиатидаги ўзи доимо кадрлаб юрадиган нарсани — унинг меҳрибонлигини пайқай бошлади.

— Сиздан илтимос қиламан! — Герствуд оёқ тираб туриб олди. — Жуда яхши бўлиб қоласиз.

Керри яна бош чайқади.

— Ундай бўлса пальтомни бошингизга қўйишимга ижозат этинг, — деди Герствуд.

Герствуд шундай дея Керри ёнбошлаб кетишига қулай бўлсин деб ёзлик слагай пальтосини буклаб қўйди.

— Ана, — деди у мулоимгина қилиб, — энди жиндай дам олишга уриниб кўринг.

Герствуд ён бергани учун Керрини ўпиб ташлашга ҳам тайёр эди. У Керрининг ёнига чўкиб, ўйга чўмди.

— Каттик ёмғир бўладиганга ўхшайди, — деди у пича жим турганидан кейин.

— Ҳа, шунақага ўхшаяпти, — деб қўйди Керри ҳам. У зулматда янги дунё сари ўқдай учаётган поезднинг ойнасига шамол келтириб ураётган ёмғир томчиларининг тақирлашидан аста-секин ўзига кела бошлаганди.

Герствуд Керрини бир оз тинчитганидан мамнун бўлса ҳам, бу унга нафасни салгина ростлаб олишдай гап эди. Керри энди ғалва қилмаётганидан Герствуд қилган иши хақида ҳар қанча хаёл сурса бўлаверарди.

Герствудга ўша бемаъни пулни ўғирлаганлиги жуда ҳам алам қилар, у ана шу пулни ўзлаштиришни сира ҳам хоҳламасди. Унинг ўғри бўлгиси келмасди. Енгил-таклик қилиб аввалги мавқеини йўқотиб кўйганлиги учун энди ёнидаги ана шу пул ҳам, бошқаси ҳам унинг ўрнини боса олмасди. Энди унга дўстларининг пок номини, уйи билан оиласини, ҳатто ўз ёнида кўришни истаган, кўнглидаги Керрини ҳам унга пул қайтариб бера олмасди. У ўзини ўзи Чикагодан қувиб, жамиятдаги мавқеидан ҳам ўзи маҳрум қилганди. Ўзини ўзи тунаб, кадр-кимматини ҳам йўқотган, ёкимли истироҳат онлари, нашъали оқшомлардан ҳам маҳрум бўлишига ўзи сабабчи эди. Буларнинг бари нимани деб?

Герствуд буларни ўйлагани сари тоқати тоқ бўлиб борарди. У илгариги мавқеини тиклашга уриниб кўрмадимикин? Кеча кечаси ана шу бир неча минг долларни қайтариб бериб, буларнинг бари қандай содир бўлганини яхшилаб тўкиб солса қандай бўларкин? Мистер Мой унинг аҳволига тушунармикин? Зора майхона эгалари уни кечириб, қайтишига йўл беришса?

Поезд пешинда Детройтга яқинлашганида Герствуд ваҳимага туша бошлади. Полиция уни қидиришга тушган бўлса ажаб эмас. Барча катта шаҳарлардаги полиция ўғирликдан вокиф бўлиб, изкуварлар унинг ҳар бир қадамини ҳисобга олишлари турган гап. Шунда жиноятчилар қандай тутилишини ўқиганлари эсига тушиб, бунинг таъсирида юраги пўкиллаб, ранги қув ўчиб кетди. Қўллари эса гўё бирор нарсани ушламоқчидай қалт-қалт қиларди.

У ўзини ташқаридаги нарсаларни қизиқиб томоша қилаётганга солиб, оёғини асабий тақиллатарди.

Керри Герствуднинг безовта бўлаётганини сезса ҳам, индамади. Унинг нега безовта бўлаётганию, бунинг бағоят муҳим сабаби борлигидан Керри беҳабар эди-да.

Герствуднинг бўлса бу поезд тўғри Монреалга борадими-йўқми ё Канададаги бирор бошқа пунктда қолади-ми деб сўраш хаёлидан қочгани бирдан эсига тушиб қолди. У шунда вақтдан ютиши ажаб эмасди-да. Герствуд зумда ирғиб туриб, кондукторни қидиришга тушди.

— Марҳамат қилиб айтсангиз, бу вагонларнинг бир

кисми Монреалга бормайдими? — деб сўради у кондуктордан.

— Ха, якинроғингиздаги ухлаб кетадиган вагон Канадага боради.

Герствуд яна суриштирмоқчи бўлганди, бу ортикчаллик қилади, вокзалда суриштирганим маъкулрок, деган карорга келди.

Поезд харсиллаб ва гувиллаб станцияга кириб келди.

— Менимча, тўппа-тўғри Монреалга борганимиз маъкулрок, — деди у Керрига. — Ўша ёкка поезд бор-йўқлигини ва қачон кетишини билиб келай-чи.

Герствуд безовга бўлса ҳам, сиртдан жуда хотиржам кўринарди. Керри бўлса унга шахло кўзларини тиккани тикканди. Унинг хаёллари чуваллашиб кетганидан мутлақо бир тўхтама келолмасди.

Поезд тўхташи биланок Герствуд уни тушириб қўйдида, олдинроқ юрди. У Керри қолиб кетмаяптимикин, деб қараб қўяётгандай бўлса ҳам, хар қадамида хадиксирарди. Кўзига ҳеч қандай шубхали нарса кўринмади. Чама-си, ҳеч ким уни кузатишни хаёлига ҳам келтирмасди. Герствуд шунинг учун ҳам тўппа-тўғри кассага қараб юрди.

— Поезд Монреалга қачон кетади? — деб сўради у.

— Йингирма минутдан кейин, — жавоб берди кассир.

Герствуд иккита ётиб кетадиган жой олиб, ўша захоти Керрининг ёнига қайтди.

— Биз хозирок яна йўлга чиқамиз, — деди у Керрининг ҳорғин ва кийналган кўринишига нарво ҳам қилмай.

— О, қани энди шуларнинг бари тезроқ тугай қолса! — хитоб қилди Керри.

— Монреалда дарров ўзингизга келасиз-қоласиз, жоним!

— Ўзим билан ҳеч нима олмовдим, — деди Керри. — Ҳатто дастрўмолим ҳам йўғ-а!

— Манзилга етишимиз биланок нимаики керак бўлса ҳаммасини оласиз, — деди Герствуд уни тинчитиб. — Чеварни чакиртирсангиз ҳам бўлади.

Улар носезддаги жойларини эгалланди. Кўн ўтмай жўнашга сигнал бўлди. Герствуд поезд кўзгалганида енгил нафас олди. Поезд дарёга етгунча жиндай йўл босди, сўнгра солга ўтди, Канадага ўтиб олганларидан кейин эса Герствуд диванга суяниб, биринчи марта бемалол нафас олди.

— Энди кўп қолгани йўқ! — деди у қувонганидан Керрининг толиққанини ҳам эслаб. — Сахар пайтида Монреалда бўламиз.

Керри миқ этмади.

— Бориб хабар олай-чи, вагон-ресторан бормикин, — деди Герствуд кўшимча қилиб. — Овқат егим келяпти.

XXIX б о б

ЙЎЛДАГИ КЎНГИЛ ОЧИШЛАР. ДЕНГИЗ КЕМАЛАРИ

Илгари ҳеч саёхатда бўлмаган одамга кадрдон ўлкасидан сал-палгина фарқланиб турадиган ҳар қандай янги жойи жуда қизиқарли кўринаверади. Агар ишқдан гапирмасак ҳам, саёхат бизга қувонч ва таскин бахш этади. Ҳар бир янги нарса негадир бизга муҳим кўринаверади. Шунда асосан сезгиларимизга таъсирнигина акс эттирадиган ақлимиз таассуротлар оқимига ён беради. Саёхатда севгилини эсдан чиқариб, ғам-ташвишни унутиб, ўлим васвасасини қувиб юборса бўлади. «Мен кетяпман» деган оддийгина иборанинг ўзида чиқишга йўл топа олмай турган туйғуларнинг бутун бир олами пинҳондир.

Керри кўз олдидан лип-лин ўтаётган манзараларни томоша қилиб бораркан, бу сафарга истагига зид ҳолда усталик билан олиб чиқилганлигини, йўлда ғоятда зарур нарсалари қўлида йўқлигини ҳам унутаязганди. Гоҳида у ёнида Герствуд борлигини ҳам унутарди-да, фермерларнинг оддийгина уйлари ва кўхликкина коттежларни синчиклаб томоша қиларди. Назарида ҳаёти ҳам эндигина бошланаётганга ўхшарди-да. У ўзини сира мағлуб санамас, орзу-умидларим ҳам чилнарчин бўлмаган, деб ҳисобларди. Нега деганда Катта шаҳардан умиди зўр эди! Унда асоратдан озодликка чиқса ҳам ажаб эмас. Ким билади дейсиз? Эҳтимол у хали бахтини топиб кетар! Керри бу фикрлардан қаноатланарди. Унинг халос бўлиши ўзининг умидворлигида эди.

Поезд эртасига эрталаб Монреалга эсон-омон етиб келганидан кейин сайёҳлар вагондан тушинди. Герствуд гахликадан қутулганига суюнарсан, Керри бўлса шимол шаҳрининг манзараларидан лол эди. Герствуд бир вақтлар бу ерда бўлганидан ўшанда кўнган меҳмонхонасининг номини эслади. Улар вокзал биносидан чиқаётганларида

автобус кондуктори ўша меҳмонхонанинг номини айтиб қолди.

— Биз тўғри ўшанга бориб номер оламиз, — деди Герствуд.

Герствуд меҳмонхонада портъе бўшагунча мусофирлар учун тутилган қайдлар дафтарини олиб варақлаб турди. Майхона бошқарувчиси ўзимга қандай ном қўйсамикин, деб зўр бериб бош қотирарди. Портъе унга рўпара бўлганида бир лаҳза ҳам имиллашнинг иложи қолмаганди. Герствуд меҳмонхонага кетаётганларида экипажнинг ойнасидан лавҳадаги битта исми кўриб қолганидан ўшани анча жарангдор хисоблаб қўйганди. Шу вадан дафтарга бемалол ўкиладиган қилиб: «Ж.У.Мердок хотини билан» деб ёзиб қўйди. Герствуд вазият туфайли шунчалик ён беришга мажбур бўлса-да, исми шарифининг бош харфларидан ҳар қанақа шароитда ҳам воз кечишни истамасди.

Меҳмонхона ходимлари уларга ажратилган хоналарни кўрсатишганида Керри Герствуд ажойиб номер олганига ишонди.

— У ерда ваннангиз ҳам бор, — деди у. — Ҳозирнинг ўзидаёқ чўмилиб олсангиз бўлади.

Керри деразага яқин келиб кўчага каради, Герствуд бўлса ўзини ойнага солди. Ҳамма ёғи чанг бўлганидан тезроқ ювиниб олишни истарди. Ёнида эса киядиган бошқа қўйлаги ҳам, сочини тарашга тароғи ҳам йўқ эди.

— Мен кўнғироқ қилиб, совун билан сочиқ олиб келишларини илтимос қиламан, соч тарашингизга тароқ ҳам юбортираман, — деди у. — Сиз шошилмасдан нонуштагача чўмилиб олсангиз ҳам бўлади. Мен соқолимни олдираману қайтаман, кейин бориб у-бу олармиз.

У охириги сўзларини айтаркан жилмайиб қўйди.

— Маъқул, — Керри рози бўлди.

У креслога чўқди, Герствуд бўлса хизматқорни кута бошлади, кўи ўтмай хизматқор ҳам келиб эшик қокди.

— Марҳамат қилиб совун, сочиқ ва бир графин совук сув келтиринг.

— Жоним билан, сэр!

— Бўлмаса мен борай, — Герствуд шундай дея ўрнидан туриб, Керрига яқинлашди-да, унга қўлини чўзди.

Керри бўлса афтидан унинг қўлини сира оладиганга ўхшамасди.

— Ҳали ҳам мендан хафамисиз, Керри? — мулойимлик билан сўради Герствуд.

- Йўқ, хафамасман, — Керри бепарво жавоб берди.
— Наҳотки мени зиғирча ҳам севмасангиз?

Керри деразага унсиз қараганича индамай ўтираверди.

— Наҳотки илгари ҳам мени зиғирча севмаган бўлсангиз? — деди Герствуд илтижо билан.

У Керрининг қўлидан ушлади, Керри бўлса қўлини гортиб олишга уринди.

— Сиз менга бир вақтлар севаман, дегандингиз! — Герствуд бўш келмади.

— Нега мени алдадингиз? — сўради Керри.

— Ноилож ахволда қолгандим, — деди Герствуд. — Сизни ўлгудай яхши кўраман.

— Мени севиб қолишга ҳақкингиз йўқ эди, — Керри узиб олди.

— Бўлди қилинг, Керри! — деди Герствуд. — Ўтган ншга салавот. Мен бу ерда сиз билан биргаман. Мени озгина яхши кўра қолинг энди!

Герствуд Керрининг қаршисида ўзини худди жабр кўрган одамдай кўрсатиб турарди.

Керри йўқ дегандай бош чайқади.

— Ҳаммасини янгидан бошлашимга ижозат беринг, — Герствуд ганида давом этди. — Шу бугундан бошлаб турмуш қурайлик, Керри!

У ҳали ҳам Керрининг қўлини тутиб турарди. Керри бўлса ўрнидан туриб, кетмоқчи бўлгандай тесқари қараб олди. Герствуд шунда унинг белидан қучди. Керри юлқиниб кўрганди, бўлмади. Герствуд уни бағрига қаттиқ босиб турарди. Герствуд энди кучли эхтирос гирдобида қолганидан бамисоли оташ эди.

— Қўйворинг, — бўлдиради Керри Герствуд уни бағрига маҳкам босганида.

— Наҳотки мени яхши кўрмасангиз? — илтижо билан деди Герствуд. — Нега меники бўлишни истамайсиз?

Керри Герствудни шу чокқача хуш кўриб юрганидан бундан бир дақиқагина олдин илгариги хавасларни эслаб, сўзларига анча мулозамат билан қулоқ берганди. Бу одам жуда келишган ва жуда дадил-да, деган гаплар кўнглидан ўтганди!

Энди бўлса вужудидаги шу ўйлар ўрнини тобора кучайиб бораётган норозилик хислари ола бошлади. У қалбини бир зумгина забт этдию, бироқ Герствуднинг эркалалари оқибатида мисли фубордай таркай бошлади.

Керрини бағрига босаётган одам жуда бақувват бўлиб, унда эхтирос жўш урар, Керрини севар, Керри бўлса яккаю ёлғиз эди! У ҳозирги дамда Герствудга суянмаса, ишкига ишқ билан жавоб бермаса шунча оворагарчиликлардан кейин қайга ҳам борарди? Герствуднинг кучли эхтироси шу тариқа Керрининг қаршилигини анча-мунча синдирди.

Керри Герствуд даханидан тутиб, бошини кўтариб, кўзларига қараганини бирдан сезиб қолди. У Герствуднинг мафтункор бокиши бунчалар зўр эканлигини шу чоққача билмаганди. У Герствуднинг барча гуноҳларидан ўтди кўйди.

Герствуд уни яна ҳам қаттиқроқ бағрига босиб, қайноқ-қайноқ ўпа бошлагандан кейин Керри ортиқча қаршилик беҳуда эканлигини фаҳмлади:

— Мен билан никоҳдан ўтасизми? — деб сўради у бунинг иложи бор-йўқлигини мутлақо сурштириб ўтирмай.

— Бугуноқ! — деди Герствуд тўлқинланиб кетганидан.

Шу пайтда эшик тақиллаб қолганди, Герствуд ўлганининг кунидан Керрини бағридан узди. Хизматкор совун, сочиқ ва сув олиб келганди.

— Тезроқ тайёр бўласизми? — деб сўради Герствуд эшикка қараб юаркан.

— Ҳа, — жавоб берди Керри.

— Мен бир соатларга қолмай келаман.

Герствуд вестибюлга тушди-да, сартарошхонани излаб, аланглай бошлади. У ўшпал лахзада ўзини жуда димоғи чоғ сезарди. Ҳозиргина Керрини кўлга олгани кейинги бир неча кунда қийналганларини ювиб кетадигандай кўринарди. Ҳаёт унинг учун қурашишга арзигулик эди. Унинг ўзи ўрганиб қолган ва боғланиб турган нарсалардан қочганлиги саодатга элтса ажаб эмас. Ҳар қалай гулдурак ўтиб, осмонда камалак жилва қила бошлаганди-да...

Герствуд олдида қизил ва ола-була чизиқли устунчаси¹ бўлган эшикка қараб юрувди ҳамки кимдир уни бетакалдуфлик билан чақириб қолди. Шунда юраги бирдан увишиб кетди.

— Ҳа, Жорж, яхшимисан, қария! — Герствуднинг

¹ Америкадаги сартарошхоналарда лавха бўлмайди. Унинг ўрнига гоҳо айланиб турадиган олачинор устунча қўйилади.

кулоғига шу сўзлар чалинди. — Бу ерларда нима қилиб юрибсан?

Герствудга сўз қотган киши унинг ошналаридан бири, Кенни фамилияли биржа далласи эди.

— Бу ерга жиндай юмуш билан келувдим, — жавоб берди Герствуд.

Герствуднинг ақли ниҳоятда тез ишларди. Кеннинг хеч нимадан хабари йўққа ўхшайди чоғи: «Эрталабки газеталарни ҳали ўқимабди-да!»

— Сизни бунчалик олисда кўрганимдан ажабланиман! — мистер Кенни очик кўнгиллик билан гапида давом этди. — Ана шу меҳмонхонага тушдингизми?

— Ҳа, — Герствуд мусофирлар дафтарига нимани ёзганини ўйлаганида нафаси ичига тушиб кетди.

— Анчага келдингизми?

— Йўқ. Икки кунга, холос.

— Шундай денг! Нонушта қилдингизми, йўқми?

— Ҳа, — Герствуд ёлғон сўзлади. — Соқол олдиригани боряшман.

— Майхонага бирга бормайсизми?

— Ҳозир иложи йўқ. Яхшиси, кейинроқ! — жавоб берди Герствуд. — Ҳали яна кўришамиз. Сиз ҳам шу ерга тушдингизми?

— Ҳа, — жавоб берди мистер Кенни. — Чикагода ишлар қалай? — кўшимча қилди у.

— Ҳаммаси эскича, — Герствуд кулибгина кўя қолди.

— Хотинингиз биргами?

— Йўқ.

— Бўпти, бугун албатта яна кўришайлик. Мен бориб нонушта қилай, сиз бўшашингиз билан киринг.

— Албатта, — Герствуд ваъда берди. Шундан кейин улар ажралишди.

Ана шу суҳбат Герствудга бошдан-оёқ кийноқнинг ўзи бўлди. Кеннинг ҳар бир сўзи Герствуднинг ўшасиз ҳам чигал бўлган аҳволини баттар чигаллаштираётгандек эди. У Герствуднинг хаёлига минг хил нарсаларни келтирди. Суҳбатда майхона бошқарувчиси ташлаб келган нарсаларнинг бари — Чикаго, хотини, хашаматли майхона хаёлида жонланди, Кенни саломлашиб, хол аҳвол сўраганида буларни тилга олганди-да. Мистер Кеннинг тагин келиб-келиб шу меҳмонхонага тушганини кўрмайсизми. Энди у Герствуд билан улфатчилик қилиб, роса судрашаман деб ўйласа керак! Чикагодан ҳали за-

мон газеталар келади, маҳаллий газеталар ҳам бугунок ҳамма гапни босади. Герствуд танишларим, шу жумладан, мистер Кенни ҳам ўғирлик қилганимдан воқиф бўлади деб ўйлаганидан Керрини ҳам унутди-қўйди. Шунинг учун ҳам сартарошхонанинг эшигини очаётиб сал бўлмаса инграб юбораёзди. Бу ердан қочиб, анча четроқ бирор меҳмонхонага ўтиб олиш керак.

Герствуд сартарошхонадан чиққанида вестибюлда жон асари йўқлигини кўриб суюниб кетди. У тезда зинага қараб юрди. Керрини зумда ёнига оладию, орқа эшикдан чиқиб кетади, нонуштани бундан анча берироқ жойда қилишар.

Герствуд шундай бўлса ҳам рўпарадаги эшикдан биттаси синчиклаб кузатиб турганлигини найқаб қолди. У пакана ва анча хароб кийинган росмана ирландияликнинг ўзгинаси эди. Чамаси бу одам ҳозиргина портъе билан гаплашиб олган бўлса керак, майхонанинг собиқ бошқарувчисидан энди сира ҳам кўзини узмасди.

Герствуд унинг синчков нигоҳини сезиб, кимга рўпара бўлганлигини дарҳол фаҳмлади. Бу унинг изига тушган изкувар эканлигини беихтиёр тушунди. Герствуд гўё ҳеч нимани сезмаётган одамдай унинг ёнидан тезда ўтиб кетса ҳам хаёлида минг хил фикрлар ғужғон ўйнарди. Энди нима бўлади? Бу ерда уни нима қилишаркин? У жинойтчиларни тутиб бериш ҳақида қонун борлигини эсларкан, бу қонуннинг моддаларини аниқ билолмай саросимага тушди. Қамокқа олишса нима бўлади? Керри бирдан билиб қолса-я! Ҳа, Монреал унга энди тор бўлиб қолганди. У энди бу ердан тезроқ жўнаб қолиши керак эди.

Герствуд номерга қайтганида Керри чўмилиб чиқиб, уни кутиб ўтирарди. У сувдан очилиб кетиб, янада зўрроқ кўринса ҳам ўзини жуда босиқ тутарди. Герствуд йўқлигида яна аввалгидай совиб қолганди-да. Ҳар қалай юрагида энди ишқ ўти ловилламасди. Герствуд буни сезганидан юрагини баттар ваҳм босди. У Керрини бағрига боса олмади, бундай қилишга ҳатто уриниб ҳам кўрмади. Нимадир уни бундан тутиб турарди. Ҳа, Герствуд ҳали ҳам вестибюлдаги учрашув таъсирида эди.

— Тайёرمىсиз? — деб сўради у Керридан мулойимлик билан.

— Ҳа.

— Бўлмаса бориб нонушта қилайлик. Меҳмонхонадаги ресторан менга унчалик ёқмаяпти.

— Менга барибир, — деди Керри.

Улар номердан чиқиб, пастга тушишди.

Герствудни вестибюлда кузатган ирландиялик яқинроқдаги муюлишда турарди. Майхона бошқарувчиси ўзини аранг босар, нега деганда муғамбирлик қилиб, ўзини ҳеч нарса сезмаётганга солишдан бағоят қийналарди. Ирландиялик уларга тап тортмай қараб қўйди. Унинг ёнидан ўтиб олишгандан кейин, Герствуд Керрига Монрсалдан гап очди. Кўн ўтмай, ресторанга кўзлари тушиб қолиб, унга киришди.

Қандай ғалати шаҳар-а! — деб қўйди Монрсалнинг асосан Чикаго ўхшамаганлигидан хайратда қолган Керри.

— Бунда ҳаёт Чикагодагидай қайнамайди, — деди Герствуд. — Сизга бу ер ёқмаяптими?

— Йўқ, — деб жавоб берди Фарбнинг буюк пойтахтига ўрганиб, уни яхши кўриб қолган Керри.

— Ха, дарвоқе, Монрсалнинг қизиқадиган жойи камроқ, — Герствуд унинг гапига қўшилди.

— Бу қанақа шаҳар ўзи? — Керри қизиқсиниб сўради.

Герствуд нега келиб-келиб шу шаҳарга йўл олганига унинг сира ҳам ақли бовар қилмасди.

— Ўртамиёна бир шаҳар, — жавоб берди Герствуд. — Бу теварак-атрофлари жуда гўзал бўлган ўзига яраша курорт шаҳари.

Керри унинг сўзларини тингларкан, кўнгли негадир сал нотинч эди. У ҳозирги вазиятда қандайдир саросималик мавжудлигини сезиб турар, бу эса сафардан олиннадиган хузурнинг пачавасини чиқарарди.

— Аммо биз бу ерда қўп қолмаймиз, — гапида давом этди Герствуд. У энди Керри Монреални ёқтирмаганидан хатто хурсанд ҳам эди.

— Нонуштадан кейиноқ сиз керакли нарсаларингизни сотиб оласизу, Нью-Йоркка йўлга чиқамиз. У ер сизга ёқади! Чикаго билан Нью-Йорк Қўшма Штатларнинг энг ажойиб шаҳарлари.

Герствуд энди бу ердан бир амаллаб эсон-омон чиқиб кетишнигина ўйларди, холос. Аввалига изкуварлар пима қилишларини, Чикагодаги собиқ хўжайинлари қандай чораларни қўллашларини кўриш керак-да, сўнг ҳеч бўлмаса Нью-Йоркка қочиб қолиш лозим. У ерда бемаълум сингиб кетса бўлади. Герствуд бу шаҳар билан анча таниш бўлганидан бу ерда вақтинча ўзини панага олиб

туришни истаган одам учун қулай жой эканлигини яхши биларди.

Герствуд бунни ўйлагани сари келажаги кўзига дахшатлироқ кўринаверарди. Монреалга қочишдан мушқули осон бўлмаслиги Герствудга аён эди. Хўжайинлар изкуварлар ёллашлари, улар эса Герствудни қадам-бақадам кузатишлари турган гап, нега деганда Пинкертон, Муни ва Боланднинг агентлари шунинг учун юришибдида. Канададан қочмоқчи бўлса борми ўша заҳотиёк қўлга олишади. Хали бу ерда кўп ойлар қолиб кетиб, кунлари эртаю кеч хавотирда ўтса ҳам ажаб эмас!

Герствуд меҳмонхонага қайтишгач, тезроқ эрталабки газеталарни кўздан ўтказишга жазм этди. У бунни истаса ҳам айни пайтда уларни қўлга олишдан чўчирди. Унинг қилган жинояти ҳақидаги хабар қанчалик тарқалишга улгурганлигини билгиси келарди. У Керрига ҳозир келаман, деб газета олгани кетди. Вестибюлда кўзига биронта ҳам таниш ёки шубҳали одам кўринмади, Герствудга қолса газетани бу ерда ўқимоқчи ҳам эмасди. Шу ваддан у иккинчи каватга кўтарилиб, катта залнинг деразаси ёнига ўтириб қўлига газета олди. Газеталарда унинг қилмишига жуда кам ўрин берилган бўлса ҳам бу нарса барча газеталардаги бахтсиз ходисалар, қотилликлар, ўғирликлар, никоҳлар ва хоказолар қаторида тилга олиб ўтилганди.

«Нимага ҳам бу ишни қилдим-а!» -- деб ўйларди Герствуд ичида алам билан. Ана шу олис маконда ҳар дақиқа умри ўтгани сари жуда катта хатога йўл қўйганлигига тобора қаттиқроқ ишонарди. Эҳтимол, бу мушқул аҳволдан қутулишнинг бошқа бирор йўли бўлгандир, аммо ундан Герствуд беҳабар эди-да.

Герствуд Керрининг кўзи газеталарга тушиб қолмасин, деб уларни ўша ерга ташлаб келди.

— Хўш, ўзингизни қандай сезяпсиз? -- деб сўради у номерга кираркан.

Керри дераза олдида кўчага қараб ўтирарди.

-- Дуруст, -- жавоб берди у.

Герствуд унга яқинлашиб алланарса демоқчи эди, бирдан эшик кўккисдан тақиллаб қолди.

-- Менинг нарсаларимни олиб келишганга ўхшайди, -- деди Керри.

Герствуд эшикни очди. Коридорда Герствуд аллақачон изкуварга чиқариб қўйган ўша ёқимсиз кимса турарди.

— Сиз мистер Герствудсиз, шундайми? — деб сўради ирландиялик киши ўзини қатъий ва дадил тутиб.

— Ҳа, — Герствуд хотиржам жавоб берди.

У бунақа одамларнинг қанақаликларини билганидан ҳатто илгаригидай дадил бўлди қўйди. Майхонасида бунақа жанобларни жуда ва жуда совук қарши олишардида.

Герствуд коридорга чиқиб, эшикни ёпиб қўйди.

— Нега бу ердалигимни билсангиз керак, шундайми? — изкувар овозини пастлатиб сўради.

— Ҳа, фаҳмляяпман, — Герствуд ҳам секингина жавоб берди.

— Хўш, нима қилмоқчисиз энди? Пулни қайтариш ниятингиз борми?

— Бу менинг шахсий ишим, — Герствуд хўмрайиб жавоб берди.

— Қочиб кетолмаслигингизни жуда яхши биласизку, — деди изкувар унга тап тортмай қараб.

— Менга қаранг, азизим, — Герствуд менсимаётган оҳангда гап бошлади. — Сиз бу ишда ҳеч балони тушунмайсиз, шунинг учун мен ҳам тушунтириб ўтирмоқчи эмасман. Нимаики қилмоқчи бўлсам, уни сиз ёки бошқа бировнинг маслаҳатисиз қиламан. Маъзур кўрадилар!

— Гапларингиз қизиқ-а! — деб қўйди изкувар. — Сиз ҳозир полициянинг қўлида турибсиз. Истасак, таъбингизни кўп хира қилишимиз мумкин. Меҳмонхона дафтарига бошқа одамнинг номини ёзибсиз, ёнингиздаги аёл хотинингиз ҳам эмас. Бироқ бу ердалигингиздан газеталарнинг хабари йўқ, шунинг учун сизга ақллироқ бўлишни маслаҳат берардим.

— Нимани билмоқчисиз ўзи?

— Фақат битта нарсани: пулни қайтариб юборасизми ё йўқми?

Герствуд миқ этмай ер сузди.

— Сизга изох беришимнинг кераги йўқ, — деди у ниҳоят. — Мени сўроққа тутишингизга ҳам ҳожат йўқ. Мен аҳмоқ эмасман, ишонаверинг. Қўлингиздан нима келишини ҳам, нималар кела олмаслигини ҳам жуда яхши биламан. Менинг таъбимни хира қилишларингиз мумкин, тортишиб ўтирмайман, бироқ бу билан пулни қайтара олмайсизлар. Мен нималар қилишни аллақачонлар пишириб, бу хусусда Фицжеральд билан Мойга ёзиб юборганман. Сизга айтадиган бошқа гапим йўқ. Улардан янги кўрсатма олмагунингизча сабр қиласиз.

Герствуд гапиргани сари эшикдан узоклашар, шу тарика Керри гапимизни эшитиб қолмасин, деб шеригини ҳам нари сурарди. Улар ниҳоят коридорнинг энг охирига, умумий залга олиб чиқадиган эшикка бориб қолишди.

— Демак, пулни қайтаришдан бош тортасиз? — деди изқувар Герствуд жим қолганидан кейин.

Бу сўзлардан Герствуднинг жуда ҳам аччиғи чиқди. Миясига қон тепиб, хаёлига минг хил фикрлар келди. Наҳотки у ўғри бўлса? У бу пулларни олишни мутлақо истамовди-ку. Агар ҳаммасини майхона эгаларига яхшилаб тушунтира олса борми бу ёғи ҳам дуруст бўлиб кетса ажаб эмас.

— Менга қаранг, сиз билан бу масалани ортиқча муҳокама қилишни мутлақо хохламайман! — деди у. — Мен кучингизга тан бераман, бироқ бу ишдан анча воқифроқ одамлар билан муомала қилишни маъқул кўраман.

— Майлингиз. Бироқ пул билан Канададан чиқиб кета олмайсиз, — изқувар сира бўш келмади.

— Канададан кетиш хаёлимда ҳам йўқ, — деди Герствуд. — Бу ишни тинчитганимдан кейин мени ушлаш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди.

У шартга орқасига қайрилиб кетаркан ирландияликнинг ҳамон қаттиқ тикилиб турганини сезарди. Бунинг устига Герствуд то номерига етгунча ўзини бемалол одимлашга мажбур этди.

— У ким эди? — сўради Керри.

— Чикаголик битта танишим.

Герствуд сўнгги ҳафтадаги шунча оғир ваҳималар етмагандай изқувар билан суҳбат қуришга мажбур бўлганидан жуда гангиб қолди. Унинг жуда ҳам машқи тушиб кетганди. У содир бўлган воқеадан ниҳоятда жирканарди. Ҳаммасидан ҳам уни ўғридай таъқиб этаётганлари ўтиб тушарди. У масаланинг фақат бир томонинигина олиб, кўпинча бирорта алоҳида ходисага қараб ҳукм чиқарадиган кўпчилик нақадар ноҳақ эканлигини тушуна бошлади. Ҳамма газеталарда фақат битта нарса: у биронинг пулини олиб кетгани қайд қилинган. Бироқ нимага ва нечун олганлиги уларга мутлақо аҳамиятсиз эди. Герствудни бундай қилишга қандай мушкулликлар мажбур этганлиги уларни қизиқтирмасди. Энди уни бундай иш қилишига нималар ундаганини тушунмаган ҳолда айблашарди.

Герствуд ўша куни Керри билан номерда ўтираркан пулни қайтаришга қарор қилди. Ҳа, у Фицжеральд билан Мойга хат ёзиб, ҳаммасини бирма-бир тушунтиради-да, пулни телеграф орқали юборади. Уни кечиришса ҳам ажаб эмас. Эҳтимол ишига қайтишини ҳам сўраб қолишар. Айтмоқчи, шунда изқуварга собиқ хўжайинларимга хат ёзиб юборганман, деган гапи ҳам тўғри чиқади. Кейин эса шаҳардан чиқиб кетади.

У нақ бир соат муаммони ана шундай мақбул кўринган ечими хусусида бош қотирди. Хўжайинларига хотинига муносабати ҳақида ёзмоқчи бўлди-ю, бироқ юраги бетламади. Хуллас, ахири улфатлари даврасида кайф қилганини ва сейфни очиқ ҳолда тасодифан кўриб қолиб, пулни олганини, сўнгра эса сейфнинг эшигини бехосдан ёпиб қўйганини ёзди. Ҳозирда қилган ишидан таассуфда эканини ва мистер Фицжеральд билан мистер Мойга анча ташвиш ортирганлигини ҳам айтиб, пулни, ҳар қалай олганининг талай қисмини қайтариб бу ишни текислаяжани ҳам қистириб кетди. Пулнинг қолган қисмини биринчи имконият туғилгандаёқ қайтаришини ҳам унутмади.

У хатнинг охирида мабодо мистер Фицжеральд билан мистер Мой розилик билдирсалар аввалги ишини бажаришга киришиш нияти йўқ эмаслигини ҳам шама қилди.

Герствуднинг қанчалик мушкул аҳволда қолганлиги хатининг мазмунидан ҳам яққол кўриниб турарди. У майхона хўжайинлари мабодо рози бўлган тақдирда ҳам майхонага қайтиш қанчалар оғир бўлишини ҳам бир зум унутганди. У бамисоли қилич солгандай ўзини ўтмишидан маҳрум қилганини эсидан чиқарганди. Ҳаттоки бир амаллаб ўтмиши билан алоқасини тиклаган тақдирда ҳам бунинг жароҳати умрбод кетмаган бўларди.

Дарвоқе, Герствуд дам-бадам бирор нарса: гоҳ хотинини, гоҳ Керрини, гоҳ пулга муҳтожлигини эсидан чиқариб қўярди. У ҳозирги дамда бирор нарса хусусида соғлом фикр юритишга ноқобил эди. Шундай бўлса ҳам у хатни юборди, пулни эса то жавоб келмагунча юбормасликка қарор қилди.

Герствуд ҳозирча вужудга келган вазиятга кўникиб, Керри ёнидалигига суюниб юраверишга жазм этди. Тушга яқин куёш чиқиб, заррин нурлари хонани ёритди. Ташқарида чумчуқларнинг чирқиллаши очиқ деразалардан эшитилиб турарди. Ҳамма ёқда ханда ва наво илҳо-

ми кезади. Герствуд Керридан сира кўзини узолмай карагани караган. Керри Герствуднинг кўзига шу дамда барча фалокатлар орасидаги ягона нурдай кўринарди. О, Керри уни севганида борми! Қани энди уни фақат бир мартагина қучоклаб, кўзига Чикагонинг мўъжазгина паркидагидай яна латофатли ва шодон кўринса! Жуда ҳам бахтиёр бўларди-да! Бу унинг шунчалар қийналганларига мукофот бўларди! Шунда ҳаётдан умиди борлигини билган бўларди. Ўшанда бошқалари билан мутлақо иши бўлмасди...

— Керри! — деди у ўрнидан туриб, унга яқинлашаркан, — Керри, мен билан қоласанми?

Керри унга сал масхараомуз қараса ҳам кўзларидан самимий хайрихоҳлиги сезилиб турарди. У Герствуднинг кўзларида севги, эхтиросли, ҳар қандай мушкуллик ва хавотирликларда ҳам баттар кучайган муҳаббатни кўрди. Шунинг учун ҳам беихтиёр ширин жилмайди.

— Мен бундан буён бутунлай сеники бўлишни истайман, — Герствуд гапида давом этди. — Менга бошқа азоб берма! Сенга садоқатли бўламан. Нью-Йоркка бориб, шинамгина квартирани ижарага оламиз. Мен яна ишга тушаман, бахтиёр яшаймиз. Меники бўлишни нахотки истамасанг?

Керри унинг сўзларини диққат билан тингларди. У албатта Герствуднинг ишқида ёнмаётган бўлса ҳам унинг ҳозирда яқинлиги ва вазиятга кўра қалбида севгига яқинроқ бўлган ҳислар уйғонганди. У Герствудга жуда ҳам ачинар, яқиндагина ўзи хавас қилиб юрган одамига энди чиндан ҳам раҳми келарди. У Герствудни ҳеч қачон чин юрагидан севмаганди. Ўзининг хис-туйғуларини мабодо яхшилаб текширадиган бўлса бунга ўзи ҳам ишонч ҳосил қилган бўларди. Бироқ Герствуддаги кучли эхтирос таъсири ва Керри кўнглида ҳосил бўлган ҳислар улар ўртасидаги раҳнани ҳар қалай олиб ташлади.

— Мен билан қоласан-а, шундайми? — Герствуд яна қайтариб сўради.

— Ҳа, — жавоб берди Керри салгина бош ирғаб.

Герствуд уни ўзига тортиб, юз-кўзларидан ўпа кетди.

— Бироқ сен мени олишинг керак, — деб қўйди Керри.

— Никоҳдан ўтишга рухсатни бугуноқ оламан, — жавоб берди Герствуд.

— Қандай қилиб?

— Бошқа одамнинг номи билан-да, — жавоб берди Герствуд. — Ўзимга бошқа ном олиб, янгича ҳаёт бошлайман. Шу бугундан бошлаб менинг исмим Мердок.

— О, фақат шундан бошқаси бўлсин! — хитоб қилди Керри.

— Нимага?

— Бу менга ёқмайди.

— Бўлмаса қанақасини ёқтирасан? — сўради Герствуд.

— Шундан бошқа хаммасини!

Герствуд Керрини ҳамон бағрига босганича ўйлаб туриб, деди:

— Уилер деган исмга қалайсан?

— Буниси ёмон эмас, — Керри рози бўлди.

— Майли! Бўлмаса менинг исмим Уилер, — деди Герствуд. — Бугуноқ руҳсат олганим бўлсин.

Улар рўпара келган биринчи пасторга никоҳ ўқитишди.

Нихоят Чикагодан жавоб келди, хатга мистер Мой кўл қўйганди. У хатида Герствуднинг бу ишидан жуда хайратда эканини ва бенихоя қайғу чекаётганини ёзганди. Мабодо Герствуд пулни қайтарса, улар қарши иш кўзғамасликларини, бундан буён ҳам ғаразлари бўлмаслигини айтишганди. Герствуднинг аввалги жойига қайтиши масаласига келганда эса уни узил-кесил ҳал қилишмаганини, чунки бу майхонага қандай оқибатлар келтиришини айтиш мушкуллигини кистиришган ва ўйлаб кўриб, хабар қилишни айтишганди.

Хуллас, шунақа гаплар баён этишганди...

Хатдаги гап ўз-ўзидан аён, Герствудга, бундан умидингни узиб қўя қол, дейилганди. Майхона эгалари пулни иложи борича шов-шув қилмай қайтариб олишмоқчи. Герствуд мистер Мойнинг хатида ўзига чиқарилган ҳукмни ўқиди.

Герствуд майхона хўжайинлари юбормоқчи бўлишган ишончли кимсага тўққиз ярим минг долларни бериб, ўзига бир минг уч юз долларни олиб қолишга аҳд қилди. У телеграф орқали бундан собиқ хўжайинларини огоҳ қилиб, ўша куниёқ етиб келган ишончли вакилга пулни топширди, ундан тилхат олганидан кейин Керрига сафар тадоригини кўришни таклиф қилди. У иш бунақа кўчганидан аввалига эзилиб юрган бўлса ҳам аста-секин ўзига келиб қолди. Шундай бўлса ҳам халигача мени камоққа олиб,

америкалик маъмурларга топиришлари мумкин деб ваҳимада юрарди. Шу важдан бу қанчалик мушкул бўлишига қарамай сездирмай жўнаб қолишга ҳаракат қиларди. У Керрининг сандигини вокзалга элтишни буюриб, ўша ерда уни Нью-Йорккача багажга топишди. Унга чамаси ҳеч ким эътибор бермаган бўлса ҳам ҳар қалай меҳмонхонани вақт алламаҳал бўлганда тарк этди. Худди чегаранинг нариги томонидаги биринчи станцияда ёинки Нью-Йорк вокзалида қонун посбонлари унга пешвоз чиқиб, қамокқа олишадигандай хавотир оларди.

Керри эса унинг ўғирлик қилгани ва ваҳимага тушиб юрганидан мутлақо беҳабар бўлганидан Нью-Йоркка кетаётганларидан хурсанд эди. Шунинг учун ҳам эрталаб баҳайбат шаҳарга яқинлашаётганларида бепоён Гудзон водийсини қуршаган кўм-кўк водийларга завқ билан тикиларди. У поезд дарё ёқалаб учиб бораётган жойларнинг чиройлилигига мафтун бўлиб қолганди. Гудзон водийси, шунингдек, улкан Нью-Йоркнинг таърифини илгари ҳам эшитганидан кўз ўнгида намоён бўлаётган манзаралардан роҳат қиларди.

Поезд бурилиб, Харлем дарёсининг шарқий соҳили бўйлаб кетаётганида Герствуд ҳамроҳига жуда ҳам ҳаяжонланган ҳолда шаҳар чеккасига етганликларини айтди. Керри Чикагонинг теварак-атрофлари билан таниш бўлганидан қатор турган вагонларни ва чигаллашиб кетган темир изларни кўраман деб ўйлаганди, аммо бу ерда бунақа нарсалар йўқ эди. Бунинг ўрнига дарёдаги катта кемаларни кўрди, улар эса океан яқинлигидан дарак берарди. Ундан кейин беш қаватли гиштин уйлари бўлган одатдаги кўча кўриниб, поезд туннелга кириб кетди.

— Нью-Йорк! Грэнд-Сентрал! — поезд бир неча дақиқа зулмат ва тутун оғушида бўлиб, яна ёруққа чиқканидан сўнг кондуктор шундай деб хабар қилди.

Герствуд ўрnidан кўзғалиб, нарсаларини мўъжазгина чамадонга жойлади. Унинг асаблари ҳам бўларича бўлганди. У Керри билан пича вагон эшиги олдида туриб, сўнг вагондан тушди. Унга ҳеч ким яқин келмаган бўлса ҳам кўча томонга чиқаркан, кўркқанидан теварак-атрофга олазарак бўлиб қаради. Ниҳоятда ваҳимада бўлганидан сал орқада қадамлаётган ва ҳамроҳининг паришонхотирлигидан ажабланаётган Керрини ҳам бутунлай унуттаётганди.

Герствуд Грэнд-Сентрал вокзалининг биносидан чиққанларидан кейин сал ўзига келди. Керри икковлари кўчага чиқишди, унда кэбменлардан бўлак ҳеч ким йўқ, улар билан гаплашишни биров хаёлига ҳам келтирмасди.

Герствуд шунда кўкрагини тўлдириб нафас олди-да, Керри борлиги эсига тушиб, унга қаради.

— Мен бўлсам мени ташлаб қочиб кетмоқчи, деб ўйловдим, — деди у.

— Мен бўлсам «Жилси» меҳмонхонасига олиб борадиган йўлни эсладим, — жавоб берди Герствуд.

Керри бу шовқин-суронли шаҳарга маҳлиё бўлиб қолганидан унинг нима жавоб қилганини ҳам дурустроқ эши-толмади.

— Нью-Йоркда қанча аҳоли бор? — деб сўради у.

— Бир миллиондан ортик, — жавоб берди Герствуд.

У кэб чакирса ҳам энди илгаригидай важохати йўқ эди. Кўп йиллардан бери биринчи марта майда харажатлар борасида ҳам тежамлироқ бўлиш керак, деган ўй хаёлидан ўтди. Бу эса жуда ҳам кўнгилсиз эди.

Герствуд меҳмонхонага пул харжлаб ўтирмай тезда квартирани ижарага олишга жазм этди. У бу ҳақда Керрига гапиргани у гапига тўла-тўқис қўшилди.

— Хўп десанг бугуноқ кидирамиз, — таклиф қилди Керри.

Герствуд шунда Монреалда бир таниши билан бўлган хунук учрашувни эслади. Нью-Йоркнинг катта меҳмонхоналарида Чикагодаги таниш-билишларидан битта-яримтаси билан тўқнашиб қолса ажаб эмас-да. У ўриндикдан сал кўзгалиб, кэбменга гапирди:

— Бизни «Белфорд» меҳмонхонасига элтасиз.

Бу берироқ меҳмонхона бўлиб, Чикагодан келганлар унга кам тушишарди.

— Одамлар турадиган кварталлар Нью-Йоркнинг қайси қисмида жойлашган? — сўради Керри.

У кўчанинг икки томонидаги ана шу қатор кетган беш қаватли иморатларда одамлар ўз оилалари билан истиқомат қилишларидан мутлақо ғофил эди.

— Ҳамма ёғида, — деди шаҳарни яхши билган Герствуд. — Нью-Йоркда алоҳида тушган ва майсазори бўлган иморатлар йўқ. Буларнинг бари турар жойлар.

— Унақа бўлса шаҳар менга ёқмади, — Керри охиштагина ўз фикрини очиқ айтди-қўйди.

ЗҶРЛАР ОЛАМИ. ЙЎЛОВЧИ ОРЗУСИ

Герствуд Чикагода қандай мавқеда турганлигига қарамай Нью-Йоркда денгизнинг арзимас битта томчисидай гап эди. Чикагода гарчи ўша пайтларда аҳоли ярим миллионга етган бўлса ҳам йирик капиталистлар сероб эмасди. Бойлар даромадлари берироқ бўлган бошқа одамларни дабдабалари билан босиб кетадиган даражада бадавлат эмасдилар. Одамлар драматик, бадий, ижтимоий ва бошқа соҳалардаги машҳур шахсларга унчалик берилиб кетишмаган, ўзига мустақил одам бир чеккада қолиб кетмасди. Чикагода ном қозонишнинг бор-йўғи иккита йўли бўлиб, улар ҳам сиёсат билан коммерция эди. Нью-Йоркда эса бунақа йўллар мингта, уларнинг ҳар бирида юзларча одам уймалашаётганидан машҳур одамлар ҳам сероб эди. Бу денгизда китлар ачиб ётганидан майда балиқлар кўзга сира ҳам кўринмас, улар хаттоки кўринишга ҳам умид қилишолмасди. Бошқача қилиб айтганда, Герствуд Нью-Йоркда ҳеч нарса эмасди.

Бунақа нарсанинг бошқа хатарлироқ томони ҳам бор. Одамлар бунга ҳар маҳал ҳам эътибор беришавермайди, бироқ фожиага олиб келадиган нарса ўшанинг ўзи бўлади. Бу оламнинг зўравонлари майдаларга ёмон таъсир кўрсатадиган шароит яратиб оладилар. Бунинг қанақа шароит эканлигини тушуниш осон. Алоҳида тушган мухташам иморатлар, ҳашамдор экипажлар, кўзни қамаштирувчи магазинлар, ресторанлар, турли-туман кўнгилочар жойларни бир айланнинг гулларнинг хуш бўйини хидлаб, шохи либосларни назардан ўтказиб, винолардан татиб кўринг: шунда дабдабада умр сураётганларнинг кўксидан отилиб чиқаётган хандалардан, бамисоли ўткир найзалардай ялт-юлт қилаётган нигоҳлардан сархуш бўласиз, қилич дамидай кескир табассумлар ва викорли одимлар қадри қанақалигини билиб, қудратли ва зўр одамлар муҳити қандайлигини билиб оласиз. Чинакам буюклик бунда эмас, деб эътироз қилишдан маъни йўқ. Ҳозирча бутун олам ана шу ҳузур-ҳаловатга талпиниб, одамзод юраги уларга етишмокни асосий мақсад қилиб оларкан, ана шу муҳит инсон қалбини емираверади. У кимёвий моддадай гап. Кимёвий модданинг бир томчиси сингари унинг бир кунлик таъсири тушунчаларимиз, истакларимиз ва интилишларимизни шунақанги сийқалаштириб юборадики, баридан ўчмас бир

из қолади. Бунинг бўш-баёв кишининг ақлига бир кунлик таъсири соғлом танга сингиган қора доридай гап. Ўшанда нафс азоби бошланади, бу азоб муқаррар равишда бемаъни орзулар ва ўлимга рўпара қилади. Эҳ, рўёбга чиқмаган орзулар! Ана шу дабдабали хаёллар то ўлиму, чиришунинг хукмини барбод айламагунча ва биз сўқирларни табиат оғушига қайтармагунча бизни кемириб, эзаверади, ўзига чорлаб, тортаверади.

Ёши ва эҳтироси жиҳатидан Герствуд каторидаги одам ёшлик хаёллари ва ширин орзулардан холи бўлса-да, унда навқирон юракдан мисли фавворадай отилиб турадиган умидбахшлик ҳам бўлмайди. Нью-Йоркдаги мухит Герствудда ўн саккиз ёшдаги йигит қалбида жўш урадиган хисларни уйғотолмади. Бироқ бу шароитда бирор нарсанинг этагини тутиш умиди йўқлигидан мағдублик изтироби тобора авж қилоларди. Герствуд Нью-Йоркда илгари ҳам бўлганидан ҳаёт гаштини сура оладиганлар учун зўр имкониятлар борлигини яхши биларди. Нью-Йорк уни сал ваҳимага ҳам солгандай бўлди, наинки у ҳурмат қилиб, эъзозлайдиган нарсаларнинг бари, чунончи бойлик, мавқе ва шон-шухрат шу ерда жам бўлганди-да. Майхонани бошқариб турган пайтида у билан кўп марта уриштириб ичган машхур кишиларнинг кўпчилиги худди ана шу улўғвор ва гавжум шаҳардан чиққанди. Бу ердаги саройларнинг ҳашамати ва эгаларининг маишатлари ҳақида эса жуда ичакни узадиган латифалар юрарди.

У бу ерда одам ўзи ҳам сезмаган ҳолда бойликка ҳамсоя ҳолда яшашини тушунарди. Юз ёки ҳаттоки юз минг доллари бўлган одам дурустроқ ёинки берирок кун кечирса бўларди-да. Кўпчиликнинг тилига тушиш, модадан қолиб кетмаслик учун бунда хаддан ташқари кўп пул керак бўлади, камбағал одамга эса бу ерда жой йўқ. Дўстларидан йироқлашиб, озгина давлатидан айрилгани у ёқда турсин номига доғ тушган ва тирикчилик йўлида қайтадан кураш бошлашга мажбур бўлган Герствуд бу шаҳарга келиб қолганидан кейин энди юқоридагиларнинг ҳаммаси ҳақида ўзига-ўзи яхшилаб ҳисоб берарди. У қари бўлмаса ҳам яқинда кексая бошлашига бинойидек ақли етарди. Шунинг учун ҳам чиройли либослар ишонч ва қудрат деган нарсалар кўзига яна ҳам аҳамиятлироқ бўлиб кўринарди. Ана шу дабдабалар билан ўзининг аянчли аҳволи орасида ер билан осмонча фарк бор эди-да.

Герствуднинг ахволи чиндан ҳам аянчли эди. У ордан кўп ўтмай камалиш ваҳимасидан қутулган бўлса ҳам барча ҳаётини муаммоларни ҳал қилмаганлигига фаҳми этиб қолди. Битта хавфдан энди қутулдим деганда лоп этиб иккинчиси — муҳтожликка кўндаланг бўлди. Керри иккови бошпана, озиқ-овқат, кийим-кечак ва кўнгилочар нарсаларга кетадиган харажатларни қоплаш учун бир неча йилга чўзини керак бўлган арзимас бир минг уч юз доллар пул йилига бундан беш ҳисса кўп сарфлашга ўрганган одамга нима ҳам бўларди, дейсиз. Герствуд Нью-Йоркка келган дастлабки кунларида бу ҳақда кўп бош қотириб, қатъий ҳаракат қилиш керак, деган фикрга келганди. У эрталабки газеталардаги коммерция руҳидаги эълонларни ўқиб чиққанидан кейин иш қидиришга тушди.

Герствуд шундай бўлса ҳам аввал Керри билан Астердам-авеню яқинидаги Етмиш саккизинчи кўчадаги квартирага жойлашди. Уй беш қаватли бўлиб, уларнинг квартираси учинчи қаватда эди. Кўчадаги иморатлар хали зич бўлмаганидан кун чиқар томонда жойлашган Сентрал-паркдаги кўм-кўк дарахтларнинг учлари, кунботарда эса Гудзоннинг бепоён сувлари кўзга ташланарди. Ванна қавати квартира ойига ўттиз беш долларга тушган, ўша пайтларда бу ўртача нарх бўлса ҳам Герствудга ҳар қалай оғирроқ эди.

Керри бу ердаги хоналар билан Чикагодаги хоналарнинг катта-кичикликда бир-биридан фарқ қилишга эътибор берди. У шунда кўнглига келган гапларни Герствуддан яширмади.

— Бундан яхшироғини тополмаймиз, жоним, — деди Герствуд Керрига. — Мабодо эски уйлардан биридан квартира қидирганимизда ҳам бунчалик қулайликларни тополмаган бўлардинг.

Квартира янгигина тузатиш ва иситилиши марказлаштирилган уйлардан бирида бўлганлиги учун ҳам Керрининг эътиборини ўзига тортди. Бу катта гап эди. Квартирадаги бинойидек плита, иссиқ ва совуқ сув, юк ташиладиган лифт ва ҳатто дарбон билан гаплашадиган рупор борлиги ёшгина жувонга жуда ҳам хуш келди. Бундай қулайликларнинг қадрига етмоқ учун Керрида бекалик фаросати ҳам анча ўсганди-да.

Герствуд бир мебель компанияси билан тил топишди: компания Герствудга олдиндан нақд эллик доллар миқдоридан бадал тўлаш, қолганини ҳар ойда ўн доллардан

гўлаб узишни шарт қилиб қўйди-да, квартирани мебель билан жиҳозлаб берди. Герствуд шундан кейин мис тахтача буюртириб, унга «Ж. У. Уилер» деб ўйиб ёздирди-да, вестибюлдаги почта қутисининг тепасига маҳкамлаб қўйди. Дарбоннинг «Уилер хоним» деб чақириши Керрига аввалига ғалати кўринса-да, аста-секин кўникди ва бунга худди ўзининг исмидай қарай бошлади.

Герствуд квартиранинг майда-чуйдаларидан тинчигандан кейин иши тарақлаб кетаётган бирорта майхона эгасига шерик бўлиши учун газеталардаги эълонлар бўйича уч-тўртта жойда бўлди. У Адамс-стритдаги дабдабали майхонада иш кўрган одам бўлганидан бош сукқан хароб майхоналари кўнглига сира ҳам хуш келмасди. Буларни кўраман деб бир неча куни бекор кетди, нега деганда уларнинг бари кўримсиз эди.

Шунга қарамай Герствуд майхона эгалари билан гаплашганида кўнгина қимматли нарсаларни билиб олди. У шаҳарнинг амалий ҳаётига Таммани-холлнинг¹ таъсири бениҳоя эканлиги ва полиция билан яхши алоқада бўлмоқ ҳолатда муҳимлигидан воқиф бўлди. Шунингдек, иши гуркираб бораётган майхоналар «Фицджеральд ва Мой»га қарама-қарши ўлароқ қонун чизигидан чиқиб кетаётганларини ҳам пайқади. Даромади зўрроқ майхоналарнинг иккинчи қаватида дабдабали алоҳида кабинетлар ва хуфия ишратхоналар мавжуд эди. Бундай майхона эгаларининг мамнун қиёфалари, кўйлақларининг енглиридаги қадама тугмаларида ялт-ялт қилаётган бриллиантлар ва эгниларидаги кийимларининг ўхшатиб тикилганлиги ичкилик савдоси одамнинг бошқа ерлардагидай бу ерда ҳам қони олтин эканлигини кўрсатиб турарди.

Герствуд кўп оворагарчиликдан кейин бир одамни топди. У гўё келгусида кўнгина даромад келтирадигандай кўринган Уоррен-стритдаги бир майхонанинг эгаси эди. Майхонани яна жиндай эпақага келтирса бўладигандай кўринар, унинг ташқи кўриниши дуруст, эгаси бўлса ишим зўр кетяпти, деб оғиз кўпиртирар, афтидан бунга ишонса ҳам бўларди.

— Бизнинг мижозларимиз бадавлат одамлар, — деди у Герствудга. — Булар — коммерсантлар, коммивояжерлар, турли касбдаги одамлар. Ярамастарни бу ерга йўлатмаймиз.

¹ Таммани-холл — мансабдорларни пул билан қўлга олувчи ва сайланадиган ҳамма лавозимларга ўз тарафдорларини жўнагувчи энг реакцион ташкилот; гангстерлар билан алоқа тутали.

Герствуд кассанинг тез-тез шиқиллашига бирпас кулок солиб, савдо кетишини пича кузатиб турди.

— Майхонангиздан келадиган даромад икки кишига бемалол етади деб ўйлайсизми? -- деб сўради Герствуд.

— Агар ишнинг кўзини биладиган одам бўлсангиз бунга ишонч ҳосил қилишингиз мумкин, — жавоб қилди майхона эгаси. — Нассау кўчасида яна битта майхонам бор, бироқ икковига қарашга вақтим етишмайди. Мабодо бу соҳани яхши биладиган бошқа одамни топсам уни ўзимга шерик қилиб, ўша майхонага бошқарувчи қилиб қўядим.

— Менда тажриба бор, — деб қўйди Герствуд шунчаки.

Шунда ҳам у Чикагодаги «Фицжеральд ва Мой» майхонасининг бошқарувчиси бўлганлигини айтишдан ўзини тийди.

— Ундай бўлса бу ёғи ўзингизга боғлиқ, жаноби Уилер! — деди майхона эгаси.

Майхона эгаси нақд мол билан жиҳозларни қўшган ҳолда Герствудга даромаднинг учдан бир қисмини таклиф қилди. Герствуд бунинг учун ёнидан минг доллар қўшиши ва бундан ташқари бошқарувчи бўлиб ишлаши керак эди. Иморот ҳақида келишиб ўтиришмади, нега деганда майхона эгаси уни ижарага олганди.

Бу таклиф Герствудга жуда қизиқарли кўринди. Энди ҳамма гап бир нарсага — бунақа жойдаги майхонадан келадиган даромаднинг учдан бири Герствудга ҳар ойда хомчўтига кўра рўзғор учун керак бўладиган юз эллик долларни бериб туриш-турмаслигига боғлиқ эди. Айтмоқчи, бошқа жойлардан иш чиқмай турганидан кейин ҳозир иккиланиб ўтиришнинг пайти эмасди-да. Ҳар қалай Герствуд ҳозирча ойига юз доллар ишлайман, кейинчалик кўпроқ бўлади, деб ишонса бўларди. У майхона эгасининг таклифига кўниб, ёнидан минг доллар қўшди-да, эртасигаёқ бошқарувчи бўлиб ишлашга жазм этди.

Герствуд аввалига бу ишидан жуда шоду хуррам бўлиб, Керрига пулимни ниҳоятда фойдали ишга қўшдим деб юрди. Бироқ кунлар ўтиши билан кўп нарсалар юзага калкиб, уни дурустроқ бош қотиришга мажбур қилди. Бирламчидан, шериги жуда ҳам захар одам чиқиб қолди, бунинг устига ичар, бундай пайтларда ўлгудек тунд бўлиб кетарди. Герствуд эса бунақа муомалага ўрганмаганди. Иккиламчидан, майхонанинг даромади бориб-келиб турарди. Майхона мижозлари ҳам Герствуд

Чикагода муомалада бўлган мижозларга ўхшаб доимий эмасди. Бу мижозлар орасидан дўстлар орттиргунча анчамунча вақт ўтиб кетишини ҳам Герствуд тушуниб қолди. Одамлар бу майхонага шошилиб кириб, шошилиб чиқишар, биров билан дўстлашиш деган нарса сира ҳам уларни қизиқтирмасди. Хуллас, бу майхона одамлар кириб, у ёқ-бу ёқдан гурунглашиб ўтирадиган жой эмасди. Кунлар ва хафталар бир-бирларини қувиб ўтаётган бўлса ҳам Герствуд бу ерда ҳеч кимдан Чикагодалигида ҳар куни эшитавериб одатланиб қолган «хушомад»ларни эшитмасди.

Герствуд бундан ташқари энг зўр ва нозиклар даврасида нималар бўлаётганлиги ҳақида гаплар ташиб келиб, ҳатто ўртамиёна майхоналарга ҳам файз киритиб юборадиган таниқли ва башанг одамларнинг суҳбатига зор эди. У ойлаб майхонада бирорга ҳам ном чиқарган одамни кўрмади. Кечқурунлари майхонада бўлган пайтларида кўп вақт таниқли кишилар ҳақидаги мақолаларга кўзи тушарди. Буларни танирди, анчамунча уриштириб ичишганди, улар «Фицжеральд ва Мой» ёки «Гофман» майхоналарига қадам ранжида қилиб туришарди. Герствуд улар билан бу ерда ҳеч қачон учраша олмайди, буни у жуда яхши тушунади.

Бунинг устига майхона мўлжалдаги даромадни бермаётганди. Тўғри, иш сал юришган бўлса ҳам харажат бобида жуда ва жуда тежамли бўлиш зарур эканлиги Герствудга аниқ-равшан эди. Бу эса унга ҳақоратдай туюларди.

Дастлабки пайтларда ишдан кечроқ қайтганида Керрининг кутиб ўтирганини кўриб роҳатланарди. Ўз вақтини яхшилаб режалаб олганидан кечқурун олти билан еттининг орасида тамадди қилгани уйига борар, эрталаблари эса тўққизгача қолиб кетарди. Бирок бора-бора бунинг ҳам қизиғи қолмади. Герствуднинг шундан кейин ҳар куни бир хилда кечадиган юмушлари меъдасига тегаверди.

Нью-Йоркка келганларига ҳали бир ой бўлмаса ҳам Керри бир куни худди арзимаган нарса ҳақида гапираётгандек:

— Шу хафтада шахарга бориб, кўйлак олмоқчиман, — деб қўйди.

— Канақасини? — сўради Герствуд.

— О, канақаси бўлсаям, кўчага кийиб чиқишга бўлса бўлди-да.

— Маъкул, — Герствуд жилмайиб шундай деб қўйса ҳам ҳолим бундайлигида сабр қилиб турса ёмон бўлмасди, деган гап хаёлидан ўтди.

Эртасига бу хусусда бошқа гап бўлмади, бироқ индинига Герствуд Керрининг қўлтиғига қўл солиб кўрди:

— Қўйлак олдингми?

— Йўқ хали, — жавоб берди Керри.

Герствуд бирор нарсани ўйлаётгандай жим қолди-да, сўнгра деди:

— Уч-тўрт кун сабр қилиб туролмайсанми?

— Тура оламан, — Керри Герствуд гапни қаёққа бураётганини пайкамай жавоб берди, негаки Герствуд дасти қисқалигини унга шу чокқача сездирмаганди-да.

— Хўш, нега энди? — у кизиқсиниб қолди.

— Сенга айтсам, нақд пулимнинг барини ишга қўшганимдан хозирча сал сикилиброқ турибман. Бироқ тез орада қўйган пулимнинг ҳаммасини қайтариб олишимга ишонаман.

— Эҳ-а, шундай дегин! — хитоб қилди Керри. — Бўпти, хўп бўлади, жоним! Буни менга илгари айтмовдинг-ку.

— Илгари бунинг ҳожати йўқ эди, — жавоб берди Герствуд.

Керри бунга дархол қўна қолган бўлса ҳам ҳар қалай Герствуднинг сўзлари билан доимо фалон ишимни бир ёқли қилиб олайчи, деб юрадиган Друэнинг баҳоналари ўртасида қандайдир мушгараклик борлигини кўнглидан ўтказиб қўйди. Гарчи бу оний фикр бўлса ҳам ҳар қалай қандайдир бир янги нарсага дебоча ўрнига ўтди. Керри Герствудга энди сал бошқача қарай бошлади.

Ана шунга ўхшаган бошқа майда-чуйда нарсалар ҳам бирин-сирин тўпланавериб, ҳаммасини бир жойга жам бўлганидан кейин Керрига катта бир янгилик бўлди қўйди. Керри ҳам мутлақо камфаҳмлардан эмасди-да. Бунинг устига иккита одам битта бошпанада хийла вақт истиқомат қилганидан кейин бир-бирларининг қандайликларини эртами-кечми билмай иложлари қанча. Бири қийналаётганини бўйнига оладими-йўқми бундан қатъи назар шеригига маълум бўлади қўяди. Хавони булут қонлагач, одамнинг руҳи ҳам ўшанга қараб тушиб кетаверади-да.

Герствуд илгаригидай яхши кийинса ҳам Канадада кийиб юрган либослари ёнига бирор нарса қўшилмаганди. Керри эрининг одмигина бисоти янгиланмаганлигини

сезарди. Герствуднинг кўнгил очарга у ёқ-бу ёққа олиб боришлари ҳам ахён-ахёнда бўлиб қолганлиги, пазандалигини бирор марта ҳам мақтаб қўймаганлиги ва ишга муккасида кетганлиги ҳам Керрининг назаридан қочиб қутулмади. Герствуд энди Керри Чикаго шахрида таниган илгариги парвойи фалак, сахий, давлатманд Герствуд эмасди. Икки ўртадаги тафовут анча-мунча бўлганлигидан эътибордан четда қола олмасди.

Керри орадан кўн ўтмай Герствуднинг теварак-атрофидаги бор нарсаларга муносабатида қандайдир пинҳоний ўзгариш юз бераётганлигини сезиб, ичидаги дардини ёзмаётганлигини ҳам фахмлади. Афтидан, у ниманидир сир сақлаб, ўзига ўзи маслаҳат солиб юрарди. Керрига эса ундан ҳар хил майда-чуйда нарсаларни сўрашга тўғри келар, бу эса унга камситиш билан барабардай эди. Гоҳида кучли муҳаббат бунга кўникишга, ҳа, фақат кўникишга мажбур қиларди. Ўртада кучли севги бўлмаган тақдирда киши аниқ, бирон кўнгилсиз хулосаларга келади.

Герствуд бўлса йўлида учраган қийинчиликларга қарши мардонавор курашарди. У нақадар катта хато қилиб қўйганлигини тушунадиган ва ҳозирда қўлида бўлган озгина нарсасини ҳам қадрига ета оладиган даражада оқил эди. Шу билан бирга у ҳозирги аянчли ва омонат мавқеини илгариги бақувват давлатмандлиги билан соат-соат, кунма-кун муқояса қилиб турарди.

Бундан ташқари Герствудни эски ошналарига тўқнаш келиб қолсам-а, деган ҳавотир ҳам тинимсиз қийнаб турарди. Герствуд Нью-Йоркка келгач, орадан кўп ўтмай содир бўлган бир учрашувдан кейин бу ҳавотир янада ошди. У Бродвейдан кетаётганида қаршисидан бир таниши келаётганини ногаҳон кўриб қолди. Дарвоқе, бунда чикаголик танишини танимаганга олиб анқовсираб ўтиб кетишнинг ҳам чораси қолмаганди. Улар кўз уриштираркан бир-бирларини таниганликлари аён бўлди. Герствуднинг таниши — Чикагодаги йирик бир фирманинг вакили тўхташни ўзига эп билди.

— Хўш, ахволларингиз қалай? — у шундай дея Герствудга қўлини чўзаркан овозининг оҳангидан ҳам, ҳаракатларидан ҳам самимий қизиқишга ўхшаган нарса сезилмасди.

— Раҳмат, дуруст, — жавоб берди Герствуд ундан кам хижолат бўлмай. — Ўзингиз яхшимисиз?

— Ёмон эмас. Фирмага у-бу харид қилгани келудим. Сиз нима, бу ерда муқим турибсизми?

— Ха, — жавоб берди Герствуд. — Уоррен-стритда иш юргизадиган жойим бор.

— Шундай денг! Яхши, хурсандман. Бирор куни кириб ўтаман.

— Кириг, — деди Герствуд.

— Хўп, омон бўлинг, — Герствуднинг таниши мулоимгина жилмайиб хайр-маъзур қилди.

«У ҳатто уйимнинг номерини ҳам сўрамади-я, — кўнглидан ўтказди Герствуд. — Кириб бўпти!»

Герствуд тер босган пешанасини артди-да, бундан буён ўзига ўзи ҳеч қанақа танишига дуч келмасликни чин юракдан тилади.

Мана шу майда-чуйдаларнинг бари илгарилари хушфеъл бўлган Герствуднинг табиатига ўз таъсирини кўрсата бошлади. Унинг бирдан-бир умиди яқин орада моддий ахволи яхшиланишидан эди. Керри бўлса ёнида. У мебелнинг қарзини мунтазам равишда узиб борарди. Майхона ҳам озми-кўпми даромад бериб турарди. Кўнгил очар нарсаларга келганда эса Керри Герствуднинг айтганига қаноат қилиши керак. Герствуд ҳозирча чидаш берса бўлгани, кейин ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

Герствуд шундай бўлса ҳам инсон табиатининг бекарорлиги, оилавий ҳаётнинг машаққатларини унутаёзганди. Керри навжувон эди. Икковларининг кайфиятлари эса тез-тез ўзгариб турарди. Фалва исталган дақиқада, ўзига тўқ хонадонларда тез-тез рўй бериб тургандек, айттайлик, тамадди пайтида ҳам бошланиб қолиши мумкин эди. Фақат кучли муҳаббатгина турмушда бўладиган майда-чуйда нарсаларни босиб кета олади. Бундай муҳаббат мавжуд бўлмаган жойда эр-хотин тезда бир-бирларидан қўлларини ювиб қўлтиқларига урадилар-да, оғир муаммога муқаррар равишда дучор бўладилар.

XXXI б о б

ТОЛЕ АРЗАНДАСИ. БРОДВЕЙ БОЙЛИГИНИ КЎЗ-КЎЗ ҚИЛЯПТИ

Герствуд Нью-Йоркни хазм қилолмаётган бўлса, Керри аксинча янгича шаронгта ўзини жуда ҳам бемалол тударди. Керри гарчи аввалига Нью-Йоркни ёктирмаган бўлса ҳам энди шаҳар уни ўзига ром қилиб олганди. Унинг тиниқ ҳавоси, сершовкин майдонлари ва чорраҳа-

лари, одамзодга нисбатан буткул лоқайдлик — хуллас, бу ердаги ҳамма нарса уни хайратга соларди. Керри шу чоккача хозир ўзлари истиқомат қилишаётгандек мўъжазгина хоналарни кўрмаган эди, лекин шунга қарамай буларни севиб қолишига ҳеч нарса монелик қила олмади. Янги буфет унда бошқача таассурот қолдирди, Герствуд идишларни унга дид билан териб қўйганидан бутун чиройини кўз-кўз қилиб турарди. Хар бир хона ўзига хос равишда жиҳозланган, меҳмонхонада ижарага олинган рояль турар, наинки Керри музика ўрганишга ихлос қўйганди... У оқсоч ёллаб ўзининг рўзгор ишларига қобилияти борлигини кўрсатди. Умрида биринчи марта мавқеининг турғунлиги ва доимийлигини ҳам пайқади, бу эса унга ҳаётини одамлар кўзида оқлаётгандай туюларди. Хуллас, қўйинг-чи, қўнгли ҳам хотиржам эди. Нью-Йоркдаги гарчи бирга туришса ҳам йилларча бири-бирига бегона ва бефарқ бўладиган ўнларча хонадонлар истиқомат қиладиган уйларнинг тузилиши Керрини узоқ вақт қизиқтириб юрди. У портдаги юзларча кемаларнинг гудок чалишлари, кемаларнинг ва солларнинг туманда бир-бирларига узоқ чинқириб, нидо беришларидан ҳам дол эди. Бу овозларнинг денгиз томондан келишининг ўзи ҳам унга нимаси биландир ажиб туюларди. Керри Гудзоннинг деразадан кўриниб турган бўлаги ва тез суратда кетаётган улкан иморатлар қурилишини соатларча завқланиб томоша қила оларди. Бу ерда бош котиришга арзигулик нарсалар сероб, янги таассуротларнинг ўзи ҳам нақ бир йилга етар, биронтаси мутлақо қўнгилга тегмасди.

Бундан ташқари, Герствуд Керрига бениҳоя вафодор эди. Хар қанақа хавотирликлар унга қанчалик азоб бермасин булардан Керрига сира оғиз очмасди. У ўзининг аввалги викорини йўқотмаган, янги мавқеига кўниккан, Керри ёнидалиги, унинг қобилиятлилиги ва озгина бўлсада, эришаётган ютуқларидан шод эди. Хар оқшом у вақтида тамадди қилгани келганида емакхонани ораста ва шинам ҳолда кўрарди. Хонанинг ҳажман ихчамлиги уни ниҳоятда шинам кўрсатар, у зарурий нарсалар билан жиҳозлангандек туюларди. Устига опшоқ дастурхон ёзилган стол устида чиройли ликобчалар кўринар, тўрт бутокли ва мўъжазгина алвон соявоилари бўлган қандил майин ёғду сочарди. Керри оқсочи кўмагида бишойиндек бишптекс ва котлетлар қилар, бошка нарсаларга келганда эса консерва қилинган хилма-хил маҳсулотлар жони-

га оро кирарди. У пишириб-куйдиришни ҳам ўрганиб олганидан кўп ўтмай енгил ва ширин бисквитлари билан ҳам мактана оладиган бўлиб қолди.

Уларнинг шу тарика кунлари ўтаверди, икки, уч, тўрт ой ҳам орқада қолди. Қиш тушиши билан Керрининг кўнглига уйда ўтирганга нима етсин деган фикр ҳам келди. Улар театрларга боришдан кам оғиз очишарди. Герствуд зўр бериб рўзгорга кетаётган харажатларни қоплашга ҳаракат қилар, бунда хавотирини билдирмасликка тиришарди. У келгусида кўпроқ даромад қилиш учун дам-бадам ишга пул қўшишимга тўғри келяпти, дерди. Ўзига келганда эса жуда озгина сарф билан кифояланар, Керрига ҳам ахён-ахёнда бирор нарса олиб берайми, деган гапни айтарди. Биринчи қиш шу зайлда ўтди.

Иккинчи йили Герствуд бошқараётган майхонадаги иш бир мунча жонланиб ҳар ойда илгариги мўлжалдаги бир юз эллик доллар даромад бера бошлади. Афсуски, бу пайтда Керри ҳам ўзича баъзи бир хулосалар чиқаришга улгурган, Герствуд ҳам ўз тарафидан унча-бунча танишлар орттирганди.

Табиатан анча бўшанг бўлган Керри кўзига анча маъқул кўринган аҳволига кўникиб қолганди. Улар гоҳо театрларга боришар, ахён-ахёнда океан соҳилига, Нью-Йоркнинг турли томонларига қадам ранжида қилишса ҳам таниш-билишлари мутлақо йўқ эди. Герствуднинг Керрига муомаласида аввалги назокати ва сулукати қолмаган, энди ўзини дўстларча тутишга ўтганди, албатта. Улар гиди-биди қилишмас, қарашларида ҳам айтарли тафовут кўринмасди. Чўнтагида ортиқча пули бўлмай, дўстлари билан ҳам борди-келди қилмай қўйган Герствуднинг ҳаёти Керрида рашк ҳам, норизолик ҳам кўзғамасди. У Герствуднинг ўлиб-тирилиб ишлаётганига хайрихоҳлик билан қарар, Чикагодаги ҳар қадамдаги маишатлардан маҳрум бўлганига заррача қайғу чекмасди. Керрини умуман Нью-Йорк ва қисман уйдаги турмуши ҳозирча қаноатлантириб турарди.

Юқорида айтганимиздек, Герствуднинг ишлари ривож топгани сари аста-секин ошна-оғайнилар орттира бошлади. У ҳам энди ўзига дурустроқ караб юра бошлади. Герствуд ўзини оилавий ҳаётни жуда ҳам кадрлайман, деб ишонтирса ҳам бу мени гоҳо уйга овқатга бормаслик ҳуқуқидан маҳрум қила олмайди, деган фикри ҳам йўқ эмасди. Бундай ҳол илк бор содир бўлганида у

дастёр юбориб, Керрига ишда тутилиб қолганлигини етказди. Шунда Керрининг ёлғиз ўзи тамадди қилди. Ўшанда Керри бу бошқа такрорланмайди, деб умид қилганди. Иккинчи сафар ҳам шундай бўлди, бироқ Герствуд, «боролмайман» деган гапни Керрига охирги дақиқада етказди. Учинчи сафар эса Герствуд Керрига хабар қилиб қўйишни буткул унутди, уйга алламаҳалда қайтганидан кейингина ундан узр сўради. Тўғри, бу холлар содир бўлгунча орадан бир неча ойлар ўтиб кетганди.

— Қаерларда қолиб кетдинг, Жорж? — деб сўради Керри Герствуд биринчи марта уйга овқат қилгани келмаганида.

— Майхонада ушланиб қолдим, — мулойимлик билан жавоб берди Герствуд. — Баъзи бир ҳисоб қоғозларини расмийлаштириш керак эди.

— Келмаганинг жуда ҳам чакки бўлди-да, — Керри Герствуддан меҳрибонларча ўпқаланди. — Жуда ҳам ажойиб нарса пиширувдим!

Иккинчи марта ҳам Герствуд бандлигини баҳона қилди, учинчи сафар эрининг бу қилиғидан Керрининг анчамунча жаҳли чиқди.

— Мен уйга келолмасдим, тушунсанг-чи, — деди Герствуд ўзини оқлаб. — Жуда ҳам банд эдим.

— Кела олмаслигингни хабар қилиб қўйсанг бўлмасмиди, — Керри ҳам бўш келмади.

— Хабар қилмоқчи бўлувдим, бироқ ишга овора бўлиб кетиб унутибман, эсимга тушганида вақт ўтганди.

— Мен бўлсам бирам ширин овқатлар пиширувдим-а! — Керри хўрсиниб қўйди.

Герствуд кўп кузатишлардан кейин Керри табиатан уйда ўтирадиган хотин ва унинг асосий бурчи — уй билан рўзғор деган фикрга келди. У гарчи Керрининг Чикагода сахнада ўйнаганини кўрган бўлса ҳам, бир йиллик турмушдан кейин ўзи яратиб берган шароит ва дўсту ёронларининг буткул йўқлиги туфайлигина хонанишин бўлиб қолганлигини жуда яхши билса ҳам бундай ғалати хулосага келган эди. Герствудни бориға шуқур қиладиган хотини қувонтирарди. Бундай қараш табиий оқибатларга олиб келди. Герствуд Керри мамнун деган хаёлга бориб, унга хоҳласа қараб, хоҳламаса қарамай юришни ўзига маъқул деб билди. Бошқача қилиб айтганда, у мебель, квартирани безатиш, керакли кийим-кечак ва озиқ-овқатга кетадиган маблағлар ғамини ердию, бироқ у ёқ-бу ёққа олиб бориб кўнглини очиш, улкан ша-

харнинг ҳашамати ва хурсандлигидан баҳраманд этишни хаёлига камдан-кам келтирарди. Шахсан ўзи квартирасидан таниқаридаги оламга шиддат билан талпинса ҳам негадир мен билан судрашиб юришининг Керрига қизиғи бўлмаса керак, деб ўйларди. Кунлардан бирида театрга Герствуднинг якка ўзи борди. Бошқа сафар эса янги дўстларининг уйига карта ўйнагани кетди. Аста-секин чўнтаги ҳам пул кўриб, яна ишлари гуркирай бошлади, бироқ Чикагодаги даражасига етишига ҳали анча бор эди. Бунинг устига ишратхоналарга киришга ҳар қанақасига чап берар, нега деганда у ерда илгари отишиб юрган ошнолари билан тўқнашиб қолиши мумкин эди.

Керри буларнинг барини ўзича фаҳм қила бошлади, бироқ у табиатан бундай нарсалардан хавотирга тушадиган хотинлар жумласидан эмасди. Герствуд жонидан ортиқ севмагани учун рашк ўтида қоврилмаса ҳам бўларди. Очиғини айтганда унда рашк деган нарсанинги ўзи йўқ эди. Герствуд бўлса унинг мўмин-қобиллигидан азбаройи мамнунлигидан бунинг тагига етишга ҳам уришиб кўрмасди. Шу ваздан Герствуд овқатлангани мабодо уйга келмай қолса ҳам Керри куйиб-пишмасди. Битта-яримта ошнаси билан гурунглашиб қолгандир ёки бирон жойга киргиси келгандир, эркаклар ўзи шунақа, кўнгили очишни яхши кўришади деб қўя қоларди. Герствуднинг вақтичовелик қилиб юрганига Керри мутлақо қарши эмасди. У фақат унинг эсидан чиқиб кетишини истамасди, холос. Уйдаги аҳвол ҳар қалай чидаса бўладиган даражада эканлигидан у Герствуднинг бутунлай бошқача бўлиб қолганлигини кўнглидан ўтказиб кўярди, холос.

Нью-Йоркка келганларининг иккинчи йили уларнинг ёнгинасидаги квартира бўшаб, унга эри билан жуда ҳам сохибжамол жувон кўчиб келди, Керри бу эр-хотин билан танишиб олди. Иккала квартирага юк ташийдиган битта лифт хизмат қилиши уларнинг танишувини тезлатиб юборди. Бу фойдали қурилма магазиндан юборилган нарсаларни юқорига, турли-туман ташландиқларни пастга йўллашга хизмат қиларди. Дарбон ҳар сафар ҳуштак чалганида иккала квартиранинг бекаси лифт эшигига яқин келишиб, шу тариқа бир-бирлари билан тўқнашишарди. Керри бир кун лифтдан газета олгани чиққанида янги қўшнисини йигирма уч ёшлардаги сочлари қоп-қора жувон ҳам шундай мақсадда лифт эшигининг олдида турган экан. Унинг устида тунги кўйлак узра ценюар ташланган бўлиб, соч-

лари тўзғиган, лекин шунда ҳам у ниҳоятда хушрўй ва ёркам бўлганидан Керрига дарров ёқиб қолди. Қўшни яқинқираб салгина жилмайган бўлса ҳам шунинг ўзи кифоя эди. Ўша захотиёқ Керрининг кўнглига бу жувон билан танишиб олсам яхши бўларди-да, деган гап келди. Керрининг соддагина рухсоридан хайратга тушган ёшгина жувоннинг хаёлидан ҳам шундай фикр ўтди.

— Ёнимизга эри бор чиройли жувон кўчиб келибди, — деб қўйди Керри бир куни Герствуд билан нонушта қилишга киришаркан.

— Кимлар экан? — кизиқди Герствуд.

— Мен, очиги, билмайман, — деди Керри, — уларнинг кўнғироғи тепасига «Вэнс» деб ёзиб қўйилибди. Улардан қайсинисидир роялни ўхшатиб чалишини билман, холос. Менимча, у миссис Вэнс бўлса керак.

— Ҳим! — Герствуд тўнғиллаб қўйди. — Нью-Йоркдайдан шаҳарда ёнгинангда қандай одамлар турганини ўлсанг ҳам билолмайсан.

Ана шу озгина сўзларда Нью-Йоркдаги кишиларнинг кўни-қўшниларига бўлган одатий муносабати акс этарди.

— Буни қара-я, Жорж! — деди Керри. — Мана мен ана шу уйдаги ўнларча оила орасида турганимга бир йилдан ошса ҳам бирорта одамни танимайман. Ҳозиргина сенга айтган янги кўшниларимизнинг кўчиб келишганига бир ойдан ошди, мен бўлсам мисс Вэнсни биринчи марта бугун эрталаб кўрдим.

— Начора, бу ёмон бўлмаса керак, — Герствуд ҳамон оёқ тираб турарди. — Ким билан муомала қилаётганингни ҳеч қачон билолмайсан киши. Гоҳо ғирт бемаза одамларга дуч келиб қоласан.

— Албатта, — Керри унинг гапига қўшилди.

Гап бошқа мавзуга кўчганидан кейин Керри бу хусусда ўйламай қўйди. Орадан икки-уч кун ўтгач, бозорга бораман, деб уйдан чиқаётганида миссис Вэнсга рўпара келганида бу эсига тушди. У уйига қайтаётганида Керрини таниб, бош ирғади. Керри бунга жавобан жилмайиб қўйди. Шу тариха уларнинг танишувлари учун замин вужудга келди. Мабодо ана шу йўл-йўлакай сўрашув бўлмаганида, эҳтимол улар бир-бирларини яқинроқ билмаган бўлур эдилар.

Орадан яна бир неча ҳафта ўтса ҳамки, Керри миссис Вэнсни учратмади. Бироқ уларнинг хоналарини ажратиб турган юпқа девор оша рояль овози келиб турарди. Керрига музикали пьесаларнинг танланиши ҳам, ўхша-

тиб чалиниши ҳам ёқарди. Ўзи эса роялни ўртача чалар, шунинг учун ҳам унинг тасавбурида миссис Вэнс жуда ҳам қотираётгандек бўларди. У шу чокқача кўрган ва эшитишга улгурган нарсаларнинг бари қўшнилари жуда маданиятли ва ўзларига тўқ одамлар эканлигини кўрсатарди. Керри шунинг учун ҳам қўшнилари билан танишиб олгани қулай фурсат келишини қутарди, албатта.

Бир куни эрталаб Керрининг квартирасида қўнғирок чалиниб қолди. Бу пайтда ошхонада бўлган оқсоч пастдаги ўз-ўзидан очиладиган кўча эшикнинг тугмасини босди. Керри келаётган киши ким эканлигини билмай деб майдончага чиққанида зинадан миссис Вэнс чиқиб келаётганини кўрди.

— Мени кечирарсиз, деган умиддаман, — деди миссис Вэнс. — Кетаётганимда калит эсимдан чиқиб қолибди, шунинг учун қўнғирокни босишга журъат этдим.

Паришонхотирлик қилиб, калитни олишни унутган бошқа қўни-қўшнилар ҳам бу йўлни ишлатиб турганларидан ҳеч ким узр сўрашни ўзига эп билмасди.

— Жонингизга оро кирганимдан хурсандман, — деди Керри. — Ўзим ҳам кўпинча шу усулдан фойдаланиб тураман.

— Ҳавонинг ажойиблигини қаранг-а! — деб қўйди миссис Вэнс бир дақиқа тўхтаб.

Шундай қилиб, бир дам у ёқ-бу ёқдан гаплашганларидан кейин ниҳоят танишиб ҳам олдилар, Керри миссис Вэнс ажойиб ҳамсуҳбат ва дугона эканлигига ишонч ҳосил қилди.

Керри шундан кейин қўшнисининг уйига тез-тез кириб турадиган бўлди. Миссис Вэнс ҳам ўз навбатида уни тез-тез йўқлаб турарди. Икковларининг ҳам квартиралари шинамгина бўлиб, Вэнсларнинг уйи анча дурустрок жиҳозланганди.

— Кечқурун бизларникига чиқинглар, — деб таклиф қилди бир куни миссис Вэнс. — Мен сизни эрим билан таништираман дедим. — Бу гап иккала аёл дўстлашиб олганларидан кейин бўлди. — Эрим сизлар билан танишишни жуда-жуда истаяпти. Карта ўйнаб турасизларми? — қўшиб қўйди миссис Вэнс.

— Жиндай, — жавоб берди Керри.

— Демак, биз кичкинагина партия қиламиз. Агар ўша пайтгача эрингиз келиб қолса уни ҳам албатта олиб киришг!

— У бугун овқат қилгани келмайди, — деди Керри.

— Ундай бўлса келганидан кейин чакирамиз.

Керри розилик билдириб, ўша куниёқ бакалоқ мистер Вэнс билан танишиб олди. Мистер Вэнс Герствуддан анча ёш эди. Мистер Вэнсда шундай гўзал ва ёқимли хотин бўлишига унинг хуснидан ҳам кўра кўпроқ пули сабабчи кўринади.

У бир қарашдаёқ Керрини ёктириб қолганидан серптитфот бўлишга уриниб ўзини минг кўйга соларди: Керрига картада янги ўйин ўргатди. Нью-Йорк ва унинг кўнгилочар жойлари сероблиги ҳақида роса оғиз кўпиртирди.

Миссис Вэнс шундан кейин рояль чалиб берди, ордан кўп ўтмай Герствуд ҳам келиб қолди.

— Сиз билан танишаётганимдан хурсандман, — деди Герствуд Керри таништираётганида миссис Вэнсга.

Унинг ҳаракатларида яна бир вақтлари Керрининг юрагини жизиллатган назокат пайдо бўлганди.

— Хотиним қочиб кетибди, деб ўйламадингизми, ишқилиб? — сўради мистер Вэнс Герствудга кўлини узатаркан.

— Ҳа, ўзи бопроқ эр топгандир, деб ўйловдим-а, — Герствуд ҳам унинг гапига мос жавоб берди.

Герствуд шундан кейин бутун эътиборини миссис Вэнсга қаратди. Керри ўшал лаҳзанинг ўзида Герствудга кейинги пайтларда пинхона етишмай юрган нарса — замонанинг илғор кишисига виқор ва шукуҳ-салобат унда яна пайдо бўлганини кўрди. Керри ўзининг анча хароброқ кийингани, миссис Вэнсчалик яхшилаб ясанмаганини ҳам пайқади. Бамисоли кўзи олдидаги парда кўтарилгандек унга ҳаммаси аниқ-равшан бўлди қўйди. У энди кунлари ночор ўтаётганини сезди, шунинг ўзиёқ кайфияти ўзгаришига кифоя қилди. У яна илгаригидай бемаъни маъюсликка берилиб кетди-ю, орзу-хавас иштиёкида ёнди.

Керридаги бу ўзгариш қандайдир тезкор оқибатларни келтириб чиқармади, нега деганда Керри табиатан дадил иш бошлайдиганлардан эмасди. Шундай бўлса ҳам у доимо янги нарсанинг ҳаммасига йўл беришга мойил бўлганидан ҳаётини ўзгаришлар оқими уни олисга олиб кетиши мумкин эди. Герствуд ҳеч нимани пайқамасди. Керри эътибор берган ва очиқ кўриниб турган номуносибликлар унинг назаридан пинхон қолди. У ҳатто Керрининг кўзларидаги ғамгинликни ҳам сезмади. Керри-

нинг энди уйда ўзини ёлғиз сезаётгани ва чин юракдан ёқтириб қолгани миссис Вэнсга талпиниши ҳаммасидан ҳам ёмон эди.

— Юринглар, бугун кундузги спектаклга борайлик! — деб қолди бир куни миссис Вэнс Керрининг квартирасига бош суқиб.

Унинг устида оч бинафша ранг капот бўлиб, ўрнидан туриб оқ уни кийиб олганди чоғи. Герствуд билан Вэнс эса бундан бир соат илгари ишларига кетишганди.

— Майли, — Керри бежирим дугонасининг силлиқлигига завқланиб тикиларкан рози бўлди.

Миссис Вэнснинг ҳар бир истаги бажо бўлаётгани, уни ҳамма севиши аниқлигини билиш учун унга бир қараб кўйишнинг ўзи кифоя қиларди.

— Бугун қанақа томоша? — Керри қизиқиб сўради.

— О, мен Натан Гудвинни жуда ҳам кўргим келяптида! — деди миссис Вэнс. — Менимча, оламда ундан зўр комик йўқ. Газеталарда унинг ўйини роса ҳам макталяпти.

— Биз қачон уйдан чиқишимиз керак? — сўради Керри.

— Мен соат бирда чиқиб, Бродвейни айланишни таклиф қилардим, — деди миссис Вэнс. — Бу ажойиб сайр бўлади. Театр — Мэдисон-скверда.

— Мен жон-жон деб бораман, — деди Керри. — Билет қанча тураркин? — сўради у.

— Менимча бир доллардан ошмайди, — жавоб берди миссис Вэнс.

Миссис Вэнс квартирасига кириб кетиб, соат бирда яна пайдо бўлди. Энди унинг эғнида зўр қилиб тикилган кўк кўйлак, бошида қойилмақом шляпа бўлиб, ўзига жуда-жуда ярашиб турарди. Керри ясаниб олганидан жуда очилиб кетган бўлса-да, бироқ дугонасига кўзи тушиши билан оқ икковларининг орасида анча-мунча фарқ борлигини дарров сезди ва юраги зирқираб кетди. Миссис Вэнсда пардоз-андозини тўлдириб турган қимматбаҳо безаклар — тилла буюмлар, яхши теридан тикилган монограммали бежирим сумкача, чиройли дастрўмол ва шунга ўхшаган нарсалар бўлиб, булар Керрида йўқ эди. Керрининг ўзи ҳам бу аёл билан бўй ўлчашишга бисоти озлик ва ғариблик қилишини тушуниб турарди. У бизга кўзи тушган ҳар бир одам миссис Вэнснинг усти-бошига махлиё бўлиб, ундан нари кетолмай қолади, деган хаёлга

борди. Бу фикр унчалик тўғри бўлмаса ҳам Керрига азоб берарди. Нега деганда Керрининг қадди-қомати дугонасининг қадди-қоматидан сира ҳам қолишмас, ҳусн бобида чакана эмасди. Булар ўртасидаги тафовут улар устидаги либосларнинг сифатида ва янгилигида эди, ҳолос. Бироқ бу ҳам кўзга яққол ташланиб турибди, деб айтиб бўлмасди. Хуллас, нимаики бўлганда ҳам ана шу воқеа Керрининг ўз ахволдан норозилигини янада кучайтирди.

Ўша кунлари (дарвоқе, ҳозирда ҳам) Бродвей сайри Нью-Йоркнинг асосий қармоқларидан бири саналарди. Бу кўчада фақат бежиримгина жувонларнигина эмас, балки уларга беш кетишни севадиган эркакларни ҳам учратса бўларди. Гўзаллару ясан-тусанларнинг бари шу ерда эди. Аёллар бу ерга энг яхши шляпалари, бежирим пойабзаллари ва қўлқопларини кийиб келиб, иккитадан бўлиб, қўл ушлашиб, Бродвейнинг Ўн тўртинчи кўчадан то Ўттиз тўртинчи кўчага чўзилган жойларидаги ҳашаматли магазинлари ёки театрларига томон боришарди. Ҳар бир тикувчи бу ерда эркаклар костюмларининг энг яхши нусхаларини танлаб олса бўлар, этикдўз қандай пойабзал тикиш бобида сабоқ олар, шляпа устаси эса эркакларга бош кийимларнинг қанақалари ёқишини билиб ола оларди. Чиройли кийим ишқибози ҳозиргина битган костюмини кийган бўлса ҳам Бродвейда албатта янгиламасдан иложи йўқ, деб бежиз айтилмаган. Орадан бир неча йил ўтгач хароброқ кийинган бир киши ҳақида йўл-йўлакай айтилган «Бродвейда нима бор унга?» деган сўзлари бўлган ашуланинг барча мюзикхолларни айланиб чиққанлиги бу ердаги одатни нақадар тўғри ифода этганлигини кўрсатади.

Керри Нью-Йоркка келганидан бери ясан-тусан қилганларнинг бундай намойиш ва кўрғазмаси ҳақида мутлақо ҳеч нима эшитмаганди. У Бродвейга ана шуларнинг барини кўриш мумкин бўлган соатларда ҳам сира келмаганди-да. Миссис Вэнга келганда эса буларнинг бари унга одатдаги манзара эди. Буни у бир неча марта кўриш у ёқда турсин ўзи ҳам унда иштирок этиб, ясан-тусани ва ҳусн-жамоли билан кўпларнинг ивир-шивирига сабабчи бўлганди. У бу ерда бошқаларни кўриш учунгина эмас, балки моладан қолмаганига яна бир марта ишонч ҳосил қилиш учун келарди.

Керри Ўттиз тўртинчи кўчада трамвайдан тушганла-

ридан кейин ўзини бемалол тутиб, дугонаси билан бирга кетаётган бўлса ҳам ясан-тусан қилган ва теварак-атрофида ғужгон ўйнаётган оломондан кўзини уза олмасди. У шунда бирдан миссис Вэнснинг қадам ташлашлари ва ўзини туттишлари келишган эркакларнинг ва ясан-тусани ўрнига қўйган аёлларнинг синовчан боқишлари таъсирида қандайдир ясама ва зўрма-зўраки бўлиб қолганини сезди, чамаси, бу ерда одамга тикка қараш сира ҳам одобсизлик ҳисобланмасди. Керри ўзига ҳам ўнларча кўзлар қадалиб, бошдан-оёқ разм солаётганини кўкқисдан сезиб қолди. Ажойиб пальто ва цилиндр кийган эркаклар қумуш сопли хассаларини қўлда ўйнаб дамбадам аёлларга яқин келиб, уларга майли борми, дегандай каттиқ тикилишарди. Аёллар шоҳи либосларини шитирлатиб, ясама табассум қилишар, теварак-атрофга атирларнинг хушбўй иси тараларди. Бу ерда тўғрилиқ эгриликка ён бермай иложи йўқ эди. Юзларини қизил қилиб, уша қўйиб, лабларини бўяб, кўзларини ранг мададида хумор қилганлар бу ерда қанчадан-қанча эди. Керри ясан-тусан ва мода кўрғазмасининг (яна қандай кўрғазмани денг!) нақ марказига тушиб қолганини бирдан тушуниб олди! Заргарларнинг витриналари ҳар қадамда кўзни оларди. Гул магазинлари, мўйна ательелари, эркаклар ва аёлларнинг ташқи ва ички кийимлари сотиладиган магазинлар ҳар қадамда учрарди. Кўчада извошлар ва соявон аравалар ғиж-ғиж. Дарвозаларда устларига тилла тугмачали қандайдир йўл-йўл либос кийган дарбонлар туришарди. Жигар ранг гетр, оқ иштон ва кўк жакет кийган аравакашлар мол харид қилиш билан банд бўлган бекаларини итоат билан кутишади, Бродвейнинг қаерига боқманг бойлик ва хашам барқ уриб турганидан Керри ўзининг бу оламга мансуб эмаслигини сезди. У ҳар қанча уринса ҳам миссис Вэнс сингари бу ерда ўзини бемалол тутолмасди. Назарида икковларининг ясан-тусанларидаги тафовут рўпарадан келаётган ҳар бир одамга ярқ этиб кўринаётгандек бўларди. Бу эса юрагини баттар зирқиратарди. Керри то усти-бошини яхшилаб олмагунча бу ерда қорасини кўрсатмасликка аҳд қилди, у айна пайтда ана шу намоишда бошқалар билан баб-баравар ўзини кўз-кўз қилишдек роҳатга ҳам ташна эди. О, унда бахтиёр хис қилган бўлур эди ўзини!

ВАЛТАСАР БАЗМИ. ҲАЁТ ТАЛҚИНЧИСИ

Бродвейни айланганларида кўнглида ҳосил бўлган туйғулар туфайли Керри ўша кунги пьесани ниҳоятда таъсирчанлик билан кўрди. Ундаги асосий ролни ижро этган актер қувноқ комедияларда қатнашиб ном чиқарганди. Одатда бу комедияларда кулгили сахналарга контраст учун инсон қайғусини ифодаловчи кўринишлардан ҳам бир қанчаси омухта қилинарди.

Ўзимиз билганимиздек театр Керри учун доимо улкан мафтункор кучга эга эди. Ёшгина жувон Чикагодаги унутилмас ижросини унутмаган, у ҳамон қалбида яшар ва тебратма стул билан ўша пайтда ҳаммининг қўлидан тушмайдиган романлар — яккаю ягона овунчоғи бўлган узундан-узоқ окшомларда бу хотира фикру зикрини бугунлай забт этарди. Мабодо театрға бориб қолгудай бўлса ҳам ўша захотиёқ қобилиятли эканлиги эсига тушарди. Кўпинча спектаклдаги бирорта эпизод унда ўйинда иштирок этиш ҳавасини уйротар, ўзини гоҳ у, гоҳ бу ижрочининг ўрнига қўйиб ўтирганидан қалбини қитиклаган туйғуларга эрк беришни истарди. Шунинг учун ҳам ҳар сафар театрдан ёрқин таассуротлар билан қайтар, булар эртасига ҳам кун бўйи унга тинчлик бермасди. У ҳар кунги воқеалардан ҳам кўра ана шу орзулар билан кўпроқ банд бўларди. Гоҳо ҳаётда кўрган нарсаларидан тўлқинланиб театрға келган пайтлари ҳам бўларди. Бугун эса унинг кўнглида ҳашамат, майшат ва гўзаллик манзараси шарофати билан туғилган кўшик охиста янграрди. О, бугун ёнидан ўтган юзларча аёллар. Кимлар улар? Кишини лол қолдирувчи бундай ажиб ясан-тусан, фаройиб безаклар, кумуш ва олтин тақинчоқлар қайдан келган? Улар деворлари шоҳи билан ўралган, мебеллари жимжимадор ва пат гиламли жойларда кунларини қандай ўтказишаркин? Уларнинг пулга сотиб олса бўладиган нарсаларга сероб ҳашаматли қошоналари қаердайкин? Анави устларига дабдабали ливреялар¹ кийган извошчилар ўтирган экипажларга қўшилган тухумдан силлиқ учқур отлар қанақа отхоналарда сақланаркин? О, бу данғиллама уйда ёрқин шуъла, хуш бўйлар, шинам-

¹ Извошчилар учун ука тутиб тикилган махсус кийим.

гина будуарлар, нозу неъматларга тўла дастурхонлар! Нью-Йорк бундай кошоналарга сероб бўлмаса керак, акс холда ана шу соҳибжамол, ўзига ишонган, пурвиқор таннозлар бўлмасди! Буларни бирорта гулхонада парвариш қилишади шекилли. Керри ўзининг улар тоифасига мансуб эмаслигини ва орзулари рўёбга чиқмай қолиб кетишини ўйлаганида яна ичидан зил кетди. Шунда кейинги икки йил ичидаги танҳолиги, кўпдан бери интилиб келаётган мақсадига ҳали ҳам етолмаганига лоқайд қараб келаётгани хусусида чуқур ўйга ботди.

Пьесанинг сюжети бачканарок бўлиб, у аъёнлар ҳаётидан олинган, зарҳал жихозларга кўмилган кошоналардаги башанг кийинган хонимлар ва хушторларнинг рашк билан ишқ ўтида куйиб-ёнишларини ҳикоя қиларди. Бундай пьесалар умр бўйи шунақа ҳаётни орзу қилиб келаётган кишиларни доимо ҳайратга солади. Унда роҳат-фароғатда яшаётганларнинг ҳам бошига кулфат тушиши кўрсатиларди-да. Зарҳал курсида ўтириб изтироб чекишга ким ҳам жон демайди? Атир сепилган гобеленлар, юмшоқ курсилар ва хизматкорлар орасида маъюсланишни ким ҳам истамайди? Бунақа шароитдаги кулфат ҳам одамни қизиқтириб қолади. Керри ҳам унга томон талпинарди. У худди ана шунақа шароитда қанча бўлса ҳам қийналишга, иложи бўлмаса буни ақалли гўзал бир шаклда сахнада ифодалаб беришни истарди. Кўрганларининг бари ҳаёлини буткул банд этганидан пьеса унга нимаси биландир бениҳоя ажойиб кўринарди. Керри энди бутун вужуди билан ана шу ясама оламда чанпар ураётганидан расмана ҳаётга ҳеч қачон қайтмаса хурсанд бўлур эди. Танаффус пайтида биринчи қатор ва ложалардаги башанг кийинган томошабинларни кўрганида Нью-Йорк ҳақидаги тасаввур янада бойиди. Энди у Нью-Йоркнинг ҳаммасини кўрмаганлигини, бу шаҳар шўхлик ва роҳатнинг бутун бир гирдоби эканлигини билиб олганди.

Улар театрдан чиқишганларидан кейин бояги Бродвей Керрига янада ибратли сабоқ берди. У театрга кетаётганида кўрган ҳашамлар бутунлай уни гангитиб қўйди. Керри ана шу кўргани — ҳашам, зеб-зийнат, безаклардан ўзига келолмасди. Ўзи билан буларнинг ораси ер билан осмонча фарқ бор-а! Ҳа, ана шундай ҳаёт ақаламати насиб этмагунча унинг ҳаёти ҳаёт бўлмайди, ҳатто яшаяпман, деб айтишга ҳам ҳаққи бўлмайди! Бу ерда аёллар пулни пўчоқча билишмасди, бу йўлларида учраган ҳар бир магазинга киришгандаёқ равшан бўлди. Бу

танноз аёллар гўё ҳаётларини гуллару қимматбаҳо нарсалар, ширинликлар ва ясан-тусанлардан бошқа ҳеч нарсани билмагандай туюларди. Керри-чи! Унинг бу ерда ойда бир-икки марта айланиб, театрға тушишига аранг чақаси етарди.

Шу оқшом Керрининг шинамгина квартираси оддий ва ўртамиёна кўринди. У оламдаги бошқа одамлар ҳузур қилиб яшаётган ола баргоҳларға сираям ўхшамасди. Керри овқат қилаётган оқсочни ҳам лоқайд кузатиб турарди. Хаёлига дам-бадам ҳозиргина кўрган комедиясидаги воқеалар келарди. Ҳаммасидан ҳам у одамлар парвона бўлиб, юрагини забт этишға уринишган маҳбуба ролини ўйнаган ёш актрисани кўпроқ эсларди. Бу жувоннинг бежиримлиги сира Керрининг кўзи олдидан кетмасди. Унинг безангани шоҳона санъатнинг ўзи, қийналишлари нақадар ҳаққоний! У ифодалаган қайғу Керрига тушунарли. Керри бу ролни ундан ёмон ўйнамаслигига ишонарди. Баъзи жойларини бу актрисадан ҳам ўтказиб юборган бўларди. У баъзи ибораларни овозини чиқариб такрорлади ҳам...

О, қани энди саҳнага чикса, унга ҳам шунақанги роль беришса, ҳаёти нақадар қизиқарли ва серкўлам бўларди-да! У ҳам ўзининг ижроси билан томошабинларни ҳаяжонға соларди.

Герствуд келганида Керри хомуш эди. У дераза олдидаги тебратма стулда ўз хаёлларига берилганича оҳиста чайкалиб ўтирарди. У орзулари оламиға биров халал беришини истамаганидан иложи борича камроқ гапиришға ёки умуман чурқ этмасликка ҳаракат қиларди.

— Сенға нима бўлди, Керри? — деди унинг хомушлиги ва индамас бўлиб қолганлигини тезда пайқаган Герствуд.

— Ҳеч нима, — жавоб берди у. — Негадир тобим кочиб турибди.

— Касал-пасалмасмисан ишқилиб? — сўради Герствуд унга яқин келиб.

— Йўғ-е! — Керри сал зарда билан жавоб берди. — Сал мазам бўлмай турибди, холос.

— Минг афсус, — деди Герствуд нарироқ бориб, жилетининг Керри томон энгашиганида вижим бўлиб қолган жойини тўғриларкан. — Мен бўлсам бугун театрға борсам, дегандим.

— Менинг боргим келмаяпти, — деди Керри.

Герствуд келиб, ширин хаёлларини бузганидан Керрининг аччиғи келганди.

Мен бугун кундузги спектаклни кўриб келувдим, -- деб кўшиб кўйди Керри.

-- Шундай дегин! -- деди Герствуд. -- Нимани томоша килдинг?

-- «Олтин зарралар»ни.

-- Хўш, қалай? Сенга ёқдими?

-- Жуда ҳам!

-- Унга бугун яна бир марта боргинг келмаяптими?

-- Келмаяпти хисоби, -- деди Керри.

Керри ҳар қалай инжиқлигига чек қўйиб, стол ёнига ўтирди. У фикрини ўзгартирганди: гоҳида бир тарелка шўрва ҳам мўъжизалар яратади. Қўйинг-чи, Керри Герствуд билан театрға борди. Шу билан вақтинча бўлса ҳам ўзини хотиржам сезди.

Бироқ Керрининг кўзи очилишига бу илк туртки бўлди. Буни унутишга ҳар қанча уринмасин норозилик туйғуси қўнглидан қарийб кетмасди. Вақту такрорийлик -- о, нақадар зўр куч! Тошга сув тома-тома ахийри уни тешиб, парча-парча қилиб ташлайди.

Биз тасвир этган кундузги спектаклдан кейин орадан чамаси бир ой ўтгач, миссис Вэнс Керрини яна театрға таклиф қилди. У Керридан Герствуд овқатға келмаслигини эшитганди.

-- Биз билан бирга борсангиз бўлмайдими? Бугун овқат пиширмай кўя қолинг. «Шерри»да овқатланамиз-да, кейин «Лицей»ға борамиз. Биз билан албатта боринг!

-- Миннатдорман, ҳарҳолда борсам керак, -- розилик билдирди Керри.

Керри Вэнслар таълаган ҳашамдор ресторанга соат беш яримда бориш учун соат учлардан оқ отлашишга тушди. Кийиниш бобида унга назокатли миссис Вэнсинг таъсири ўтганлиги ошқора кўриниб турарди, миссис Вэнс аёлларнинг ҳуснини очадиган турли-туман янги нарсалардан Керрини доимо воқиф қилиб турарди.

-- Ҳозир расм бўлган думалок садаф тугмали қўлқопларға кўзингиз тушмадими?

Керри бунақа саволларни дугонасидан доимо эшитиб турарди.

-- Келгуси сафар ботинька олганингизда албатта тугмачали, тумшуғи ялтироғи ва таг чарми қалинидан олинг, жоним, -- дерди миссис Вэнс йўл-йўриқ кўрсатиб. -- Бу йил кузда шунақа пойабзал расм бўлган.

-- Раҳмат, шундай қиламан, -- дерди Керри.

-- Альтманнинг магазинида қанақа кўйлақлар пайдо

бўлганини пайқадингизми, азизим? — деб қолди бошқа сафар миссис Вэнс унга. — Бичими жуда ҳам зўр-да! Мен у ерда битта кўйлакни кўриб қўйдим, ўлай агар, сизга жуда ҳам ярашади. Уни кўришим биланоқ, сизни ўйладим.

Керри дугонасининг вайсапларини қизиқиш билан тинглар, унинг сўзларида самимият кўпроқлиги сезилиб турарди. Одатда чиройли аёллар иноқ бўлиб қолганларида бир-бирларига самимий бўладилар. Миссис Вэнс Керрининг хушфеъл ва боодоб бўлганлиги учун астойдил севиб қолганидан, унга маслахатлар бериб туришидан завқланарди.

— Хозирда «Лорд ва Тэйлор»да сотилаётган кўк сарждан тикилган юбкадан, кўнғироқ нусхасидан нега олмаянсиз? — деди бир куни миссис Вэнс. — Бунақа юбка ҳозир жуда расм бўляпти-да, айниқса тим қораси сизга жудаям ярашади!

Керри унинг ҳар бир сўзини жон қулоғи билан тингларди. Илгариям бу нарсалар хусусида Герствуд билан суҳбат қилишига ҳеч қачон тўғри келмаганди. У энди аста-секин Герствудга дам уни, дам буни олиб бер, деб хархаша қила бошлади, Герствуд эса ҳар қадамда миссис Вэнс шаънига ҳамду саноларни эшитиб турганидан гап қаёқдалигини билиб олганди. У ҳозирча Керрининг сазасини ўлдирмасликка уринса ҳам, орадан кўл ўтмай хотинининг иштаҳаси тобора очилиб бораётганига ишонч ҳосил қилди. Бу кўнғлига унчалик хуш келмаса ҳам ханузгача уни севар, шунинг учун ҳам унинг илтимосини ерда қолдирмас эди.

Бироқ, Керри Герствуд гарчи илтимосини қондираётган бўлса ҳам, бу ишни ўлганининг кунидан қилаётганини сезиб қолди. У ҳеч қачон Керри танлаган нарсани мақтамасди. Шунинг учун Керри у кундан-кунга бепарво бўлиб кетяпти, деган қарорга келди. Шу тариқа ораларига совуқчилик тушди.

Нимаики бўлса ҳам ҳар қалай миссис Вэнсинг йўл-йўриқлари беҳуда кетмади. Шу сабабдан Керри янги дўстлари билан театрга боришадиган куни бинойидек кийинганди. Устига бисотидан энг яхши қўйлагини кийган бўлса ҳам, ўзимга қуйиб қўйгандек ярашиб турибди, деб ўйлаб хурсанд бўларди. Керри хусн-латофат бобида йигирма яшар жувондай кўринса ҳам миссис Вэнс мақтаганида кулча юзлари олмадек қизариб, кўзлари ҳайратдан чақнарди.

Ёмғир томчилаб турганидан мистер Вэнс хотинининг гапига кириб фэйтон чақирди.

— Эрингиз биз билан бормайдиларми? — деб сўради мистер Вэнс Керри уларнинг шинамгина мехмонхоналарига кадам қўйганида.

— Йўк, — жавоб берди у. — Менга овқатга келмайман, деб айтиб қўювди.

— Ундай бўлса сиз қасрдалигимизни билиши учун хат қолдирсангиз бўларкан. Эхтимол, кейинроқ бизни тошиб олар.

— Ростданам, — деди Керри. — Мен шундай қиламан.

Ўзи эса бунга хаёлига келтирмаганди.

— Унга биз соат саккизгача «Шерри»да бўламиз, деб ёзинг, — қўшимча қилди миссис Вэнс. — Айтмоқчи, унинг ўзи ҳам тушунар.

Керри қўйлагини шитирлатиб, майдончадан ўзининг квартирасига ўтди-да, кўлқошини ечмай хатни қоралади. У яна дугонасининг уйига қайтиб кирганида у ерда қандайдир мехмон бор эди.

— Миссис Уилер, амакиваччам — мистер Эмсни таништиришимга рухсат берсангиз, — деди миссис Вэнс. — У бизга хамроҳ бўлади. Шундайми, Боб?

— Танишганимдан хурсандман, — деди мистер Эмс Керрига эхтиром билан таъзим қилиб.

Керри бир қарашдаёқ мистер Эмсининг бўйдор ва келишган йигитлигини, соқоли силлиқ олинганини, ёш ва кўркемлигини сизди.

— Мистер Эмс Нью-Йоркка бир неча кунга келган, — деди Вэнс. — Шунинг учун ҳам биз уни зериктирмасликка ҳаракат қиляпмиз.

— Э, сиз мусофирмисиз? — деб сўради Керри мехмонга яна бошдан-оёқ разм солиб.

— Ҳа, — деди у. — Мен яқиндагина Индианополисдан келдим, бу ерда бир ҳафтача бўламан.

У миссис Вэнс пардоз-андозини тугатишини кутиб, стулга чўкди.

— Менимча Нью-Йорк сизга жуда кизик туюлган бўлса керак: бу ерда кўрадиган нарсалар кўп, — Керри орага чўккан жимликни бузиш учун юрак ютиб гапирди.

— Нью-Йорк катта шаҳар, бир ҳафтада айланиб чиқиш маҳол, — мулоимгина жавоб берди мистер Эмс.

Йигит, афтидан, табиатан хушмуомала эди, ўзини катта олмасди. Керрига у ёшликдаги тортинчоклигидан

хали тўла қутулмагандай кўринди. У дилкашликни ўрнига кўядиган одамга ўхшамасди. Унинг фазилати — яхши кийиниши ва кўпчилик ўртасида ўзини дадил тутишидан иборат эди. Керри ўзича бу одам билан гурунглашиш кийин эмас, деган қарорга келди.

— Хўш, йўлга тушсак бўлар балким, — деди мистер Вэнс. — Файтон ташқарида турибди.

— Ха, кетдик, — деди миссис Вэнс меҳмонхонага кириб келаркан. — Боб, миссис Уилерни сенга топширдик, унинг кўнглини овлаш сенинг зиммангда.

— Ҳаракат қиламан, — Боб жилмайиб жавоб берди-да, Керрига яқин келди! — Кўз-қулоқ бўлишни талаб қилмасангиз керак-а? — У гўё олижаноблик ва мурувват қилгандай қўшиб қўйди.

— Менимча, йўқ, — жавоб берди Керри.

Улар зинадан пастга тушишди. Орадаи кўп ўтмай улфатлар файтонга жойлашишди.

— Кетдик, — деди мистер Вэнс ҳаммадан кейин файтонга чиқиб эшигини ёпаркан.

Файтон йўлга тушди.

— Бугун нима бўларкан? — кизикиб сўради мистер Эмс.

— «Лорд Чомли», — жавоб берди мистер Вэнс. — Бош ролда Созерн ўйнаркан.

— О, Созерннинг тенги йўқ! — хитоб қилди миссис Вэнс. — У жуда ҳам қизиқ-да!

— Ха, газеталар уни жуда макташаяпти, — гап қистирди Эмс.

— Мен мазза қилишимга сира ҳам шубҳаланмайман, — деб қўйди мистер Вэнс.

Керри билан ёнма-ён ўтирганидан Эмс унга маълум даражада эътибор беришни ўзининг бурчи деб биларди. Ёшгина бўлса ҳам эри бор кўркам бу жувон уни қизиқтирар, бироқ унга сидқидилдан ҳурмат билан муомала қиларди. Бу йнгит мутлақо хотинбоз эмасди. У уй-жойли одамларга зўр ҳурматда бўлар ва хаёлига фақат кўхликкина индианаполис кизларинигина келтирарди.

— Сиз Нью-Йоркликмисиз? — деб сўради у қўшнисига ўгирилиб.

— О, йўқ, бу ерга келганимга икки йил бўлган, холос, — жавоб берди Керри.

— Ундай бўлса шаҳар билан яхшигина танишиб улгурган экансиз.

— Сизга айтсам, ҳеч ўшандай эмас, — жавоб берди

Керри. — Нью-Йорк менга ҳали ҳам худди биринчи куни келганимдагидай бегона.

— Сиз гарбий штатларданмасмисиз?

— Ха, Висконсинданман, — Керри унинг гагини тасдиқлади.

— Нью-Йорк кишиларининг кўпчилиги бу ерда яқиндагина кўчиб келишган бўлса керак деб юраман, — деб кўйди мистер Эмс. — Мен Индианадан келганман, ихтисосим бўйича ишлаётган кўп кишилар ҳақида эшитганман.

— Сизнинг ихтисосингиз қанақа? — сўради Керри.

— Мен бир электр компаниясида ишлайман, — деб жавоб берди йигит.

Улар бир мавзудан иккинчисига ўтиб, чуғурлашиб кетишар, уларнинг гапи эр-хотин Вэнслар дам-бадам адибади этишган пайтларидагина бўлиниб коларди. Сухбат бир неча марта умумий тус олиб, анча қизиди ҳам. Кўп ўтмай ресторанга ҳам етиб келишди.

Керри ўзлари ўтган кўчаларнинг ҳашамига эътибор қилишга улгурганди. Маишатталаб одамлар ҳамма тарафдан келишарди. Пиёдалар тротуарларни тўлдиришган, тош йўлда файтонлар учар, Эллик тўққизинчи кўчадаги трамвай вагонлари йўловчиларга тўлиб-тошганди. Эллик тўққизинчи кўча билан Бшпинчи авенюнинг муюлишида Плазаскверни ўраб турган бир нечта янги ва ҳашамдор мехмонхоналарнинг чироқлари ёрқин нур сочарди. Боёнлар кўчаси бўлган Бешинчи авенюда файтонлар янада ғиж-ғиж бўлиб, фрак кийган жентльменлар оломони ҳам тикилиб кетганди. «Шерри» ресторанининг олдида жуссадор дарбон файтоннинг эшигини очиб, ичкаридагиларни тушириб кўйди. Мистер Эмс Керрини қўлтиғидан олиб, зинадан чиқишига кўмаклашди. Улар хўрандаларга тўлиб-тошган вестибюлга кириб, палата ва ёпинғичларини тонширишди-да ҳашамдор асосий залга ўтишди.

Керри бунақа ҳашаматни умрида кўрмаганди. Нью-Йоркка келганларидан бери Герствуд дасти қисқалигидан уни бирор марта ҳам ана шундай ресторанга олиб кела олмаганди. Таърифга сиғмас бу ресторанда шундай мухит ҳукм сувардики, бу ерга бош суккан киши ўша заҳотиёқ ҳашаматда беқиёс жойга келиб қолганлигини шу лаҳзадаёқ сезарди. Ресторандаги таомларнинг нархи баландлиги унга келувчиларни ҳам саралаб кўйганди. Бу ерда бадавлат одамларни ёинки росмана маишатпа-

раст кишиларни учратиш мумкин эди. Керри «Саралар жамияти»нинг у ёки бу вакили «Шерри» ресторанида бал, зиёфат, кундузги ва кечкурунги базми жамшидлар уюштираётгани хақидаги хабарларни тез-тез ўқиб қоларди. «Миссис фалончи чоршанба куни кечкурун «Шерри»да катта зиёфат беряпти, мистер фалончи ўн олтинчида бир гурух дўстларига «Шерри»да наҳорда зиёфат беряпти». «Сара»ларнинг маишатлари хақидаги бунақанги сийқаси чикиб кетган хабарларни Керри хар куни кўздан кечиришни ёқтирганидан ана шу қасрининг ҳашамдорлигию дабдабаси хақида анчагина тасаввурга эга бўлиб олганди. Энди эса ўзи ҳам ниҳоят шу ерга келиб қолди! Новча семиз дарбон вестибюлнинг эшигида турар, ичкарида эса тўладан келган бошқа жентльмен кўринар, махсус кийимдаги чаккон югурдак болаларнинг қўлларидан хасса, пальто, пляпаларини олишарди. Керрининг кўз ўнгида ўхшатиб безатилган, нурга чўмган, бу дунёнинг давлатманд кишилари тамадди қилишадиган гўзал зал намоён бўлди. Бу миссис Вэнснинг пешанаси жуда ярқирок-да! У ёш, чиройли ва бадавлат, хар қалай бу ерга файтонда келишга қудрати стади. Бадавлат бўлиш — қандай ажойиб нарса-я!

Мистер Вэнс хўрандалар ўтиришган, идишлари кўзни камаштирадиган чокқина столлар орасидан йўл бошлаб олдинроқда борарди. Бу ерга янги қадам қўйган одам бу рестораннынг хўрандалари муомала ва ўзларини дадил тутиш борасида бошқалардан ажралиб туришларини дархол пайқарди. Биллур буюмларда жилва қилаётган электр лампочкаларининг нурлари, тилла суви юритилган деворларнинг ялтирашидан ҳамма нарса кўзни камаштириб бир хилда товланади. Одамнинг кўзи ўрганиб, буюмларни ва чехраларни бир-биридан ажратиб олгунча орадан бир неча дақиқа ўтиб кетади. Жентльменларнинг оқ кўйлаклари, хонимларнинг ялтироқ либослари, бриллиантлар, майин укпарлар — бари кўзга ташланиб, ҳаммаси дабдабали кўринарди.

Керри залдан қоматини миссис Вэнсдан сира ҳам қолишмайдиган даражада мағрур тутиб ўтди-да, мўъжазроқ столга яқинлашиб метрдотель таклиф қилган стулга ўтирди. У атрофини қуршаган мухитдаги хар бир майда-чуйда нарсани, кўйинг-чи официантларнинг америкаликлар жон деб пул тўлайдиган эгилиб-букилишларига-ча кўз тагига олиб ўтирарди. Залга кирган кишиларга навбати билан стул тўғрилаб турган метрдотелнинг кўри-

ниши-ю тавозесининг ўзиёқ қанчадан-қанча долларга арзирди!

Улар стол атрофидан жой олишлари биланоқ бадавлат америкаликлар хуш кўрадиган ва бутун маданий оламни ҳайрат ҳамда таажжубга соладиган дабдабали, росаям қиммат ва ортиқча гастрономияга кўндаланг бўлишди. Нозу неъматларнинг узундан-узоқ рўйхатида хўрандаларга бутун бир армияни тўйдиришга етадиган турли-туман таомлар тавсия қилинар, уларнинг нархнаволари эса гўё бемаъни сарфиётни ўйламай қўя қол, кулги бўласан, деяётгандай бўларди. Ўнларча турли-туман шўрвалар, қирқ хил устрица, енгил таомлар, балиқли ва гўштли овқатлар — қўйинг-чи ҳамма-ҳаммасининг нархи бағоят баланд бўлганлигидан оддий одам бу пулга бинойидек меҳмонхонада бир кеча тунаб кетса бўларди.

Бу ҳам Керрининг назаридан четда қолмади, албатта. Шунинг учун ҳам ковурилган жўжанинг нархига кўзи тушганида Друэ билан умрида биринчи маротаба яхшигина ресторанда тамадди қилган кунини ва ўшандаги таомлар рўйхатини эслади. Бу хотира бамисоли унутилган қўшиқнинг мунгли куйидай хаёлига лип этиб келди-ю, ўшал лаҳзада яна ғойиб бўлди. Бироқ Керри шу оний лаҳзанинг ўзидаёқ илгариги камбағал, оч-яланғоч, бор мардоналигидан айрилган Керрини кўз ўнгига келтира олишга муваффақ бўлганди. Ана шу Керри иш излаб юрган Чикаго унинг учун совуқ ва яқинига йўлатмайдиган олам эди.

Залнинг деворлари мовий рангдаги тўғри бурчаклар шаклида бўлиб, уларни қамраб дабдабали зарҳал чизиқ тортилган, бурчакларида антиқа нақшлар мавжуд бўлиб, булар теварагидаги мевалар ва гулларнинг тасвири устида бамайлихотир парвоз этаётган дўмбоққина маъбудларнинг суратлари кўринарди. Шиннинг ҳал бериб ишланган нақшинкор безаклари ўртадаги қандилга бориб туташган, электр лампочкалари, чарақлаётган призмалар ва гипсдан ясалиб, зарҳал берилган осма чироқлари аралаш-қуралаш бўлган қандил эса залга бир олам ёғду сочарди. Залнинг мумланиб, ялтиратиб артилган паркет поли қизғишроқ кўринади. Қаёққа қараманг — ҳаммаёқда баланд, тиниқ, чеккалари силлиқланган кўзгулар. Улар мебеллар, кишиларнинг чехралари, чироқлар ўнларча ва юзларча марта кўпайиб кўринарди.

Залдаги столчаларнинг ўзи унчалик бўлмаса ҳам дастурхон ва салфеткаларда «Шерри», қумуш буюмларда

«Тиффани», чинни идишларда «Хэвиленд» деган ёзувлар жилва қилар, ҳар бир столчадаги қизил соявон кийгизилган мўъжазгина лампочкалар кишиларнинг чехраларига ва деворларга бинафша ранг шуъла сочиб, залга ажиб файз берарди. Официантлар таъзим-тавозени ўрнига қўйишлари, унсиз келиб-кетишлари, ликобларни ўйнатиб қўйишлари билан ресторан дабдабасига дабдаба қўшишарди. Улар ҳар бир меҳмонга бениҳоя мулозамет қилишарди. Официант салгина эгилиб, бошини бир томонга ташлаб ва тирсагини орқароқ тортиб турганича меҳмондан кейин унинг гапини такрорларди:

— Тошбақа шўрваси, хўп. Бир порция, жоним билан. Устрица, олтита, хўп. Сарсабил, жоним билан. Зайтун...

Мабодо мистер Вэнс аввалроқ ҳар бир шеригининг маслаҳатини эшитиб ва қўнглидагини билиб олмаганида борми официант ҳар бир одам билан алоҳида-алоҳида гаплашиб овора бўлган бўларди, Керри эса залдаги жамоатга бақрайиб қолганди. Нью-Йоркдаги аъёнларнинг ҳаётлари ана шундай ўтар экан-да! Давлатманд одамлар кундузлари ва оқшомларини ана шунақа ўтказишарканда! Бу ерда кўраётган айрим нарсалари бутун жамоатга тааллуқли эмаслигига, яна ҳамма бирдай айш-ишратда кун кечирмаётганига унинг ғариб ва мўъжазгина ақли етмасди-да. Ясан-тусан қилиб олган ҳар бир хоним кундузи Бродвейдаги тумонат одам ичида ёки театрда, кечқурунлари эса ресторанда вақтини ўтказса керак. Уни дабдаба ва ҳашам оғушида ташқарида соявон араваси билан малайи кутаётган бўлса ажаб эмас. Керрига бўлса булар насиб этмаган. Кейинги икки йил ичида бу ердаги маишатга ўхшаган бирорта ҳам нарсани кўрмади. Бироқ мистер Вэнсинг бу ерда димоғи чоғ кўринар, Герствуд ҳам илгари ўзини худди шундай тута олган бўларди. Мистер Вэнс таомларнинг нархини сира ҳам писанд қилмай шўрва, устрица, қовурма, қайла буюриб, бир неча шиша вино келтиришни ҳам айтди. Официант шундан кейин тўқима саватдаги виноларни столча ёнига қўйиб кетди.

Эмс кўхлик юзини Керрига қия ўгирганича залдаги одамларга бепарво тикиларди. У дукки пешана бўлиб, бурни каттарок, даҳани мардонавор эди. Оғзи каттарок бўлса ҳам ярашиб турар, тим қора сочлари бир томонга кийшиқ таралганидан фарқи очилганди.

Керри Эмсда болаларга хос нимадир борлигини пай-

қар, бироқ у барибир эс-хушини йиғиштириб олган каттагина киши эди.

— Сизга айтсам, — Эмс ўйчан ҳолда анча жим ўтиргач Керри томонга ўгирилиб кўкқисдан шундай деб қолди, — менга гоҳо пулни мана шунақа сарфлаш уятдай туюлади.

Керри унинг жиддий гапирганидан хайратда қолиб, бир неча лаҳза ундан кўз узолмади. Чамаси бу одам ҳеч қачон унинг хаёлига келмайдиган нарсалар ҳақида бош котиради.

— Нимага энди? — сўради Керри унинг сўзларига кизикиб.

— Чунки бу ерда нарсаларга ўзининг ҳақиқий нархидан ҳам ортиқ пул тўлашади. Ясама дабдабасига пул беришади.

— Одамларнинг бунга имконлари бўлганидан кейин нимадан ҳам тортинишсин. Мен бўлсам шунисига тушуна олмайман, — деди миссис Вэнс.

— Ҳарҳолда бу ҳеч кимга зарар келтирмайди, — деди мистер Эмс.

Мистер Вэнс официантга аллақачон бир олам нарса буюрган бўлса ҳам ҳамон таомлар рўйхатини ўрганишдан бўшамасди. Эмс яна бояги томонга қараб олган, Керри бўлса унинг пешанасидан кўзини узмасди. У ёнгинада ўтирган бу йигит галати нарсаларни ўйлапти, деган фикрда эди. Унинг ресторанга разм солишларида қандайдир мулозимлик сезиларди.

— Ҳув анави хонимнинг ясан-тусанига бир қаранг-а, — деди у Керри томонга ўгирилиб ва ўша хоним томонга сал бош ирғаб.

— Қасрда? — сўради Керри у караган томонга қараб.

— Ҳув анави бурчакда, биздан анча нарида. Унинг тўғноғичини кўрмаяпсизми?

— Ё тавба, катталигини қаранг-а! — хитоб қилди Керри.

— Мен бриллиантлар дидсизларча бунчалик қалаштириб ташланганлигини анчадан буён кўрмагандим, — деди Эмс.

— Ҳа, тўғноғич анча катта, — Керри унинг гапига кўшилди.

Керри Эмсни ўзидан анча билимдонроқ, эҳтимол ақллироқ бўлса керак деб ўйлаганидан негадир унинг кўзига яхши кўрингиси келарди. Нафсиламбрини айтганда Керри одамлар ўзидан ақл борасида юксакроқ тура олиш-

ларини тушунарди. Ўзи эса умри бино бўлиб, олимлар хусусидаги ўзининг тасаввурига мос келадиган кишиларни кам учратганди. Ёнидаги вужудида кучи қайнаб турган, бокишлари тиниқ ва очик йигит эса Керри мутлақо ақли етмаса ҳам ёмон кўз билан қарамайдиган нарсаларнинг ипидан-игнасигача тушунарди. Керри: «Шундай эркак бўлиш қандай яхши-я», — деган гапни кўнглидан ўтказди.

Суҳбат Альберт Росснинг ўша пайтларда роса шовшув бўлган «Қиз тарбияси» китобига кўчди. Миссис Вэнс бу китобни ўқиган, эрининг эса у ҳақда газеталарда чиққан тақризларга кўзи тушганди.

— Китоб шунча шовшув кўтара олишини қаранг-а! — деб қўйди мистер Вэнс. — Бу Росс ҳеч оғиздан тушмай қолди-ку.

У Керрига қараб гапирганидан Керри очик эътирофни ўзининг бурчи деб билди.

— Мен бўлсам бу китобдан мутлақо беҳабарман.

— Мен уни ўқиганман, — деди миссис Вэнс. — У кўпгина қизиқарли нарсалар ёзган. Бироқ ҳаммасидан кейинги романи ўтаверсин.

— Сизнинг Россингиз очигини айтганда ҳеч нимага арзимаёди, — Эмс тўсатдан шундай деб қолди.

Керри унга худди фолбинга қарагандай тикилиб қолди.

— Унинг ҳамма нарсалари «Дора Торн»и сингари бемаза, — деб қўйди мистер Эмс.

Бу гап Керрига тегиб кетди. Наинки у бир вақтлар «Дора Торн»ни ўқиган, ўшанда бу китоб кўзига дурустгина кўринганди. Керри китобхонларнинг кўпчилиги асарни зўр дейишларига ишончи комил эди. Энди бўлса маънави кўзлари туйғун ва чувак юзли, нимаси биландир студентга ўхшаб кетадиган йигит пайдо бўлиб, роса шовшув солган китобни масхара қиляпти. Унинг айтишига қараганда китоб ҳеч нимага, хатто уни ўқишга вақт сарфлашга ҳам арзимасмиш. Керри шундан кейин ер сузиб қолди. У умрида биринчи марта нодонлигидан нижолатда қолганди.

Айни пайтда Эмсининг сўзларида пинхоний заҳархандалик ҳам, виқор ҳам йўқ эди. Ҳа, бундан асар ҳам кўринмасди! Керри шунда Эмс чуқурроқ фикр юритиб, тўғри хулоса чиқарадиган киши эканлигини фахмлаб, беихтиёр равишда бу одамнинг нуқтаи назаридан нималар яхшию, нималар ёмонлигини ўйлаб қолди. Эмс бўлса

Керри ўзининг сўзларини диққат билан, эҳтимол хайрихоҳлик билан тинглаётганини пайқаб, ўшал дақиқадан бошлаб, кўзини ундан узмади қўйди.

Официант стол атрофида уймалашиб, қошиқ, вилка, пичоқларни қўйиб, ликобларнинг иссиқ-совуқлигини текшириб, қўйинг-чи, меҳмонларга хуш келиш ва уларни қизиқтиришни мўлжал қилиб, парвона бўлиб турганида мистер Эмс Керри томонга сал эгилиб Индиананолисидаги ҳаётдан ҳикоя қилишга тушди. Бу йигит чиндан ҳам бағоят ақлли бўлиб, бутун кудратини электроникага бағишлаганди. Айни пайтда у фаннинг бўлак тармоқларига ҳам қизиқар, одамлар ҳам унинг назар-этиборидан четда қолишмаганди, албатта. Абажурнинг бинафша ранг шуъласида унинг сочи мисдай товланар, кўзлари эса шўх чакнар эди. Керри буни пайқаб турганидан ўзини қандайдир ёш ва гўрдай сезарди. Эмс ўзидан анча-мунча баланд турганлиги ва ҳар жиҳатдан ўзиб кетганлиги Керрига аниқ-равшан эди. У Герствуддан ақллироқ, Друэга нисбатан босиқроқ ва билимдонроқ кўринар, айни пайтда қалби ҳам гўдак қалбидай беғубор эди. Керри, Эмс умуман олганда бағоят ёқимтой одам, деган ҳаёлда эди.

Эмснинг ҳозирги пайтдаги Керрига интилаётгани юксак даражадаги маънавий қизиқиш эканлиги ҳам ёшгина жувоннинг назаридан қочиб қутула олмади. Керри Эмснинг ҳаётдан беҳабар бўлиб, уни қизиқтирган масалаларга ҳам мутлақо дахлдор эмасди. Шундай бўлса ҳам Эмснинг унга мурожаат қилаётган ва сўзларига жавоб бераётганлиги Керрига хуш келарди.

— Менинг бойликка мутлақо ҳушим йўқ, — деди у ўтириш бир оз қизиб, таомлардан баданларга сал иссиқ ўтгандан кейин. — Қолаверса, пулни мана шунақа сочишга ҳам тобим йўқ.

— Нимага энди? — деб сўради Керри нарсаларга унинг кўзи билан қарашга тиришиб.

— Нимагаси борми?! Бундан нима фойда? Инсон бахтиёр бўлиш учун наҳотки шу зарур бўлса? — хитоб қилди мистер Эмс.

Керри унинг кейинги сўзларига ишонқирамай қараса ҳам ҳар қалай бошқа барча айтганлари каби булар ҳам этиборга лойиқдай туюларди.

«У, очиги, фирт сўққабошликда ҳам бахтли бўла олиши мумкин, — Керрининг ҳаёлидан шу фикр лип этиб ўтди. — У жуда бақувват-ку, ахир!»

Мистер Вэнс билан миссис Вэнс анчайин мулохазалари билан гурунгни дам-бадам бўлиб турганларидан мистер Эмсга ахён-ахёндагина гап кистириб қолиш насиб этар, булар эса Керрига кучли таъсир қиларди. Бу йигитда, ахтимол у жавлон ураётган оламда ҳам Керрининг қалбидан жой ола оладиган нимадир бор эди. Мистер Эмс гохида театрда кўрилган у ёки бу кўринишларни Керрининг хаёлида жонлантириб, инсон хаётида муқаррар бўлган ғам-алам ва қурбонларни эсига туширарди. Шакаргуфторлик қилиб, Керрининг хаёти билан хозир у кузатиб ўтирган атрофидаги хаёт ўртасидаги зиддиятни анча-мунча текислашга муяссар бўлди, бунга эса унинг ҳамма нарсага парвойи фалак қараши асосий сабабкор бўлганди.

Улар ресторандан чиқишгач, мистер Эмс Керрини кўлтигидан олиб, экипажга чиқариб қўйди. Шундан кейин улфатларнинг бари театрга йўл олишди.

Керри томоша пайтида Эмснинг гаиларини диққат билан эшитиб ўтирди. У Керрининг эътиборини пьесанинг энг яхши жойларига дам-бадам қаратиб турар, ўша жойлар Керрининг ўзига ҳам жуда ёқиб, қалбини чуқур хаяжонга солиб турарди.

— Актёр бўлиш зўр нарса-я, шундайми? — деб сўради Керри.

— Ҳа, — жавоб берди у. — Бироқ яхши актёр бўлиш керак. Ахир театр — жуда ҳам улуғ нарса-да!

Керрининг қалби жунбушга келиши учун Эмснинг хайрихоҳлиги кифоя қилди. О, у актриса, бунинг устига яхши актриса бўлса қандай бўларди! Ёнидаги манави нақадар ақлли, ҳамма нарсадан бохабар киши ҳам сахнани маъқул кўради. Мабодо яхши актриса бўлганида борми, мистер Эмсга ўхшаган кишилар ҳам унга қизиқиб қолишарди. Гарчи мистер Эмснинг хозирги сўзлари унга мутлақо тегишли бўлмаса ҳам Керрининг миннатдорлиги ортиб кетди. Бунинг нимаданлигини ўзи ҳам билмасди.

Спектакль тугагандан кейин мистер Эмснинг улфатлар билан қайтмаслиги бирдан маълум бўлиб қолди.

— О, нахотки биз билан қайтмасангиз? — деб юборди Керри.

— Ҳа, сиздан миннатдорман, — жавоб берди у. — Мен Ўттиз учинчи кўчадаги мехмонхонага тушувдим, бу ердан олис эмас.

Керри бошқа ҳеч нима демади, бироқ бу нарса уни

негадир анчагача тинч қўймади. У ёқимли оқшом инти-хосига етаётганлигидан афсус қилса ҳам яна ақалли ярим соатга чўзилишидан умидвор эди. О, ҳаётни ташкил этув-чи бундайин соатлар, бундайин дақиқалар! Уларга қан-чадан-қанча мусибат билан, қанчадан-қанча аламлар жо-бажо бўлган!

Керри ясама бепарволик билан мистер Эмснинг қўли-ни сиқди. Очиғини айтганда, Керрига ҳаммаси барибир эмасми! Шундай бўлса ҳам Керрига файтон мистер Эмс йўқлигидан хувиллаб қолгандай туюларди.

Керри уйига қайтганидан кейин оқшом таассуротла-рини хаёлидан бирма-бир ўтказа бошлади. У Эмсни яна учратиши ёки учратмаслигини билмасди. Айтгандай, бу-лар энди барибир эмасми? Ҳаммаси барибир эмасми?

Герствуд уйда ечиниб ётганди. Унинг кийимлари хо-нада сочилиб ётарди. Керри ётоқ эшигига яқин келиб, уни кўрдию, изига қайтди. Унинг ҳозирча чўзилгиси йўқ эди. У хаёлларга берилишни истарди.

Керри емакхонага қайтиб, тебратма стулига ўтирди-да, нозиккина қўллари сиқиб ушлаганича хаёлга бот-ди. Унинг нигоҳини тўсиб қўйган орзулар ва бир-бирига зид истаклар пардаси аста-секин қўтарилиб, кўзи бами-соли очилиб кетгандай бўлди. Оҳ, хали олдинда қанча-дан-қанча умидлар ва надоматлар, қанчадан-қанча кул-фат ва изтироблар турибди-я!.. Керрининг кўзи аста-секин тобора каттароқ очила борарди.

XXXIII б о б

ШАҲАРДАН ТАШҚАРИДА. УМР ЎТЯПТИ

Кейинги пайтларда рўй берган воқеалар ҳеч қандай асорат қолдирмади. Бундай пайтларда бу ҳадеганда се-зилавермайди. Субҳидам кайфиятингизни бошқача қила-ди. Инсоннинг ўшал дақиқадаги ҳаёт шароитлари унга муқаррар равишда таъсирини ўтказади. Биз фақат аҳён-аҳёндагина ҳолимиз нақадар аянчли эканлигини сезиб қоламиз. Бир-бирига ғоят зид нарсаларга кўндаланг кел-ганимизда изтироб чекамиз. Ўшаларни даф қилсангиз аламингиз ҳам босилади.

Керри ярим йилми ёинки ундан кўпроқми худди ил-гаригидай ҳаёт кечирди. Мистер Эмсни қайтиб кўрмади. Мистер Эмс Вэнсларнинг уйига яна бир марта келди,

бирок Керри буни дугонасидан эшитиб билди. Ёшгина инженер Фарбга жўнаб кетгач, Керрининг у хақдаги таассуротлари ҳам аста-секин ўчиб, қизиқиши ҳам сўнди. Бирок мистер Эмсинг Керрига ўтказган маънавий таъсирига путур етмади, у ҳеч қачон йўқолмайди, деб дидил айтса бўларди. Энди Керрининг идеали бор эди-да. У эндиликда ўзига яқин бўлган бошқа барча эркакларни идеали бўлмиш мистер Эмсга солиштириб кўрарди.

Орадан ўтган қарийб уч йил мобайнида Герствуднинг қунлари силлиқ, бир меъёрда кечди. У жарга томон думаламади, бирок юқори ўрлаши хусусида ҳам гап бўлиши мумкин эмасди. Харҳолда уни танқаридан кузатиб турган одам шундай гапни айтган бўлур эди. Шундай бўлса ҳам Герствуднинг руҳиятида анча-мунча зоҳиран ўзгариш рўй берганидан энди унинг кейинги тақдирини аниқ белгиласа бўларди. Бундаги асосий нарса — Чикагодан жўнаши биланоқ ишлари чаппасидан кетган эди-да. Ишнинг кўзини биладиган одамнинг ўсиши кўп жиҳатлардан жисмоний ривожга ўхшаб кетади. У ё камолга яқинлашаётган ўсширин сингари бакувват, соғлом ва аклли бўла боради, ёинки қариллик сари кетаётган эркак сингари тобора мадорсизланиб, мункиллаб, заифлаша боради. Бунда бошқа йўл бўлмайди. Ёшлик қувватига қувват қўшилишига путур етган ва кексаликка майл (бунда ўртача ёшлардаги кишилар назарда тутилади) сезилган пайтлар ҳам бўлади. Бирок бунда ҳар иккала жараённинг палласи бир-бирига деярли муносиб келиб, зоҳиран камдан-кам рўй беради. Бирок пича вақт ўтгандан кейин палла қабр томонга оғиб кетаверади: аввалига секинроқ, кейинчалик эса ҳалиги жараён авжига чиққани сари жадалроқ оғаверади.

Герствуд янгича шароитга тушиб қолгач, ёши ўтинкираб бораётганлигини сезса бўларди. Башарти буни пайқамаган экан бунга шарти кетиб парти қолаётганини сезмайдиган даражада тинч аҳволда бўлганлиги сабабчидир.

Герствуд ўзи хақида бош қотириб, қилаётган ишларини элақдан ўтказиб туришга одатланмаганидан онгида, шунингдек, вужудида ҳам содир бўлаётган ўзгаришларни билолмасди, албатта. Унинг тушқун кайфиятдан сира боши чиқмасди. Илгариги аҳволи билан ҳозирги мавқеини муқояса қилишдан бўшамай ахийри ишларим чаппасидан кетаётган экан, деган хулосага келди, бу эса уни гангитиб, харҳолда машқини насайтириб юборди. Киши-

нинг узоқ вақт тушкун ҳолатда бўлиши қонда катастатлар деб аталмиш айрича захарни пайдо қилиши, қувонч ва қониқиш ҳислари анстатлар деган фойдали кимёвий модданинг ажралиб чиқишига қўмаклашиши тажриба орқали аниқланган. Одам ўз этини ўзи ейишидан ҳосил бўладиган захарлар организмга зарар бериб, кўпинча тинкани қуритиб қўяди. Герствуд ана шу дардга мубтало бўлганди.

Бу нарса кунлар ўтиши билан Герствуднинг табиатида уч бера бошлади. Энди унинг нигоҳи аввалги ўйноқилиги ва ўткирлигини йўқотган, одимлари ҳам илгаригидай илдам ва шахдам бўлмай, ҳаммасидан ёмони -- ҳаёл уммонига шўнғигани шўнғиган эди. Орттирган янги танишлари номи чиққан одамлар бўлмай, савиялари ҳам анча паст, тубан ва бемаза, маишат ишқибозлари эдилар. Герствуд булар билан улфатчилик қилиб, Чикаго майхонасидаги башанг улфатлари билан бирга бўлгандагидай маза қилолмасди. Ҳа, Герствуднинг тинимсиз ва бенаф ҳаёл суришдан бўлак чораси қолмаганди.

Герствуднинг Уоррен-стритдаги майхонада мижозларни яхши кутиб олиб хурсанд бўлишлари учун ҳар неки қилиш истаги ҳам аста-секин йўқола борди. Ўзи ташлаб келган ишнинг бор аҳамиятини ҳам шу қадар суэстик билан тушуна бошлади. У илгарилари, Адамс-стритда эканлигида нимаики иш қилса кўзига ҳаммаси ажиб кўринарди. Ўшанда мартабадан-мартабага кўтарилиш, молдунё орттириш ва пулдор бўлиб юриш жуда осон, деб юрарди. Энди бўлса ўша нарсаларнинг бари олис-олисларда қолиб кетганди! Герствуд энди ўзининг ўтмишига тева-рак-атрофи девор билан ўралган қандайдир шаҳарга қарагандай қарарди. Бу шаҳарнинг дарвозасида посбон турибди. Ичкарасига кириб бўлмайди. Ичкаридагиларнинг бўлса ташқарига чиқиб, ким экан деб сени кўришга ҳам тоблари йўқ. Улар азбаройи шодон бўлганларидан дарвозанинг нариги томонида турганлар билан мутлақо ишлари йўқ, Герствуд эса дарвозанинг ташқари томонида эди.

У ҳар куни деворлар қуршовидаги шаҳарда рўй бераётган воқеаларни газеталардан ўқиб, хабардор бўлиб боради. Европага йўл олган кишилар хусусидаги мақолаларда эски майхонасига бош суқиб турадиган номдор мижозларнинг исмлари кўзга ташланиб қоларди. Газеталарнинг театрга бағишланган устунларида ўзи яхши таниган-билган кишиларнинг муваффақиятлари зикр этилганлигини кўп марта учратганди. Бу одамларнинг ҳамма-

си хозир ҳам худди илгаригидай айшини суриб юришибди. Улар пульман вагонларида мамлакатни айланиб юришар, номлари газеталарда мақталар, меҳмонхоналарнинг серхашам вестибюллари ва ресторанларнинг чароғон заллари уларни ўровдаги шаҳар бағридан ташқарига чиқармасди. Герствуд билан яқиндагина уриштириб ичиб юрган одамларнинг ҳаммаси таниқли бўлиб кетишди, у эса... унут бўлди қўйди. Мистер Уилер ким ўзи? Уоррен-стритдаги майхона нима деган гап? Эҳ...

Мабодо китобхонлардан бирортаси бунақа фикр оддий одамнинг хаёлига келмайди, бундай кечинмалар маънавий жиҳатдан анча юксак одамларга хосдир, деб ўйлагудай бўлса, мен уларга шундай демоқчиман: маънавий жиҳатдан юксак одамларнинг ўзлари бундай фикрни хаёлларига яқин келтирмайдилар, чунки уларнинг аклан устунликлари бунга ўхшаш нарсалардан изтироб чекишларига йўл бермайди, фақатгина ақли жойида одамларгина моддий фаровонликка нақадар катта аҳамият бериб, юзларча доллардан маҳрум бўлганликларига куйиб-пишишга қобилдирлар.

Ана шундай хаёллар ва тушқун кайфиятлар Уоррен-стритдаги майхонанинг ишларига таъсир этадиган фурсат (тахминан учинчи йилнинг охирида) ҳам етди. Майхонанинг мижозлари у гуриллаган кунларидагига қараганда анча-мунча камайиброқ қолганидан бу ҳол Герствуднинг жуда ҳам жиғига тегиб, хавотирини оширарди.

Герствуд бир куни кечқурун бу ойдаги ишлари ўтган ойдагига қараганда хароброқ эканидан ёрилиб қолди. Бу гапни у Керрининг баъзи бир нарсалар олиш керак, деган писандасига жавобан айтди. Керри ҳам шунда Герствуд илгарилари ўзи учун у-бу нарсалар олиш хусусида гап кетгудай бўлса мутлақо маслаҳатлашмаганлигини кўнглидан ўтказиб қўйди. Шунинг учун ҳам Керрининг умрида биринчи марта, эрим қайтиб бошқа нарса сўрамасин, деган мақсадда қувлик қияпти, деган фикр хаёлига ярқ этиб келди. У гарчи Герствудга мулоимгина жавоб берган бўлса ҳам кўнгли жуда ранжиди. Герствуд уни мутлақо ўйламаяпти-да. Ахён-ахёнда ўйин-кулгига жиндай фурсат топилгудай бўлса ҳам бунга албатта эрхотин Вэнслар сабабчи бўлишарди.

Эр-хотин Вэнслар бир куни тўсатдан Нью-Йоркка кетмоқчимиз, деб қолишди. Баҳор яқинлашаётганидан улар Шимолга бориш ниятида эдилар.

— Ха, — деб қолди миссис Вэнс Керри билан валақлашиб ўтириб, -- биз квартирани эгасига қайтариб, юкларимизни сакловга тоширмакчимиз. Шундай қилганимиз маъқулроқ. Ёз бўйи бу ерда бўлмаймиз-да. Шунча вақт ижара ҳақи тўлаб нима қиламиз. Бундан ташқари қайтганимиздан кейин марказга яқинроқдаги жой олсак дейман.

Керри унинг сўзларини ич-ичидан эзилиб тингларди. У миссис Вэнс билан топишиб олганидан беҳад хурсанд бўлгани учун шу уйда истикомат қилувчилардан бошқа биронта ҳам жонни танимасди. Энди эса мана яна ўзи сўншайиб қоляпти.

Майхона даромади камайиб бораётганидан Герствуднинг хомуш юриши билан эр-хотин Вэнсларнинг жўнашлари бир келиб қолди. Керри энди эрининг қовоғидан қор ёғиб юришига ҳам, танҳолик азобига ҳам чидаши керак эди. У асабийлашадиган бўлиб қолди, доимо ёлғиз Герствуддангина эмас, балки ўзига ўзи уқтирганидек бутун ҳаётидан ҳам норози эди. Умри бино бўлиб нима кўрди ўзи? Қаёққа қараса, ғам-ташвиш. Керри ҳаётдан нима роҳат кўрди? Мана шу торгина квартирасидан бўлак ҳеч балони кўрмади-ку? Эр-хотин Вэнслар саёҳатга чиқишади, хоҳлаган нарсаларини қилиша олади. У эса бу ерда яккаю-ёлғиз шумшайиб ўтирибди. Нахотки мана шунинг учунгина дунёга келган бўлса? Керрининг ҳаёлидан бир-биридан хазин фикрлар ўта-ўта, ниҳоят обидийдага навбат етди. Фақат йиғигина унинг кўнглини бўшатадиган ягона овунчоғи эди.

Бу аҳвол анча узоққа чўзилди. Керрининг ҳам, Герствуднинг ҳам кунлари бениҳоя даражада бир хил ўтарди. Кейин эса ўзгариш рўй берди, бироқ афсуски бу ёмон томонга эди. Герствуд бир куни кечқурун Керрининг латта-нуттага бўлган иштиёқини бир оз бўлса-да сўндириш ва харажатларни эплаштириш масаласи осон бўлмаётганини тушунтириб қўйиш мақсадида оғиз очди:

— Шеригим билан ошим пишмайдиганга ўхшайди, деган ҳаёлларга бориб қоляпман-да.

— Тинчликми ўзи? — сўради Керри.

— Э, у шунақанги латта, зикна одамки. Майхонани сал одам башара қилайлик десам сира унамайди, ҳозирги аҳволида эса у фойда келтирмайди.

— Уни унатиш қўлингдан келмаяптими?

— Ха, кўп марта уриниб кўрдим. Менимча, мушкул

ахволдан кутулишнинг ягона йўли ўзимга қарашли майхона очиш.

— Иннайкейин-чи?

— Сенга айтсам, ҳозирда пулимнинг барини ана шу майхонага сарфлаб қўйганман. Мабодо тежаб-тергаброқ яшаш имкони бўлганида бўлак майхона очардим. У эса бизга бир мунча фойда келтирарди.

— Анча тежаб-тергаброқ сарфласак бўлмайдими? — Керрининг шунда ҳеч ортиқча сарф қилаётган жойим йўқку, деган гап беихтиёр кўнглидан ўтди.

— Бир уришиб кўриш керак, — жавоб қилди Герствуд. — Мен сал чоғроқ квартира олиб, унда ҳеч бўлмаганда бир йил тежаб-тергаброқ турсак, деб ўйлаб қўювдим. Ўшанда анча-мунча пул тўплаб, Уоррен-стритдаги майхонага қўшган маблағим билан яхшигина майхона очсак бўларди. Ана ундан кейин мазза қилиб тураверардик.

— Майли, мен бир нима демайман, — деб қўйди Керри.

У гарчи шу гапни айтган бўлса ҳам ичида кунимиз шунга қолибди-да, деб эзилиб кетди. Чоғроқ квартира хақидаги гапнинг ўзиёқ камбағалликдан дарак берарди.

— Ўн тўртинчи кўчанинг нариги томонидаги Олтинчи авеню районида чоғроқ бўлса ҳам кулинг ўргилсин квартиралар қанча десанг топилади. У ердан ўзимиз боп квартира топсак бўлади.

— Хўп десанг, мен бориб бир қараб келишим мумкин, — деди Керри отилиб.

— Бир йилдан кейин шеригим билан орани очди кила олишимга ишончим комил, — Герствуд гапини яна қайтарди. — Ишимизнинг бу кетишида ундан бирор нарса чиқиши мушкул.

— Маъқул, мен бориб квартираларни кўриб келаман, — деди Керри. У Герствуд кўчишни таклиф қилганида бир гап бўлса керак, деган фикрга келганди.

Мана шу гапдан кейин орадан кўп ўтмай бошқа квартирага кўчиб ўтишди. Шундан кейин Керрининг кўзига дунё тор кўринди қўйди. У кейинги пайтларда содир бўлган воқеаларнинг бирортасидан ҳам бунчалик эзилмаганди. Энди у Герствудни хушторидек эмас, балки чинакам эридек кўрар ва ўзини у билан умрбод ёстикдош деб ҳисобларди. Нимаики бўлса ҳам Герствуд билан икковларининг тақдирлари бир. Керри гарчи ўзича шун-

дай фикрда бўлса ҳам афсуски, Герствуд кундан-кунга тунд ва индамас бўлиб бораётганини пайқар, у энди илгариги бақувват, кувноқ ва ҳаракатчан Герствудга сира ҳам ўхшамасди. Унинг оғиз чеккалари ва қовоқлари тагидаги ажинлари кексаликка юз бурганлигини кўрсатарди. Ундаги талайгина бошқа аломатлар ҳам ана шундан дарак берарди. Керри энди адашганлигини тушуна бошлаган, шу билан бирга Герствуд очиги мени куч ишлатиб қочишга мажбур қилди, деган хаёлга тез-тез борадиган бўлиб қолган эди.

Уларнинг янги квартиралари Олтинчи авеню яқинидаги Ўн учинчи кўчада эди. Булар кўчиб келган район Керрига ёқмасди. Бу ерда дов-дарахт деган нарсалар деярли йўқ, деразадан дарё ҳам кўринмасди. Кўчанинг бошдан-оёғигача иморатлар тушиб, уларда одамлар ниж-ниж эди. Янги уйда ўн иккита оила истиқомат қилар, булар афтидан савлатли одамлар бўлишса ҳам эр-хотин Вэнсларга мутлақо яқин келишолмасди. Вэнсларга ўхшаган одамлар квартирамисан квартираларда туришарди.

Керрининг мўъжазгина квартирасида оқсочга хожат қолмаганди. Уй-рўзғор ишларини ўзи бинойидек эплаштиради ҳам бундан заррача завқланмасди. Герствуд хаётини бу қадар ўзгартиришга мажбур эканидан ичида мамнун бўлмаса-да, ўзига ўзи бошқа иложим йўқ-да, деб кўярди. Шу сабабдан уч-тўрт кун чидаб, тақдирга тан бериб юравериш керак.

Герствуд Керрига жуда ўлар ҳолдамиз дейишга асосимиз йўқ, аксинча, суюнишимиз (негаки бир йилдан кейин ўзини ўнглаб олиш имконига эга бўлади-да) керак, деган фикрни Керрига сингдиришни истаганидан театрга тез-тез бирга борадиган ва рўзғорга пулни аямайдиган бўлди. Бироқ буларнинг бари вақтинча нарсалар эди. У кундан-кунга одамови бўлиб борарди. Хафаконлик деб ағалмиш даҳшатли дард уни қаттиқ чанғалига олганди. Энди Герствудни газеталару ўз хаёлларидан бўлак бирор нарса қизиқтирмасди. Ишқ унинг учун яна шодлик манбаи бўлмай қолди. Хароблигинга тан бериб яшайвер деган гап гўё унинг шиори бўлиб қолди.

Йўл настга қараб кетганда унда тўхташлар кам бўлади. Герствуд рухий ҳолати ўзи билан шериги орасига раҳна солди, пировардида шериги ҳам ундан бир амаллаб қутулиш пайига тушиб қолди. Бироқ бу ин Герствуд ёки шериги ўйлагандан ҳам тез битди қўйди. Бунга майхона жойлашган уй эгасининг қасофати сабабчи бўлди.

— Манавини ўқидингизми? — деб қолди бир куни эрталаб мистер Шонеси «Геральд»нинг «Хусусий мулклар» бўлимидаги мақолага ишора қилиб.

— Йўқ, ўқимадим, — жавоб берди Герствуд. — Нима гап ўзи? — деб сўради у газетага бўйнини чўзиб.

— Уй хўжамиз ер участкасини кимгадир пуллабди.

— Йўқ-е? — деб юборди Герствуд.

У газетани қўлига олиб ўқиди:

«Мистер Август Вил, Уоррен ва Гудзон-стритнинг муюлишидаги ўзига қарашли сатҳи йигирма бешу етмиш беш фут бўлган ер участкасини кеча мистер Слосонга эллик етти минг долларга сотди».

— Ижарамиз муддати қачон тугайди? — деб сўради Герствуд ўйга чўмиб. — Февралда шекилли?

— Тўпна-тўғри, — шериги унинг гапини тасдиқлади.

— Бу ерда янги хўжамизнинг режалари хусусида ҳеч нарса дейилмабди, — Герствуд шундай дея яна газетани қўлига олди.

— Режаларини яқин орада ўзидан эшитиб қолсак ҳам ажаб эмас! — жавоб қилди мистер Шонеси.

Дарҳақиқат, орадан кўн ўтмай хаммаси аён бўлди: қўшни участкани хам қўшиб сотиб олган мистер Слосон идорага атаб техниканинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланган ҳолда янги иморат солмоқчи экан. Майхона жойлашган эски бино эса унинг режасига кўра бузиларкан. Янги бино бир ярим йилда битар экан.

Бу гаплар бирин-сирин юзага чиқа бошлагач Герствуд ишнинг охири нима бўлишини фаҳмлай бошлади. У шеригига бир куни шундан гап очди.

— Сиз яқинроқ бирор жойдан майхона очишни мўлжал қилмаяпсизми? — деб сўради у шеригидан.

— Бундан нима фойда? — жавоб қилди мистер Шонеси. — Яқинроқда муюлишга тушган иморатни сира хам тополмаймиз.

— Сизнингча, бошқа жойдан очиндан маъни йўқми?

— Шахсан мен тавақал қилмаган бўлардим, — жавоб берди у.

Ҳа, ана шу кутилмаган ўзгариш Герствудни янгидан-янги кўргиликларга гирифтор қилаверди. Шартноманинг бузилиши унинг учун минг доллардан айрилиш деган гап бўлиб, шартнома муддати тугайдиган пайтгача бошқа минг долларни ишлаб топишга умид қилмаса хам бўларди. У мистер Шонеси шерикчиликдан безор бўлганлигини ту-

шуниб турарди: янги уй битгандан кейин у муюлишдаги бинони ижарага олса ҳам ажаб эмасди-да.

— Наздимда, майхонамизнинг куни битганга ўхшайди, — деб қўйди у ўзини ташвиш чекаётгандай кўрса-тишга тиришиб.

— Начора, битса битибди-да, — деб қўйди Герствуд ковоғидан қор ёғиб.

Йўқ, у шеригига сир бой бермайди. Уни ана шу завқдан махрум қилади.

Орадан бир ёки икки кун ўтгач Керрини бўлган воқеадан ҳар қалай воқиф қилиб қўйиш лозимлиги Герствудга аён бўлди.

— Менга ишим жуда чатоқ бўладигандай туюляпти-да, — Герствуд эҳтиёткорлик билан гап бошлади.

— Бир гап бўлдимми? — Керрини ваҳима босди.

— Бизнинг майхонамиз жойланган уйнинг эгаси участкасини сотибди, янги хўжайин бўлса ижара шартномасини янгилашдан бўйин товляпти. Шу тариқа ишимизнинг тагига сув кетяпти.

— Бошқа майхона очса бўлмас эканми?

— Бопта жой топилиши мушкул-да, — жавоб берди Герствуд. — Бунинг устига шеригим бундан буён шерикчилик қилишни истамайдигандай кўриняпти.

— Унақа бўлса ишга қўшган пулингдан айриласанми?

— Ҳа, — Герствуд пинагини бузмай унинг гагини маъқуллади.

— Эсиз, эсиз! — хитоб қилди Керри.

— Бу товламачилиқдан бошқа нарса эмас, — тушунтирди унга Герствуд. — Фирт ўзи. Янги иморат битиши билан Шонеси ўша жойнинг ўзида майхона очса ажаб эмас.

Керри Герствудга синчиклаб қаради-ю, кўринишидан танг аҳволда эканлигини билди қўйди.

— Бошқа бирор жой топа олишингга кўзинг етадими? — Керри юраги ботинқирамай сўради.

Герствуд хийла вақт чуқур ўйга чўмди. Энди тежамкорлик ва янги иш бошлаш хусусида сафсата тўкиб ўтиришга ҳожат қолмагани. Керри ҳам Герствуднинг синганлигини бинойидек фахмлаб турарди.

— Очиги, билмайман, — Герствуд ниҳоятда тунд жавоб берди. — Уриниб кўраман.

ТОШЛАР ИСКАНЖАСИДА. БЎРОНДА ҚОЛГАН ХАС

Керри шум хабардан вокиф бўлиши биланоқ Герствудга ўхшаб энди нима қилсамикин, дегандай ўй ўйлашга тушди. У эри бош қўшган иш бархам топса, қора кунлар бошланиб, бир бурда нонга зор бўлажагини таг-тугигача тушуниб етгунича анчагина кун ўтиб кетди. Унинг кўз ўнгидан Чикагодаги дастлабки кунлари ўтиб, Гансонларнинг квартирасини эсларкан жуда хуноби ошиб кетди. Дахшат-ку бу! Камбағалликка дохил нарсаларнинг бари кўрқинчли! Бунинг бирон чорасини топиш керак. Керри эр-хотин Вэнслар билан бир неча ой мулоқотда бўлганидан тақдирга тан бериш, бориға чидаш, қаноат қилиш керак, деган гаплардан узоқлашиб кетганди. Эр-хотинларнинг илтифотлари туфайли Нью-Йоркдаги кувноқ ҳаёт дабдабасини жиндай кўриб қолганидан бутун вужудини ўша банд этганди. Шериклари уни яхши кийинишга, қайларга бориб туриш кераклигига ўргатишди, Керрининг эса унисига ҳам, бунисига ҳам пули йўқ эди. Шундай бўлса ҳам, булар доимо Керрининг эсига тушиб турарди. Уйдаги тирикчиликнинг мазаси кетгани сари Керри лаззатини салгина татиб кўрган ҳаёт ўзига тортаверарди. Мана энди эса қашшоқлик бутунлай чангалига олиб, уни ширин орзу-ҳавасларидан умрбод айирмоқчи бўлиб турибди.

Қолаверса, мистер Эмс кўзини очиб, кўришга ўргатиб кетган юксак ва гўзал нарсалар ҳам Керрининг юрагига чуқур ўрнашиб қолганди. Эмснинг ўзи Керрининг кўзидан узоқда бўлса ҳам, унинг пул билан ҳаётдаги ҳамма нарса битавермайди, оламда қимматли нарсалар сероб, булардан сиз тамомон беҳабарсиз, сахна -- буюк иш, у хусусда шу чоққача ўқиган нарсаларингизнинг бари бўлмагур гаплар, деган гаилари ҳамон қулоғи тагида жаранглаб турарди. Бу одам бақувват, ҳалол. Герствуд билан Друэга қараганда зўр ва яхшироқ эди. Шундай бўлса ҳам, Керри бу гапни ўзига айтишни истамасди. У ана шу тафовутдан атайлаб кўз юмарди.

Уоррен-стритдаги майхонанинг кейинги уч ойлик умрида Герствуд ишга тез-тез чап бериб, газеталардаги эълон қилинган жойларга бориб учрашиб юрди. Бироқ булардан наф чикмади. Герствуд иложи борича тезроқ қандай-

дир бир жой топиши керак эди, акс ҳолда майхона ёпилганидан кейин қоладиган бир неча юз долларни тирикчиликка сарф қилишга тўғри келарди. Бунда шериклик ишга қўшадиган пули қолмай, бирор иш-пиш қидиришга мажбур бўлади.

Газеталарда майхоналар хусусида чиққан эълонлардаги гапларга қараганда Герствуднинг баъзиларига шерикчилик қилиши учун кучи етмас, баъзилари шерикчиликка арзимасди. Қиш яқинлашиб келаётганидан газеталардаги гапларга қараганда, ишларнинг таноби тортилиши турган гап эди. Герствудга ҳавода қашшоқлик нафаси кезиб юргандай туюларди. Ўзи ташвишда қолганидан ўзгалар андуҳини ҳам пайқай бошлади. У эрталабки газеталарга кўз югуртирган пайтларида фалон фирма синибди, фалон жойда оч қолган оила аниқланибди ёки кўчада очликдан ўлган киши топилибди, деган хабарларга кўзи тушарди. «Уорлд» газетасида бир куни: «Қишда Нью-Йоркда саксон минг беиш бўлади», деган ваҳимали хабар чиқиб қолди. Герствуднинг бу сўзларга кўзи тушганида гўё биров юрагига ханжар ургандай бўлди.

«Саксон минг-а! — ўйларди у. — Қандай даҳшат!»

Герствуд илгари бунақа гапларни сира ҳам хаёлига келтирмаганидан, булар унга тамоман янгилик эди. Иши гуриллаган пайтларда оламнинг ишлари ҳам гўё яхши кетаётгандай туюларди. Юқоридаги сингари хабарларга илгарилари Чикагода чиқадиган «Дейли ньюс» газетасида кўзи тушиб турса ҳам, эътибор бермаганди. Энди бўлса бундай хабарлар унга ҳаво очик кунларда уфқни босган қора булутдай туюларди. Бу булутлар бутун осмонни қоплаб, Герствуднинг қолган умрини ҳам хароб қиладигандай хавф соларди. У гоҳо ўзига ўзи далда бериш учун ичида шундай деб қўярди:

«Э, нега мунча куйиб-пишаман-а? Ахир хали ерпарчин бўлганимча йўқ-ку, яна бир ярим ой вақтим бор! Ҳеч бўлмаганда йиққан-терганим ярим йилга етади-ку».

Герствуд келажакнинг ташвишини тортаркан, гарчи бу ғалати туюлса ҳам, хаёлан хотини билан болаларини тез-тез эслаб турарди. Кейинги уч йил ичида у буларни иложи борича хаёлига келтирмасликка тиришарди. У миссис Герствудни ёмон кўрганидан усиз ҳам куни ўта оларди. Миссис Герствуднинг башараси курсин! Герствуд ўзини ўнглаб олади ҳали! Шундай бўлса ҳам, Герствуд толе ҳозирча ўзидан юз ўгириб турган кунларда миссис Герствуд нима қиладиганикин, ўғлим билан қизимнинг

холи нима кечдийкин, деган хаёлларга тез-тез бориб турарди. Улар ҳозирда ҳам илгаригидай маза қилиб юришгандир. Эҳтимол хали ҳам ўша шинамгина уйда туриб, Герствуднинг бойлигини ишлатишаётгандир!

«Жин урсин! Ҳамма нарсам уларга қолганидан жаҳлим чикмасинми? — дерди у аччиланиб. — Хўш, суриштириб келса, нима айбим бор ўзи?»

Герствуд ўтмишига назар ташлаб, пулни ўғирлашга мажбур қилган воқеаларни галвирдан ўтказаркан, ҳар гал гуноҳини юмшатадиган сабаблар топарди. У нима ёмон иш қилибди? Нега энди бир чеккага чиқиб қолди? Бу кўргиликларнинг бари қайдан? Герствуднинг назарида у гўё куни кеча давлатманд бўлиб, дабдабали ҳаёт кечириб юргану, бугун ҳамма нарсасини қўлидан ногачон тортиб олишгандай туюларди.

«Харҳолда у мендан қолган нарсаларга эга бўлишга муносиб эмас! — дерди Герствуд ичида хотинини ўйларкан. — Одамлар мабодо ҳақиқатдан огоҳ бўлганларида борми, ҳаммалари бир оғиздан мени бегуноҳга чиқарган бўлур эдилар.»

Буларнинг баридан Герствуд бор гапларни бирорта одамга тўкиб солмоқчи экан деган хулоса чикмайди. Булар ўзини маънавий жиҳатдан оқлашга интилиш эди, холос. Герствуд тобора яқин келаётган муҳтожликка қарши курашда ўзини ҳалол инсон деб билиши унинг учун зарур эди.

Бир куни кечқурун, Уоррен-стритдаги майхонанинг ёпилишига беш ҳафта қолганда Герствуд «Геральд»да кўзи тушиб қолган тўртга ёки бешта эълон бўйича хабар олгани чиқиб кетди. Майхоналардан бири Голд-стритда эди. Герствуд ўша жойгача борса ҳам майхонага кирмади. Чунки у оддийгина қовоқхона, бунинг устига ниҳоятда хароб бўлганидан Герствуд унда ишлагани ор қиларди. Бошқа жойда, яъни Бауэрида эса ўхшатиб жиҳозланган майхонани учратди. Шу ерда, Грэн-стритдан сал нарида бундай майхоналар қатор тизилишиб турарди.

Герствуд майхона эгаси билан шерикчилик қилиш хусусида чоракам бир соат гаплашди. Майхона эгаси фақат саломатлигим туфайлигина бирорта шерик олмоқчиман деган гапни айтгани айтганди.

— Шерик бўлишим учун қанча пул керак? — сўради Герствуд.

У ёнида қўпи билан етти юз доллар пули борлигини жуда яхши биларди.

— Уч минг доллар, — жавоб берди майхона эгаси.

Герствуд анкайиб қолди.

— Накдми? — сўради у.

— Накд.

Герствуд ўзини таклифнинг фойдали-фойдалимаслигини ўйлаб кўраётгандек ва эҳтимол рози бўладигандек кўрсатса ҳам қарашларида маъюслик сезилиб турарди. У яна ўйлаб кўраман, деб гапни қисқа қилди-ю, ўша захоти жўнаб қолди.

Майхона эгаси унча-мунча бўлса ҳам ичидагини билиб олганди.

«Бу жиддий харидорга ўхшамайди, — деб қўйди у ўзига ўзи. — Галига қараганда бунақага ўхшамайди!»

Хавонинг авзойи бузук, совуқ эди. Суякларгача зиркиратадиган изғирин киши яқинлашаётганидан дарак берарди. Герствуд Олтмиш тўққизинчи кўча яқинидаги яна битта жойга йўл олди. У ўша ерга етиб борганида соат беш бўлганди. Қоронғи тез туша бошлади. Майхонанинг эгаси бақалоқ немис экан.

— Мен хузурингизга газетадаги эълон муносабати билан келгандим, — деди Герствуд гарчи майхонани ҳам, эгасини ҳам ёқтирмаган бўлса ҳам.

— Кечикдингиз, — жавоб берди немис. — Сотмайдиган бўлдим.

— Шундай денг? — Герствуд хайрон бўлди.

— Ха, кечикдингиз. Вассалом.

Немис энди мутлако парво қилмай қўйганидан Герствуднинг аччиғи келди.

— Майли! — деди Герствуд эшик томонга қайрилиб. — Эшак, аҳмоқ! — у фикрини қўйди. — Нима киларди газетага эълон бериб?

У жуда хароб бўлиб уйига қайтди. Керри ошхонада куйманар, фақат ўша ердагина чироқ бор эди. Герствуд гугурт чакиб, газни ёқди-да, емакхонада ўтириб олди, Керри билан хатто сўрашмади ҳам.

Керри эшикка яқин келиб, ичкарига мўралади.

— Сенмисан, Жорж? — деб сўради у.

— Ха, менман, — деди Герствуд йўлда сотиб олган кечки газетадан бошини кўтармай.

Керри унга бир бало бўлганлигини тушунди. Герствуд машқи пастлигида хунук бўлиб кетарди: кўз тағларидаги ажинлари чуқурлашган, қорамтир юзи энди қандайдир носоғлом, ёвуз тусда эди. Бундай дақиқаларда у ёқимсиз кўринарди.

— Овқат тайёр, — деб қўйди Керри Герствуднинг ёнидан ўтаётиб.

Герствуд миқ этмай газета ўқийверди.

Керри стол ёнидаги жойига ўтираркан, ўзини жуда ҳам бебахт сезарди.

— Овқат емайсанми? — деб сўради Керри.

Герствуд газетани тахлаб стол ёнига ўтди. Ўртадаги сукунатни унинг «анавини узат» ёки «манавини олиб бер» деган сўзлари бузиб турарди, холос.

— Бугун ҳаво жуда чатоқ шекилли? — деб қўйди Керри орадан бир оз ўтгандан кейин.

— Ҳа, — жавоб берди Герствуд.

У вилка билан овқатни кавлаштириб ўтирарди.

— Сен ҳалиям майхонани ёпишга тўғри келади, деган ҳаёлдамисан? — деб сўради Керри гапни дастурхон атрофида тез-тез тилга олинадиган мавзуга буришга интилиб.

— Ҳаёл қилаётганим йўқ, биламан! — жавоб берди Герствуд. Овозидан тутоққанлиги сезилиб турарди.

Бунақа жавобдан Керрининг жахли чикди. Бусиз ҳам кунни бир ҳолатда кеч қилувди, устига-устак яна...

— Нима бўлгандаям менга бунақа кўрс муомала қилмаслигинг керак, — деди у.

— Оҳ! — деб юборди Герствуд.

У чамаси яна нимадир демоқчи бўлиб, стули билан орқарокка сурилди-ю, бироқ финг демай яна газета ўқишга тушди.

Керри ўзини босиб ўрнидан аранг кўзғалди. Герствуд унинг хафа бўлганини сезди.

— Керри, кетма! — деди хотини ошхонага қараб юрганини кўриб. — Овқатингни еб ол.

Керри миқ этмай унинг ёнидан ўтиб кетди.

Герствуд яна бир оз вақт газета ўқиди-да, кейин кўзғалиб, пальтосини қия бошлади.

— Мен бир оз айланиб келаман, Керри! — деди у ошхонага бош суқиб. — Нимагадир дилгирман.

Керридан садо чикмади.

— Жахлинг чикмасин, — деди Герствуд гапида давом этиб. — Эргага яна ҳаммаси жойига тушиб кетади.

У бир оз вақт хотинига қараб турди, бироқ Керри эрига парво қилмай идиш-товок юваверди.

— Яхши қол, — у ахийри шундай дея чиқиб кетди.

Керри билан Герствуднинг ана шу тўқнашувида улар ўртасидаги муносабатлар биринчи марта ўзини кўрсат-

ди, майхона ёпиладиган кун тобора якин қолгани сари уйдаги кайфиятнинг мазаси қоча бошлади. Герствуд хар канча урингани билан кўнгли нотинчлигини яширолмас, Керри бўлса ўзидан ўзи бу ахволда охири нима бўлади, деб сўрашини қўймасди. Хуллас, қўйинг-чи улар бориб-бориб бир-бирлари билан дейрли гаплашмай қўйинди, Герствуд Керридан ўзини олиб қочмас, аксинча, Керри ўзини эридан тортиб юрарди. Герствуд буни пайкаб қолди. Хотинининг жуда парвойи-фалак бўлиб қолганлиги уни ғазаблантирарди. Гарчи хозир юз берган вазиятда бу ғоятда машаққатли бўлса-да, хотини билан яхши муомала қилишга зўр бериб уринар, бироқ Керри ўзининг феъл-атвори билан барча ҳаракатларини чишакка чиқараётганини хар қадамда кўриб турарди.

Нихоят сўнгги кун ҳам келди. Худди шу куни момакалдироқ бўлиб, чақмоқ чақадигандай Герствуд ҳам бўларича бўлганди. Бироқ ана шу кун бошқа кунлардан сира ҳам фарқ қилмаслигига осонгина ишонч ҳосил қилди қўйди, наинки осмонда хатто куёш нур сочар, анчамунча иссиқ ҳам эди. Герствуд эрталаб нонушта қилгани чиққанида ишим пировардида жуда ҳам ёмон эмас-ку, деб ўйлади.

— Хўш, бугун менинг заминдаги сўнгги куним, — деб қўйди у хазиллашиб Керрига.

У бўлса бунга жавобан жилмайиб қўя қолди.

Герствуд газеталарни анча очилиброқ кўздан кечири бошлади. У ўзини гўё елкасидан тоғ ағдарилгандай сезарди.

— Мен бирпасга майхонага бораман-да, кейин шерик ахтаришга тушаман, — деди у тамадди қилиб бўлиб. — Эртага эса кун бўйи қидираман. Бўш вақтим кўн, бирор нарса чиқар.

У уйдан илжайиб чиқди-да, Уоррен-стритдаги майхонага йўл олди. Мистер Шонеси майхонада экан. Шериклар шундан кейин бор нарсани қўшган хиссаларига қараб тенг бўлиб олишди. Герствуд майхонада бир неча соат бўлди, уч соатча қаергадир бориб келди, бироқ қайтганида унинг аввалги хурсанд кайфиятидан асар ҳам қолмаганди. Майхона унинг жонига текканди, бироқ бугун у ёпилаётганида Герствуд чин кўнгилдан бунга ачинарди. У иши чаппасидан кетганидан хафа эди. Шонеси ўзини совуққон ва ишбилармон кўрсатарди. Соат бешга занг урганида у тилга кирди:

— Хўш, энди тушумни санаб, тақсимлаб олиш вақти ҳам етгандир, дейман.

Улар шундай қилишди ҳам. Майхонадаги жихозлар илгари сотилганидан шериклар тушган пулни бўлиб олишганди.

— Хўш, омон бўлинг! — деди Герствуд ўзини аранг қўлга олиб ва сўнгги дақиқада хушмуомала бўлишга уриниб.

— Хайр! — деб жавоб қилди мистер Шонеси ҳатто кайрилиб ҳам карамай.

Уоррен-стритдаги майхонанинг умри шу тариқа тугади.

Керри яхшигина овқат қилганди. Бироқ Герствуд уйга хаёлчан ва қовоғидан қор ёғиб келди.

— Хўш? — Керри уни шундай дея қаршилади.

— Ҳаммаси тугади, — деди Герствуд нальтосини ечаркан.

Керри эрига қаради: уни ҳозирги дамда унинг молиявий ишлари қизиқтирарди. Улар тамадди қилгани стол ёнига ўтиришса ҳам жуда кам гаплашишди.

— Бирор жойда шерикчилик қилишга пулинг стади-ми? — деб сўради ундан Керри.

— Йўқ, — жавоб берди Герствуд. — Ҳозирча бошқа бирор иш қилиб, пича пул тўплашга тўғри келади.

— Бирорта иш тополсанг жуда ҳам яхши бўларди-да, — деди ваҳималар ва умидлар гирдобидида қолган Керри.

Мана бир неча кундирки Герствуд ҳар куни эрталаб нальтосини кийиб уйдан чиқиб кетади. У иш кидиришга киришган дастлабки пайтларида ҳамёнимда етти юз долларим бўлгач ўзимга бошроқ бирор иш топиб оларман, деб юпаниб юради. У бирорга пиво заводига мурожаат қилиб, мадад олишни ҳам хаёлига келтирди. Бундай заводлар кўпинча назорат қилиб туришни сақлаган ҳолда пивохоналарни ижарага беришини биларди-да. Аммо орандан бир оз ўтганда мабодо бундай қиладиган бўлсам бир неча юз долларим жихозларга кетиб, майда харажатларга ҳеч нарса қолмайди, деб ўйлади. Тирикчиликка ҳар ойда саксон долларга яқин сарф бўларди.

— Йўқ, — дерди у эси жойинга келган пайтларида, — бундан иш чиқмайди. Ишга кириб, жиндай пул тўплашим керак.

Бироқ қанақа ишга киради? Герствуд бунга ўйлагани сари бу савол унга мураккаб кўринарди. Майхона бошқарувчилиги ўрнини кидирсинми? Газетадаги эълонларга

қараганда ҳеч ким бошқарувчига зор эмасди. Бундай маргабага фақат узоқ йиллик хизмат ённки шерикчилик туфайли эришиш мумкин эди. Зўр бошқарувчи зарур бўлган майхонага шерикчилик қилиш учун Герствуднинг ёнидаги пули камлик қиларди.

Шунга қарамай Герствуд тинч турмади. У ҳали ҳам яхши кийинар, басавлат бўлганидан одамлар гоҳо айланиб қолишарди. Силлиққина, тўладан келган, ёши ўтган бу жентльменни кўрган ҳар бир киши у қорни тўқлардан, оддий фуқарога ундан бир нарса тегиб қолса ажаб эмас, деган хаёлга бориши турган гап эди. Герствуд қирқ учга тўлганидан кўп юриш ҳам унга ҳазилакам иш эмасди. У бир неча йилдан бери ҳеч қанақа жисмоний машқлар билан шуғулланмасди. Оёқлари оғир, елкалари зирқирар, трамвайда юрса ҳам кечқурунга бориб товонлари қизиб кетарди. Тинимсиз туриб-ўтираверишлар ҳам ҳолдан тойдирарди.

Герствуд одамлар уни иш қидираётган одамга йўймаётганларини ҳам фаҳмлаб турарди. Бу ҳол ишини оғирлаштираётгани ҳам ўзига аён эди. У кўриниши савлатли эканига афсус қилмасди, албатта. Бироқ кўриниши мавқеига тўғри келмаётганидан хижолат тортарди. У меҳмонхоналарни ҳам бир кўнглидан ўтказди, бироқ ўша заҳоти бу соҳада мутлақо тажрибаси ва энг муҳими ёрдам сўрайдиган дўстлари йўқлигини эслади. Тўғри, унинг Нью-Йоркдан тортиб, Қўшма Штатларнинг турли томонларида йирик меҳмонхоналарнинг эгаларидан танишлари бор бўлса ҳам улар Фицджеральд билан Мойга қарашли майхонада рўй берган воқеадан хабардор эдилар. Герствуд уларнинг олдига боролмасди. Бошқа бирорта иш, яъни улгуржи — баққолчилик ва бўёқ моллар савдосида, суғурта жамиятида ёки шунга ўхшаш соҳада ишлайман деса ҳам барибир тажриба зарур бўлар, Герствудда эса тажрибадан заррача ҳам йўқ эди.

Қаёқларгадир бориб, иш сўраб, қабулхонада сарғайиб ўтириб, шунча савлати-ю, башанглиги билан иш қидириб юрибман, дейдими? Йўқ, бу мумкин эмас. У биргина шунга ўйлаганда эти жимирлаб кетарди.

Герствуд шаҳарда бекорга лақиллаб юрди, кунлар анча совиб қолганлигидан бир куни катта меҳмонхонанинг вестибюлига кирди. У дурустгина кийинган ҳар бир одам шинамгина вестибюллардаги юмшоқ креслоларда бемалол дам олиши мумкинлигини биларди. Герствуд кирган «Бродвей-Сентрал» меҳмонхонаси эса Нью-

Йоркдаги энг зўр меҳмонхоналардан бири эди. Герствуд ўзини бир аҳволда сезиб, ўлганининг кунидан креслога чўкди. Кун ахийри шунга қолганини қаранг-а! У кун бўйи бекор бўлиб, меҳмонхона вестибюллардаги креслолардан нари кетмайдиганларни одамлар «креслоларнинг иситгичлари» дейишларини эшитганди. Бир замонлар бундақаларни унинг ўзи ҳам шундай деб атарди. Мана энди ўзи эски танишларидан битта-яримтасига тўкнаш келиб қолишдан ҳам тал тортмай совуқдан ва чарчокдан жон сақлаш учун вестибюлда ўтирибди.

«Йўқ, бунақада бўлмайди! — деди у ўзига-ўзи. — Қаёққа боришни олдиндан ўйлаб кўрмай эрта билан уйдан чиқиб кетишдан нима фойда? Аввал маълум бир жойни мўлжалга олиш керак, кейин эса бориш зарур.»

Герствуднинг хаёлига буфетчилик ўрнини топишим мумкин, деган фикр ҳам келди. Бирок бунақа бўш жойлар камдан-кам учрайди. Герствуд бўлса бу гапни хаёлидан чиқариб ташлаш пайига тушди. Буфетчиликмиш-а! Майхонанинг собиқ бошқарувчиси келиб-келиб энди буфетчилик қиладими!

Вестибюлда ўтиравериш Герствуднинг жонига тегиб, соат тўртлар бўлганда уйига йўл олди. У квартирасига кираётиб ўзини сипороқ кўрсатишнинг уддасидан чиқа олмади. Емакхонадаги тебратма стул ўзига жуда чорлаб турарди. Герствуд ўша захотиёқ тебратма стулга чўкиб, йўлда сотиб олган бир неча газеталарини ўқишга тушди.

Овкат пишириш билан банд бўлган Керри Герствуднинг ёнидан ўтаётиб, йўл-йўлакай:

— Бугун квартира хақини қистаб келишди, — деб қўйди.

— А, шундайми, — деб қўйди Герствуд.

Герствуднинг пешанасига кичкина ажн тушгандай бўлди: у бугун иккинчи число эканлигини эслади, демак, ижара хақини тўлаш пайти етибди. У чўнтагидан хамёнга қўл чўзаркан биринчи марта кети нима бўлишини билмай охирига чақаларини сарфлаётган кишининг аянчли холига тушди. Кўкавой пуллар дастасига бемор ўзини қутқаришга қодир бўлган яккаю-ягона дорига қарагандай қаради. Кейин имиллаб йигирма саккиз доллар санади.

— Мана ол! — деди Керри яна ёнидан ўтиб кетаётганида унга пулни узатиб.

Герствуд яна газеталарни титкилаб, ўқийверди. Шунча саргардонлик ва офир хаёллардан кейин газета ўқиса

одам накадар енгил тортади-я! Газеталардаги телеграф ахборотлари оқими Герствуд учун Летанинг сувидай гап эди. Булар кўнглини сал ёзиш, ғамларини қисман бўлсада унутишига кўмак берарди. Газетада босилган сурати-га қараганда ёшгина ва кўҳликкина жувон Бруклиндаги шоколад фабрикасининг эгаси бақалоқ эридан ажралишни талаб қилиб судга берибди. Бошқа бир хабар эса Шахзодалар кўрфазининг музликларида шикастланган кема хусусида. Мана театр оламининг янгиликларига аталган серкўлам ва қизикарли бўлим. Бунда кўрсатилган спектаклларга тақризлар, янги актёрларга берилган баҳолар, режиссёрларнинг нималарни қўймоқчи эканликлари ҳақидаги ахборотлари учрайди... Фанни Дэйвенпортнинг Бешинчи авенюда хусусий театри бўлармиш. Августин Дэйли «Қирол Лир»ни сахнага қўймоқчимизиш. Герствуд газетадан Рандербильтлар ўз дўстлари билан баҳорги мавсумни очиш учун Флоридага жўнаётганликларини ҳам ўқиди. Кентукки тоғларида маҳаллий аҳоли ўртасида отишув бўлибди.

Герствуд радиатор ёнидаги тебратма стулда чайқалганича овқатни кутиб, газета ўқиб ўтирарди.

XXXV б о б

СУСАЯ БОШЛАГАН ҲАРАКАТЛАР. ТАШВИШ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Герствуд эрталаб газеталарни кўздан кечираркан, савдо фирмалари ҳақидаги эълонларни диққат билан ўқиб, ён дафтарига бир неча нарсани қайд этди. Кейин «Эркак ишчи кучига талаб» бўлимига ўтди-ю, ўлганининг кунидан ўқиб чиқди. Герствуднинг ихтиёрида узун бир кун бўлганидан эрталабдан кечгача бирон нарса топса бўлар, газета эса бунда унга кўмаклашиши лозим эди. У тепадан пастга узунчоқ бўлиб тушган эълонларни кўздан кечириб чиқди. Уларда асосан новвойлар, юкчилар, ошпазлар, ҳарф терувчилар, аравакашлар ва ҳоказолар тилга олинганди. Герствуднинг кўзига фақат иккита эълонгина сал кераклидай кўринди: уларда мебель магазини учун кассир ва вино заводи учун агент зарурлиги айтилганди. Герствуд вино заводлари ҳақида илгари ўйлаб кўрмаганидан, энди дархол кўрсатилган адрес бўйича бориб учрашишга аҳд қилди.

Эълонда айтилган фирма «Олсбери ва К.» «Ўткир ичимликлар» деб аталарди.

Герствудни дархол идора бошқарувчисига рўпара қилишди.

— Хайрли эрта, сэр! — деб сўрашди бошқарувчи. У Герствудни бошқа шахардан буюртма қилгани келган киши деб ўйлаганди.

— Хайрли эрта! — жавоб берди Герствуд. — Мабодо адашмасам, агент зарурлиги хусусида эълон берган экансизлар.

— А! — деб юборди гапнинг нимадалигини эндигина тушунган бошқарувчи. — Ҳа, ҳа, биз шундай эълон берувдик.

— Бу соҳада менда бир мунча тажриба бўлганидан, — Герствуд виқор билан гапида давом этди, — бир кириб ўтишни лозим кўргандим.

— Ҳим! Шунақа денг? — миянғилади бошқарувчи. — Сизнинг тажрибангиз қанақа, билсак бўладими?

— Мен сизга айтсам, илгари майхонани бошқарганман, кейинги пайтларда Уоррен ва Гудзон-стритдаги майхонанинг эгаси эдим.

— Шунақа денг, — деди бошқарувчи.

Герствуд финг демай жавоб кутарди.

— Ҳа, бизга агент керак, бироқ таклифимиз сизни қизиқтирмаса керак, деб ўйлайман.

— Мен тушунаман, — деди Герствуд. — Бироқ, сизга айтсам, мен ҳозир иш танламайман. Агар жой бўш бўлса, мен жон деб кўнган бўлардим.

Фирма бошқарувчисига Герствуднинг «мен ҳозир иш танлаб ўтирмайман» деган гапи унчалик ёқмади. Унга ишнинг қанақалигини хаёлига ҳам келтирмайдиган, қолаверса ёшроқ одам керак эди. У бунда озгина ҳақ эвазига жон деб ишлайверадиған ёш ва қўл-оёғи чаққон одамни кўзда тутарди. Герствуд эса унга мутлақо ёқмади. У фирманинг хўжайинларидан ҳам савлатлироқ кўринарди.

— Начора, — деди бошқарувчи, — биз номзодингизни бажонидил муҳокама қилиб кўрамиз. Фақат бир неча кундан кейингина узил-кесил ҳал қиламиз. Ҳозирча эса бизга кафолатномаларни келтиришингизни таклиф қилардим.

— Маъкул, — Герствуд унинг гапига рози бўлди.

Герствуд бошқарувчига хайр дегандай бош ирғаб, кабинетидан чиқиб кетди.

У муюлишга етганда ён дафтарчасига қаради, унда

мебель фирмасининг адреси бор эди. Фирма Йигирма учинчи кўчада эканлиги маълум бўлганидан, Герствуд дарҳол ўша томонга жўнади. Фирма кичкинагина, идораси кўримсизгина, хизматчилари папша кўриб ўтиришларига қараганда, арзимас маош олишарди. Герствуд деразасига қараб, ўтиб кетаверди. У бу ерга мурожаат қилишнинг ҳожати йўқ, деган қарорга келганди.

«Буларга хафтасига тўланидиган ўн долларга кўнадиган ойимча керакка ўхшайди», — деб ўйлади Герствуд.

У соат бирда эрталабдан бери туз тотмаганлигини эслаб, Мадисон-сквердаги ресторанга кирди. Ресторанда ўтирганида бугун яна қайга борсамикин, деб бош қотира бошлади. У толиққанди. Ҳаво совук, енгил шабада эсарди. Мэдисон-сквернинг нариги томонида бахайбат меҳмонхоналар қомат кериб турар, уларнинг деразалари гавжум кўчага қараганди. Герствуд ўша меҳмонхоналардан бирига кириб, вестибюлида бирпас ўтирмоқчи бўлди. У ер иссиқ ва чароғон эди-да. Куни кеча у «Бродвей-Сентрал» меҳмонхонасида бўлганида таниш-билишларидан биронтасини ҳам учратмовди. Герствуд ана шу меҳмонхонада ҳам биронта танишимни учратмасам керак, деб ишонганди. У меҳмонхонанинг ҳаёт қайнаган Бродвейга қараган деразасининг ёнига қўйилган духоба дивандан бўш жой топиб ўтирди-да, хаёлга чўмди.

Шунда аҳволи унга яна унчалик ёмон эмасдай туюлди. Герствуд диванга жойлашиб олиб, кўчага қараб ўтираркан, ҳамёнида қолган бир неча юз доллардан тасалли топарди. Ҳашаматли меҳмонхонанинг вестибюлида иш қидириб ҳолдан тойганини ва шумшук кўчаларни бир дам бўлса ҳам унутса бўларди. Бироқ бу қордан қочиб ёмғирга тутилишдек гап эди, холос. Тарвузи қўлтиғидан тушган Герствуднинг ковоғидан қор ёғарди. Дақиқалар жуда имиллаб ўтарди. Бир соат ниҳоятда узоқ туюлди. Герствуд ана шу вақтни меҳмонхонанинг дам келиб, дам кетиб туришган меҳмонлари ва деразанинг ортидаги Бродвейдан ўтиб туришган, кийимлари ва кайфиятларидан беллари қанчалик бақувватлигини дарҳол билса бўладиган ўткинчиларни томоша қилишга бағишлади. Герствуд Нью-Йоркка келганидан бери буларни биринчи марта бемалол томоша қилиши эди. У беихтиёр равишда яйдоқ бўлиб қолганидан энди бошқаларнинг ишларини зўр қизиқиш билан томоша қиларди. Анави йигитларнинг қувноқликларини қаранг-а! Аёлларнинг зўрлигини айт-

майсизми! Чамаси, ҳар бирининг бирор кўзлаган мақсади бўлса керак. У кўзни қамаштирадиган гўзал қизларнинг ғамзали нигоҳларини ҳам сезарди! О, булар билан муомала қилиш учун қанчалар пул керак-а! Герствуд буни жуда яхши биларди. У бир вақтлар шунақа шўхликлар ҳам қилганди. Бунга ҳам анча-мунча бўлди-я!

Қаердадир соат тўртга занг урди. Герствуд гарчи ҳали вақт эрта бўлса ҳам, уйга қайтишга қарор қилди.

Герствуд мабодо уйга барвақтроқ қайтсам, Керри кунни яна лақиллаб ўтказибсан деб шубҳаланади, деган андишага ҳам борарди. У уйига тезроқ қайтишини ўйлама-са ҳам, вақт жуда секинлик билан ўтарди. Уйда эса ўз ихтиёри ўзида бўларди. Тебратма стулга чўкиб, газеталарини ўқий оларди. Уйда шовқин-суронли, серташвиш Бродвейнинг чалғитувчи манзаралари кўзига кўриниб турмасди-да. Уйда газеталар бўларди. Герствуд шундан кейин уйига кетди. Керри уйда ёлғиз, тугаётган куннинг хира ёруғида мутолаа қилиб ўтирарди.

— Кўзингни ишдан чиқарсан, — деди Герствуд уни кўриб.

Герствуд пальтосини ечгач, бугунги воқеаларни унга айтиб беришни ўзига маъқул кўрди.

— Мен ўткир ичимликларнинг битта улгуржи омборида бўлдим, — деди у. — Ўша ерга жойлашсам ажаб эмас.

— Жуда ҳам соз бўларди-да!

— Ҳа, ёмон бўлмасди, — Герствуд унинг гапига қўшилди.

Герствуд ҳар кунни кечқурун муюлишдаги киосканинг ёнидан ўтаётиб, ундан «Ивнинг уорлд» ва «Ивнинг сан» газеталарини сотиб оларди. У ҳозир ҳам кўлида газеталари билан Керрининг ёнидан тўхтамай ўтиб кетди.

Герствуд тебратма стулни радиаторга яқинроқ суриб олди-да, чирокни ёқди. Шундан кейин ишлар яна кечагидай кетаверди. У газеталардаги хабарларни ютоқиб ўқиркан, машаққат ва тапшишлари худди ўшаларга ўтиб, сингиб кетаётгандай бўларди.

Герствуд бирор ёққа боришни мўлжаллаб қўя қолмаганидан эртасига унга жуда ҳам оғир бўлди. Газеталарнинг эълонлар бўлимида ўқиганларининг (уларни эрта-лаб соат ўнгача ўқиганди) бари унга тўғри келмасди. Герствуд иш ахтаришга бориш зарурлигини сезиб турса ҳам, шунини ўйлагандаёқ сесканиб кетарди. Қайга ҳам борарди?

— Рўзғорга пул ташлаб кетиш эсингдан чикмасин, — деб қўйди Керри пинагини бузмай.

Оиладаги таомил бўйича Герствуд ҳар ҳафтада рўзғорга ўн икки доллар берарди. Герствуд Керрининг сўзларини эшитгандан кейин хўрсинигини ичига ютиб, ҳамёнига қўл чўзди. Шунда уни яна кўркув босди. У ёнидаги озгинагина пулидан ҳадеб оляпти, бошқа ёқдан келиб тушиб турмаяпти-ку!

«Охири нима бўларкин-а? — дерди Герствуд ичида ўзига-ўзи. — Бу ёнига чек қўймаса бўлмайди.»

Шундай бўлса ҳам у Керрига ҳеч нима демади. Пулдан оғиз очиб уни фулғулага солиб қўйганини Керрининг ўзи ҳам пайкаб турарди. Кўп ўтмай ҳар бир харажат ҳалоқат билан баравар бўлади.

«Хўш, менинг айбим нимада? — дерди Керри ҳам ўз холича. — Нима учун мен бунчалик қийналишим керак?»

Герствуд кўчага чиқиб, яна Бродвей томонга йўналди. Қайга йўл олиш лозимлигини ўйлаб олиш керак эди. Бироқ кўп ўтмай у Ўттиз биринчи кўчадаги «Грэнд-отель»нинг олдидан чиқиб қолди. Бу меҳмонхонанинг вестибюли жуда ҳам шинам эди. Герствуд чамаси йигирма кварталдан бери пиёда келаётганидан баданига совуқ ўтганди.

«Сартарошхонага кириш керак», — Герствуд шундай аҳд килди.

У шу тарика вестибюлда ўтиришга баҳона топди.

Вақт яна жуда секинлик билан ўтиб, Герствуд уйига эртароқ қайтди. Бир неча кун шу алпозда ўтди. Ҳар сафар Герствудни иш кидириш зарурлиги қийнар, у ҳар куни уйдан шу мақсадда кўчага чиқар, бироқ бунга тоқати йўқлиги, умидсизлик ва номус уни яна меҳмонхонага кувар, бу ерда у соатлаб бекордан-бекор ўтирарди.

Шундан кейин сурункасига уч кун бўрон қутуриб, Герствуд мутлақо уйдан чиқолмади. Ҳаммаси бир куни кечга яқин лайлак қор ёғишидан бошланди. У эртасига эрталаб ҳам ёғарди, бироқ кучли шамол турганидан кейин газеталарда халойиқ яқинлашаётган бўрондан огохлантирилди. Герствуд емакхонадаги дераза олдида кўчага ёйиб қўйилган оппоқ қор кўрпасини томоша қилиб ўтирарди.

— Мен бугун шаҳарга боролмайман шекилли, — деди у нонушта қилишаётган найтларида Керрига. — Газеталардаги гапларга қараганда, бугун бўрон бўлармиш.

— Менга бугун яна кўмир олиб келишмади, — деди Керри. У кўмирни коплаб оларди.

— Бориб нима гаплигини билиб келай-чи, — деди Герствуд умрида биринчи марта қарашишга отилиб.

У уйда қолиш учун бунчалик меҳрибонлик кўрсатаётганди.

Қор бир кечаю бир кундуз ёққанидан шаҳардагилар транспортнинг деярли бари юрмай қўйганидан кийналиша бошлади. Газеталарда Нью-Йоркдаги камбағалларнинг аянчли аҳволда қолганлари тўғрисида ўхшатиб ёзилган мақолалар чиқиб турарди.

Герствуд бўлса радиаторнинг ёнига ўтириб олиб, газеталардан бошини кўтармасди. У иш қидиришни хаёлига ҳам келтирмасликка уринарди. Бутун ишларни тўхтаиб қўйган дахшатли бўрон уни бу заруратдан халос этганди. Герствуд тебратма стулда маза килиб, оёғини иситиб, ўқигани ўқиганди. Унинг боқибегамлиги эса Керрини ваҳимага соларди. Керри бўрон қанчалик қутуришидан қатъи назар, Герствуднинг бунчалик бемалол ўтиришидан унчалик рози эмасди. Герствуд кўрпасига қараб оёқ узатмаётганди-да!

Герствуд бўлса ўқигани ўқиган. Керри эса унга мутлақо парво қилмай рўзгор ишларини қилар, халақит бермай деб иложи борича кам гапирарди.

Эртасига ҳам, индинига ҳам қор тинмади, кейин ҳатто жуда ҳам совиб кетди. Герствуд газеталардаги гапларга ишониб, уйдан кимирламасди. Бироқ Керрига у-буда қарашаман деб турарди. Бир марта Керрининг ўрнига гўштга, бошқа сафар ошқўкка бориб келди. Бу арзимас ишлар унга сира ҳам малол келмасди. Булар унинг куним бекор ўтаётгани йўқ-ку, бунақа ҳавода дўконма-дўкон юриш ҳазилакам ишми, деб ўйлашига асос берарди.

Тўртинчи куни ҳаво очилиб, газеталар бўрон тўхтаганлигини хабар қилди. Шунда ҳам Герствуд кўчалардан барибир юриб бўлмаса керак, деб ўзини юпатиб, уйда ўтираверди.

У пешин бўлгандагина газеталарини йиғиштириб, йўлга отланди. Ҳаво сал илиган бўлса ҳам, йўлчалар бир ҳолатда эди. Герствуд Ўн тўртинчи кўчага бурилиб, трамвайга ўтирди-да, Бродвейгача билет олди. У газетада Пэрл-стритдаги бир майхона хусусидаги эълонни учратганди. Бироқ «Бродвей-Сентрал» меҳмонхонасига яқинлашаркан бирдан айниб қолди.

«У ерга боришдан нима фойда, — деди қор билан

лойгарчиликка қараб. — Барибир шерик бўлиб кўши-
лолмайман. Илинж йўқ. Туша қолганим маъкул.» Шун-
дан кейин трамвайдан тушиб қолди. Мехмонхонанинг
вестибюлида яна креслога чўкиб, нима қилсамикин, деб
ўйга ботди.

Герствуд иссиқ жойга кириб олганидан хурсанд бўлиб
ўтирганида вестибюлга яхши кийинган бир жентльмен
кириб, хотирасини синаб кўрмоқчи бўлгандай тўхтаб,
Герствудга синчиклаб тикилди-да, яқинроқ келди.

Герствуд Чикагодаги пойгачи отлар сақланадиган катта
сайсхоналарнинг эгаси бўлган мистер Каржилни дар-
ров таниди. Бу одамни охириги марта Керри хаваскорлар
спектаклида қатнашган куни кўрганди. У ана шу Кар-
жил хотини билан келиб сўрашиб кетганини эслади.

Герствуд қаттиқ хижолатда қолди. Шу дамда унинг
кўзларидан оғир аҳволда қолганлиги сезилиб турарди.

— Ие, бу Герствуд-ку! — деб юборди мистер Кар-
жил.

У ўзининг собиқ ошнасини таниди, бироқ илгарироқ
танимаганига ачинди, нега деганда, таниганида ҳозир
унга рўпара келмаган бўларди.

— Ҳа, менман, — деди Герствуд. — Аҳволларингиз
яхшими?

— Жуда яхши, — жавоб берди Каржил нималар
ҳақида гаплашсамикин дея боши қотиб. — Сиз шу мех-
монхонага тушдингизми?

— Йўқ, шу ерда бир одам билан иш юзасидан уч-
рашмоқчи эдим.

— Сизни Чикагодан кетиб қолибди, деб эшитдим.
Қаёққа кетган экансиз-а, роса бошим қотди-да.

— О, мен бу ерда кўпдан бери турибман, — деди
Герствуд ичида суҳбатдошидан тезроқ қутулишни ўйлар-
кан.

— Ишларингиз яхши кетяптими ишқилиб?

— Зўр.

— Жуда хурсандман, — деди мистер Каржил.

Улар бир неча сония бир-бирларига хижолатда қараб
қолишди.

— Хўп, мен тепага чиқаман. Кутиб туришувди, —
деди мистер Каржил ахийри. — Саломат бўлинг.

Герствуд хайр дегандай бош ирғади.

— Лаънати! — деб гўлдиради у эшик томон юрар-
кан. — Шунақа бўлишини ўзим ҳам билувдим-а!

Герствуд бир неча кварталдан ўтгач, соатига қаради.

Соат эндигина бир ярим бўлганди. У зўр бериб, иш кидириб яна қаерга борсамикин, деб бош қотира бошлади. Ҳавонинг мазаси йўқлигидан Герствуднинг тезроқ уйга қайтгиси келарди. У ниҳоят оёқларига сув ўтиб, музлаганини сезгач, трамвайга чиққанди, трамвай уни Эллик тўққизинчи кўчага элтиб қўйди. Унга қаёққа борса ҳам барибир эди. Герствуд вагондан тушди-да орқага, Еттинчи авеню томонга қараб юрди. Бироқ кўчада лойгарчилик авжида бўлганидан бемақсад айланиб юриш малол келарди. Герствуд шамоллаб қолгандек сезарди ўзини.

У муюлишга бориб, Жануб томонга борадиган трамвайни кута бошлади. Ҳа, бунақа кунда кўчада узоқ юриб бўлмайди. Уйига жўнамаса бўлмайди.

Керри Герствуд учдан ўн беш минут ўтмаёқ уйга қайтганидан хайрон бўлди.

— Ҳаво расво, — Герствуд шундай дея олди, холос.

Кейин пиджагини ечди, оёғига бошқа нарса кийди.

Кечаси Герствудни қаттиқ безгак тутди, у хинин ичди. У эрталабгача бориб келганидан турган гапки, кечгача кўчага чиқа олмади. Герствуд касал пайтида ҳеч нарсага ярамай қолди, бунинг устига кўриниши ҳам бир ҳолатда эди. У ранги қанақалигини билиб ҳам бўлмайдиган қандайдир ҳолатда, сочлари тўзғиган ҳолда ётарди. Сўниқ кўзлари ғамгин боққанидан ҳозирда деярли чолга ўхшаб қолганди. Керри буларнинг барини кўриб турганидан қўлини қовуштириб тургиси келмасди, албатта. Герствудга қарашиб, унга хайрихоҳ бўлишни истаса ҳам, нимадир уни Герствудга яқинлаштиргиси келмасди.

Кечқурунга бориб, Герствуднинг шунақанги мазаси қочдики, Керрининг ўзи унга ётишни таклиф қилди.

— Бугун ёлғиз ёта қол, — деди Керри маслаҳат солиб. — Анча ўзинга келиб қоласан. Мен ҳозир жойингни солиб бераман.

— Маъкул, — Герствуд унинг гапига рози бўлди.

Керри жой солиш билан овора бўларкан, куюнганидан ўзига-ўзи: «Бу ёғи нима бўларкин? Шунақаям тирикчилик бўладими?» — дерди.

Герствуд кундузи радиаторнинг ёнида букчайиб газета ўқиб ўтирганида Керри унинг ёнидан ўтиб кетаётиб, қараб қўйганида пешанаси тиришиб кетганди. У емакхона сингари унчалик иссиқ бўлмаган меҳмонхонага чиқдию, дераза ёнидаги стулга ўзини ташлаб, йиғлаб юборди. Наҳотки умрининг охиригача бекорчиликдан бўша-

май ва хотинга парвойи фалак бўлган ана шу эркак билан ўтиб кетиш пешанасига битган бўлса? Бутун ёшлиги ана шунака каталакларда ўтиб кетадими? У ахирги Герствуднинг оқсочига айланиб қолди-ку!

У йиғлайвериб кўзлари кизариб кетганидан жой солиб бўлиб, чирокни ёққанида Герствуд буни пайкаб қолди.

— Сенга нима бўлди, Керри? — деб сўради у хотинига синчиклаб тикилиб.

Герствуднинг овози хириллаб чиқар, сочлари пахмайганди. Бу эса уни баттар хунук кўрсатарди.

— Ҳеч нима, — Керрининг жавоби зўрға чикди.

— Йиғладингми?

— Хаёлимга ҳам келгани йўқ!

Герствуд бу кўз ёшлари унга бўлган севги туфайли тўкилмаганлигини фахмлаб турарди.

— Йиғининг кераги йўқ, — деди у жойига ётаркан. — Мана кўрасан, ҳаммаси яхши бўлиб кетади!

Герствуд икки кундан кейин оёққа босган бўлса ҳам, ҳаво чатоқлигидан уйда қолди. Италиялик газетфуруш унга ҳар куни газета олиб келар, Герствуд бўлса уларни ўкигани ўкиганди.

Герствуд шундан кейин яна бир неча марта шаҳарда бўлди, бироқ эски таниш-билишларидан, баъзи бирларини кўриб қолганидан меҳмонхоналарнинг вестибюлларида ўзини энди бемалол сеза олмасди.

У энди уйига эртaroқ қайтар, бориб-бориб ўзини иш қидираётганга солмай ҳам кўйди. Қиш фасли иш қидириш учун қулай фасл эмасди.

Герствуд уззукун уйда ўтирганидан Керри рўзғор ишларини қандай олиб бораётганини ҳам кўриб турарди, албатта. Керри уй бекалигини жуда ўрнига қўя олмаслиги, тежаб-тергашга унча билимдон эмаслиги Герствуднинг эътиборидан четда қолмади. Илгарилари, яъни пул бер дейишлари Герствудга азобга айланмаган пайтларда ҳеч ниманинг фарқига бормасди. Энди эса уйда бекор ўтирганидан ҳафтalar кўз очиб юмгунча ўтиб кетишидан ҳайратланарди. Керри бўлса ҳар сешанба куни пул сўрарди.

— Сенинча тежаб-тергаб кун кўряпмизми? — деб сўради Герствуд сешанбалардан бирида.

— Мен иложи борица амаллаяпман, — жавоб берди Керри.

Шу билан гап тугади. Эртасига Герствуд яна сўради:

— Сен Гензевурт бозорига ҳеч борганмисан?

— Бунақа бозор борлигини энди эшитишим, -- Керри рўйирост бўйнига олди.

— Ана холос, одамлар бўлса у ерда нарсалар анча арзон бўлади, дейишяпти.

Керри унинг бу йўригига парво ҳам қилмади. Уни бунақа нарсалар қизиқтирмасди.

— Бир фунт гўшти қанчага оласан? — деб қолди Герствуд унга бир куни.

— Нархи ҳар хил бўлади, — жавоб берди Керри. — Мисол учун, қовурманинг гўшти бир фунти йигирма икки цент туради.

— Бу жуда қиммат эмасми ишқилиб?

Герствуд ҳар куни Керридан уни қанчага олдинг, буни қанчага олдинг, деб сўрашини қўймасди, қўйингчи, бора-бора бу унинг касалига айланди. Герствуд нарсаларнинг нархини билиб олиб, сира ҳам эсидан чиқармасди.

У шулар билан бир қаторда яхшигина дастёр чиқиб қолганди. Бунда ҳаммаси майда-чуйда нарсадан бошланди. Бир куни Керри шляпасини кияётганида Герствуд уни тўхтатди:

— Қаёкка, Керри?

— Нон дўконига, — жавоб берди у.

— Хўп десанг мен бориб келаман, — таклиф қилди Герствуд.

Керри жон деб рози бўлувди, Герствуд нонга кетди.

Герствуд ҳар куни кечқурун муюлишга газета олгани чиқишидан олдин Керридан сўрарди:

— Айтворадиган бирор ишинг йўқми?

Керри бора-бора унинг дастёрлигига ўрганиб қолди. Бироқ бунинг эвазига ҳар ҳафтада оладиган ўн икки долларидан айрилди.

— Бугун менга рўзборга пул бергин, -- деди у бир сешанба куни эрталаб.

— Сенга қанча керак? — деб сўради Герствуд.

Керри бу саволнинг маъносини жуда яхши тушунди.

-- Беш доллар, — жавоб берди Керри, -- кўмирдан қарздор бўлиб қолувдим.

Орадан пича ўтгандан кейин, яна сешанба куни Герствуд тилга кирди:

— Муюлишдаги италиялик кўмирни арзонроқ сотаётганга ўхшайди. У сатилини йигирма беш центдан беради шекилли. Мен ўшандан оламан энди.

Керри унинг бу гапига парво ҳам қилмади.

— Яхши, — деб қўйди.

Кейин эса эрига бемалол иш буюраверди:

— Жорж, кўмиримиз қолмади.

Ё бўлмаса:

— Жорж, тушлик овқатга гўшт олиб келгин, — дерди.

Герствуд нима кераклигини яхшилаб билиб олгандан кейингина, майда-чуйдаларни харид қилишга кетарди. Бироқ тежаш орқасидан курумсоқлик ҳам етиб келди.

— Мен ярим фунтгина мол гўшти олдим, -- деди бир куни Жорж газета кўтариб қайтаркан. — Менимча, доимо ортиб қолади-ку.

Мана шунақа ярамас зикналик Керрининг жонига текканди. Бу унинг нафсониятига тегиб, таъбини хира қилгани қилганди. О, одам ҳам шунақа ёмон ўзгариб кетарканми? Герствуд кун бўйи уйда қимир этмай ўтириб, газеталарни ўқигани ўқиганди. Унга оламнинг ҳеч қанақа қизиғи қолмагандай кўринарди. У мабодо ҳаво яхши бўлган пайтларда ҳам ахён-ахёнда кўчага чиқар, ўшанда ҳам одатдагидай соат ўн бир билан тўртларнинг орасида тўрт-беш соатгина айланиб келарди.

Керри буларнинг барини кўриб юраркан, жирканиб, нафрати келарди.

Герствуд мушкул ахволдан қутулиш чорасини тополмагандан кейин, бутундай ҳафсаласи пир бўлди қўйди. Ёнидаги пули кун сайин камайиб борарди. Унда энди бор-йўғи беш юз доллар қолганидан худди ана шу маблағ уни умрбод мухтожликдан сақлайдигандай унга маҳкам ёпишиб олганди. Ҳамма вақт уйда ўтираверганидан дурустроқ кийинишнинг ҳожати йўқ, деган фикрга келиб, устига эскироқ бирор нарса ташлаб оларди. У ҳаво айниган пайтда биринчи марта хароб кийинган, бироқ ўшанда Керридан узр сўрашни ўзига эп кўрганди.

— Бугун хавонинг жуда ҳам мазаси йўқ, шунинг учун эскироқ нарсалардан кия қолдим, — деганди ўшанда.

Кейин эса бу унга одат бўлиб қолди.

Илгарилари соқолни ўн беш центга олдириб, устага ўн цент чой пули берадиган одати бор эди. Иши орқага кета бошлаганидан кейин чой пулини беш центга тушириб қўйди, кейин эса уни бутунлай йўққа чиқарди. Орадан бир оз вақт ўтгач, соқол фақат ўн центга олинадиган сартарошхонага қатнашни маъқул кўрди. У ердаги

усталар соқолни бинойидек олишларига ишонч ҳосил қилгач, қанда қилмай бориб турди. Кўп ўтмай ҳар куни соқол олдирмайдиган бўлди. Аввалига кун ора, сўнгра икки кундан кейин, бориб-бориб эса ҳафтада олдирадиган бўлди. Шанба кунлари унинг соқоли жуда ҳам ўсиб кетган бўларди.

Бу одам ўзига ҳурматни йўқота боргани сари Керрининг ҳам унга бўлган ҳурмати камая борди. Герствудга нима бўлганига Керрининг сира ҳам ақли бовар қилмасди. Бўлмаса унинг ёнида ҳали ҳам пича пули, кияман деса кийими бор эди. Герствуд дурустгина кийинган пайтларда киши кўзига ҳали ҳам бинойидек кўринарди.

Керри Чикагода тирикчилик йўлида қанчалар кураш олиб боришга мажбур бўлганини бир дақиқа ҳам унутмас, иш қидиришни сира қанда қилмай, машаққатларга бўйин эрмаганлиги ҳам ёнида эди. Герствуд бўлса бирор нарса қилишга уриниб ҳам кўрмасди. У ҳатто газеталардаги эълонларни ҳам ўқимай кўйганди.

Пировардида бир куни Керрининг тоқати тоқ бўлиб, Герствудни узиб олди.

— Қовурмага мунча кўп ёғ солмасанг, — деб қолди ошхонада ивирсиб юрган Герствуд.

— Нимага бўларди? Мазалироқ бўлсин-да, — жавоб қилди Керри.

— Ёғ ҳозир жуда ҳам қимматлашган, — мингиллаб кўйди Герствуд.

— О, агарда ишлаганингда бунга эътибор қилмаган бўлардинг! — Керри унга эътироз билдирди.

Герствуднинг дами ичига тушиб кетиб, газеталарининг ёнига қайтди. Шундай бўлса ҳам, Керрининг жавоби анчагача миясини ўймалаб турди. Бунақа қаттиқ гапни Керридан биринчи эшитиши эди.

Керри ўша оқшом ўзига мехмонхонага жой солиб ётди. Бу ғалати иш эди. Герствуд ётоққа кириб, одатича чироқни ёқмай, ўрнига чўзилди. У шундагина Керри йўқлигини пайқади.

«Ажаб! — деди ичида Герствуд. — Балки у китоб ўқиётганидан ҳали ётмагандир?»

Герствуд шундан кейин Керрини бошқа ўйламай, ўша захотиёқ кўзи уйқуга кетди-да, хотини ёнида йўқлигига тонг отганида ишонч ҳосил қилди.

Буни қарангки, ана шу нарса ҳам ҳеч қандай видибиди чиқармади.

Керри эртасига вақт алламаҳал бўлиб қолганда:

— Бугун негадир бошим оғриброк турибди. Яхшиси ўзим ёта қолай, — деб қўйди.

— Ихтиёринг, — деди Герствуд.

Керри ўзига жой солиб ёта берди. Гарчи бу Герствудга қаттиқ тарсаки бўлса ҳам, у лом-мим демади.

«Майли, ўзи ётаверсин», — Герствуд шундай қарорга келса ҳам, ихтиёрсиз равишда қовок-тумшуғи осилиб кетди.

XXXVI б о б

ҚИЯЛИКДА. ОМАД ШАРПАСИ

Нью-Йоркка рождество байрами арафасида қайтиб келишган эр-хотин Вэнслар Керрини эсларидан чиқаришмаганди. Бироқ Керри уларга адресини айтмаганидан миссис Вэнс йўқлаб боролмади. Керри Герствуд билан Етмиш саккизинчи кўчада туришганида миссис Вэнсга хат ёзиб турди, негаки, табиатига шу иш маъқул келганди. Бироқ Ўн учинчи кўчага кўчиб ўтишгач, дугонам ишимиз орқага кетганини фахмлаб қолади, деб ўлгудай кўркқанидан чурқ этмаслик чорасини излай бошлади. Керри бунинг иложини топа олмаганидан кейин юраги туздек ачишса ҳам, миссис Вэнсга хат ёзишни бас қилди. Миссис Вэнс бўлса Керрининг сукути сабабини билолмаганидан Нью-Йоркдан кетиб қолган бўлса керак, энди кўришимиз маҳол, деган хулосага келганди. Шунинг учун ҳам у кўчага шунчаки у-бу олгани чиқиб, Ўн тўртинчи кўчада Керрига тўқнаш келиб қолганида ҳайратдан юраги пақ ёрилаёзди. Керри ҳам ўша ёкка у-бу олгани кетаётганди.

— Вой, миссис Уилер, ўзингизмисиз ишқилиб? — деб юборди миссис Вэнс Керрига бошдан-оёқ кўз югуртириб. — Қайлардан сўраймиз? Нега бир марта ҳам уйимизга келмадингиз? Сизларга нима бўлдийкин, деб роса бошим қотди-да. Очиғи, мен...

— Сизни кўрганимдан жуда хурсандман, — Керри шу топда ҳам суюнар, ҳам жуда хижил эди. Нега деганда, миссис Вэнсни жуда бемаврид учратганди-да. — Биз шу ердан сал нарида турамиз. Ҳозир қасрда турибсизлар?

— Эллик саккизинчи кўчадаги икки юз ўн саккизинчи уйда, — жавоб берди миссис Вэнс. — Бу Еттинчи

авенюнинг деярли муъолишида. Хўш, бизникига борасизми энди? — Миссис Вэнс яна қайтариб сўради.

— Албатта кираман, — Керри ваъда берди. — Ўлай агар, сизни ҳам жуда кўргим келувди. Буни аллақачон қилишим керак эди, шунинг учун ҳам чин сўзим, сиздан уятлиман. Аммо, сизга айтсам...

— Қаерда турибсизлар? — миссис Вэнс унинг сўзини бўлди.

— Ўн учинчи кўчадаги бир юз ўн иккинчи уйда, Фарб тарафда, — Керри аранг юрак ютиб жавоб берди.

— О, унда жуда яқин экан-ку! — деб юборди миссис Вэнс.

— Ҳа, — Керри унинг гапини тасдиқлади. — Бизникига бир кун киришингиз керак.

— Жа, ўзларингиз ҳам кириб турибсизлар-да! — миссис Вэнс ундан яна гина қиларкан кулиб юборди.

Миссис Вэнс шундай бўлса ҳам суҳбат асносида Керри жуда ўзгариб кетганлигини пайқаб олди. Устига-устак, адреси янги бўлиб қолгани...

«Ҳозир анча қийналиб қолишган бўлса ажаб эмас», — миссис Вэнс шундай фикрга келди.

У Керрини ҳар қалай жуда яхши кўрганидан кўярда-қўймай судраб кетди.

— Бир нафасга магазинга кириб чиқайлик, — деб илтимос қилди у қайтадан топиб олган дугонасини қўлтиклаб олиб.

Керри уйига қайтиб келганида Герствуд одатича тебратма стулда газета ўқиб ўтирарди. У энди ўзини сира ҳам ўйламас, дунёни сув олса тўпифига чиқмасди. Соқолининг ҳам олинганига кам деганда тўрт кун бўлганди.

«Миссис Вэнс бирдан кириб қолиб, уни шу аҳволда кўрганда нима бўларди-я», — кўнглидан ўтказиб қўйди Керри.

Керри маъюс бош чайқаб қўйди. Бунақанги аҳволга чидаб бўлмасди.

Тушлик қилиб ўтиришганида Керри аламини ичига сиғдиролмай, Герствуддан сўради:

— Сенга жой ваъда қилишган омбордан ҳеч дом-дарак борми? Эсингдами, менга бир айтиб берувдинг-ку?

— Ундан ҳеч нарса чиқмади, — жавоб берди Герствуд. — Уларга бу соҳада тажрибаси бўлмаган одамнинг кераги йўқ экан.

Керри бошқа гап айтишга мажоли келмаслигини сезиб, гапни бас қилди.

— Бугун миссис Вэнсн кўриб қолдим, — деб қўйди у орадан пича вақт ўтгач.

— Ростданми? — Герствуддан нидо чикди.

— Ҳа. Улар яна Нью-Йоркда. Кўриниши жуда ваҳимали.

— Начора, эрининг ҳозирча ёнида пули бўлгандан кейин қанча ясан-тусан қилса бўлади, — деди Герствуд. — Эрининг ишпийм даромадли-да.

У шундан кейин яна газетага муккасидан тушиб, Керрининг гамгин ва умидсиз боқишларини пайқамасди.

— Миссис Вэнс кираман, деб ваъда берди, — деди Керри.

— Тараддуди ҳам жуда чўзилиб кетди-да. Шундай эмасми? — деб қўйди Герствуд истехзоли қилиб.

Герствуд миссис Вэнсн пулни пўчокча билмайдиган аёл деб билганидан унга унчалик ҳуши йўқ эди.

— Нима десамикин, — Керри Герствуднинг гапидан анча-мунча жаҳли чиқиб жавоб берди. — Унинг келишини эҳтимол ўзим хоҳламагандирман.

— Ўзиям ўлгудай енгилтак-да, — деб қўйди Герствуд тағдор қилиб. — Фақат пули кўн одамгина унга бара-варлашиши мумкин.

— Билишимча, мистер Вэнс унчалик машаққат чекаётгани йўқ, — Керри ҳам бўш келмади.

— Тўппа-тўғри, — Герствуд Керрининг шамасини жуда яхши тушунган бўлса ҳам, оёғини тираб тураверди. — Бироқ унинг умри ҳали тугагани йўқ. У ҳам бошқаларга ўхшаб ерпарчин бўлиши мумкин.

Унинг сўзларидан қандайдир тубан, жирканч маъно сезиларди. Кўзлари ҳам ёвузларча қисилган, гўё у шу топда булар ҳам ерпарчин бўлсалар ажаб эмас, деган хаёлда иши ўнгидан келганлар томонга хасадли нигоҳ ташлаётганга ўхшарди. Ўзининг ахволини эса ўйламас, бу гапиришга ҳам арзимасди.

Герствуддаги илгариги дадиллик ва мустақилликнинг қолдиқлари ана шунда намоён бўлди. У кун бўйи уйда ўтириб, бошқаларнинг ишлари ҳақида газеталардан ўқиркан, гоҳи-гоҳида яна аввалгидай дадил тортиб кетар, бу эса нимаси биландир илгариги тиришқоклигига ўхшаб кетарди. Ўшандай пайтларда кўчаларда беҳуда сарсон бўлиб юриш нақадар азоблигини, иш қидиришдан расво нарса йўқлигини ҳам унутарди. Гўё шу сўзларни айтмоқчи бўлгандай бирдан мағрур қад кериб қоларди:

«О, мен ҳали яна у-буларга қодирман. Мен бутунлай

чикитга чиққаним йўқ. Истасам бас, ҳали кўп нарсаларга еттиша оламан».

Герствуд ана шундай кайфиятда гоҳо кучи ошиб кетганлигини сезиб, соқолини қиртишларди-да, яхшилаб кийиниб, қўлқопини кийиб, йўлга тушиб қоларди. Бироқ бунда бемақсад лақиллагани лақиллаганди. Унинг шаҳарга чиқиши кўшинча барометрга боғлиқ эди. Унинг шунчаки шаҳарга боргиси ва нимадир қилгиси келарди.

Бироқ бунақа пайтларда унинг пули кетиб қоларди. У покер ўйини бўладиган бир неча жойни биларди. Ратуша яқинидаги майхоналарда ҳам танишлари бор эди. Улардан бирортаси билан учрашиб, у ёқ-бу ёқдан валақлаб ўтириш ҳам Герствудни унча-мунча чалғитиб турарди.

Герствуднинг ўзи ҳам бир замонларда покерни яхши ўйнарди. Дўстлари даврасида юз доллар, гоҳ ундан ҳам кўп пул ютиб олган наитлари бўлганди. Бироқ ўша пайтларда бунча пул ўйинни қизитишга ташланган чўғдай туюлар, чунки югукда гап йўқ эди-да. Энди бўлса Герствуднинг хаёлига яна покер ўйини келганди.

«Мен юзми, икки юз долларми ютиб олсам бўлади. Ахир, ўйиндан ҳали қўлим чиқиб кетганича йўқ-ку!» — ўйлади у.

Нафсиламбирини айтганда, Герствуд буни кўп марта кўнглидан ўтказганидан сўнг фикрини амалга оширишга жазм этди.

У биринчи марта бориб қолган киморхона кечувлардан бирининг яқинида, Уэст-стритдаги қандайдир қовоқхонанинг устида эди. Герствуд бу ерга бир неча марта келиб кетганди. Бу ерда бир неча столда ўйин кетарди, Герствуд эса бир оз вақт томоша қилиб турди. Оз-оздан тикилаётганига қарамай, банкада анча-мунча пул йиғилиб қолганлиги ҳам унинг назаридан қочиб қутулмади.

— Менга ҳам беринг-чи, — деди у ўйин бошланиши олдида.

У ўзига стул олиб, карталарига қаради. Бошқа шериклари эса янги киморбозга зимдан синчиклаб тикилишарди.

Олдинига Герствудга омад мутлақо келмади. Унга бешта хар хил карта текканидан бирор нарса ютишдан сира умид қилмаса бўларди. Ўйин эса бу пайтда эндигина бошланаётганди.

— Мен бўлди қиламан, — деди у.

У кўлида шунақа карталар бўлгандан кейин, дастлабки довни ютқизишга мажбур бўлди.

Бирок пичадан кейин толе унга қиё боқиб, пировардида хамёнида бир неча доллар ютуқ билан кетди.

Герствуд эртасига майшат ва ютуқ излаб яна қиморхонага келди. Бу сафар карта сузилаётганда ўзига ўзи қилгандай учта король олса бўладими. Унинг рўпарасида Таманни-холлда ўралашиб юрадиганлардан кўриниши жангари навқирон ирландиялик ўтирарди. Унга яхши карта текканди. Герствуд рақибининг доври оширишдаги тиришқоклиги ва ўзини совуққон тутишидан хайратда эди. «Мабодо бу кимса ёлғонга ўтса борми, уни ҳам котириб ташласа керак», — деб қўйди ичида Герствуд. У ўзининг картасидан шубҳаси орта бошласа ҳам, мутлақо сир бой бермай ўтирар ёхуд шунга ҳаракат қиларди. Бу нарса илгари унга қўлига чиққан картага амал қилмай, рақибларининг фикр ва кайфиятини билиб олишни маъкул кўрадиган баъзи бир қиморбозларни лақиллатиб кетишида қўл келганди. Энди бўлса рақибининг картаси қўлимдаги картадан дуруст бўлса керак, вақтида бўлди қилмасам, у охиригача бўш келмай, сўнгги долларимни ютиб олса ажаб эмас, деган расво фикрни ҳеч миясидан чиқариб ташлолмасди. Ахир карта яхши чиққанидан кейин, мўмай пулни уриб кетиш керакда! Доври яна оширса бўлмайдими?

— Яна учта қўяман, — деди ирландиялик навқирон йигит.

— Бўлмаса бешта бўла қолсин, — жавоб қилди Герствуд фишкалар уюмини яқинроқ суриб.

— Яна шунча бўлмаса! — Герствуднинг рақибиди шундай дея банкка қизил фишкалар уюмини қўшди.

— Менга яна фишкadan беринг, — Герствуд қиморхона маъмурига ўгирилиб унга пул узатди.

Герствуд фишкаларни олиб, доври беркитганида ёшгина ирландиялик масхараомуз иршайиб қўйди.

— Яна бешта! — деди ирландиялик

Герствуднинг пешанасидан тер чиқиб кетди. Ўйин уни тобора гирдобига тортар, агарда унинг молиявий қудрати назарда тутилган бўлса, жиндай хаддидан ҳам ошганди. Банкда энди Герствуднинг ёнидан чиққан олтмиш доллар бор эди.

Герствуд табиатан мутлақо қўрқоқ бўлмаса ҳам, бирдан шунча пулидан айрилиб қолиши мумкинлигини ўйлаганида аъзои бадани бўшашиб кетди. У ахири таслим бўлди. У энди ўзининг яхши картасига ишонмай қўйганди.

— Сизда нима? — деб сўради у шеригидан ўйинни ёшаркан.

— Учлик билан иккилик, — деди у карталарини кўрсатиб.

Герствуднинг қўли шалвираб қолди.

— Мен бўлсам сизни қўлга туширдим деб ўйловдим, — Герствуд аранг эшитиладиган қилиб вўлдиради.

Йигит ҳамма фишкаларни олдига тўдалаб олди, Герствуд бўлса хонадан чиқиб кетди. У зинадан тушаётиб, тўхтади-да, ёнида қолган пулини санади.

— Уч юз қирқ доллар, — деб қўйди у шивирлаб.

Майхона ёпилганидан бери анча-мунча пули кетиб қолибди-я!

Герствуд уйига қайтгач, бундан буён карта ўйнамасликка катъий аҳд қилди.

Керри миссис Вэнсинг албатта кириб ўтаман, деган ваъдасини унутмаганидан Герствудга таъсир кўрсатишга яна бир марта уриниб кўрди. У Герствуднинг ўзига қараб юриши ҳақида куйиб-пишарди. Герствуд ўша куни уйига қайтиб, одати бўйича эски нарсаларини кийиб олди. Энди у кечгача ўша кийимида юрарди.

— Қани айт-чи, нега ҳадеб эски-тускиларингни кияверасан? — деб сўради Керри Герствуддан.

— Уйда янги кийимда юришининг нима ҳожати бор? — Герствуд саволга савол билан жавоб берди.

— Менимча, ораста кийиниб юрсанг баҳри дилинг ҳам очиларди. Бунинг устига битта-яримтанинг кириб қолиши бор, — кўшиб қўйди Керри.

— Масалан, ким?

— Жилла бўлмаганда, миссис Вэнс.

— У мени кўрмаса ҳам бўлаверади, — Герствуд қовоғини уйиб жавоб қилди.

Герствуднинг иззат-нафс деган нарсаларни унутиб, газеталардан бошқа ҳеч нарсага қарамай қўйганлиги Керрининг жахлини чиқарар, нафрати ҳам кўзғай-кўзғай деб турарди.

«Кун бўйи ана шундай ўтиргани ўтирган-а! — деб ўйларди у. — «У мени кўрмаса ҳам бўлаверади»миш! Шундай дегани уялмасмикин?»

Миссис Вэнс чиндан ҳам йўқлаб кирган куни Керри адойи тамом бўлаёзди. Миссис Вэнс у-бу олгани кўчага чиққанидан йўл-йўлакай кўриб ўта қолай деб бош суққанди. У бир аҳволдаги зинадан кўтарилиб, эшикни тақиллатди.

Афсуски, ўша пайтда Керри уйда эмасди. Эшикни очган Герствуд Керри қайтиб келган бўлса керак, деб ўйлаганди. У миссис Вэнсни кўрганида жуда гангиб қолди. Шунда ундаги сўнаёзган гўрур яна алангаланди.

— А, миссис Вэнс! — деди у ўлганининг кунидан. — Яхшимисиз!

— Яхшимисиз! — деб қўйди миссис Вэнс ҳам кўзларига ишонмай.

Миссис Вэнс Герствуд хижолатда қолганини дарҳол сизди. Герствуд меҳмонни ичкарига таклиф қилиш керак-керакмаслигини билмаганидан, миссис Вэнс хали ҳам оёқда тик турарди.

— Рафиқангиз уйдадилар? — деб сўради миссис Вэнс.

— Йўқ. Керри қаёққадир чикувди, — деди Герствуд. — Сиз, ичкарига кирсангиз бўларди. У хали замон келиб қолади.

— Й-йўғ-е, жуда шошилиб турибман, — жавоб қилди дўстларининг ҳаётида улкан ўзгаришлар рўй берганини аён билиб олган миссис Вэнс. — Йўлим шу томонларга тушиб, бир нафасга кирувдим, бироқ қололмайман, сира иложим йўқ. Рафиқангизга айтиб қўйсангиз, бизниқига бир кириб ўтсин, илтимос.

— Айтаман, — деди Герствуд хали ҳам меҳмондан бир оз нарида тураркан.

Герствуд меҳмон кетгач, анча енгил тортди. У азбаройи ерга кириб кетай деганидан тебратма стулга чўкиб, ғамгин хаёлларга бериларкан, қўллари ҳатто қакшаб кетди.

Керри уйига бошқа томондан келаётганидан олисдан тобора узоқлашаётган миссис Вэнсни кўргандай бўлди. Бироқ харчанд тикилса ҳам, ўша одам дугонаси эканлигига ишонмасди.

— Ҳозир бу ерга биров кирдимиз? — Керри уйига қира солиб Герствуддан шундай деб сўради.

— Ҳа, — Герствуд ўзини гуноҳқорона тутиб жавоб берди, — миссис Вэнс кирувди.

— Сени кўрдими? — деди Керри вужудини қамраб келаётган ғазабини яширмай.

Унинг сўзлари Герствудни қамчи зарбидай ловиллатиб юборди. Қовоқ-тумшуғи осилиб кетди.

— Агар унда кўз бўлса мени кўргандир, — жавоб берди Герствуд. — Эшикни мен очувдим.

— О! — деб юборди Керри чапак чалиб. — Унинг бирорта иши бор эканми?

— Йўк, ҳеч нима, — деди Герствуд. — Жиндай ҳам турмади, вақтим зик, деди.

— Сен ҳам шу аҳволда унга кўндаланг бўлдингми? — хитоб қилди Керри ҳар қандай босиқликни бир чеккага йиғиштириб қўйиб.

— Хўш, нима бўпти? — Герствуд ҳам тутоқиб кетди. — Унинг келиб қолишини мен қаёқдан билай?

— У келиб қолишини сен жуда яхши билардинг! — деди Керри. — У киришга ваъда берди деб сенга айтувдим, огохлантирувдим! Бошқа кийимингни кийгин, деб сендан неча марта илтимос қилдим! О, қандай даҳшат!

— Ке, қўй! — Герствуд ҳам бақириб берди. — Нима бўпти? Сен барибир у билан борди-келди қилолмайсан: у бадавлат.

— У билан борди-келди қилишга интилаётганимни сенга ким айтди? — Керри тутоқиб кетди.

— Ўзингни кўрмайсанми: кийиминг ундоқ, кийиминг бундоқ деб доимо ғалва қилганинг қилган. Гўё мен бир нарса қилиб қўйгандай...

Керри унинг гапини кесди:

— Ҳа, сен ҳақсан! Гарчи мен буни жуда истаганимда ҳам... барибир у билан борди-келди қилолмайман. Бироқ бундан ким айбли? Сенга маза, бир жойда ўтирволиб фалончи билан борди-келди қил, фалончи билан қилма, деб буйруқ бериб ўтираверасан! Ундан кўра иш қидириб келсанг бўларди!

Бу бамисли томдан тараша тушгандай бўлди.

— Сенинг нима ишинг бор? — Герствуд ўрнидан қўзғаларкан бақириб юбораёзди. — Квартирага мен пул берапман, шундайми? Ҳаммасини ўзим...

— Ҳа, квартира ҳақини сен тўлаяпсан, — бамайлихотир жавоб берди Керри. — Сенинг гапингга кулоқ соладиган бўлсам, оламда бу квартирада димикиб ўтиришдан ҳам зўр нарса йўк, деб ўйлаш мумкин! Мана ўзинг уч ойдан бери шу квартирадан чикмайсан, бирор нарса қилай деб жонингни ҳам койитмайсан, ошхонадаги ишларга тумшуфингни тикқанинг тикқан! Шунақа экан, мени олишингга бало бормиди?

— Мен сенга мутлақо уйланмаганман! — Герствуд хирилдоқ овозда тўнғиллади.

— Уйланмаганман деганинг қанақаси бўлди? Монреалда нима бўлувди ўзи? — Керри хайрон бўлиб сўради.

— У ерда нима бўлганини унутишинг мумкин, — деди Герствуд. — Факт шуки, ҳеч қанақа уйланиш-

пуйланиш бўлгани йўқ. Буни гўё ўзинг ҳам билмайдигандай!

Керри бир неча сония унга бақрайиб қолди. У Герствуд билан умрбод бир ёстикқа бош қўйганига ишонарди.

— Бунақа экан, нега мени алдадинг? — деб сўради Керри. — Нега мени зўрлаб бирга қочишга мажбур этдинг?

У сўнгги сўзларини хўнграб айтгандай бўлди.

— Қочишга мажбур қилдингмиш-а! — Герствуд лабларини нафратомуз чўччайтириб такрорлади. — Ким сени зўрлади?

— О! — Керри ортикча дош бера олмай чинқириб юборди. — О! О! — у яна шундай дея югурганича меҳмонхонага чиқиб кетди.

Герствуд бу пайтда ғафлат уйқусидан уйғониб кетганди. Ҳозирги ғалва унга яхшигина дашном бўлди. У юзини артиб, у ёқ-бу ёққа олазарак бўлди. Кейин хонадан чиқиб, кийина бошлади.

Керри турган хонадан чурқ этган товуш эшитилмасди. Керри Герствуднинг кийинаётганини эшитиб, йиғисини ичига ютди. Шунда Герствуд мени бир чақасиз ташлаб кетса-я, деган фикр хаёлидан лип этиб ўтди. Бироқ у кетса айрилиб қолишидан бир лаҳза ҳам чўчимасди. У Герствуд шкафни очиб, баланддаги жавондан шляпасини олганини, кейин эшик тарақлаб ёпилганини эшитиб турарди. Герствуднинг чиқиб кетгани энди равшан эди.

Керри ўша захотиёқ ўрнидан турди, унинг кўзлари курук эди. У деразадан қаради. Герствуд Олтинчи авеню томонга одимларди.

У Ўн учинчи кўчадан юриб, кейин Ўн тўртинчи кўчани кесиб ўтди-да, Юнион-скверга бурилди.

— Иш қидириш керак, — Герствуднинг лаблари унсиз шивирлади. — Иш қидириш керак. У менга иш қидиргин деяпти.

Герствуднинг ақли унга ҳар қадамда, Керри ҳақ, деб уқтиргани уқтирган, у эса ана шундан ўзини олиб қочишга уринарди.

«Бу миссис Вэнс қаёқдан ҳам келиб қолди! — деб тутаяқарди Герствуд ичида. — Менга бошдан-оёқ тикилганини айтмайсизми. Унинг қандай хаёлларга борганини билмай ўлибманми.»

У миссис Вэнсни Етмиш саккизинчи кўчада бир неча марта кўрган пайтларини эслади. Миссис Вэнс доимо бой хонимлардай юрар, Герствуд ҳам унинг олдида ўзи-

ни ўшаларнинг доирасидаги одамдай кўрсатишга ҳаракат қиларди. Энди Герствудни бундай ахволда кўриб қолганини айтмайсизми!

Герствуднинг қовоғи солинди, унга жуда ҳам алам қиларди.

— О, иблис! — деб қўярди дам-бадам.

Герствуд уйдан чиқиб кетаётганида соат тўртдан ўн беш минут ўтганди. У Керрини йиғлатиб кетди, демак, бугун тамаддидан умид қилмаса ҳам бўлади.

«Нима бало бўлди ўзи! — дерди у ўзига шармандалигини яширишга тиришиб. — Жуда ҳам хароб эмасман-ку! Хали адоин тамом бўлганимча йўқ!»

У теварак-атрофига қараб, йирик меҳмонхоналар яқинида турганини пайқади-да, улардан бирига кириб, тамадди қилмоқчи бўлди. У ерда газета топиб, бир амаллаб дурустроқ жойлашиб олди.

Герствуд ўша пайтларда Нью-Йоркдаги энг зўр меҳмонхоналардан бўлган «Мортон» меҳмонхонасининг хашаматли залига кўтарилиб, юшоқ креслога чўкиб, газета ўқишга тушди. Уни энди пули тез тугаб бораётганлиги, шунинг учун ҳам бунчалик маишат қилишга ҳақи йўқлиги заррача ҳам қийнамасди. Морфий бангисига ўхшаб, аста-секин вақтинчалик кайфнинг қулига айланиб борарди. Кўнглини эзиб ётган ғам тошини йўқотиш, шинам жой ва осойишталикка бўлган ташналигини қондириш учун ҳамма нарсага тайёр эди! Буларсиз энди у яшаёлмасди. Эртанги куннинг ташвишларини жин урсин! Герствудга «эртага» деган сўзнинг ўзи ҳам бошига тушадиган машаққатлар сингари хунук кўринарди. Биз ўлим васвасасини хаёлимиздан қанчалик қувсак Герствуд ҳам тез орада бир чақасиз қоламан, деган фикрни хаёлидан шунчалик қувар, буни унутишга муяссар бўларди ҳам.

Қалин гиламни босиб ўтиб бораётган ва яхшилаб кийинган хўрандалар Герствуднинг хаёлини узоқ ўтмишга олиб кочди. Герствудга меҳмонхонада истиқомат қиладиган ва бурчакдаги роялни чалаётган қандайдир бир аёл маъкул келиб қолувди, у газетасини олиб яқинроқ бориб ўтирди.

Тановул қилиш унга бир ярим долларга тушди.

Герствуд кечқурун соат саккизда овқатдан қўлини артди. У рестораннынг хўрандалари тарқалишаётганини, кўчадаги маишатталаблар тўдаси тобора катталашаётганини пайқади. У кўчага чиқиб бораркан, қаёққа борсамикин, деб боши қотарди. Ишқилиб уйига бормаса бўлга-

ни! Керри ҳали ҳам ухламагандир. Йўқ, Герствуд бу окшом уйига мутлақо қайтмайди! У вақтини ўзига жуда мустақил одамдай ўтказади.

Герствуд сигара тутатиб, яқинроқдаги ўзига ўхшаган ўнларча лақиллаб юрганлар тўдалашиб туришган муюлишда тўхтади. Шунда беихтиёр Чикагода кечган окшомлари эсига тушди. Бундай пайтларда карта ўйнагани неча марталаб дўстларининг уйларига борганди-я.

У хаёлан яна покер ўйинига қайтди.

«Ўтган сафар тентаклик қилдим, — деди у олтмиш доллар ютқазиб қўйганлигини эсларкан. — Бекорга бўлди қилдим-да, бўлмаса ахийри йигитнинг юрагини чиқарган бўлардим. Руҳим баланд эмасди, холос. Мени расво қилган нарса ҳам ўша бўлди.»

Герствуд шундан кейин ўйинда келадиган хилма-хил имкониятларни хаёлидан бирма-бир ўтқазиб, сал дадилроқ ўйнаганида борми, у ёки бу рақибини қанақа қоқлаши мумкинлигини кўз олдига келтира бошлади.

«Менинг бунақа ўйинда тажрибам етарли, фойдаланишим керак. Яна бир марта бахтни синаб кўриш зарур.»

Унинг кўзи ўнгидан катта-катта довлар ўта бошлади. Бирдан у юз-икки юз доллар ютиб олса-я! Ютса ишларини бир мунча ўнглаб олмасмиди? У карта орқасида тирикчилик қилиб юрганларни, тагин бинойидек турмуш кечираётганларни ҳам биларди.

«Уларни илгари менчалик пуллари кўп бўлмаган», — дерди у ўзича хаёл суриб.

Герствуд ўзини худди илгариги пайтлардагидай димоғи чоғ сезиб, яқинроқдаги ишратхоналардан бирига йўл олди. Унинг мияси ҳозирда гангиган, бунга унинг аввал Керри билан гижиллашгани, кейин эса яхшилаб овқатланиб, коктейль ичиб, хушбўй сигара чекиб олгани эди. Оқибат натижада у бир неча соатга бўлса ҳам, худди бир вақтлардаги Герствуднинг ўзи бўлди қўйди.

Шундай бўлса ҳам у мутлақо аввалги Герствуд эмас, балки ўзининг виждони ва домига тортаётган сароб билан бахшлашаётган инсон эди.

Қиморхона Герствуд илгари сафар бўлган жойдан сира ҳам фарқ қилмасди. У фақат ваҳималироқ майхонада жойлашгани билангина ажралиб турарди. Герствуд бир оз вақт ўйинни томоша қилиб турди, кейин эса ўзи ҳам аралашиб кетди. Олдинги сафардагидек бу гал ҳам аввалига ўйин анча силлиқ кетди. Герствуд бир неча

марта ютганидан дадиллиги ортди, кейин эса ютқизгани сари ўйин гирдобига қаттироқ ботаверди. У жуда ҳам қизишиб кетганди. У таваккалчиликдан ҳузур қиларди. Бир сафар кўлида хароб карта бўлса ҳам дурустроқ ютукни кўлга киритиш учун алдовга ўтди.

Герствуднинг омадини қарангки, бу иш унга кўл келди.

У ютукдан гангиб қолиб, толе бугун менга боққан деган хулосага келди. Ундан бошқа ҳеч ким ютмасди. Кўлига ўртачароқ карта тушиб қолувди «гулламоқчи» бўлди. Ҳарифлари сезгир киморбозлар бўлганидан Герствуднинг хаёлига нималар келаётганини деярли билиб туришарди.

«Кўлимда учлик бор; охиригача қимир этмай туравераман», — деб ўйлади унинг ҳарифларидан бири.

Довни ошириш бошланди.

— Яна ўн кўшаман, — деди Герствуд.

— Розиман, — жавоб қилди ҳарифи.

— Яна ўн.

— Розиман.

— Яна ўн.

— Менам кўшдим.

Кўйинг-чи, банкда анча-мунча пул тўпланиб қолди, Герствуднинг етмиш беш доллари ҳам шу ҳисобдан эди. Унинг ҳарифи жиддий ўй суриб қолди. Бирдан: «Бу одамнинг кўлида зўр карта бўлса-я?» — деган фикр ўтди унинг хаёлидан. Шунинг учун ҳам у картани очишга қарор қилди.

— Сизники нима? — деб сўради.

Герствуд картасини очди. Унинг картаси ютқизганди.

Герствуд бир ўйинда етмиш беш долларни ютқизиб қўйганини англади, жуда ҳам бўшашиб кетди.

— Яна ўйнаймизми? — таклиф қилди Герствуд тунд бўлиб.

— Майли! — рози бўлди ҳарифи.

Баъзи киморбозлар жойларидан туриб кетишди, уларнинг ўрнини ҳаваскорлар эгаллашди. Вақт ўтиб борарди. Орадан кўп ўтмай соат ўн иккига занг урди. Герствуд озроқ ютиб, озроқ ютқазарди. У жуда ҳам толиққанидан охириги ўйинда яна йигирма доллар бой берди.

Унинг кўнгли гаш, ичига чироқ ёкса ёримасди.

Герствуд иккидан чорак ўтгандан кейингина киморхонадан чиқди. Кимсасиз, совуқ кўчалар уни масхара қилаётгандай туюларди. У Керри билан вижиллашгани-

ни бутунлай эсидан чиқариб, шопилмай уйига борарди. Зинадан кўтарилиб, гўё ҳеч нима бўлмагандай ичкарига кирди. У энди фақат бой берганини ўйларди, холос.

Герствуд каравотда ўтириб пулини санади. Энди унинг ёнида ҳаммаси бўлиб бир юз тўксон доллар билан жиндек майда қолганди. Шундан кейин пулини чўнтагига солиб, ечина бошлади.

«Чиндан ҳам менга нима бўляпти ўзи?» — дерди у гангиб.

Керри эрта билан унга гапирмади ҳисоб. Герствуд шундан кейин уйдан кета қолгани маъқуллигини сизди. У Керрига жабр қилганлигини билиб турса ҳам ўзини ярашув томон қадам ташлашга сира ҳам мажбур эта олмади. У ноумидлик гирдобида қолганди. Сурункасига бир неча кун уйдан чиқиб кетиб, жентльменлардай кун кўрди, тўғрироғи, тасавурида жентельмен қандай кун кечириши лозим бўлса ўшандай яшади. Лекин бу пулнинг заволи эди. Кунларини шу тахлит ўтказганидан ўзини ҳам жисман, ҳам руҳан ёмон сезарди. Бунда ҳамёнидаги пулдан яна ўттиз долларга камайганлигини айтиб ўтирмаса ҳам бўлади.

Герствуд ана шундан кейингина хушёр тортиб, яна асл ҳолига қайтгандай бўлди.

— Бугун квартира ҳақини олгани келишади, — деб қўйди Керри.

Бу унинг кейинги уч кун ичида оғиз очиб айтган биринчи сўзи эди.

— Шунақами? — Герствуд ҳайрон бўлди.

— Бугун ойнинг иккинчи куни, — деди Керри гапни тасдиқлаб.

Герствуд қошини чимирди-да, бўшашган ҳолда чўнтагидаги ҳамёнига қўл чўзди.

— Квартирага жуда кўп пул кетяпти-да! — деб қўйди у.

Ёнидаги сўнгги юз долларга навбат келмоқда эди.

XXXVII б о б

ИРОДА ҚАЙТМОҚДА. ЯНА ЧОРА ИЗЛАБ

Кунлар ўтиши билан Герствуднинг ёнида қолган охирги эллик долларга гал келганлигини таъриф-тавсиф қилиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Герствуднинг бунчалик очик қўллик билан харажат қилишида унинг

етти юз доллари июнь ойигача бемалол етган бўларди. Бироқ охирги юз долларни майдалашга навбат етмасдан олдинок у яқинлашаётган фалокатдан гап оча бошлаганди.

— Очигини айтсам, нега бунча пул кетаётганини ҳеч тушунолмаёпман? — деди у қандайдир майда харажатга тихирлик қилиб.

— Менимча, сира ҳам кўп кетаётгани йўқ, — эътироз билдирди унга Керри.

— Пулим тугай деб қолди, — деди Герствуд гапида давом этиб. — Қаёққа кетганига ҳечам ақлим бовар қилмаяпти!

— Сен етти юз долларимнинг ҳаммаси кетиб қолди демоқчимисан? — хитоб қилди Керри.

— Ҳа, юз долларгина қолди, холос.

Герствуднинг ночор-ноилож ўтирганини кўриб Керрининг ўтақаси ёрилди. У оқимда ожизона сузиб кетаётганини тушуна бошлаганди. Дарвоқе, у буни доим сезиб турарди.

— Жорж, нега иш кидирмаясан бўлмаса? — хитоб қилди Керри. — Эҳтимол, бирор иш-пиш топган бўлармидинг!

— Қидириб кўрдим, — жавоб берди у. — Менга иш беринглар, деб одамларни мажбур қила олмайман-ку!

Керри унга пича тикилиб турди-да, ахийри оғиз очди:

— Нима қилмоқчисан энди? Юз доллар билан узоққа бора олмаймиз-ку.

— Билмайман, — жавоб қилди Герствуд. — Менинг кўлимдан фақат иш кидириш келади. Бошқа иложим йўқ.

Герствуднинг бу сўзларидан Керрини ваҳм босди. Энди нима ҳам қила олади? У ўзини мафтун қилиб, мисли зарҳалдай ялт-юлт этаётган ҳаётга олиб кирувчи эшикдек туюлган театрни тез-тез ҳаёлидан ўтказиб турарди. Керри худди Чикагодагидек ҳозир ҳам ана шу гапни маҳкам ушлаб олганди. Мабодо Герствуд яқин орада иш топа олмайдиган бўлса, иложи борича тезроқ бирор чора топиш керак бўлади. Керри бир бурда нон топиш учун яна кураш бошласа ажаб эмас-да. Лекин бу сафар ёлғиз ўзи курашга киришиши керак.

Керри, одамлар қанақа қилиб саҳна юзини кўришаркин-а, деб ўзидан-ўзи сўрарди. Чикагода актрисаликка кираман, деб сарсон бўлгани нотўғри йўлни танлаганлигига ишончини комил қилганди. Гапингга қулоқ солиб,

синаб кўриб ва қобилиятингни кўрсатишинга имконият яратиб берадиган одамлар ҳам топилар балки.

Орадан икки кун ўтгандан кейин Керри нонушта пайтида Сарра Бернарнинг Америкага келганлиги хақидаги афишаларни гап орасида қистириб кетди. Герствуд ҳам бу ҳақда газеталардан ўқиб вокиф бўлганди.

— Одамлар қандай қилиб театрға ишга киришаркин, Жорж? — Керри жуда ҳам соддадиллик билан сўради.

— Очиги, билмайман, — жавоб қилди у. — Бунинг учун махсус театр агентликлари бўлса керак.

Керри қахвадан хўплаб, чашкадан кўзини узмай ўтирарди.

— Талабгорларга ўша ерда иш топиб беришадими?

— Ҳа, менимча шундай, — жавоб берди у.

Герствуд шунда Керрининг овози сал бошқачароқ чиққанига эътибор бериб ўша заҳотиёқ сўради:

— Наҳотки, ҳалиям сахнани хаёл қилаётган бўлсанг?

— Йўқ, шунчаки сўрадим-да, — Керри шундай деб кўя қолди.

Герствуд ўзи ҳам тушуниб етмай бундай майнабозчиликка қарши эди. У Керрига уч йилдан бери кўз-қулоқ бўлиб юрганидан сахна санъатида довруқ солишига ишонмасди. Керри унинг назарида ҳаддан ташқари кўнгилчан эди! Санъат унинг тасаввурида катта маҳорат талаб этарди. Мабодо Керри театрға киришга уринадиган бўлса ҳадемай бирорта товламчи — антрепренернинг чангалига тушади-да, «хамма қатори» бўлади қолади. Герствуд «хамма қатори» деганида нимани кўзда тутаётганини яхши биларди. Керри чиройликкина жувон. У дурустроқкина жойлашиб олиши мумкин! Хўш, унда Герствуднинг ҳоли нима кечади!

— Сенинг ўрнингда бўлсам театр-пеатр деган нарса ни бутунлай хаёлимдан чиқариб ташлардим. У сен ўйлагандан машаққатли.

Керри унинг сўзларидан артистлик қобилиятини менсимаётганини илғаб олди.

— Чикагода эканимизда менга, жуда яхши ўйнадинг, девдинг-ку, — деди Керри унга эътироз билдириб.

— Буниси тўғри, — Герствуд Керрининг тортишмоқчи бўлаётганини кўриб, унинг гапига қўшилди. — Бироқ Чикаго — Чикаго, у Нью-Йорк эмас-да.

Керри унга жавобан ҳеч нима демади. Герствуднинг гаплари унга алам қиларди.

— Сахна манаман деганларга жуда яхши нарса, —

гапида давом этди Герствуд. — Бироқ у майда актёрлар учун эмас. Тўдани ёриб чиқиб, ҳаммага танилиш учун кўп вақт керак.

— Билмайман, билмайман... — бу суҳбатдан пича тўлқинланган Керри ўйчан ҳолда шундай деб қўйди.

Герствуд бу ишларнинг охири бориб-бориб нима бўлишини тезда кўз олдига келтирди. Ҳоли танглашиб, ҳалокатга юз тутай деб турган ҳозирги пайтида Керри нимаики қилиб бўлса ҳам актриса бўлиб олади-да, уни тақдир заволига ташлаб кетади. Керрининг маънавий жихатдан тўлақонли шахс эканлиги хусусида унда ногўғри тасаввур юрарди. Бунга сабаб унинг ҳис-туйғулар улугворлигини тушунмаслиги эди. У инсон фақат ақли жихатидангина эмас, балки ҳиссиётлари туфайли ҳам буюк бўла олишини ҳеч қачон билолмаганди. Масонлар жамиятидаги хаваскорлик спектаклига келганига эса кўп замонлар бўлган, у хусусдаги таассуротлар ҳам хаёлидан анчамунча кўтарилиб қолганди. Герствуд Керри билан анча пайтлардан бери бирга тураётганидан энди унга нарвона бўлмаса ҳам бўларди.

— Мен бўлсам биламан, — деди у бўш келмай. — Сенинг ўрнингда бўлганимда бу фикрни хаёлимга ҳам келтирмаган бўлардим. Умуман артистлик — аёлларнинг касби эмас.

— Харҳолда очликка қараганда дурустрок, — деди Керри. — Хўш, театрга киришимга қарши бўлсанг ўзингга нега бирорта иш-пиш қидирмаяпсан?

Герствуд бу гапга жавоб топа олмади. У бунақанги қочириқларга энди қўниқиб қолганди.

— Э, қўйсанг-чи! — деди у чап бериб.

Мана шу гапдан кейин Керри нимаики қилиб бўлса ҳам бировга билдирмай орзусига етишишга аҳд қилди. Герствуднинг бу билан иши бўлмайди. Герствуд Керрини уйда ўтиришини истайди, Керри бўлса унинг кашшоқликка рўлара қилишига йўл қўймайди, унинг таланти бор, бу шак-шубҳасиз. Бирорта театрга кириб олиб, аста-секин танила боради. Герствуд ўшанда нима деркин? Керри энди ўзини ҳар куни Бродвейдаги томошаларда иштирок этадиган машҳур актрисадай сезарди. Ўшанда у ҳар куни кечқурун ўзининг артистлик пардозхонасига бориб, сахнага чиқишга ҳозирлик кўради. Спектакль тугагач, театрдан чиқиб кетаётганида кўчада бир-талай экипажлар кутиб турганини кўради. Керрига ҳозирги дамда машҳур бўлиб кетадими ё йўқми бунинг сира

хам аҳамияти йўк. У театрга ишга кириб олиб, тирикчилигига яраша пул тошиб, дидига яраша кийиниб, хоҳлаган жойига бориб, билган ишени килиб юрса бўлгани. О, бу қандай соз-а! Керри кун бўйи ана шуларни ўйлар, абгор бўлган Герствуд эсига тушганида эса бу ҳаётнинг гўзаллиги кўзига янада яркираб кўринарди.

Буни қарангки, Керрининг актриса бўлиши ҳақидаги фикр аста-секин Герствуднинг миясига ҳам ўрнаша бошлади. Унинг пули сувдек кетаётгани яқин орада бировнинг мададига муҳтож бўлишини ёдига солиб турарди. То иш тошиб кетгунча Керри унга қарашиб турса нима қилти?

Герствуд бир кун шу ҳаёл билан уйга қайтди.

— Мен бугун Жон Дрэйкни қўриб қолдим, — деди Герствуд гап бошлаб. — У кузда шу ерда меҳмонхона очганида менга бирорта иш беришни ваъда қилди.

— У ким ўзи?

— Чикагодаги «Грэнд Пасифик» меҳмонхонасининг эгаси.

— Қара!

— Унга ишга кирсам, йилига бир ярим минг доллар олардим.

— Кошкийди, ёмон бўлмасди! — деб қўйди Керри хайрихоҳлик билан.

— Кузгача етиб олсак бўлди, кейин яна ҳаммаси яхши бўлиб кетади, — Герствуд гапида давом этди. — Мен баъзи эски дўстларим билан қайтадан алоқа боғладим.

Керри бу сафсатага ҳам лакка ишонди. У ёзни ўтказиб олишда Герствудга қарашишни чин кўнгилдан истарди. Герствуд гангиб қолганидан кўриниши ҳам бир аҳволда эди-да!

— Пулинг қанча қолди? — деб сўради Керри.

— Ҳаммаси бўлиб эллик доллар.

— О, худойим! — деб юборди Керри. — Нима қиламиз энди? Уч ҳафтадан кейин яна квартира ҳақини тўлаш керак.

Герствуд бошини қафтлари орасига қўйиб, ерга ўйчан тикилиб қолди.

— Театрдан бирор иш-пиш кидирсанг бўлармикин-а? — деди у пировардида.

— Ҳа, майли, — Керри кўнглидаги ниятини маъқуллаган одам топилганидан терисига сиймай, дарров рози бўла қолди.

— Мен эсам, нимаики иш бўлса ҳам майли, топилса бас, қилавераман, — Герствуд Керрининг чехраси ёришиб кетганини сезиб кўшимча қилди. — Бирор иш-пиш топарман, албатта.

Керри орадан кўп ўтмай Герствуд кўчага чиқиб кетгач, бисотига қараб ясан-тусан қилди-да, Бродвейга қараб йўл олди. У назарида барча улугвор ва мўъжизакор нарсаларнинг кони бўлган бу кўчани унча яхши билмасди. Хамонки бу ерда, Бродвейда театрлар бор экан, демак, яқин атрофда театр агентликлари ҳам бўлиши керак-да.

У мэдисон-сквердаги театрга кириб, театр агентлигини суриштириб билмоқчи бўлди. Бу унга энг оқилона йўлдай туюлди.

Керри вестибюлга кириб, дарча олдида ўтирган кассирга мурожаат қилди.

— Нима? Театр агентлиги дейсизми? — у дарчадан мўралаб сўради. — Очиги, билмайман. Бироқ «Реклама»дан ўзингизга керакли маълумотларни топишингиз мумкин. Унда ана шундай муассасаларнинг адреслари босилади.

— У нима ўзи? — сўради Керри. — Газетами, журналми?

— Газета, — деб жавоб берди кассир оламда бунақа нарсалардан беҳабар одамлар ҳам борлигидан ажабланиб. — Уни истаган киоскдан топа оласиз, — у рўпарасида гўзал аёл турганлигини кўргач, мулойимлик билан кўшимча қилди.

Керри «Реклама»ни сотиб олди-да, киосканинг ёнидаёқ ундаг агентликларнинг адресини қидира кетди. Қараса бу унчалик осон иш эмас экан. Ўн учинчи кўчага хали анча бор бўлса ҳам Керри барибир қимматбаҳо газетасини маҳкам ушлаганича анча вақти кетганига ачина-ачина уйига жўнади.

Герствуд аллақачон қайтиб келиб, хар кунги жойида ўтирарди.

— Қаерда эдинг? — сўради у.

— Битта-яримта театр агентлигини топаман деб юрувдим.

Герствуд ундан кўп нарсани сўрашга ботина олмаса ҳам Керрининг қўлидаги газета эътиборини тортди.

— Қўлингидagi нима?

— «Реклама», — жавоб берди Керри. — Менга, ана

шу газетадан театр агентликларининг адресини тонасиш, дейишди.

— Бродвейга фақат шунинг учун бориб юрибсанми? Буни сенга ўзим ҳам айтиб берардим.

— Нега айтмадинг бўлмаса? — деб сўради Керри газетадан бошини кўтармай.

— Ўзинг сўраганинг йўқ-ку, — деди Герствуд.

Керри газетанинг майда харфларига бекордан-бекорга кўз югуртирарди. Бу пайт Герствуднинг бепарволиги унинг юрак-бағрини эзарди. Герствуднинг қўлидан фақат Керрини ташвишига ташвиш қўшиш келади-да. Керри бўлса тобора ўзига ачингани ачинган. Кирикларида ёш титрарди. Унинг ўнкаси тўлиб турганини Герствуд ҳам пайқади.

— Қани, мен ҳам кўрай-чи, — деди у офиз очиб.

Керри ўзини сал босиб олиш учун бошқа хонага кириб кетди-ю, то Герствуд эълонларни кўздан кечириб бўлгунча хонадан чиқмади.

У орадан хийла вақт ўтгач, мехмонхонага қайтиб кирди. Герствуд бу пайтда қалам билан эски конверт устига ниманидир ёзиб ўтирарди.

— Мана сенга учта адрес, — деди у.

Керри ундан конвертни олди. Конвертда: миссис Бермудес, мистер Маркус Жекс ва Перси Уэйл деган ёзувлар бор эди. Керри ўйлаб турди-да, сўнг дарҳол эшик томонга юрди.

— Мана шу адреслар бўйича бориб келаман, — чиқиб кетаётиб, у Герствудга хатто киё ҳам боқмади.

Герствуд эса мулзам бўлгандай кетидан қараб қолаверди. Унда эркаклик ғурури сал-пал уч бергандай бўлди-ю, бироқ яна тезда тинчиди қолди. Пича ўтиргач, ўрнидан кўзгалиб, шляпасини кийди.

«Бир айланиб келай!» — бир ёкка боргиси келганидан ўзича шундай деди.

У кўчага чикди-да боши оққан томонга қараб кетди.

Керри бўлса бошқалардан кўра яқинроқда турган миссис Бермудесга йўл олди. Қадимий уй идора қилинганди. Миссис Бермудеснинг контораси иккита хонадан (илгари булар ётоқ билан мехмонхона бўлган бўлса ажаб эмас) иборат бўлиб, улардан бирининг эшигида: «Рухсатсиз кирилмасин!» деган ёзув кўринарди.

Керри қабулхонага кирганида у срда бир неча эркаклар навбатлари келишини кутиб ўтиришарди. Улар кимир этмай ва бир-бирлари билан сўзлашмай вақт ўтка-

зишарди. Тез орада ичкарининг эшиги очилиб, қабулхонага костюмлари баданларига ёпишиб, ёқалари билан енг учлари оппоқ оқариб турган эркаксифат иккита аёл чиқиб келди. Улардан кейинда қирқ бешларга борган, сочлари малла, қарашлари ўткир бўлган семизгина хоним кўринди. Сиртдан қараганда у анча хушфёъл кўринарди. Ахир кулиб турарди-да.

— Эсингиздан чиқмасин-а, хўпми, — деди унга эркаксифат аёллардан бири хайр-маъзур қилаётиб.

— Эсдан чиқариб ўлибманми, — семиздан келган хоним шундай дедию, ўша захоти кўшимча қилди. — Шошманг, февралнинг бошларида қаерда бўласиз?

— Питсбургда.

— Яхши, мен сизга хат ёзиб юбораман.

— Жуда соз, — мижоз унинг гапини маъқуллаб, шериги билан чиқиб кетди.

Ўша дақиқанинг ўзида семиз хонимнинг чехрасидан табассум ариб, ўрнини жиддият эгаллади. У қабулхонадагиларни кўздан кечираркан, Керрига келганда тўхтаб қолди.

— Хўш, хоним, хизмат? — деб сўради у.

— Сиз миссис Бермудессиз, шундайми?

— Ҳа.

— Бўлмаса, — Керри мақсадга қандай кўчишини билмай гап бошлади, — менга айтсангиз... сиз актёрларни ишга жойлаштирар экансиз, шундайми?

— Ҳа.

— Менга бирор иш-пиш топиб бера олмайсизми?

— Сизда тажриба-пажриба дегандан борми?

— Жуда кам, — Керри бўйнига ола қолди.

— Сиз қандай труппаларда чиққансиз?

— Э, ҳеч қанақаси билан, — Керри изох беришга тушди. — У спектакль шунчаки...

— Э, тушунаман! — миссис Бермудес унинг гапини бўлди. — Йўқ, хозирги пайтда мен сизга ҳеч нима қила олмайман.

Керри шалвираб қолди.

— Сиз Нью-Йоркда ишлаб туришингиз керак, — деди пировардида «олий химмат» миссис Бермудес. — Бироқ ҳар эхтимолга қарши адресингизни қолдилинг!

Керри кабинетига сирғалиб кетаётган семизгина хонимдан кўз узмай жойида қимир этмай турарди.

— Қаерда турасиз? — деди Керрига ёзув столи ёнида ўтирган ёшгина қиз узилиб қолган гапни давом эттириб.

Керри унга яқинроқ бориб, исми билан адресини айтди. Қиз ҳаммасини ёзиб олгач, «бўлди» дегандай бош ирғаб қўйди.

Миссис Женкснинг конторасида ҳам тахминан шундай ҳол юз берди ҳисоб. Фақат Керри билан хайрлашаётганида у ердаги жентльмен шундай деди:

— Мабодо маҳаллий театрлардан бири составида чиққанингизда ёки программангиз бўлганида сизга бир иложини қилган бўлардим.

Учинчи жойда тўсатдан:

— Сиз қанақа иш қидирыяпсиз? — деб сўрашди.

— Гапингизга мутлако тушунмаяпман, — деди Керри.

— Хўш, масалан нимада чиқмоқчисиз: комедиядами ё водевилдами? Ё бўлмаса хористка бўлмоқчимисиз?

— Мен бирорта пьесада роль ўйнашни истардим, — жавоб қилди Керри.

— Хм! — миянглаб қўйди театр агенти. — Бу сизга анча-мунчага тушади.

— Қанчага? — деб сўради Керри. Буни қарангки у илгари бунақа имконият борлигини хаёлига ҳам келтирмаганди.

— Буни ўзингиз ҳал қилишингиз керак, — деди агент ўзини муғамбир тутиб.

Керри унга бақрайиб қолди. У гапни силлиқ давом эттиришни билмасди.

— Сизга пулини тўласам мени ишга жойлаштириб қўярмидингиз? — деб сўради у.

— Албатта. Бўлмаса, пулингизни қайтиб олаверасиз.

— Ҳа, шундай денг! — деб қўйди Керри.

Агентга мутлако тажрибасиз одам билан гаплашиб тургани аён бўлганидан у гапида давом этди:

— Сиз камида эллик доллар зақалат қолдириб кетишингиз керак. Бундан камига ҳеч ким сиз учун овора бўлиб ўтирмайди.

Керри гапга тушуна бошлади.

— Миннатдорман, — деди у. — Ўйлаб кўрай-чи.

У шундан кейин эшикка қараб юрганди, бироқ нимадир эсига тушиб, бирдан тўхтади.

— Менга тезроқ иш топиб бериш қўлингиздан келадими? — деб сўради у агентдан.

— Хўш, бунга бир нима дейиш кийин! — деди у. — Эхтимол бир ҳафта, бўлмаса бир ой ўтар. Ҳарҳолда дурустроқ жой рўпара қилинади-да.

— Тушунаман, — Керри шундай деди-да, уялинки-раб жилмайганича конторадан чиқиб кетди.

Театр агенти бир неча лаҳза унинг кетидан қараб қоларкан, ўзича шундай деб қўйди:

«Бу хотинларнинг ўзларини саҳнага уришлари жуда кизик-а!»

Сўнги таклиф Керрини ўйлатиб қўйди. «Мендан пул олиб, кейин беришмаса-чи!» Унда қимматбаҳо буюмлардан ҳар қалай бор. Булар бриллиант кўзли узук, тўғна-нич ва бошқа бир нечта тақинчоқлар. Гаровхонага борса буларни қўйиб, эллик доллар олиши мумкин.

Герствуд уйда экан. У Керри идорама-идора югуриб шунча ҳаяллаб кетади, деб мутлақо ўйламаганди.

— Хўш, нима янгиликлар бор? — у Керрига очикдан-очик гап сўрашга юраги бетламай шундай деди.

— Ҳали ҳеч нима топганимча йўқ, — деди Керри қўлқопини ечаркан. — Ҳаммаси пул дейди. Пул берсанг жой оласан, дейишяпти.

— Қанча сўрашяпти? — кизикди Герствуд.

— Эллик доллар.

— Иштахалари карнай-ку!

— Нима бўпти, улар ҳам бошқаларга ўхшаган одамларда, — жавоб қилди Керри. — Афсуски, пул берганиндан кейин иш топиб бериш-бермасликларини олдиндан билиб бўлмайди-да.

— Ҳа, мен ҳам курук ваъданинг ўзига эллик доллар бериб ўтирмасдим! — деди Герствуд худди пул унинг қўлида-ю, масаланинг ҳал бўлиши ўзига қараб тургандек.

— Очиғи, нима қилишимниям билмай қолдим, — деб қўйди Керри ўйчан. — Битта-яримта антрепренерга мурожаат қилиб, бахтимни яна бир бор синаб кўраман.

Герствуд буларнинг барини бамайлихотир тинглади, негаки бу режанинг қанчалар азобли эканини у ҳали тушуниб етмаганди. У тебратма стулида аста-секин чайкалиб, тирноғини мужирди. Ҳозирги пайтда ҳамма нарса унга мақбулдай кўринарди. Кейинчалик у ишни тўғри-лашга ҳаракат қилади.

ОРЗУЛАР ОЛАМИ. ШАФҚАТСИЗ ДУНЁ

Керри эртасига яна иш қидиришга тушди. У «Казино»га йўл олди, бироқ хористкаликка кириш ҳам бошқа ердан бирорта иш-пиш топиш сингари мушкул эканлиги маълум бўлди. Статистликка ярайдиган истараси иссиқкина қизлар чўкичнинг тилини биладиган қора ишчилар сингари ачиб ётарди. Бунинг устига театрлар иш қидираётганларнинг фақат хусну жамолига эътибор бераётганларига ҳам Керрининг ишончи комил бўлди. Уларнинг сахна бобидаги қобилиятлари эса ҳеч кимни қизиктирмасди.

— Мистер Грейни кўрсам бўладими? — деди у «Казино»нинг сахнага чиқадиган жойини кўриқлаб турган бадқовоқ дарбонга.

— Йўқ. Ҳозир банд.

— Уни қачон кўришим мумкин, айтиб бера олмай-сизми?

— Сизга бугун келинг деганмиди?

— Йўқ.

— Ундай бўлса идорада учрашасиз у билан.

— Ё тавба! — деб юборди Керри. — Унинг идораси қаерда ўзи?

Дарбон унга идора нечанчи хонада эканлигини айтди.

Керри мистер Грей барибир ҳозир идорада йўқлигидан у ерга боришдан иш чиқмаслигин биларди. Шунинг учун ҳам бор вақтини бошқа жойларга боришга сарфлашдан бўлак иложи йўқ эди.

Бироқ бошқа жойларда ҳам худди шундай бўлаверди, мистер Дейл ўша кун қабулга чақирилган одамларнигина хузурига киритарди. Керри батартиб ва теппа тебранмас котибдан бу гапни эшитгунича бир соат вақтини искирт қабулхонада ўтказди.

— Сиз унга хат ёзиб, қабул қилишини сўрашингиз керак.

Керри икки қўлини бурнига тикиб қайтаверди.

У «Эмпайр» театрида бир тўда ўлгудай бенарво ва лоқайд одамларга тўкнаш келиб қолди. Қасққа қараманг дабдабали юмшоқ мебеллар кўзга ташланар, безаклар ваҳимали кўринар, одамларининг яқинига йўлаб бўлмасди.

Керри «Лицей»да ҳамма ерига гилам ташланиб, дарнардлари тортиб қўйилган мўъжазгина кабинетлардан бирига кириб қолди. Унга кирган киши кабинет соҳибининг «удуғлиги»ни дарҳол фаҳмлаб оларди. Бу ердаги ҳамма одамлар — кассир ҳам, дарбон ҳам, идора ходими ҳам ўзларини бирдай баланд тутишар, ҳар бири ўз мартабаси билан чиранарди.

«Қани, энди дурустроқ эгил-чи, — ха, ха, иложи бориचा пастроқ! Нима ишинг борлигини гапиравер. Тезроқ, дона-дона қилиб гапир, буида иззат-нафсингни бир чеккага йиғиштириб қўй. Мабодо бизга малол келмайдиган бўлса сенинг учун нималар қила олишимиз мумкинлигини ўйлаб кўрармиз балки!»

«Лицей»дагилардан ана шундай гапларнинг хиди келар, шаҳардаги антрепренерларнинг ҳаммаси ҳам Керридақа арзгўйларга шунақа муомала қилишарди. Бу майда корчалонларнинг бари ўзларини кичкинагина мулкларининг султонлари деб билишарди.

Керри шунчалар овора бўлганидан эзилиб, толиққан ҳолда уйига қайтди. Герствуд кечкурун унинг иш қидириб роса тинкаси қуригани ва роса овора бўлганини батафсил эшитди.

— Шундай қилиб, ҳеч кимга йўлика олмай келдим! — деди Керри пировардида. — Юравериб оёқдан толдим, кутавериб кўзларим тешилди.

Герствуд чурқ этмай Керрига тикилиб ўтирди.

— Чамаси, ошна-оғайниларсиз ҳеч қасрга бош тикиб бўлмайдиганга ўхшайди, — Керри бўшашган ҳолда қўшиб қўйди.

Герствуд Керри бошлаган ишнинг бор машаққатларини жуда яхши кўриб билиб турарди. Шундай бўлса ҳам буларнинг бари унга у қадар даҳшатли туюлмасди. «Керри толиққан ва эзилган, бироқ ҳечқиси йўқ. Энди дамани олади!» У оламга ўзининг бинойидеккина тебратма стулидан боқаётганидан Керри қанчалар изтиробда эканини аён сеза олмасди. Бунчалар куйиб-ёнишининг нима хожати борикин? Эртага яна кун бор-ку.

Мана эртанги кун ҳам келди, яна бир кун ўтди, яна...

Керри ахийри «Казино»нинг директорини кўришга муяссар бўлди.

— Келаси ҳафтанинг бошларида бир кириб ўтинг, — деди у. — Эхтимол, бизда баъзи бир ўзгаришлар бўлиб қолар.

Директор олифтанамо, овқатга ўчлигидан семириб кетган эркак эди. У аёлларга пойгачи отларнинг ишқибози зотли отларга қарагандай қарарди. Унинг назарида қаршисидаги ёшгина жувон кўхлик ва бежиримгина бўлганидан мутлако тажрибаси бўлмаса ҳам бирор нарсага яраб қоларди. Айтмоқчи, театрнинг эгаларидан бири яқинда кордебалетда кўхликкина қизлар негадир камрок, деб норози бўлганди.

«Келаси ҳафтанинг бошланиши»га яна бир неча кун қолганди. Бунинг устига ойнинг биринчи куни, у билан бирга квартира хақи тўланадиган кун ҳам яқинлаб қолганди. Керри энди, илгариги пайтлардан ҳам баттар саросимага тушарди.

— Уйдан чиқиб кетган пайтларингда чиндан ҳам иш қидирасанми ўзи? — деб сўради Керри бир куни эрта-лаб Герствуддан.

— Бўлмаса-чи, қидиряпман! — Герствуд хафа бўлгандай жавоб берди. Аслида эса Керрининг бундай кишини хўрловчи шубҳаланишидан унчалик хижил ҳам бўлмаганди.

— Сен ҳозирча тўғри келган ишни қилаверсанг бўларди, — деди Керри. — Ойнинг биринчи куни келишига жуда яқин қолди-я.

У жуда ҳам изтиробда қолганди.

Герствуд газетани бир чеккага қўйиб, кийингани туриб кетди.

«Ҳа, албатта, иш қидириш керак, — деб ўйларди у. — Пиво заводига бир кириб ўтай-чи, зора мени бирор жойга тикиштириб қўйишса! Жуда бўлмаганда буфетчилик қилишга тўғри келар.»

Унинг илгариги сарсонгарчиликлари қайтадан бошланди. У бир ёки иккита жойдан мулоимлик билан қилинган рад жавоби олгач, юрагидаги бор қатъиятидан, тўғрироғи, шоввозлигидан асар ҳам қолмади.

«Буларнинг бари арзимаган нарса, — Герствуд ўзича хулосага келди. — Мен уйимга бемалол кета оламан-ку.»

Герствуднинг энди пули тугай деб қолганидан у ёқ-бу ёғига қарай бошлаб, ҳатто энг яхши костюмининг ҳам анча мазаси кетиб қолганлигини сизди. Бундан у анча эзилди.

Керри уйга Герствудга нисбатан анча кеч қайтди.

— Бугун бир неча театр-варьетеларда бўлдим, —

деди у маъюс холда. — Тайёр репертуаринг бўлмаса хеч қаерга олишмас экан.

— Мен бўлсам шу ерлик пивочилардан баъзи бирларини кўрдим, — деди Герствуд. — Улардан биттаси икки-уч ҳафтадан кейин ишга жойлаб қўйишга ваъда берди.

Герствуд Керрининг қанчалар эзилаётганини кўриб турганидан хеч бўлмаса ёлфон билан кўнглини кўтаришни маъқул кўрганди. Унинг дангасалиги ғайратидан устун кела бошлаганди.

Керри душанба куни яна «Казино»га йўл олди.

— Мен сизга бугун келинг деганмидим? — директор рўпарасида турган арзғўй жувонни кўриб хайрон бўлди.

— Сиз, келаси ҳафтанинг бошида дегандингиз, — деди Керри унинг сўзларидан хайратда қолиб.

— Сиз театрда хеч ишлаганмисиз ўзи? — деб сўради директор кескин.

Керри ишлаганлигини бўйнига олди.

Директор қандайдир қоғозларни титкилаш билан овора бўлса ҳам Керрига бошдан-оёқ разм солиб чиқди. У хавотирда экани юзидан билиниб турган бу гўзал жувоннинг кўринишидан қаноат ҳосил қилганди.

— Театрга эртага эрталаб келинг, — деди у.

Буни эшитиб Керрининг юраги кинидан чиқиб кетаёзди.

— Яхши, — у зўрға шундай деди-да, орқасига бурилиб эшикка юрди. У кабинетдаги мана шу одам ўзига иш бермоқчилигини билиб турарди.

Наҳотки уни чиндан ҳам трупшага қабул қилса? О тангри, шундай бахт насиб этиши мумкинмикин-а!

Улкан шаҳарнинг очик деразаларидан эшитилаётган шовқин-сурон энди Керрининг қулоғига ёқимли куйдай чалинарди.

Шу дамда гўё Керрининг кўнглидаги хаёлларига жавобан директор кескин бир гап қилиб, унинг шубхаларини тўзитиб юборди.

— Кеч қолманг, вақтида келинг! — деди директор кўполдан-кўпол. — Кеч қолсангиз бир чеккада қолиб кетаверасиз.

Керри кабинетдан чиқиб кетишга шошилди. У азбаройи терисига сизмай кетганидан Герствудни бекорчиликда айблагиси ҳам келмай қолди. Энди унинг иши бор! Энди унинг иши бор! Ана шу сўзлар унинг қулоғида тантанавор қўшиқдай жарангларди.

Керрининг севинчи ичига сифмаётганидан бу хушхабарни тезроқ Герствудга етказишни истарди. Бироқ уйига яқинлашган сари мен-ку, бир неча ҳафтада иш топдим, Герствуд бўлса неча ойдан бери ишсиз лақиллаб юрибди, бирор нарса қилишни хаёлига ҳам келтирмаяпти, деб кўпроқ боши қотарди.

«Нимага у ишлашни истамайди? — Керри очикдан очик сўради. — Мен-ку иш топдим, у аллақачонлар жойлашиб олса бўларди-ю. Очигини айтганда мен кўп овора бўлганим йўқ-ку.»

Керри ўзининг ёшлиги ва соҳибжамоллигини унутаетганди. Димоғи чоғ бўлганидан бостириб келаётган қариллик одамни кўп машаққатларга дучор қилажагини ҳисобга олмайганди. Афсуски, омаднинг нидоси доимо шундай!

Керри ҳар қалай сир бой бериб қўйди. У ўзини хотиржам ва бепарво кўрсатишга тиришса ҳам, қувлик қилаётгани ошқора кўриниб турарди.

— Нима гап? — деди Герствуд Керрининг чехраси ёришиб кетганини пайқаб.

— Иш топдим!

— Шунақа дегин? — Герствуд. Унинг энгил тортгани аён сезилиб турарди.

— Ҳа!

— Қанақа иш экан? — сўради Герствуд шу топда ўзига ҳам бирорта иш топилмай қолмайдигандай кўришиб кетганидан.

— Кордебалетнинг артистлиги.

— Бу менга ўзинг айтганиндай «Казино»дамасми ишқилиб?

— Ўша срда, — жавоб берди Керри. — Мен эртаданок репетицияни бошлайман.

Керри хурсанд бўлганидан Герствудга хаммасини бирма-бир тушунтира кетди. Герствуд бир зум ўйга толгач сўради:

— Қанча тўлашаркан?

— Сўрагим келмади, — жавоб қилди Керри. — Шундай бўлса ҳам улар менга ҳафтасига ўн икки ёки ўн тўрт доллар тўлашса керак.

— Ҳа, мен ҳам шундай деб ўйлайман, -- Герствуд унинг гапини маъқуллади.

Ўша куни мўъжазгина квартирани босаёзган ваҳима бир мунча кўтарилиб, бунинг хурсандчилигига зўр овқат қилинди. Герствуд соқол олдиргани чиқиб, ковормага бир бўлак гўшт кўтариб келди.

«Хўп, эртага мен ҳам иш қидиргани бораман!» — Герствуд шуни хаёлига келтираркан, мудом ер сузиб қолган кўзлари яна умид билан боқа бошлади.

Керри эртасига вақтида театрга келгач, унга хор ва кордебалет кизлари сафига қўшилишни айтишди. У энди рўпарасида улкан, бўм-бўш, ним қоронғи, шарқ услубида ўхшатиб безатилган ва ҳали ҳам безакларининг жозибаси кетмай, ўтган кечадаги томошанинг нафаси сезилиб турган зал кўринарди. Керри теварак-атрофига завқланиб ва ниҳоятда юрак ютиб боқарди. Чунки буларнинг бари ҳақиқатга айланган эртақ эди-да. О, ана шу жойга муносиб бўлиш учун бор кучини аямайди! У ўзини энди ҳар кунгидан бошқачароқ сезар, ишсиз, ғариб, муҳтож бўлиб қолган пайтлари унут бўлганди хисоби. Одамлар бу ерга ясан-тусан қилиб, фойтонларда Керрига ўхшаганларнинг ўйинларини кўргани келишади. Бу ер хурсандлик ва нурафшонлик макони. Керри ана шуларнинг бир зарраси. О, бу ерда қолишга муяссар бўлса борми, кунлари жуда шодон ўтарди-да!

— Исмингиз нима? — деб сўради репетицияга бошчилик қилаётган режиссёр.

— Маденда, — деб жавоб берди Керри хаёлига Друэ унга Чикагода топиб берган ном ялт этиб келиб қолиб. — Керри Маденда.

— Бўлмаса, мисс Маденда, анави ерга бориб тулинг! — таклиф қилди режиссёр. Унинг бу гапи Керрига жуда ҳам илтифотлидай туюлди.

Режиссёр шундан кейин анчадан бери труппада бўлган ёшгина жувонни чақирди.

— Мисс Кларк, сиз мисс Мадендага шерик бўласиз!

Мисс Кларк олдинга бир кадам ташловди, Керри шу тариқа қаерда туриши лозимлигини билиб олди.

Репетиция бошланди. Актерларни ўргатиш гарчи Чикагодагидан унча фарқ қилмаса ҳам Керри орадан қўп ўтмай режиссёр бу ерда ўзини бутунлай бошқача тутаётганлигини ўз кўзи билан кўрди. Керрини Чикагода мистер Минлиснинг тиришқоклиги ва ўзига ишонганлиги хайратда қолдирганди, ҳозирги режиссёр бўлса фақатгина тиришқоккина эмас, балки анча-мунча кўпол ҳам эди. Репетиция илгарилагани сари у сержахл бўлиб борар, арзимаган нарсадан ловиллаб кетар, бақириб зални бошига кўтарарди. Режиссёрнинг артистлар билан ишлаётганини кўрган одам унинг қўл остидаги ёш-ёш аёлларнинг иззат-нафсларию, андишали эканликларини бир

чеккага йиғиштириб кўйганига заррача ҳам шубҳа қилмасди.

— Кларк! — деб бақирарди у бунда албатта мисс Кларкни кўзда тутиб. — Нега оёғингиз барабар тушмаяпти?

— Тўрттадан ўннга! Ўннга деяпман? Кўзларингни очсанглар-чи, жин ургурлар!

Шунақа пайтларда унинг овози қулоқни ёргудай бўларди.

— Мейтленд! Мейтленд! — режиссёр бирдан бақириб қолди.

Яхшилаб кийинган бежиримгина қиз олдинга чиқди. Қизга ачинганидан Керрининг юрагини ваҳима босди.

— Лаббай, сэр! — деди мисс Мейтленд.

— Қулоғингизга нима бўлган?

— Ҳеч нима, сэр!

— «Чап колонна» нималигини биласизми?

— Ҳа, сэр!

— Бўлмаса нега чапга деганимда ҳадеб ўннга ташлайсиз? Репетицияни бузмоқчимисиз?

— Мен эндигина...

— Менинг нима қилмоқчи бўлганингиз билан ишим йўқ! Қулоғингизни каттароқ очиб олинг!

Керри қизга қанчалар ачинмасин, ўзидан ҳам хавотир олиб турарди.

Ёш қизлардан яна бири режиссёрнинг қаҳрига учради.

— Тўхта! — деб ўшқирди режиссёр иккала қўлини олдинга чўзиб. Унинг кўриниши жуда кўрқинчли эди.

— Элверс! Оёғингизда нима бор? — режиссёр бақириб берди.

— Ҳеч нима, сэр! — жавоб қилди мисс Элверс. Бошқа қизлар эса оғирликларини у оёқларидан бу оёқларига ташлаб, уялганларидан кулиб туришарди.

— Сиз репетиция пайтида гаплашяпсизми?

— Йўқ, сэр.

— Унақа бўлса лабингизни қимирлатманг!.. Энди ҳамма, қани яна бир марта!

Нихоят Керрига ҳам гал келди. У режиссёр талаб этаётган нарсани дурустроқ чиқарай деб тиришиб балога қолди.

— Мейсон! — режиссёрнинг овози эшитилиб қолди. — Мисс Мейсон!

Керри унинг кимга бакираётганлигини билиш учун олазарак бўлди.

Керрининг орқасида турган қиз уни сал туртиб қўйса ҳам, ҳеч ниманинг фаҳмига бормади.

— Сиз! Сиз! — ўшқирди режиссёр. — Нима, қар бўлганмисиз?

— О! — деб юборди Керри.

У қип-қизариб, оёқлари чалишиб кетди.

— Сизнинг фамилиянгиз Мейсон эмасми? — деб сўради режиссёр.

— Йўқ, сэр, мени Маденда дейишади.

— Бўлмаса айтинг-чи, оёғингиз нималар қияпти ўзи? Наҳотки, рақс деган нарсани мутлақо билмасангиз?

— Биламан, сэр! — жавоб берди Керри. У рақсга тушишни кўпдан бери биларди.

— Бўлмаса нега рақсга тушмаяпсиз? Нега оёғингиз мурданикидек судралади? Менга юрагида ўти бор қизлар керак.

Керрининг юзи ловиллаб кетди. Лаблари сал-пал титради.

— Хўп бўлади, сэр! — деди у.

Сержаҳл ва тиниб-тинчимас режиссёрнинг тинимсиз бакиришлари уч соатга чўзилди. Керри театрда кетаётганида жисмоний толиққан бўлса ҳам бошқалар билиб қўйсин, дегандай жуда ҳам ҳаяжонда эди. Режиссёр оёқ учида айланишни машқ қилишни тайинлаганидан тезроқ уйга етиб олишга шошилди. У энди шу бугундан бошлаб машқда ҳеч қанақа хатога йўл қўймасликка ҳаракат қилади.

Герствуд уйда йўқ эди. «У иш кидиргани кетган бўлса керак!» — деб қўйди ўзича Керри. У сал-пал тотинган бўлди-ю, тирикчилик ташвишидан қутулганидан суюниб кетиб, машқ қилишга тушди.

«Шухрат саси жарангларди қулоқларида...»

Герствуд уйга қайтганида кайфияти уйдан чиқиб кетган пайтидагига қараганда анча паст эди. Керри шундан кейин машқини йиғиштириб қўйиб, овқатга уннаб кетди. Бундан у жуда ҳам туюқарди. Нима, юмуши ўзига етмас эканми? Наҳотки ҳам театрда ишлаб, ҳам уйда рўзғор ишларидан бўшамаса?

«Йўқ, бунисига рози эмасман, — деб аҳд қилди у. — Театрда иш бошлашим билан унинг бошқа бирор жойда тамадди қилишига тўғри келади!»

Ҳар бир кун янги ташвиш бошлаб келарди. У энди статислик илгари ўйлаганидай мазза иш эмаслигига ишонч ҳосил қилганди. Керри шунингдек, ўзига ҳаммаси бўлиб

хафтасига ўн икки доллар маош тайинланганини ҳам билиб олди. Орадан бир неча кун ўтгач «бу оламнинг арзандалари» бўлган бош ролларда чиқадиган эркак ва аёл артистларни кўрди. Бу имтиёзли кишиларни ҳамма ҳурмат қилиши яққол сезилиб турарди. Керри эса буларнинг олдида ҳеч нарса эмасди!

Керрини уйда Герствуд кутиб ўтирганди. У Керрига изтиробдан бўлак нарса келтирмасди. Чамаси иш қидиришни ўйламасди ҳам. Бунинг устига Керридан театрда ишларинг яхши кетяптими, деб суриштиришга ҳам ботилишини айтмайсизми. Унинг ҳадеб бир нарсани зўр бериб сўраётганига қараганда бундан кейин тирикчилигини Керрининг бўйнига юкламокчи бўлаётганига шубҳа қилмаса бўларди. Керри энди ишлаб пул топаётганидан Герствуднинг бунақа қилиши жуда ҳам жигига тегарди. У Керрининг арзимас ўн икки долларига ҳам кўз тикишга тайёрдек эди-да!

— Хўш, ишлар қалай кетяпти? — деб сўради Герствуд хайрихоҳлик билан.

— О, бўлмаса-чи, — жавоб қилди Керри.

— Қийналмаяпсанми, ишқилиб?

— Ўрганиб кетарман, дейман.

Герствуд шундан кейин яна газета ўқишга тушди.

— Йўлда келаётиб озроқ ёғ олувдим, — деди у бир куни буни тасодифан эслаб қолиб. — Эҳтимол, печенье тайёрлайман, деб қоларсан?

Герствуднинг аҳволим нима бўлади, нима қўяди, деб сира ҳам ғам емаётгани Керрини ажаблантирарди. Керри ўзини ўзи эплашга кўзи етаётганидан энди анча дадил тортиб қолган, шунинг учун ҳам юрагида йиғилиб қолган гапларини Герствудга шартта-шартта айтгиси келади-ган пайтлари кўп бўларди. Бунинг устига у Герствуд билан бир пайтлар Друэ билан гаплашгандек гаплаша олмасди. Герствуднинг табиатида алохида ҳурматга сазовор қандайдир нарса бор эди. Унда гўё қандайдир пинхоний қудрат бордай туюларди.

Бир куни, биринчи репетициядан тахминан бир ҳафта ўтгач, Керри анчадан бери кутган нарсаси бўлди. Герствуд уйга масаллиқ келтириб, стол устига қўяркан:

— Тежаб-тергамасак бўлмайди. Маошни халивери олмайсан-ку, — деб қўйди.

— Йўқ, — Керри плита олдида уймалашаркан жавоб қилди.

— Менда квартира хақидан ташқари ҳаммаси бўлиб ўн уч доллар колди, — кўшимча қилди Герствуд.

«Ана машмашаю, мана машмаша! — деб кўйди Керри ичида. — Энди унга мен маошимни бериб туришим керак.»

Керри маошига ўзига жуда ҳам зарур бўлган баъзи бир нарсалар олишни мўлжал қилганини эслади. Устига киядиган нарсаси ҳам қолмаганди-да. Эски шляпаси ҳам бир ахволда эди.

«Оладиган ўн икки долларим рўзгор билан квартира хақига етармикин? — деб ўйларди у. — Буларни якка ўзим эплаёлмайман. Нега у бирор ишнинг этагидан тутмаётганикин-а?»

Нихоят биринчи томоша кўйиладиган оқшом ҳам келди. Керри Герствудга спектаклни кўришни таклиф қилмади, бунга эрида хоҳиш ҳам бўлмади. Мабодо борса, пул бехуда сарф бўлар, Керрининг спектаклдаги роли эса арзимас эди.

Газеталарда спектакль премьераси хақида эълонлар кўринди, биринчи ролларни ижро этувчи артистлар ва бошқаларнинг номлари зикр этилган афишалар ҳамма ёққа ёпиштириб ташланганди. Керри эса булар қаршида ҳеч нарса эмасди.

Сахнага кордебалет чиқишига навбат етганда Керрини худди Чикагода бўлгани сингари ваҳима босди. Бироқ аста-секин ўзини қўлга олди. Ролининг алам қиладиган даражада арзимаслиги вужудидаги ваҳимани қувди. У энди ўзини денгиздаги томчидай ҳис қиларди. Сахнада ўзини қандай тутса барибир эмасми? Хайриятки, сахнада тўқима ички кийимда чиқишига тўғри келяпти. У тиззасидан бир дюймгина баланд, чиройли зарюбка кийган ўн иккита қизнинг орасида эди.

Керри дам жойида туриб, дам сахнада айланиб ва гоҳо-гоҳо умумий хорга жўр бўлиб турганидан томошабинларга кўз қирини ташлаб қўяр, шу важдан оперетта катта муваффақият қозонажагини билдирди. Томошабинлар чапакка зўр беришаётган бўлишса ҳам, Керри номдор актрисалардан баъзи бирлари ёмон ўйнашаётганини жуда яхши кўриб турарди.

«Мен улардан ўтказиб ўйнаган бўлардим!» — у ўзига-ўзи кўп марта шундай деб кўйди.

Нафсламбирини айтганда Керри ҳақ эди.

Керри спектакль тугади дегунча тезда кийиниб олди.

Режиссёр бир неча кизларнинг таъзирини берди-ю, би-роқ Керрига индамади. Керри шундан ролини қониқар-ли бажарганлигини пайқади. У театрдан тезроқ кетишга шошилди; бу ерда ҳеч кимни танимасди-да.

Театрнинг олдидаги кўчада файтонлар қатор турар, ичкарига кираверишда олифта кийинган ёш-яланглар уй-малашларди. Керри ёшлар ўзига қарашаётганини дар-ров сизди. Шу лахзада у имласа бас, ёнида ҳамроҳ пай-до бўларди. У ҳеч кимга қиё боқмай ўтиб бораётганида хотинбозлардан бири таваккал қилиб қолди.

— Уйингизга ёлғиз қайтмоқчимассиз, шундайми? — деди у.

Керри бўлса қадамини тезлатиб, Олтинчи авенюга етгач, трамвайга ўтирди. Хаёлида шу оқшомнинг таассу-ротлари ружвон ўйнаётганидан театрдан бўлак нарсалар-ни ҳатто ўйлай ҳам олмасди.

Керри ҳафтанинг охирида Герствудни сал силкитиб қўймоқчи бўлиб, йўл-йўлакай сўради:

— Пиво заводида сенга ваъда қилинган жой ҳақида нима гаплар бор?

— У ерда ҳозирча ҳеч канақа иш йўқ, — деб жавоб қилди у. — Шундай бўлса ҳам бир иш чиқар деган умиддаман.

Керри чурқ этмади. Рўзғорга маошимни бериб тури-шимга тўғри келади, деган ўй унинг жаҳлини чиқарса ҳам, иш шунга қараб кетаётганини сезиб турарди. Гер-ствуд ҳамёни қурийдиган кун яқин қолганини сезиб, Кер-рининг раҳмини келтиришга қарор қилганди. Керрининг яхши одамлигига аллақачон ишончи комил бўлганидан сабр-тоқатини ҳар қанча синаб кўрса бўлаверишлигини биларди.

Тўғри, Герствуд шундай йўлга ўтишга мажбур бўлаёт-ганидан жиндай уялаётган бўлса ҳам яқин орада бирорта иш топмай қўймайман-ку, деб ўзини оқларди.

Квартира хакини тўлаш фурсати етганда Герствуд-нинг Керри билан гаплашадиган хонаси келиб қолди.

— Мана, — деди у пул санаркан. — Бори шу. Энди тезда иш қидириб топишга тўғри келади.

Керри бундан кейин илтимосини айтиб қолса керак, деган хаёлга борганидан унга зимдан қараб қўйди.

— Яна жиндай амал-тақал қилиб турганимда, албатта бирор нарса топган бўлардим. Дрэйк бу ерда сентябрда меҳмонхона очиши турган гап.

— Ҳа-а! — Керри чўзиб шундай деб қўяркан беих-

тиёр равишда сентябргача хали бир ой борлигини хаёлидан ўтказди.

— Менга ўша пайтгача қарашиб тура оласанми? — Герствуд илтижо қилгандай гапида давом этди. — Ўшандан кейин яна ўзимни ўнглаб олишимга имоним комил.

— Бўлмаса-чи! — деди Керри тақдир ҳар қадамда йўлига тўсиқлар солаётганини маъюсгина кўнглидан ўтказиб.

— Агар тежаб-тергасак кунимиз бир амаллаб ўтаверди. Кейин мен барини сенга қайтараман.

— О, мен жон-жон деб сенга қарашаман! — Керри тошкўнгиликда ўзидан ўпкалаб гапини такрорлади.

Керри Герствудни ялинтиришга мажбур этаётганидан андиша қилса ҳам маошини ўзига керакли буюмларга сарфлаш истаги зўр келганидан йўлига эътироз билдирди.

— Жорж, нимага вақтинча бўлса ҳам бирорта ишнинг бошидан тутмайсан? — деди у. — Нимаики қилсанг ҳам барибир эмасми? Кейинчалик дурустроғини топиб оларсан.

— Мен тўғри келган ишни қилавераман, — деди Герствуд енгил тин олиб, лекин бу гина-кудратдан беихтиёр кўзини ерга тикиб. — Жилла бўлмаса ариқ кавлашга ҳам розиман! Ахир, мени бу ерда ҳеч ким танимайди-ку.

— Йўғ-е, бунга хали анча бор! — Керри унга бирдан раҳми келиб кетганидан шундай деб юборди. — Бироқ бошқа бирорта ишнинг бўлмаслиги сира ақлга тўғри келмайди-ку!

— Албатта бирорта иш топаман! — Герствуд ўзини матонатли кўрсатишга тиришиб шундай деб қўйди.

Шундан кейин у яна газета ўқишга тушди.

XXXIX б о б

НУР ВА СОЯЛАР ТУРЛИЧА ЙЎЛЛАРДА

Герствуд энди бугундан бошқа истаган пайтимда иш кидирсам бўлаверди, деган фикрга маҳкамроқ ёпишиб олди. Унинг ўзича қилган аҳдининг яккаю ягона оқибати ҳам ҳозирча шу эди. Ўтган ўттиз куннинг ичида Керри эса ўзи билан ўзи тинимсиз олишди ҳисоби. Унинг ўзига дурустроқ бирор қўйлак олиш (унча-мунча тақин-

чоклардан ҳам олиш истаги борлигини айтмаганда) зарурати кундан-кунга кучаяр, Керрига эса ҳар қанча тер тўкса ҳам, ўзига бирор нарса ололмаслиги очик-ойдин эди. Герствуд мадад сўраган куни Керрининг раҳми келган бўлса дурустроқ кийиниб юриш зарурати ундан ҳам зўрроқ эди. Герствуд ҳадеб, менга қарашиб тур, деб илтижо қилавермас, бироқ ясан-тусан қилиб юриш истаги эса унга сира ҳам тинчлик бермай, юрагига ғулғула солгани солганди. Керри ана шу истагига дош бера олмаганидан уни амалга оширишга ошиқар, шунинг учун ҳам Герствуд йўлида тўғаноқ бўлмаслигини кундан-кунга кўпроқ хохлаб борарди.

Герствуднинг ёнидаги охирги ўн долларга навбат етганда трамвай, соқол олдириш каби майда харажатлар бобида Керрига муте бўлиб юрмай, деб уни ёнида олиб қолишга жазм этди. Шу важдан кўлида ана шу озроқ маблағ бўлишига қарамай, Керрига бошқа пули йўқлигини айтди.

— Чўнтагим бўшади, — деди у бир куни. — Бугун кўмирга тўладим, ёнимда бир неча цент қолди, холос.

— Менинг ҳамёнимда озроқ пул бор.

Герствуд ўша пулни олиб, бир банка томатга кетди. Керри эса бу янгича тирикчиликнинг боши эканлигини ғира-шира фахмлаб турарди. Герствуд ҳамёндан томат қанча туришига мослаб рошша-роса ўн беш цент олганди. У ўшандан бошлаб ҳар хил майда-чуйда нарсаларни ўзи олиб кела бошлади.

Бир куни эрталаб Керрининг эсига туш пайтида уйга келиши тушиб қолди.

— Унимиз сира ҳам қолмабди, — деди у Герствудга. — Бир дўконга бориб келсанг бўларди. Гўшт ола кел. Мен бугун жигар қовурсак дегандим.

— Ҳеч қаршилигим йўқ, — деди Герствуд.

— Ундай бўлса ярим фунт ёинки чорак кам бир фунт жигар ола қол, — Керрининг фармойиши шундай бўлди.

— Ярим фунти ҳам этади, — деб қўйди Герствуд.

Керри ҳамёнини очиб, ундан ярим доллар олди-да, столга қўйди. Герствуд эса ўзини кўрмаётганга солиб турарди.

Герствуд орадан кўп ўтмай дўконга бориб, уч ярим фунтдан қилиб қоғозга ўраб қўйилган ун, шунингдек, жигар ва чўчқанинг тўшидан сотиб олди-да, қайтиб келгач, барини қайтим билан бирга ошхонадаги столга қўйди.

Керри шунда харажат тўғри бўлганини сезаркан, бу одам охири мендан овқатдан бошқа нарса талаб қилмай қўяди, деган хаёлга бориб юраги ачишиб кетди. Керри, эхтимол жуда қаттиқ кетаётгандирман, деб ўйлади ҳам. Герствудда ҳеч қанақа айб йўқ эди. У ўзига иш-пиш тошиб олса ҳам ажаб эмас.

Керри ўша куни театрға кириб бораётганида кордебалетнинг ясан-тусан қилиб, кўкрагига бинафша қадаб олган артисткаларидан бири чамаси димоғи жуда ҳам чоғ холда ёнидан ўтиб кетди. У чиройли ва бир текис тишларини кўрсатиб Керрига жилмайиб қўйди. Керри ҳам унга жавобан мулойимгина жилмайиб қўяркан, бехосдан хаёлига шулар келди:

«У яхши кийина олиши мумкин. Мабодо пулим ўзимга кетганида мен ҳам ўшандай ясаниб юра олардим. Ҳозир эса менинг блузкамга қадайдиган дурустроқ бантигим ҳам йўқ.»

Керри оёғини олдинроққа қўйиб пойабзалига қаради.

«Нимаики бўлса ҳам шанба куни албатта ўзимга туфли оламан!» У шундай қарорға келди.

Керри театрға келганидан бери труппадаги ўзини унга яқин олиб юрган кўхликкина ва мулойимгина битта артистка билан қалинроқ бўлиб олганди. Қувноқ ва жуссаси кичикроқ бўлган Манон жамиятнинг ахлоқ бобидаги қаттиқ талаблари борасида унчалик бош қотирмаса ҳам, ниҳоятда сезгир ва доимо бировга малҳамлик қилсам дейдиганлардан эди.

Кордебалетдаги артисткаларға бир-бирлари билан гаплашиш деярли ман қилинган бўлса ҳам, қизлар гоҳо сал-нал суҳбатлашиб олишарди.

— Бугун жуда иссиғ-а! — деб қўйди кичкинагина актриса Керрига қараб.

У пушти ранг ички кийимда бўлиб, бошида зарҳал шлеми бор эди. Қўлида эса ялт-юлт қилаётган қалқонни кўринарди.

— Ҳа, иссиқ, — деб жавоб қилди Керри у билан ҳам гаплашадиган одам топилганидан қувониб.

— Мен жуда қовурилиб кетдим-да, — деди қиз гапида давом этиб.

Керри унинг кишини мафтун этгувчи чехраси ила йирик мовий кўзларига боқаркан, қизнинг манглайига реза томчилар қалққанини пайқайди.

— Менга ҳеч қачон ана шу опереттадагидай кўп марш

қилишга тўғри келмаганди! — деди зарҳал шлемдаги киз.

— Сиз илгари ҳам ўйнармидингиз? — деб сўради Керри бу кичкинагина қизнинг унча-мунча сахнавий тажрибаси борлигидан ҳайратга тушиб.

— Ҳисоби йўқ. Сиз-чи?

— Йўқ, мен биринчи марта.

— Шунақа денг? Мен бўлсам «Қироличанинг дўсти» кўйилганда сизни кўрганман, деб юрувдим.

— Йўқ, — деди Керри бош чайқаб.

Оркестр гумбураб ва ён томондан ёқилган катта чирокларнинг магнийи вишиллаб уларнинг гапи бўлинди. Кордебалет янгидан чиқиши учун тезда тизилиши керак эди. Шу важдан ўша куни улар яна гапланишлари учун имкон бўлмади. Бироқ эртаси куни кечқурун сахнага чиқиш учун кийинаётганларида кичкинагина киз яна Керрининг ёнида пайдо бўлиб қолди.

— Мен труппамиз яна бир ойдан кейин бошқа шаҳарларни ҳам айланиб келармиш, деб эшитдим, — деди киз Керрини янгиликдан огоҳ қилиб.

— Нахотки? — Керрининг ўтакаси ёрилаёзди.

— Ҳа. Сиз бормайсизми?

— Билмайман. Олиб кетишса эҳтимол борарман.

— О, албатта олиб кетишади! Мен бўлсам бормайман. Сафарда унча кўп тўлашмайди, шунинг учун бор пулинг йўлда кетиб қолади. Мен Нью-Йоркдан ҳеч ташқарига чиқмайман: бу ердаги театрларнинг ўзи менга старли.

— Бошқа ишним ҳамма вақт топаверасизми?

— Бўлмаса-чи! Шу ойда Бродвейда янги театр очилади. Труппамиз жўнаб кетиши билан унга кириб олишга ҳаракат қиламан.

Керри унинг сўзларини қизиқиш билан тингларди. Афтидан, театрга жойлашиб олиш унча қийин эмасга ўхшарди. Труппа шаҳардан кетгандан кейин ўзи ҳам бирорта жойга кириб олса ажаб эмас-да.

— Менга айтинг-чи, ҳамма ерда ҳақ бир хилми ё бошқачароқми? — сўради Керри.

— Ҳа, — жавоб қилди кичкинагина киз. — Гоҳо ҳақ сал кўпроқ бўлади. Бизда эса, сизга айтсам, жуда маза-си йўқ.

— Мен ўн икки доллар оламан, — деди Керри.

— Қўйинг-е? — деди киз хайрон бўлиб. — Мен ўн беш доллар оламан. Сиз эса: фаҳмимча, мендан ҳам ошириб

юборяпсиз-ку! Сизнинг ўрнингизда бўлсам бунга чидаб ўтирмасдим. Соддалигингиздан фойдаланиб сизга кам ҳақ тўлашяпти. Сиз ҳам ўн беш доллар олишингиз керак.

— Бироқ менга беришмайди-да! — деб кўйди Керри.

— Ўлай агар, бошқа жойда бундан кўпроқ оласиз, бу сизнинг истагингизга боғлиқ, холос! — Керрига жуда ҳам ёқиб қолган кичкинагина қиз гаида лавом этди: — Сиз ролни жуда яхши бажаряпсиз, режиссёр ҳам буни билади.

Очиғини айтганда, Керри ўзи ҳам сезмаган холда сахнада ўзини яхши ва гўзал тутганидан бошқалардан ажралиб турарди. У ўзини катта олишни билмаслиги ва ҳаракатлари табиий бўлганлиги учун ҳам бунга муяссар бўлганди.

— Бродвей театрида мени кўпроқ пул топа олади, деяпсизми? — сўради Керри.

— Албатта! — жавоб қилди Керрининг янги ўртоғи. — Икковимиз бир куни борамиз-да, биламиз. Ўшанда ўзим гаплашаман, сиз жим тураверасиз!

Керри унинг сўзларини мамнуният билан тингларди.

Саҳнанинг бу кичкинагина жангчиси Керрига жуда ҳам ёқарди. Бошига зарҳал шлем кийиб, ҳарбий либосда бўлган бу қиз жуда тажрибали ва ўзига ишонган кўри-нарди!

«Агарда мен ҳам ўзимга шунақа иш топиб олганим-да, бу ёғи нима бўлади, деб ваҳимага тушиб ўтирмасдим!» — дерди Керри ўй суриб.

Бироқ эрталаблари юмуш билан овора бўлиб, Герствуд эса одати бўйича уйни хира қилиб ўтирган пайтларида Керри тақдиридан нолиб қоларди. Тўғри, Герствуднинг тежамкорлиги туфайли тирикчиликлари бир нави ўтиб турар, Керрининг топган нули квартира ҳақини тўлашга ҳам етарди. Бироқ бир цент ҳам ортиб қолмаётганди-да. Шунинг учун ҳам Керри ўзига туфли билан яна баъзи бир керакли нарсалар сотиб олгандан кейин, квартира масаласи яна хуржун бўлди.

Квартира ҳақини тўлашга бир ҳафта қолганда пул кам қолганлиги Керрининг эсига бирдан келиб қолди.

— Менимча, квартира ҳақини тўлашга пулим етмайдиганга ўхшайди! — деб юборди у нонушта пайтида сумкачасини очиб кўраркан.

— Қанча пулинг бор? — сўради Герствуд.

— Йигирма икки доллар қолибди, аммо бутун бир ҳафта масаллик олиб туришимиз ҳам керак-да. Агар

шанба куни оладиган пулимни бунга кеткизиб қўйсам, келаси ҳафтага ҳеч нарса қолмайди-ку. Жорж, қани айтгин-чи, бу Дрэйк оғайнинг мсхмонхонани хали-бери очмайдами?

— Менимча, тез орада очса керак, — жавоб берди Герствуд. — У мени шундай деб ишонтирганди-да.

Орадан пича ўтгандан кейин у қўшимча қилди:

— Ҳечқиси йўқ, хавотирга тушаверма! Дўкондор сабр қилиб турса ажаб эмас. Ундан шунча вақтдан бери нарса олиб турамузу бир ёки икки ҳафтага насияга «йўқ» дермиди.

— Сен уни рози бўлади деб ўйлайсанми?

— Бунга ишончим комил.

Герствуд ўша куни дўконга бир фунт қаҳва олгани кирганида дўкондорга очикдан-очик шундай деди:

— Олган нарсаларимизга ҳафтанинг охирида ҳисоб-китоб қилсак нима дейсиз, мистер Эслож?

— Марҳамат, бемалол, жаноб Уилер! — деди дўкондор. — Нега энди йўқ бўларкан?

Герствуд ҳатто энг оғир пайтларда ҳам ўзини яхши тутганидан бошқа ҳеч нима демади. Ҳаммаси осон битди қўйди. Герствуд масалликни олиб, уйига жўнади.

Шундан кейин боши берк кўчага кириб қолган бу кишининг саргардонликлари бошланди.

Квартира хақи тўланганидан навбатда энди дўкондорнинг пули турарди. Герствуд унга ўзининг ёнидаги ўн доллари ҳисобидан тўлаб юборди-да, ҳафтанинг охирида Керридан пул олди. Келаси сафар эса дўкондор билан ҳисоб-китобни кечиктирди-да, шу тариқа ўзининг ўн долларини сақлаб қолди. Мистер Эслож бўлса пайшанба ёки жума куни шанбанинг ҳисобидан пул оларди.

Ана шундай чалкашликлар бўлаётганидан Керрининг кўнгли бошқа нарсаларни кўмсарди. Герствуд бўлса Керрининг кўнгли булардан бошқа нарсалар ҳам тилаши мумкинлигини тушуниб етмасди. У Керрининг маоштини керакли нарсаларга етадиган қилиб тақсимлаб қўйганидан ўзи унча-мунча қўшишни хаёлига келтирмаётгандек кўринарди.

«Менга тагин: «Хавотир олаверма!» — деди-я, — ўйларди ичида Керри. — Агар ўзи салгина ташвишланганида борми, уззукун қайтишимни кутиб, уйда қўлини қовуштириб ўтиравермаган бўларди! Ўзига бирорта иш топарди. Эркак киши кўнглида хоҳиши бўла туриб, етти ойда ҳам иш топа олмаслигига ишониб бўлмайди-ку!»

Герствуд доимо кўримсизгина кийиниб, қовоғини очмай юрганидан Керрининг кўнгли кўчани истарди. Ҳафтада икки марта театрда эрталик бўлганидан Герствуд тўғри келган совуқ таомлар билан амал-тақал қилиб турарди. Икки кунлик репетиция ўнда бошланиб, бирда тамом бўлди. Керри бундан ташқари кордебалетдан ортирган дугоналарининг уйига бориб турар, зарҳал шлемдаги мовий кўзли кичкинагина жангчи ҳам катордан қолмасди. Керри қовоғидан қор ёғиб бекор ўтирадиган эри бўлган бир чеккадаги квартирасида ҳадеб сиқилавермай, ана шулар билан гоҳо-гоҳо чалғиб турарди.

Мовий кўзли жангчининг номи Лола Осборн эди. Унинг ҳамма ёғига идора бинолари тушган Тўртинчи авеню яқинидаги Ўн тўққизинчи кўчада бир хонали квартира бор эди. Хонанинг деразаси бир неча серсоя дарахтлар ўсган ховлига қараганди.

— Ота-оналарингиз Нью-Йоркда туришмайдими? — деб сўради Керри бир куни дугонасидан.

— Ҳа, бироқ мен улар билан чиқишолмайман, — жавоб қилди Лола. — Уларга қолса чизган чизиғимдан чиқмайсан, дейишпади, менга эса бу ёқмайди... Ўзингиз бу ерда муқим турасизми?

— Ҳа.

— Оилангиз биланми?

Керри эрим бор дейишга уяларди. У Лолага кўп марта оладиган пулим жуда ҳам кам, бу ёғи нима бўларкин, деб тез-тез ҳасрат қилиб турганидан ҳозир эридан гапиришни кўнгли хушламасди.

— Йўқ, ота-онам билан тураман, — деди у ёлғон гапириб.

Мисс Осборн ўзича Керри ҳам ўзига ўзи хўжайин экан, деган фикрга келиб қўйганди. У Керрини уйига тез-тез чақириб турар, бирга сайрларга таклиф қиларди. Керри оқибат натижада уйига кечикиб ксладиган бўлиб қолди. Герствуд буни сезиб турса ҳам, ахволи ўзига маълумлигидан жанжал қила олмасди. Керри уйга бир неча марта жуда кеч қайтганидан бирор нарсани дарров жибиз қилардию, яна театрга жўнаб қоларди.

— Тупдан кейин ҳам репетицияларинг бўладими? — деб суриштириб қолди бир куни Герствуд. Бунда у ана шу саволни беришга мажбур қилган изтироби билан шубҳасини яширишга ҳаракат қиларди.

— Йўқ, мен ўзимга бошқа иш қидиряпман, — жавоб берди Керри.

Бу гап рост бўлса ҳам, харҳолда базўр сабаб бўла оларди. Мисс Осборн Керри билан Бродвейда янги оперетта қўйиш тараддудида юрган режиссёрнинг олдига борган, дугоналар ундан чиққанларидан кейин, Лола-нинг илгари соат учдан бошлаб ўтиришган хонасига қайтиб келишганди.

Керри Герствуднинг саволини шахсий озодлигига қилинган суикасддай тушунди. У шундай ҳам боши боргунча, оёғи етгунча бемалол юрганини унутганди. Бирок инсон ҳамма вақт сўнгги пайтда қўлга киритган нарсасини кадрлаб, ундан айрилмаслик учун уни ҳушёрлик билан қўриқлайди.

Герствуд вужудга келган вазиятни жуда яхши тушуниб турарди. Бунинг учун акли ҳам етарли эди. Унда ўша пайтларда очикдан-очик эътироз билдириш истагини босиб турган андишадан йўқ эмасди-да. Герствуд тушуниб бўлмайдиган даражада ланж бўлганидан тепса тебранмаслик лойига тобора чуқурроқ ботиб, Керри ўзидан аста-секин узоклаб бораётганига бепарво қараб турар, гўё яна юзага чиқиш имкониятини ўз ихтиёри билан бериб юбораётганга ўхшарди. Шундай бўлса ҳам, у Керрига юмшоққина, фойдасиз ва меъдага тегадиган танбеҳлар беришдан ўзини тиёлмас, булар эса ўзи билан Керрини ажратиб турган ораликни тобора кенгайтирар эди.

Бир куни бутафорияга беланган кордебалет машк қилаётганида парда ортидан чароғон залга қараб қолган бош режиссёр балетмейстердан сўради:

— Анави ўнгдан тўртинчи киз ким? Ҳув анави, ҳозир биз томон ўгирилаётгани?..

— Мисс Маденда, — жавоб берди балетмейстер.

— Чиройликкина экан, — деди бош режиссёр. — Уни тизманинг бошига қўйсангиз бўлмайдими?

— Яхши, қўяман, — балетмейстер унинг гапига қўшилди.

— Ҳа, албатта шундай қилинг! У ҳозир тизмани бошлаб бораётганингиздан минг марта яхши.

— Бўпти, шундай қиламан.

Эртаси куни Керрини қатордан чақиришди. Афтидан, уни хайфсан кутаётганга ўхшарди.

— Бугун сиз колоннага бошчилик қиласиз, — деди унга балетмейстер.

— Жоним билан, сэр! — жавоб берди Керри.

— Ҳаракатларингиз иложи борича ҳаётий чиқишига интилинг, — деб қўйди у. — Ўтлироқ бўлаверсин.

— Жоним билан, сэр!

Керри хайратда қолганди. У кордебалетга бошчилик қиладиган киз бирдан оғриб қолган бўлса керак, деган хаёлга борганча ҳам бўлмай, унинг ёнгинасида ошкора ғараз билан қараб турганини кўргач, ҳаммасига тушунди: у «хизматлари» туфайли ана шу шарафга мушарраф бўлганди. Керри бошини бир томонга ўхшатиб эгиб, кўлларини шундай тутардики, улар камчига ўхшаб осилиб ётмасди. Керри буни жуда ҳам ўрнига қўярди. Мана энди эса колоннанинг бошига тушиб қолгандан кейин у бор маҳоратини борича кўрсатишга ҳаракат қиларди.

— Бу қизча ўзини сахнада қандай тутишни биларди! — деб қўйди режиссёр бошқа бир сафар.

Режиссёрнинг хаёлига ҳатто Керри билан шахсан гаплашиб кўриш фикри ҳам келди. Мабодо у кордебалетнинг артисткалари билан уймалашиб юрмайман, деган катъий қоидага амал қилмаганида борми, Керри билан аллақачон суҳбат қурган бўлур эди.

— Уни оқлар колоннасининг бошига қўйинг! — деди режиссёр балетмейстерга яна маслаҳат бериб.

Оқлар колоннаси устларига зангори хошияли ва кумуш суви югуртилган опноқ фланель либос кийган ўн иккитадан кўпроқ киздан иборат эди. Колоннага бош бўлган кизнинг устида ҳам шундай либос бўлса-да, бошқалардан фарқли ўлароқ, унда эполетлар билан кумуш камар ҳам бўлиб, ёнида калтагина шамшири осилиб турарди. Керрига ҳам ана шундай нарсалар берилганидан кейин у орадан бир неча кун ўтгач, сахнада зафарларидан ғурурланган ҳолда намоён бўлди.

Унга ҳаммасидан ҳам маошнини ўн икки доллардан ўн саккиз долларга оширишгани ёқарди.

Герствуд бу янгиликдан беҳабарлигича қолаверди.

«Унга пулнинг ҳаммасини бериб ўтирмайман энди! — Керри ўзича шундай аҳд қилди. — Ҳамма нарсага пул тўлаётганимнинг ўзи ҳам етар. Мен бир дунё нарса олишим керак!»

Керри театрда кирганига икки ой бўлганда оқибати нима бўлишини сира ҳам ўйламай, анчагина турли-туман нарсалар сотиб олганлигини айтиб ўтиш керак. Герствуд квартира ҳақини нима қилса қилаверсин, қўшни дўконлардан насия кўтарса кўтараверсин. Мен ўзимга дурустроқ қараб юришим керак, дерди Керри.

Унинг бу борадаги биринчи иши блузка сотиб олиш бўлди. Шунда у қўлида қолаётган пулга жуда оз нарса

келишини, бор маошини ўзига харжласа анча-мунча нарса ола олишига ишонч ҳосил қилди. Керри ёлғиз ўзи турганда ҳам овқат билан квартирага пул сарфлашга мажбур бўлажаги ва ўн саккиз долларнинг ҳаммасини кийим-кечакларига сарфлай олмаслигини унутаетганди.

Керри бир куни битта кўйлакка кўз тикиб қолувди, унга маошига қўшилган пул кетишидан ташқари ғамлаб қўйганидан ўн икки долларни ҳам қўшишга мажбур бўлди. У хаддан ошаётганлигини тушуниб турса ҳам, аёлларга хос бўлган такаббурликка дош беролмади.

Герствуд эртасига шундай деб қолди:

— Дўкондорга масаллик учун беш доллару қирк цент беришимиз керак.

— Мунча кўп? — деди Керрининг сал қовоғи тушиб.

У Герствудга пул ташлаб кетиш учун ҳамёнини қўлига олди.

— Менда ҳаммаси бўлиб саккиз доллару йигирма цент бор экан.

— Сутга олтмиш цент бериш керак, — деб кўйди Герствуд унинг эсига солиб.

— Қўмиргаям ҳалигача тўлангани йўқ-ку, — қўшимча қилди Керри.

Герствуддан садо чиқмади. У Керрининг рўзғордан сиқиб, ўзига кўп нарсалар олаётганини ва уйдан эртароқ кетиб, кечроқ қайтишга бахона топилса суюниб кетишини кўриб-билиб турарди. Буларнинг охири бахайр бўлмаслигини ҳам сезарди.

Шунда Керри бирдан ҳаммасини тўкиб солди:

— Очиғи, нима қилишни ҳам билмай қолдим. Мен ҳамма харажатни кўтаролмайман. Оладиган пулим бунга етмайди.

Бу Герствудга айтилган биринчи таъна бўлганидан, у жим қололмади. Шунда ҳам ўзини босиқ тутишга интиларди.

— Ҳамма нарсага сендан кетишини мен бутунлай хохламайман, — деди у. — Мен то иш топгунимча қарашиб турсанг, дейман, холос.

— Буни гўё мен энди эшитаётгандай гапирасан-а! — жавоб қилди Керри. — Менинг маошим ҳамма нарсага етавермаслигини тушунгин. Бу ёғи нима бўлишига ҳеч ақлим етмай қолди.

— Мен иш топишга роса уриндим-ку! — хитоб қилди Герствуд. — Нима қилгин дейсан бўлмаса?

— Сен камроқ уринганга ўхшайсан, — Керри бўш келмасди. — Мана мен топдим-ку!

— Сенга қўлимдан нимаки келса барини қилдим деяпман-ку! — жавоб берди Герствуд унинг сўзларидан тутокиб. — Ишинг юришиб кетгани билан мени узиб олишнинг хождати йўк! Иш топгунимча қарашиб туришни сендан сўрадим, холос. Хали ўлганимча йўк! Хали ўзимни ўнглаб оламан.

У витор билан гапиришга ҳаракат қилса ҳам, овози сал-пал титрарди. Керрининг газаби лаҳзада босилди-қўйди. У уяларди.

— Маиа ол, — у шундай дея ҳамёнида борини столга тўқди. — Бу ҳаммасига етмайди, агар шанбагача чидай-диган бўлсак бошқаларига ҳам тўлайман.

— Манависи ўзингга қола қолсин, — деб қўйди Герствуд маъюс ҳолда пулнинг бир қисмини суриб қўйиб. — Мен фақат дўкондорга тўламоқчиман.

Керри пулни беркитиб қўйди-да, овқатга жуда эрта уннаб кетди, наинки вақтида тайёр бўлишини истарди. Ана шу арзимас галвада у ўзини айбли санарди.

Шундай бўлса ҳам, орадан кўп ўтмай ҳар бири ўзича хаёл сурарди.

«Керри менга айтганидан ҳам кўпроқ пул тошяпти, — деди Герствуд ичида. — У мени ўн икки доллар оляпман, деб ишонтирсам дейди. Бу пулга шунча нарса олиб бўларканми? Айтмоқчи, менга барибир-ку. Пулини нима қилса қилаверсин, хоҳлаганича ишлатаверсин! Мен ўзимга бирорта иш топиб олай, ундан кейин хоҳлаган томонига йўқолсин!»

Герствуд ҳозирда бу нарсаларни жаҳл устида хаёлига келтирганди, бироқ келгусида ҳам Керрига ана шундай муомала қилиши жуда ҳам мумкин эди-да.

«Уни иш қидиришга мажбур этиш керак, — деди Керри ҳам ўзича хаёл суриб. — Унинг учун ҳам мен ишласам инсофдан эмас-ку.»

Керри бу пайтда мисс Осборннинг бир неча навқирон дўстлари билан танишиб олганди. Бу йигитлар бир куни Лоланинг уйига кириб келишди-да, фойтонда айланишни таклиф қилишди. Керри бу пайтда дугонасининг уйида эди.

— Биз билан юр! — деди Лола унга.

— Йўк, боролмайман.

— Йўк, дема, Керри, юр! Қани айт-чи, қанака ишинг бор ўзи? — Лола қистовга олиб қолди.

— Соат бешда уйда бўлишим керак, — жавоб берди Керри.

— Нимага?

— Овқат қилишга.

— О, буни қўявер, бизни меҳмон қилишади! — Лола унинг гапига кўнмади.

— Йўқ, йўқ, боролмайман! — Керри оёқ тираб туриб олди. — Бормайман.

— Юра қолгин энди, Керри! Булар шунақанги яхши йигитларки! Сени вақтида уйингга элтиб қўямиз, мана кўрасан. Сентрал-паркни айланамиз, холос.

Керри ўйлаб-ўйлаб ахийри таслим бўлди.

— Шуни билиб қўй, Лола, — деди у, — тўрт яримда мен уйда бўлишим керак.

Бу гап мисс Осборннинг эсидан чиқиб кетди.

Керри Друэ ва Герствуд билан танишганидан кейин умуман йигитларга, айниқса, кўзига ҳавойи ва бепарво кўринган йигитларга ишонқирамай, уларга менсимай қараб юрарди. У ўзини булардан анча катта сезарди. Йигитларнинг мақтовлари унга бемаза ва бемаъни туюларди.

Шундай бўлса ҳам у қалбан ва жисман ёш эди, ёшлик эса ёшлик томон судрайди-да.

— Хотиржам бўлаверинг, мисс Маденда, — деб қўйди йигитлардан бири эхтиром билан, — биз вақтида қайтиб келамиз! Анча туриб қолишади, деб ҳеч гумонсирамай қўя қолинг. Нахотки, шунақа хаёлга бораётган бўлсангиз?

— Сизларни билиб бўлармиди? — Керри шундай дея жилмайиб қўйди.

Улар коляскада айлангани кетишди. Керри паркда айлашиб юрган, башанг кийинган кишиларга тикилар, ҳамрохларининг сийқаси чиққан латифаларини тинглаб борарди. У Эллик тўққизинчи кўчадан то Нафис санъат музейининг ёни билан Бир юз тўққизинчи кўча билан Еттинчи авеню муюлишидаги дарвозагача тизилган файтонларга суқланиб боқарди. У яна ўзини қуршаган ҳашаматнинг кўзини қамаштирувчи оламига — дабдабали либослар, ранго-ранг безаклардан ташкил топган нафосат ва гўзаллик оламига тушиб қолганди. Камбағал эканлиги юрагини яна зирқиратиб ўтган бўлса ҳам, Керри буни унутишга уринар, ҳеч бўлмаса Герствуд бирпас нари турсин, деб ҳаракат қиларди.

Герствуд бўлса уни кўзи тўрт бўлиб кутиб ўтирарди. Соат тўртга, бешга занг урди, ниҳоят олти ҳам бўлди. У тебратма стулидан турганида кош қорайиб қолганди.

— Чамаси, у бугун уйга келмайдиганга ўхшайди! — деб қўйди у тунд ҳолда.

«Ҳа, ҳамма вақт шунақа бўлади, — бу фикр унинг хаёлига ялт этиб келиб қолди. — Унинг ишлари гуркираб кетяпти, менга эса ҳатто қарагиси ҳам келмаяпти!»

Керри соат бешдан чорак ўтгандан кейингина кеч қолаётганини пайқаб қолди. Файтон эса бу пайтда анча олисда, Харлем дарёси соҳили яқинидаги Еттинчи авенюда эди.

— Соат неча бўлди? — деб сўради Керри. — Мен уйга қайтишим керак...

— Бешдан чорак ўтди, — жавоб берди ҳамроҳларидан бири қопқоқсиз чиройли соатига кўз ташлаб.

— О худойим! — деб юборди Керри.

Шундай бўлса ҳам, ўша заҳоти файтоннинг болишига ўзини ташлаб, хўрсинди-да, қўшимча қилди:

— Начора, кетган кетди, қайтариб бўлмайди! Энди вақт ўтди.

— Бўлмаса-чи, вақт ўтди албатта! — ёш йигитлардан бири унинг гапини қувватлади. У ўзича биргаликда ширингина овқат қилиб, театрдан кейинги янги учрашувга асос бўладиган қуюқ суҳбат куришни хаёл қиларди.

Керри унга жуда ҳам ёқиб қолганди.

— Юринглар, «Дельмонико»га бориб, жиндай тамадди қилиб оламиз! — деб таклиф қилди у. — Нима дединг, Орин?

— Бўлади! — деб қўйди у ҳам шўхчанлик билан.

Керри Герствудни ўйлаб қолди. Шу чоққача овқат қилишга узрли сабабсиз бирон марта кечикиб келмаган эди-да.

Файтон орқага қайтди. Улфатлар олтидан чорак ўтгандан кейингина тамадди қилгани ўтиришди. Бир пайтлар «Шерри» ресторанида бўлган воқеалар яна такрорланиб, Керри офир ўйларга чўмиб қолди. У Герствуд кўрсатган мулозаматдан кейин кўринмай қўйган миссис Вэнсни эслади, сиймоси хотирасидан маҳкам жой олган мистер Эмсни ўйлади. Мистер Эмсга Керри ўкиган китоблардан ҳам қизиқроқ китоблар, таниган-билган одамларидан ҳам дурустроқ одамлар хуш келарди. Унинг идеалларига Керрининг ўйлаганлари ҳамоҳанг эди.

«Машхур актриса бўлиш яхши-я!» — Керри мистер Эмс айтган гапни эслади.

Керри қанақа актриса ўзи?

— Нималарни ўйлаб қолдингиз, миссис Маденда? — деб сўради ҳамроҳларидан бири. — Истасангиз, айтиб берай?

— Йўқ-йўқ, уринмай қўя қолинг! — жавоб қилди Керри.

Керри овқатдан тотина бошлади. У хаёлларидан бир мунча қутулиб, улфатчиликка кўшилиб кетди. Бироқ зиёфат тугагач, йигитлар театр тамом бўлганидан сўнг яна учрашайлик, деб гап бошлаганларида у бош чайкади.

— Йўқ, — деди у қатъий, — иложим йўқ. Театрдан кейин учрашишга сўз бериб қўйганман.

— О, хўп денг энди, мисс Маденда! — йигитлардан бири илтижо қилгандай гапирди.

— Йўқ, йўқ, ноиложман! Сизлардан жуда ҳам хурсандман, бироқ маъзур тутишларингни сўрайман.

Йигит ҳеч ўзига келолмасди.

— Хафа бўлма, ошна! — деб шивирлади ўртоғи унинг қулоғига. — Спектаклдан кейин яна уриниб кўрамиз: кўниб қолар...

XXXX б о б

ИЖТИМОЙ МОЖАРО. СЎНГИ УРИНИШ

Йигитларнинг тунги маишати тўғрисидаги умидлари пучга чикди. Керри спектаклдан кейин уйига кетаркан, Герствудга нимани баҳона қилсамикин, деб боши қотарди. Герствуд бўлса ётиб қолганди. Бироқ у Керрининг қадам товушларини эшитиб, уйғониб кетди.

— Сенмисан, Керри? — деди у товуш бериб.

— Ҳа, менман, — жавоб қилди Керри.

Эртасига нонушта килиб ўтирганларида Керри ўзини оқламоқчи бўлди.

— Кеча кечкурун овқатга келолмадим, — деб гап бошлади у.

— Қўйсанг-чи Керри! — деб қўйди Герствуд. — Бундан гап очишнинг нима хожати бор? Менга бунинг ахамияти йўқ, сен эса ҳар қалай ёлғонни гапирмасанг бўларди!

— Мен сенга яна айтаман, келишнинг сира иложи бўлмади! — Керри хитоб қиларкан қизариб кетди.

Керри Герствуднинг кўринишидан ичида: «О, ҳамма-

сини жуда яхши тушунаман!» — деяётганини пайқаб, кўшимча қилди:

— Ихтиёр ўзингда! Менга ҳам бунинг аҳамияти йўқ.

Ўша кундан бошлаб Керрининг кўнгли уйдан баттар совий бошлади. Энди унинг Герствудга қизиқадиган жойи ҳам қолмаган, икковларининг гаплашадиган гаплари ҳам йўқ эди. Керри Герствудни харажатларга пул сўрашга мажбур этар, бундан Герствуд гижингани гижинганди. Герствуд булкачи билан қассобдан олинган насиаларни чўзиб туришни маъқул кўриб, мистер Эслождаги қарзини ўн олти долларга чиқарди. У бир оз вақтгача ҳеч нима сотиб олмаслик учун ҳар хил консерва маҳсулотларидан ғамлаб кўйганди. Герствуд шундан кейин бошқа бир бакқолчилик дўконидан нарса ола бошлади, қассоб билан ҳам шундай найранг қилди. Керри бўлса булардан мутлақо беҳабар эди. Герствуд ундан кўзи етадиган миқдорда пул олиб турарди. У бора-бора ҳисоб-китобда шунақанги чалкашиб кетдики, бунинг охири нима бўлиши маълум эди.

Сентябрь шу аснода ўтди.

— Мистер Дрэйк мехмонхонасини қачон очади ўзи? — деб сўради Керри Герствуддан бир неча марта.

— Яқинда очса керак, — дерди Герствуд ҳар гал. — Ҳарҳолда октябрдан олдин очмасов.

Керри кўнглида бу одамга нисбатан нафрат пайдо бўла бошлаганини сезиб турарди.

«Шунақаям одам бўладими!» — у тез-тез шундай хаёлга борарди.

Керри ҳали ҳам кордебалетдаги таниш артисткаларининг уйига бориб турар ва гарчи унчалик кўп бўлмаса ҳам, ортиқча пулларини барибир кийим-кечагига харжларди. Ниҳоят, труппанинг бир ойдан кейин сафарга чиқажаги маълум бўлди.

Энди афишалар ва газеталарда «Сўнги икки ҳафта!» деган эслатмалар кўринарди.

— Мен улар билан кетмайман! — мисс Осборн очикдан-очик шундай деб кўйди.

Керри режиссёри билан гаплашиб кўриш учун мисс Осборнга қўшилиб бошқа театрга йўл олди.

— Бирор ерда ўйнаганмисизлар? — режиссёрнинг биринчи саволи шу бўлди.

— Биз ҳозир ҳам «Казино»да ўйнаяпмиз, — Лола икковлари учун ҳам жавоб бериб кўя қолди.

— Э, шунақа денглар!

Режиссёр икковларини ҳам ўша лаҳзанинг ўзида ишга таклиф қилди. Керри шундан кейин ҳафтасига йигирма доллар ола бошлади.

Керри ҳеч терисига сифмасди. У энди оламда бекорга яшамаётган эканман, деб ўйлай бошлаганди. Истеъдодли одамлар эртами-кечми ахийри юзага чиқар эканлар-да!

Шундай бўлса ҳам уйдаги паст-баланд гаплар уни эзгани эзганди. Уйга келди дегунча етишмовчилик билан ташвишга қўндаланг бўларди-да. Керри ҳозирда бошига тушган нарсаларни ана шунга йўярди. Квартираси кўзига бало бўлиб кўриниб қолганидан ундан олисроқ тургани ҳам маъқул эди. Бироқ шунда ҳам у уйдан қимирламай, анча-мунча вақтини супуриб-сидиришга сарфларди. Герствуд бўлса тебратма стулида у ёқдан-бу ёққа чайқалишини сира ҳам тарк этмай, ё газета ўқир, ё бўлмаса аянчли тақдирини ўйлагани ўйлаганди. Октябрь келиб, унинг кетидан ноябрь ҳам ўтди. Герствуд эса ҳамон жойида қимирламай ўтирар, у қиш кирганлигини деярли сезмаганди.

Герствуд Керрининг иши гуркираб бораётганлигини пайқар, буни хотинининг турки-таровати ҳам кўрсатиб турарди. Керри энди жуда ҳам яхши, ҳатто зебо кийиниб юрарди. Герствуд Керрининг уйга қандай келиб, қандай кетаётганини кўриб турганидан гоҳо унинг шоншухрат томон йўлини ҳаёлан тасаввур қиларди.

Герствуднинг томоғидан кам нарса ўтаётганидан у озиб кетганди. Илггаҳа деган нарса йўқ эди унда. Кийим-боши ҳам ночор эди. Бирорта иш-пиш кидириб топиш деган гап энди унга кулгили туюларди. У қўлини қовуштирганича кутгани кутган, бироқ нимага илҳақ эканлигини ўзи ҳам айтиб беролмасди.

Пировардида бу уйдаги тирикчиликка чидаш бериш мушкул бўлиб қолди. Мол ўтказиб қўйганларнинг кисташлари, Керрининг парвойи фалаклиги, квартирадаги худди ўлик чиққандай жимжитлик ва ташқарида авжига чиқаётган қиш — қўйинг-чи, ҳаммаси қўшилиб, муқаррар равишда бир ишқални чиқаришни керак эди. Ана шу ишқал мистер Эслож ўз оёғи билан квартирага кириб келиб, Керрига қўндаланг бўлган куни юз берди.

— Мен ҳисоб-китоб бўйича пулни олгани келдим, — деди баққол.

Керри бу гапдан унчалик ажабланмади.

— Қўп эканми? — деб сўради у.

— Ўн олти доллар, — жавоб берди мистер Эслож.

— Намунча кўп! — деб юборди Керри. — Тўғрими шу? — сўради у Герствуддан.

— Ха, — у ҳам тасдиқлаб кўйди.

— Ажаб, бундан менинг хабарим йўқ экан, — деди Керри. Кўринишидан у, Герствуд пулни бекорчи нарсаларга сарфлаганга ўхшайди, деб шубҳаланаётганга ўхшарди.

— Буларнинг бари чиндан ҳам олинган, — Герствуд шундай деди-да, кейин мистер Эсложга қараб қўшиб кўйди: — Бугун сизга берадиган нарсам йўқ.

— Хим! — мистер Эслож тўнғиллади. — Қачон бўлмаса?

— Ҳарҳолда шанбадан олдинмас, — жавоб қилди Герствуд.

— Шундай денг! — баққол тутоқиб кетди. — Тоза кизик бўлди-ку! Менга пул керак. Мен ҳисоб-китоб қилмоқчиман!

Керри хонанинг ўртароғида туриб ганга кулоқ соларди. У гангиб қолаётганди. Шунақаям хунук ва жирканч иш бўладими! Герствуднинг ҳам бўлари бўлганди ўзи.

— Хозир бунга гапирган билан ёғи чиқмайди, — деди у. — Шанба куни келсангиз пулингизнинг бир қисмини оласиз.

Бакқол кетди.

— Ундан қанақа қилиб узиламиз? — деб сўради Керри ҳисоб-китоб бўйича бўлиб кетганидан хали ҳам ўзига келолмай. — Мен бунча пулни қандай тўлайман?

— Кўяверсанг-чи, — жавоб берди унга Герствуд. — Йўқ бўлса йўқ-да. Унинг сабр қилишига тўғри келади!

— Мен ҳисоб-китоб қаёқдан ҳам шунча баландлаб кетганини сира ҳам тушуна олмаяпман! — деди Керри боши қотиб.

— Нима бўпти, буларнинг барини еганмиз, — деди Герствуд.

— Ажаб, — Керри хали ҳам шубҳаларга бораётганидан бўш келмади.

— Хўш, қани айт-чи, нега бундай деяпсан? — хитоб қилди Герствуд. — Масалликларнинг барини бир ўзим едимми? Бу пулни гўё ўзимга олгандай гапирасан-а!

— Мен бу пулнинг ниҳоятда ошиб кетганини билман, холос, — Керри ҳам ўз айтганида тураверди. — Мени бунча пулни тўлашга мажбурлаш ярамайди. Бу ёнимдагига нисбатан анча кўплик қилади.

— Ке, қўй, — Герствуд шундай дея креслога чўкди.

Керри ишига кетди, Герствуд бўлса нима қилсамикин, деб ўйга чўмди.

Ўша пайтларда газеталарда Бруклинда трамвайчиларнинг иш ташлашига яқин қолганлиги ҳақидаги миш-мишларни кучайтирувчи мақолалар кўрина бошлаганди. Трамвайчилар иш кунининг узунлиги ва иш ҳақининг озлигидан норози эдилар. Ишчилар хўжайинларга таъсир ўтказиб, уларни ён беришга мажбур этиш мақсадида хар маҳалгидай қиш пайтини танлаган эдилар.

Герствуд газеталарни кўздан кечириб турганидан иш ташлаш оқибатида шаҳардаги ҳамма ҳаракат тўхтаб қолиши ҳақида ўйларди. Иш ташлаш унинг Керри билан ёжиллашиб қолишидан бир ёки икки кун илгари бошланганди. Бир куни кечга яқин осмонни булут қоплаб, одамлар қор ташласа керак, деб туришганида, газеталарда Бруклин трамвайчилари ҳамма линияларда ишни тўхтатишгани хусусида хабар чиқиб қолди.

Герствуд газеталарнинг бу йилги қишда ишсизлик бўлиши ҳақидаги башоратлари-ю, нарх-наво бобидаги ваҳимали хабарларидан яхши огоҳ эди. Ўзи бекор ўтирганидан булар ҳақида чиққан нарсаларни зўр қизиқиш билан ўқиб чиққанди-да. У иш ташлаган вагон ҳайдовчилар ва кондукторлар талабларига эътибор қилди. Улар айтишларига караганда, илгари кунига икки доллардан олган бўлсалар, энди ўшанинг тенг ярми қўлларига тегаётган экан. Бунга йўллар бошқармаси кейинги пайтларда зўр бериб «муваққат ишчилар» хизматидан фойдаланаётгани ва айна пайтда ишлайдиганларнинг иш кунларини суткасига ўн, ўн икки ва ҳаттоки ўн тўрт соатгача чўзганликлари сабабчи бўлибди. Бошқарма энг тифиз пайтларда, яъни йўловчилар кўчаларга сифмаётган пайтларда вагонларда ишлашга ёллаган кишиларни «муваққат ишчилар» дейиларди. Ана шундай «муваққат ишчи-га» хар бориб-келиши учун йигирма беш цент тўланарди. Тифизлик ўтиб, йўловчилар сал товсилгандан кейин уларга батамом жавоб бериб юбориларди. Ҳаммасидан ҳам ёмони улардан бирортаси ҳам ўзига яна қачон иш тегажагини билмасди. Бунинг устига улар ҳаво яхши ёмонлигига карамай, хар куни эрталабдан бошлаб паркка келиб, то трамвай бошқармасидагилар чақириб олгунча дарвоза олдида туришлари керак эди. Уларнинг ўртача маоши кунига эллик центдан ошган пайтлар жуда кам бўларди; наинки фақат икки марта бориб-келганга ҳақ тўланарди-да. Бошқача килиб айтганда, фақат уч

соатдан сал ортиқроққа ҳақ тўланар, дарвоза олдидаги сарғайишлар бу ҳисобга кирмасди.

Трамвай хизматчиларининг уқтиришларича, бу система борган сари кенг қўлланаётганидан етти мингдан иборат трамвай хизматчисидан фарқи озгинагина кунига икки доллар оладиган кунларга яқин қолганди. Улар бу система бекор қилинишини, иш куни тасодифий ушланиб қолишлардан қатъи назар, ўн соатдан ошмаслигини ва иш хақи кунига доллару чорақдан кам бўлмаслигини талаб қилишарди. Трамвайчилар барча талабларимиз қондирилсин, деб каттиқ туришарди. Трамвай компаниясидагилар бўлса бундан кескин бош тортишди.

Герствуд аввалига ишчиларга хайрихоҳлик билдириб, уларнинг талаблари ҳаққоний эканлигини эътироф этди. Иш ташловчилар кейинчалик нимаки ишларни қилганларида ҳам Герствуд охиригача уларнинг томонини оларди, деб айтса бўларди. Герствуд бу хусусдаги бор хабарларни ўқиб бораркан, у газеталардаги иш ташлашга бағишланган мақолаларнинг ваҳимали сарлавҳаларига эътибор берди. У мақолаларни бошдан-оёқ ўқиб чиққанидан барча трамвай компанияларининг номларини, шунингдек, иш ташлаганларнинг аниқ сонини эслаб қолганди.

«Шунақанги совуқда иш ташлаш нақадар бемаънилик! — дерди у ичида. — Шунда ҳам уларга чин қалбимдан зафар тилайман!»

Эртаси куни газеталарни бу хусусдаги батафсил хабарлар босиб кетди. «Бруклинликлар шёда юришибди! — деб ёзганди «Уорлд» газетаси. — Трамвайчиларнинг иш ташлаши оқибатида трамвайлар кўрикдан ўтмай қолди! Етти минг одам иш ташлади!»

Герствуд буларнинг барини ўқиганидан охири нима бўлишини башорат қилишга уринарди. У трамвай компанияларининг қудратини биларди. «Иш ташловчиларнинг қўллари баланд келиши қийинов, — деб ўйларди у. — Уларнинг пули йўқ. Полиция трамвай компанияларига кўмаклашади, албатта. Қолаверса халойиққа трамвай даркор.»

У трамвай линияларининг эгаларига мутлақо хайрихоҳ эмасди, лекин куч улар томонида эди. Бунинг устига аҳолига трамвай ҳам керак эди-да.

«Йўқ, бу йиғитлар ютиб чиқишолмайди!» — у ширвардида шундай хулосага келди.

Герствуд ҳар хил мақолалар каторида трамвай ком-

паниясининг кўрсатмасини ҳам ўқиб чикди. Унда шундай дейилганди:

*«Атлантик-авенюдаги трамвай линияси.
Хамма билиб қўйсин.*

Вагон ҳайдовчилар, кондукторлар ва компаниямизнинг бошқа хизматчилари тўсатдан иш ташлаганликлари туфайли биз хоҳишларига қарши ўлароқ иш ташлаган ва тўғрилиқ чизигидан чиқмайдиган барча хизматчиларнинг ўз жойларига қайтишларини таклиф қиламиз. Улар ишга қайтишларини 16 январь соат ўн иккигача билдиришлари лозим. Бу кишилар ариза беришларига қараб ишга олинадилар, тегишли муҳофазада бўладилар ва шунга мувофиқ турли маршрутларга чиқариладилар. Шундай ариза бермаганларнинг бари ишдан бўшатилган ҳисобланадилар, уларнинг жойлари эса компания томонидан ишга ёлланадиган янги хизматчиларга берилади.

*Бошқарувчи-директор
Бенжамен Нортон».*

Герствуд газетанинг «Ишчи кучига талаб» деб аталган устунларидан биридаги куйидаги эълонга эътибор бериб қолди:

«Бруклин шаҳридаги фақат почта вагонларини бошқариш учун Вестингауз системаси билан таниш бўлган элликта тажрибали вагон ҳайдовчи керак. Муҳофазага кафиллик берилади».

Иккала эълондаги муҳофаза хусусидаги сўзлар Герствуднинг назаридан қочиб қутулмаганди. Трамвай компаниясининг енгилмас қудрати ана шунда намоён бўлиб турарди.

«Полиция компания тарафида, — деб ўйлади Герствуд яна. — Иш ташловчиларнинг қўлидан ҳеч нарса келмайди.»

Керри уйдалигида баққол билан можаро чиққанида Герствуд ҳали ҳам газетадаги хабарларнинг таъсирида юрганди. Герствуд шусиз ҳам кўп нарсалардан жаҳли чиқиб юрар, баққолнинг келиши эса дард устига чипқон бўлди, холос. Керри уни ҳеч қачон ўғрилиқда айблаганди, ҳозирги айтганлари эса шунга тенг эди ҳисоби. У ҳисоб-китоб ўз-ўзидан шунчага бориб қолишидан шубҳаланаётганди-да, Герствуд бўлса Керрига унча оғир келмасин, деб харажатни иложи борица камроқ қилишга

уриниб юрувди! Герствуд Керрининг қулоғи тинчроқ бўлсин, деб қассоб билан булкачини алдади. Бунинг устига у кам еб, кам ичар, деярли оч-наҳор юрарди.

— Жин урсин! — деб юборди у бир куни. — Мён иш топаман ҳали! Қатордан чиқиб қолганимча йўк!

Герствуд энди чиндан ҳам бирорта ишнинг бошидан тутишим зарур, деб аҳд қилди. Уйда ўтиравериб, бунақанги таҳқирларни эшитавериш жонига тегди. Агар шундай ахволда кетаверса борми, худо кўрсатмасину яқин орада яна қандай кунларга қоларкин!

Герствуд ўрнидан туриб, кўчага қаради. Ҳавонинг авзойи бузуқ эди. Шунда Бруклинга бориш фикри хаёлидан ялт этиб ўтди.

«Борсанг нима қипти? — дерди ақли уни йўлга солиб. — У ерда ҳар бир одам иш олиши мумкин. Сен бир кунда икки доллар ишлайсан!»

«Иш ташловчилар бор-ку? — шивирларди унга бошқа бир овоз. — Улар сени дабдала қилишлари мумкин.»

«О, бундан унча хавотирланмаса ҳам бўлади! — дерди Герствуд ўзига ўзи жавоб бериб. — Трамвай компаниялари бутун полицияни оёққа турғизишган. Вагон ҳайдашни истаган ҳар бир одам яхшилаб муҳофаза қилинади.»

«Ўзинг вагон ҳайдашни билмайсан-ку», — дерди унга шубҳа овози.

«Вагон ҳайдовчи бўлиб ёлланишнинг ҳожати ҳам йўк, — деб жавоб қилди унга ақли. — Билетни ҳар қалай сота олсам керак!»

«У ердагиларга асосан вагон ҳайдовчилар керак-да!»

«О, улар ҳар қимниям жон деб олишаверади!»

Герствуд бунақанги нақд ишда унчалик шошилишнинг ҳожати йўқлигини билиб-сезиб турганидан уни ҳам, бунинг ҳам тарозига солиб, анчагача ўзи билан ўзи тортишиб турди.

Эртасига эрталаб энг яхши костюмини (бунисининг ҳам анча мазаси кетиб қолганди) кийиб, йўл тадоригини кўра бошлади. Озгина нон билан яхна гўштни қоғозга ўраб олди. Керри кизикиб қолганидан ундан кўзини узмасди.

— Қаёққа кетяпсан? — деб сўради у ахийри.

— Бруклинга, — жавоб берди Герствуд.

Шундай бўлса ҳам Керри ҳамон ҳайратда қараб турганидан қўшимча қилди:

-- У ерда иш тонсам керак, деб ўйлайман.

- Трамвайчи бўласанми? деди Керри хайрон бўлиб. - Қўркмайсанми ишқилиб?

- Нимага қўрқаман? — жавоб қилди Герствуд. — Полиция барча трамвай хизматчиларини яхшилаб муҳофаза қилади.

- Кеча тўртта штрейкбрехни¹ дўппослашгани газетада чиқибди.

-- Рост, — Герствуд унинг гапига қўшилди, -- бироқ газетадаги ҳамма нарсага ҳам ишониб бўлмайди. Трамвай эса барибир юради!

Герствуд хозирги дамда жуда ҳам астойдил кўринарди. Бироқ пичоқ бориб суякка қадалганидан шу кўйга тушганидан Керри унга ачиниб кетди. Керрининг кўзига шу лаҳзада илгариги мард ва бақувват Герствуднинг шарпаси ногахон ялт этиб кўрингандай бўлди.

Ташқарида ҳаво айниган, қор учқунларди.

«Ҳаво ҳам Бруклинга саёхат қилинга унчалик боп эмас!» — Керри беихтиёр равишда кўнглидан ўтказиб қўйди.

Герствуд уйдан Керридан олдинроқ чиқиб кетди. Шунинг ўзи ҳам катта гап эди. У Ўн тўртинчи кўча билан Олтинчи авеюнинг муюлишига етгандан кейин трамвайга ўтирди. Герствуд ўнларча одамлар иш талаб бўлиб боришаётганини, трамвай компаниялари эса уларнинг ҳаммасини ишга олаётганини газетада ўқиганди.

Кичикроқ кема Герствудни Бруклинга элиб қўйди, бироқ у ёнига оғир бўлди, нега деганда, трамвайлар юрмаётган, ҳаво эса совуқ эди. Герствуд тап тортмай олдинга қараб юраверди. Бруклинга етди дегунча иш ташланган районга келиб қолганлигини сезди қўйди. Бу хатто одамларнинг феъл-атворидан ҳам сезилиб турарди. Баъзи бир изларда биронта ҳам трамвай кўринмасди. Чоррахаларда эса одамлар тўда-тўда бўлиб туришарди. Герствуднинг ёнидан устига табуреткалар қўйилган бир неча усти оқ аравалар ўтиб кетди. Уларда: «Флэтбуш» ёки «Проспект-парк. Ҳақи 10 цент» деган ёзувлар кўринарди. Герствуд теварак-атрофидаги одамларнинг кўринишлари совуқ ва тунд эканлигини пайқайди. Бу ердаги ишчилар кураш олиб боришарди.

Герствуд трамвай компаниясининг идорасига етгани-

¹ Иш ташлаш вақтида капиталистлар томонига ўтган хонлар, ялоқлар.

да у ерда граждача кийинган бир неча кишилар, шунингдек, бир гуруҳ полициячилар ҳам туришганини кўрди. Олисроқдаги чорраха яқинида бошқа кишилар туришар, чамаси улар иш ташлаганлардан бўлса керак, нималар бўларкин деб қараб туришарди. Теварак-атрофдаги уйларнинг бари кичкина ва хароб бўлиб, кўчаларга ётқизилган тош ҳам кўнгилдагидек эмасди. Кўйинг-чи, Бруклин Нью-Йоркка нисбатан кишида аянчли таассурот қолдирарди.

Герствуд полисменлар ҳам, якинроқдаги бошқа кишилар ҳам кўз-кулоқ бўлиб туришган кичикроқ тўданинг ўртасига кириб борди. Шунда полициячилардан биттаси унга:

— Нимани излаянсиз? — деб қолди.

— Мен иш-пиш топилармикин, деб сўрамоқчийдим.

— Идора анави ерда, юкорида, — деб жавоб қилди кўк мундирдаги полициячи.

Бу тартиб сақловчининг авзойидан теварак-атрофида бўлаётган нарсаларга парвойи фалаклиги сезилиб турарди. Шундай бўлса ҳам, у ичида иш ташлаганларга ошкора хайрихоҳ эканидан, ҳозиргина келиб гап сўраган «ялоқхўр»ни дарров ёмон кўриб қолганди. Иккинчи томондан эса хизмат бурчи туфайли тартиб ўрнатиб турилиши лозим эди. Бу одам полициянинг инсоният жамиятидаги чинакам роли хусусида сира ҳам бош қотириб кўрмаганди-да. У бунақанги нарсаларга миясини ачитиб ўтиради-ганлардан эмасди. Унда энди бир-бирига сира ҳам бўли келмаётган икки туйғу аралаш-куралаш бўлиб кетганди. Полициячи шундай буйрук олганлиги учунгина Герствудни мухофаза қилиб тура оларди. Устидаги кўк формасини ечиб ташлади дегунча барча яллоқхўрларнинг коворғаларини майдалаган бўларди.

Герствуд ифлос пиллапоядан кўтарилиб, искиртликда ундан қолишмайдиган чоғроқ бир хонага кириб қолди. Унда идоранинг бир неча хизматчилари бор эди. Улар тахта билан тўсилган узун стол ёнида ўтиришарди.

— Хизмат, сэр? — деди Герствудга ўрта ёшлардаги киши қоғоздан кўзини узмай.

— Сизларга одам керакми? — деб сўради Герствуд ҳам ўз навбатида.

— Ўзингиз ким бўласиз? Вагон ҳайдовчимисиз?

— Йўқ, мен сира ҳам трамвайчи бўлмаганман, — жавоб қилди Герствуд.

Герствуд заррача ҳам хижил бўлмаганди. У трамвай

компаниялари одамларга зорлигини биларди. Мабодо бу идора уни ишга олмаса, бошқаси ёллайди-ку. Шунинг учун Герствудга бу хизматчининг қанака муомала қилиши мутлако аҳамиятсиз эди.

— Ҳим! — гўлдиради хизматчи. — Биз сал тажриба-лироқ одамларни маъқул кўрамиз, албатта...

У Герствуд парво қилмай кулимсираб турганини кўргандан кейин, қўшимча қилди:

— Шундаям сиз вагон хайдашни тезроқ ўрганиб olasиз, деб ўйлайман.

— Фамилиянгиз нима? — деб сўради у.

— Уилер.

Хизматчи кичкинагина қоғозга фармойиш ёзди.

— Мана шу қоғоз билан паркка боринг-да, уни мастерга беринг. У сизга нима қилиш кераклигини кўрсатиб беради.

Герствуд хонадан чиқиб, иллапоядан пастга тушаркан, ўзини яна кўчада кўрди. У айтилган томонга кетаркан, полициячилар кетидан қараб туришарди.

— Яна биттаси бахтини синаб кўришни хохлаб қопти! — деб қўйди полициячи Кийли шериги Мейсига.

— Менимча, унинг суробини тўғрилаб қўйишса керак! — жавоб қилди шериги пинагини бузмай.

Улар анча-мунча иш ташлашларни кўришганди-да.

XXXXI б о б

ИШ ТАШЛАШ

Герствуд юборилган трамвай паркининг одам етишмаётганидан холи жуда танг бўлиб, у ерда бор-йўғи уч кишигина ишбошилиқ қиларди. Бу ерга ишга анча-мунча янги одамлар келишганди. Буларнинг кўпчилиги тубанлик жарига қулаб, оч қолган кишилар бўлиб, башараларидан оғир муҳтожлик уларни бу ишга ундаганлиги кўриниб турарди. Улар ўзларини гарчи тетик тутсалар ҳам, кўринишларидан аламдийда эдилар.

Герствуд деподан ўтиб, парк ичкарасига кираркан, ўзини атрофи ўралган каттакон ховлида кўрди. Бу ерда трамвай излари тармоқлари кўп бўлиб, ҳар қаёққа қараб кетганди. Шоғирдлар инструкторлар бошчилигида бир неча вагонларни ҳайдаб юришарди. Бошқа шоғирдлар эса улкан саройлардан бирининг орқа дарвозасида нав-

батлари келишини кутиб туришарди. Герствуд буларни илдаммай томоша қилиб кутиб турарди. Уни гарчи бўлгуси ҳамкасабалари вагонлардан ҳам кўпроқ қизиқтирсалар, уларга фақат кўз кирини ташлаб қўйди, холос. Умуман айтганда, бу кишиларнинг турки унча яхши эмасди. Улар орасида озгин, бемажол одамлар кўзга ташлашар, семизлар ҳам учрар, минг балоларни кўрганларидан шеклилли, ранглари паст, чайир кимсалар ҳам кўришарди.

— Йўллар бошқармаси ёрдамга полиция чақирмоқчилигини ўқидингизми? — деди Герствуддан сал нарида турган киши.

— Чақиради ҳам! — жавоб қилди кимдир. — Бунақа пайтларда доимо шундай қилишади.

— Сизнингча, бошимиз балога қоладими? — деб сўради битта ялоқхўр. Герствуд унинг башарасини яхши кўролмади.

— Йўк, менимча йўк, — жавоб қилди боя гапирган киши.

— Охирги вагон билан кетган шотландияликнинг менга айтишига қараганда, калласига бир бўлак кўмир отишганмиш.

Кимдир бу гапга жавобан асабий кулиб қўйди.

— Газеталарда ёзилишига қараганда, Бешинчи авенюда ишлаган шерикларимиздан бирига жуда ёмон бўлибди, — кимдир яна гап бошлади. — Вагоннинг ҳамма ойналарини синдириб, то полиция етиб келгунча ўзини пастга судраб тушишибди.

— Буларнинг ҳаммаси тўғри, бироқ бугун анча-мунча полициячилар навбатчилик қилишяпти.

Герствуд бу гапларга қулоқ соларкан, ялоқхўрларнинг сўзлари хусусида унча бош котириб ўтирмасди. Бу одамларнинг бари унинг кўзига жуда ҳам юракларини олдириб қўйгандай кўринганларидан, чамаса, бир-бирларини тинчитиб қўйиш мақсадида гаплашиб туришарди.

У ховлида у ёқдан-бу ёққа юраётган вагонларга бепарво қараб, навбати келишини кутарди.

Навбатлари келишини кутаётганлардан иккитаси яқинроқ келиб, ундан кейинда туришди. Улар сергап одамлар чиқиб қолганларидан Герствуд сўзларига қулоқ сола бошлади.

— Сиз трамвайчи эмасмисиз? — деб сўради улардан бири.

— Менми? Йўк, мен қоғоз фабрикасида ишлаганман, — деб жавоб берди бошқаси.

— Мен бўлсам октябргача Нью-Йоркда ишловдим, — деб қўйди биринчи гап бошлагани.

Улар сўзларини пасайтирганларидан Герствуд бир озгача ҳеч нарсани илғаб ололмади. Бирок кўп ўтмай уларнинг овозлари яна баландроқ чиқа бошлади.

— Мен иш ташлаганлари учун бу йигитларни сира ҳам айбламайман. Менимча улар тамомила ҳақ. Бирок иккинчи томондан менга иши жуда ҳам керак-да.

— Мана менга ҳам-да, — шериги унинг гапини дарров илиб кетди. — Нью-Йоркда бирорта иш топилганида борми бу ерга суқилиб ўтиришни хаёлимга ҳам келтирмаган бўлардим.

— Ҳа, ҳаёт расво бўлиб кетди! — биринчи бўлиб гап бошлаган одам унинг гапига кўшилди. — Камбағалнинг энди бош урадиган жойи қолмади. Нақ кўчанинг ўртасида ўлсанг ҳам сенга ҳеч ким нажот беролмайди.

— Буни сиз тўғри айтдингиз! Мен фабрикадаги жойимдан айрилиб қолдим, нега деганда у ёпилди. Хўжайинлар молларни роса ҳам ғамлаб олишди, шундан кейин дўконни ҳам ёпишди қўйишди.

Бу суҳбат Герствуднинг диққатини тортди. Нимаики бўлганда ҳам у ўзини ҳанузгача атрофидаги кишилардан баландроқ кўрарди-да. Унинг тассавурида теварак-атрофидаги кишилар қўпол, нодон одамлар бўлиб, уларни ким тепкилаб ўтса бўлаверади-да.

«Шўрликлар!» — деб қўйди ичида Герствуд.

Унинг иши гуркираган пайтлар камбағал кишиларга менсимай қараганлиги ўзини мана шу сўзда яна кўрсатди қўйди.

— Қани, кел! — инструкторлардан бири чақириб қолди.

— Сизнинг галингиз, — деди кимдир Герствудни энгидан тортиб.

Герствуд олдинга чиқиб, вагоннинг майдончасига кўтарилди. Инструктор ҳам дангал иш бошлади.

— Манави дастакни кўряписизми? — деди у вагоннинг шишидаги рубильникни кўрсатиб. — У токни улашга хизмат қилади. Мабодо сиз вагонни тўхтатмоқчи бўлсангиз уни манави томонга буринг. Илгарига юрмоқчи бўлсангиз бу ёққа бурайсиз. Борди-ю токка улаш керак бўлса, уни ўртага сурасиз.

Герствуд унча қийин бўлмаган бу нарсаларни кулимсираб эшитарди.

— Манави тутқич моторнинг тезлигини тўғрилаб туради. Уни агар бу ёққа, манави жойгача бурсангиз трамвайнинг тезлиги соатига олти километрга етади. Манави жойгача эса ўн икки километр. Охиригача сурсангиз трамвай йигирма километрга тезликда юради.

Герствуд унинг гапларини хотиржам тинглади. У илгари ҳам хайдовчиларнинг ишларини кўп кузатганидан жиндай машқ билан бу ишни уддалаб кета олишига шакшубха қилмасди. Инструктор унга яна баъзи нарсаларни яхшилаб тушунтиргач, таъкидлади:

— Энди мен вагонни орқага хайдайман.

Герствуд вагон орқага юриб депога киргунча бамайлихотир кутиб турди.

— Сиз битта нарсада жуда ҳам эҳтиёт бўлишингиз керак, — деб давом этди инструктор. — Жойдан секин кўзгалиш керак. Юришни тезлатмасдан туриб озгина сабр қилинг. Кўпчилик вагон хайдовчилар чу дейишдан тез хайдайдилар, уларнинг асосий хатолари шунда. Бу бўлмагур иш, ҳатто хавфи ҳам бор. Бунинг устига бунақа кўпол муомалада мотор ҳам тез ейилади. Сиз бундан қочишга ҳаракат қилинг!

— Тушунаман, — деб қўйди Герствуд.

У тишини тишига қўйиб турар, инструкторнинг эса ҳеч жағи тинмасди.

— Хўш, қани энди ўзингиз хайдаб кўринг-чи! — деди у ниҳоят.

Собиқ майхона бошқарувчиси тутқичга қўл текказиб, назарида осонгина сурди қўйди. Тутқич Герствуд кутганидан ҳам енгил кўча қолди. Бироқ вагон шунақанги шиддат билан олдинга отилдики, янги вагон хайдовчи бундан эшик томонга учиб кетди.

Герствуд хижил бўлганидан хиринглаб қаддини ўнглади, инструктор эса дарҳол тормозга ёпишиб, вагонни тўхтатди.

— Эҳтиётроқ бўлиш керак, — деб қўйди у фақат.

Герствуд кўп ўтмай юриш тезлигини тўғрилаш билан бир вақтда тормоздан фойдаланиш ўзи ўйлаганидай осон эмаслигини пайқади. Нақ бўлмаса икки марта вагон-пагон билан тўсиққа бориб урилаёзди. Хайриятки, инструктор вақтида жонига оро кириб қолди. Инструктор жуда ҳам юраги кенг одам бўлганига қарамай, бирор марта ҳам тишининг оқини кўрсатмади.

— Бир вақтнинг ўзида икки қўллаб ишлашга одатла-

нинг, -- деди у. — Бунинг учун жиндай амалиёт зарур бўлади.

Соат бирга занг урса ҳам Герствуд ҳамон вагоннинг олдинги вагончасида инструктор билан банд эди. Кўп ўтмай очлик уни кийнай бошлади. Бунинг устига қор ташлаб қолганидан совуқ суяк-суягидан ўтиб кетди. Қалта йўлда вагонни орқага ва олдинга хадеб хайдайвериш жонига тегди.

Вагон ниҳоят изнинг охиридаги боши берк кўчага киритиб қўйилди. Ундан олдин инструктор, кетидан Герствуд настга тушишди. Герствуд шундан кейин саройга кирди-да, вагоннинг зинасига ўтириб, уйдан газетага ўраб келган жиндай нонуштасини қўлга олди. Яқинроқда сув йўқлиги, нон эса берчлигига қарамай, Герствуд уни маза қилиб туширди. У нон қавшаб ўтираркан, одамлар вагон хайдашдек жонга тегадиган оғир ишни қилаётганларини кузатарди. Герствуднинг умуман айтганда бу иш кўзига паст кўринганидан эмас, уни уда-лашга қийналаётганидан таъби хира эди. «Бошқа ҳар қандай одам буни осонликча удалай олмасди!» — деди у ичида ўзини юпатиб.

Герствуд кўзгалиб, навбатлари етишини қутаётган бошқа ялоқхўрлар қаторига қўшилди.

Герствуднинг кун бўйи трамвай хайдашни ўрганиши мўлжалланган бўлса ҳам, кўп вақти гали келишини кутишга кетди.

Кеч кириб, очлик ҳам кучини кўрсата бошлади. Энди қаерда тунаш муаммоси ҳам кўндаланг бўлиб турарди. Соат беш ярим... тамадди қиладиган вақт ҳам етди. Мабодо уйига борадиган бўлса бунга икки ярим соат вақти кетади: аввалига бунақанги лаънати совуқда пиёда юриши, кейин бирор нарсага тушиши керак. Бундан ташқари эрта билан еттида келишга буйруқ олганидан уйига борганида ҳам қаллаи саҳарлаб туришига тўғри келарди.

Герствуднинг чўнтагида бор-йўғи бир доллару ўн беш центи — Керридан икки ҳафталик кўмир қамлашга олган пули бор эди, холос.

«Бу ерда тунаса бўладиган бирорта жой бўлса керак, — деб ўйлади Герствуд. — Масалан, нью-йорклик ҳалиги йигит қаерда ётаркин?»

У битта-яримтадан суриштирмоқчи бўлди. Ундан сал наридаги депо дарвозаси олдида бир йигитча навбат кутиб турарди. У узоғи билан йигирмаларга борган, новча ва

котма, афтидан, мухтожликни кўп кўрганлиги билиниб турарди. Мабодо бу йигит сал парвариш қилинса борми, тезда тўлишиб, кўриниши ҳам бошқача бўларди қоларди.

— Одамнинг ёнида ҳеч вақоси бўлмаса бу ерда бирор нарса беришармикин? — Герствуд жуда ўрнига қўйиб сўради.

Йигитча унга ўгирилиб, синовчан тикилди.

— Сиз овқатни айтяписизми?

— Ха, қолаверса ётадиган жойим ҳам йўқ. Мен тунагани Нью-Йоркка қайтолмайман-да.

— Сиз мастер билан гаплашиб кўринг. Менимча, у жойлаб қўяди. Мана мени жойлаб қўйди-ку.

— Шундай денг?

— Ха. Мен унга ёнимда хемири йўқ. Бир тупканинг тагида тураман. Бугун уйга қандай қилиб кетишимга хайронман, дедим.

Герствуд ҳеч нима демай томоғини қириб қўйди.

— Билишимча уларнинг тепада ишчилар ётиб юрадиган хонаси бор, — деди йигитча гапида давом этиб. — Унинг қанақалигини билмайман, лекин ҳарҳолда мазаси бўлмаса керак. Мастер менга овқатга билет берди. Қанақа овқат беришларини ҳам фахмлаб турибман!

Герствуд жилмайди. Йигитча эса қах-қах уриб юборди.

— Ҳазил қаттиг-а, шундайми? — йигитча қўшимча қилди. У Герствуддан зўр бериб тинчлантирувчи жавоб кутарди.

— Ха, дарвоқе, — Герствуд унинг ганига қўшилди.

— Сизнинг ўрнингизда бўлсам хозироқ бориб мастер билан гаплашардим, у кетиб қолиши ҳам мумкин-да.

Герствуд унинг айтганига кирди.

— Бу ерда ётиб қолгани бирор жой топилармикин? — деб сўради у мастердан. — Мабодо Нью-Йоркка қайтсам етиб келолмасам керак, деб кўрқяпман...

— Тепада жой бор, — мастер унинг ганини бўлди. — Истасангиз ўнчалардан биттасини ола қолинг.

— Раҳмат сизга, — деди Герствуд.

У овқатга талон сўрамоқчи ҳам бўлди-ю, бироқ бунинг учун қулай фурсат тополмади. Шунинг учун ҳам бу оқшом овқатни ёнидан қилишга кўна қолди.

«Эртага сўрайман!» — деб аҳд қилди у.

Герствуд ён томондаги жўнгина ресторанда тамадди қилди. Ҳаво жуда ҳам совуқ бўлиб, ёлғизлик юраги-

ни туздек ачиштираётгани учун дархол мастер айтган манзилни қидиришга тушди. Трамвай компанияси бўлса полициянинг маслаҳати билан қош қорайгандан кейин вагонларни юргизмай қўйганди.

Герствуд оёқ қўйган иморат афтидан тунги сменанинг навбатчиларига мўлжалланганди. Бу ерда тўққизта койка, иккита ёки учта табурет, совундан бўшаган яшик ва ловиллаб турган мўъжазгина бақалоқ печка бор эди. Герствуд қанчалик барвақт келганига карамай биттаси эпчиллик қилиб, совқотган қўлларини печкада иситиб ўтирарди.

Герствуд ҳам яқин келиб, қўлини оловга тутди. Қилаётган ишлари бутунлай беҳудалигини сезиб турганидан юраги дилгир бўлса ҳам, ўзини бардам тутар, охиригача дош беришим керак деб ўзига далда берарди.

— Совуф-а? — деб сўради олов олдида ўтирган киши.

— Жуда ҳам.

Ўртага узоқ жимлик чўкди.

— Менга қолса бу жой хароб. Сиз нима дейсиз? — деб қўйди яна печка олдида ўтирган киши.

— Хар қалай кўчадан яхши-ку, — жавоб берди Герствуд.

Яна жимлик чўкди.

— Дарвоқе, ёнбошлайдиган пайт ҳам келди! — халиги кишининг овози яна эшитилди.

У ўрнидан қўзғалиб, койкалардан бирига қараб юрди. Кўп ўтмай фақат оёқ кийимини ечдию, чўзилиб олди. Кейин юпка ва исқирт одеялни бошигача тортди. Герствуднинг бундан кўнгли кетса ҳам эътибор бермасликка жазм қилди. У оловга қараб бошқа нарсалар хақида ўйлашга ҳаракат қиларди. Орадан кўп ўтмай ётишга қарор қилди. Ўзига койка танлагач, оёғини еча бошлади. Худди шу пайтда ичкарига ҳалиги таниш йигитча кириб келди-да, Герствудни кўриб, гурунглашишни ихтиёр этди шекилли, унга қараб юра бошлади.

— Йўқдан кўра яхши-да! — у теварак-атрофга кўз югуртираркан шунчаки гапириб қўйди.

Герствуд бу сўзларнинг менга бевосита алоқаси йўқ, улар ориқ йигитнинг хурсандлигини билдирипти, деб ўйлаганидан индамади.

Ўспирин эса Герствуднинг машқи пастроқ экан, деб ўйлаганидан оҳиста ҳуштак чалишга тушди. Бироқ кимдир ухлаётганини пайқаб, ўша захотиёқ бас қилди-да, сукутга чўмди.

Герствуд иложи борича яхшироқ ётиб олишга ҳаракат қилди: у ечинмасдан чўзилиб, одеялни юзига тегмайдиган қилиб қайириб олди. Бироқ кўп ўтмай ҳорғинлик енгиб, кўзи юмилди. Одеял иссиқлиги туфайли хуш ёқа бошлаганидан энди ҳеч жирканиб-пирканиб ўтирмай уни даҳанигача тортди-да, уйқуга кетди.

У эрта билан аллақандай шовкин-суронлардан уйғониб кетди: совуқ ва ғира-шира хонада бир неча киши ивирсиб юрарди. Герствуд тушида қараса Чикагодаги шинамгина уйида эмиш. Жесикка қаёққадир боришга тараддуд кўрар, Герствуд эса у билан гаплашаётганмиш. У ана шу манзарани аён кўтариб турарди. Энди эса уйғониб кетиб, бутунлай бошқа нарсаларни кўраётганидан гангиб қолганди. У койкада ёнбошларкан, аччиқ воқелик тезда эс-хушини йиғиштириб олишга мажбур этди.

Хонада сув йўқ эди. Герствуд пойабзалини кийиб ўрнидан турди-да, бир керишиб олди. Унинг костюми вижим бўлиб, сочлари пахмайиб кетганди.

— Э, иблис! — у ғўлдираб, шляпасини кийди.

Пастдагилар ҳам ҳаракатга тушиб қолишганди.

Герствуд чамаси от сувориладиган тарнов тепасидаги водопровод жўмрагини топиб олди. Бироқ сочиғи йўқ, дастўмолига эса қараб бўлмасди. У юз-кўзини муздай сувга чайиб қўя қолди. Кейин эса мастерни излашга тушувди, у жойида экан.

— Нонушта қилдингизми? — деб сўради у.

— Йўқ, — деб жавоб берди Герствуд.

— Бўлмаса ҳаракатингизни қилинг! Айтмоқчи, хали вақтингиз бор. Вагонингиз тайёр эмас.

Герствуд иккиланиб қолди.

— Менга ошхонага талон бера олмайсизми? — деб сўради у ўлганининг кунидан.

— Манг, — деди мастер талонни узатиб.

Герствуд кеча кечқурунгидай номига татинган бўлди-ю, тезда паркка қайтиб келди.

— Гап шундай, — деди мастер уни қўли билан имлаб чақириб, — бир неча минутдан кейин вагонни олиб чиқсангиз бўлади.

Герствуд ним қоронғи саройда турган вагоннинг олдинги майдончасига чиқиб, сигнални кута бошлади. У ҳаяжонланса ҳам ўзини бир оз енгил сезарди: ниманки бўлса ҳам бу паркда узоқ қолмаса бўлгани.

Бу гап иш ташлашнинг тўртинчи кунида бўлаётгани-

дан ишларнинг тахири чиқаётганди. Иш ташлаганлар матбуот ва иш ташлашга бошчилик қилаётганларнинг маслаҳатига кириб беғалва кураш олиб боришаётганди. Шу чоккача бирорта жиддийроқ тўқнашув бўлмаганди. Иш ташлаганлар гоҳо вагонларни тўхтатиб, ялоқхўрлар билан музокарага киришишар, улар эса буларнинг гашига кўниб, жойларини ташлаб кетган пайтлари ҳам бўларди. Баъзи вагонларнинг ойналари синдирилиб, бақирик-чакирик ва дўк-пўписалар билан тўқнашувлар ҳам бўлган, бироқ бунда беш ёки олти киши жиддий шикастланган, холос. Иш ташлаш раҳбарлари ана шундай қалтис ҳолларда ҳам бундай ҳаракатларни қоралаб, уни бетартиб оломоннинг ишига йўйишади.

Шундай бўлса ҳам полиция трамвай компанияларининг ёнини олиб, уларга мадад беряпти, деган хаёлга бориб, мажбуран тинч туриш ишчиларнинг фикрини келтирарди. Улар юраётган вагонлар кун сайин кўпаяётганини ва трамвай компанияларининг қорчалонлари иш ташлаганларнинг тинкаси қуритилди, деб тобора баланд овозда жар солаётганларини кўриб туришарди-да. Бу уларнинг ғазабини кўзғади. Тез орада ҳамма вагонлар линияга чиқажаги, бош кўтаришга юраги дов берган кишиларнинг бари чеккага чиқиб қолишлари уларга аён бўлди. Афтидан, курашнинг тинч усуллари трамвай қорчалонларининг фойдасига хизмат қилаётганди.

Иш ташлаганларнинг жавабаси тутиб кетганидан улар энди вагонларга ташланиб, ялоқхўрларга чанг солиб, полиция билан қирғин қилиб, изларни буза бошлашди. Қўйингчи, ахийри ўқлар ҳам узила бошлади. Кўча жанглари кўпайиб, шаҳарни полициячилар босиб кетди.

Герствуд бўлса иш ташлаганларнинг кайфиятидаги ўзгаришлардан бутунлай ғофил эди.

— Вагонни олиб чиқинг! — деб бақирди унга мастер қўлларини жони борича силкитиб.

Худди Герствуд сингари ғўр кондуктор вагоннинг орқадаги майдончасига ирғиб чиқиб, икки марта қўнғироқ берди. Бу жўнашга сигнал эди. Герствуд дастакни бурган эди, вагон кўчага силлиқкина чиқди. Кўчада офтобда қорайган иккита полициячи вагоннинг олдинги майдончасига чиқиб Герствуднинг иккала тарафига жойлашиб олди.

Қаердандир, яқинроқдан бонг эшитилди. Кондуктор яна икки марта қўнғироқ чалди. Герствуд шундан кейин тутқични бурди.

Полициячилар олдинга бамайлихотир қараб туришарди.

— Бугун тозаям совуқ бўляпти-да! — деб қўйди Герствуднинг чап тарафида турган полициячи дўриллаб.

— Кечаги қийналганларим ҳам етар, — жавоб қилди иккинчи полициячи қовоғини очмай. — Менинг бунақа узлуксиз ишлашга тобим йўқроқ.

— Менинг ҳам.

У ҳам, шериги ҳам аъзойи баданидан ўтиб кетаётган изфиринда туриб, мастернинг сўнгги кўрсатмаларини эслаётган Герствудга заррача ҳам парво қилишмасди. «Вагонни бир текисда ҳайданг, — деганди мастер. — Чинакам йўловчига ўхшамаган одам ола кетинг деб илтимос қилса мутлақо тўхтамай кўрманг. Энг муҳими одам кўп уймалашган жойда тўхтаманг.»

Полициячилар бир озгача жим кетишди, сўнгра улардан бири лўкма ташлади:

— Охирги вагон эсон-омон ўтганга ўхшайди: ҳеч ерда кўринмаяпти-ку.

— Унда шерикларимиздан кимлар бор эди? — деб сўради иккинчи полисмен вагон ҳайдовчиларни кўриқлашга қўйилган шерикларини кўзда тутиб.

— Шефер билан Райян.

Яна жимлик чўкди. Вагон издан бир текисда кетарди. Шаҳарнинг бу қисмида аҳоли анча сийрақроқ бўлганидан йўлда Герствудга кам одам учради. Умуман айтганда аҳвол унчалик ёмон эмасди. Аммо улар илгари пайқаманган бурилишга етганларида жириш бузилди. У дархол токни узиб, тормозга қаттиқ ёпишди. Бироқ ҳар қалай кечикканидан эпкиндан четга учиб кетди. У ўзини оқламоқчи бўлиб, бирор нарса демоқчи бўлса ҳам тишини тишига қўя қолди.

— Бу нарсаларга эҳтиёт бўлиш керак! — деб қўйди чап тарафида турган полисмен мурувват қилгандай.

— Тўғри, — шошилганидан анча-мунча мулзам бўлган Герствуд унинг гапига қўшилди.

— Бу линияда бунақа калта бурилишлар кўп, — кўшимча қилди ўнг томонда турган полисмен.

Муволишдан кейин гавжумроқ район бошланди. Аввалига битта ёки иккита йўловчи кўринди, кейин эса дарвозадан сут бидони кўтарган бола чиқиб қолди. У Герствуднинг кетидан битта хунук сўзни отиб қолди:

— Хоин! — деб бақирди у. — Хоин!

Герствуд албатта бу «салом»ни эшитган бўлса ҳам

ўзини эшитмаганга олиб, уни ҳатто хаёлига ҳам келтирмасликка уринарди. У бунақа сўзларни, эҳтимол ундан баттарроқларини ҳам ҳали жуда кўп эшитажагини жуда яхши биларди. Анча нарироқдаги чорраҳада турган бир киши трамвайга кўзи тушди дегунча тўхтат, деб қўлини силкий бошлади.

— Унга парво қилманг, — деб маслаҳат берди полисменлардан бири. — У бирор шумлик қилмоқчи.

Герствуд уларнинг гашига кирди. Чорраҳага етганда эса полисмен жуда ҳақ гапни айтганига ишонч ҳосил қилди. Халиги киши Герствуд тўхтамай ўтиб кетмоқчи бўлганлигини пайқагандан кейин мушт ўқталиб, бақириб қолди:

— Хе, разил, қўрқоқ!

Муюлишда туришган бир гуруҳ одамлар вагоннинг кетидан бўралаб сўкиб қолишди.

Герствуднинг сал қовоғи уйилди. Кўчадаги гаплар у илгари ўйлаганидан ҳам беш баттар эди. Улар яна уч ёки тўрт квартал юришганидан кейин олдинда нақ изга тўкиб, уюб қўйилган қандайдир нарса кўринди.

— А! Улар бу ерда хунар кўрсатишадиганга ўхшайди! — деб қўйди полициячилардан бири.

— Улар билан яшилаб гаплашиб қўямиз, шкилли! — деди бошқаси.

Герствуд вагонни нақ тўсикқа такаб тўхтатди. Бирпасда оломон йиғилди. Оломоннинг кўпчилиги кондукторлар, вагон хайдовчилар, уларнинг дўстлари ва шунчаки хайрихоҳ кишилардан иборат эди.

— Вагондан тушинг, ўрток! — кимнингдир анча-мунча дўстона оҳангдаги товуши эшитилди. — Ахир, сиз очларнинг қўлидаги нонини тортиб олишни истамайсиз-ку.

Герствуд нима киларини билмай мотор билан тормознинг тутқичини ушлаб турарди. Унинг ранги қув ўчиб кетганди.

— Йўқолинглар! — полисменлардан бири майдончадан бошини чиқариб бақирди. — Орқага! Йўлдан қоч! Одамнинг ўз ишени қилишга халақит берманглар!

— Менга каранг, ўрток, — деди иш ташлаганларга бошлиқ бўлган халиги киши полициячиларга заррача ҳам парво қилмай. У фақат Герствуд билан гаплашаётганди. — Биз ҳам ҳар қалай сизга ўхшаган ишчимиз. Мабо-до сиз чинакам вагон хайдовчи бўлсангизу сизга ҳам бизга қилаётгандек муомала қилишганларида, битта-яримтаси жойингизни эгаллаганида борми, менимча алам қилган бўларди. Шундай эмасми? Ўзингиз ҳам ҳукуқингиз-

ни кўлга олини имкониятидан битта-яримтаси махрум қилишни истамаган бўлардингиз. Тўғрими, ўртоқ?

Йўлдан қоч! Йўлдан қоч! — полисмен қаттиқ бақириб берди. — Бу ердан йўқолларинг!

Полисмен вагон майдончасидан сакраб тушиб, оломонни трамвай йўлидан нари сура бошлади. Иккинчи полисмен ҳам кўз очиб юмгунча унинг ёнида пайдо бўлди.

— Орқага! Орқага! — деб бақиришарди икковлари. — Кетинглар! Аҳмоқлик қилманглар! Йўқолларинг деяпмиз сизларга!

Гўё кичикроқ бир асалари уяси ғувиллаб, безовта бўлаётганга ўхшарди.

— Мени туртмай қўя қол! — иш ташлаганлардан бири дарғазаб бўлиб бақирди. — Мен ҳеч қанақа ёмон иш қилаётганим йўқ!

— Бу ердан йўқол! — деб бўқирди полисмен тўқмоғини ўйнатиб. — Йўқол, бўлмаса калланга тушириб қоламан! Йўқол, деяшман!

— Буниси нимаси яна! бошқа бир иш ташлаган ўхшатиб сўкиб полисменни қаттиқ туртиб юборди.

Тақ! Полисменнинг тўқмоғи ишчининг калласига тушди. У эса кўзини тез-тез пириратиб, гандираклади-да, кўлларини юқорига кўтариб, чайқалганича орқага чекинди. Бунга жавобан кимдир ўша лаҳзанинг ўзида полисменнинг гарданига тушириб қолди. Полисмен бундан қутуриб кетиб, ўзини оломоннинг ўртасига урди-да, ғазаб билан ўнгу сўлидагиларни тўқмоғи билан тушира кетди. Шериғи эса бўралаб сўкканча эпчиллик билан унга қарашарди. Бундан ҳеч кимга жиддий шикаст етмади, нега деганда иш ташлаганлар тўқмоққа ғоят усталик билан чап беришарди. Улар энди тротуарга тўпланиб олишиб, полисменларни сўкиб ва мазах қилишарди.

— Кондуктор қаёқда? — деб бақириб қолди полициячилардан бири.

Полициячи орақасига қараганда Герствуднинг ёнида жони ҳалқумига келар даражада турган кондукторни кўрди. Герствуд эса кўркишдан кўра кўпроқ кўз ўнгида бўлаётган нарсалардан хайратга тушган эди.

— Пастга тушиб, йўлдан тошларни олиб ташласангиз бўлмайдимиз? — деб бақириб берди полициячи. — Нима, ухлаб қолдингизми? Ё кун бўйи шундай турмоқчимизми? Тезроқ тушинг!

Полисменлар гарчи кондукторни чақиришган бўлса ҳам Герствуд юраги така-пука бўлганидан оғир хансира-

ганича ўтақаси ёрилган кондуктор билан бирга пастга сакраб тушди.

— Кўзингизга қаранг, тезроқ бўлинг! — деб қўйди полисмен.

Полисменлар ҳаво совуқлигига қарамай жуда иссиқлаб кетишганди. Уларнинг кўриниши ғазабнок эди. Герствуд ҳам ишга кириша қолди. У кондукторга қўшилиб тошларни бирма-бир йўлдан ташларкан, ишлагани сари қизиб борарди.

— Эҳ, сен лаънати хоин! — деб бақирарди оломон. — Разил, қўрқок! Одамларнинг ишини юлиб олишга ярайсанлар ўзи! Камбағални тунаган товламачи ярамастар! Қараб туринглар-чи, сенларга ҳам қўлимиз етиб қолар!

Бунақа ҳайқириқлар ҳамма томондан эшитиларди. Сўкиш ва ҳақоратлар устларига дўлдек ёғиларди.

— Майли, ишлайверинглар, аблахлар! — кимдир кўполдан кўпол қилиб бақирди. — Сиз конхўрларни деб камбағалнинг ҳалқумидан олишяпти.

— Силлаларинг қуриб ўлинглар! — ирландиялик бир кампир дарчасини очди-да, ундан бошини кўчага чиқариб шанғиллади. — Сен ҳам аблах, очингдан ўлгин! — у полисменлардан бирига қарата қўшимча қилди. — Разил қотил! Сенга ўғлимнинг бошига тўқмоқ билан тушириш қанақалигини кўрсатиб қўяман! Расво, конхўр иблис! Қуриб кеткур!..

Полисмен гўё ўзини ҳеч нима эшитмаганга олса ҳам ўзича:

— Жин урсин сени, қари алвасти! — деб фўлдираб қўйди.

Тошлар ниҳоят йўлдан олиб ташланиб, Герствуд яна вагон майдончасидаги ўрнини эгаллади. Одамлар эса уни ҳамон сўкиб туришарди. Полициячилар олдинмакейин вагонга чиқишди, кондуктор шундан кейин кўнғироқ тизимчасини икки марта тортди.

Жиринг! Так! Вагоннинг ойна ва эшикларига тошлар отилди. Битта тош нақ Герствуднинг қулоғи тагидан ўтиб кетди, бошқаси ойнани чил-чил қилди.

— Тезроқ ҳайданг! — полициячилардан бири шундай деб қичқириб, ўзи тутқичга ёпишди.

Герствуд уларнинг айтганини қилди, энди ҳамма сўкиб, тошбўрон қилаётган вагон ўқдай учиб борарди.

— Ҳалиги итвачча гарданимга тушириб қолса бўладими! — деб қўйди полисменлардан бири. — Мен ҳам бунинг ҳақиқа калласига ўхшатиб солдим!

— Мен ҳам баъзи бировларга ўзимдан эсдалик қолдирган бўлсам керак! -- бошқа полисмен ҳам мақтаниб қўйди.

-- Дарвоқе, мени тасқара деган йигитни танийман, — деди биринчи полисмен. — У билан ҳали ҳисоб-китоб қиламан!

— Оломонни қўришим биланоқ муштлашув бўлади, деб ўйловдим, — деди унинг шериги.

Юраги ўйнаб, бўлари бўлган Герствуд рўпарасидан кўзини узмай борарди. Кейинги бир неча дақиқада содир бўлган воқеа уни танг қолдирганди. У бундай нарсалар ҳақида илгари ўқиган бўлса ҳам, ўз кўзи билан кўрганлари ҳаёл қилиб юрганларидан ҳам ошиб тушганди. Герствуд табиатан қўрқоқ эмасди. У бошидан кўп нарсаларни ўтказиб келаётганидан вужудида ҳаммасига охиригача дош беришдек қатъий истак пайдо бўлганди.

Герствуд энди Нью-Йоркни ҳам, ўзининг квартирасини ҳам бутунлай ўйламай қўйганди. Ҳозир унинг бутун ҳаёли Бруклинни кесиб ўтган ана шу трамвай йўлига жамланганди.

Вагон энди ҳеч қанака тўсикқа учрамай Бруклиннинг савдо қисмидан ўтиб борарди. Одамлар вагоннинг чил-чил бўлган ойналари билан формали кийимда бўлмаган хайдовчига қараб қолишарди. Дам-бадам «хоин» ва шунга ўхшаган сўзлар эшитилиб қолса-да, бироқ бирор-та ҳам одам вагонни тўхтатишга ҳаракат қилмади. Улар сўнгги манзилга етиб келганларидан кейин полисменлардан бири участкасига қўнғироқ қилиб, бўлган воқеадан у ердагиларни хабардор қилди.

-- У ерда ҳозир ҳам пистирма бор, — Герствуд шуларни эшитиб қолди. — Ўша жойни тозалашга битта-яримтани юборсангиз бўлар эди.

Қайтишда вагон анча тинчроқ кетди. Тўғри, гоҳо орқадан тош физиллаб, сўкишлар эшитилиб қолса ҳам, ошқора хуружлар бўлмади. Герствуд олисдан трамвай депосини кўрганда енгил нафас олди.

Вагон паркка олиб кирилгандан кейин Герствудга дам беришди, бироқ кўп ўтмай яна чақириб қолишди. Бу сафар у билан полициячиларнинг бошқа бир жуфти кетди. Герствуд энди ўзига анча ишониб колганидан вагонни кўримсиз кўчалардан шитоб билан хайдаб бораркан, олдингидай юрагини ваҳм босмади. Ҳаво айниган бўлиб, доимо қор ташлаб турар, совуқ шамол тўпна-тўғри юзга урарди. Вагон тез юргани сари совуқ ҳам

хаммасидан ўтиб кета бошлади. Герствуднинг устидаги нарсалари ҳам бунақа совуққа мос ҳам келмасди-да. У совуқдан қалтираб, оёғини тап-тап уриб, қўлларини бири-бирига ишқаларди-ю, даммини чиқармасди. Янгича ва хатарли аҳволга тушиб қолганлиги уни бир мунча тегиклаштиради ҳам, барибир таъби тиррик эди.

«Расво ҳаёт! .. дерди у ичида. — Шундай кунга қолганинг кўрсин!»

Уни фақат бир нарса — Керри хафа қилганлигигина ушлаб турарди. Герствуд бунақа хўрлашларни ютиб кетаверадиган даражага тушиб қолгани йўқ-да! У хали ишдан чиқиб қолганича йўқ, вақтинча хаттоки машина шунақа ишга ҳам чидаш бериб туради. Кейин ишлари ўнглашиб кетади.

Бир бола Герствудга музлаган кесак отувди, у елкасига тегиб анча-мунча оғритди. Бу Герствудни жуда кутуртириб юборди.

— Ярамас итвачча! — деб қўйди у вўлдираб.

— Шикастланмадингизми? — сўради полисмен.

— Йўқ, арзимаган нарса!

Вагон бурилаётиб юришини секинлатган бир кўча муқолишида иш ташлаган вагон хайдовчи тротуардан туриб Герствудга бақирди:

— Эркакликни қўлдан берманг, ўртоқ, вагондан тушинг! Биз бир бурда нон учун курашаётганимизни унутманг, бор истаганимиз шу. Хар биримизнинг бола-чақамиз бор, боқишимиз керак уларни.

Тротуардаги киши тинчгина гапираётганидан афтидан ҳеч қанақа шум нияти борлиги сезилмасди.

Герствуд муғамбирлик қилиб, ўзини эшитмаётганга солди. У яна рўпарасига тикилиб, вагонни шиддат билан хайдади. Бироқ шу пайтда иш ташлаган вагон хайдовчи шунақанги гапларни айтдики, улар Герствуднинг жонжонидан ўтиб кетди.

Эргалаб ҳам, куннинг талай қисми ҳам шу алфозда ўтди. Герствуд уч марта бориб келди. Туш пайтида қилган тамаддиси бунақа ишга етарли мадор бера олмаганидан совуқ борган сари тинқасини қуритарди.

Охирги манзилга етганида ҳар сафар вагондан тушиб, оёқларининг чигилини ёзиб исинишга ҳаракат қилса ҳам, оғриқдан инграб юбормаслик учун тишини тишига қўярди.

Паркнинг битта хизматчиси раҳми келиб унга иссиқ қалпоғи билан мўйна қўлқопини берувди, Герствуднинг юраги қоқ ёрилаёзди.

Герствуд тушдан кейинги иккинчи қатнов пайтида оломон йўлнинг ўргасига телеграф устунини улоқтирганидан вагонни тўхтатишга мажбур бўлди.

— Йўлдан олиб ташланглар! — иккала полисмен оломонга бараварига ўдағайлашди.

— Яна нима дейдилар! Ўҳў! Ўзларинг олиб ташланглар! — дейишди улар бунга жавобан.

Полисменлар майдончадан сакраб тунишди, Герствуд ҳам уларга эргашмоқчи бўлди.

— Йўқ, сиз яхшиси, жойингиздан кимирламанг! — полисменлардан бири унга бақириб қолди. — Бўлмаса битта-яримтаси вагонни ҳайдаб кетади.

Герствуд оломоннинг қий-чуви орасида бирдан нақ кулоғига келиб айтилгандай гапни эшитиб қолди:

— Пастга тушинг, ўртоқ! Эркакликни қўлдан берманг! Камбағаллар билан олишиш яхши эмас. Уни бойларга қўйиб бераверинг!

Герствуд ўша заҳотиёқ чорраҳада ўзига қараб бақирган иш ташловчини таниб, яна ўзини ҳеч нима эшитмаётганга солди.

— Пастга тушинг, ўртоқ! — ҳалиги киши яхшиликча гапини қайтарди. — Кўпчиликка кўндаланг бўлиш яхши эмас. Сиз бу ишга мутлақо аралашмасангиз жуда маъқул бўларди-да!

Вагон ҳайдовчи чамаси файласуфлардек ақлли кўринар, овози ҳам қатъий чиқарди.

Қаёқдандир ёрдамга учинчи полисмен етиб келиб, мадад сўрагани телефонга югурди.

Герствуд теварак-атрофига қатъият билан боқар, айна пайтда юрагига ваҳима ҳам ўрмалаганди.

Шу пайтда кимдир ушинг ёнига ёпишиб, вагон майдончасидан судраб тушмоқчи бўлди.

— Туш бу ердан! — Герствуд бу гапни эшитаркан, сал бўлмаса панжарадан учиб кетаёзди.

— Қўйвор! — Герствуднинг жиғибийрони чиқди.

— Кунингни кўрсатиб қўяман, лаънати сотқин! — деб жавоб қилди вагон майдончасига ирғиб чиққан ирландиялик навкирон йигит.

У Герствуднинг калласини мўлжалга олиб мушт солди, бироқ Герствуд чап берганидан мушт елкасига тегди.

— Йўқол! — деб бақирди Герствудга ёрдамга шилган полисмен. У тинимсиз сўқарди.

Герствуд ўзига келган бўлса ҳам рангида ранг қолмай аъзойи бадани титрарди. Иш ёмон кўчаётганди-да. Одам-

лар унга нафрат билан қараб, мазах қилишарди. Қандайдир бир кизча эса унга афтини қийшайтирди. Герствуднинг юраги яна пўкиллай бошлаганда полициячиларнинг соябон араваси келиб қолиб, ундан полисменлар отряди сакраб тушди. Йўл зумда тозаланди, вагон энди илгари юрса бўларди.

— Қани, энди дарров ҳайданг! — кичқирди полициячилардан бири. Вагон шундан кейин яна йўлга тушди.

Ишнинг йўғони қайтишда бўлди. Паркка икки ёнки уч километр қолганда кўп кишилиқ авзойи бузилган оломон кўринди. Бу даҳада камбағаллик жуда ҳам жонига текканлар туришаркан ўзи. Герствуд юришни тезлатиб, тезроққина ўтиб кетмоқчи бўлганди, бироқ яна йўл тўсиб қўйилганлиги маълум бўлди. Герствуд одамлар трамвай йўлига нималарнидир ташишаётганини бир неча квартал нариданок кўрганди.

— Яна ўшалар туришибди! — деб хайқирди полисменлардан бири.

— Уларга энди кўрсатиб кўяман! — деб қўйди шериги ҳам тоқати тоқ бўлиб.

Вагон оломон қайнаб турган жойга яқинроқ келганда Герствуднинг томоғига бир нарса қадалгандай бўлди. Олдинги сафарда бўлгандагидай одамларнинг мазах қилиб бақиришлари, хуштаклари эшитилиб, зумда ҳамма ёқдан тошлар ёғила кетди. Вагоннинг бир неча ойнаси синиб, Герствуд ўзини аранг олиб қочди. Бўлмаса тош нақ калласига тегарди.

Иккала полициячи оломонга ташланишди, оломон эса вагонга ёпирилди. Ҳамлага ташланганлар орасида кўринишдан ҳали кизчага ўхшаган ёшгина жувон ҳам бўлиб, қўлида йўғон сўйили бор эди. У бениҳоя дарғазаб бўлганидан жон-жаҳди билан Герствудни урди, бироқ Герствуд эпчиллик қилиб, сўйилга чап берди. Жувоннинг довлораклигидан бир неча киши руҳланиб кетиб, вагон майдончасига ирғиб чиқишди-да, Герствудни судраб тушишди. Герствуд тили калимага келмаёқ ўзини пастда кўрди.

— Мени тинч қўйинглар! — Герствуд ёнбоши билан тушаркан шундай деб бақириб қолди, холос.

— Эҳ, сен ярамас! — деб ўдағайлади кимдир.

Герствудга мушт ва тепкилар ёғила кетди. Кўзига жони ҳозир чиқиб кетадигандай кўринарди. Шундан кейин уни қаёққадир судраб кетишди. Герствуд одамларнинг қўлидан чиқаман деб юлқиниб, ўзини пана қилишга уринарди.

— Жимсангиз-чи! — Герствуднинг қуловига полисменнинг овози кирди. — Сизга ҳеч ким тегаётгани йўқ! Туринг!

Герствуд ўзига келиб, полициячиларни таниди. У мажол қолмаганидан сал бўлмаса қулаб тушаёзди. Даҳанидан қандайдир ёпишқоқ нарса оқарди. Бундай ушлаб кўрганди, бармоқлари кип-қизил қонга бўялди.

— Ярадор бўлибман, — деди у дастрўмолчини чиқараркан гангиб.

— Зиёни йўқ, зиёни йўқ! — полисменлардан бири унга тасалли берди. — Сал тирналибди.

Герствуд хаёли жойига келиб, теварак-атрофига аланглади. У қандайдир бир дўкончада эди. Полисменлар бир дақиқа уни тарқ этишди. Герствуд дераза олдида даҳанини артаркан, вағони билан жунбушга келган оломонни кўриб турарди. Орадан кўп ўтмай полициячиларнинг соябон араваси келди, ундан кейин яна биттаси кўринди. Шу дақиқада тез ёрдам араваси ҳам келиб қолди. Полиция зўр бериб оломонга ташланиб, хуруж қилганларни ҳибсга оларди.

— Қани, вагонингизга тушаман десангиз, тезроқ чиқинг! — деди полисменлардан бири дўконча эшигини очаркан ичкарига қараб.

Герствуд тиззаси қалтираброк ташқарига чиқди. У совқотган, бунинг устига юрагида ҳам юрак қолмаганди.

— Кондуктор қаёқда? — деб сўради у.

— Ким билади дейсиз, — жавоб берди полисмен. — Хархолда бу ерда йўқ.

Герствуд вагонига қараб юрди-да, юраги пўкиллаб унинг майдончасига чиқа бошлади.

Шу лахзада ўқ отилиб, Герствуднинг ўнг елкасини бир нима куйдириб кетди.

— Ким отди? — қуловига полисменнинг овози кирди. — Ким отди, жин ургурлар?

Иккала полисмен Герствудни ташлаб, яқинроқдаги уйлардан бирига югуришди. Герствуд бир нафас имиллаб, пастга тушди.

— Ҳа, буниси жуда ҳам ўтиб тушди! — деб ғўлдиради у. — Буларнинг ҳаммаси ҳам қуриб кетсин!

Герствуд бўлари бўлиб, муюлишгача борди-да, яқинроқдаги тор кўчага уриб кетди.

— Бунисини қаранг-а! — деб юборди у чуқур ух тортиб.

У ярим квартал ҳам юрмасиданоқ битта кизча ўзига синчиклаб қараб турганини кўриб қолди.

— Бу ердан тезроқ йўқолинг! — деб маслахат берди қизча.

Герствуд кўз очгани қўймайдиган бўронда уйига йўл олиб, кош қорайганда кечувга етди. Мўъжазгина кемадаги йўловчилар унга ошкора қизиқсиниши билан қарашарди. Герствуднинг калласи азбаройи гувиллаб кетганидан нималар бўлганини элас-элас биларди. Дарё чирокларининг оқиш гирдобида кўзга ташланган сеҳрли манзара ҳам кўзига кўринмай қўйди. Кемача сохилга етди дегунча Герствуд яна йўлга тушди-да, ахийри уйига етиб келди.

У ичкарига кирди. Квартира иситилган бўлса ҳам Керри уйда йўқ эди. Столда бир неча кечкурунги газеталар ётар, афтидан уларни Керри қолдириб кетганди. Герствуд газ ёқиб, тебратма стулга чўкди. Пичадан кейин ўрнидан туриб, ечинди-да, елкасини кўрди. Ўқ сал тирнаб кетибди, холос. У қўлини ва қони қотиб қолган юзини ювиб, сочини текислади. Шкафчадан у-бу егулик тошиб, қорнини тўйғазди-да, яна шинамгина тебранма стулига чўкди. Бунда унинг нақадар маза қилганини асти қўяверасиз!

Герствуд бу дақиқада хатто газеталарини ҳам эсидан чиқариб, даҳанини силаганича хаёл суриб ўтирарди.

— Ҳай! — деб қўйди у бир оздан кейин сал эҳшини йиғиштириб олиб. — У ерда жуда ҳам бошқача ишлар бўлди-ку!

У салгина ўгирилиб газеталарни кўриб қолди-да, енгил тин олиб «Уорлд»га қўл чўзди.

«Бруклиндаги иш ташлаш кенгаймоқда, — дейилганди сарлавҳалардан бирида. — Бруклиннинг ҳамма бурчаклари қонли тўқнашувлар!»

Герствуд тебратма стулга яхшилаб жойлашиб олди-да, мутолаага берилди. У иш ташлаш қандай баён қилинганини анчагача зўр қизиқиш билан ўқиди.

XXXXII б о б

БАҲОР НАФАСИ. ҲУВИЛЛАГАН УЙ

Кимда-ким Герствуднинг Бруклиндаги саргузаштларини хато деб билар экан, бечоранинг ҳаракатлари беҳуда кетганлиги салбий таъсир кўрсатмай қолмаганлигини ҳам эътироф этмоғи лозим бўлади. Керри буни била олмасди, албатта. Герствуд Бруклинда бўлган гаплардан унга деярли ҳеч нима айтмаган бўлса ҳам, Керри битта

каттиқ гапданоқ чўчиб, арзимаган нарсаларни бахона қилиб қайтиб келибди-да, деб ўйлади. Унингча Герствуднинг ишга тоби йўқ эди!

Керри энди шарқ гўзаллари қаторида сахнага чиқарди. Опереттанинг иккинчи кўринишида вазир харамини кўздан кечираётган султон олдидан гўзалларни қатор қилиб ўтказарди. Сахнада гўзаллар гапириши керак бўлмаса ҳам бир сафар (Герствуд трамвай паркида тунаган кечада) жазавада бўлган биринчи қизикчи яқинидаги қизга қаради-да, залдагиларда енгил кулги кўзғотган йўғон овозда:

— Сен кимсан? — деб сўради.

Тасодифни қарангки, ўша қиз Керрининг ўзи бўлиб, бу пайтда таъзим қилаётган эди. Унинг ўрнида бошқа бир қиз ҳам бўлиши мумкин эди-да. Керри бўлса ўзини дадил тутиб яна пастроқ чўкди-да:

— Сизнинг итоатли чўрингизман! — деб жавоб берди. Биринчи қизикчи эса ундан бунақа жавобни сира ҳам кутмаганди.

Керрининг луқмасида айтарли ҳеч нима бўлмаса ҳам, унинг ўзини тутишидаги нимадир томошабинларга хуш келди. Хокисор чўри тепасида қаққайиб турган дарғазаб султон жуда ҳам кулгили кўринарди-да ўзи.

Биринчи қизикчи Керрининг жавобидан мамнун бўлди, қолаверса, залдагиларнинг кулгани ҳам унинг назаридан четда қолмади.

— Исмингиз ҳам Смит, шекилли? — деб қўйди қизикчи ҳазилни чўзмокчи бўлиб.

Керри бўлса гапириб қўйганидан кўрқиб кетганди.

Кордебалетдагилар сахнадаги бундай ишлар учун жарима тушиши, гоҳо айбдор ишдан бўшатилиши мумкинлигини ҳам билишарди. Бироқ Керри кейинги кўриниш бошланиши арафасида парда орқасида турганда ёнидан ўтиб бораётган қизикчи унинг маъноли чехрасига эътибор бериб деди:

— Бундан кейин ҳам шундай жавоб бераверсангиз бўлади. Бироқ бошқа ҳеч нима қўшманг!

— Миннатдорман, — жавоб қилди Керри.

Керри қизикчи кетганида хаяжонланганидан қалт-қалт қиларди.

— Сизнинг омадингиз келди-да, — деб қўйди унинг дугоналаридан бири. — Ҳаммамизнинг ролларимиз ганирмайдиган-а.

Бунга қарши бир нима деб бўлмасди. Гарчи бу арзи-

мас нарса бўлса-да, Керрининг муваффақияг томон бир қадам ташлагани ҳар бир одамга аён эди.

Томошабинлар эртаси куни ана шу лукмаси учун Керрини яна олқишлаганларидан у терисига сифмай уйига қайтаркан, мана шу мўъжазгина муваффақияти ҳам бирорта самара келтириши керак, деб ўзига ўзи уқтирарди. Бироқ Герствудни кўрди дегунча қувончидан асар ҳам қолмай, хаёлидаги ёқимли фикрлари учди кетди, уларнинг ўрнини эса танг ҳаётга тезроқ чек қўйиш истаги эгаллади.

Керри эрталаб Герствуддан, Бруклинга борганинг қандай натижа билан тугади, деб сўради.

— У ердагилар энди вагонларни полисменларнинг бошчилигисиз чиқаришга кўрқишяпти, — жавоб қилди Герствуд. — Келаси ҳафтагача бирорта ҳам одам керакмас, дейишди.

Янги ҳафта бошланса ҳам Керри Герствуднинг режаларида бирор ўзгариш кўрмади. У илгаригидай беҳафсала эди. Ҳар куни эрталаб парвойи фалак Керрининг репетицияга кетишини, кечкурун эса томошага боришини кузатар, қиладиган иши — мук тушиб газеталарни ўқиш эди. Бир неча марта кўзи бирорта мақолада бўлса ҳам, хаёли аллақажларда юрганлигини сезиб қолди. Биринчи маротаба буни ўзи ҳам бир вақтлар аъзоси бўлган Чикагодаги клублардан бирида қандайдир кеча кўнгилли ўтганлиги хусусидаги мақолани ўқиётганида пайқади. Герствуд ер сузиб ўтираркан, қулоқларида аллақачонлар эсидан чиқиб кетган товушлар ва қадахларнинг жанги янграрди.

— Оббо Герствуд-е, хўп азамат-да! — у дўсти Уоркернинг овозини яна эшитди.

Хаёл уни яқин дўстларининг даврасига олиб ўтди. Мана у, башанг кийинган ҳолда бошлаб айтган латифаси учун дўстларининг «қойил», «қойил» дейишаётганини илжайганича эшитиб турибди...

Герствуд ногаҳон бошини кўтарди. Хона ниҳоятда сокин бўлганидан соатнинг «чик-чик»и аниқ эшитилиб турарди. Герствуд кўзим илинган бўлса керак, деган хаёлга борди. Бироқ газетани ҳамон кўзи олдида ушлаб турар, бу аҳволда ухлаши ҳам мушкул эди-да. «Ажаб!» деб қўйди у ичида.

Бу ҳол яна такрорланди, бироқ энди бунга эътибор бермай қўйди.

Гоҳо қассоблар, кўкфурушлар, кўмирчилар, булқачи-

лар ҳисоб-китоб қилайлик деб келиб қолишарди. Герствуд насия қилиш мақсадида у магазиндан бу магазинга ўтиб гурганидан дўкондорлар ҳам доимо ўзгариб туришарди. Герствуд қарзга мол берганларни илтифот билан қарши олиб, улардан бир амаллаб қутулишга уринарди. У бора-бора квартирада ҳеч ким йўқ дегандай улар келганда эшикни очмайдиган бўлди. Ё бўлмаса «мехмонлар»нинг таъбини хира қилиб чиқариб юборадиган одат чиқари.

«Бўш чўнтақдан ҳеч нима чиқмайди, — деб ўйларди у. — Пулим бўлса борми, албатта, тўлаган бўлардим.»

Керрининг сахнадаги муваффақиятларини кўрган кичкинагина Лола Осборн бўлғуси машхур зотнинг ҳамроҳи бўлди қўйди. У ўзининг сахна бобида шуҳрат қозона олмаслигига ақли етганидан Керрига ихтиёрсиз равишда бамисоли мушукдек маҳкам тирмашиб олганди.

— О, сен машхур бўп кетасан! — Лола дугонасига завқланиб қараркан, шундай дейишини қўймасди. — Сен жуда ҳам қобилиятлисан!

Тортинчоқ бўлса ҳам Керрининг қобилияти чиндан ҳам катта эди. Бошқалар ўзига ишона бошлаганларини кўрганидан кейин ўзи ҳам ўз кучига ишонди. Унинг бой ҳаётий тажрибаси ва муҳтожликни бошидан ўтказганлари бунда қўл келди. «Эркаклар» деган сўз энди унинг бошини айлантирмасди. У энди эркаклар ўзгаришларини ҳам, хиёнат қилишлари мумкинлигини ҳам биларди. Хушомад-пушомадлар сира ҳам таъсир қилмасди. Фақат олижаноб инсоннинг ақлан устунлигигина унинг қўнглини эрита олар, бироқ бунинг учун мистер Эмсга ўхшаган одам керак бўларди.

— Труппамиздаги актёрларга сира ҳам тоқатим йўқда, — деди у бир куни Лолага. — Уларнинг ҳаммаси ўзларига бино қўйган.

— Мистер Барклей ажойиб эмасми, бунга нима дейсан? — Лола унга эътироз билдирди. Мистер Барклей кечагина унга мулойимлик билан илжайиб қўйганди-да.

— О, бўлмаса-чи, у жуда ҳам ажойиб, — Керри унинг гапига қўшилди, — бироқ у самимий эмас. Унинг ҳамма қилиқлари ясама!

Лола орадан кўп ўтмай Керри ўзига жуда ҳам ўрганиб қолганлигини кўрсатадиган ходисага дуч келди.

— Сен ҳозир турган квартирангга пул тўлайсанми? — деб сўраб колди Лола бир куни.

— Албатта, тўлайман, — жавоб килди Керри. — Нега сўраяпсан?

— Нега деганда ваннали ажойиб хонани арзонроққа олса бўладиган битта жойни биламан. Менинг ўзимга сал катталик қилади, агар иккаламиз бўлганимизда ёпишиб тушарди. Хафтасига ҳаммаси бўлиб олти доллар тўлардик.

— Қаерда? — сўради Керри.

— Ўн еттинчи кўчада.

— Ўлай агар, алиштиришни ҳам, алиштирмасликни ҳам билмайман, — жавоб қилди Керри. У ичида мабодо кўчиб ўтсам хафтасига уч доллар тўларканман, деб чамалаб кўраётганди.

Керри шу дамда ўзидан бошқа биров унга юк бўлма-са, хафтада нақ ўн етти доллар ёнига қолишини ҳам хаёлидан ўтказарди.

Айтгандай, бу гаплардан кейин ҳам ҳеч бир иш чиқмай ҳаммаси илгаригидай қолаверди. Бу ҳол Керри лўма тилига келиб қолиб, жиндай муваффақият қозонган кунгача давом этди. Бунинг тағин Герствуднинг Бруклиндаги сарсонгарчиликларига тўғри келиб қолганлигини айтмайсизми. Керри энди ихтиёри ўзида бўлиши зарурлигини ўйларди. У Герствудни ташлаб келиб арава-сини ўзи тортишга мажбур қилишни хоҳларди.

Герствуд гоҳо жуда галати ишлар қилганидан Керри ишқилиб кетишимга тўғаноқ бўлмасин-да, деб хавфсирарди. Керрининг изидан тушиб, театрда кидириб юрса нима дейсиз! Тўғри, Керри унинг бундай иш қилишига ишонмас, бироқ ҳар қалай яна ким билади дейсиз? Герствуднинг бундай имконга эгаллиги Керрига ёқинқирамас, шунинг учун бундай хаёл уни жуда ҳам таҳликага соларди.

Труппадан кетаман, деган бир жайдарироқ актрисанинг ўрнини эгаллаш хусусида дирекциядан Керрига таклиф тушганидан кейин унинг иши тезлашиб кетди.

— Қанча оласан энди? — Лола Осборн бу муваффақиятдан огоҳ бўлгач, дарҳол шундай деб сўради.

— Сўраганим ҳам йўқ, — Керри бўйнига ола қолди.

— Буни тезда билиб ол. Ё худойим-ей! Агар ҳақингни талаб қилмасанг, ҳеч нима бўлмайсан, шуни тушунсанг-чи. Кам деганда хафтасига қирқ доллар талаб қил.

— О, қўйсангчи-е! — хитоб қилди Керри.

— Бу рост! — Лола маҳкам турарди. — Ҳар қалай уриниб кўр.

Керри гапга кўнса ҳам жиндай сабр қилди. У режиссёр қандай либосда сахнага чиқиши кераклигини айтганидан кейингина юрак ютиб сўради:

— Энди қанчадан оламан?

— Ўттиз беш доллар, — жавоб берди у.

Керри бундан танг қолиб, шунақанги хурсанд бўлдики, кўпроқ сўрашни ҳатто хаёлига ҳам келтирмади. Азбаройи терисига сизмай кетганидан янгиликни эшитиб қутлагани ошққан Лолани сал бўлмаса бўғиб қўяёзди.

— Шундай бўлса ҳам бу сен олишинг керак бўлган ҳақдан анча кам, — деди Лола. — Ролларга кийимни ўзинг буюртиришинг кераклигини эсингдан чиқарма.

Керри буни эшитаркан, чўчиб тушди.

Бунақа бўладиган бўлса кийимга пулни қайдан олади? Керрининг ғамлаб қўйган ҳеч нимаси йўқ. Квартира ҳақини тўлайдиган куни ҳам яқин.

«Энди ҳечам тўламайман, вассалом! — деб жазм қилда у. — Менга бу квартира керак эмас, унга кўзим ҳам учиб тургани йўқ. Энди пул бермайман! Кўчиб ўтаман — шу билан ҳаммаси тамом!»

Лола ҳам худди шу пайтга келиб дугонасига баттар тикилинч қила бошлади.

— Бирга тура қолайлик, Керри! — деб ялинарди Лола. — Бизнинг ажойиб хонамиз бўлади, ҳақи эса арзимаган пул.

— Бу менга ёқпти, — Керри очик бўйнига ола қолди.

— Бўлмаса нима халакит бeryпти? — хитоб қилди Лола. — Бирга бўлсак зерикмаймиз, мана кўрасан!

Керри ўйлаб қолди.

— Кўчиб ўтарман, — деди у. — Фақат ҳозир эмас. Яна ўйлаб кўришим керак.

Керрига эркинлик ҳақидаги фикр тинчлик бермасди. Бунинг устига квартира ҳақи тўланадиган муддат яқинлашиб келар, орада янги кўйлақлар тиктириш ҳам зарур эди.

Керри ўзини ўзи оқлаши учун Герствуднинг бениҳоя танбаллигини эслаши кифоя эди. Герствуд эса кундан-кунга камгап бўлиб борар, кун сайин хароблашарди.

Герствуд ҳам квартира ҳақини тўлайдиган муддат яқинлашгани сари ижара ҳақи анча баландлиги хусусида бош котира бошлаганди. Насияга мол берганлар пуллари тез-тез қистаб келишавериб жонига ҳам тегиб кетишганди. Йигирма саккиз доллар-а, озмунча пулми бу!

«Керрига тўлаш оғирлик қилади, — дерди у ичида. — Биз арзонроқ жой топсак бўларди.»

Герствуд шундай хаёлда юрганидан нонушта пайтида Керрига оғиз очди:

— Квартира хаки жуда баланд-а, нима дейсан?

— Албатта, — жавоб берди Керри Герствуд шимага ишора қилаётганини фахмламаса ҳам.

— Менимча бизга чоғроқ квартира ҳам бўлаверди, — гапида давом этди Герствуд. — Бизга бунча хонанинг ҳожати йўк.

Герствуд мабодо Керрининг кўнглидан кечаётган фикрларни била олганида унинг кўринишидан бир нарсани фахмлаб олган бўларди. Керри, Герствуд мени кўлдан чиқаришни ўлса ҳам истамайди, деб қаттиқ хавотирда эди. Лекин Герствуд Керрига ғариброк ҳаёт кечиришни таклиф қилганида ҳеч қанақа кинғирликни ҳаёлига келтирмаганди.

— Очиғи, билмайман, — деди Керри хушёр тортиб.

— Бир хонали ва ошхонаси ҳам бўлган квартиралар ижарага кўйиладиган уйлар топилса керак. Ўшанақа квартира бўлса бизга кифоя қиларди-да.

Бундай режани эшитганда Керри бсихтиёр аччиқланди.

«Мутлақо кўнмайман! — деб қарор қилди у. — Кўчиб ўтишга пулни қайдан оламиз? У билан умрбод битта хонада туришни ўйлаб кўринг-а! Йўк, бундан кўра ҳамма пулимни кийим-кечакка тезроқ сарфлаганим маъкулроқ!»

Керри ўша куни ниятини амалга оширди. Ундан кейин эса биргина йўл қолди.

— Лола, — деди у дугонасининг уйига кириб, — кўчиб ўтишга розиман.

— Мана буниси зўр! — хитоб қилди у.

— Шуни ҳозирок қилсак бўладими? — деб сўради Керри дугонаси айтган хонани назарда тутиб.

— Бўлмаса-чи! — Лола уни ишонтирди. Улар ўша захотиёқ хонани кўргани жўнашди. Керрининг ёнида яна ўн доллар қолганидан бу бир ҳафталик тирикчилик билан ижара ҳақиға етарди. Маош келаси ҳафтадан ошиши керак бўлганидан кўлиға пул теккунча яна ўн кун сабр қилиши лозим эди. Керри янги бошпана учун ўзига тегишли улушни кўшди.

— Менда ҳафтанинг охиригача тирикчиликка етадиган пул қолди, — Керри дугонасига очиғини айтиб қўя қолди.

— О, менда пул бор! — Лола ўша захотиёқ дугонасига қарашмоқчи бўлди. — Мендан йигирма беш доллар ола қол.

— Раҳмат, керак эмас! — Керри унинг гапани бўлди. — Бир иложини қиларман.

Улар жума куни кўчишмоқчи бўлишди. Бунга икки кун қолганди.

Энди ҳамма иш пишгач, Керри жуда ҳам бўшашиб кетди. У ўзини салкам жиноятчидай сезарди. У ҳар куни Герствудни кузатаркан унинг кўримсизлигига қарамай ҳар қалай раҳм-шафқатга муносиблигига ишонч хосил қилиб борарди.

Керри кўчиб ўтишга аҳд қилган куни кечқурун Герствуд разм солиб ўтираркан, у табиатан қанчалик бўшанг ва танбал бўлса шунчалик эзилган ва хўрланган одам деган хаёлга борди. Унинг нигоҳида аввалги ўткирлик қолмаган, башарасидан яқинлашаётган кексалик аломатлари очиқ сезилар, қўллари шалвираб, сочларига оқ оралаганди. Герствуд кулфат бошига қўланка солаётганини сезмай тебратма стулда чайқалиб газета ўқиб ўтираркан, Керри тикилиб турганини ҳам пайқамасди.

Керри иш қиёмига келиб қолганини сезиб, унга меҳрибонлик кўрсатмоқчи бўлди.

— Жорж, бориб бир банка шафтоли компоти олиб келсанг бўларди, — деди у столга икки долларлик қоғоз пул қўйиб.

— Маъқул, — Герствуд шундай дея пулга хайрат билан қараб қўйди.

— Эҳтимол яхши сарсабил ҳам топарсан, — қўшимча қилди Керри. — Тушликка пишириб қўярдим-да.

Герствуд ўрнидан турди-да, пулни олиб кийингани кетди. Керри шунда унинг уст-боши хароблашиб қолганини яна пайқади. У Герствуднинг кийимлари уриниб қолганига эътибор қилган бўлса ҳам, сиртдан қараганда унчалик хароб кўринмасди. Эҳтимол, чиндан ҳам унинг қўлидан бирорга иш келмас? Ахир Чикагода унинг ишлари гуллаган эди-ку. Паркка учрашувга келганларида жуда башанг кийинганидан ажойиб кўринарди-ку! Шу қўйга тушишига унинг якка ўзи айбдормикин?

Герствуд қайтиб келиб, олган нарсалари билан қайтимни столга қўйди.

— Майдаси ўзингда тураверсин, — деб қўйди Керри. — Бизга ҳали баъзи бир нарсалар керак бўлиб қолар.

— Йўқ, — деди Герствуд ўзига хос бўлган гурур билан. — Пул сенда тураверсин.

— Қўйсанг-чи, Жорж! — Керри хаяжонланганидан

бўш келмасди. — Ахир, яна баъзи бир харажатлар бўлиб қолса ажаб эмас-да.

Герствуд бунга бир мунча ажабланса ҳам, лекин Керрининг шу дақиқада унга ачинаётганини хаёлига ҳам келтирмасди. Керри минг азоблар билан овозидаги титрокни билинтирмай турарди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Керрининг ўзи ҳам бошқа хар бир одамга худди ана шундай караган бўларди. У Друэ билан умр сурган сўнгги кунларини кўп марта хаёлига келтираркан, унга нисбатан яхши иш қилмадим, деб ўзидан ўпкаланарди. У бир кунмас бир кун яна навқирон коммивояжер билан учрашишни истамаса ҳам, ўзидан ўзи номус қиларди. Тўғри, у сўнгги қадамни ўз ихтиёри билан қўймаганди-да. Герствуд кечаси унинг олдига келиб, Друэ фалокатга учради, деганида унга ёрдам қўлини чўзиш истагида зумда йўлга чиққанди. Бу ишда Герствуд қанчалар роль ўйнаганлигини Друэ ҳеч қачон билмай кетиши ва Керрининг қилган ишини бағритошликка йўйиши унга алам қиларди. Керри ана шунинг учун ҳам номусларга ўлаётганди. У албатта Друэни яхши кўрмаса ҳам бир пайтлар унга яхши муносабатда бўлган одам ўзидан хафа бўлиб қолишини истамасди.

Керри бундай ҳисларга берилиб нималар қилаётганини ўйламасди ҳам. Герствуд бўлса Керрининг тоб ташлаганини пайқаганидан кейин ичида:

«У хар қалай кўнгилчан», — деб ўйлади.

Керри ўша куниёқ Лоланинг уйига борганида у хиргойи қилиб нарсаларини жойлаётганди.

— Керри, бугун нимага мен билан бирга кўчмаяпсан? — деб сўради у дугонасига кўзи тушиши биланоқ.

— Йўқ, кўча олмайман, — деб жавоб қилди Керри. — Жума куни кўчаман. Лола, менга ўзинг айтган йигирма беш долларни қарз бериб тура оласанми?

— Жоним билан! — қиз Керрига яхши кўриниш имкони келганидан суюниб, шундай хитоб қилди.

Герствуд бир неча кундан бери уйдан фақат масаллик ва газета олгани чиқарди, холос. Уйда ўтиравериш ахийри жонига тегди, бироқ совуқ ва нам ҳавогина уни ичкаридан чиқармай турарди. Жума баҳор нафасини уфуриб, одамларга замин ҳарорат ва гўзалликдан умрбод айрилмаганлигидан дарак берган кун бўлди. Чумчуқлар тош кўчаларда бемалол ва шодон чиркилларди. Керри деразани очганида кўчадан жануб шамоли келди.

— Бугун ҳаво қандай яхши-я! — деб қўйди у.

— Ростданми? — сўради Герствуд.

Герствуд понунтадан кейин тезда кишилик костюми-ни кийди-да, эшикка қараб юрди.

— Тезроқ қайтасанми? — деб сўради Керри қаттиқ ҳаяжонланиб.

— Йўқ, — жавоб қилди Герствуд.

Герствуд кўчага чиқиб олгач, Еттинчи авенюдан шимолга қараб юрди. У Харлем дарёсига етиб олиш пайида эди.

Бир вақтлар пиво заводининг идорасига гаплагани бораётганида дарёда бир неча кемаларни кўрганлиги Герствуднинг эсида эди. У энди бу жойда қандай ўзгаришлар бўлганлигини кўришга қизиқарди.

Герствуд Эллик тўққизинчи кўчадан ўтиб Сентрал-парк бўйлаб Етмиш сакқизинчи кўчагача борди. Таниш жойлар кўзга ташлана бошлагач, бир чеккага бурилиб кейинги пайтларда тушган беҳисоб янги уйларни томоша қила бошлади. Теварак-атрофнинг бари яхши бўлиб кетганди. Бепоеъ бўш жойларда иморатлар қурилиши авжида эди. Герствуд паркка қайтганидан кейин уни ёқалаб Бир юз тўққизинчи кўчагача борди-да, кейин яна Еттинчи авенюга бурилиб соат бирда сўлим дарёга кетди. Дарё ўнг томондаги юмшоқ қум хомалари ва чап тарафдаги ўрмонзор тепаликлар оралаб кумуш лентадек тўлғониб оқарди. Баҳор хавоси Герствуднинг димоғини чоғ қилганидан у бир неча дақиқа қўлини орқасига қилиб, ажойиб манзарага суқланиб тикилиб қолди. Сўнгра бурилиб, сохил бўйлаб кемаларни томоша қилиб кета бошлади. Соат тўртларда, қош қорайиб, хавода майин шабада эса бошлаган найтда уйига қайтишга аҳд қилди. Қорни очикқанидан энди тамадди билан иссиққина хонани ҳузур қилиб ўйларди.

Герствуд соат беш яримда квартирасига етиб келганида одам танимайдиган вақт бўлиб қолганди. Герствуд уйда одам йўқлигини биларди: парда ортидан шуъла кўринмас, газеталар почтальон эшикка қистириб кетганича турганди. Герствуд эшикни ўзининг калити билан очди-да, газни ёқиб жиндай пафасини ростлагани ўтирди. «Дарвоқе, — деди у ичида, — Керри ҳозир келганда ҳам овқат барибир кечикади.» У олтигача газета ўқиди-да, кейин бирор нарса пиширгани ўрнидан кўзгалди.

Герствуд шундан кейингина хонанинг кўриниши бошқачароқ бўлиб қолганини пайқайди. Нима гап ўзи? Гўё нимадир етишмаётгандай, теварак-атрофига олазарак

бўларкан, ўзи доимо ўтирадиган жой яқинида оқариб турган конвертга кўзи тушди. Шунинг ўзиёқ кифоя қиларди. Энди хаммаси аён бўлиб, ҳеч қанақа изохга ҳожат қолмаганди.

Герствуд кўл узатиб конвертни олди. Шунда аъзойи баданини қалтироқ босди. Қоғоз қаттиқ шитирлаб кетди. Хатнинг ичига кўк қоғозли пул солинган эди. Герствуд пулни беҳосдан кўлида вижимлаб туриб, хатни ўқиди.

«Азизим Жорж, мен кетяпман, бошқа қайтиб келмайман. Биз бундай квартирада тура олмаймиз: унга қурбимиз етмайди. Мабодо қурбим келганида сенга қарашган бўлардим, бироқ иккита одам учун ишлаб яна квартирага ҳам ҳақ тўлашга ожизман. Ишлаб топаётган озгина пулим ўзимга керак. Сенга йигирма доллар қолдирыпман — менда бори шу. Мебелни нима қилсанг қилавер. Менга керак эмас. Керри.»

Герствуд хатни кўлидан тушириб юбориб, хонага бемалол разм солди. Энди у нима камлик қилаётганини билиб турарди — Керрининг каминда турадиган мўъжазгина соати кўринмасди. Герствуд чироқни ёкиб, хонадан хонага ўтди. Шифоньердаги майда-чуйдаларнинг бари ғойиб бўлганди. Столлардаги тўр салфеткалар йиғиштириб олинганди. Герствуд кийим турадиган шкафни очиб кўрди — унда Керрининг нарсаларидан ҳеч вақо кўринмасди. Жавоннинг тортмаларини тортиб кўрди — Керрининг ич кийимларидан бирортаси йўқ. Керрининг сандиғи ҳам ғойиб бўлганди. Герствуднинг кўйлаги ҳар маҳалги жойида осиглик турарди. Қолган нарсалар ҳам жойида эди.

Герствуд мехмонхонага қайтиб, ер сузганича узоқ туриб қолди. Сукунат ютиб юборадигандай туюларди. Мўъжазгина квартира бирдан жуда ҳувиллаб қолганди. Герствуд овқат егиси келаётганини ҳам, ҳозир тамадди пайти эканлигини ҳам эсидан чиқарганди. Унга энди вақт алламаҳал бўлгандай кўринарди.

Герствуд пулни кўлида ханузгача ушлаб турганини ногахон эслаб қолди. Пул Керри ёзиб қолдирганидек йигирма доллар эди. Герствуд чироқни ўчирмай хонадан чиқаркан, ҳар қадам ташлагани сайин квартира ҳувиллаб қолганини сезиб турарди.

— Бу ердан чиқиб кетиш керак! — деб кўйди у овозини сал чиқариб.

Шу пайтда бирдан яккаю ёлғиз шўппайиб қолганлиги билинди кўйди.

— Мени ташлаб кетди! — деб гўлдиради у. Кейин яна такрорлади: — Ташлаб кетди!

Герствуд бир неча йил иссиққина кунларни ўтказган шинамгина бу квартира энди хотира бўлиб қолганди. Уни олдинда қандайдир шафқатсиз ва совуқ бир нарса кутарди. Герствуд тебратма стулга оғир чўкиб, бошини чангаллаб, хаёлига ҳеч нарса келмай умидсизлик оғушида қолди.

Шундан кейин ўзига раҳми келиб, муҳаббат лаззатидан умрбод махрум бўлганини фаҳмлади.

— У кетмаслиги керак эди! — деди у. — Бирорта иш топган бўлардим.

Герствуд анчагача кимир этмай ўтирди-да, ниҳоят кимгадир гапирётгандай овозини чиқариб қўйди:

— Мен ҳаракат қилмадимми?

Тун ярим бўлса ҳам Герствуд тебратма стулида чайқалганича бошини қуйи солиб ўтирарди.

XXXXIII б о б

БАХТ КУЛИБ БОҚМАДИ. ЗУЛМАТДАН НИГОҲ

Керри шинамгина квартирасига жойлашиб олганидан кейин Герствуд қочиб кетганимга нима деркин, деган муаммо устида бош қотира бошлади. У нарсаларини тезда жой-жойига қўйиб, кейин театрга жўнади. Шунда у эшикда Герствудга дуч келсам керак, деб ўйлади. Бирок уни учратмагандан кейин кўрқуви кетиб, Герствудга кўнглида бир мунча илиқлик пайдо бўлди. Кейин Герствуд эсидан бутунлай чиқиб кетди. Фақат спектакль тамом бўлгандан кейингина театрдан чиқаётиб, Герствуд тагин пойлаб турган бўлса-я, деб теварак-атрофига кўрқаниса қараб қўйди. Бироқ кунлар бирин-кетин ўтар, Герствуд бўлса на ўлигидан, на тиригидан дарак берарди. Керри шундан кейин Герствуд бирор куни келиб таъбимни хира қилади, деб кўркмасқ қўйди.

Шуниси қизиқки, ҳар қанақа касб одамни тезда ўз комига оларди. Керри Лоланинг сахнанинг сирли ҳаёти хусусидаги вайсакилигини эшитаверганидан ўзи ҳам бунга анча-мунча тушунадиган бўлиб қолди. У энди театр ҳақида қайси газеталарда нарса чиқишини, газеталарнинг қайси бирида актрисаларга кўпроқ эътибор берилиши ва ҳоказоларни биларди. Газеталарда ўзининг труп-

наси ҳақида чиққан нарсаларни ҳам, бошқа театрларга бағишланган мақолаларни ҳам ўқиб борарди. Шу таклиф, аста-секин шон-шухратга ташналигини сеза бошлади. У газеталарда бошқалар сингари ўзи ҳақида ҳам мақолалар чиқишини истаганидан турли машҳур сахна усталарига бағишланган мадҳиялар ва танқидий мақолаларни ютоқиб ўқирди. У энди бутунлай ана шу ялтирок оламнинг ихтиёрида эди.

Ўша пайтларда газета ва журналларнинг иловаларида актрисаларнинг суратлари босила бошлаганди. Якшанбада чиқадиган газеталар бу ишга жуда ҳам қизиқиб кетганидан «пари»ларга бутун-бутун саҳифаларни бағишлашарди. Журналлар (янгиларидан кам деганда иккитаси ёки учтаси) ҳам дам-бадам машҳур ижрочиларнинг фақат суратларини эмас, балки шов-шув кўтарган спектаклларнинг айрим кўринишларини ҳам босиб чиқаришарди. Керри буларнинг барини зўр қизиқиш билан кузатиб борарди. Бир кунмас бир кун ўзи қатнашаётган опереттадан ҳам бир кўринишнинг расми чиқармикин? Унинг суратини чиқариш қачон битта-яримтанинг хаёлига келаркан?

Керри якшанба, янги ролида чиқишидан бир кун олдин газетадаги театр бўлимини кўздан кечира бошлади. У шахсан ўзи ҳақида бирор нарса топишни кутмаган бўлса ҳам, майда хабарлар орасида ногаҳон бир нарсани кўриб қолганидан бутун бадани жимиллаб кетди.

«Абдулланинг хотинлари» опереттасидаги илгари Инесса Карью ижро этиб келган Кагиш ролини бундан буён кордебалетнинг энг қобилиятли артисткаларидан бири Керри Маденда ўйнайди.»

Керри шунақашги терисига сизмай кетдики, асти қўяверасиз. О, қандай ажойиб! Хайрият-е! Матбуотдаги кўпдан кутилган мақтовли хабар! Уни қобилиятли дейишяпти! Керри азбароин суюнганидан хандон ташлаб кулиб юбормаслик учун ўзини аранг тўхтатиб қолди. Буни Лола кўрганмикин, ундан сўраш керак.

— Бу ерда эртага мен ижро этадиган ролим ҳақда хабар бор, — деди у дугонасига.

— Ростданми? Қойил! — хитоб қилди Лола унинг олдига югургилаб келаркан. — Агар сен яхши ўйнасанг, — қўшимча қилди у хабарни ўқиб чиққанидан кейин, — келаси сафар газеталардан кўпроқ жой беришадди. Бир марта менинг суратим «Уорлд»да чиққан.

— Ростданми? — Керри хайрон бўлди.

— Бўлмаса-чи! — ғурур билан жавоб берди кичкинагина Лола. — Хатто рамкага ҳам олинганди.

Керри кулиб юборди.

— Менинг суратим бўлса ҳали бир марта ҳам чиққани йўқ, — деди у.

— Зиёни йўқ, чиқади! — Лола уни умидвор қилди. — Мана кўрасан! Сен расмлари доимо чиқиб турадиганларнинг кўпидан яхши ўйнайсан.

Керри ана шу сўзлари учун ундан жуда ҳам миннатдор бўлди. У хайрихоҳлиги ва мақтовлари учун Лоланинг юз-кўзидан ўпиб ташлашга ҳам тайёр эди. Керри буларга муҳтож, маънавий мадад унга ҳозирги дамда сув билан хаводек зарур эди!

Керри ролни яхши ўйнади, газетада унинг ролни жуда яхши бажаргани ҳақида бир неча сатр нарса босилди. Бу эса Керрининг бошини осмонга етказди. У энди назарга тушганлигини кўриб турарди.

Керри қўлига дастлабки ўттиз беш долларини олганида бу жуда катта пулдай кўринди. Хонага тўланадиган уч доллар энди арзимаган нарса эди. У Лолога йигирма беш долларни, қайтарган бўлса ҳам, ёнида яна етти доллар қолганди. Энди унда ҳаммаси бўлиб, олдинги маошининг қолдиғи билан ўн бир доллар бор эди. Керри шу пулдан беш долларни буюртирилган кийимларига кўшди. Энди у ҳар ҳафтада фақат уч доллар ижара ҳақи ва кийим-кечаклари учун беш доллар тўлаши, қолганини ейиш-ичиш, кўнгил очиш ва бошқа нарсаларга сарфлаши мумкин эди.

— Сенга ёзга бир оз нарса ғамлаб қўйишни маслаҳат берардим, — деди унга Лола. — Май ойида театримиз ёпилса ажаб эмас.

— Шундай қиламан, — жавоб қилди Керри.

Бир неча йилдан бери аранг учини учига тўғрилаб тирикчилик қилиб келган кишига мунгазам равишда ўттиз беш доллардан даромад тушиши катта гап! Керрининг ҳамёни кўкиш қороз пуллардан кампайиб борарди. Ўзи кунини ўзи кўрганидан яхши-яхши нарсалар ва тақинчоқлар олиб, еб-ичиб, хонасини ҳар жиҳатдан безатарди. Орадан кўп ўтмай, турган гапки, таниш-билишлар ҳам ортгирди. У Лоланинг тўдасидаги бир неча йигитлар билан танишди, группасидаги актёрлар билан танишиш учун эса вақтнинг ҳам, бошқа бировнинг ўртага тушишининг ҳам ҳожати йўқ эди. Актёрлардан бири Керрига айланишиб қолиб, бир неча марта уйига кузатиб қўйди.

— Бирор жойга кириб овқат қилайлик! — деб таклиф қилди у бир куни театрдан кейин.

— Яхши, — Керри рози бўлди.

Тунги маишат ишқибозларига тўлиб-тошган шинамгина ресторанда Керри ҳамроҳига яхшилаб разм солди. Ундаги ҳамма нарса қандайдир сохта кўринар, ҳар қадамда ўзини жуда катта олиши сезилиб турарди. Сухбатда у чайналган гаплардан нарига ўтмас, фақат либослару ишда амал қилишдан сафсата сотарди.

Ресторандан чиқишганда у сирли кулиб, гўё шунчаки тарзда:

— Нима, тўғри уйингизга кетасизми? — деб сўради.

— Ха, — Керри бу ўз-ўзидан кўриниб турибди-ку, дегандай жавоб қилди.

«Чамаси, у бир қарагандагидай соддага ўхшамайди!» — деб қўйди актёр ичида. Унинг Керрига ҳурмати ва хаваси янада ортди.

Керри ҳам Лола сингари вақтини кўнгилли ўтказишдан бош тортмасди албатта. Бу турган гап эди. Гоҳо улар кундузлари коляскада паркни айлангани боришар, театрдан кейин улфатлар билан ресторанда ўтиришар, спектакль бошланиши олдидан ясан-тусан қилиб Бродвейда юришарди. Керри пойтахтдаги маишатнинг гирдобига тушганди.

Нихоят ҳафталиклардан бирида унинг сурати чиқди. У расм тагидаги: «Томошабинларнинг «Абдулланинг хотини» опереттасидаги севимли ижрочиларидан бири мисс Керри Маденда» деган ёзувни кўрганида нафаси бўғзига тикилиб қолаёзди. Керри Лоланинг маслаҳати билан машҳур Саронига сурат олдирганидан репортер унинг суратларидан бирини топиб эълон қилган эди.

Керрининг хаёлига журналнинг бир неча сонини олиб қўйсам деган фикр ялт этиб келса ҳам, ўша захоти юборадиган одамлари йўқлиги эсига тушиб қолди. Оламда Лоладан бошқа унинг муваффақиятларига қизиқадиган одамнинг ўзи йўқ эди.

Пойтахтнинг чехраси кулиб бокмаса, ҳар бир одам ўзини якка сезади. Керри тез орада улфатлари ўйнаб-кулиш пайида эканликларига ишонч ҳосил қилди. Уларда Керрига нисбатан дўстона туйғу деган нарсанинг ўзи йўқ эди. Ҳамма маишатга интилар, ҳар ким ўзини ўйларди. Керри ҳам бир вақтлар Герствуд билан Друэдан олган сабоқларини эсидан чиқарганича йўқ эди.

Керри апрелда труппаси тушумга қараб мавсумни май-

нинг ўрталарида ё охирида тугатишидан вокиф бўлди. Ёзда труппанинг сафарга чиқиши мўлжалланганидан Керри мени унга таклиф қилишармикин ё қилишмасмикин, деб ўйларди. Лола Осборнга келганда эса у аввалгидан Нью-Йоркнинг ўзидан иш топишни таклиф қиларди.

— Мен «Казино»да ёзда бир нима қўйишмоқчимиз деб эшитдим, — деди у. — Бориб, бахтимизни бир синаб кўрайлик!

— Яхши, — Керри унинг гапига қўшилди.

Улар «Казино»га боришганида ўн олтинчи майда яна бир кириб ўтишни маслаҳат беришди. Ўзларининг театрлари эса бешинчи майда ёпилаётганди.

— Труппа билан сафарга бормоқчи бўлганлар шу haftaда шартномага қўл қўйишлари керак, — деб қўйди директор.

— Сира ҳам қўл қўйма! — Лола Осборн Керрини гапига унатишга ҳаракат қиларди. — Мен бормаيمان.

— Мен бошқа бирор иш тополмасам, унда нима бўлади? — Керри гумонсираб сўради.

— Нимаики бўлсаям мен бормаيمان! — кичкинагина Лола айтганида маҳкам тураверди. У мабодо қийналиб қолгудай бўлса мухлисларининг чўнтақларини қоқиштирарди. — Мен бир марта сафарга борганимда охирида ёнимда ҳеч вақо қолмаган.

Керри унинг сўзлари ҳақида ўйлаб қолди. У шу чокча труппа билан сафарда бўлмаганди-да.

— Ёзни бир амаллаб ўтказамиз, — деб қўйди Лола яна. — Масалан, мен ўзим доим бир иложини қилиб келганман.

Керри шартномага қўл қўймади.

«Казино»нинг директори Керри ҳақида ҳеч нима билмас экан, бироқ Керри газеталарда ўзи ҳақида чиққан нарсаларни кўрсатмаганидан кейин ўйлаб қолди, бунинг устига сурати журналларда босилгани ва номи афишаларга тушгани ҳам иш берди. Директор Керрига сўзсиз роль бериб, haftасига ўттиз доллар маош белгиллади.

— Хўш, мен сенга нима дедим? — деди Лола чапак чалиб. — Нью-Йоркдан кетиб бўлмайди! Кетдинг дегунча одамлар сени унутишади!

Керри шубҳасиз гўзал бўлганидан сурати бошқа актрисаларнинг расмлари қаторида якшанбалик газеталарнинг расми иловаларидан бирида чиққанди. Бу актрисалар «Казино»да қўйиладиган пьесада қатнашишлари керак эди. Керрига иловада бир неча сатр бағишланиб,

сурати чиройли қилиб ўраб қўйилганди. Керри ҳам бундан беҳад шод эди.

Театр корчалонлари буни билишмасди чоғи, шунинг учун ҳам Керрига илгаригидай кўп эътибор беришмасди. Роли ҳам жуда кичкинагина эди. Керри квакернинг¹ бўшбаёв хотини сифатида бир неча сахналарда шунчаки кўриниш бериши керак эди. Комедия муаллифи яхши актриса бу ролда кўп иш қилиши мумкинлигини билганлигидан уни бошловчи қандайдир актрисага берганларини кўриб, бу ролни мен ҳам худди шундай қилиб асардан ўчириб ташлашим мумкин, деб қолди.

— Мияни ачитмасангиз-чи, қария! — деди унга режиссёр. — Мабодо биринчи ҳафтада бундан сира иш чиқмаса, ролни олиб ташлаймизу кутуламиз!

Керри буларнинг режаларидан ғофил эди. У ўзини яна бир чеккага чиқариб қўяётганларини сезиб ковоғи тушган холда тилсиз-забонсиз хотин ролини ўргана бошлади. Охирги репетицияда унинг кўриниши жуда ҳам аянчли эди.

— Сизга айтсам унчалик ёмон эмас! — деб қўйди пьеса муаллифи режиссёр унга Керрининг тунд кўриниши кулгили чиқаётганини айтганида. — Спаркс ўйин тушаётганда унга қаттиқроқ хўмрайишни буюринг.

Керри пешанасида майда ажинлар пайдо бўлиб, лаблари аламдан чўччайиб турганини ўзи ҳам сезмасди.

— Яна жиндай хўмрайинг, мисс Маденда! — деди режиссёр унга яқин келиб.

Керри буни дашномга йўйиб шўхчан кулиб юборди.

— Йўқ, қошингизни чимиринг, — режиссёр гапини кайтарди. — Хозиргина қилганингиздай хўмрайинг!

Керри унга хайрон бўлиб қарарди.

— Мен буни сизга жиддий айтяпман, — режиссёр унга астойдил гапирди. — Хўмрайинг! Спаркс ўйин тушаётганда ўзингизни жуда дарғазаб кўрсатишга ҳаракат қилинг. Мен бу қанақа таъсир кўрсатишини синамоқчиман!

Бу иш унчалик оғир бўлмаганидан Керри қўлидан келганича қошини чимирди. Бу шунақанги қизиқ чиқдики, ҳатто режиссёрнинг ўзи ҳам хурсанд бўлиб кетди.

— Жуда соз! Агар доимо шундай бўлса, томошабинлар хурсанд бўлди.

¹ К в а к е р - XVII асрда Англияда пайдо бўлган ва Шимолий Америкада ҳам тарқаган христиан мазхаби кишиси.

Режиссёр Керрига яқин келаркан, кўшимча қилди:

— Саҳна охиригача хўмрайишга ҳаракат қилинг. Ўзингизни дарғазаб кўрсатинг. Томошабинлар сизни юлкиниб турибди деб ўйлашсин. Ролингиз ўшанда одамларни кулдиради.

Томоша бўладиган куни кечқурун Керрига ролида ҳеч қанақа қизиқ жойи йўқдай туюлди. Шодон ва терга пишган томошабинлар биринчи кўринишда уни пайқаманга ҳам ўхшардилар. Керри ҳар қанча хўмрайса ҳам ҳаракатлари беҳуда кетарди. Одамларнинг кўзлари бошқа актёрлардан узилмасди.

Зерикарли диалог анча-мунча жонларига теккан томошабинлар иккинчи пардада саҳнага бошдан-оёқ кўз югуртиришаркан, Керрини пайқаб қолишди. У ўзининг сарғиш кўйлагига қимир этмай турар, кўркам чехраси ёмон хўмрайганди. Олдинига ҳамма бир вақтинча гап, артистканинг табиий равишда ғижини келяпти, уни томошабинларни кулдиришга алоқаси йўқ, деган хаёлга борди. Бироқ Керри спектаклда катнашувчиларга бир-бир хўмрайиб қарайверганидан кейин томошабинлар кула бошлашди.

Олдинги қаторларда ўтиришган савлатли жентельменлар, бу қизча жуда яхши нарса экан, деб қўйишди. Улар Керрининг чимирилган қошларини жон-жон деб ўпа-ўпа текислаб қўйишган бўларди-да. Керри жуда офатижон эди.

Саҳна ўртасида туриб хониш қилаётган биринчи қизиқчи ниҳоят ҳиринг-ҳирингларни эшитиб қолди. Аслида бу пайтда томошабинлар кулмасликлари керак эди. Қараса яна хиринг-ҳиринг, яна... У ашулани тугатгач, гулдуролқишлар ўрнига яккам-дуккам чапак эшитилди...

Буниси нима бўлди? Қизиқчи бир бало бўлганини фаҳмлаб турарди.

У саҳнани тарк этаётганида Керрига бирдан кўзи тушиб қолди. Керри саҳнада якка хўмрайганча турар, томошабинлар бўлса хиринг-хиринг кулишарди.

«Жин урсин! Бунисига тоқат қилолмайман! — деб аҳд қилди қизиқчи. — Ролимни расво қилдириб қўймайман! У мен чикқанда бу хунарини қилмасин, бўлмаса кетаман!»

— Хўш, нима қипти? — деди режиссёр унинг додвойини эшитганидан кейин. — Унинг бутун роли ана шунда-да. Парво қилманг.

— У ролимни расво қиляпти-да!

— Бўлмаган гапи, у ролингизни сира ҳам расво қилаётгани йўқ! — режиссёр тинчитишга ҳаракат қилди. — Бу қўшимча кулги дегандай гап.

— Сизнингча шундайми? — хитоб қилди қизиқчи. — Мен сизга у бутун кўринишни расво қилди деяпман! Мен бунга чидаб туrolмайман!

— Майли, спектакль охиригача сабр қилинг. Ё бўлма-са яхшиси эртагача тишни тишга қўйинг. Кўрамиз, бир иложини қилармиз.

Навбатдаги кўриниш эса бунинг иложини топиб берди. Керри энди комедиядаги асосий ижрочи бўлиб қолганди. Томошабинлар унга қараганлари сари тобора кўпроқ завқ қилишарди. Керри сахнада яратган ажиб ва завқли мухит қаршисида барча бошқа ролларнинг нархи тушиб кетганди. Керрининг энди катта муваффақият қозониши режиссёрга ҳам, труппадагиларнинг барчасига ҳам равшан эди.

Газеталардаги танқидчилар Керрининг муваффақиятига яқун ясашди. Ҳамма газеталарда комедия ҳақида бошдан оёқ мақтовдан иборат катта-катта мақолалар чиқиб, Керрининг номи жуда кўп марта тилга олинди. Мақолаларнинг барида унинг ижросидаги кишини завқлантирувчи қувноқлик уктириб ўтилди.

Бир театр танқидчиси «Ивнинг уорлд» газетасида чиққан мақоласида шундай деб ёзганди:

«Мисс Маденда — ҳозирги замон водевилининг энг яхши актрисаларидан биридир. Унинг ўйини ўзида ҳеч нима даъво қилмайдиган осойишта қувноқликни жо қилган бўлиб, кишини яхши винодай сархуш қилади. Унинг роли, афтидан, асосий роль сифатида яратилмаган, наники мисс Маденда сахнада кам кўринади. Бироқ ўз ихтиёрлари ўзларида бўлган томошабинлар бу масалани ўзларида хал қилиб қўя қолдилар. Кичкинагина квакер хоним сахнада кўринган дастлабки дақиқадан бошлаб оқдир иродаси билан томошабинларнинг сеvimли арзандасига айланди қўйди. Шунинг учун ҳам барча олқишлар унга аталганлиги ажабланарли эмасдир...»

Кечки газеталардан бирининг танқидчиси зўр гап топишга уриниб тақризини шундай тамомлаганди:

«Мабодо куламан десангиз Керрининг хўмрайишини кўринг!»

Буларнинг бари Керрининг мартабасига шунақанги кучли таъсир қилдики, асти қўяверасиз. У эртасига эрталаб режиссёрдан табрик хати олди.

«Сиз бутун шахарни мафтун этдингиз! — деб ёзганди у. — Мен сиздан ҳам, ўзимдан ҳам хурсандман.»

Комедия муаллифи ҳам Керрига хат юборди.

Керри кечқурун спектаклга келганида режиссёр у билан мулойимгина саломлашиб деди:

— Мистер Стивенс (муаллифнинг исми шарифи шундай эди) сизга жажжигина қўшиқ тайёрлапти, келаси хафтадан бошлаб уни айтасиз.

— Ашула айтолмайман-ку, — деди Керри эътироз билдириб.

— Хеч қийин жойи йўқ! Стивенс, қўшиқ жуда содда, уни сиз бемалол эплайсиз деяпти.

— Жоним билан уриниб кўраман, — деди Керри.

— Кийингунингизча кабинетимга марҳамат қилиб бир кирсангиз, — деб қолди театрнинг директори. — Сиз билан гаплашиб олишим керак.

— Маъкул, — деди Керри.

Керри директорнинг кабинетига кирганида у битта қоғозни олиб дарҳол гап бошлади:

— Билсангиз, сизни хафа қилмоқчи эмасмиз. Биз билан тузган шартномангиз уч ой мобайнида сизга хафтасига фақат ўттиз доллардан тўлашимизга ҳуқуқ беради. Шартномани бир йилга чўзишни шарт қилган ҳолда сизга хафтасига бир юз эллик доллар таклиф қилсам нима дейсиз?

— О, мен розиман! — деб жавоб берди Керри қулоқларига ишонмай.

— Ундай бўлса, қўл қўйинг.

Керри шундан кейин олдидаги шартнома қоғозига қўл қўйди. Шартнома қоғози худди илгаригисининг ўзи бўлиб, фарқи фақат маошнинг рақами билан муддатида эди. Керри исмини унга ёзаркан, хаяжонланганидан қўли титрарди.

— Хафтасига юз эллик доллар! — деб гўлдиради у ёлғиз ўзи қолганида.

Керри бу маблағнинг бутун қудратини ўзича аниқ тасаввур эта олмас ҳам, бундан буён кўп жойларга етажигини фахмлаб турарди.

Герствуд бўлса бу вақтда Бликер кўчасидаги учинчи разрядли меҳмонхонада Керрининг муваффақиятлари ҳақидаги мақолани ўқиб ўтирарди. Олдинига у гап ким тўғрисида кетаётганлигини билолмади ҳам. Бироқ буни бирдан фахмлаб қолгач, мақолани қайта бошдан яна ўқиб чиқди.

— Ҳа, бу ўша бўлса керак! — деб кўйди у овозини чиқариб.

У шундан кейин меҳмонхонанинг искирт вестибюлига кўз ташлади.

«Начора, унинг омади келибди!» — у шуни кўнглидан ўтказаркан, кўзи олдида илгари ўзи кўрган дабдабали нурафшон олам бир лаҳза жамол кўрсатди; чироқлар, безаклар, фойтонлар, гуллар кўз ўнгидан ялт этиб ўтди. Ҳа, Керри чор-атрофи юксак девор билан ўралган шаҳарга кириб олганди-да! Бу шаҳарнинг ҳашамдор дарвозалари очилиб, мунгли ва совуқ олам кўйнидаги Керрини ичкарига олганди. Керри энди Герствудга ўзи бир вақтлар таниган-билган номдор сиймолар сингари қўл етмасдай туюларди.

— Айшини сураверсин! — деб кўйди Герствуд. — Мен уни безовта қилмайман.

Бу — эзилгани ва топталганига қарамай, ҳамон буюкмаган мағрур қалбнинг қарори эди.

XXXXIV б о б

МУЎЖИЗАЛАР ЮРТИДА ЮЗ БЕРМАДИ БУ. ОЛТИН ҲАМ БАС КЕЛА ОЛМАЙДИГАН НАРСА

Керри директор билан қилинган суҳбатдан кейин сахна орқасига қайтиб кирганида ўзига алоҳида пардозхона ажратилгани маълум бўлди.

— Мана шу сизнинг хонангиз бўлади, мисс Маденда, — деди унга хизматчилардан бири.

Керри энди бошқа бир актриса билан бирга баҳам кўрадиган каталакдай хужрасига бир неча зинадан кўтарилиб чиқмасди. Унга анчагина кенг ва ҳамма қулайликлари бўлган яхшигина пардозхона ажратилган бўлиб, бунақаси бериқоқ актрисаларнинг тушларига ҳам кирмасди. Керри роҳатланиб нафас олди. У бу нарсаларни ҳозирча жисман сезиб турганидан аклини ишлатишга деярли навбат келмаганди. Нафсиламбирини айтганда, у умуман ҳеч нимани хаёлига келтирмасди. Ҳозирча унинг жони билан вужуди ором олиб, роҳат қиларди.

Керрига қилинаётган хушомадлар аста-секин кучини кўрсатганидан труппасидаги мавқеини ўзи ҳам сеза бошлади. Энди унга ҳеч ким буйруқ бермас, одамлар мулозаматни ўрнига қўйиб ундан «илтимос қилишарди.» У

томоша охиригача эгнидан тушмайдиган одмигина бўз ранг кўйлагиди сахнага чиққанида труппанинг бошқа аъзолари унга хавас билан тикилишарди. Илгари уни оёғининг учи билан кўрсатадиганлар энди тўкнаш келганда сирли жилмайиб кўйишар, гўё бу билан: «Биз ҳамма вақт дўст эдик-ку», — демоқчидай кўринишарди. Биргина Керрининг касри билан ролининг нархи анча пастлаб кетган биринчи қизиқчигина совуқ муомала қилиб, яқинига йўлатмасди. Бошқача қилиб айтганда, у тарсаки туширган кўлни ўнишдан бош торгарди.

Керри ўзининг кичкинагина ролини бажариб юраркан, олқишлар фақат ўзига қаратилганлигини аста-секин тушуна бошлади. Бу эса уни беҳад қувонтирарди. Бирок у негадир ўзини гуноҳкордай сеза бошлади. Нега деганда, бунчалик эъозларга ўзини гўё муносиб эмасдек ҳис этарди. Сахнадош шериклари ўртага олиб қолишганда уялибгина қулиб тураверарди. Актёрларга хос бўлган виқор ва кекқайиш унга ёт эди. Ўзини баланд олиб юриш мутлақо хаёлига келмасди. У сира ҳам ўзгармаганди.

Керри спектаклдан кейин театр маъмурияси бирки-тиб кўйган фойтонда Лола билан бирга уйга қайтди.

У шундан кейинги ҳафтада муваффақиятнинг дастлабки самаралари завқини сура бошлади. Шу чоққача кўли шунча долларни кўрмаганлиги арзимаган бир нарса! Унга шундай ҳам ишонаверишарди. Унга одамлардан энди хатлар ва визит карточкалари кела бошлаганди. Қаёқдандир адресини билиб олган ва етти ухлаб тушига ҳам кирмаган мистер Уизерс деган одам мулойимлик билан эгилиб-букилиб хонасига кириб келди.

— Мени маъзур тутасиз, киришга журъат қилдим. Сиздан квартирангизни янгилаш ниятингиз борми деб сўрамоқчийдим.

— Йўқ, бунга ўйлаб кўрганим йўқ, — Керри соддадиллик билан жавоб қилди.

— Мен, билсангиз, Бродвейдаги янги меҳмонхона «Веллингтон»нинг вакилиман. Сиз у ҳақда газеталарда ўқиган бўлсангиз керак.

Керри чиндан ҳам кейинги пайтларда зўр ресторани билан донг таратган янги меҳмонхона ҳақидаги гапларни эшитганди.

— Бўлмаса шундай, — деди мистер Уизерс гапида давом этиб, — бизда ҳозирда бир неча жуда қулинг ўргилсин номерлар бор. Мабодо сиз ёзда қаерда туриш

хусусида бир тўхтамга келмаган бўлсангиз, эътиборингизни ўша номерларга қаратишингизни истардик. Меҳмонхонамиз ҳар жихатдан мукамал: иссиқ сув, ҳар бир номерда алоҳида ванна, қўл-оёғи чакқон хизматчилар, талай лифтлар ва шунга ўхшаш нарсаларнинг ҳаммаси мухайё. Ресторанимизга келганда эса, менимча, унинг таърифини эшитган бўлсангиз керак.

Керри мистер Уизерснинг сўзларини унга бамайлихотир тикилиб ўтириб тингларкан, ичида, бу одам мени миллионер аёл деб ўйлаётган бўлса керак, дерди.

— Сизда нарх-наволар канақа? — деб сўради у ниҳоят меҳмонхона вакилидан.

— Мен сиз билан худди шу ҳақда гаплашмоқчийдим, — жавоб қилди мистер Уизерс. — Биздаги одатдаги нархлар кунига учдан эллик долларгача.

— Тавба! — деб юборди Керри. — Мен жуда-жуда хоҳлаганимда ҳам бунча пулни тўлашга қурбим етмайди.

— Гашингизга жуда яхши тушунаман, — жавоб қилди мистер Уизерс. — Бироқ иш канақалигини тушунтиришимга рухсат этгайсиз. Мен бу бизнинг одатдаги нархларимиз дедим, бироқ бошқа ҳар қандай меҳмонхоналар сингари «Веллингтон»нинг ҳам нархи айрича номерлари бор. Сиз буни хаёлингизга келтирмаган бўлишингиз ҳам эҳтимол, бироқ сизнинг меҳмонхонамизда туришингизнинг ўзи бизга катта гап.

— А! — деб юборди Керри ганнынг нимадалигини тушуниб.

— Албатта-да! Ҳар бир меҳмонхонанинг обрўси унда турувчи кишиларга боғлиқ. Машҳур актриса, — мистер Уизерс шунда мулойимгина таъзим қилганди, Керри қизариб кетди, — меҳмонхонага одамларнинг эътиборини қаратади — гарчи сиз бунга ишонмасангиз ҳам — яхши меҳмонларни тортади.

— Шундай, шундай! — деб қўйди Керри меҳмоннинг таклифини хаёлида ўзича чамалаб кўраркан, паришон холда.

— Шундай қилиб, биз меҳмонхонамизга кўчиб ўтишингизни истар эдик, — мистер Уизерс юмшоқ шляпасини қўлида айлантириб ва ялтироқ ботинкасининг учини полга уриб гашида давом этди: — Нарх сизни истихолода қолдирмаслиги керак. Очиғини айтсам, бу ҳатто гапириб ўтиришга ҳам арзймайди! Ёзги пайтда ҳар канақа нарх ҳам тўғри келаверади. Ўзингизга малол келмайдиган битта нархни айтсангиз бўлгани.

Керри унинг гапине бўлмоқчи бўлудви, бироқ мистер Уизерс унга оғиз очирмай гапида давом этди:

— Сиз меҳмонхонага бугун ё бўлмаса эртага кириб ўтсангиз бўлади. Қанча тез бўлса, шунча яхши албатта. Биз деразаси қўчага қараган хоҳлаган номерни ихтиёрингизга берамиз.

— Илтифотингиз учун раҳмат, — жавоб берди Керри. — Меҳмонхонангизда туришдан хурсандман, бироқ мен ҳақини тўлаб туришни истардим. Менинг унақага тобим...

— Бундан хавотир олмай қўя қолинг, — мистер Уизерс унинг гапине бўлди. — Менга ишонинг, бу масалани ўзимиз шундай ҳал қиламизки, сиз жуда ҳам хурсанд бўласиз. Кунига уч доллар сизга унча оғирлик қилмайдимиз? Хўш, бизга ҳам жуда-жуда етарли. Сиз хафтанинг ёки ойнинг охирида, хуллас, ўзингизга қулай вақтда клеркка шуни тўлайсиз-у ундан одатдаги нарх бўйича тўла-тўқис ҳисоб-китоб қилдим, деб тилхат олиб кетаверасиз.

Мистер Уизерс жавоб кутиб, жим қолди.

— Бўлмаса эртага хоналарни кўргани кириб ўтасизми? — мистер Уизерс Керрининг иккиланиб қолганини кўриб қўшимча қилди.

— Мен жон деб кирардим у бугун эрталаб репетиция бор-да, — жавоб берди Керри.

— Мен бўлсам ҳозир борасиз, деб ўйлабман. Майли, ўзингизга қулай бўлган пайтда кириб ўтинг. Эҳтимол, бугун куннинг иккинчи ярмида кирарсиз?

— Яхши, — Керри рози бўлди.

Керри шу лахзада уйда йўқ бўлган Лолани бирдан эслаб қолди.

— Бутунлай хаёлимдан кўтарилибди, — деди Керри. — Менинг битта дугонам бор, мен каерда бўлсам, у ҳам ўша ерда туради.

— О, марҳамат! — мистер Уизерс жон деб рози бўлди. — Ким билан бирга туришни ўзингиз ҳал қилаверасиз. Биз сизни кўнглингиздагидай қилиб жойлаштириб қўямиз.

Мистер Уизерс икки букилиб таъзим қилиб, эшик томон чекилди.

— Демак, биз сизни тўртларда кутсак бўладими?

— Ҳа, — жавоб қилди Керри.

— Мен меҳмонхонада бўламан, хоналарни ҳам ўзим кўрсатаман, — мистер Уизер шундан кейин хонадан чикди.

Керри репетициядан кейин буларнинг барини Лолага гашириб берди.

— Ростданми? — хитоб қилди Лола. — Жуда зўрку! О, қандай ажойиб! Жуда ҳам қиёмат меҳмонхона-да! Бир бир марта унда ўтиргандик, эсингдами?

— Ха, эсимда, — жавоб берди Керри.

— Бундай зўр бирорта меҳмонхонани тасаввур қилиш ҳам қийин!

— Унақа бўлса спектакль бошлангунча бориб келайлик, — деди Керри.

Мистер Уизерс иккинчи каватдаги ваннаси бўлган учта хонани таклиф қилди. Хоналар шоколад ва тўқ қизил рангга бўялган бўлиб, гилам, дарнардалар ҳам уларга монанд эди. Учта дераза гавжум Бродвейга, учтаси ён томондаги кўчага караганди. Номерда иккита зўр қилиб безатилган ва ўрнига қўйиб жихозланган иккита ётоқ ва меҳмонхона бор эди. Меҳмонхонада концерт рояли, даб-дабали қандил, ёзув столи, бир неча шинамгина тебратма стул бўлиб, деворга қўйилган жавонларда ҳар хил майдачуйда безаклар кўринадди. Деворларга расмлар осилган, диванларга болишлар ташлаб қўйилганди. Бунақа хоналар одатда ҳафтасига юз доллар турарди.

— О, қандай кўркам! — деб хитоб қилди Лола дугоналар ҳамма хоналарни айланиб чиққанларидан кейин.

— Ха, бу ерда яхши! — Керри шундан кейин тўр пардани кўтариб одам қайнаб ётган Бродвейга қаради.

Ваннахонанинг деворлари оқ кошиндан қилинган бўлиб, ваннанинг ўзи мрамрдан ясалган, деворда катта кўзгу кўринар, уч ерда электр чироқ осиб турарди.

— Бу сизга ёқадими? — деб сўради мистер Уизерс.

— Жуда ҳам, — жавоб қилди Керри.

— Ундай бўлса мана шу хоналар сизники, қачон келсангиз ихтиёрингиз. Кетаётганларингизда калитини берамиз.

Керри гилам солинган коридор, мрамр вестибюлга ва яхшилаб безатилган қабулхонага разм солди. Бундай гўзал ва шинам жойни фақат тушдагина кўриш мумкин эди.

— Нима дейсан, тезроқ кўчиб кела қолсакмикин? — Керри Ўн еттинчи кўчадаги ғарибгина хонасини эслаб жилмаяркан, Лолага шундай деб таклиф қилди.

— Бўлмаса-чи! — Лола шу заҳотиёқ рози бўлди.

Эртаси куни уларнинг сандиқлари янги жойга жўнатилди.

Орадан бир неча кун ўтгач, Керри эргалабки спектаклдан кейин кийинаётганида пардозхонаси тақиллаб қолди.

Керри дастёр бола узатган қоғозга қараркан, ногаҳон чўчиб кетди.

— Бориб айтинг, мен ҳозир чиқаман, у шундай деди-да, кейин яна қоғозга кўз ташлаб, секингина қўшиб қўйди: — Миссис Вэнс!

— Э, сиз алдамчини қаранг-а! — деди миссис Вэнс бўм-бўш сахнадан ўзига қараб келаётган Керрини кўриши билан. — Бу қанақаси бўлди ўзи?

Керри шўхчан қулиб юборди. Унинг собиқ ўртоғи сира ҳам хижил бўлмасди. Буларни кўрган одам дугоналар бир тасодиф бўлиб анча вақт кўриша олмабдиларда, деб ўйлаши мумкин эди.

— Менинг ўзим ҳам билмайман, — деб жавоб берди Керри чиндан ҳам яхши бўлган бу гўзал аёлга яна меҳри товланиб.

Якшанбадаги газетада суратингизни кўриб қолиб, дарров танисам-а. Тахаллусингиз эса мени жуда ҳам қалғитиб юборди. Мен бу ё сиз, ё бўлмаса сизга қуйиб қўйгандай бошқа аёл, деган фикрга келдим. Кейин: «Бориб ўзим билиб кела қолай!» — дедим. Мен умримда бунақа ҳайрон қолмагандим! Хўш, аҳволларингиз қалай?

— Раҳмат, яхши, — жавоб берди Керри. — Ўзингизчи?

— Жуда яхши... Ё тавба, жуда ҳам зўр бўлиб кетдингиз-ку, айланай! Жуда ҳам зўр! Газеталар ҳеч сиздан бўшамайди-я. Димофингиз ҳам жуда кўтарилиб кетган бўлса керак! Бу ерга келишга чўчидим ҳам.

Э, бунақа гапларни қўйсангиз-чи! Керри ҳатто қиш-қизариб кетди. — Сизни кўрсам доим хурсанд бўлишимни биласиз-ку.

— Нимаики бўлганда ҳам мен барибир сизни қидириб топардим. Кечки овқатни бизникида қила қолинг. Қаерда турибсиз ҳозир?

— «Веллингтон» меҳмонхонасида, — Керри жавоб бераркан, овози беихтиёр мағрурроқ чиқди.

— Шундай денг! хитоб қилди миссис Вэнс. Меҳмонхонанинг номини эшитибоқ унинг бўлари бўлганди.

Миссис Вэнс Керри билан бирга бўлганидан Герствуд ҳадеб эсига тушаверса ҳам, одоб сақлаб Герствудни сўрамади. У Керрининг Герствудни ташлаб кетганига шубҳа қилмасди. Буни тушуниш қийин эмасди.

— Раҳмат сизга, бироқ афсуски, бугун ноиложман, — Керри ўртоғининг таклифига кўнмади. — Бугун вақтим жуда зик. Етти яримда театрга қайтишим керак. Тушликни бирга қилсак нима дейсиз?

— Бошим жуда осмонга старди-я, аммо иложим йўқ, — жавоб берди миссис Вэнс Керрига ютоқиб тикиларкан. — Уйга олтида қайтаман, деган ваъдам бор.

Миссис Вэнс кўкрагига қадаб қўйилган миттигина соатига тезгина кўз ташлади-да, қўшиб қўйди:

— Кетай энди. Қачон бизларникига борасиз, бу гап кўнглингизда борми ўзи?

— Хоҳлаган пайтингизда, — деди Керри.

— Унака бўлса эртага, хўпми? Биз «Челси» меҳмонхонасида турамиз.

— Яна кўчдингларми? — Керри кулги аралаш хитоб қилди.

— Ҳа, буни қаранг-а! Бир жойда ярим йилдан ортиқ туролмайман. Эсингиздан чиқарманг: сизни беш яримда кутаман.

— Яхши, эсимда туради, — деб қўйди Керри. У ўртоғининг кетидан анчагача қараб турди.

Керрининг хаёлидан ижтимоий пиллапояда бу аёлдан пастда эмас, балки баландроқ тураман, деган фикр ялт этиб ўтди. Миссис Вэнсинг ўзини тутишлари ва айланиб-ўргилишидан Керри энди баландроқдан келаверсам бўлар, деган хаёлга ҳам борарди.

«Казино»нинг дарбони худди кечагидай бугун ҳам бир неча хат тутқазди. Хатлар биринчи спектаклдан бошлабоқ кела бошлаганди. Керри уларда нима ёзилганини ўқимасданоқ биларди. Ишқий мактублар артистларга янгилик эмасди-да. Керри бунақа хатни кичкина қизча эканида Колумбия-ситида олганлигини эслади. Кордебалетда чиқа бошлаганидан кейин эса унга кўплар хат ёзиб учрашайлик деб илтижо қилишар, хуллас, хатлар Лола Осборн икковига яхшигина эрмак эди.

Хатлар эндиликда дасталаб келарди. Катта бойлик орттирган жентельменлар ундоқман-бундоқман, деб оғиз кўпиртирганларида фэйтонлари билан зотли отлари ҳам четда қолмасди. Мана шунақа хатлардан бирида шундай дейилганди:

«Менинг миллион доллар нақд пулим бор. Кўнглингиз нимани тиласа, барини муҳайё қиламан. Оғзингиздан чиққани бажо бўлади. Бу гапларни пулим билан мақтаниш учун эмас, балки Сизни севганимдан ва хар

бир истагингизни адо этмокни бахт деб билганимдан айтяпман. Ёлғиз мухаббатгина мени ёзишга ундайти. Ҳис-туйғуларимни шахсан ўзим баён этмоғим учун ярим соат вақтингизни мен учун ажратолмайсизми?»

Керри Лола Осборн билан Ўн еттинчи кўчада бирга турган вақтида келган хатларни «Веллингтон» меҳмон-хонасининг ҳашаматли хоналарига кўчиб ўтганидан сўнг ола бошлаган хатларига нисбатан зўр иштиёқ билан ўкиб чиқарди. Одамларнинг мулозамат қилишлари Керрига албатта хуш келар, шундай бўлса ҳам, у олдинги ахволи билан ҳозирги мавқеи ўртасидаги тафовутни жуда ҳам яхши тушуниб турарди. Илгари Керрида шон-шуҳрат ҳам, пул ҳам йўқ эди. Энди эса униси ҳам, буниси ҳам озми-кўпми бор. Илгарилари у хушомад нималигини билмас, ҳеч ким унга ишқини изҳор этмасди. Энди эса ҳамма унга парвона бўлиб, дил дафтарини варақлашга тушарди. Нима гап ўзи? Керри, эркаклар дабдурустдан уни жуда ҳам дилбарсиз, деб аташаётганини ўйларкан, жилмайиб кўярди. Бунақа гаплар уни янада совук ва локайд қилиб кўяётганди.

— Бу ёққа кел-чи, — деди у Лолага. — Манави одам нималарни ёзганини кўргин!

Керри шундан кейин хумор билан ўкиди:

— «Мен учун ярим соат вақтингизни ажратолмайсизми...» Топган гапларини қара-ю? О, эркаклар аҳмоқ бўлади-да!

— Хатига қараганда, бир дунё пули борга ўхшайди, — деб қўйди тадбиркор Лола Осборн.

— Ҳаммалари шу билан мақтанишади! — Керри унинг гапига қўшилмади.

— Уни чақриб гаплаша қолсанг нима қилади? — Лола соддадиллик билан гапида давом этди: — Нималар демокчилигини бир эшитиб кўр-чи.

— Кўзим жуда учиб турибди-да ўзи! — Керрининг жахли чиқди. — Унинг кўнглидагини жуда яхши билман. Менимча, биров билан бунақа тарзда танишишнинг ҳеч қанақа завқи бўлмайди.

Лола шўхчан чақнаётган кўзларини унга бакрайтирганича колганди.

— Нима, у сени еб кўярмиди? — деб хитоб қилди у. — Бир эрмак бўларди-да.

Керри эса бош чайқади.

Толе Керрига киё бокиб, бошидан зар ёғдира бошлаганди. Керри ўзининг оширилган маошини олмаган бўлса

хам, бутун олам истаганингча қарз олавер, деяётганидан мамнундай кўринарди. Гарчи Керрининг кўлида нақд пули бўлмаса ҳам, у фақат бойларгагина насиб бўлган дабдабалар завқини сурарди. «Веллингтон»даги номернинг унга насиб қилгани жуда ҳам зўр бўлди-да! Эрхотин Вэнсларнинг «Челси» меҳмонхонасидаги хашаматли номери ҳам доимо унинг хизматига тайёр эди. Эркаклар гул ва ишқий мактублар юбориб, нукул оғиз солишадди. Керрининг бошида минг хил ўй ғужғон ўйнарди-да... У сабрсизлик билан биринчи маошини кутарди. Бир юз эллик доллар! Ёпирай. Бир юз эллик доллар-а! Бу маблағ унга ҳамма эшикларни бараварига очиб юборадиган қандайдир сеҳрли калитдай туюларди. Шунинг учун ҳам Керри бу пулига оладиган нарсаларини хаёлан кўз ўнгига келтирарди. Хаёли ҳам ҳеч тутқич бермасди. Бу жаҳонда бўлмаган нарсалар кўз ўнгига келарди-да. Ниҳоят кутилмаган кун ҳам етди. Бир юз эллик доллар унга — учта йигирма олтита ўн ва олтита беш долларли қилиб тўланди. Буларнинг ҳаммаси йиғилганда бир даста бўлди. Кассир ҳам бу пулни сирли жилмайган холда узатди.

— Мархамат, мисс Маденда! — деди у. — Бир юз эллик доллар.

— Миннатдорман, -- жавоб қилди Керри.

Керридан кейин кассирга берирок актрисалардан бири яқин келди. Шунда Керрининг қулогига кассирнинг бутунлай бошқача овозда, ҳатто кескин қилиб:

— Қанча оласиз? — деб сўрагани кирди.

Керрининг ўзи ҳам куни кеча арзимаган маошини оламан, деб мана шунақа навбат кутиб турарди. Хаёли уни этикдўзлик устахонасида ҳафтасига тўрт ярим доллар олиб юрган қунарига олиб кетди. Мастер ўшанда маош солинган конвертларни гўё ўлар ҳолатга етган арзғўйларга саховат қилаётган шахзодадай улашарди. Керри ҳозир ҳам Чикагодаги ўша фабрика залида хароб кийинган қизлар қатор ўтиришиб, машиналарни чиқиллатишаётганини ва тезроқ бир нима ютиб олиш учун тушки танаффусни сабрсизлик билан кутишаётганини биларди. Улар шанба куни арзимаган маошларини олишадди. Бу маошларини улар Керрининг юз эллик долларига нисбатан минг азоблар билан топишарди. О, энди Керри кўлини қайга узаса етар, олам унга пурафшон ва осойиштадек кўринарди! Керри азбаройи тўлқинланиб кетганидан нима қилишини бафуржа ўйлаб олмоқ учун меҳмонхонага қайтишга мажбур бўлди.

Одамнинг хоҳиши туйғулар гирдобидан чиқа олмаса, пул ўзининг ожизлигини кўрсатади қўяди. Керри оладиган пулига ўрганди дегунча уни сарф қилиш йўлини бутунлай билмаслигига ишонч ҳосил қилди. Пуллари сийпалаб ва ҳар томондан томоша қилса бўладиган ҳар қандай буюм сингари унга бир неча кун эрмак бўлди-ю, бироқ у ҳам охири меъдага урди. Меҳмонхонага кетадиган пул айтишга ҳам арзимас, кийим-бошлари етарли, бунинг устига беш-олти кундан кейин яна бир юз эллик доллар олиши керак.

Бир куни Керрининг хузурига театр танқидчиси кириб келиб, интервью олмоқчи бўлди. Бу танқидчи — таъриф-тавсифи хўп келтирилиб, журналистнинг ақллилиги, маълум ва машҳур санъаткорнинг бўрттириб кўрсатиладиган, умуман, томошабиннинг кўнглини хушлайдиган фельетонларнинг муаллифи эди. Керри танқидчига маъқул келди. Маденда албатта яхши, кўркем ва оққўнғил, бироқ унинг шунчаки омади келган, деб қистириб ҳам кетди. Бу эса Керрига жуда алам қилди. Ундан кейин эса бир ёш драматург пьесасини кўтариб келди. Унинг фикрича, бу асар Керрига бопта эди, бироқ Керри таклиф қилинаётган асарга баҳо беришга ожиз эди. Унга алам қилди. Керри хали тўлиқ бахтнинг эшикларини топмаганлигини билиб турарди.

У бора-бора нарсалардан кўнглим тўлмаётганига ёз фасли сабабчи бўлса керак, деб хаёл қила бошлади. Шаҳарда кизикарли ҳеч нарса йўқ эди. Театрларда кетаётган ҳамма спектакллар ўзи ўйнаётган спектакль қатори эди. Актёрлар келгуси мавсумдаги тирикчилик учун иш кидириб Бродвейда саланглаб юришарди. Шаҳарда ҳамма тинчиб қолган, кечкурунлари эса Керри ишда банд эди. Буларнинг бари уни зериктириб, юрагини сиқарди.

— Ўзимни бунчалар ёлғиз сезаётганимни нима билан изоҳласа бўлади? — деди у бир куни Лола билан гаплашиб ўтирганида. — Сен-чи, Лола? Сенам ҳеч зерикасанми?

— Йўқ, — жавоб берди Лола. — Ҳар қалай зериккан вақтларим оз бўлди. Сен ҳеч ерга бормайсан — ҳамма бало шунда!

— Қаёққа ҳам бора олардим? — деди Керри.

— О, борадиган жой қуриб қоптими! — хитоб қилди Лола. У ўша заҳоти шўх йигитлар даврасига айш қилишни хаёлига келтирганди. — Биров билан учрашай демасанг.

— Менга мана бунақа ахлоқона хатлар ёзадиганлар билан сира ҳам учрашишни истамайман, — жавоб қилди Керри. — Улар қанақалигини жуда яхши биламан.

— Сени ҳеч тушунолмайдан-да, Керри! — деди Лола дугонасининг иши гуркираётганини ўйларкан. — Сен зерикмаслигинг керак. Мингларча одам сендай бўлиш учун йилларча заҳмат чекишлари керак бўларди.

Керри кўчадан ўтиб бораётган сон-саноксиз одамларга қараб анча вақт индамай ўтирди.

— Хим! Очиғи, билмайман, — у шундай ғўлдираб қўйди.

Ўйга чўмиб ўтириш учун чаккасига тега бошлаганди.

XXXXV б о б

ҚАШШОҚЛИК ҲУНАРЛАРИ

Герствуд ёнидаги етмиш доллар билан (сотилган мебелнинг пули шунча бўлганди) кўчиб ўтган жайдари меҳмонхонада қовоғидан қор ёғиб ўтирар ва газета ўқиб, иссиқ ёз, салқин куз қандай ўтаётганини кузатарди. Шундай бўлса ҳам, у ёнидаги пул камайиб бораётганига бе-парво қарамасди. Аввалига меҳмонхонага қунига ярим доллардан тўлаб турди, кейин эса ваҳимага тушиб, арзонроқ жойга ўтди. Энди у ётиб юргани учун ўттиз беш цент тўларди. Шу кетишда пули анча-мунчага етарди. У Керрининг муваффақиятлари ҳақида газетада тез-тез ўқиб турарди. Керрининг сурати икки марта «Уорлд»да чиқди. Герствуд меҳмонхонадан «Геральд»нинг эски бир сонини тошиб олувди, Керрининг бошқа машҳур сахна усталари билан бирга иона спектаклда қатнашганлигини ўқиб билди. Газетадаги ҳар бир мақолада зикр этилгани сари Керри Герствуд назарида ажойиб ва қўл етмас олам томон тобора олислашарди. Герствуд Керрининг афишалардаги квакерлар либосидаги камтарин ва сўлим холда тасвирланган суратларини кўрар, бот-бот тўхтаб унинг гўзал чехрасига маъюс тикилиб қоларди. Устидаги ночор костюми ва турки-таровати хаёлидаги Керри билан ўзининг орасида осмон билан ерча фарқ борлигини кўрсатиб турарди.

Герствуд Керри «Казино»да ишлаб турганида гарчи у билан учрашишни хаёлига келтирмаган бўлса ҳам, ёлғизлиги ҳеч сезилмасди. Орадан бир-икки ой ўтди. Керри

бўлса ҳамон ўша театрда ишларди. Герствуд бунга кўни-киб кетганидан бу ёғи умрбод шундай кетаверади, деб ўйларди. Бироқ труппа сенябрда сафарга жўнаб кетиб, Герствуд бундан беҳабар қолди. Ёнида бор-йўғи йигирма доллар пули қолганида у Бауэридаги ётоққа ўтди. Бу ерда ўн беш цент эвазига туновчиларга стол, курси ва стуллари бўлган каттакон хонадан жой бериларди. Герствуд ана шу ерда пинакка кетиб, соатларча ўтмишини ўйлаб ўтирарди. Бу аста-секин унга одат бўлиб қолди. Ўтмишдаги кунларини аввалига у тушида эмас, ўнгида кўраётгандек бўлар, гўё Чикагода кечган кунларининг садосини эшитарди. Тирикчилигининг мазаси қоча боргани сари, кечмиш кунлари кўзига янада ёркинроқ ва яхлитроқ кўринарди.

Герствуд бошидан кечган кунларни ўнгида кўришга қанчалик одатланиб қолганини бир куни эски ошналари-дан бирига овозини чиқариб гашириб юборганида сездди. Эмиш, у ҳашаматли «Фицджеральд ва Мой» майхонаси-даги ўхшатиб безатилган мўъжазгина кабинетининг эши-гида мистер Моррисон билан у катта пул қўшмоқчи бўлган мулкнинг нарх-навосини гаплашиб турганмиш.

«Сизга шерикчиликни таклиф қилсам нима дейсиз?» — мистер Моррисоннинг овози жаранглади.

Шунда Герствуд овозини чиқариб гапириб юборди:

— Йўқ, ноиложман. Пулимни бир ишга қўшганман.

Герствуднинг лаблари қимирлаганидан кўзи очилиб кетди. Нахотки ўзи билан ўзи гаплашган бўлса? У яна бир сафар ўзи гапириб юборганини эшитганида бунга ишонч ҳосил қилди.

— Нимага сакрамаяпсан, аҳмоқ? Сакрасанг-чи!

Герствуд бу қизиқ латифани актёрлар билан улфатчилик қилган пайтларида кўн айтганди. Герствуд ўзининг овозидан уйғониб кетганида хали ҳам жим илжайиб турарди. Ёнида ўтирган бир чол тинимсиз гимиллаб, унга ёзғиргандай қаради. Герствуд лахзада ўзини йиғиштириб олди, наинки жуда ҳам уялиб кетганди. Ноқулай аҳволда қолгани учун ўрнидан қўзғалиб, кўчага чиқди.

Герствуд кечки газеталардан биридаги театр эълонларига кўз югуртираркан, ногаҳон «Казино»да бошқа пьеса кетаётганини пайқаб қолди. У чўчиб тушди. Демак, Керри театрда йўқ! У Керрининг сурати бор афишани куни кечагина кўрганини эслади. Демак, у эски афиша бўлиб, устидан янгисини ёништиришга улгуришолмаган экан-да! Ниманки бўлсаям бу янгилик уни

каттиқ хаяжонга солди. Зеро, хаёт-мамоти Керрининг Нью-Йоркда бўлишига боғлиқлигига иқроп бўлди-да. Мана энди Керри йўк! Герствуд қандай қилиб ғафлатда қолди? Қачон қайтишини худонинг ўзи билади! Герствуд ваҳимада қолганидан биров кўрмасин, деб қоронғироқ дахлизга ўтиб, пулини санади. Энди ҳаммаси бўлиб ўн доллари қолганди.

У мана шу маскандаги бошқа одамлар нима тирикчилик қилишаркин, деб ўйга толди. Очиғини айтганда, улар ҳеч нима қилишмасди. Эҳтимол улар садақа сўрашар. Ха, шундай қилишарди ҳам. Герствуд шу чокқача бундай одамларга анча-мунча кумуш тангани бериб кетганди. Одамлар кўчаларда тиланчилик қилишларини кўрганди-да. Начора, эҳтимол ўзи ҳам шундай қилиб, бирор нарсаги бўлар? Аммо буни ўйлаганида юраги орқасига тортиб кетарди.

Герствуд ёнида то эллик цент пули қолмагунча ётоқхонадан қимирламади. У ҳар бир центни ҳисоблар, ўзини овқатдан тортиганидан озиб-тўзиб кетган, соғлигининг ҳам жуда мазаси қочган эди.

Герствуднинг аввалги тўлалигидан асар ҳам қолмаганидан, эски костюми устида хилвираб турарди.

«Нимадир қилиш керак!» — у шундай жазм қилиб, шаҳар айланиб кетди. Бир кундан сўнг, ёнида атиги йигирма центи қолди. Бу пули ҳатто нонуштасига ҳам етмасди. У бутун дадиллигини ишга солиб, «Бродвей-Сентрал» меҳмонхонасига йўл олди. Бироқ меҳмонхонага етишига бир неча уй қолганида иккиланиб тўхтади.

Меҳмонхонага кираверишда баҳайбат дарбон кўчага қараб турарди. Герствуд гап сўрамоқчи бўлганидан дарбон тесқари қарашга улгурмасданоқ ёнига келиб тўхтади.

— Дўстим, — Герствуднинг овозида ҳатто ҳозирда ҳам бир вақтларда дарбонларга гапиргандаги мурувват оҳанги билиниб турарди, — меҳмонхоналарингдан менга бирорта иш топилаармикин?

Дарбон гапириб олсин, дегандай унга пинагини бузмай тикиларди.

— Мен ҳозир беишман ва пулсизман, нимаики қилиб бўлса ҳам бирорта иш топмасам бўлмайди. Бир замонларда ким бўлганлигимни айтиб ўтирмайман. Бироқ бу ерда иш топишнинг йўлини кўрсатиб берсангиз сиздан беҳад миннатдор бўлуар эдим. Бир неча кунга бўлса ҳам майлийди...

Дарбон ўзини бутунлай парвойи фалак кўрсатишга интилиб, хали ҳам чурқ этмай турарди. Бирок Герствуд яна гапирмоқчилигини кўрганидан кейин тилга кирди:

— Менга бунинг дахли йўқ. Идорадан суриштиринг.

Вожабки, бу гап Герствуднинг шаштини қайтармади.

— Узр, мен сиз биласиз, деб ўйлабман, — деди у.

Дарбон бўлса жаҳл билан бошини чайқаб кўйди, холос.

Майхонанинг собиқ бошқарувчиси идорага йўналди. Хайриятки, унда меҳмонхонанинг валломатларидан бири бор экан. Герствуд унинг тўғри кўзига тикилиб:

— Гарчи бир неча кунга бўлса ҳам менга бирорта иш тошиб бера олмайсизми? Ҳозир шунақа аҳволдаманки, дарҳол бирорта ишнинг бошини тутмасам бўлмайди, — деди.

Силлиққина жентельмен Герствудга: «Ҳа, кўринишингиздан гапингизга ишонса бўлади!» демоқчидек қаради.

— Мен бу ерга, — Герствуд жуда ҳам тўлқинланиб гап бошлади, — ўзим ҳам бир вақтлар катта даргоҳга бош қўйганим учун келдим. Ишим чаппасидан кетди. Дарвоқе, уни гапиргим ҳам келмаяпти. Ақалли бир хафтага бўлса ҳам менга бирорта иш берсангиз.

Бошқарувчи арзгўйнинг кўзлари иситмалаган одамнинг кўзидай ялтираётганини сездди.

— Қанақа даргоҳни бошқаргансиз?

— Чикагодаги «Фицджеральд билан Мой» меҳмонхонасини. Унда ўн беш йил хизмат қилдим.

— Шунақа денг? — меҳмонхона бошқарувчиси таажжубда қолди. — У ердан нима қилиб кетдингиз? — Герствуднинг усти-боши билан айтаётгандай гаплари орасида ер билан осмонча фарқ бор эди-да.

— Тентаклигимдан кетдим, — жавоб қилди Герствуд. — Энди бу гапиришга ҳам арзимаёди. Истасангиз гапимни текшириб кўрсангиз ҳам бўлади. Ҳозир эса бир чакасизман, ишонсангиз хали туз ҳам тотганим йўқ.

Меҳмонхона бошқарувчиси бу одамга бир мунча қизиксиниб қолди. У Герствудни қайга тикиштиришини билмаса ҳам унинг самимий сўзларини эшитиб турганидан беихтиёр кўмаклашгиси келди.

— Олсенни чақиринг, — деб буйрук берди бошқарувчи.

Клерк кўнғирок қилиб, дастёр болани кичик хизматчиларнинг мудирини айтиб келгани юборди.

— Олсен, — деди унга меҳмонхона бошқарувчиси, —

бу одам учун ошхонада иш-пиш топилмасмикин? Мен унга ёрдам қилсам дейман.

— Ростини айтсам, билмадим, сэр! — жавоб қилди Олсен. — Ҳамма жойларимиз тўлган. Бироқ хўп десангиз, бирорта жой топишга ҳаракат қиламан.

— Яхши, Олсен! Уни ошхонага олиб боринг. Уилсонга айтинг, аввало қорнини тўйгазсин.

— Жоним билан, сэр! — деди Олсен.

Герствуд унга эргашди. Улар идорадан чиқишлари биланоқ Олсен ўзгарди қолди.

— Жин урсин, қаёққа тиқиштираман энди буни!

Герствуд ҳеч нима демади. Бунақанги майда хизматчиларни ҳалиям назари илмасди.

— Бу одамга овқат беринг, — деди у ошхонага кириб борганларидан кейин ошпазга.

Ошпаз Герствудга бошдан-оёқ кўз ташларкан, кўзларидан бир вақтлари яхши кунларни бошидан кечирганларини ўқиб олди.

— Манави ерга ўтиринг, — у мулоғимлик билан жой кўрсатди.

Герствуд «Бродвей-Сентрал» меҳмонхонасига шу тарика бош суқди. Бироқ у жисмоний жиҳатдан ҳам, ахволрухияси жиҳатидан ҳам қора ишга ярамасди. У гўлаҳга қарашиши керак эди. Бундан ташқари, тўғри келган ишни қилар: ўтин ёрар, оғир нарсаларни таширди. Дарбонлар ва ошпазлар, гўлаҳлар ва клерклар — хуллас, ҳамма унга хўжайинлик қиларди.

Бунинг устига у индамас ва тунд бўлиб қолганидан ҳеч кимга хуш келмади. Шу вайдан ҳамма унинг жиғига тегишга ҳаракат қиларди.

Герствуд эса қайсарлиги ва лоқайдлиги билан ҳаммасига чидаш берарди. У меҳмонхонанинг чордоғида ётиб юрар, нимаики беришса, қаноат қилар, ҳафтанинг охирида қўлига тегадиган бир неча долларни сақлаб қолишга уринарди. Бироқ рамақижон бўлиб қолганидан тезда чарчар эди.

Бир куни, февраль ойида уни қандайдир бир иш билан кўмир компаниясининг идорасига юборишди. Кўчаларда қор қалин эди. Герствуднинг оёғидан сув ўтиб кетганидан, мадори қуриб, аъзойи бадани қақшай бошлади. Эртаси куни обдан мазаси қочиб, иложи борича қимирламасликка ҳаракат қилди. Бу эса имиллаганларни ёқтирмайдиганларнинг фижинини келтириши турган гап эди.

Тушдан кейин янги нарсаларга жой бўшатиш учун

бир неча яшиқни бошқа жойга ташишга тўғри келди. Герствуднинг чекига каттакон бир яшиқ тушиб қолганидан ҳарчанд уринса ҳам, уни жойидан узолмасди.

— Нима қилиясиз ўзи? — дарбон унга бакириб берди. — Кучингиз етмаяптими?

Герствуд бор кучини тўпласа ҳам, пировардида бу ниятидан қайтишга мажбур бўлди.

— Йўқ, кўтаролмайман, — деди у базўр.

Дарбон унга синчиклаб тикиларкан, рангида ранг қолмаганлигини бирдан сезиб қолди.

— Сиз касал-насалмисиз ўзи? — деб сўради у.

— Касалга ўхшайман. — жавоб қилди Герствуд.

— Унақа бўлса яхшиси ўтира қолинг.

Герствуд ўтирса ҳам кўп ўтмай баттар бўлди. У чордоқдаги жойига бир амаллаб етиб олди-да, кечгача бошини кўтара олмади.

— Анави Уилер бетоб, — деди официантлардан бири тундаги навбатчи клеркка.

— Унга нима бўлибди?

— Тўғриси, билмайман. Иссиғи баланд, — деб қўйди официант яна.

Меҳмонхона врачлари Герствудни кўрибди:

— Уни тезроқ касалхонага жўнатишлар. Ўпкаси шамоллабди, — деган гапни айтди.

Уч ҳафта деганда хавф чекинди, бироқ Герствудни майнинг бошларида касалхонадан чиқариб юборишди.

Баҳор офтобига чиққанида уни кўрган одам кўрқиб кетарди. Майхона бошқарувчисининг илгариги тетиклиги ва жўшқинлигидан асар ҳам қолмаганди.

Герствуднинг эти бориб устихонига ёпишган, ранги қоғоздан ҳам оппоқ эди. Касалхонадан чиқаётганида унга озгина майда пул бериб, хайрия жамиятларига мурожаат қилиб кўринг, дейишди.

Герствуд, бу ёғи нима бўларкин, деб боши қотиб, Бауэридаги ётоққа қайтди. Унинг қашшоқ бўлишига бир баҳя қолганди-да ўзи.

«Одамлар бунақа аҳволда қолганларида нима қилишаркин? — дерди у ўзига-ўзи. — Очимдан ўлмай-да ишқилиб!»

У ҳозиргина Стайвесант паркидан чиқиб, офтоб чараклаб турган Иккинчи авенюдан бемалол кетаётган башанг кийинган жентельменга биринчи бор садақага қўл чўзди. У ўзини аранг қўлга олиб, жентельменга яқинлашди.

— Менга ўн цент бера олмайсизми? Шунақанги ахвол-даманки, сўрашга мажбурман.

Йўловчи Герствудга деярли қарамай, жилетининг чўнтагига қўл солиб танга чиқарди.

— Манг! — деди у.

— Сиздан жуда миннатдорман! — ғўлдиради Герствуд. Йўловчи эса унга бошқа қарамади.

Герствуд иши юришганидан хурсанд бўлса ҳам, айти пайтда номусдан ерга кириб кетай деб яна йигирма беш цент йиғиб олиш мақсадида тиланчиликни давом эттиришга жазм қилди. Яна йигирма беш цент бўлса етарди-да.

У йўловчиларни кўз тагига олиб, офтоб тушиб турган томонда айланиб юрди. Бироқ кўринишдан анча сажий одамга тўкнаш келгунча анча-мунча вақт ўтди. Йўловчи эса садақа беришдан бош тортди.

Герствуд бундан жуда ҳам гангиб қолганидан бир соатгача бахтини синаб кўришга юраги бетламади. Бироқ бу сафар унинг омади чопди: у беш цент садақа олди. Шундан кейин минг машаққатлар билан йигирма цент ишлашга муваффақ бўлди.

Эртаси куни у яна шу ишини қилди. Унинг гохо омади келиб қолар, одамлар у-бу беришар, гохо эса сўкиб кетишар эди. У йўловчининг қанақалигини афтига қараб билиш, кейин садақа сўраш керак, деган хулосага келди.

Одамларни кўча ўртасида тўхтатиш хуш келадиган иш эмасди, бунинг устига Герствуднинг кўз ўнгида битта гадойни тутиб олишди. Энди у мен ҳам шундай балога гирифтор бўлмай, деб ваҳимада қолганди. Шундай бўлса ҳам у бирор нарса ишлашига унчалик ишонқирамай, тиланчилик йўлидан кетаверди.

Герствуд бир куни эрталаб илгари «Казино»да ўйнаган труппанинг қайтиб келганлиги ва «мисс Керри Маденда иштирокидаги» спектаклдан дарак берувчи афишани яна кўриб қолганидан кейин кўнгли жуда жойига тунди. У кейинги пайтларда Керрини кўп ўйлаганди. Керрининг зўр муваффақият қозонаётганини айтмайсизми! Унинг пули ҳам анча-мунча бордир! Герствуд кун бўйи иши юришмагани учунгина Керридан ёрдам сўрашга мажбур бўлди.

Бир ёқда очлик ҳам жон-жонидан ўтиб кетди.

«Бориб ундан ёрдам сўрайман. Мендан бир неча долларини аямас!»

Герствуд «Казино» театрига йўл олди. У актёрлар

кирадиган эшик қаерда экан, деб бир неча марта у ёқдан-бу ёққа ўтди. Кейин театрдан бир квартал наридаги Брайант паркидаги скамейкага чўкиб, кута бошлади.

«Менга жиндай қарашишдан бош тортмаса керак!» — у ўзига хадеб шундай дерди.

Герствуд ўзини иш билан шошиб кетаётган кишидай кўрсатиб ва Керрини кўлдан чиқариб юбормай-да, деб хавотирга тушиб, олти яримдан бошлаб, «Казино»нинг эшиги олдида бўзчининг моксидек қатнади. У хал қилувчи фурсат келганидан хаяжонланар, бироқ дармонсизлик билан очлик хаяжонини босишига монелик қиларди.

Герствуд ниҳоят артистлар бирин-кетин файтонларда келишаётганини кўрди. Шунда асаб торлари янада тараңлашди. Шу чоқ Керри ҳам файтондан тушгандай туюлди. Югуриб борса адашган экан.

«Энди бу ёғи оз қолди!» — деб қўйди у ичида.

Герствуд Керри билан учрашувини кўз олдига келтирганида юрагини ваҳм босар, айни пайтда театрға бошқа эшикдан кириб кетмасин-да деб кўрқарди. Нега деганда, қорни босиб оғриб, пиёзнинг пўсти бўлиб кетганлигини эслатиб турарди-да.

Унинг олдидан юзларча кишилар ўтишди. Деярли ҳаммалари яхши кийинишган ва бунинг устига парвойи фалак эдилар. Хонимлар ҳамроҳлари билан кетишаётган файтонлар ҳам ўтиб турарди.

Шу пайтда бирдан театрнинг олдиға файтон келиб тўхтаб, Герствуд то бир қарорға келгунча файтончи ўриндикдан сакраб тушиб, эшигини очди. Хонимлар файтондан зумда тушиб, тезда театрға кириб кетишди. Герствуд худди Керрини кўргандай бўлди, бироқ бу ажиб манзара зумда кўздан йўқолганидан кўрганиға ишонолмасди ҳам.

У яна бир оз кутди. Бироқ артистлар кирадиган эшикка энди ҳеч ким яқинлашмас, чамаси томшабинлар ҳам жам бўлишганди. Герствуд шундан кейин Керрини кутишдан маъни чиқмаслигини фаҳмлади.

«Нима қилсам бўларкин? — деб ўйларди у бахтиёр кишилар ғужғон ўйнаётган кўчадан буриларкан. — Тишға босишим учун бирор нарса топишим керак-ку!»

Бродвей айниқса сеҳрли бўладиган пайтда Бешинчи авеню ҳам ўтадиган Йигирма олтинчи кўча билан Бродвейнинг муюлишида қандайдир бир киши ҳар қуни кеч-қурун доимо ҳозир у нозир эди. Одамлар бу пайтда театрларға оқиб келиша бошлашади. Электр реклама-

лар ва афишалар ҳар қадамда кўзларни қамаштирарди. Кэблар ва соябон аравалар сарик чироқларининг кўзларини яркиратиб ўтиб туради. Одамлар жуфт-жуфт ёхуд тўда-тўда бўлиб, кулги ва ҳазил-хузул оғушида тумонат одамга келиб қўшилишаверди. Яхши кийинган жентльменлар — фрак кийиб, хонимини қўлтиқлаб олган олифталар, клубдан-клубга ўтиб юрадиган клубменлар Бешинчи авенюда шошилмай одимлашади. Кўчанинг нариги томонида ҳапаматли ва чароғон, меҳмонхоналарни ўзига чорловчи чироқлар кўзга ташланади. Улардаги қаҳвахоналар ва бильярдхоналар хурсанд кўринган, башанг кийинган ва маишатга муккасидан кетганларга лик тўла. Қаёққа қараманг, улкан шаҳарнинг айш-ишрат иштиёкида ёнган тунги ҳаёти қайнаётган эди.

Юқорида зикр қилинган одам истеъфодаги ҳарбий бўлиб, ҳозирги замоннинг ижтимоий тузумидан кўп жабр тортганидан бошқа жабрдийдаларга мадад қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганди. Унинг бошқаларга мадади жуда ҳам ўзгача шаклда намоён бўларди. Ўзи қўл учида кун кўраётган бўлишига қарамай, бошпана тополмай кўчада қолган кимда-ким мурожаат қилса, тунагани жой топиб беришни ўзининг бурчи деб биларди.

Устига капюшонли плаш кийган ва бошида соябони кенг шляпаси бўлган новча ва қотмадан келган бу киши серзавк кишилар ўтаётган муюлишдаги ўрнини эгаллаб, хузурига келадиган янги жабрдийдаларни кута бошларди. Жабрдийдалар эса унинг ишидан воқиф эдилар. Ҳалиги киши теварак-атрофидаги дақиқа сайин ўзгараётган манзарага бир оз қараб турди. Бир полисмен ёнидан ўтаётиб, «капитан» деб сўрашиб кетди. Бир бола шу одамни ана шу жойида ҳадеб кўраверганидан тўхтаб, томоша қила бошлади. Йўловчиларнинг кўпчилигига унинг кийимидан бошқаси ғалати кўринмаганидан хавасга хуштак чалиб, бекор юрган мусофир бўлса керак, деб ўйлашарди.

Ярим соатдан кейин қаёқдандир сирли шарналар пайдо бўла бошлади. Сайр қилиб юрганлар орасида баъзан бекорчиликдан шунчаки айланиб юрган одамларни кўрса бўлар, улар қизиксиниб тобора яқинроқ келишарди. Қандайдир бир жулдурвоқи кўчадан ўтиб, плашли кишига гўё шунчаки қараб қўйди. Бошқа биттаси Бешинчи авенюдан Ингирма олтинчи кўчанинг муюлишигача борди-да, орқасига бир қараб қўйиб, нари кетаверди. Бауэрида ётиб юришлари очикдан-очик кўришиб турганлардан ик-

кита ёки учтаси Бешинчи авенюнинг Мэдисон-сквер томонидан кўринишиди-ю, бироқ яқинроқ келишга юраклари бетламади. Капюшонли плаидаги харбий эса гўё ҳеч нимани сезмаётгандек ҳуштак чалганича у ёқдан бу ёққа юриб турарди.

Соат тўққизларда шаҳар оқшомининг шовқин-суронлари тинчий бошлади. Меҳмонхоналарда маишат аввалгидай авжида эмасди. Ҳаво ҳам совий бошлаганди. Ҳамма томондан ғалати шарпалар ўрмалаб кела бошлади. Улар ниманидир томоша қилишаётгандай ва қандайдир чизиқдан ўтолмаётгандай жойларида депсиниб туришарди. Ҳаммалари ўн киши атрофида эди. Ниҳоят совуқ азбаройи ўтиб кетганидан бўлса керак, шарпалардан биттаси олдинга чиқди. У Йигирма олтинчи кўчанинг зулматидан чиқиб, Бродвейни кесиб ўтди-да, дам-бадам тўхтаб, плашли кишига яқинлашди. Унинг ҳаракатларидан ё истиҳола қилаётгани, ё юраги бетламаётгани сезилар, тўхташ нияти борлигини сўнгги лаҳзагача сир сақламоқчига ўхшарди. Истеъфодаги кишига яқин қолганида у бирдан жойида таққа қотди.

Капитан, кўрдим, дегандай имо қилди. Унинг бор салом-алиги шундан иборат эди. Янги келган киши енгил бош ирғаб, илтимосга ўхшаган нимадир, деб ёўлдиради. Капитан унга тротуар чеккасини кўрсатди-да:

— Бу ёққа тур! — деб қўйди.

Энди жириш бузилганди. Капитан яна унсиз бориб келишга улгурмасиданок бошиқа шарпалар ҳам оёқларини тап-тап босиб олдинга чиқишди. Улар валинсьматлари билан ҳатто сўрашиб ҳам ўтирмай, тўппа-тўғри хозиргина келган ҳалиги одамнинг ёнига тураверишди. Улар бурниларини тортишар, қоқинишар ва оғирликларини бир оёқларидан иккинчисига солишарди.

— Лаънати ҳаво совиб кетди-ку!

— Яхшиямки киш оёқлади!

— Ёмғир қуядиганга ўхшайди.

Қурама оломон ўн кишича бўлди. Баъзилар бир-бирларини таниганларидан гапга тушиб кетишди. Бошқалар эса бировларга қўшилишни истамай, четда туришар, ишқилиб бир чеккада қолиб кетмайлик-да, деб кўркишарди. Улар ҳеч кимга қарамай тунд ва маҳдуд ҳолда туришарди.

Орадан кўп ўтмай, буларнинг овози каттиқроқ чиқа бошлади, капитан эса бошламасига шунинг ўзи етарли, деган қарорга келиб яқинлашди-да:

— Хаммаларингга жой керак-а? — деб сўради.

Унинг бу гапига жавобан говур кучайиб, тасдиқловчи ғўлдирашлар эшитилди.

— Хўп, майли, бўлмаса тўғри туринглар! Кўрамиз нима чиқаркин. Ўзимда бир цент ҳам йўқ.

Бошпанасиз одамлар нотекис ва кинғир-кийшиқ саф тортишди. Истак тувилса энди ҳар бир одамни яхшилаб кўрса бўларди. Масалан, биттаси ёғоч оёқ эди. Хаммаларининг шляпаларининг четлари осилиб турарди. Шимлар йиртиқ, ямоқ-яскоқ, пиджаклар эскириб, униқиб кетганди. Витриналарнинг ёркин шуъласида баъзиларнинг юзлари қуруқшаб оқариб-бўзаргандай туюлар, баъзи бировларнинг ёноқларида хунук доғлар қизариб турарди. Аксари одамнинг афти бужмайиб, ковоқлари салқиб тупганди.

Пиёда айланиб юрганлардан бир печтаси қизиқиб тўхташди. Улардан кейин бошқалар келиб, тез орада анча-мунча томошаталаб йиғилди қолди. Бошпанасизлар орасида ҳам гурунг қизиқиб қолганди.

— Жим! — капитан команда бериб тинчлик ўрнатди.

Сўнг томошаталаб кишиларга мурожаат қилди:

— Сизларга айтсам, жентльменлар, бу одамларнинг ётадиган жойлари йўқ! Улар қаердадир ухлашлари керак, кўчада қолишолмайди-ку ахир. Буни биласизлар. Булардан биттасига тунайдиган жой олиб беришим учун менга ўн икки цент керак. Менга ким ўн икки цент бера олади?

Ҳеч кимдан садо чикмади.

— Начора, йигитлар, бизга битта-яримта мадақ қилмагунча кутишга тўғри келади! Ўн икки цент унчалик қўп пул эмас. Наҳотки шуни берадиган азамат топилма-са.

— Мана сизга ўн беш цент! — деди бир йигит оғир меҳнатдан қизариб кетган кўзларини капитанга тикиб. — Сизга бера оладиган бор пулим шу!

— Жуда соз! Сафдан биттангиз чикинг, — буйруқ берди капитан.

У бошпанасизлар сафида биринчи бўлиб турган кишининг елкасидан олиб, бир чеккага сурди-да, алоҳида қўйди. Кейин аввалги жойига қайтиб, яна гапини бошлади:

— Менда уч цент қолди, жентльменлар! Бу одамларга жой топиб бериш керак. Булар, — у санаб кетди, — бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти, саккиз, тўққиз, ўн, ўн бир, ўн икки киши! Яна тўққиз цент бўлса нав-

батдаги одам тинчийди. Яна тўққиз цент бўлса уйсиз шўрлик иссиққина ўринга эга бўлади! Булар билан ўзим бирга бориб, ҳаммасини текислаб келаман. Менга ким яна тўққиз цент беради?

Бу сафар «хайбаракаллачи»лардан ўрта ёшлардаги бир киши беш цент берди.

— Мендаги саккиз цент бўлди, — капитан гапида давом этди. — Яна тўрт цент бўлса кейинги одам тинчийди. Жентльменлар, бугун ишимиз нимагадир сушт кетяпти! Ҳар бирингизнинг иссиққина жойингиз бўлса керак, бу одамлар нима қилишади энди?

— Олинг! — истеъфодаги ҳарбийга яқинроқ турганлардан биттаси унга танга узатди.

— Мана, иккита одамим жойли бўлди, ортиқча яна тўрт цент ҳам бор. Унинг ёнига саккиз центни ким қўшадди?

Мен қўшаман! — кимнингдир овози эшитилди.

Герствуд шу кунни кечкурун Олтинчи авенюдан ўтиб кетаётиб, ногахон Йигирма олтинчи кўчага бурилди. Қорни азбаройи очганидан гоҳо мадорсизликдан йиқилиб қоладиганга ўхшарди. Ахвол-руҳияси ҳам дахшатли эди. Керрининг ҳузурига энди қандай қилиб етади? Спектакль соат ўн бирдан олдин тугамайди. Мабодо Керри файтонда келган бўлса, қайтишда ҳам ўшанда кетади. Уни кўчада, жуда ҳам ноқулай шароитда тўхтатишга тўғри келади. Герствуд ниҳоятда хориб, оч қолганидан бахтини эртаси кунни яна синаб кўрмоғи учун нақ бир кечаю кундуз сабр қилишга мадори етмасди. Унинг тишга босадиган нарсаси ҳам, бош қўядиган жойи ҳам йўқ эди.

Герствуд Бродвейга чиккач, капитан билан теваарак-атрофида турган бошпанасиз одамларни кўрди. Бироқ аввалига бу бирорта дайди воиз ёинки бемаза дори-дармонларни сотиб юрган муттахамлардан бўлса керак, деб ўйлаб, ўтиб кетмоқчи бўлди. Шундай бўлса ҳам кўчадан Мэдисон-сквер томонга ўтаётиб, тўдадан чиқиб, бошпанали бўлганлар қаторида турганларга эътибор берди. Герствуд электр чирокларнинг ёркин шуъласида ўзига ўхшаган одамларни таниди. Буларни у кўчада ва ётоқларда учратган бўлиб, ҳаммалари ҳам ўзига ўхшаб таназзулга юз тутганлар эди. Герствуд бу хангомага қизиқиб қолди. Бу нима бўлдийкин?

У яқинроқ келди.

Капитан илтижосини қайта-қайта такрорларди. Герствуд ҳам ниҳоят унинг:

— Бу одамлар қаердадир тунашлари керак-ку! — деган гаини эшитиб ҳам ҳайрон бўлди, ҳам енгил тортиди.

Олдинда бошпанага зор бўлганлар саф тортиб туришар, буларга ҳам пул йиғиш керак эди. Герствуд қаердандир пайдо бўлган бир дайди қаторнинг охирига туриб олганини пайкаб, ўзи ҳам ўшандай қилмоқчи бўлди. Такдирга терс иш килиб бўлармиди? Герствуднинг тинкаси жуда ҳам қуриганди. Бу ерда эса мушкул аҳволдан қутулишнинг йўли топилиб қолганди. Эртага бир гап бўлар.

Одам кимир этмай тураверса ҳам чарчайди. Герствуд кўп ўтмай баттар кийналди. У ҳозир йиқилиб тушадигандай бўлар, оғирлигини бир оёғидан иккиичи оёғига солиб, аранг турарди. Мана, ниҳоят, унга ҳам навбат етди. Кимдир ундан олдинда турган одамга пул тўлаганди, у омади келганлар тўдасига ўтиб олди.

Герствуд энди биринчи бўлиб турар, капитан, унга садақа тиларди.

— Ўн икки цент, жентльменлар! Ўн икки цент мана шу одамнинг ўринда ётишига имкон беради. Мабодо унинг борадиган жойи бўлганида бу ерда совкотиб турмасди!

Герствуд томоғига бир нима қадалганини сизди. Очиқ билан мадорсизлик унинг матонатини қуритгандида.

— Олинг, — нотаниш одам капитанга танга узатди.

Капитан эса собиқ майхона бошқарувчисининг елкасига меҳрибонларча қўлини қўйиб, деди:

— Энди анави ёкқа ўтинг!

Герствуд енгил нафас олди. Мана шунақа яхши одамлар олдингдан чиқиб турса, олам ҳам унчалик ёмонга ўхшамайди чоғи! Герствуддан бўлак жулдурвоқилар ҳам чамаси шундай хаёлларга боришарди.

— Бу капитан жуда ажойиб-да, тўғрими? — деб қўйди Герствуддан олдинда турган, ҳам адойи тамом қилган паст бўйли киши. Башарасидан тақдир унинг бошига кўп савдоларни солганлиги кўриниб турарди.

— Ҳа, — Герствуд бефарқ унинг гапига қўшилди.

— Уҳ! — бошпанасизлардан бири қатордан чиқиб, қолганлар кўз ташлади. — Хали анча-мунча бор экан!

— Ҳа, — бошқаси унинг гаини маъқуллади. — Бугун, чамаси, биздақалардан юздан ортиғи йиғилганга ўхшайди.

— Кэбдаги анави одамга қаранглар! — деб юборди учинчиси.

Бир кэб тротуар ёнида тўхтаб, ундаги фракли жентльмен капитанга қоғоз пул узатди.

Капитан унга миннатдорчилик билдирди-да, яна кэбинг кетидан бўйнилари чўзиб қараётган сафдагилар ёнига борди. Томошатаалаблар тўдаси кўксиди бриллиант кўзли тўғнағичи бўлган жентльменга индамай қараб туришарди.

— Бу яна тўққизта одамга бошпана беради, — деди капитан бир неча уйсизни санаб. — Қани, нарига ўтиб туринглар-чи! Демак, ҳаммаси бўлиб тўққиз киши қолибди. Жентльменлар, менга ўн икки цент керак!

Пул базўр тушарди. Йиғилганлар сийраклашганидан капитаннинг теварагида озгина бекорчилар қолганди, холос. Бешинчи авеню бўшаб қолди, унда ахён-ахёнда битта-яримта файтон ёки пиёда келаётганлар кўринарди. Бродвейда ҳам одамлар тобора сийраклашиб борарди. Гоҳо-гоҳо битта-яримта тўпланиб турганларнинг кичкина одам тўдасини кўриб қолиб тўхтарди-да, капитанга танга узатиб, яна ўз йўлига кетаверарди.

Капитан бўлса илгаригидай қатъий, сира бўш келмасди. У илгаригидай шошилмай ва санжоб қилиб гапирар, гўё мағлубият хақида сўз бўлиши мумкин эмасдай муваффақият қозонишига ишончи комил эди.

— Жентльменлар, бўла қолинглар! Мен эрталабгача бу ерда қола олмайман! Манави одамлар чарчаб, совқотишди. Менга яна тўрт цент беринглар!

Орадан бир оз ўтгач, у бутунлай жимиб қолди. Одамлар унга пул узатишар, ўн икки цент тушиши билан битта кишини айириб олиб, нариги сафдагиларга қўшиб қўярди. Шундан кейин яна у ёқдан-бу ёққа юра бошларди.

Театрлардаги томошабинлар тарқалиб кетди, электр рекламалар ўчди. Соат ўн бирга занг урди. Яна ярим соатдан кейин фақатгина иккита бошпанасиз одам қолди.

— Бўла қолинглар, жентльменлар! — капитан бир неча томошатаалабга қараб хитоб қилди. — Ўн саккиз цент бўлса ман шу иккита одам ҳам тинчийди. Ўн саккиз цент! Ўзимда олти цент бор. Битта-яримталаринг менга ўн саккиз цент беринглар! Ўзим ҳали Бруклинга пиёда кетишим кераклигини ҳам эсларингдан чиқарманглар. Мен бўлсам бу одамларни бошлаб бориб, жойлаштириб қўйишим керак. Ўн саккиз цент беринглар!

Ҳеч кимдан садо чиқмади.

Капитан яна ерга қараб, бир неча дақиқа у ёқдан-бу ёққа бориб келди. У дам-бадам:

— Жентльменлар, ўн саккиз цент беринглар! — деб қўярди.

Ана шу арзимас маблағ жабрдийдаларнинг жонларига анча-мунча оро кирадигандай кўринарди. Герствуднинг оёқ-қўли бўшашиб кетганидан йиқилай-йиқилай дер, кўксидан отилиб чиқишга тайёр фифонни зўрға босиб турарди.

Ниҳоят Бешинчи авенюда устига капор билан гижирлайдиган юбка кийган хоним кўринди. У ёнидаги эркак хамроҳи билан театрдан қайтиб келаётганди. Герствуд унга қараб Керрининг хозирги янги мавкеини ўйлар, бир вақтлар хотини билан театрдан ёки ресторандан мана шуларга ўхшаб қайтишган пайтларини эсларди.

Хоним эса бу пайтда тўдалашиб турган камбағалларга кўзи тушди-да, улар ёнига хамроҳини юборди.

Башанг кийинган ва мурувватга мойил эркак чўнтагидан пул чиқариб, капитанга якин келди.

— Олинг, марҳамат! — деди у.

— Миннатдорман, — капитан шундай деб жавоб қилдида, сўнг ҳимоясидагиларга ўгирилиб деди: — Бизда энди эртагаям у-бу қоляпти!

У шундан кейин бошпанасизлардан қолган-қутганларини қаторга тиркаб, уларни бир-бир санаб, сафнинг юқорисига юра бошлади.

— Биз юз ўттиз етти киши! — деб эълон қилди у. — Қани, йигитлар, сафланинглар! Қаторнинг манави ерини тўғриланг! Бу ёғи оз қолди Оғир бўлинглар!

Капитан отряднинг бошида туриб команда берди:

— Олға, марш!

Герствуд бошқалар билан бирга кўзғалди. Хаммалари Бешинчи авенюдан кинғир-қийшиқ юришиб, Мэдисон-скверни кесиб ўтишди-да, Йигирма учинчи кўчага бурилиб, у ёғига Учинчи авенюдан кетаверишди. Бемаҳалга қолган йўловчилар тўхтаб, бу галати сафга тикилиб қолишарди. Муюлишлардаги полисменлар буларга бепарво қараб, кўп кўрганларидан капитанга бош ирғаб қўйишарди.

Отряд ётоғи бўлган Саккизинчи кўчагача борди. Ётоқ кечаси ёпиб қўйилгандай туюлса ҳам, ичкаридагилар буларнинг келишини кутишаётганди.

Бошпанасизлар кўчада қолишди, капитан бўлса гап-лашгани ичкарига кириб кетди. Кўп ўтмай эшик шошил-

май очилиб, ичкарига киришга изн берилди. Кимдир биттаси олдинроқ юриб, бошқаларни кутдириб қўймаслик учун бўш хоналарни кўрсата бошлади. Герствуд гижир-гижир қилаётган пиллапоядан ўлар холатда кўтариларкан, бир чеккада турган капитанни кўриб қолди. У ҳали ҳам кўчада турарди. То охирги одам ичкарига кирмагунча у жойидан кимирламади. Кейин эса кўнгли жойига тушиб, плашига маҳкам ўралганича қоронғиликда ғойиб бўлди.

— Бунақада кўпга бормаيمان, — Герствуд кичкина ва қоронғи хужрадаги койкага ўтириб, оёғи зиркираб оғриганидан афти бужмайиб, овозини чиқариб қўйди. — Бирор нарса еб олишим керак, бўлмаса очимдан ўламан.

XXXXVI б о б

ЛОЙҚАТИЛГАН СУВЛАР

Керри Нью-Йоркка қайтганидан кейин орадан кўп ўтмай, бир куни спектаклдан сўнг кийинаётганида ногаҳон ташқарида шовқин-сурон эшитилиб қолди. Шундан кейин кулоғига таниш овоз чалинди:

— Овора бўлмаг, тинчланинг! Мен мисс Мадендани кўрмоқчиман, холос.

— Унақа бўлса визит карточкангизни беришингиз керак.

— О, жоним билан! Мана, ола қолинг!

Ярим доллар қўлдан қўлга ўтгач, кимдир эшикни тақиллатди.

Керри келиб, эшикни очди.

— Бай-бай-бай! -- хитоб қилди Друэ. -- Иш деган мана бундай бўпти! Ахволларинг яхшими, Керри? Сахнада кўрибоқ сени танидим.

Керри энди балога қолсам керак деб, беихтиёр орқага чекилди.

— Наҳотки, сўрашинг хам келмайди? Жуда хам зўрсан-да, ўзи! Қани қўлингни бер-чи!

Керри Друэга қўлини узатиб, ақалли унинг бенихоҳ кўнгулчанлиги учун жилмайди. Друэ анча-мунча савлатли бўлиб кетган бўлса хам, умуман жуда кам ўзгарганди. Устида зўр костюм, юзини чертса қон томарди.

— Эшикнинг олдида турган кимса мени киритмай-

ман, девди, «мойлаш»га тўғри келди. Сахнада кўриб сенлигингни дарров сездим. Жуда ҳам зўр спектакль бўлибди-да! Ўзинг ҳам ролни қийиб ташлабсан-да! Дарвоқе, ахийри шундай бўлишини билгандим! Бугун театрларингиз олдидан тасодифан ўтиб қолиб, бир кирай, дедим. Рост, исмингни программада кўрдим, ўзингни сахнада кўрмагунча қаерда эшитганлигимни эслаёлмадим. Ўлай агар! Чикагода шу исм билан сахнага чиққанинг эсимга тушгандан кейин, ҳатто юрагим гупиллаб уриб кетди. Тўғрироғи, ахир?

— Ҳа, — Керри жилмайиб унинг гапини тасдиқлади. У меҳмон гап жиловини жуда қўйиб юбораётганидан хайратда қолганди.

— Сени дарров танидим, — деди Друэ яна. — Қани, гапириб бер-чи! Хўш, аҳволинг қалай бўлди?

— Жуда яхши, — жавоб қилди Керри.

У Друэнинг ногаҳоний ҳамласидан хали ҳам ўзига кела олмаганди.

— Хўш, ўзинг қалайсан? — сўради Керри.

— Менми? Зўрман! Нью-Йоркда муқим турибман.

— Э, шунақа дегин? — деб қўйди Керри.

— Ҳа, бу ерга келганимга ҳам ярим йил бўлади.

Фирмаизнинг шаҳардаги бўлимига бошлиқман.

— Ажаб!

— Қани, менга айт-чи, театрга қачон ишга кирувдинг? — Друэ қизиқсиниб қолди.

— Яқинда уч йил бўлади.

— Шундай дегин? Мен бўлсам буни энди эшитяпман, эртами-кечми, ахийри шундай бўлишини билардим. Сенга, зўр ўйнайсан, деганим ёдингдами?

Керри жилмайиб қўйди.

— Ҳа, ёдимда, — деди у Друэнинг гапига қўшилиб.

— Ўзинг ҳам жуда очилиб кетибсан-да! — Друэ гапида давом этди. — Мен бирорта одамнинг бунақа зўр тортиб кетганини шу чокқача кўрмагандим. Жуда ўсиб кетибсан.

— Йўғ-е? Ким билсин, ўсган бўлсам ўсгандирман? — Керри унинг гапини маъқуллади.

Друэ унинг аввал қўйлаги, кейин эса бежиримгина шляпаси чиройли қўниб турган сочига разм солиб, сўнг кўзларига тик боқди. Керри эса кўзларини ундан олиб қочишга ҳаракат қиларди. Бундан Друэнинг илгаригидай ашоқ-чапоқликни яна ва тезроқ бошлаб юбориш ниятида эканлиги аён сезилиб турарди.

— Хўш, — Керри сумкачасини олиб, кетиш тарадду-дида эканлигини кўриб Друэ гап бошлади. — Менимча, бугун бир ўтиришсак, маъқулми? Бу ерда мени бир ошнам кутиб турибди, учовимиз бўламиз, холос.

— Йўк, мен боролмайман, — деди Керри. — Ҳар-холда бугун эмас. Эртага барвақт репетициям бор.

— Э, репетициянгни қўйсанг-чи! Юр, ўтиришайлик! Шеригимни адаштиришга ҳаракат қиламан, икковимиз бир отамлашамиз.

— Йўк, йўк, ноиложман! — Керри оёғини тираб олди. — Мендан илтимос қилмай ҳам қўя қол, бунақа бемахалда ҳеч қаёққа бормайман.

— Бўлмаса шунчаки гаплашиб ўтираминиз.

— Фақат бугун эмас, — Керри гапини такрорлаб, бошини чайкаб қўйди. — Бошқа сафар гаплашарминиз.

У Друэнинг ранги ўзгарганлигини пайқади. Друэ илгариги толлар кесилиб кетганлигини тушуна бошлади. Керри бўлса бир вақтлар Друэ ўзини севганидан ҳар қанча яхши муомала қилсам арзийди, деган хаёлга борарди.

— Эртага меҳмонхонамга келгин, — деди Керри рад-диясини имкони борича юмшоқроқ чиқариш учун. — Бирга овқат қиламиниз.

Друэнинг чеҳраси ёришиб кетди.

— Яхши, — деди у. — Ҳозир қаерда турибсан ўзи?

— «Уолдорф» меҳмонхонасида. — Керри яқиндаги-на битган хашаматли меҳмонхонанинг номини тилга олди.

— Қайси пайтда борай?

— Хўш, айтайлик, учда.

Друэ эргасига меҳмонхонага борди, бироқ Керри уни энсаси котиброқ кутиб олди. Друэни ҳар маҳалгидай қувноқ ва мулойим кўрганидан кейин, кўнгли жойига тушди. Гурунгимиз, ишкилиб, тинч ўтсин-да, деб хаво-тирга тушиб турганди-да. Друэ илгаригидай сергап эди.

— Бу ерда машҳур одамлар тикилиб ётган бўлса керак, — Друэнинг биринчи сўраган гапи шу бўлди. У бунда меҳмонхонада истикомат қилаётганларни кўзда тут-ганди.

— Ҳа, оз эмас, — жавоб қилди Керри.

Содда худбинлардан бўлган Друэ дарҳол ўзининг мар-табасини батафсил таърифлашга тушди.

— Мен тез орада мустақил иш бошлайман, — деди у. — Икки юз минг доллар қарз кўтарсам бўлади.

Керри иложи борича ўзини илтифотли ва сезгир кўрсатишга уриниб, гапларига кулоқ соларди.

— Менга қара, — Друэ бирдан сўраб қолди, — Герствуд қайси гўрда ўзи?

Керри кизаринқиради.

— Менимча, у шу яқин-орада, Нью-Йоркда, — жавоб қилди у. — Айтгандай, уни кўрмаганимга анча бўлди.

Друэ бир оз вақтгача бир сўз демай хаёл суриб қолди. У майхонанинг собиқ бошқарувчиси Керрининг ишларига дахлдор эмаслигига ишонқирамай турганди. Керрининг сўзларидан кейин кўнгли тинчиди. Афтидан, Керрининг ўйлаганидай Герствуд билан орани аллақачон очди қилгани кўринарди.

— Ха, — деб қўйди Друэ ниҳоят, — бунақа ишни хар қанақа ахволда ҳам тузатилмас хатодан бўлак нарса деб бўлмайди.

— Бунақаси нима деганинг? — деб сўради Керри кетидан нима гап келишини билмай.

— О, ўзинг жуда яхши биласан-ку! — Друэ шундай дея бундан шак-шубҳам йўқ, дегандай қўлини қимирлатиб қўйди.

— Йўқ, мен ҳеч нима билмайман, — Керри қаттиқ туриб олди. — Нима демоқчилигингни тушунтириб бер!

— Чикагодаги ўша воқеа-да... Унинг Чикагодан қандай кетгани эсингда-ку, — қўшимча қилди Друэ.

— Мен, очиги, нималарни гапирётганингни билмаяпман, — Керрининг боши қотарди.

Нахотки бу одам унинг Герствуд билан қочиб кетганлигига қўполдан-қўпол шама қилаётган бўлса?

— Шунақа дегин? — Друэ ишонқирамай сўради. — Герствуд Чикагодан куён бўлаётганида ўн минг долларни ўтариб кетганидан беҳабармисан ҳали?

— Нима?! — деб юборди Керри. — Сен ўн минг долларни ўғирлаб кетди демоқчисан?

Энди Друэ ҳам гангиб қолганди.

— Буни билмасмидинг ҳали?

— Йўқ! Мутлақо хабарим йўқ эди.

— Ҳим, ажаб! — деб қўйди Друэ. — Бироқ шундай бўлган, бунга шак-шубҳа қилмасанг ҳам бўлади. Бу ҳамма газеталарда чиққан.

— Уни қанча олган дединг? — деб сўради Керри.

— Ўн минг доллар. Айтмоқчи, эшитишимга қараганда, пулнинг анча-мунчасини кейин қайтариб юборган экан.

Керри оёғи тагидаги антиқа гиламга паришонхотир тикилиб қолди. Энди Чикагодан мажбуран қочишига нима сабаб бўлгани сал-пал равшанлашди. Бу воқеани тасдиқ

этадиган юзларча майда-чуйда нарсалар эсига тушди. Герствуд пулни мени деб олган, деган ўй беихтиёр хаёлига келди. Шу ваздан Герствуд нафратланиш ўрнига, унга жуда ҳам ичи ачишди. Шўрлик! Доимо қилиб кўйган ишингдан изтиробда яшаш нақадар дахшат бўлса керак.

Мазали таом ва винодан анча қизиб, хушчакчақ бўлиб кетган Друэ Керрини яна қўлга ола бошладим деб хаёл қиларди. Тўғри, ҳозир Керри жуда баландда бўлса ҳам, Друэнинг унга қўли этадигандай кўринарди. «Эҳ жувон-мисан-жувон-да! — дерди у ичида. — Кўркамлигию башанглигини айтмайсизми! Бунинг устига машхур!» — Керри сахнада ўйнаб донг таратгани-ю зўр меҳмонхонада турганидан Друэнинг кўзига янада зўр бўлиб кўринарди.

— Хаваскорлар спектаклида қатнашганингда қанчалар кўрққанинг эсингдами, Керри? — Друэ унинг эсига солди.

Керри илжайди.

— Мен шу чокқача бошқа биров куни кеча сендай эхтирос билан ўйнаганини кўрмаганман! — деб кўйди Друэ унга томон сал эгилиб. — Мен ўшанда икковимиз маза қилиб тураимиз деб ўйлардим.

— Сен бундан гапирмаслигинг керак, — деб кўйди Керри унинг жоловини тортиш учун совуққина қилиб.

— Наҳотки, шуни ҳам гапиртирмасанг...

— Ха! — Керри унинг гапини бўлиб, ўрнидан қўзғалди. — Бунинг устига театрга ҳам отланишим керак. Сен билан хайрлашишимга тўғри келади. Кетдик!

— О, яна бир дақиқа! — Друэ илтимос қилди.

— Йўк, поиложман, Чарли! — Керри юмшоққина қилиб жавоб берди.

Друэ аранг ўрнидан қўзғалиб, Керрини лифтнинг олдига олиб келди. Хайр-маъзур қилаётганида эса:

— Сени яна қачон кўраман? — деб сўради.

— О, кўришармиз бир куни! — деб кўйди Керри бепарволик билан. — Мен ёз бўйи шу ерда бўламан. Хайр!

Лифтчи эшикни очиб турарди.

Друэ Керри кўйлагини шитирлатиб кабинага киргунча караб турди-да:

— Кўришгунча! — деб кўйди.

У вестибюлдан хуноб бўлиб чиқди. Керри ҳозирда қўл етмас бўлиб қолганидан Друэнинг илгариги эхтироси қайтадан кучини кўрсата бошлаганди. Меҳмонхонанинг бор дабдабаси ҳам Керридан хикоя қилаётгандек

туюларди. Друэ, Керри менга куруқ муомала қилди, деб ўйларди.

Керрининг хаёли эса бутунлай бошқа нарсалар билан банд эди.

У ўша куни кечкурун Герствуд кутиб турган «Казино»нинг ёнидан ўтса ҳам, уни кўрмади.

Эртасига кечки пайт театрга яқинлашганида Герствуд билан юзма-юз келиб қолди. Герствуд уни кутар, анча мадордан кетган бўлса ҳам, кўришга қатъий аҳд қилганидан Керрига ҳатто хат ҳам ёзиб юборганди. Керри шунда ҳам бу ғариб ва уст-боши жулдур одам Герствуд эканлигини пайқамади. У ҳатто ёнида қандайдир оч гадойни кўрганидан кўрқиб кетди.

— Керри, — деди Герствуд охиста, — сенга бир-икки оғиз сўз айтмоқчийдим...

Керри зумда қайрилиб қараб, уни дарров таниди.

Мабодо Керрининг кўнглида қандайдир туйғу учқуни милтиллаб турган бўлса ҳам, бу одамга кўзи тушди дегунча ўчди қолди. Шундай бўлса ҳам у Друэ Герствуднинг пул ўғирлаганини айтганини эслади.

— Ё тавба! Сенмисан, Жорж! — деб юборди Керри. — Сенга нима бўлди?

— Касал бўлувдим, — жавоб қилди у, — касалхонадан эндигина чиқдим. Худо ҳаққи, менга жиндай пул бер!

— Бераман, албатта, — Керри жавоб қиларкан лаблари титраб кетди. У ўзини аранг босиб турарди. — Сенга нима қилди ўзи? — у яна сўради.

Керри сумкачасини очиб, ундаги бор-йўғини — беш долларли битта ва икки долларли иккита қоғоз пулни олди.

— Мен сенга касал эдим дедим-ку, — Герствуд инжиқлиги тутиб яна шундай деб қўйди.

Керрининг ошкора мурувват қилаётгани Герствудга жуда қаттиқ тегарди. Ана шу қўллардан садақа олиш унга жуда оғир эди.

— Ол, ёнимда бори шу экан! — деди Керри.

— Хўп, — деб қўйди Герствуд секингина. — Еб кетади деб ўйламагин, бир кунмас бир кун қайтараман.

Керри унинг олдида турар, йўловчилар эса унга ўгирилиб қарашарди. Шунда ўзи ҳам, Герствуд ҳам бошқаларга томоша бўлишаётганини пайқашарди.

— Ҳар қалай бошинга қандай иш тушганини нега менга айтмаяпсан? — Керри нима қиларини билмай яна сўради. — Қаерда турибсан?

— Кечалари ётиб кетиладиган ётоқда битта хонам бор, — жавоб қилди Герствуд. — Буларни сенга гапиришдан наф йўқ. Хаммаси жойида!

Керри жон куйдириб суриштираётганидан Герствуднинг аччиғи келаётгандай туюларди. Бахт кулиб боққан Керрини у кечиролмасди.

— Театрга бор, — деди у. — Сендан жуда ҳам миннатдорман, бироқ бундан буён сени безовта қилмайман.

Керри яна бир нима демоқчи бўлганди, бироқ Герствуд бурилиб, ҳорғин одимлар билан нари кета бошлади.

Керри Герствуд билан тўқнашувини аста-секин унутиб юбормагунча анча кунгача эзилиб юрди.

Друэ яна келди, Керри эса уни яқинига йўлатмади. Унинг кирдикорлари Керрига мутлақо ноўрин кўринарди.

— Мен уйда йўқман, — деди Керри Друэ келганидан хабар бергани келган югурдак болага.

Театр бир оздан кейин Лондонга гастролга жўнаши керак эди. Нега деганда, Нью-Йоркдаги иккинчи ёзги мавсумдан дурустроқ фойда чикмайдигандай кўринарди.

— Лондонни ҳам мафтун этишга уриниб кўришга нима дейсиз? — сўраб қолди театр директори бир куни Керридан.

— Нақ тескариси ҳам бўлиши мумкин-да! — деди Керри.

— Биз июнда жўнаймиз, — деди директор.

Керри жўнаш тараддудига тушиб қолганидан Герствуд ҳам эсидан чикди. Герствуд ҳам, Друэ ҳам Нью-Йоркда эканликларидан Керрининг сафарга жўнаганини тасодифан билиб қолишди. Друэ бир куни Керрини кўргани кирганида унинг жўнаб кетганлигини эшитиб, аттанг, деб юборди. Мўйловининг учини асабий ҳолда қимтиганича вестибюлда анча туриб қолди, сўнгра эса кетган нарсани қайтариб бўлмайди, деган табиий хулосага келди.

«У куйиб-пишишга ҳам арзимади.» Друэ гарчи шундай фикрга келган бўлса ҳам, дилида бошқача ўйларди.

Герствуд узоққа чўзилган ёз ва кузни амал-тақал қилиб ўтказди. Бир сафар қандайдир дансингга дарбон бўлиб кириб, унда нақ бир ой ишлади. Кейин яна қашшоқлик бошига тушди-ю, тез-тез оч қолиб, парклардаги скамейкаларда ётиб юрди. Жуда танг ҳолга тушиб қолган пайтлариди хайрия жамиятларига бир неча марта учраб, жиндай ёрдам ҳам олди. Керри эса қишда Нью-Йоркка қай-

тиб келиб, янги пьесада ўйнай бошлади, бироқ Герствуд бундан беҳабар эди. Гарчи пештоқлардаги электр афишалар Керри Мадендининг қайтганидан хабар бериб турган бўлса ҳам, Герствуд шаҳарда бир неча ҳафта тиланчилик қилиб юрди. Друэ эса Керрининг қайтиб келганидан воқиф бўлса ҳам, уни безовта қилмади.

Шу аснода мистер Эмс ҳам Нью-Йоркка қайтди. У ўз юртида, Фарбда бир оз муваффақият қозонганидан энди Нью-Йоркда лаборатория очиш ниятида эди. Турган гапки, у Керри билан миссис Вэнсникида учрашди. Лекин бу сафар суҳбатлари совуқ ўтди. Мистер Эмс Керрини ҳали ҳам Герствуд билан эр-хотин, деб ўйлаганди. Уларнинг ажралиб кетишганларини эса кейин эшитгач, булардан хабари бўлмагандек йиғинда ўзини ҳеч нарсадан хабари йўқ одамдай кўрсатаверди.

Мистер Эмс билан миссис Вэнс Керри ўйнаган опереттани кўргач, томошадан кейин:

— Бу ерда бекорга умри ўтганги! Менимча, у дурустроқ жойларга муносиб, — деб қўйди.

Мистер Эмс бир куни яна тасодифан Керри билан миссис Вэнснинг квартирасида учрашиб қолганда, суҳбатлари дўстона тус олди.

Керри ҳам бу одамга энди илгаригидай зўр иштиёқ билан қарамас, бундан ўзи ҳам хайрон эди. Бунинг сабаби бор эди, албатта. Илгари мистер Эмс Керрига худди кўнглидагидай киши бўлиб кўринган, маънавий ҳаётда унга насиб бўлган нарсаларга интилса-да, бироқ қўли калталик қилиб турганди. Эндиликда эса буни Керри бўйнига олишни истамасди. У сахнадаги муваффақиятлар туфайли маънавий ҳаётим билан мистер Эмсга маъқул келсам керак, деган ҳаёлга бориб қолганди. Бироқ Керрининг газеталар пуфлаб шиширган жиндаккина шухрати мистер Эмснинг назарида ҳечдай эди. У, Керри бундан ҳам катта санъаткор бўлиши мумкин, деган фикрда эди.

— Драма театрига бора қолмабсиз-да, — мистер Эмс Керри бир замонлар сахна санъатининг шу соҳасига кизиқиб юрганини эслаб сўраб қолди.

— Ҳа, — жавоб берди Керри. — Ҳозирча боролмадим, — у ҳар бир сўзини чертиб қўшимча қилди.

Мистер Эмс унга шунақанги қараш қилдики, Керри гарчи у оғиз очмаган бўлса ҳам, жавоби маъқул келмаганлигини пайқади. Керри шундан кейин:

— Лекин ўша фикримдан қайтганича йўқ, — деди.

— Ишончим комил, — деди Эмс. — Драма учун яратилган талантлар бўлади, сиз ўшалар жумласидан-сиз.

Керри мистер Эмс кўнглидаги гапни топганлигидан хайратда эди. У Керрини қаёқдан шунча яхши биларкин?

— Сиз бу гапни нима учун гапиряпсиз?

— Табиатингизда самимият зўрлигидан айтяшман, — жавоб қилди мистер Эмс.

Керри жилмаяркан, қизаринкиради.

Мистер Эмс ўзини ниҳоятда очиқ тутаётганидан Керри у билан танишган дастлабки кунларидаги каби яна меҳри товлана бошлади. Унинг фикрларидаги тиниқлик Керрига чуқур таъсир қиларди.

— Очиғи, билмайман, — мистер Эмсинг сўзлари сеҳрлаб қўйганидан Керри ўйчан холда шундай деди.

— Мен сизни сахнада кўрдим, — деди мистер Эмс. — Сиз жуда ҳам яхши ўйнайсиз!

— Сизга маъкул келганимдан хурсандман.

— Жуда яхши, — мистер Эмс гапини такрорлади. Сўнгра қўшимча қилди: — Оперетта учун, албатта!

Уларнинг суҳбатини кимдир бўлиб қўйганидан, бу ҳақда бошқа гаплашишмади. Бироқ орадан кўп ўтмай, яна учрашишди. Керри қандайдир жувон билан ичкарига кирганида мистер Эмс тушликдан кейин хонанинг бурчагида ўйга ботиб ўтирарди. Унинг башарасидан кўп йил каттиқ ишлаганлиги билиниб турарди. Чехраси нега булчалар ёқиб қолганлигини Керрининг ўзи ҳам билмасди.

— Нега бир ўзингиз ўтирибсиз? — деб сўради Керри.

— Музика тинглаяпман.

— Мен дарров келаман, — деб қўйди Керрининг дугонаси. Унга ёш ихтирочининг ранги-рўйи сира ҳам ёқмаганди.

Мистер Эмс рўпарасида тикка турган Керрига қаради.

— Ажиб куй, тўғрими? — у музикани жон қулоғи билан тингларкан сўради.

— Ҳа, жуда ҳам, — жавоб берди Керри. У ҳам ижро этилаётган куйнинг нақадар гўзаллигини пайқаганди.

— Ўтиринг, — мистер Эмс ёнидаги креслони Керрига сурди.

Икковлари бирдай сел бўлиб, пича вақт чурқ этмай

куйни тинглашди. Музыка бир вақтлардаги каби Керрига бенихоя таъсир қиларди.

— Буни изхор этишга ожизман, — Керри вужудини тўлдирган қандайдир хисга дош беролмай гап бошлади, — музыка таъсирида шунақа бўламанки... худди менга қолса... мен худди...

— Ха, мен сизни тушунаман, — мистер Эмс унинг гапини бўлди.

Мистер Эмс Керрининг кўнглини безовта қилаётган, ошқора билиниб турган хаяжонли юзига боқди.

— Сиз ғусса чекмасангиз бўларди, — мистер Эмс шундай деб қўйди.

Мистер Эмс пича жим қолиб, гўё бутунлай бошқа нарсалардан гапира бошлаган бўлса ҳам, сўзлари икковларининг умумий кайфиятларига жуда-жуда монанд келарди.

— Оламда биз мушарраф бўлмоқни истаган нарсалар сероб. Бироқ ҳаммасига интилиб бўлмайди. Ушалмаган хар бир орзу учун соч юлаверишдан наф чиқмайди-да!

Куй тинди. Мистер Эмс гўё ўзини босиб олмоқчи бўлгандек ўрнидан турди.

— Тузуккина драма театрига ўтсангиз бўлмайдими? — деб сўради у Керридан.

Мистер Эмс Керрига тик қараб, уни диққат билан ўрганарди. Керрининг шахло ва ўйчан кўзларидаги ғамгинлик ва оғиз бичимидаги аянчли ифода мистер Эмсга тахминлари тўғрилигини кўрсатиб турарди.

— Эхтимол, шундай қиларман, — деди Керри.

— Сизнинг жойингиз ўша ерда! — деди мистер Эмс гапида давом этиб.

— Чинингизми?

— Ха, бунга ишончим комил. Буни ўзингиз сезасизми, йўқми, билмайман, бироқ сизнинг чехрангизда, айниқса кўзларингизда ва оғзингиз бичимида шундай бир нарса мавжудки, булар мени ана шундай хаёлга судрайди.

Керри бунчалик назарга тушиб қолганидан шодон ва бахтиёр эди. Бир лаҳза у ёлғизлик ва зеркиш ғамдан халос бўлди. Мистер Эмсининг сўзлари фақатгина мақтов бўлмай, уларда тўғри кўнгилдаги танкид ҳам мужассам этди.

— Ха, — мистер Эмс ўйчан холда гапида давом этди, — у нарса нақ кўзларингиз ва оғиз бичимингизда мавжуд. Сизни биринчи марта кўрганимдаёқ бунга эъти-

бор берганим ёдимда. Ўшанда менга йиғлай-йиғлай деб тургандай кўрингандингиз.

— Буни каранг-а! — Керрининг бутун вужуди қандайдир илиқ туйғудан исиб кетиб, хитоб қилди.

Керрининг кўнгли ҳаммасидан ҳам худди ана шундай маънавий мададга зор эди.

— Кейин эса мен бунинг табиий кўринишингиз эканлигини пайкай бошладим, бугун бўлса яна эътибор бердим. Кўзларингиз негадир тез-тез маъюс боқади, у гўё сизнинг мусибатингизни эмас, балки ташқи оламнинг қайғусини ифодалаётганга ўхшайди.

Керри мистер Эмсинг афтига дадил боқди. Ҳозирги дамда унинг сўзларида Керрининг бутун вужуди жунбушга келганди.

— Сиз эса буларнинг барига парво ҳам қилмаётган бўлсангиз керак, — қўшимча қилди мистер Эмс.

Керри кўзларини четга бурди. Бу одамнинг ўзи хақида бунақа гапришлари ёқар, мистер Эмс айтган зўр хиссиётларга муносиб санъаткор бўлишни истарди. Мистер Эмсинг сўзлари Керрига янги орзулар эшигини очётганди-да.

Керри то қайта учрашгунларича бу хусусда кўп ўйлади. Улар орадан бир неча ҳафта ўтгандан кейин учрашишди. Ўртадаги ана шу суҳбат Керри Чикагода спектаклда катнашгунча ва ундан анча ўтгандан кейин ҳам вужудини банд этган орзулардан нақадар олисда эканлигини кўрсатди. Керри қандай бўлиб уларни қўлдан чиқариб юборди?

— Мен сизнинг нима учун драмада муваффақият қозонишингизни биламан, — деди мистер Эмс. — Мен сизни ўрганганман ва...

— Хўш? — сўради Керри унинг имиллаётганини кўриб.

— Сизга айтсам, — деди мистер Эмс оғир жумбокни счганидан мамнун бўлган одамдай, — ҳамма гап чехрангиз нақадар маънодор эканлигида. Таъсирчан қўшиқ ёки ҳаяжонлантирувчи сураг ҳам кишида ана шундай таассурот қолдиради. Бу — одамлар разм солмокни ёқтирадиган бир нарса, яъни барча инсоний интилишларнинг табиий ифодасидир.

Керри унга қараб гапини тинглаётган бўлса ҳам, сўзларининг маъносига унчалик тушунолмасди.

— Одамлар туйғуларини ифодалашга доимо ташнадирлар, — мистер Эмс гапида давом этди. — Бирок

уларнинг кўнчилиги бунга ноқобил. Буни улар бошқаларнинг зиммасига юклайдилар. Ана ўшанда уларга истеъдод кўмакка келади. Бир одам инсоний орзуларни музикада, бошқаси шеърда, яна бошқа бири драмада ифода этади. Гоҳо эса табиат барча туйғуларни инсон чехрасида мужассам этади. Чехрани инсоний интилишларни ифодалай оладиган қилиб яратади. Сизда ҳам худди шу нарса рўй берган.

Мистер Эмс жуда жиддий гапираётганидан, Керри битта нарсани: табиат менга башарий қайғуни ифода эта оладиган чехра ато этибди-да, деган гапни тушуниб олди. Бу гап кўнглига жуда ҳам ўтиришди.

— Бироқ бу сизга маълум вазифа юклайди, — гапиради давом этди мистер Эмс. — Сиз тақдирдан тухфа олгансиз. Бунда сизнинг хизматингиз йўқ. Мен, сиз ана шундай қобилиятга эга бўлмаслигингиз ҳам мумкин эди, демоқчиман. Ўшанда ўзингизни уринтирмай юравардингиз. Бироқ қобилиятингиз бор экан, ундан фойдаланишингиз керак.

— Қандай қилиб? — сўради Керри.

— Сизга айтдим-ку: драмага ўтинг. Табиатингизда самимият кўп жарангдор овозингиз бор. Мана шулардан бошқалар учун қимматли бўлган бирор нарса вужудга келтиринг. Фақат ўшандагина сиз қобилиятингизни исроф қилмайсиз.

Керри мистер Эмсининг кейинги гапини тушунмас, лекин унинг опереттадаги муваффақиятини назарига илмайётгани аён эди.

— Сизга унчалик тушунолмаёпман, — деди Керри мистер Эмсга.

— Мен сизга шуни айтмоқчиман. Сизнинг вужудингизга хос бўлган хусусият кўзларингиз, оғиз бичимингиз ва албатта кўнглингизга жо бўлган. Бироқ ўзингиздан ўзингиз юз ўгириб, истакларингизни қондириш учунгина кун кечирадиган бўлсангиз, буларнинг баридан айрилиб қоласиз. Кўзларингиз хира тортиб, оғиз бичимингиз ўзгариб, саҳнада ўйнаш қобилиятдан маҳрум бўласиз. Сиз эҳтимол ишонмасиз, бироқ бу ҳақ гап. Кейин аттанг деб қолманг, умр ўтади-кетади.

Мистер Эмс далилларнинг тўғрилигига Керрини ишонтиришга урниниб, ҳар бир сўзини дилидан чиқариб айтар, шунинг учун ҳам нутқи гоҳо жуда кўтаринки эди. Унга Керрининг нимасидир ёқар, шунинг учун ҳам унинг қалбига гулгула солгиси келарди.

— Мен биламан, сиз ҳақсиз, -- Керри ўзининг жиндай гуноҳкорлигини сезганидан ўйчан ҳолда жавоб қайтарди.

— Сизнинг ўрнингизда бўлганимда бошқачароқ иш тутардим, — гапида давом этди мистер Эмс.

Унинг сўзлари бамисоли тинч турган сувга тушган тошдай Керрини безовта қиларди.

Керри бу сўзларни бир неча кунгача мағзини чақиб юрди.

— Опереттада узок қололмасам керак, — деб кўйди у бир куни Лола билан гаплашиб қолганида.

— Нимага? — Лола хайрон бўлди.

— Менимча, жиддий драмада ҳам муваффақият қозолсам керак.

— Бу ганни дарров қасқдан ола қолдинг!

— Билмайман, — жавоб берди Керри. — Буни анчадан бери ўйлаб юривдим.

Керри шундай бўлса ҳам бирон ишга бел боғламади, илгаригидай маъюс юраверди. У сиртдан караганда роҳат-фароғатга, бахтли ҳаётга ўхшаш кунларга стишгунча анча-мунча машаққат чекади. Бироқ у ҳаёти зое ўтаётгани ва гуссадан эзиларди.

XXXXVII б о б

МАҒЛУБЛАР ЙЎЛИ, ЭОЛ¹ ЧИЛТОРИ

Ўша вақтларда шаҳарда капитанга ўхшаган бир неча савобгалаблар бўлганидан Герствуд уларнинг хизматларидан баҳраманд бўлиб турди. Ўн бешинчи кўчадаги шафқат ҳамширалари миссиясининг эшигида назр-ниёзлар ташланадиган ёғоч кути осиелиқ турарди. Ундаги ёзувга караганда, миссияга ёрдам сўраб мурожаат қилувчи ҳар бир кишига туш пайтида текинга овқат бериларди. Ўзига тўқ одамлар бундай хайрия жамиятларини хаттоки пайқамай ўтиб кетишаверарди. Шафқат ҳамширалари миссиясининг ишида нофил одам субҳидамда Олтинчи авеню билан Ўн бешинчи кўчанинг муюлишида турса ҳам, ҳар беш-ўн сонияда кўп балоларни кўрган, юзи сўлғин ва усти боши тўзиган инсон зотининг бирон-бир вакили бу гавжум чорраҳада уймалашаётган қалин оломондан ажралиб чиқаётганини сезмай қолиши мум-

¹ Э о л — қадимги юнон афсонасида шамол худоси.

кин эди. Ҳаво совуган кунлари бу манзарани яққол кўрса бўларди. Ичкарида жой етишмаслигидан бир йўла йигирма беш ёки ўттиз кишини овқатлантирса бўлар, бошқалар эса бу вақтда ташқарида узундан-узок саф тортиб туришар ва навбатларига қараб киришарди. Бу савдо кўп йиллардан бери ва ҳар куни бўлиб келаётганидан Нью-Йорк ахли бунга кўникиб кетган, унга бунинг қизиғи ҳам қолмаганди. Камбағал бечоралар ҳаво роса совуган кунларда ҳам ичкарига бош суқиб ўтмоқ учун соатлаб тик туришарди. Қирганлар тановул қилиб чиқиб кетишаверишарди. Оломондагиларнинг кўпчилиги бу ерга бутун киш ичи ҳар куни келиб туришарди.

Эшикда турган бўйдор онахон навбатдагиларга кўзқулоқ бўлиб, ичкарига кирадиганларни санаб ўтказарди. Одамлар жиддий тартибга бўйсунган ҳолда силжишарди. Ҳеч ким шошилмас, жойида ҳам уймалашмасди. Бу гўё соқовлар силжишига ўхшарди. Қаҳратон совуқларда ҳам бу ерда тановул қилиш учун навбат келишини кутаётганларни кўрса бўларди. Аламдийда кишилар изғирин ғув-ғув қилаётган кунларда бир оз исиниш учун чапак чалишиб ўйин тушишарди. Башараларидан совуқ роса чимчилагандай кўринарди. Буларга кундузги ёруғда разм солганда ҳаммалари бир-бирларига жуда ҳам ўхшаб кетишларини пайқаб олса бўларди. Булар кунларини боғлардаги скамейкаларда ўтказадиган, ёзда эса ўшанда ётиб юрадиган бошпанасиз кишилардан эдилар. Улар Бауэридаги ётоқда кўриниб туришар ва шаҳарнинг кун чиқар томонидаги кўримсиз кўчаларда судралиб юришар, нега деганда, бу ерларда усти-боши хароб ва башараси аянчли кишиларни кўрганда биров ажабланмасди. Бу одамларнинг тўйиб овқатланмасликлари, бунинг устига ўшани ҳам вақтидан ўтказиб ва ютоқиб тановул қилишлари оқибатида суяклари билан бўғинлари бўшашиб кетганди. Ҳаммаларининг рангларидан қон қочиб, тинкалари қуриган, кўзлари чуқур тушиб, жонсарақ йилтирар, кўкраклари ҳам ботинқираган, лаблари дардга чалингандек қизғиш тусга кирганди. Сочлари пахмайиб, қулоқлари қизарган, оёқларидаги бошмоқлари ҳам кийилаверганидан титилиб кетганди. Булар оқимга дош беролмай кетаётган одамлар бўлиб, бўрон қирғоққа майда пайрахаларни улоқтириб тургани каби ҳар бир одамлар тўлкини ҳам янги-янги қурбонларни чеккага улоқтиргани улоқтирганди.

Шаҳарнинг бошқа қисмида Флейшман деган новвой қарийб йигирма беш йилдан бери Бродвейдаги магазинининг орқа эшигига тун ярмида келган ҳар бир кишига булка улашарди. Йигирма йилдан бери ҳар куни кечаси уч юзга яқин одам навбатга тизиларди: маълум соатда магазин эшиги очилар, очлар каттакон сават ёнидан ўтаётиб, битгадан булка олишарди-да, зулмат қўйнига сингиб кетишарди. Булкага келадиган кишиларнинг таркиби ва сони деярли ўзгармасди. Бу томошани йилма-йил кўриб келаётганлар ҳалиги одамлардан анча-мунчасини таниб қолишганди. Булардан иккитаси ўн беш йилдан бери ҳар кеча келишни бир марта ҳам қанда қилишмаган, улардан бошқа тез-тез келиб турадиган ўнларча меҳмонлар ҳам бор эди. Аҳвол танг кунлари ҳам, ишлар «юришган» кунларда ҳам бу ерга келиб турадиган камбағалларнинг сони деярли ўзгармасди. Чамаси уч юзга келадиган ўша кишилар қишин-ёзин бўронли ва ҳаво очиқ кунларда ҳам Флейшманнинг нон магазини олдида бир-бирларига мунгли учрашув тайин қилар эдилар.

Герствуд ҳам навбатда турганлар орасида тез-тез кўрииб қоларди. Бир куни ҳаво жуда ҳам совуди. Герствуд шу куни кўчаларда анча вақт тиланчилик қилиб юрса ҳам, ҳеч нарса туширолмади. У шундан кейин ниҳоят шафқат ҳамшираларининг бошпанасига йўналди. У ерга соат ўн бирдаёқ ўзига ўхшаган камбағаллардан анча-мунчаси бориб олганди. Шамол эса буларнинг хароб либосларини аёвсиз юлқиларди. Улар ошхонага олдинроқ кириш учун барвақтроқ келганларидан Ўн бешинчи кўчага қараган Тўққизинчи полк омборхонасининг темир панжарасига суюниб туришарди. Эшик очилишига нақ бир соат борлигидан очлар ундан салгина нарида туришарди. Бироқ янги-янги одамлар келишаётганидан олдинроқ ҳаракат қилганлар биринчиликни қўлдан бермаслик учун сиқилиброқ туриша бошлади.

Герствуд бу оломонга Еттинчи авеню томондан келиб қўшилганидан эшикнинг нақ ёнгинасида турарди. Ундан илгарироқ келганлар яқинроқ сурилишиди-да, чурқ этиб оғиз очмай, ўз хулқлари билан олдинда турганликларини билдиришди.

Герствуд бу зарбадан кейин навбатдагиларга хўмрайиб қараб қўйди-да, ҳаммадан кейинда тургани кетди. Тартиб ўрнатилгач, кўнглидаги ғараздан асар ҳам қолмади.

— Соат ўн икки бўлиб қолган бўлса керак-а? — деб сўраб қолди битта киши.

— Эҳтимол, — жавоб қилди бошқа бири. — Кўз тутаётганимга ҳам бир соатдан кўп бўлди.

— Жин ургур хаво совуб кетди-ку!

— Гўшт қимматлашяпти! — деб кўйди кимдир.

— Уруш бўлса холимиз нима кечарди?

Навбатда турганлар тобора кўпайишарди. Одамлар энди элликтадан ошиб кетганди.

Олдинроқда турганларнинг бошқалар сингари анча саргайиб қолмаймиз, деб жуда хурсанд бўлаётганликлари аён эди. Улар бўйнилари чўзиб, навбатнинг оёғида турганларни кўришга уринишарди.

— Нечанчи бўлганлигининг унча ахамияти йўқ, йигирма бештага илинсангиз бўлгани, — деди ўшанга илинганлардан биттаси Герствудга тушунтириб. — Йигирма бешта одамнинг ҳаммаси бир киради.

— Ҳмм! — навбатнинг охирига раҳмсизларча қувиб юборилган Герствуд ўзича фўлдираб кўйди.

Одамлар анча вақт жим туришди. Этлари бориб устихонларига ёпишган, кийимлари жулдур одамлар оғирликларини дам у, дам бу оёқларига солиб туришар, эшикдан кўз узмай иссиқ ўтсин деб қўлларини бир-бирига уришарди.

Нихоят эшик очилиб, бўйдор ва тўладан келган ҳамшира кўринди. У тартиб сақлаб турарди. Навбат олдинга силжиб, ҳисоб йигирма бештага етгунча одамлар ичкарига кираверишди. Ҳамшира шундан кейин кўлини чўзганди, навбатдагилар тўхташди. Зинада олтига одам қолди. Майхонанинг собиқ бошқарувчиси охиргилар қаторида эди. Емиш берилишини кутаётган одамларнинг баъзилари пешаналари шўрлигидан нолишар, Герствудга ўхшаганлар эса ковокларини уйганларича миқ этишмасди. Нихоят Герствудни ҳам ичкарига киритишди. У тамадди қилган бўлса ҳам, бир бурда нонга не-не азоблар билан этишганидан вижиниб кетди.

Герствуд орадан икки ҳафта ўтгач, Флейшманнинг магазини олдида навбатда турганлар қаторида тишини тишига кўйганча нон тегишини кутарди. Шу куни Герствуднинг иши ўнгидан келмаган бўлса ҳам, аҳволига ақл кўзи билан қаради. Мабодо у кечки овқатнинг иложини қила олмай оч қолгудай бўлса, тўғри шу ёққа келаверади.

Соат ўн иккига бир неча дақиқа қолганда магазин-

дан нон солинган каттакон сават олиб чиқилди-да, роп-на-роса ўн икки бўлганда эшпик ёнида пайдо бўлган семиз ва юмалоқ юзли булкачи:

— Келавер! — деб кичкирди.

Навбатдагилар дарҳол олдинга ўрмалашди. Ҳар бир одам булка олиб кетаверарди. Герствуд бу сафар булкасини зим-зиё кўчалардан ётадиган жойига аранг судралиб бораркан, йўлдаёқ еб қўя қолди.

Январь ойи келганда Герствуд, довим кетди шекилли, деган хаёлга бораёзди. Илгари хаёт кўзига нимаси биландир қимматли кўринар, бироқ муҳтожликдан боши чиқмай, силласи тоза қуриганидан кейин ер неъматлари ҳам назарида хира тортиб, аҳамиятсиздай туюларди. Такдир бир неча бор гирибонидан олиб қолганида тирикчиликни йиғиштириб қўя қолиш керак, деган хаёлга ҳам борди. Бироқ хаво сал очилиб қолса ўн, гоҳо эса йигирма беш цент ишлаб қолгудай бўлса, Герствуд ўзгарарди қоларди. Ўшандай пайтларда ўзига ўзи хали кун кўраман, деб қўярди.

Герствуд Керри ҳақида бирор нарса билиш умидида ҳар куни битта-яримта ташлаб кетган газетани кўздан кечириб чиқарди. Бироқ ёз ва куз ўтса ҳамки унинг мутлақо изини тополмади. Шундан кейин унинг кўзи оғрий бошлади. Оғрик ниҳоятда зўрая бошлаганидан ётоқхонанинг ним қоронғи хоналарида ўқишга уринмаёқ қўйди. Емишнинг мазаси йўқлигидан шарти кетиб, парти қолган, бошпана топилди дегунча ётиб ухлашдан бўлак чора қолмаганди.

Герствуднинг усти-боши дабдала бўлиб, ўзи ўлгудай озиб кетганидан одамлар уни кўрибоқ дайди ёхуд гадой дейишарди. Полициячилар уни таъқиб қилишар, майхоналар билан ётоқларнинг эгалари кўрди дегунча қувиншар, шаҳарда айланиб юрганлар ундан хира пашшадай қўл силташарди. Бироқ нарса топиб тишга босиш кундан-кунга тобора мушқуллашиб борарди.

Герствуд пировардида ўйинни йиғиштириш керак, деган хулосага келди. Бу фикр кўп одамлардан садақа сўраб қўли қуруқ қолгандан кейин хаёлини бутунлай чулғаб олди. У кимдан садақа сўраса, ўша одам қочаверарди.

— Менга жиндай караша олмайсизми, сэр? — Герствуд сўнгги марта уриниб кўрди. — Очимдан ўлай дейман.

— Э, бор-е! Тур йўқол! — жавоб берди йўловчи. — Ҳеч нимага арзимаёсан!

Герствуд совукдан кизариб кетган қўллари чўнтагига тикди. Унинг кўзларида ёш халқаларди.

«Бу тўғри, — деди у ўзига-ўзи. — Мен ҳеч нимага арзимаيمان! Бир замонларда чакки эмасдим. У пайтларда пулим бор эди. Бунга чек қўйиш вақти етди!»

Герствуд шундан кейин ўлишни ўйлаганича Бауэрига йўл олди.

«Начора, одамлар илгарилари ҳам ўзларини ўзлари ўлдирганлар, — деб ўйлади у. — Газни бурасанг бўлди — ҳаммаси тугайди қўяди. Шунақа қилишимга нима ҳам халакит берарди?»

Ўн беш центга ижарага қўйиладиган ётоқдаги газ чирокли хужрача Герствуднинг эсига келди. Бу хужра Герствуд ўз олдига қўйган мақсадни амалга оширмоғи учун тақдир томонидан атайлаб белгилаб қўйилгандай туюларди. Шундай бўлса ҳам ёнида ўн беш центи йўқлиги Герствуднинг эсига тўсатдан тушиб қолди.

Йўлда Герствудга хозиргина саргарошхонадан чикиб келаётган силлиққина бир одам учраб қолди.

— Сэр, мархаматингизни дариг тутманг, менга бирор нарса беринг, — деб эланди Герствуд унга.

Жентльмен унга бошдан-оёқ кўз югуртириб чиққанидан кейин чўнтагини ковлашга тушиди. Қараса ёнида чорак доллардан кам бўлган танга йўқ экан.

— Ма, — деди у гаёйдан кутулиш учун, — олу йўқол!

Герствуд хаёлга ботганича йўлида давом этди. Каттагина ялтироқ танганинг кўриниши унинг завқини келтирарди. Эрталабдан бери туз тотмагани эсига тушиди, ётадиган жойни эса ўн центга ҳам топса бўларди. Шу тариха ўлим фикри вақтинча орқага сурилди. У тақдирдан бўлак нарса кўрмаган кунларигина ўлим унга кизиқарли нарсадай кўринарди.

Қишнинг ўрталарига борганда бир куни қаҳратон совуқ бўлди. Биринчи куни ҳаво тунд ва совуқ бўлди, эртасига эса қор ёғиб берди. Герствуднинг омади келмади: у аранг ўн цент топувди, ўша ҳам емишга кетиб қолди. Кечқурун эса Олтмиш еттинчи кўчадаги хиёбонга бориб қолиб, у ердан Бауэри томонга бурилди. Кундузи Герствудни одам тушуниб бўлмайдиган қандайдир саргардонлик ташналиги олдинга судраганидан тинкаси тоза қуриган, шунинг учун оёғини аранг судрар, бошмоғининг таг чарми ҳам ивиб кетганди. У эскириб кетганди. У эскириб кетган пиджагининг ёқасини кўтариб олган, бошида эскириб кетган қандайдир шляпа бўлиб, бости-

риб кийганидан кизарган кулоклари чиқиб колган, кўллари эса чўнтагига солиб олганди.

«Бродвейга бориш керак!» — у нимагадир шундай карорга келди.

Қирк иккинчи кўчанинг яқинида электр рекламалар яркираб турарди. Одамлар ресторанларга ошикарди. Ҳашамдор қаҳвахоналарнинг чароғон деразаларидан маишат қилишаётган улфатлар кўринишарди. Ҳаммаёқда файтонлар ва йўловчилар лик тўла трамвайлар кўзга ташланади. Тинкаси қуриган ва оч Герствуднинг яхши-си бу ерга келмагани маъқул эди. Наинки икки ўртадаги тафовут жуда ҳам катта эди-да. Герствуднинг хотираси сийқаланиб колганига қарамай, энг яхши кунлари кўзига кўриниб кетди.

«Бу ёғини чўзиб ўтиришнинг ҳожати бормикин? — Герствуднинг хаёлидан шу сўзлар ялт этиб ўтди. — Ман тамом бўлган одамман. Бас!»

Одамлар Герствудга ўгирилиб қарашаркан, унинг ниҳоятда аянчли ва искирт кўринишидан ҳайрон бўлишарди. Полисменлар бўлса тағин битта-яримта йўловчига ёпишиб ўтирмасин, дегандай ундан кўз узишмасди.

Герствуд катта ресторан деразаси рўпарасида беҳосдан тўхтади. Деразадан хурмолар, ошпоқ дастурхонлар, ялт-юлт қилаётган кумуш ва биллур буюмлар кўриниб турарди. Столлар атрофида шўх улфатлар ўтиришарди. Герствуднинг хаёли қанчалар паришон бўлмасин, очлик кучини кўпроқ кўрсата бошлади. Бечора жойидан кимирлаёлмай қолди: дабдала бўлган шимининг патила почалари йўлкадаги лойкани шимиб турарди.

— Еяверинглар! — деб фўлдиради у. — Тўғри, еяверинглар! Бошқаларга кераги йўк!

Шундан кейин унинг овози пасайиб, шивирлаш даражасига тушди. У энди хозиргина ўйлаб турган нарсасини ҳам эсидан чиқариб фўдранди:

— Ёмон совуқ бўляпти! Тешиб юбораман дейди-я!

Бродвей билан Ўттиз тўққизинчи кўчанинг муқолишидаги электр чирокларидан ясалган «Керри Маденда» деган сўзлар чарақлаб турарди. Ана шу реклама тагидаги қор босган йўлка ҳам яракларди. Ёрқин шуъла Герствуднинг эътиборини тортди. У бошини кўтарганида Керри бор бўйича тасвирланган улкан афишага кўзи тушди.

Герствуд бурнини торта-торта худди кичишгандай елкасини учириб афишага бир дақиқа тикилиб қолди. У азбаройи қийналганидан нималар бўлаётганини ҳам унчалик фаҳмлаёлмасди.

— Бу сенми? — деди у ниҳоят Керрининг тасвирига қараб. — Сенга унча муносиб эмас эканманда-а?

Герствуд келиштириброқ гапирай деб жойида туриб қолса ҳам, бунинг ҳеч чорасини топа олмасди.

— Унинг пули ачиб ётибди, — Герствуд гапида давом этди. — Менга ҳам жиндай берсин-да!

Герствуд театрнинг ён томонидаги эшигига қараб юрди, бироқ нима қилмоқчилигини ўша захотининг ўзидаёқ унутиб, қўлини чўнтагига ботирганича тўхтаб қолди. Шунда бирдан эсига тушди. Бу артистлар кирадиган эшик-ку! Унга мана шунинг ўзи керак!

Герствуд эшикка яқинлашиб, уни очди.

— Сенга нима керак? — дарбон Герствудга бакириб берди. Герствуд жойида қимир этмай турганини кўргач, уни туртиб-суртиб чиқара бошлади. — Йўқол бу ердан!

— Мисс Мадендани кўрмоқчийдим, — деди Герствуд.

— Ростданми? — дарбон Герствуднинг ахволидан ҳузур қилиб масхараомуз сўради. — Қани, тезроқ гум бўл!

У Герствудни яна ташқарига итарди. Герствудда эса қаршилиқ кўрсатишга мажол ҳам қолмаганди.

— Мен мисс Мадендани кўрмоқчиман, — дарбон турта-сурта ташқарига чиқараётганида Герствуд тушунтиришга уриниб кўрди. — Мен ҳеч нима... Мен...

Дарбон уни яна бир суриб ташлади-да, эшикни қарсиллатиб ёпди.

Герствуд тойиб кетиб, қорга юмалади. У қаттиқ тушганидан хижолат тортгандай бўлди. Шундан кейин хўрлиги келиб, қаттиқ сўқинишга тушди.

— Ит! — Герствуд йиртиқ енгидан қорни қоқиб тушираркан хириллади. — Лаънати ит! Мен... Мен бир вақтлари сенга ўхшаганларни ёллаб ишлатардим!

Герствуднинг бирданига Керрига ҳаддан ташқари қаҳру ғазаби қўзиди-ю, бироқ калласида хилма-хил фикрлар ғужғон ўйнаётганидан ўша захоти жаҳлидан туша қолди.

— Бирор нарса еб олишим учун у менга пул бериши керак! — деди Герствуд. — У буни қилиши керак.

Герствуд жуда ҳам бўшашган ҳолда йўл-йўлакай йиғламсираб садақа сўраб Бродвейдан судралиб бораркан, ниманики хаёл қилса уни шу он унутарди.

Орадан бир неча кун ўтгандан кейин, қиш окшомларидан бирида Герствуд қатъий бир қарорга келди. Соат тўртдан бошлабоқ шаҳарни тун зулмати чулғай бошлади. Кучли шамол бўлиб турганидан калин қор тешиб юбор-



гудай бўлиб савалаб ёғарди. Кўчаларга олти дюйм қалинликдаги майин гилам тўшалган бўлса ҳам, орадан кўп ўтмай отларнинг туёқлари ва йўловчиларнинг оёқлари тагида қолиб тифи чиқиб, билчираб кетди. Бродвейда устларига иссиққина пальто кийган кишилар айланиб юришарди. Бауэрида эса ёқаларини кўтариб, шляпаларини кулоқларигача бостириб кийган кишилар изғишарди. Бу кўчаларнинг биринчисидаги савдогарлар ва мусофирлар шинамгина мусофирхоналарга ошиқишади. Иккинчисида эса совуқда дийдираган оломон ичкарисида чироклар ёниб турган искирт ёнидан сирғалиб ўтади. Трамвай вагонларидаги чироклар барвақт ёқилган, филдиракларга қор ёпишиб қолганидан ҳар кунгидай тарақа-туруқ ва вижирлаш овозлари пастроқ чиқади. Бутун шаҳар қалин оқ либосга бурканган.

Керри бўлса бу маҳалда «Уолдорф» меҳмонхонасидаги шинамгина хонасида «Горио ота»ни ўқиб ўтирарди. Бальзакнинг бу романини ўқишни унга Эмс маслаҳат берганди. Роман жуда ҳам зўр ёзилган, бунинг устига Керри Эмснинг маслаҳатини ниҳоятда баланд кўрганидан бениҳоя иштиёқ билан бетма-бет тушириб борарди. У шу чокқача — ўқиганлари нақадар бемаъни нарсалар эканлигини эндигина тушуна бошлади. Керри ҳомуза тортди-да, дераза олдига келиб, Бешинчи авенюдаги боши-кети кўринмайдиган фэйтонлар оқимини томоша қила бошлади.

— Ҳавонинг расволигини кара-я! — деб кўйди у Лолага.

— Ҳа, расволикка расво! — жавоб қилди бежиримгина Лола. — Менимча, қор яхшигина ёғади, кейин эса жилла бўлмаса чанада мазза қилиб юраверамиз.

— Ох, Лола, — деб кўйди Керри. У ҳали ҳам Горио отанинг уқубатлари таъсирида эди. — Сен нукул арзимас нарсаларни ўйлаганинг ўйлаган. Мана шундай кечда бошнанасиз қолганларга раҳминг келмайдими?

— Раҳмим келади, албатта, — жавоб берди Лола. — Бироқ иложим қанча? Ўзимда ҳам ҳеч вақо йўқ-ку.

Керри жилмайди.

— Ҳатто битиб кетганингда ҳам бировларнинг ҳолига унчалик ачинмасдинг.

— Адашяпсан, — деди Лола. — Шундай бўлса ҳам сенга айтиб кўяй, — деди у орадан бир дақиқа ўтар ўтмас, — мен муҳтожликда қолганимда биров бир нима бермаган.

— Бу — даҳшат, — деб кўйди Керри кутурган бўронни деразадан томоша қиларкан.

— Аनावи тентакни қара-я! — Лола тойиб кетиб йикилган йўловчини кўрсатди. — Эркаклар думаласа жуда кизик бўлади-да!

— Бугун театрға файтонда боришга тўғри келади, — Керри ўйчан ҳолда шундай деб қўйди.

Ўшал дақиқада Чарльз Друэ чиройли қилиб тикилган иссиққина пальтосининг қорини қоқиб, «Империа» меҳмонхонасининг вестибюлига кириб келди. Ҳавонинг ёмонлиги уни эртароқ уйга қувган ва айна пайтда кишиларни барча совуқ ва мунгли нарсаларни унутишга мажбур этадиган маишатларга ташналигини зўрайтирганди. У энди яхшигина тамадди қилиб, чиройликкина ёш жувон билан суҳбат қуриш ва театр кўришга зор эди.

— Хелло, Гарри! — деди у қулайгина юмшоқ креслолардан бирида ўтирган йигитга. — Аҳволларингиз яхшими?

— Ёмон эмас. Зорланадиган жойи йўқ.

— Ҳавонинг бемазалигини қаранг-а!

— Нимасини айтасиз! Мана мен бу ерда нима қилсамикин, деб бошим қотиб ўтирибман.

— Мен билан юринг, сизни баъзи бировлар билан таништириб қўяман, кейин хурсанд бўласиз!

— Кимлар экан ўзи?

— Иккита қиз, ўзлариям шу атрофда, Қирқинчи кўчада. Вақтни мазза қилиб ўтказамиз. Менга сиз керак эдингиз.

— Майли, уларни олиб бориб ўтиришамиз! — Друэнинг ошнаси унинг гапини илиб кетди.

— Қойил! — Друэ унинг гапига қўшилди. — Жиндай туринг, тепага чиқиб кийиниб олай.

— Майли, мени сартарошхонадан топасиз, — деди Гарри. — Соқолимни олдириб тураман.

— Маъкул, — Друэ шундай дея чиройли ботинкасини фарч-ғурч босганича лифтга қараб юрди.

Парвона ғам-ташвиш нималигини билмай, ҳамон илгаригидай чарх урарди.

Бўронни ёриб Нью-Йорк томон учаётган пульман вагонининг купесидида уч киши ўтиришарди.

— Тушликка биринчи кўнғироқ берилди! — деди устига кўзни олгудек оппоқ китель кийган ресторан-вагоннинг официанти коридордан ўтиб бораркан.

— Бошқа ўйнамайман энди, — сочлари қоп-қора соҳибжамол аёл шундай дея карталарни нари суриб қўйди.

— Унақа бўлса бориб овқат-повқат қилайлик? — таклиф қилди уни сўнгги мода бўйича кийинган ёшгина эри.

— Йўқ, ҳали қорним очгани йўқ, — жавоб берди хотини. — Бироқ ўйин жонимга тегди.

— Жессика, — деди гўзалнинг ёши йўл қўяр даражада башанг кийинган онаси, — галстугинг тўғнағичини тўғрилаб қўй! Ҳадеб тушиб кетаверади-я.

Жессика тўғнағичини яхшилади-да, сочини силаётиб бриллиантлар билан безатилган соатига кўз ташлаб қўйди.

Эри унга завқ билан қарарди. Наинки, гўзаллик қанчалар совуқ бўлса ҳам, бизни ўзига ром этмай қўймайди-да.

— Хайрият, бунақа бемаза ҳаводан қутулишимизга озгина қолди! — деди у. — Яна икки ҳафтадан кейин нақ Римда бўламиз!

Купенинг бурчига яхшилаб ўрнашиб олаётган Герствуд хоним жилмайиб қўйди. Бунақанги бой йигитнинг қайнанаси бўлади-ю, хуш ёкмайдими. Ахир, куёвининг дунёси қанчалигини шахсан ўзи текшириб кўрганди-да!

— Кема вақтида жўнайди, деб ўйлайсанми? — сўради Жессика. — Ҳавонинг бунақалиги ҳалал бермайдими?

— Мутлақо! — эри уни тинчитди. — Бунақа ҳавонинг кемага мутлақо алоқаси йўқ.

Купе олдидан чикаголик аллақандай банкирнинг малла ранг сочли ўғли ўтиб қолди. У анчадан бери бу димоғдор гўзални кўз тагига олиб юрарди. Хаттоки ҳозир ҳам ҳеч таян тортмай синчиклаб қараб ўтди. Жессика эса буни жуда яхши сизди. У бағоят усталик билан ўзини бепарво кўрсатиб, чиройлигина бошини деразага астагина қаратди. Бироқ буни ёшгина хотинларга хос бўлган уятчанликдан қилмаганди. У мағрурликни қўлдан бермаётганидан мамнун эди.

Бу пайт эса Бауэрига қаратган тор кўчалардан биридаги тўрт қаватли искирт иморатнинг олдида уйсиз-жойсиз кишилар оломони турар, булар орасида Герствуд ҳам бор эди. Оломон борган сари кўнаярди. Ҳаддан тапқари кенг пиджаклар эриган қордан оғир тортар, ёқалар кўтариб қўйилганди. Кўпроқ қопга ўхшаб қолган шимларнинг титилиб кетган почалари тумшуғи кўчиб кетган бошмоқларга тушиб турарди. Одамлар ичкарига киришга уринмай, қўлларини чўнтақларига солганларича оғирликларини у оёқларидан бу оёқларига ташлаб, гоҳ йўловчиларга, гоҳ ёнаётган чироқларга тикилишарди. Навбатда турган-

лар дақиқа сайин кўпайишарди. Бу ерда кўзлари чуқур тушиб кетган ошпоқ соқолли чоллар, анча ёш бўлсалар ҳам, дард тобларини олиб кўйган кишилар ва ўрта ёшдаги одамлар ҳам бор эдилар. Семизлар мутлақо кўринмасди. Биттасининг рангида мутлақо қони қолмаган, бошқасининг юзи пишиқ виштдай қип-кизил эди. Бирининг қоқ суяк елкаси букик, бошқа бири ёғоч оёқда оқсоқланар, яна биттаси қоқ скелетнинг ўзи бўлиб қолганидан устидаги кийими хилвираб турарди. Қаёққа қараманг одамларнинг супрадай қулоқлари ва қонга тўла кўзлари кўринади. Бутун бошли бир оломонда биронта ҳам тўрт мучали соғ, ранги тоза, бели букилмаган, кўзи жавдирамаган одам топилмасди. Совуқ турганидан қизарган муштлар ҳам кўзга чалиниб қоларди. Баъзи бировларнинг бошларидаги шляпа сифат нарсалари кўкариб кетган қулоқларини шамолда мутлақо тўса олмасди. Бу одамлар депсинганча, беъмани бир мақомда чайқалиб туришарди.

Эшик олдидаги оломон кўпайган сари кимларгадир қаратилган сўкиш ва ҳақоратлар ҳам тез-тез эшитиларди:

— Минг лаънат буларга! Тезроқ оча қолишса нима қиларкин!

— Анави фиръавни қаранг-а! Биздан кўзини узмайди-я!

— Балки улар ҳозир ёз деб ўйлашаётгандир?

— Менга қолса ҳозир Синг-Сингда¹ ётган бўлардим.

Совуқ шамол тўсатдан хуруж қилиб қолганидан бошпанасиз одамлар гужроқ бўлишди. Ҳазил-ҳузил ҳам, бир-бирларининг кўнгилларини кўтариб қўйишлар ҳам одамларнинг оғир ва қанотли интизорликларига малҳам бўлолмасди. Шу пайтда кўчадан битта соябон арава ўтиб қолди. Унда битта жентльмен ўриндикқа бемалол суянганича ўтирарди. Эшик олдида турган қашшоқлардан биттаси бошқаларнинг диққатини мана шу жентльменга қаратди.

— Анави учарни қаранглар-а!

— У совқотаётгани йўқ-да! — деб қўйди бошқаси.

— Хой! Хой! Хой! — деб бақирди учинчи бири соябон арава аллақачон ўтиб кетган бўлса ҳам.

Аста-секин кеч кира бошлади. Ўткинчилар уйларига қайтишарди. Клерклар билан сотувчи ҳам ишларидан шоша-пиша келишарди. Лиқ тўла трамвайлар ўтгани ўтган, газ чироқлар чарақлаб ёнарди. Ҳар бир витрина йўлкага нурли доғ ташларди. Бечора ва оч кишилар оломони эса ҳали ҳам эшик олдидан қимирламамасди.

¹ Нью-Йорк штатидаги камоқхона.

— Нахотки булар эшикни мутлако очишмаса? — кимнингдир хириллаган товуши эшитилди.

Бу гап ҳамманинг ёпиқ эшикка бўлган қизиқишини қайтадан қўзғатиб қўйди. Улар энди эшикка бамисоли ак-ак қилиб, туткичга қараб, уни тимдалаётган итлардай қадалиб қолишганди. Одамлар совукдан жунжикишар, кўзларини пириратишар, дам-бадам битта-яримтаси боплаб сўкиниб қўярди. Ҳаммалари деярли чурқ этмай кутиб туришар, қор эса айланиб келиб юзларига урилар, эски шляпалар ва қоқсуяк елкаларда тўдаланарди. Оломоннинг ўртасида одамларнинг баданларидан чиққан иссиқ ва нафасларидан қор эриб, шляпаларнинг соябонларидан совқотган бурунларига чакилларди. Герствуд бўлса оломоннинг ўртасига ўтолмаган, шунинг учун ҳам совукдан бошини эгиб, букчайганча турарди.

Эшик тепасидаги дарчада ёруғ кўринди. Оломон ғимиллаб, ҳамма нима бўларкин, деб турарди. Ниҳоят ичкаридаги болтлар ғижирлаб, ҳамма хушёр тортди. Оёқ товуши эшитилди, сўнгра кимдир:

— Хой, ёпирилманглар! — деб кичкирди.

Эшик очилди. Одамлар бир дақиқа мобайнида ўртага чўккан хунук жимликда ичкарига оқа бошлашди. Жикка хўл шляпалар, ивиган елкалар, совқотган, шалвираган, хириллаб нафас олаётган одамлар оммаси қоқ деворлар орасидан ичкарига ўрмаларди. Оломон шундан кейин сув устидан кўтарилган тумандай ғойиб бўлди қўйди. Соат роппа-роса олти эди. Барча ўткинчиларнинг башараларидан «овқат» деган маънони уқиб олса бўларди. Бироқ бу ерда овқат йўқ, унда ётадиган жой бор эди, холос.

Герствуд ўн беш цент тўлади-да, ўзига ажратилган хужрага қараб аранг судралди. Бу тахта деворли, искирт ва чанг хужра эди. Кичкинагина газ чироқ бу хароб бошпанани ёритиб туриши лозим эди.

— Кхе, — Герствуд томоқ кирди-да, эшикни кулфлади.

У бамайлихотир ечинишга тушди. Устидаги йиртик пиджагини ечиб, остонадаги тешикка тикди. Жилетини ҳам шунақа қилди. Эски, ивиган, йиртик шляпасини эса стол устига қўйди. Кейин эса бошмоғини ечиб, чўзилди.

Герствуд шундан сўнг нимадир эсига тушгандай ўрнидан турди-да, газни очиб, зулматда бир дам қаққайиб қолди. Бир дақиқа кутиб, яна кранни очди, бироқ гургурт чақиб чироқни ёкмади. У раҳмдил зулмат оғушида турар, газ эса хонани жадал тўлдиришга киришганди.

Газнинг ёқимсиз ҳиди димоғига урганидан кейин Герствуд жойини пайпаслаб топиб ўтирди.

— Чўзиб ўтиришнинг хожати бормикин? -- Герствуд аранг эшитиладиган қилиб фудранди-да, жойига бўйи баравар чўзилди.

Керри ниҳоят аввалига ўзига ҳаётий мақсаддек ёки жилла бўлмаса инсоний орзуларнинг гултожидай кўринган нарсага етишганди. У ўзининг либослари ва хусусий экипажи, ашқол-дашқоллари ва банкдаги маблағи билан завқлана оларди. Дўстлари ҳам бор бўлиб, булар бу сўзнинг одатдаги маъносидаги, яъни унга таъзим бажо айлаб, муваффақиятларидан хурсандликларини билдирмоқ мақсадида тишларининг оқини кўрсатишга тайёр турган одамлар эдилар. Керри бир вақтлар буларнинг барини орзу қиларди. Шон-шуҳратнинг бу хамрохлари ҳали қўл етмас жойда эканларида Керрига нималари биландир жуда муҳим ва керакли кўрингандилар. Энди эса улар ҳар кунги одатий нарсалардай бўлиб қолганидан Керрига мутлақо қизиғи қолмаганди. Керри гўзал, ўзига яраша жозибали бўлса ҳам, барибир ёлғизлик азобини тортарди. Бўш пайтларида тебратма стулида ўзича гинғиллаб, ширин орзуларга берилиб ўтирарди.

Ҳаётда ақлли ва нозик ҳис эгалари бўлган кишилар — мушоҳада юритадиган ва ҳис эта биладиган кишилар доимо учраб туради. Буларнинг биринчисидан ҳаракат кишилари — саркардалар ва давлат арбоблари, иккинчисидан — шоирлар ва орзумандлар, санъат заҳматкашлари етишиб чиқади.

Бу одамлар бамисоли Эол чилторлари сингари ҳаётнинг салгина тебранишига садо бериб, эзгулик оламидаги ҳар бир ўзгариш ва тебранишларга лоқайд қола олмайди.

Инсон эзгулик оламининг моҳиятига тушунмагани каби орзумандни ҳам яхшилаб тушуниб олганича йўқ. Орзумандга турмушдаги ахлоқнинг қонун ва талаблари жуда малол келади. У гўзаллик нидосига бир умр қулоқ тутиб, олисдан қанот қоқишларини сезгирлик билан илғаб олганида унга эргашишни истаб, олис йўл босиб, оёқларидан айрилади. Керри ҳам гўзаллик нидосига шу тариқа қулоқ тутиб, орзуларга берилиб, хиргойи қилганича эргашиб борарди.

Ақл бу ишда ҳадеб аралашавермаслигини унутмаслик керак. Чикаго биринча дафъа Керрининг ҳаёлида жонланганида бу шаҳар унга шу чоққача кўрилмаган қувончлар бахш этадигандай туюлган, шунинг учун ҳам Керри

кўнглининг майли билан унга махкам ёпишиб олганди. Башанг кийинишиб, дабдабали яшайётганлар бахтиёрлардай туюлишган, шунинг учун ҳам бундай ҳаёт сари нитилганди. Чикаго, Нью-Йорк; Друэ; Герствуд; дабдабалар дунёси ва сахна олами — булар узук-юлук лавҳалар эди, холос. Керри буларнинг эмас, балки фикрича бу одамлар тимсоли бўлган ҳаётнинг мафтуни эди. Вақт ва Керрининг бу хусусдаги тасаввурлари сохта эканлигини кўрсатди.

О, инсон ҳаётининг чалкашликлари! Биз кўп нарсаларни қанчалар юзаки тушунамиз-а! Мана, олдинга камбағал, соддагина ва нозик хис сохибаси Керри. Унинг ҳаётдаги барча ёқимли нарсаларга истаги бор, бироқ доимо пешанаси қалин деворга тақ этиб тегади. Қонун: «Истасанг гўзал нарсалар завқини суравер, бироқ унга фақат ҳалол йўл билан эриш, бошқа йўлдан яқинлашма!» — деган бўларди, албатта. Бироқ ҳалол меҳнат эвазига тўланадиган ҳақ озгина, кишининг силласини қуритади. Мабодо ана шу йўл ҳалдан ташқари олис бўлиб, ҳеч қачон гўзалликка элтмасдан, фақат оёқ ва юракка азоб берганигина қолса: борди-ю, гўзалликка майл кучлилик қилиб, одам тўғри йўлдан чиқса-ю, орзусига тезроқ етказадиган ёндош сўкмоққа ўтиб олса — унга биринчи бўлиб ким тош отади? Йўлдан адашган кишининг қайга одимлашини кўпинча ёмон ният эмас, балки ташналиги бошқариб боради. Мушоҳада юритишга одатланмаган нозик қалбни шум ният эмас, балки кўпинча кўнгилчанлик йўлдан оздиради.

Керри ҳашам ва дабдабалар оғушида бўлса ҳам бахтли эмасди. Бир замонлар Друэ атрофида парвона бўлиб юрганида: «Энди мен пиллапояннинг теңасига чиқиб олдим!» — деб ўйлаганди. Герствуд унга гўё энг яхши йўлни очганда: «Энди мен бахтиёрман!» — деб ҳаёл қилганди. Бироқ олам бемаъни қилғиликларига бош кўшмаган одамларга яқин ҳам боқмайди, Керри ҳам шу тариқа яккаю ёлғиз қолганди. Унинг ҳамёни муҳтожлик исқанжасида қолган одамларга ҳаминша очик эди. У Бродвейда айланиб юраркан, ҳаёт йўлида учраган кишиларнинг башангликларини энди ҳаёлига ҳам келтирмасди. Буларнинг ҳаётларида Керрини жилваси билан мафтуни қилғувчи уйғунлигу гўзаллик сероб бўлсагина — бу одамларга ҳавас қилса арзийди-да!

Друэ Керрини тинч қўйди, қайтиб қорасини кўрсатмади. Керри Герствуднинг ўлганини ҳатто билмай ҳам қолди. Йигирма еттинчи кўчанинг охиридаги пристандан ҳафталик сафарига шошилмай жўнаётган қора кема бош-

қа талай мурдалар қаторида Герствуднинг жасадини ҳам эгасиз ўликлар кўмиладиган қабристонга олиб кетди.

Керрининг ана шу икки одам билан муносабати шу тарика бутунлай узилди. Буларнинг Керри такдирига таъсири унинг мақсад йўлидаги интилишини билан изоҳланади. Буларнинг иккови ҳаётда муваффақият қозонишдек ишнинг пирларидек туюлган пайтлар ҳам бўлганди. Улар Керрига ҳаётдаги энг эзгу нарсаларни ўзларида мужассам этган кишилар, дабдаба ва осойишталикнинг кўлларида ажойиб ишонч ёрликлари бўлган мухтор элчилари эдилар. Улар тақдим этган оламнинг Керрига кизиги қолмагандан кейин, табиийки, элчиларга истеъфо маъкул кўрилди. Мабодо Герствуд аввалгидай яна зўр тортиб, доврўқ таратганида ҳам Керрини энди барибир ром қилолмасди. Керри Герствуднинг дунёси ҳам, ўзининг хозирги мавқен ҳам саодат бахш эта олмаслигини биларди.

Мана, Керри ёлғиз ўзи ўтирибди. Унга қараб туриб, хислари ақлидан устун келган кишининг гўзаллик пайида кинғир-қийшиқ йўлларда аданиб юрганлари хақида кўн нарсаларни хикоя қилса бўлади. У гарчи умидлари чиппака чиқса ҳам, эзгу орзу-умидлари рўсбга чиқади-ган ўша кун келишига қайта-қайта кўз тутарди. Эмс унга бундан кейинги қадамини қаёққа ташлашни кўрсатиб берди, бироқ Керри бундай қилиш учун олдинга қараб кўн юриши, ҳа, мўл-кўл йўл босини керак бўлади.

Шунда у рўпарасида ҳаётнинг олис-олислардаги чўккиларини ёритиб турган буюк шодийна шўъласини умрбод кўриб туради.

О, Керри, Керри! О, инсон кўнглининг сўқир майллари! У гўзаллик бошлаётган томонга интилиб: Олға! Олға! — деб кистагини кўймайди. Сокин яйловдаги ёлғиз совлиқнинг бўйнидаги кўненироғи жинчиллайдими, кишлоқ гўшаси ялт этиб жилва қиладими, оний шгоҳ қалбингизга чўғ ташлайдими барибир, юрак сезади, акси садо беради, унинг истиқболига ошиқади. Фақат оёқ толиб, умидлар пучга чиққанида, юрак эса эзилиб, азобда қолганида билгинки, сенга зерикниш ҳам, мамнуният ҳам насиб бўлмайди. Сен деразанг ёнидаги тебратма стулда орзуга берилиб ва сиқилиб ўтираверасан! Дераза ёнидаги тебратма стулингда ўзинг ҳеч қачон нашъасини су-ролмайдиган бахтингни орзу қилаверасан!